# ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

## ХОТИРА КИТОБИ

### АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

(1865 – 1991 ЙИЛЛАР)

II ҚИСМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТУЗИЛМАСИДАГИ
«ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ» МУЗЕЙИ

# ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРА КИТОБИ

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

### (1865 – 1991 ЙИЛЛАР)

### II ҚИСМ

Тошкент
«Akademnashr»
2021

**УЎК: 94(575.122)**
**КБК: 63.3(5Ўзб)**
**Қ 28**

**Қ 28** Қатағон қурбонлари хотира китоби Андижон вилояти (1865 – 1991 йиллар) II қисм [Матн] : илмий-оммабоп /Р.Т. Шамсутдинов [ва бошқ.]. – Тошкент: "Akademnashr" NMM,2021. – 448 б.

ISBN 978-9943-6964-3-3

УЎК: 94(575.122)
КБК: 63.3(5Ўзб)

Муаллифлар:
**Шамсутдинов Рустамбек Темирович** – тарих фанлари доктори, профессор;
**Ҳасанов Жасурбек Маматқодирович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD);
**Тажимирзаев Элёрбек Акрамович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD);
**Иминов Жасурбек Тўлқинович** – таянч докторант;
**Хомидов Дилшодбек Илҳомивич** – таянч докторант. деб ёзилади.

*Тарих – ҳақгўй ва бешафқат мураббий. У миллат юзига ойна тутади, унга ўзлигини, ўтмишини, бугунини ва келажагини рой-рўст кўрсатади. Ушбу китобда миллатимизнинг рус ва совет мустамлакачилиги даврида қатағон қилинган, сокин турмуши тамомила издан чиқарилган, олис ва совуқ ўлкаларга сургун қилинган, жисмонан маҳв этилган етук намояндалари тақдири қаламга олинган. Китоб тарихчи олимлар, тарих йўналишида изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар, талабалар, ўқувчилар ва юртимиз тарихига қизиққанлар учун мўлжалланган.*

ISBN 978-9943-6964-3-3
© Akademnashr, 2021

# «УЧЛИК»ЛАР ҲУКМИ БИЛАН ОТУВГА ВА ГУЛАГ ЛАГЕРЛАРИГА ҲУКМ ҚИЛИНГАНЛАР

**541. Қорабоев Мулла Собир** (1896 йилда Андижон райони Миробод қишлоғида туғилган, босмачилар тўдаси йигити, икки марта босмачилик фаолияти учун қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик кайфиятини тарқатганликда, уларни ҳукуматга қарши исёнчилик ҳаракатига чақирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**542. Қорақулов Мансур** (1886 йилда Ойим райони Оқмасжид қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1932 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 5 йилга судланган, босмачилик ҳаракати вақтида қўрбоши билан яқин алоқада бўлган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни Совет Иттифоқига қарши курашаётган чет давлатларга ёрдам беришга чақирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**543. Қорамандиев Абдулмуталиб** (1897 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Йирик савдогар бой оиласидан, қулоқ, 1930 йилда қулоқ қилинган, «Миллий иттиҳод» миллатчи аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, аксилинқилобий фаолияти туфайли 5 йилга қамалган, сургунда бўлган, илгари Маҳкам қўрбоши бошчилигидаги босмачилар тўдасининг иштирокчиси бўлган. Қамоққа олинган вақтда Госсемфонд (Давлат уруғчилик фонди) дўкончасида мудир бўлган) аксилинқилобий гуруҳ йиғилишларининг фаол ташкилотчиси ва иштирокчиси бўлганликда, Совет давлати билан курашга даъват қилганликда, миллий иттиҳодчи, троцкийчи, бухаринчи халқ душманларининг отиб ташланганлигидан афсус билдирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли барча мулк мусодара этилган[1].

**544. Қорахўжаев Сўфи** (1892 йилда Марҳамат райони Қорақўрғон қишлоғида туғилган, 1931 йилда қулоқ қилинган, 1932 йилда ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди бўйича жавобгарликка тортилган, босмачиликка хайрихоҳлик қилган)

[1] Унинг фаолияти ҳақидаги маълумотлар: Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б.225 – 331.

қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришга қарши антисовет тарғиботи олиб борганликда, пахта теримида иш ташлаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди ва 70-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**545. Қорачаев Ҳайдар** (1891 йилда туғилган, Қўрғонтепа райони Қодирча қишлоғида яшаган. Собиқ қулоқ, босмачилик даврида Мулла Расқул тўдасида бўлган, 1930 йилда қулоқ қилинган, қатағондан Қошғар (Хитой)га қочган, 1933 йилда қайтган. Қамоққа олинган вақтда «Социализм» колхози аъзоси) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 12 сентябрдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**546. Қорёғдиев Мамазокир** (1892 йилда Ворошилов райони Ширден қишлоғида туғилган, босмачиликнинг фаол иштирокчиси, 1934 йилда қишлоқ фаолини ўлдирганлиги учун 10 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи мағлубиятини ташвиқ қилганликда, совет ҳукуматига қарши курашиш учун босмачилар тўдасини тузишни қўллаб-қувватлаганликда, монархия тузумини мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**547. Қосимов Абдужаббор** (1875 йилда Сталин райони Шерқўрғон қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик ҳаракати иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Ўзбекистонда миллий буржуа давлатини тиклаш тўғрисида ташвиқот қилганликда, халқ душманларини мақтаганликда, Сталин Конституцияси тўғрисида бўҳтон гаплар айтганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 26 июлда оқланган.

**548. Қосимов Асқарали** (1903 йили туғилган, Сталин райони Найман қишлоғидан, йирик қулоқнинг ўғли, қулоққа тортилган, собиқ босмачи, советларга қарши фаолияти учун, босмачилик босқинлари учун бир неча марта қамоққа олинган, 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган) колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши қаратилган тарғибот олиб борганликда, кол-

хозлардаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий иғвогарона мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**548. Қосимов Баҳром** (1892 йилда Сталин (Шаҳрихон) райони Назармаҳрам қишлоғида туғилган, ЖК 230-моддаси билан 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, 3 марта ўғирликда гумон қилиниб огоҳлантирилган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган) 1934 йилдан бошлаб ўғирлик ва товламачилик билан шуғулланганликда, 1937 йил декабрда жиноятчилар гуруҳи билан ўтиб кетаётган фуқароларга нисбатан босқинчилик қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 4 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (67-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**549. Қосимов Дадажон** (1880 йилда туғилган, Андижон райони Хирабек қишлоғида яшаган, помешчик оиласидан. Собиқ қулоқ, 1932 йилда қулоқ қилинган, 1931 йилда аксилинқилобий ташвиқоти учун қамоққа олинган, қамоқдан қочган. Қамоққа олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**550. Қосимов Ориф** (1894 йилда Қирғизистон ССР Навқат районида туғилган, савдогар-бой оиласидан, ўзи собиқ савдогар, отаси билан бир хўжаликни бошқарган, илгари Холхўжа эшон тўдасининг йигити бўлган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) совет ҳукуматига қарши душманлик кайфиятида бўлиб, мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. Жиноий иш НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 6 сентябрдан ҳисобланган.

**551. Қосимов Полвон** (1896 йилда Балиқчи райони Полвонкўл қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида колхоз ва колхозчилар тарқатилишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни аксилинқилобий исён ташкил этишга чақирганликда, Совет Иттифоқи мағлубиятини ташвиқот қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**552. Қосимов Самсоқ** (1880 йилда Ленин райони Бахрин қишлоғида туғилган, 1930 йилда қулоқ қилинган, 1932 йилда 1 йилга мажбурий меҳнатга ҳукм қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**553. Қосимов Соли** (1903 йилда Сталин райони Сталин қишлоғида туғилган, «Шўрои ислом» ташкилотининг собиқ аъзоси, 1929 йилда миллатчи акслинқилобий ташкилотдаги иштироки учун ВКП (б) дан чиқарилган, 1929 йилда миллатчи-акслинқилобий гуруҳдаги иштироки учун судланган. Қамоққа олинган вақтда хизматчи бўлган) ноқонуний аксилинқилобий йиғинларда иштирок этганликда, ҳукумат ва партия тадбирларига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**554. Қосимов Султонбой** (1880 йилда Пахтаобод райони Кўктўнли қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қатағондан қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 октябрдан ҳисобланган. 1990 йил 14 мартда оқланган.

**555. Қосимов Харин** (1892 йилда Ленин райони Бахрин қишлоғида туғилган, қулоқ, 1930 йилда 3 йил қамоқ ва 3 йил сургун жазосига ҳукм этилган, жазони ўтаган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, троцкийчиларни мақтаганликда ва уларнинг аксилинқилобий фаолиятини қўллаб-кувватлаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди ва 67-модда. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**556. Қосимов Худойберди** (1911 йили туғилган, Балиқчи район Балиқчи қишлоғидан, 1933 йили ўғирлик учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, 1937 йили 2 марта ўғирлик учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўташдан қочиб яшириниб юрган, ўғирлиги учун 3 марта қўлга тушган, 1932 йилдан аниқ машғулоти йўқ) жазони ўтамай лагерлардан қочиб келганликда, жиноятчилар билан ало-

қада бўлиб, ўғирлик ва қимор билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 14 августдан ҳисобланган.

**557. Қосимохунов Искандарохун** (1888 йилда Қошғарда (Хитой) туғилган, собиқ қулоқ, 1930 йилда чорва ўғирлагани учун 5 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) лагер қамоғидан озод бўлгач, 1934 йилдан буён жиноий унсурлар билан бирикиб, колхозчилар мулкини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 231-моддаси. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**558. Қосимхўжаев Аҳрорхон** (1908 йилда Ойим райони Тошлоқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган) колхозчилар орасида мунтазам равишда советларга қарши акслинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**559. Қосимхўжаев Нишонбой ҳожи** (60 ёшда (1877 йилда туғилган), Асака райони Қўнғирот қишлоғидан, ўзбек, 1930 йили қулоққа тортилган. 1930 йили колхозни ер билан таъминлашга қарши ҳаракат қилгани учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазони ўтаб қайтган, ҳибсга олингунга қадар бирон жойда ишламаган) аксилинқилобий, исёнчи гуруҳнинг иштирокчиси сифатида Ниёзботир масжидида, Норхўжаев, Шаҳобиддинов ва Бойманов уйларидаги яширин йиғинларда иштирок этганликда айбланган. Аксилинқилобчи троцкийчиларнинг террорчилик фаолиятини маъқуллаб гапирган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 20 августдаги 4-баённомаси қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

**560. Куваталиев Даврон** (1887 йили Избоскан райони Тўрткўл қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1931 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини бузишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо

муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 26 мартда оқланган.

**561. Қўзибоев Мамажон** (1887 йилда Балиқчи райони Еттиқашқа қишлоғида туғилган. Собиқ қулоқ, 1932 йилда қулоқ қилинган, руҳоний, аксилинқилобий тарғиботи учун уч марта колхоздан чиқарилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, ишдан бўйин товлашга даъват қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-қисм 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 августдан ҳисобланган. 1990 йил 3 майда оқланган.

**562. Қўзибоев Тошболта** (1875 йили туғилган, Марҳамат райони Ҳакка қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1933 йили қўй ўғирлагани учун колхоздан чиқарилган, қатағондан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхозда ишлаган) аҳоли орасида колхозларнинг тарқатилиб юборилгани ва якка хўжаликнинг тиклангани тўғрисида аксилинқилобий мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. 1990 йил 16 мартда оқланган.

**563. Қўзиев Зиёмавли** (1883 йили туғилган, Андижон райони Хартум қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари шаънига иғвогарона сўзлар айтганликда, колхоздаги очарчилик ҳақида мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**564. Қулматов Мирза·** (1904 йилда Жалолқудуқ райони Янгикўрпа қишлоғида туғилган, савдогарнинг ўғли. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) Ҳосилдорлик кенгашининг раиси бўла туриб пахта терими даврида колхозда аксилинқилобий иш ташлаш уюштирганликда, колхозда меҳнат интизомини барбод қилганликда, колхозчиларга уриш орқали зуғум ўтказганликда, ҳўл меваларни ўғирлашда иштирок этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 сентябрдан ҳисобланган.

**565. Қурбоналиев Исроил** (1890 йилда Ворошилов райони Оқшувоқ қишлоғида туғилган, 1932 йилда қулоқ қилинган, ўша йили судланган, 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. Қамоққа

олингунга қадар «Ижтимоият-Қадам» колхозининг аъзоси) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 16 мартда оқланган.

**566. Курбоналиев Ҳасанбой** (1854 йилда Хўжаобод райони Яман қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда совет ҳукуматига, колхоз қурилишига қарши акслинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**567. Қурбонов Болтабой** (1906 йилда Пахтаобод районида туғилган, 1936 йилда ЖК 97-моддаси бўйича судланиб, 1 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) лагер қамоғидан озод бўлгач, ўғрилик билан шуғулланишда давом этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226-моддаси. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 декабрдан ҳисобланган.

**568. Қурбонов Ғоиб** (1884 йилда Ворошилов районида туғилган, босмачилик ҳаракатининг иштирокчиси, 1933 йилда чорва ўғирлагани учун 6 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) жиноий унсурлар билан алоқада бўлиб, колхозчилар чорвасини ва колхоз омборини ўғирлаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226- ва 230-моддалари. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 декабрдан ҳисобланган.

**569. Қурбонов Комил** (1897 йилда Андижон шаҳрида туғилган, собиқ қулоқ-савдогар, қулоқ қилинган, судланган) колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, советларга қарши иғво мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**570. Қурбонов Қаюмжон** (1898 йилда Андижон шаҳрида туғилган, собиқ қулоқ, отаси ва икки акаси билан қатағондан қўрқиб Қошғарга қочган, ака-

ларидан бири капиталистик давлат элчихонасида ишлаган. Қамоққа олинган вақтда магазин мудири бўлган) доимий равишда исёнчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий мақсадларда акаси билан алоқада бўлганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик ҳақида уйдирма гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.



Қурбонов Қаюмжон



Ўғли Қаюмов Абдувоҳид

**571. Қурбонов Мирза Қодир** (1894 йилда Марҳамат райони Марҳамат қишлоғида туғилган, 1934 йилда қулоқ қилинган, ўша йили ЎзССР ЖК 140-, 142-, 148-моддалари билан 7 йилга қамалган. Қамоққа олингунга қадар колхоз раиси бўлган, ишёқмаслиги туфайли олиб ташланган) советларга қарши тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 октябрдан ҳисобланган.

**572. Қурбонов Мулла Содиқ** (1887 йилда Балиқчи райони Иккинчи Хўжаобод қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1933 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йилга қамалган, босмачилик ҳаракати иштирокчиси, қўрбоши. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Сталин Конституцияси шаънига туҳмат гаплар айтганликда, Афғонистондаги ҳаётни мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 25 июлда оқланган.

**573. Қурбонов Содиқ** (1912 йилда Нахтаобод райони Пахтаобод қишлоғида туғилган, СССР фуқароси, миллати уйғур, паспортга эга эмас, 1933 йилда 2 йилга қамалган) жазони ўтаб қайтгач, расман колхоз аъзоси бўлса-да, ҳеч қаерда ишламаганликда, колхоз мулкини мунтазам талон-торож қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 ноябрдан ҳисобланган.

**574. Қурбонов Ўроқбой** (1883 йилда Ойим райони Дардоқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, колхоздан

чиқарилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**575. Қурбонов Эминжон** (1911 йилда Пахтаобод райони Файзиобод қишлоғида туғилган, 1936 йилда қуролли ўғрилик учун 6 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) лагердан қочиб, поездларда ўғрилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226- ва 106-моддалари. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**576. Қурбонов Эргаш** (1902 йилда туғилган, савдогар, ўқотар қуроли сақлаганлиги ҳамда аксилинқилобий тарғиботи учун икки марта судланган ва икки марта қамоқдан Қошғарга қочган. 1935 йилда ВКП (б) сафидан чиқарилган. Қамоққа олинган вақтда «Ёш ленинчи» колхозининг аъзоси бўлган) мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхоздан чиқишга, уюшган саботажга даъват қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**577. Қурбонҳожиев Мулла Аҳмаджон** (1877 йилда Хўжаобод райони Роиш қишлоғида туғилган, бой оиласидан, имом. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) СССРдаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий фикрлар тарқатганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, аҳоли орасида диний хурофот ёйганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 декабрдан ҳисобланган. 1990 йил 20 апрелда оқланган.


Қурбонҳожиев Мулла Аҳмаджоннинг ўғли Қурбонҳожиев Ҳакимжон

**578. Қурчиев Икромитдин** (1898 йилда Избоскан райони Тўрткўл қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда совхоз ишчиси бўлган) ишчилар орасида мунтазам равишда совет ҳукумати сиёсати

ва мавжуд тузумга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**579. Кутиев Мадумар** (1882 йилда Ворошилов райони Хўжамшукур қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, аксилинқилобий фаолияти учун судланган, 5 йилга озодликдан маҳрум этилган, жазони ўтамай қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий гуруҳларнинг йиғинларида иштирок этиб, аҳолини совет ҳукуматига қарши курашиш учун бирлашишга чақирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**580. Қўчқоров Комилжон** (1913 йилда Андижон шаҳрида туғилган, қулоқнинг ўғли, аксилинқилобий жинояти учун қамалган, тайинли машғулоти ва яшаш жойи йўқ, паспортга эга эмас, 1932 йилда ўғрилик учун 5 йилга қамалган) ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, шаҳарма-шаҳар юриб ўғрилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 20 октябрдан ҳисобланган.

**581. Қўчқоров Қори** (1902 йилда Балиқчи райони Чўнқайма қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, мингбошининг ўғли, тайинли машғулоти йўқ, паспортга эга эмас, 1934 йилда ўғрилик учун 5 йилга озодликдан маҳрум этилган, қамоқдан қочган ва 1935 йилда яна қамалган) ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган.

**582. Қўчқоров Нишонбой** (1897 йилда Андижон райони Миробод қишлоғида туғилган, илгари қўрбоши бўлган, босмачиликда айбланиб 3 йилга судланган, собиқ қулоқ. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик, исёнкорлик кайфиятидаги тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**583. Қўчқоров Ҳожибой** (1891 йилда Избоскан райони Яккатут қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан қочган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) қулоқларнинг аксилинқилобий йиғини иштирокчиси бўлганликда, мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борган-

ликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**584. Қўшоқов Ўринбой** (1885 йилда Сталин райони Вахим қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачиликнинг фаол иштирокчиси, қўрбоши, 1928 йилда бандитлик ва қотиллик қилгани учун 6 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) лагердан озод бўлгандан кейин жиноятчи-бандит унсурлар билан алоқада бўлиб, бандитлик қилишда давом этганликда, аҳоли орасида акслинқилобий исёнчилик ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**585. Лакуев Сулаймон Егорович** (1897 йилда Северо-Осетинск области Магометанск райони Магометанск қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган) Северо-Осетинскдаги қўзғолонда иштирок этган акасини яширганликда, Совет Иттифоқидаги ҳолат ва уруш тўғрисида мунтазам равишда совхоз аъзолари орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**586. Лапазов Эргаш** (1898 йилда Ойим райони Қўртқи қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1933 йилда аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиги учун 10 йил қамоқ жазосига тортилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида СССРдаги очарчилик тўғрисида тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни хўжаликдан чиқишга тарғиб этганликда, монархия тузумини қўллаб-қувватлаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**587. Лапшин Егор Васильевич** (1907 йилда Сталинград ўлкаси Берёзовка қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда автотрактор парки механиги бўлган) аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий фикрлар билдирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**588. Либардин Николай Иванович** (1910 йилда Рыбенск райони Покровск қишлоқ советида туғилган, миллати рус, тайинли машғулоти йўқ, 1934 йилда ижтимоий зарарли унсур сифатида Горький шаҳрида 3 йилга қамалган) ижтимоий меҳнат билан шуғулланмай, шаҳардан шаҳарга ўтиб ўғрилик билан шуғулланганликда айбланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 октябрдан ҳисобланган.

**589. Лошинин Петр Яковлевич** (1905 йилда Саратов ўлкаси Аткарский райони Медведевка қишлоғида туғилган, 1930 йилда қулоқ қилинган, шундан сўнг Ленин райони Федченко номли станцияда яшаб юрган, Қува нон заводида прораб бўлиб ишлаган) совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, фаол ишчиларга нисбатан тажовузкор муносабатда бўлганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Ленин райони бўлими томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати кўрсатилмаган.

**590. Луқмонов Қорабой** (1881 йилда Балиқчи райони Товулди қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1934 йилда давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамоқ жазосига тортилган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Олий Советга сайлов ўтказишда иштирок этишга қарши гапирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. 1990 йил 26 мартда оқланган.

**591. Мавлонқулов Ўктам** (1891 йилда Андижон райони Латта қишлоғида туғилган, собиқ фаол босмачи. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий исёнчи гуруҳ фаол аъзоси бўлганликда, бир неча бор ҳукуматни ағдариш учун қуролли қўзғолонга тайёргарлик масалалари кўрилган ноқонуний йиғинларда қатнашганликда, аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**592. Мавлонов Қорабой** (1889 йилда туғилган, Избоскан райони Элатон қишлоғида яшаган, қулоқ қилинган, 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айб-

ланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 14 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 11 апрелда оқланган.

**593. Мавлонов Ҳамроқул** (1876 йилда Ленин райони Қоратепа қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, муҳожирликда бўлиб қайтган, хорижда қариндошлари бор. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) қишлоқ бошқарувини ўз қўлига олиш ва пахта теримини барбод этишни мақсад қилиб олган аксилинқилобий қулоқлар гуруҳи аъзоси бўлиб, мунтазам равишда колхозчилар орасида колхознинг бузилишига йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, монархияча тузумни мақтаганликда, халқ душманларининг қамоққа олинганлигига ачиниш билдирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 23 февралда оқланган.

**594. Мавлонов Ҳамроқулҳожи** (1876 йилда туғилган, Пахтаобод райони фуқароси, собиқ қулоқ, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 октябрдан ҳисобланган.

**595. Мавлонов Ҳусанбой** (1894 йилда туғилган, Балиқчи райони Сиза қишлоқ советидаги Маликчек қишлоғида яшаган. Собиқ қулоқ, 1933 йилда қулоқ қилинган, қочган, яшириниб юрган. Қамоққа олинган вақтда Қаҳрамон номли колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозда ишлашга қарши чиқишлар қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-қисм 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 17 октябрдан ҳисобланган

**596. Мадазимов Абдуҳалил** (1885 йилда Хўжаобод райони Учтепа қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, пахта терими даврида ишдан бўйин товлаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 2 декабрдан ҳисобланган.

**597. Мадазимов Мамашарип** (1898 йилда Андижон райони Уйшун қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик ҳаракати иштирокчиси, 30 нафар милиционернинг дўппосланиши ва отилишида иштирок этган, 1930 йилда коллективлаштиришга қарши қўзғолон иштирокчиси, 1936 йилда колхоз пулини ўзлаштирганлиги учун қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини қўллаб-қувватлаганликда, колхоз пахтасини ёқишга ҳаракат қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 26 июлда оқланган.

**598. Мадазимов Мирзабой** (1879 йилда Ленин райони Бахрин қишлоғида туғилган, 1930 йилда қулоқ қилинган, ўша йили 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида совет ҳукумати ва культивизацияга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**599. Мадалиев Мулла Аҳмаджон** (1887 йилда Ойим райони Дардоқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхознинг бузилишига йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**600. Мадалиев Ҳайитқул** (1899 йилда Ворошилов райони Хидирша қишлоғида туғилган, миллати қирғиз, босмачи, 1932 йилда қулоқ қилинган, ўша йили ЎзССР ЖК 80-моддаси бўйича судланиб 2 йилга озодликдан маҳрум этилган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 18 ноябрдан ҳисобланган.

**601. Мадалимов Уста Нурмат** (1870 йилда Қирғизистон ССР Ўш шаҳрида туғилган, савдогар, қулоқ. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида пахта теримини бузишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда,

совет ҳукуматига қарши туҳмат қилганликда, колхозчиларни пахта терими бўйича нормани бажармасликка даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 октябрдан ҳисобланган.

**602. Мадаминқориев Мулла Мадамин** (1906 йилда туғилган, Балиқчи райони Еттиқашқа қишлоқ советида яшаган. Бой хонадонидан, руҳоний – имом. Қамоққа олинган вақтда имомлик қилган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозда ишлашга қарши чиқишлар қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-қисм 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 14 октябрдан ҳисобланган.

**603. Мадаминов Боймат қори** (1869 йили Ленин райони Қўнғирот қишлоғида туғилган, савдогар оиласидан, руҳоний. 1929 йили қулоққа тортилган. 1927 йили хотин-қизларни озод қилишга қаршилик кўрсатгани учун қамоққа олинган. Ҳибсга олингунга қадар дин хизматчиси, имом бўлган) аксилинқилобий, исёнчи, миллатчи, руҳониятчи ташкилот қатнашчиси, интервенция ёрдамида қурол кучи билан совет ҳокимиятини ағдариш ва Ўзбекистонда мусулмон давлати – «Мусулмонобод»ни қуришни ўз вазифаси билиб, аҳоли ўртасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик, колхозга қарши тарғибот олиб борган деган айб қўйилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги қарорига кўра (8-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**604. Мадаминов Маткарим** (1874 йилда туғилган, Андижон райони Далварзин қишлоғи фуқароси, қулоқ қилинган, 1930 йилдаги аксилинқилобий исёнкорлар ҳаракатининг фаол иштирокчиси, собиқ босмачи. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, қишлоқ фаолларига нисбатан зўравонлик кайфиятида бўлганликда, монархия тузуми ва хориждаги ҳаётни мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**605. Мадаминов Саримсоқ** (1882 йилда Балиқчи райони Гурвон қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда совет ҳукуматининг тез кундаги ҳалокати тўғри-

сида мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 14 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 23 февралда оқланган.

**606. Мадаминов Сулаймон** (1890 йилда Ворошилов райони Чимён қишлоғида туғилган, Эргаш ва Холхўжа қўрбошилар тўдасида босмачи бўлган. Қамоққа олинган вақтда махсус кўчирилганлардан бўлган) махсус кўчирилганлар орасида совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, махсус кўчирилганларни артелларга бирлашишга қарши даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**607. Мадаминов Шамсутдин** (1882 йилда Ленин шаҳрида туғилган, собиқ қулоқ, мингбоши, унинг буйруғи билан 7 киши ўлдирилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мағлубиятчилик руҳида ташвиқот олиб борганликда, монархия тузумини қўллаб-қувватлаганликда, СССРдаги камбағалчилик ҳақида тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**608. Мадвалиев Айсабой** (1894 йили туғилган, Ворошилов райони Султонобод қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) аксилинқилобий гуруҳ аъзоси бўлиб, унинг кўрсатмаси бўйича тарғибот юритганликда, колхоздаги очарчилик ҳақида иғвогарона мишмишлар тарқатганликда, яқин орада бўладиган уруш, ҳокимиятнинг ўзгариши ва «Мусулмонобод»нинг тикланиши ҳақида ташвиқот қилганликда, халқ душманлари ҳақида ачиниб гапирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**609. Мадғозиев Уста Соиб** (1880 йилда Ленин райони Пахтаобод қишлоқ советидаги Дўрмон қишлоғида туғилган. Собиқ қулоқ, 1931 йилда қулоқ қилинган, шу йилда қатъий топшириқларни бажармаганлиги туфайли 3 йилга озодликдан маҳрум этилган ҳамда 5 йилга сургун қилинган. Сургундан қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхоз раисини ўлдиришга ҳаракат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси

«учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 14 сентябрдан ҳисобланган. 1990 йил 27 мартда оқланган.

**610. Мадёров Аҳмаджон** (Ленин райони Холмат қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1933 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йилга судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик ва исёнчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга ва ҳукуматга қарши қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўришга чақирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**611. Мадёров Бўта** (1894 йилда Избоскан райони Қўғай қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачиликнинг фаол иштирокчиси, қўрбоши, 1923 йилда босмачилик қилгани учун 6 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз бригадири бўлган) аҳоли орасида аксилинқилобий исёнчилик ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**612. Мадёров Эминжон** (1900 йилда Хўжаобод райони Чек қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**613. Мадиёров Холиқ** (1912 йилда Балиқчи райони Чинобод қишлоғида туғилган, бой хонадонидан, колхоздан чиқарилган, паспортга эга эмас) 1933 йилдан буён ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, жиноий унсурларга бирикиб мунтазам ўғрилик ва қимор ўйнаш билан машғул бўлганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 18 октябрдан ҳисобланган.

**614. Мадкаримов Абдукарим** (1901 йилда туғилган, Пахтаобод райони Жума қишлоғида яшаган, собиқ қулоқ, 1932 йилда аксилинқилобий фаолияти учун 5 йилга судланган, босмачилик ҳаракати иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчи фаолларни урганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди.

ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 октябрдан ҳисобланган.

**615. Мадраимов Қодир** (1894 йилда Ленин райони Эшакчи қишлоғида туғилган, собиқ бой, қулоқ, босмачилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси. Тайинли машғулоти йўқ) аҳоли орасида колхозга қарши мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати кўрсатилмаган.

**616. Мадраимов Мулла Тошпўлат** (1896 йилда Ойим районидаги қишлоқда туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда ишчи бўлган) совет ҳукуматининг жазоловчи сиёсатига оид тадбирларга нисбатан ашаддий туҳматчи бўлганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**617. Мадраҳимов Абдужалил** (1889 йилда Сталин райони Назармаҳрам қишлоғида туғилган, саводсиз, партиясиз, 1922 йилда аксилинқилобий фаолияти учун 10 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда «Оқ олтин» колхози аъзоси) 1917 – 1922 йилларда Мадаминбек ва Кўршермат бандасида бўлиб, совет ҳукуматига қарши қуролли қўзғолонлар олиб борганликда, 1919 йилда ноқонуний равишда Афғонистонга ўтиб, шу йили ноқонуний равишда собиқ Иттифоққа қайтганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 21 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (10-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**618. Мадраҳимов Абдураҳим** (1897 йилда Андижон райони Шувоқзор қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1932 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 5 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий қулоқ-босмачи исёнкор гуруҳ иштирокчиси сифатида совет ҳукуматига қарши қуролли курашишни уюштириш масалалари муҳокама қилинган махфий йиғинлар ташкиллаштирганликда, аҳоли орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги ҳолат тўғрисида туҳмат гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**619. Мадраҳимов Жўра** (1897 йилда Жалолқудуқ райони Қатортол қишлоғи-

да туғилган, босмачилик иштирокчиси, 1937 йил июль ойида пахтани қайта ишлашда талончилик қилганлиги учун ҳосилот кенгаши раислигидан озод қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида колхоз тузумига қарши тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни хўжаликдан чиқишга мажбур қилганликда, ҳосилот раҳбари бўлганда пахта экилишига зарар етказганликда, колхозларда очарчилик ҳақида тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.


Мадраҳимов Исроилнинг укаси Мадраҳимов Анваржон

**620. Мадраҳимов Исроил** (1910 йилда Жалолқудуқ райони Сўфиқишлоқ қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қатағондан қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) қулоқ-босмачилик гуруҳи аъзоси бўлганликда, пахта терими, колхоз фаолларига қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**621. Мадраҳимов Ма(ма)саид** (1878 йилда Жалолқудуқ райони Чигитир қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида мишмиш тарқатганликда, совет ҳукуматига тухмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**622. Мадраҳимов Мирзараҳимбойвачча** (1891 йили туғилган, Сталин райони Назармаҳрам қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, фаол босмачи, 1929 йили фаоллар устидан теракт қилгани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтамаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида очарчилик тўғрисида аксилинқилобий мишмишлар тарқатганликда, босмачилик қаҳрамонлигини мақтаганликда, аксилинқилобий мазмунда ашулалар айтганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**623. Мадраҳимов Усмонали** (1899 йилда Ойим райони Ойим қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1932 йилда аксилиниқилобий фаолияти учун 5 йилга судланган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) деҳқонлар орасида

доимий равишда колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги аҳвол тўғрисида бўҳтон ташвиқот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**624. Мадумаров Абдураззоқ** (1903 йилда Жалолқудуқ районидаги Жалолқудуқ номли қишлоқда туғилган, собиқ қулоқ, 1928 йилда қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда Ворошилов номли колхоздаги Ҳосилдорлик кенгаши раиси бўлиб ишлаган) совет ҳукуматига қарши душманлик кайфиятида бўлганликда, мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати ва партия раҳбарларига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 11 сентябрдан ҳисобланган.

**625. Мадумаров Аҳмадали бойвачча** (1880 йилда Ленин райони Эшакчи қишлоғида туғилган, йирик бой, 1930 йилда қулоқ қилинган, ўша йили 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган, жазони ўтаган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида совет ҳукуматига қарши мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**625. Мадумаров Худойберди** (1887 йилда Марҳамат райони Кулла қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қатағон бўлишдан яшириниб юрган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) деҳқонлар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, қўшни районларда босмачилар пайдо бўлгани тўғрисида мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**626. Мадумаров Ҳожиали** (1905 йилда Ленин шаҳрида туғилган, тайинли машғулоти йўқ, паспортга эга эмас, 1933 йилда ўғрилик учун 8 йилга қамалган, қамоқдан қочган) қамоқдан қочгач, ўғрилар билан алоқа боғлаб ўғрилик, қимор ўйнаш ва безорилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**627. Мазияев Нишон қори** (1876 йилда Сталин райони Полосон қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ-савдогар, илгари босмачиликнинг фаол иштирокчиси бўлган, советларга қарши фаолияти учун икки марта қамоққа олинган)

қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган. Атрофидагилари орасида мунтазам равишда колхоз қурилишига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, инқилобдан аввалги даврни мақтаганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 23 майда оқланган.

**628. Мақсудов Акром** (1880 йилда Балиқчи райони Оқтепа қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида совет ҳукуматига қарши акслинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**629. Мақсудов Мулла Қамбар** (1900 йилда туғилган, Андижон райони Қайирма қишлоғи фуқароси, собиқ имом. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) аҳоли орасида мунтазам равишда колхоз бузилишига йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 14 мартда оқланган.

**630. Мақсутов Борис Владимирович** (Пенза шаҳрида туғилган, миллати рус, тайинли машғулоти ва яшаш жойи йўқ, 1935 йилда 3 йилга қамалган) ўғри Калашников билан бирга Ўзбекистон шаҳарларида юриб ўғрилик билан шуғулланганликда айбланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**631. Малабаев Набил** (1919 йилда Балиқчи райони Балиқчи қишлоғида туғилган, тайинли машғулоти бўлмаган, паспортга эга эмас, судланмаган) 1935 йилдан буён ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, мунтазам равишда уй жиҳозларини ўғирлаш билан машғул бўлганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 22 октябрдан ҳисобланган.

**632. Мамадалиев Абдуллажон** (1896 йилда Андижон райони Далварзин

қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, босмачи тўдаси йигити бўлган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) иғво мишмишлар тарқатганликда, мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**633. Мамадалиев Аҳмадали бойвачча** (1882 йилда туғилган, Андижон шаҳри «Хурсандлик» маҳалласида яшаган, 1935 йилда қулоқ қилинган, 1930 йилдаги колхозга қарши аксилинқилобий исёнкор ҳаракатнинг ташкилотчиси, ўша йили 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий фикрлар тарқатганликда, қишлоқ фаолларига нисбатан тажовузкор кайфиятда бўлганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 октябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 июлда оқланган.

**634. Мамадалиев Дадабой** (1882 йилда Андижон райони Хартум қишлоғида туғилган, босмачилар тўдаси йигити бўлган, қулоқ, 1931 йилда пилла ғўракларига зарар етказганлиги учун жавобгарликка тортилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) 1932 йилдан бошлаб яшаш жойидан қочиб, жиноий унсурлар билан алоқа боғлаб, ўғрилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 декабрдан ҳисобланган.

**635. Мамадалиев Икромқори** (1891 йилда Пахтаобод райони Қўқонқишлоқ қишлоғида туғилган, диний хизматчи – мулла, имом. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг



Икромқорининг набираси Пулатжон ота ҳозирда кексалик гаштини сурмоқда, бугунги фаровон ҳаётдан жуда-жуда мамнун

1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

Икромқори Мамадалиев этап қилинган жойдан ўз юртига қайтиб келмаган. Унинг тақдири ҳанузгача аниқ эмас. Ундан бир ўғил – Рустамжон қолган, унинг ўғли Пўлатжон Қўқонқишлоқ МФЙда истиқомат қилмоқда. Пўлатжон ота падари бузруквори Рустамжондан бобоси ҳақида айрим гапларни эшитган. Икромқори қишлоқда катта имом ва табиб бўлган, унинг ҳузурига ҳар куни 10 – 15 киши шифо излаб ташриф буюрган. Ўзи имом бўлса ҳам, колхозда ишлаган. Ўша пайтда одамларнинг намоз ўқиши, масжидларга чиқиши тақиқланса ҳам, Икромқори масжидга чиқиб намоз ўқиб одамларни тоат-ибодатга чақирган. Бу ишлари колхоз раиси ва бошқа бошлиқларга ёқмаган. Ҳаттоки унга бир неча бор колхоз раиси сен далада ишлаётган одамларни ишдан қўйяпсан тоат-ибодатларинг орқали деб дўқ-пўписа қилган. Дадам бобонг 1937 йилда динга ўта берилганлиги учун қамоққа олинган бўлса керак дер эди. Бобом қамоққа кетгандан кейин қайтиб келмаган.

**636. Мамадалиев Кўчқор** (1903 йилда туғилган, Андижон райони Ажувозбоши қишлоғи фуқароси, 1930 йилда қулоқ қилинган, 1932 йилда пахта бўйича муҳим топшириқни бажармаганлиги учун 5 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда «Юқори ҳосил» колхозининг аъзоси бўлган) советларга қарши фикр билдирганликда, совет ҳукумати шаънига туҳмат гаплар тарқатганликда, «Юқори ҳосил» колхозидаги аксилинқилобий қулоқлар гуруҳи билан яқин алоқада бўлганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 октябрдан ҳисобланган. 1937 йил 21 ноябрда оқланган.

**637. Мамадалиев Мулла Ниёзбой** (1901 йилда туғилган, Андижон райони Ажувозбоши қишлоғида яшаган, 1931 йилда қулоқ қилинган, 1930 йилдаги аксилинқилобий исённинг фаол иштирокчиси, 1931 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 4 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий иғво тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган. 1989 йил 10 июлда оқланган.

**638. Мамадалиев Ҳайдарали** (1895 йилда Балиқчи райони Товулди қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик иштирокчиси, ҳибсга олинган пайтда

колхоз фаолларидан бўлган. Аксилинқилобий қулоқ-исёнчилар гуруҳи қатнашчиси, гуруҳ нолегал йиғинларида колхоз фаоллари устидан террорчилик актларини амалга ошириш масалалари ҳал қилинганда иштирок этган, аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғибот олиб борганликда айбланган, «Учлик»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилишида отувга хукм қилинган. 1989 йил 26 июлда оқланган.

**639. Мамадалиев Холмирза** (1897 йилда туғилган. Собиқ қулоқ. 1932 йилда 4 йилга судланган, жазони ўташ жойида қочган, қулоқ қилинган. Қамоққа олиниш вақтида Тельман номидаги колхоз аъзоси бўлган) мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда ва аксилинқилобий мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара қилинган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. 1989 йил 10 июлда оқланган.

**640. Мамадалиев Ҳайдарали** (1895 йилда Балиқчи райони Товулди қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик ҳаракати иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда колхоз фаолларидан бўлган) аксилинқилобий қулоқ-исёнчилар гуруҳи қатнашчиси бўлганликда, колхоз фаоллари устидан террорчилик актларини амалга ошириш масалалари ҳал қилинган гуруҳнинг ноқонуний йиғинларида иштирок этганликда, аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**641. Мамадалиев Ҳожимамат** (1902 йили туғилган, Андижон райони Завроқ қишлоғидан, собиқ савдогар, 1930 йилдан 1933 йилгача ВКП (б) аъзоси, пахта планини барбод қилгани учун ундан ўчирилган, 1934 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда, колхоз кассири бўлиб, 1500 сўм колхоз пулидан камомад қилганликда, колхоз ишига панжа орасидан қараганликда, деҳқонларнинг намойиши пайтида колхоздан чиқиб, бошқа районга кўчиб ўтганликда айбланган. «Учлик»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**642. Мамадаминов Абдулҳай** (1898 йилда Пахтаобод райони Избоскан қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) СССРдаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий иғво мишмишлари тарқатиб, тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг

1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**643. Мамажонов Абдураим** (1912 йилда Балиқчи райони Аълам қишлоғида туғилган, йирик савдогар ва заминдорнинг ўғли, қулоқ, қулоқ унсурларига ёрдам берганлиги учун судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида аксилинқилобий туҳмат тарқатганликда, подшо тузуми давридаги ҳаётни мақтаганликда, колхозчиларни ишга чиқмасликка даъват этганликда, Қошғарга қочиш ниятида бўлганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**644. Мамажонов Абдурашид** (1904 йилда Андижон райони Найдак қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1927 йилдан то 1933 йилга қадар ВКП (б) аъзоси, аксилинқилобий қулоқ гуруҳи иштирокчиси бўлганлиги учун партиядан чиқарилган, 1934 йилда жавобгарликка тортилган. Қамоққа олинган вақтда район ипакчилик пункти раҳбари бўлган) деҳқонлар орасида колхозга қарши аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, колхоз пахта қуритиш мосламасини ёқиб юборишга ҳаракат қилганликда, колхоз раиси бўлган вақтда 10 бош колхоз отларини сотиб юборганликда, собиқ қулоқларга иш кунларини ёзганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 26 июлда оқланган.

**645. Мамажонов Азимжон** (1901 йилда Андижон шаҳрида туғилган, қулоқ қилинган, махсус посёлкага сургун қилинган, у ердан қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида аксилинқилобий, партия ва ҳукумат тадбирларига қарши ташвиқот олиб борганликда, Иттифоқдаги очарчилик ҳақида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**646. Мамажонов Усмон** (1872 йилда Хўжаобод райони Роиш қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхоз қурилишига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозда ишдан бўйин товлаб, бошқаларни ҳам йўлдан урганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 3 майда оқланган.

**647. Мамазаетов Жўра бойвачча** (1891 йилда Ленин райони Қорашақ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 2 декабрдан ҳисобланган.

**648. Маманазаров Исроил** *(*1898 йили туғилган, Жалолқудуқ райони Чўнбоғиш қишлоғидан, бандитликда айбланиб икки марта судланган, жазо муддатини ўтамай қочиб келган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) икки марта судланганликда, қамоқ жойидан қочиб келганликда, жиноятчилар билан алоқани тиклаганликда ва тиланчилик билан шуғулланганликда айбланган. «Учлик»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**649. Маманазаров Мамажон** (1893 йилда Андижон шаҳрида туғилган, чаканачилардан, тайинли машғулоти ва яшаш жойи йўқ, 1936 йилда НКВД «учлиги» томонидан ижтимоий зарарли унсур сифатида 3 йилга қамалган, ўғрилик учун 7 марта вақтинча қамоқда ўтирган) ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, ўғриликни касб қилиб олганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 ноябрдан ҳисобланган.

**650. Маманиёзов Мулла Ботирали** (1896 йилда Ленин райони Деҳқонобод қишлоғида туғилган. Босмачилик даврида қўрбоши бўлган, Кўршермат томонидан ўқиш учун Афғонистондаги ҳарбий мактабга юборилган. Диний таълимга эга) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, собиқ босмачи, қўрбоши Кўршермат отрядларининг совет ҳукуматига қарши юришлари тўғрисида кўпорувчилик мишмишларини тарқатганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара қилинган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. 1989 йил 10 июлда оқланган.

**651. Маманов Мулла Ҳошим** (1895 йилда туғилган. Андижон райони Харабек қишлоғида истиқомат қилган, 1932 йилда қулоқ қилинган, жамоалаштиришга қарши чиққанлиги учун 1931 йилда ОГПУ доимий ваколатхонаси томонидан 4 йилга Украинага сургун қилинган. Қамоққа олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) мунтазам ра-

вишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 октябрдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**652. Мамаражабоев Абдуқаҳҳор** (1895 йилда Жалолқудуқ райони Чигитир қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**653. Мамаражапов Қорақурбон** (1899 йилда Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида туғилган, савдогарлардан, тайинли машғулоти ва яшаш жойи йўқ, паспортга эга эмас, 1935 йилда ўғрилик ва безорилик учун 3 йилга қамалган) 1935 йилда қамоқдан озод бўлгач, ҳеч қаерда ишламай, мунтазам равишда ўғрилик, безорилик ва қимор ўйнаш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 24 ноябрдан ҳисобланган.

**653. Мамарасулов Йўлдош** (1889 йилда Жалолқудуқ райони Гурунчмозор қишлоғида туғилган, қулоқ, босмачилик ҳаракатининг иштирокчиси, судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мунтазам равишда совет ҳокимиятига қарши иғво мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 22 февралда оқланган.

**654. Мамарасулов Қўлдош** (1884 йилда Жалолқудуқ райони Гурунчмозор қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 22 февралда оқланган.

**655. Мамарозиқов Мамарасул** (1887 йилда Пахтаобод райони Шувоқзор қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1932 йилда давлат мажбуриятини бажарма-

ганлиги учун 2 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида туҳмат гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 октябрдан ҳисобланган. 1990 йил 4 апрелда оқланган.

**656. Мамасаитов Каримжон** (1881 йилда Андижон райони Бўтақора қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган. 1990 йил 27 мартда оқланган.

**657. Мамасодиқов Мамазокир** (1880 йилда Андижон райони Бўтақора қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида мунтазам равишда СССРдаги очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган. 1990 йил 27 мартда оқланган.

**658. Мамасолиев Ортиқ** (1882 йилда Ойим райони Тожикқишлоқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1937 йилда 2 йилга қамалган, 1930 йилда колхозга қарши ҳаракатда фаол иштирок этган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 24 апрелда оқланган.

**659. Мамасолихўжаев Қодирали** (1886 йилда Избоскан райони Мойгир қишлоғида туғилган. Шу ердаги «Большевик» колхози аъзоси бўлган) 1937 йил 9 августда қамалган. 1990 йил 15 февралда оқланган.

**660. Маматалиев Шодмон** (1876 йилда Қирғизистон ССР Тошкўмир районида туғилган, собиқ қулоқ, 1929 йилда қулоқ қилинган, ўша йилда 5 йил сургунга ҳукм этилган, қатағондан яшириниб юрган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхоз

тизимига қарши қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни уюшган тарзда колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган.

**661. Маматалиев Эргаш** (1905 йилда Пахтаобод райони Кўқонқишлоқ қишлоғида туғилган, тайинли машғулоти йўқ, паспортга эга эмас, 1934 йилда қорамол ўғирлагани учун 3 йилга ва 1936 йилда пахта экилишини атайин бузганлиги учун 1 йилга қамалган. 1935 йилдан буён ҳеч қаерда ишламай, қимор ўйнаш, ичкиликбозлик ва чайқовчилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 23 сентябрдан ҳисобланган.

**662. Маматисломов Маматурди** (1907 йили туғилган, Ворошилов райони Султонобод қишлоғидан, собиқ кулоқ, отаси билан кулоқ қилинган, аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм қилинган, қўрқув остида қочган ва Қошғарда яшаган. 1934 йили ўғирлик қилгани учун халқ суди 3 йил қамоққа ҳукм қилган, ҳибсга олинган вақтда новвойхонада хамир қорувчи бўлган) аксилинқилобий йиғин иштирокчиси ва унинг топшириғига мувофиқ аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, яқин орада фашистлар билан бўлажак уруш ва Ўзбекистонда мусулмон ҳокимияти тикланиши ҳақида ташвиқот юритганликда, колхоз тузумига қарши гаплар айтганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда, якка хўжалик катта фойда беришини сабаб қилганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**663. Маматқулов Абдуқодир** (1860 йила Избоскан райони Туячи қишлоғида туғилган, йирик бойнинг ўғли, 1935 йилда судланган ва «Бекобод» совхозига бадарға қилинишга ҳукм этилган, ўша йили кулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий миллатчилик тарғиботини олиб борганликда, совет ҳукумати тадбирларига қарши туҳмат тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 21 майда оқланган.

**664. Маматқулов Бегмат** (1883 йилда Пахтаобод райони Миёнқа қишлоғида туғилган, собиқ кулоқ. Қамоққа олинган

вақтда колхозчи бўлган) акслинқилобий исёнчи гуруҳ фаол аъзоси бўлганликда, бир неча бор ҳукуматни ағдариш учун қуролли қўзғолонга тайёргарлик масалалари кўрилган ноқонуний йиғинларда қатнашганликда, аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**665. Маматқулов Мирҳаким** (1882 йилда туғилган, Балиқчи райони Еттиқашқа қишлоқ советида яшаган. Собиқ қулоқ, 1932 йилда қулоқ қилинган, 1930 йилда қатағондан қўрқиб қочган, яшириниб юрган, босмачилар тўдасининг қўрбошиси бўлган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, пахта даврида ишдан бўйин товлашга даъват қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-қисм 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 14 октябрдан ҳисобланган.

**666. Маматқулов Отамирза** (1885 йилда Избоскан райони Мойгир қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозга қарши мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1991 йил 26 июлда оқланган.

**667. Маматқулов Ҳамид** (1885 йилда Марҳамат райони Гаргар қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, илгари фаол босмачи бўлган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлмаган. Колхозчилар орасида колхозни бузишга йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 28 декабрда оқланган.



Маматқулов Ҳамиднинг ўғли Ҳамидов Маъмир (чапдан тепадаги)

**669. Маматов Исмоилжон** (1904 йилда Қирғизистон ССР Жалолобод районида туғилган, 1930 йилда от ўғирлагани учун 5 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) лагер қамоғидан озод бўлгач, жиноий гуруҳга бирикиб, колхозчилар мулкини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 106- ва 226-моддалари. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**670. Маматурдиев Дадажон бойвачча** (1890 йилда туғилган, 1918 йилда қулоқ қилинган, қотилликда иштирок этганлиги учун 2 йилга қамалган, 1930 йилда ЎзССР ҳудудидан 5 йил муддатга бадарға қилинган, сургун жойидан қочган, илгари фаол босмачи бўлган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни совет ҳукуматига қарши курашишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**671. Маматўхтаев Эргаш** (1886 йилда Пахтаобод райони Пахтаобод қишлоқ советида туғилган, миллати уйғур, СССР фуқароси, қулоқ, босмачилар тўдасининг бошлиғи бўлган, 1932 йилда советларга қарши тарғиботи учун 5 йилга қамалган, қамоқдан қочган, иккинчи бор 1933 йилда судланиб қочгани учун 3 йилга қамалган) бир қанча йил ҳеч қаерда ишламай, қишлоқма-қишлоқ юриб ўғрилик билан шуғулланганликда, жиноятчилар билан алоқада бўлганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**672. Маматхўжаев Мамасоли** (1875 йилда туғилган, Хўжаобод райони Хўжаобод кишлоғидан, ўзбек, савдогар. 1932 йили сургун қилинган. 1935 йили сургундан қайтиб келиб, чайқовчилик билан, ҳунармандчилик билан шуғулланган) доимий равишда тарғибот олиб борганликда, очлик ҳақида иғво гаплар тарқатганликда, фаолларни, комсомолларни қўрқитиш учун террорчилик руҳидаги гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 августдаги йиғилиши қарори билан отувга ҳукм қилинган.

**673. Мамашев Мирзакарим** (1895 йилда Ойим райони Тошлоқ қишлоғидан, қулоқ қилинган, 1933 йилда колхоз чорвасини ўғирлагани учун 3 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўл-

маган) аҳоли орасида мунтазам равишда партия ва ҳукумат тадбирларига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**674. Мамаюсупов Каримберди** (1883 йилда Пахтаобод райони Янгигузар қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, репрессиядан яширинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган. Колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, монархияни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 6 мартда оқланган.

**675. Мамаюсупов Мулла Ашурали** (1887 йилда Ленин райони Толмозор қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, собиқ имом. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий қулоқлар гуруҳи аъзоси бўлиб, совет ҳукуматига қарши курашиш масалалари кўрилган аксилинқилобий йиғилишларда иштирок этганликда, аҳоли орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, эски тузумни мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**676. Мамаюсупов Сотволди** (1911 йилда Избоскан райони Қорача қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, тайинли машғулоти йўқ, 1935 йилда ЎзССР ЖК 70- ва 166-моддалари бўйича 2 йилга қамалган. Қамоқдан озод бўлган мунтазам равишда ичкиликбозлик ва безорилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 ноябрдан ҳисобланган.

**677. Мамаюсуф Ходжаев Турсунбой** (1907 йилда Андижон райони Янги деҳқон қишлоғида туғилган, тайинли машғулоти йўқ, паспортга эга эмас) ўғрилар Раҳимбердиев ва Жўрабоев билан алоқада бўлиб, улар ўғирлаган чорвани сотишда қатнашганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган.

**678. Маназаров Саид** (1883 йилда Ойим райони Муқир қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1930 йилда советларга қарши фаолияти учун 3 йилга

қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни уюшган тарзда колхоздан чиқишга даъват этганликда, Совет Иттифоқининг мағлубиятини ташвиқот қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**679. Манатов Қодир (Саид)** (1920 йили туғилган, Андижон шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 1935 йилдан ўғирлик билан шуғулланганликда, жиноятчи гуруҳ сафига кирганликда, қуролли талашларда қатнашганликда, жиноятчи гуруҳ раҳбаридан «Коровин» пистолетини олганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 3 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (31-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**680. Маниёзов Соиб** (33 ёшда, уйғур, Хўжаобод райони Пақир қишлоғидан, қулоққа тортилган) колхозчилар орасида колхознинг бузилиб кетишига қаратилган аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимиятига нисбатан туҳмат гаплар айтганликда, монархизм шароитидаги ҳаётни мақтаганликда айбланган. *ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг* 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарори билан отувга ҳукм қилинган.

**681. Мансурқулов Буважон** (1873 йилда туғилган (64 ёш), Хўжаобод райони Манакордай қишлоғи фуқароси, собиқ қулоқ, мулла Болта қўрбошининг йигитларидан бўлган, 1932 йилда қулоқ қилинган, 1933 йилда босмачилик фаолияти учун 5 йил сургунга ҳукм этилган, сургундан қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**682. Мансурқулов Примқул** (1889 йилда Андижон райони Далварзин қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**683. Мансуров Мақсудали** (1901 йилда туғилган, Андижон шаҳри «Хур-

сандлик» маҳалласи фуқароси, қулоқнинг ўғли, 1930 йилда қулоқ қилинган, 1930 йилдаги колхозга қарши аксилинқилобий исёнкор ҳаракатнинг фаол иштирокчиси, қамалган. Қамоққа олинган вақтда «Юқори ҳосил» колхозининг аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Қошғарга қочиб кетишга даъват этганликда, пахта бўйича зараркунандалик қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 октябрдан ҳисобланган.

**684. Мансуров Содикхожи** (1889 йилда Марҳамат райони Қоракўрғон қишлоғида туғилган, диний хизматчи – имом. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда колхоз тузуми ва совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 октябрдан ҳисобланган.

**685. Марасулев Назар** (1885 йили туғилган, Марҳамат райони Марҳамат қишлоғидан, жиноятчи, ўтмишда босмачилар тўдасининг фаол йигитларидан, босқинчилик, безорилик ва аёлни зўрлагани учун 3 марта судланган, жазони ўтамай қочиб келган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) 3 марта судланиб, жазони ўтамаганликда, ҳеч қаерда ишламай, ўғирлик ва қимор ўйнаш билан машғул бўлганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**686. Мараҳимов Машарип** (1869 йили туғилган, Марҳамат райони Шўр қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1934 йили 80-модда ва 166-модда билан 7 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазони ўтамай қочган) аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик характерида тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат ўтказаётган тадбирларга қарши туҳмат фикр айтганликда, монархик тузумни мақтаганликда, тез орада ҳукуматдаги ўзгариш тўғрисида ташвиқот қилганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**687. Масаидов Қўчқор** (1895 йилда Жалолқудуқ районидаги Жалолқудуқ қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1932 йилда қулоқ қилинган, 1934 йилда пахта теримида аксилинқилобий саботажи учун 7 йил озодликдан маҳрум қилинган, қамоқдан муддатидан илгари озод этилган. Қамоққа олинган вақтда Дмит-

ров номли колхоз аъзоси) колхозчилар орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматига туҳмат қилганликда, фитна тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган.



Масаидов Кўчқорнинг ўғли Турсунбой, келини ва набиралари

**688. Матбобоев Азимбой** (1889 йилда Пахтаобод райони Ёлғизбоғ қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қатағондан қочиб юрган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида иғво тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**689. Матвалиев Қосим** (1897 йили туғилган, Сталин райони Найнаво қишлоғидан, 1931 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) колхозчилар орасида доимий равишда совет ҳокимиятига қарши тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида аксилинқилобий мишмишлар тарқатганликда, заёмга ёзилишга қарши фикр билдирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган.

**690. Матёқубов Абдуқаюм** (1895 йилда туғилган, Пахтаобод райони Ниёз қишлоғи фуқароси, собиқ қулоқ, 1934 йилда аксилинқилобий фаолияти учун 3 йилга қамалган, жазо муддатини охиригача ўтамай лагердан қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи тўғрисида мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув

лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 октябрдан ҳисобланган.

**691. Маткаримов Мирзараҳим** (1884 йилда Балиқчи райони Буравон қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) 1937 йилдаги пахта терими даврида атрофдагилар орасида бузғунчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматининг тез орадаги мағлубияти тўғрисида миш-миш тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**692. Маткаримов Шокиржон** (1896 йили туғилган, Ворошилов райони Султонобод қишлоғидан, миллати уйғур, собиқ қулоқ, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) аксилинқилобий йиғинларда қатнашиб, совет ҳокимиятига қарши курашишга чақирганликда, Япония албатта Совет Иттифоқи устидан ғалаба қозонади ва биз Ўзбекистонда мусулмонлар ҳокимияти тузишга тайёр туришимиз керак деб айтганликда, халқ душманлари ҳақида ачиниб гапирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**693. Маткаримов Юсуфжон** (1908 йили туғилган, Балиқчи район Чўнқайма қишлоғидан, ўзбек, йирик қулоқ оиласидан. 1931 йили оиласи қулоқ қилинган, унинг ўзи ўша йили чегарани бузиб чет элга чиқиб кетган. 1934 йили қайтиб келган ва мажбурий меҳнатга ҳукм этилган, уни бажаришдан бош тортган. Ҳибсга олингунга қадар Киров номли колхозда аъзо бўлган) аксилинқилобий гуруҳ аъзоси сифатида руҳоний муҳожир Матмуродовнинг қариндошлари билан алоқада бўлганликда, яширин тарзда чегарадан ўтиб, аксилинқилобий гуруҳга топшириқ берганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**694. Матқобилов Боқибой** (1886 йилда Избоскан райони Туячи қишлоғида туғилган, 1932 йилда қулоқ қилинган ва 3 йилга мажбурий меҳнат жазосига тортилган) мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. 1990 йил 16 мартда оқланган.

**695. Матқобилов Ориф** (1880 йилда Андижон райони Бўтақора қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган) аҳоли орасида мунтазам равишда СССРдаги очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган. 1990 йил 28 майда оқланган.

**696. Матқобилов Хўжамберди ҳожи** (1881 йилда Избоскан райони Жанобод қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қулоқ қилинишдан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, монархия тузумини мақтаганликда, 1918 йилда одамларни қийноққа солганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 26 июнда оқланган.

**697. Матқобулов Султон** (1889 йилда Ленин райони Зангар қишлоғида туғилган, собиқ бой, Қошғарда муҳожирликда бўлган, 1933 йилда қайтган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, хорижий мамлакатлардаги тузумни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган. 1990 йил 9 апрелда оқланган.

**698. Матқосимов Абдуллажон** (1906 йилда Андижон шаҳрида туғилган, қулоқ қилинган, 1931 йилда ЎзССР ҳудудидан бадарға қилинган, жазони ўтаган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати шаънига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 ноябрдан ҳисобланган.

**699. Матқосимов Қорабой** (1900 йилда Ворошилов райони Қўрғонтепа қишлоғида туғилган, собиқ йирик қулоқ, илгари юзбоши бўлган, қулоқлаштириш даврида Қошғарга қочган ва полиция маҳкамасига ишга кирган, 1935 йилда Ўзбекистонга қайтган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, тез орада ҳукумат ўзгариб,

колхоз ва совхозлар йўқ қилиниши тўғрисида туҳмат гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**700. Матқосимов Отақул** (1887 йилда Марҳамат райони Кулла қишлоғида туғилган, илгари босмачиликнинг фаол ҳомийси бўлган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 16 мартда оқланган.

**701. Матқосимов Раҳмонқул** (1875 йили туғилган, Марҳамат райони Кулла қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили Қошғарга қочиб кетган, 1934 йили қайтиб келган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий туҳмат, уйдирмалар тарқатганликда, чет элдаги ҳаётни мақтаганликда, чегарадан ўтиб кетишга чақирганликда, халқ душманлари тўғрисида ижобий фикр билдирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**702. Матқосимов Ҳакимжон** (1892 йили Балиқчи райони Аълам қишлоғида туғилган, уйғур, қулоқлардан, босмачилар қўрбошиси бўлган, босмачиликдаги фаолияти учун 1923 йили қамалган. 1933 йили ҳайвон ўғирлаганликда айбланиб, колхоздан чиқарилган) доимий равишда аҳоли ўртасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, маҳаллий совет фаолларига қарши қаратилган террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги қарорига кўра (8-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**703. Матқосимов Ҳакимжон** (1909 йилда Андижон райони Қўштепа қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аҳоли орасида мунтазам равишда иғво мишмишлар тарқатганликда, мағлубиятчилик кайфиятидаги тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**704. Матқурбонов Матқосим** (1869 йили туғилган, Андижон райони Тангус-Тасан қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1929 йилдаги қўзғолончилар ҳаракатининг

фаол аъзоси, 1933 йили чегарани яширин равишда бузиб ўтганлиги учун қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига иғвогарона мишмишларни тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**705. Матқурбонов Муллакуч** (1889 йилда Хўжаобод райони Ёрбоши қишлоғида туғилган, ўртаҳол оиладан, имом. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганлкида айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**706. Матмусаев Аҳмад** (1890 йилда Балиқчи райони Чамансарой қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида доимий равишда исёнчилик тарғиботи олиб борганликда, босмачилар ташкил бўлиши ва Япония совет ҳукуматига қарши туришини таъкидлаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**707. Матмусаев Дўма** (1904 йилда Пахтаобод райони Озод қишлоғида туғилган, илгари фаол босмачи бўлган, тайинли машғулоти йўқ, паспортга эга эмас, 1935 йилда чорва молларини ўғирлагани учун 2 йилга қамалган, қамоқдан қочган) мунтазам равишда колхозчиларнинг чорвасини ўғирлаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 ноябрдан ҳисобланган.

**708. Матмусаев Мақсуд** (1891 йили туғилган, Асака райони Янги қишлоғидан, қулоқ, 1929 йили босмачиликда бўлгани учун 10 йилга қамалган, жазони ўтаб келган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик ва антиколхоз тарғиботи олиб борганликда, маҳаллий совет фаолларига қарши йўналтирилган террорчилик кайфияти билдирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра отувга, мол-мулкини мусодара этишга ҳукм қилинган.

**709. Матмусаев Тешабой** (1880 йилда туғилган, собиқ қулоқ, 1933 йилда қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхоздан чиқишга даъ-

ват этганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**710. Матсалимов Карим охун** (1901 йилда Ворошилов райони Қорасув қишлоғида туғилган, собиқ савдогар, илгари фаол босмачи бўлган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) совет ҳукуматига қарши қаратилган қўпорувчилик руҳидаги аксилинқилобий фикрлар билдирганликда, очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 22 октябрдан ҳисобланган.

**711. Матхолиқов Йўлдош** (1893 йилда Ойим райони Ойим қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни уюшган тарзда ишдан бўйин товлашга чақирганликда, Совет Иттифоқига туҳмат қилганликда, эски тузумни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**712. Матхолиқов Келдибой** (1886 йилда Пахтаобод райони Ботиробод қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**713. Матхолиқов Мамараим** (1878 йилда туғилган. Собиқ қулоқ, 1932 йилда қулоққа тортилган. 1926 йилда волост ижроия қўмитаси раиси бўлиб, мансабини суиистеъмол қилганлиги учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Жазони ўтамасдан яширинган. Қамоққа олинган вақтда Молотов номли колхоз аъзоси. Асли Андижон районидаги Офтобачичек қишлоғидан) аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, колхозда қулоқларнинг аксилинқилобий гуруҳини тузганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара қилинган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**714. Матхолиқов Мулла Жамол қори** (1877 йили туғилган, Баликчи райони Гулистон қишлоғидан, қулоқлар оиласидан, диний хизматчи, Гулистон қишлоғи имоми) аксилинқилобий гуруҳ қатнашчиси, муҳожирдаги руҳоний билан алоқада бўлганликда, яширин йўл билан чет элдан келган Қозоқбоев иштирокида кенгашда қатнашганликда, масжид ёнида диндорлар орасида аксилинқилобий, бузғунчилик характеридаги ташвиқот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**715. Матхолиқов Саксон** (1887 йили Ленин райони Октябрь қишлоқ совети Толмозор қишлоғида туғилган) аҳоли ўртасида партия ва ҳукуматнинг тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига нисбатан мағлубиятчилик қарашлари билдирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги қарорига кўра (8-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**716. Маҳаминхўжаев Мулла Мирза Ҳаким** (1891 йили туғилган, Баликчи райони Аълам қишлоғидан, йирик бой оиласидан, ҳибсга олингунга қадар диний хизматчи) аксилинқилобий ташкилот иштирокчиси сифатида хориждаги аксилинқилобий ташкилотнинг топшириғи билан совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолон учун босмачи ходимлар тайёрлаш масаласи билан шуғулланганликда, колхозга қарши туҳмат, бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

Маҳбус анкетасида 1895 йили Андижон шаҳри Бирлик даҳасида туғилган, касби ўқитувчи, ҳибсга олинган пайтда хизмат жойи аниқ бўлмаган, руҳоний, эшоннинг ўғли, инқилобгача ота қарамоғида яшаган, ўқиган, олий маълумотли, партиясиз, ўзбек, ўтмишда миллатчи, аксилинқилобий ташкилот – «Миллий иттиҳод»нинг Андижон филиали раиси бўлган, 1923 йилда миллатчилик, аксилинқилобий фаолияти учун қамалган, судсиз озод этилган деб ёзилган. Оиласи аёли Хосиятхон Абдуллаева, ўғли Козимжон, қизлари Пирояхон, Сайёрахон, Турғунхондан иборат бўлган.

**717. Маҳмудов Абдуғаффор** (1896 йилда Ойим райони Қўртқи қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, илгари ишдан бўйин товлагани учун колхоздан чиқарилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозда меҳнат интизомини бузганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённо-

ма) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**718. Маҳмудов Боқи** (1903 йилда Андижон шаҳридаги «Ўзгариш» маҳалласида таваллуд топган, Андижон шаҳри Ташкилот кўчаси 162-уйда яшаган, касби педагог, хизмат жойи Андижон шаҳар халқ таълими бўлими, 4- ва 30-сон мактабларда ўқитувчи, маълумоти олий, Андижон кечки педагогика институти 3-курсини тугатган, йирик руҳоний-бой оиласидан. Ўзи 1927 йилга қадар ёлланма меҳнат кучидан фойдаланган, «Миллий иттиҳод» миллатчи-аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси бўлган, босмачилик ҳаракати даврида аксилинқилобий ташкилот топшириғига кўра босмачилар тўдаси билан алоқада бўлиб турган. Қамоққа олинган вақтда ўқитувчилик қилган) аксилинқилобий йиғилишларда фаол иштирок этганликда, ВКП (б) ва совет ҳукуматининг тадбирлари тўғрисида миллатчилик, аксилинқилобий руҳдаги фикрлар билдирганликда, Троцкийнинг СССР ҳудудидан бадарға қилинганлигига афсусланганликда, ўқитувчи сифатида ўқувчи ёшларни миллатчилик руҳида тарбиялаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган.

**719. Маҳмудов Ғози** (1910 йилда Ворошилов районида туғилган, савдогарнинг ўғли. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) 1933 йилдан буён жиноий унсурларга бирикиб ўғрилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**720. Маҳмудов Мамарасулхўжа** (1889 йилда Андижон шаҳрида туғилган, руҳоний – имом) мунтазам равишда масжидлардаги йиғинларда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот билан шуғулланганликда, аҳолини совет ҳукуматига қарши курашишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 декабрдан ҳисобланган. 1990 йил 24 апрелда оқланган.

**721. Маҳмудов Мулла Шодмон** (1874 йилда туғилган, аминлар хонадонидан, диний таълимга эга, имомлик қилган. Қамоққа олинган вақтда Сталин номли колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий исёнчилар гуруҳининг фаол аъзоси бўлганликда, совет ҳукумати билан фаол курашишга даъват қилганликда, мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий

тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 58-моддаси 66-қисм 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган.

**722. Маҳмудхонов Обохон тўра** (44 ёшда, Асака райони Қўнғирот қишлоғидан, ўзбек, диний ишлар хизматчиси, Қўнғирот қишлоғи имоми) Ниёзботир қишлоғидаги масжидда аксилинқилобий, исёнчи гуруҳнинг йиғинида қатнашганликда айбланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борган, бўлажак очлик хақида иғво гаплар тарқатган деган айб қўйилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 20 августдаги 4-баённомаси қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

**723. Маҳмудхўжаев Тожиддинхўжа** (1904 йилда Андижон шаҳрида туғилган, собиқ қулоқ. Қамоққа олинган вақтда якка хўжалик эгаси бўлган) аҳоли орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, қишлоқ фаолларига нисбатан террорчилик ҳаракатида бўлганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди ва 64-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 ноябрдан ҳисобланган.

**724. Маҳсумов Исмоилжон** (1885 йилда туғилган. Илгари йирик бой бўлган, хўжалигида ёлланма меҳнатчилардан фойдаланган, икки марта қулоқ қилинган, бир неча бор яшириниб юрган. Қамоққа олинган вақтда туман ипакчилик корхонасида пилла қуритиш цехи бошлиғи бўлган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 10 сентябрдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**725. Машарипов Раҳмон** (1909 йили туғилган, Сталин райони Нур қишлоғидан, босмачиликнинг собиқ кўмакчиси, 1930 йили безорилиги учун 6 ойга озодликдан маҳрум этилган, 1929 йили чегарадан ўтаётганда НКВД органлари томонидан қўлга олинган, 1935 йили ўғирлик учун ушланган, қамоқдан қочиб кетган, 1936 йили пичоқ билан колхозчини жароҳатлаган, машғулоти аниқ эмас) кўп йиллар мобайнида ҳеч қаерда ишламасдан, жиноятчилар билан алоқада бўлиб, қимор ўйнаш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган

**726. Машрабий Бурҳон** (1900 йилда Андижон шаҳрида савдогар оиласида туғилган. Маҳкам қўрбоши тўдасининг фаол иштирокчиси, «Миллий Иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси. 1933 йилда аксилинқилобий фаолияти учун қамалган. Қамоққа олиниш вақтида ўқитувчилик қилган. Андижон педагогика институтининг сиртқи бўлимида ўқиётган бўлган) аксилинқилобий йиғинларнинг фаол ташкилотчиси бўлганликда, ВКП (б) ҳамда совет ҳукумати тўғрисида аксилинқилобий туҳматдан иборат ахборотларни тарқатганликда, чоризм ва фашистлар Германиясидаги ҳаётни мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарори билан отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли бўлган барча мол-мулк мусодара этилган.

**727. Машрабов Даминбўта** (1887 йилда Избоскан райони Мойгир қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, райондан қочган) колхозчилар орасида совет ҳукумати ва колхоз тузумига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 9 августдан ҳисобланган. 1990 йил 14 мартда оқланган.

**728. Машрабов Ҳожимат** (1900 йили туғилган, Ленин райони Новқад қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, муддати тугамай қочган, ҳибсга олинган вақтда Асака станциясида юк ташувчи) ишчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 5 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (32-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 11 октябрдан ҳисобланган.

**729. Машрапов Қозоқ** (Балиқчи райони Холмурод қишлоғида туғилган, 1932 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йилга судланган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий миллатчилик тарғиботини олиб борганликда, Олий Советга номзодларни ёмонлаганликда, ҳукумат сиёсатига қарши туҳмат гаплар айтганликда, халқ душманларининг фаолиятини мақтаганликда, Совет Иттифоқи мағлубияти ҳақида гапирганликда айбланган.

**730. Машурьян Мхитар Галустович** (1911 йили туғилган, Арманистон ССР Герусин райони Герусин қишлоғидан, миллати арман, савдогарнинг ўғли, қулоққа тортилган, 1933 йили Эронга қочиб кетган, аксилинқилобий дашноқлар, қулоқлар ташкилотининг аъзоси бўлган, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда ёғ заводида электр монтёр) аксилинқи-

лобий тарғибот олиб борганликда, монархик тузумни ва халқ душманларини мақтаганликда, бўлғуси уруш ҳақида иғвогарона мишмишлар тарқатганликда, партия ва ҳукумат томонидан ўтказиладиган тадбирларга қарши фикр билдирганликда айбланган. Жиноий иш Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**731. Мец Франц Иосифович** (1894 йилда Чехославакиянинг Маакачево шаҳрида туғилган, миллати немис, СССРга ҳарбий асир сифатида келган, венгер армиясининг собиқ аскари, 1929 йилда қулоқ хўжалик – сув тегирмонига эгалик қилган. Қамоққа олинган вақтда Андижон давлат тегирмонида механик бўлиб ишлаган) совет ҳукуматининг барча тадбирларига душманлик билан қараганликда, совет тузумида бўлажак ўзгаришлар тўғрисида провокацион мишмишлар тарқатганликда, троцкийчи, террорист халқ душманларининг отиб ташланганлигига афсусланганликда, хориж билан алоқада бўлганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. Жиноий иш НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган.

**732. Миназаров Мулла Абдураззоқ** (1888 йилда туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати тадбирларига қарши туҳмат гаплар айтганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 октябрдан ҳисобланган. 1990 йил 29 мартда оқланган.

**733. Мингбоев Абдусаттор** (1894 йилда Балиқчи райони Балиқчи қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматини ҳақоратлаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**734. Миразимов Мулла Акбар** (Балиқчи райони Сирмоқ қишлоғида яшаган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида колхозга қарши

аксилинқилобий тарғибот олиб бориб, уларни оммавий тарзда колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 26 мартда оқланган.

**735. Мираҳмедов Жўрабой** (1897 йилда Андижон райони Учқўрғон қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1933 йилда давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда новвойхона устаси бўлган) колхозчилар орасида партия ва ҳукуматга қарши аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, новвойхонада ишлаб туриб доимий равишда колхозчиларни нон билан таъминлашни издан чиқарганликда ва бу билан норозиликларга сабаб бўлганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**736. Мираҳмедов Миролим** (1880 йилда Сталин райони Бойвачча қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, пахта теримида зараркунандалик қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 октябрдан ҳисобланган.

**737. Мирзаалиев Абдурасул** (1881 йилда туғилган, Балиқчи райони Ҳожиобод қишлоғида яшаган, собиқ қулоқ, 1926 йилда камбағални ўлдирганлиги учун 5 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**738. Мирзабадалов Мирзаабдулла** (1874 йили ЎзССР Шаҳрихон шаҳрида туғилган. Ўзбек, деҳқон, қулоқ, уйланган, саводи йўқ. Херсон области Каховск районидаги пахтачилик совхозида яшаган, ишлаган) НКВДнинг Николаев области ҳузуридаги «учлик»нинг 1937 йил 15 ноябрдаги қарори билан отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган.

**739. Мирзабобоев Муҳаммад Олим ҳожи** (1890 йилда туғилган, Андижон райони Темирҳожи қишлоғида туғилган, 1932 йилда қатағондан Қошғарга қочган, 1936 йилда қайтган, ўша йили ноқонуний кечув учун қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғу-

лоти бўлмаган) аҳоли орасида колхозга қарши мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Қошғар ва Афғонистонда бўлиб, аксилинқилобий миллатчи гуруҳлар билан алоқа қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**740. Мирзабоев Худойназар** (1884 йилда Андижон шаҳрида туғилган, қулоқ қилинган, 1930 йилда аксилинқилобий фаолияти учун 5 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати шаънига туҳмат қилганликда, инқилобдан олдинги ҳаётни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 6 мартда оқланган.

**741. Мирзаев Бозорбой** (1900 йили туғилган, Асака райони Толмозор қишлоғидан, қулоқ, 1932 йили 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган) деҳқонлар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган советларга қарши тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига нисбатан мағлубиятчилик қарашлари айтганликда, Троцкийни мақтаб, уларнинг отилиб кетишига ҳамдардлик билдирганликда айбланган. *ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг* 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

**742. Мирзаев Зокиржон** (1898 йили Избоскан райони Пойтуғ қишлоғида туғилган, қулоқ, режа топшириқларини бажармагани учун 1931 йили 2 йил қамоққа ҳукм қилинган) аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, отилиб кетган халқ душманларига ҳамдардлик билдириб, улар фаолиятини мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги қарорига кўра (8-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**743. Мирзаев Мамажон** (1905 йилда Андижон шаҳрида туғилган, собиқ савдогар, 1925 йилда гуруҳ бўлиб номусга тегканлиги учун 5 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) лагер қамоғидан озод бўлгач ҳам ўғрилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 декабрдан ҳисобланган.

**744. Мирзаев Мирзаҳамро** (1881 йилда Марҳамат райони Русское село қишлоғида туғилган, қулоқ қилин-

ган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1991 йил 1 мартда оқланган.

**745. Мирзаев Сайдулла** (1908 йилда туғилган. Собиқ қулоқ, илгари босмачилар тўдасининг фаол иштирокчиси, 1935 йилда колхоз мулкини талон-торож қилганлиги учун 5 йилга қамалган. Сталин райони Ўрта Шаҳрихон қишлоқ совети Гулбоғ қишлоғидан. Қамоққа олинган вақтда Ленин номли колхозда табелчи бўлиб ишлаган) мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**746. Мирзаев Уммат** (1901 йилда туғилган, Андижон райони Офтобачичек қишлоқ совети фуқароси. Собиқ қулоқ, 1930 йилда отаси билан бирга қулоқ қилинган, отаси қочиб юрган, ўзи 1927 йилда аёлларни паранжи ташлашига қаршилик кўрсатганлиги учун 5 йилга озодликдан маҳрум этилган. Қамоққа олинган вақтда Коммунизм номли колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий гуруҳнинг мағлубиятчилик кайфиятидаги масалалар муҳокама қилинган ноқонуний йиғилишларида фаол иштирок этганликда, халқлар доҳийси номига террорчилик кайфиятидаги фикрлар билдирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 58-моддаси 66-қисм 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли шахсий мулк мусодара этилган.

**747. Мирзаев Ҳайитқул** (1907 йилда туғилган, Андижон райони Офтобачичек қишлоқ советида яшаган. Собиқ қулоқ, 1930 йилда қулоқ қилинган, қатағондан қўрқиб Тожикистонга қочган. Қамоққа олинган вақтда Коммунизм номли колхоз аъзоси бўлган) Тожикистондалик вақтида Афғонистонга қочиб кетишга уринганликда, мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан уюшган ҳолда чиқишга ундаганликда ва Афғонистонга ўтиб кетишга даъват қилганликда, саботаж ва исёнга чақирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1- ва 67-бандлари. ЎзССР ЖК 58-моддаси 66-қисм 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилин-

ган. Жазо муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган.



Мирзаев Хайитқул ва унинг рафиқаси

**7489. Мирзажонов Йўлдош** (1913 йилда Пахтаобод районида туғилган, тайинли машғулоти йўқ, паспортга эга эмас, судланмаган) узоқ муддат ҳеч қаерда ишламай бошқа ўғрилар билан бирга ўғрилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**749. Мирзақулов Ботирали** (1872 йилда туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 11 мартда оқланган.

**750. Мирзақулов Мирзахолдор** (1909 йилда Жалолқудуқ райони Қатортол қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1932 йилда 3 йилга сургун қилинган, 1933 йилда 5 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) қулоқ-босмачилик гуруҳи аъзоси бўлганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни доимий равишда калтаклаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**751. Мирзақулов Юсуфали** (1900 йилда Балиқчи райони Ўрмонбек қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик ҳаракати вақтида қўрбоши, 20 нафар йигити бўлган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) колхозчилар орасида доимий равишда исёнчилик тарғиботи олиб борганликда, аҳолини қўрбоши чиқишларига тайёр туришга чақирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 3 майда оқланган.

**752. Мирзамуротов Мирза Нозим** (1895 йилда Балиқчи райони Балиқчи қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа

олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аҳоли орасида миллатчилик ва мағлубиятчилик йўналишидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 декабрдан ҳисобланган.

**753. Мирзараҳимов Мамажон** (1883 йилда туғилган, Жалолқудуқ райони Ургу қишлоғида яшаган, эшонлардан, қулоқ қилинган, 1934 йилда аксилинқилобий саботаж учун мол-мулк мусодараси билан 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Қамоққа олинган вақтда Сталин номли колхоз аъзоси) колхозчилар орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати тўғрисида туҳмат гаплар айтганликда, подшо давридаги ҳаётни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган. 1990 йил 23 февралда оқланган.

**754. Мирзараҳимов Мирза Акрам** (1903 йилда туғилган, Балиқчи райони Аълам қишлоғи фуқароси, қулоқ қилинишдан яшириниб юрган йирик қулоқнинг ўғли, илгари босмачиларга фаол хайрихоҳлик қилган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи мағлубиятини ташвиқот қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**755. Мирзараҳимов Орифжон** (1899 йилда Ленин райони Унгут қишлоғида туғилган, ВКП (б) собиқ аъзоси, босмачилик ҳаракатида уларга хизмат қилган, қурол етказиш ишларини бажарган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий ишларни амалга ошираётган миллатчи аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлиб, халқ душманларига ҳамдардлик билдирганликда, ҳукуматнинг яқин кунларда ағдарилиши ҳақида уйдирма гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**756. Мирзатов Маматраим** (1888 йилда Ворошилов райони Қўрғонтепа қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1931 йилда чорва ўғирлагани учун 5 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) 1935 йилан буён жиноий унсурлар билан алоқада бўлиб, товламачилик ва колхозчиларни калтаклаш билан шуғулланганлик-

да айбланган. ЎзССР ЖК 226-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**757. Мирзахонов Ботирхонқори** (1872 йилда Андижон райони Хакан қишлоғида туғилган, диний хизматчи – имом) колхозчилар орасида мунтазам равишда совет ҳукуматига қарши йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 октябрдан ҳисобланган.

**758. Мирзахонтўраев Эшонхонтўра** (1882 йилда Сталин райони Хонобод қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, инқилобгача подшо амалдори бўлган, босмачилик даврида қўрбошилик қилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳи раҳбари бўлганликда, мунтазам равишда совет ҳукуматининг ҳалокати тўғрисида фикрлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**759. Мирзашарипов Мирзали** (1878 йилда Марҳамат райони Марҳамат қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) совет ҳукуматига, колхозга қарши йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**760. Миролимов Турсинбой** (1879 йилда Андижон райони Далварзин қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аҳоли орасида мунтазам равишда совет ҳукуматига қарши йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**761. Мирсодиқов Ортиқбой** (1878 йилда Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) собиқ қулоқ ва босмачилар билан яқиндан алоқада бўлиб, улар билан учрашиб аксилинқилобий масалаларни муҳокама қилганликда, колхозга қарши ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб бор-

ганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**762. Мирфозилов Мирсултон (**1907 йили туғилган, Ворошилов райони Ворошилов қишлоқ советидан, Андижоннинг йирик саноатчиси Миркомил Мирмўминбоевнинг ўғли, 1934 йили босмачиликда иштирок этгани учун 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, жазо муддатини ўтамай қочиб келган) ҳеч қаерда ишламаганликда ва жиноятчи унсурлар билан алоқа ўрнатиб, безорилик ва ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган. «Учлик»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**763. Мирюсупов Тўйчибойвачча** (1887 йили туғилган, Ленин райони Обжувозбоши қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1931 йили қулоққа тортилган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, тез орада совет ҳокимияти қулаши тўғрисида ташвиқот юритганликда, партия ва ҳукумат ўтказаётган тадбирларга қарши фикр билдирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**764. Михтарьян Мнацкан Тамасович** (1892 йилда Арманистон ССР Арамуз қишлоғида туғилган, илгари дашноқлар отрядининг командири бўлган, 1936 йилда 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда сотувчилик қилган) аҳоли орасида Олий Советга сайловлар тўғрисида туҳмат гаплар тарқатганликда, Совет Иттифоқи мағлубиятини тарғиб қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**765. Мишин Фок Петрович** (1884 йили туғилган, Орлов губернияси собиқ Ливанск уезди Андриян қишлоғидан, 1928 йилдан ВКП (б) аъзоси, мазкур иш муносабати билан аъзоликдан ўчирилган, 1919 – 1920 йилларда оқларда хизмат қилган, ҳибсга олинган вақтда Андижон резервдаги йўловчилар поездида бошлиқ бўлган) Япония разведкасига ёлланиб, СССРга 1935 йили жосуслик-қўпорувчилик топшириғи билан ташланганликда, 1937 йили шахсан поездларни ҳалокатга учратиш мақсадида 3 та қўпорувчилик актини амалга оширганликда, Москвада яшовчи япон агентлари билан алоқадорликда айбланган. ЎзССР Ички

ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган. Жиноий иш НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**766. Мавлонов Рустам** (1880 йилда Сталин райони Вахим қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1932 йилда ЎзССР ҳудудидан бадарға қилинган, сургун жойидан қочган, илгари фаол босмачи бўлган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида колхознинг бузилишига йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат тадбирларини обрўсизлантирганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга ундаганликда, Совет Иттифоқининг мағлубиятини ташвиқ қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**767. Мулла Бобоев Мулла Қўчқор Муҳитдин мингбоши** (1872 йили Балиқчи райони Чўнқайма қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. 1931 йили хорижга қочиб кетган, у ердан яширинча 1933 йили қайтиб келган. Ҳибсга олинганда машғулоти аниқ бўлмаган) руҳоний муҳожирларнинг топшириғи билан совет ҳокимиятига қарши курашиш ва мусулмон давлати тузиш учун аксилинқилобчи, исёнчи ходимлар тайёрлаш борасида қатор чоралар кўрганликда, Фарғона водийси қишлоқлари бўйича юриб тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги қарорига кўра (8-баённома) отувга ҳукм қилинган.



Мулла Бобоев Мулла Кўчқор Мухитдин Мингбоши



Унинг рафиқаси Ўғилхон ая

**768. Мулла Маллаев Иброҳимжон** (1891 йили туғилган, Ленин райони Гуручфуруш қишлоғидан, қулоққа тортилган, отаси босмачилар тўдаси бошлиғи Кўршерматнинг маслаҳатчиси бўлган, шу боис отиб ташланган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, яқин орада совет ҳокимияти қулайди ва колхозлар тарқатилади деган ташвиқот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**769. Муллаҳиддинов Икром понсад** (1887 йилда Ҳўжаобод райони Тошота қишлоғида туғилган, собиқ йирик понсад, 7 йилга судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий исёнчи ташкилот аъзоси бўлганликда, ноқонуний йиғинларда қатнашганликда, йиғинда ҳукумат яқин кунларда ағдарилиши ҳақидаги мағлубиятчилик кайфиятида чиқиш қилганликда, совет ҳукумати билан ишлаётганлар босиб олиниши ҳақида уйдирма гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**770. Муллашеров Назарбой** (1891 йилда туғилган, Ворошилов райони Хатирчи қишлоғида яшаган, миллати қирғиз, 1935 йилда қулоқ қилинган, Қошғарга қочиб кетаётганда ушланган ва судланган, 2 йилга озодликдан маҳрум қилинган, 1919 – 1921 йилларда босмачилар тўдасининг иштирокчиси бўлган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.


Муллашеров Назарбойнинг чевараси Йўлдошев Таваккал (1934 йилда туғилган)

**771. Мўминов Абдуғаффор** (1892 йилда Сталин райони Солимахсим қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қатағондан яширинган, босмачилик ҳаракати фаол иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) босмачилар ҳаракати пайтида ўз уйида фаол босмачиларни яширганликда, уларга Қизил Армия ҳаракатлари ҳақида маълумот берганликда, аҳоли орасида ҳукуматнинг яқин кунларда қулаши ҳақида тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни хўжаликдан чиқишга чақирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**772. Мўминов Қўлдош** (1904 йилда Избоскан райони Яккатут қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) мунатазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Конституцияга нисбатан аксилинқилобий фикрлар билдирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**773. Мўминов Қўчқор** (Избоскан райони Қубобод қишлоғидан, ўтмишда босмачилар тўдаси йигити бўлган, 3 марта судланган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган, ижтимоий зарарли унсур) 1936 йили колхозга кириб олиб ва чўпонлик қилиб чорва парваришига нисбатан зараркунандалик қилгани учун ҳайвонларнинг оммавий камайиб кетишига сабабчи бўлганликда айбланган. «Учлик»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**774. Мўминов Мадолим халфа** (1886 йили Ленин райони Бойистон қишлоғида туғилган, дин хизматчиси, имом, қулоқ) руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳи қатнашчиси сифатида доимий равишда йиғинлар ўтказиб, уларда тарғибот олиб борганликда, аҳоли орасида мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот юрғизганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (8-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**775. Мўминов Мадориф халфа** (1886 йили Асака райони Бойистон қишлоғида туғилган, диний хизматчи, имом, қулоқ) аксилинқилобий руҳонийлар гуруҳи иштирокчиси сифатида доимий равишда йиғинлар ўтказиб, уларда тарғибот олиб борганликда, аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик ва антиколхоз ташвиқот юритганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»*нинг* 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 11 июндан ҳисобланган.

**776. Мўминов Мулла Бўта** (1911 йилда туғилган, Андижон райони Қайирма қишлоғида яшаган, қулоқнинг ўғли, 1930 йилда қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда «Юқори ҳосил» колхозининг аъзоси бўлган) колхозчилар орасида совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, пахта бўйича зараркунандалик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 октябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 июлда оқланган.

**777. Мўминов Мулла Жўра** (1883 йили Асака райони Бойистон қишлоғида туғилган, дин хизматчиси, имом. 1932 йили қулоқ қилинган, колхозга қарши фаолияти учун 1933 йили 2 йил қамоқ жазосига тортилган) аксилинқилобий руҳонийлар гуруҳи иштирокчиси сифатида бир неча йиғинлар ўтказиб, уларда ҳозир бўлганларга советларга қарши тарғибот воситаси билан аксилинқилобий йўналишда таъсир ўтказганликда, ўзининг аксилинқилобий чиқишларида совет хокимиятига қарши кураш

олиб боришга чақирганликда, доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик, антиколхоз тарғиботи олиб борганликда, динга ишонувчиларни динга қарши турган фаолларни ўлдиришга чақирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»*нинг* 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

**778. Мўминов Мулла Исабой** (1892 йилда туғилган, Жалолқудуқ райони Колхозқишлоқ қишлоқ советида истиқомат қилган, собиқ қулоқ, 1930 йилдаги қулоқлаштириш пайтида Қошғар (Хитой)га қочган, 1933 йилда қайтган. Қамоққа олинган вақтда Ленин номли колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида фитна тарқатганликда, капиталистик давлатлардаги ҳаётни мақтаганликда, пахта экишга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган.

**779. Мўминов Тожибой** (1890 йили Избоскан райони Лўғумбек қишлоғида туғилган, қулоқ, 1932 йили солиқ тўламаганлиги учун 3 йил қамоқ жазосига тортилган. Ҳибсга олиниш пайтида Сталин номли колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида аксилинқилобий, иғвогарона тарғибот олиб борган, Халқ Комиссарлари Советининг собиқ раиси Ф.Хўжаевнинг ишдан олинишига ҳамдардлик билдирган, колхознинг тарқаб кетишини мақсад қилиб колхозчиларга тўланадиган пулни бошқа соҳаларда фойдаланган, оқибатда колхозчиларнинг норозилиги юзага келиб, уларнинг айримлари колхоздан чиқиб кетишига сабаб бўлган деб айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (8-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.



Мўминов Тожибойнинг ўғли Сотқинбой оила аъзолари билан

Мўминов Тожибой ГУЛАГ лагерларига этап қилинган. Ундан Омск, Томский ва Горький шаҳарларидаги лагерлардан хатлар келиб турган. Унинг аёли Муҳажжалхон 1964 йили вафот этган. Мўминов Тожибой ва Муҳажжалхоннинг 8 фарзанди бўлган. Абдупатто 1914 йили, Улфатхон 1917 йили, Абдувосит 1922 йили, Маърифатхон 1924 йили, Ҳамид-

жон 1926 йили, Сотқинбой 1928 йили, Одилжон 1932 йили, Мақсудахон 1935 йили туғилган. Улардан ҳозир Сотқинбой ва Одилжон ҳаёт. 1990 йил 9 апрелда оқланган.

**780. Мўминов Ҳожиакбар** (1902 йилда Андижон шаҳрида руҳоний-савдогар оиласида туғилган, «Миллий иттиҳод» миллатчи-аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси, ташкилотга ёшларни жалб қилиш иши билан шуғулланган, ВКП (б) сафидан чиқарилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) гуруҳларнинг аксилинқилобий йиғилишлари иштирокчиси бўлганликда, совет тузумига нисбатан душманлик кайфиятида бўлганликда, Совет Иттифоқидаги ҳолат тўғрисида туҳмат тарқатганликда, буржуа-миллатчи халқ душманларининг фош қилинганлигидан афсусланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан ҳисобланган.

**781. Мўминов Эргаш** (1905 йилда Ленин шаҳрида туғилган, собиқ қулоқ, 1936 йилда талон-торож қилганлиги учун жавобгарликка тортилган, судланишдан яширинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) совет ҳукуматига қарши фикр билдирганликда, колхоз фаолларига пўписа қилганликда, уларни қулоқлаштиришда иштирок этганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**782. Муродбоев Мулла Жабборали** (1890 йилда Пахтаобод району Аушка қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1932 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 октябрдан ҳисобланган.



Муротбоев Мулла Жабборалининг ўғли Адаҳамжон

**783. Муродов Парчин** (1905 йили туғилган, Қирғизистон ССР Ўш райони Оқёр қишлоғидан, жиноятчи, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) доимий равишда ўғирлик ва мол ўғирлаш билан шуғулланганликда, колхозчилар буюмларини ўғирлаганликда айбланган. Жиноий иш ЎзССР НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»-

нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 5 августдан ҳисобланган.

**784. Муродов Сулаймон ҳожи** (1885 йилда Ворошилов тумани Қўрғонтепа қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик иштирокчиси, 1933 йили ЖК 80-моддаси 2-банди ва 175-моддаси билан 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) 1935 йилдан бошлаб доимий равишда ўғирлик ва ўғирланган нарсаларни қабул қилиш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 4 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (67-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**785. Муродов Улуғхўжа** (1891 йилда Балиқчи райони Эски Ҳаққулобод қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мунтазам равишда совет ҳукуматининг тез кундаги ҳалокати ва янги буржуа ҳокимиятининг тикланиши тўғрисида мишмишлар тарқатганликда, колхозчиларни уюшган тарзда колхоздан чиқишга ундаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**786. Муродхўжаев Турғунбой** (1894 йилда Андижон райони Бўтақора қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган, 1933 йилда 3 йилга сургун қилинган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик руҳида ташвиқот олиб борганликда, колхозчиларни хўжаликдан чиқишга чақирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**787. Мусабоев Сотимбой** (1872 йилда Андижон райони Уйшун қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган ва махсус посёлкага сургун қилинган, у ердан қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши ва миллатчилик руҳидаги аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, пахта теримига қарши чиққанликда ва пахтаси териб олинмаган ғўзапояларга зарар етказганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 26 июлда оқланган.

**788. Мусаев Зайнобиддин** (1897 йили туғилган, Сталин райони Қорабўйин қишлоғидан, 1932 йили қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) совет ҳокимиятига қарши душманлик кайфиятида бўлганликда, колхозчилар орасида доимий равишда совет ҳокимиятига ва колхоз қурили-

шига қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни заёмга ёзилишга қарши чақирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган.

**789. Мусаев Мулла Ҳайдар** (1891 йилда туғилган, Балиқчи райони Хўжаобод қишлоғида яшаган, имом, собиқ фаол босмачи. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**790. Мусаев Эргаш** (1871 йилда Ойим райони Дардоқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1922 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда, совет ҳукуматини ҳақоратлаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 12 июлда оқланган.

**791. Мусаев Эргаш** (1899 йилда Ленин райони Қўрғонча қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1933 йилда солиқларни тўламагани учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий қулоқлар гуруҳи аъзоси бўлиб, совет ҳукуматига қарши курашиш масалалари кўрилган аксилинқилобий йиғилишларда иштирок этганликда, аҳоли орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, эски тузумни мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**792. Мусин Маҳмудбек** (1889 йилда Андижон шаҳрида туғилган, полициячи амалдорнинг ўғли, «Миллий иттиҳод» миллатчи-аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, совет ҳукуматига қарши қуролли гуруҳлар тузишда асосий ташкилотчилардан бири. Қамоққа олинган вақтда бозор маъмуриятида ишлаган) совет ҳукуматига нисбатан душманона муносабатда бўлиб, «Миллий иттиҳод» миллатчи-аксилинқилобий ташкилоти билан алоқада бўлганликда, 1923 йилда милиция бошлиғи бўлиб ишлаганда босмачи-

лар тўдасини қурол-яроқ, ўқ-дори билан таъминлаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 сентябрдан ҳисобланган.

**793. Мустафоев Шавкат** (1897 йилда Қримда туғилган, қулоқ, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда агроном бўлган) халқ душманларининг троцкийча акслинқилобий террорчилик фаолиятларини тўғри деб ҳисоблаганликда, уларни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган.

Мухтор Алимов, совет ҳокимияти ўрнатилгач, мусулмон коммунистлар (большевиклар) фракцияси раиси, Ўш уезд-шаҳар партия комитетининг раиси, айни дамда, уезд-шаҳар революцион комитетининг раиси, кейин Наманган уезд-шаҳар партия комитетининг раиси бўлган, Фарғона область партия комитетининг тарғибот ва ташвиқот бўлимида хизмат қилган. 1923 йилдан Туркистон компартияси Марказий Комитети ихтиёрида Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг Фарғона водийси бўйича қишлоқ хўжалигини тиклаш ва аҳоли орасида очарчиликка қарши кураш ишига вакил бўлиб хизмат қилади. 1923 – 1926 йилларда Тошкент шаҳар партия комитетининг, Наманган шаҳар партия комитетининг котиби лавозимида, 1926 йил февралидан Зарафшон (собиқ Бухоро амирлиги ҳудуди) область котиби, 1927 йил бошларидан Самарқандда Ўзкомпартия МК тарғибот ва ташвиқот бўлимининг мудири бўлиб хизмат қилган. 1928 йилдан 1929 йилгача Ўзбекдавлатсавдо раисининг ўринбосари, 1930 йилдан 1933 йилгача Москвада СССР Центрсоюзда масъул инструктор, 1937 йил сентябригача, яъни қамоққа олингунга қадар Бутуниттифоқ «Золотопродснаб»да масъул инструктор лавозимида фаолият кўрсатган. 1956 йили реабилитация қилинган ва партия сафига партиявий стажи билан тикланган.

**794. Муҳаметдиев Ғофуржон** (1886 йилда Андижон шаҳрида туғилган, собиқ қулоқ, 1917 йилда Қўқон шаҳрида волост бошқарувчиси бўлган, «Миллий иттиҳод» миллатчи-аксилинқилобий ташкилот аъзоси. Қамоққа олинган вақтда ҳимоячилар коллегияси районлараро бюроси аъзоси бўлган) мухтор ҳукумат даврида совет ҳукуматига қарши курашган босмачилар тўдасида фаол иштирок этганлигида, аксилинқилобий миллатчилик тарғиботини олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (34-баённома) 8 йилга

меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган.

**795. Муҳаммадалиев Ҳасанбой** (1895 йилда Қирғизистон ССР Ўш районида туғилган, 1934 йилда ижтимоий зарарли унсур сифатида 3 йилга қамалган, ўғрилик учун 8 марта ушланган. Қамоққа олинган вақтда жун тўқиш устахонасида ишлаган) лагер қамоғидан озод бўлгач, жиноий гуруҳга бирикиб, поездларда ўғрилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226-моддаси. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**796. Муҳаммаджонов Абдуллажон** (1899 йилда Андижон шаҳрида туғилган, савдогарлардан, босмачилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) совет ҳукумати тадбирлари ва колхоз қурилишига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 2-банди ва 67-модда. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 17 ноябрдан ҳисобланган.

**797. Муҳаммедов Саид Абдулла** (60 ёшда, Арабистоннинг Макка шаҳридан, миллати араб, диний ишлар хизматчиси. 1910 йили Арабистондан келиб қолган, шундан бери Бахрин қишлоғида имомлик қилган) аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ иштирокчиси сифатида Ниёзботир қишлоғидаги масжидда ва Норхўжаев уйидаги яширин йиғинда иштирок этиб, аксилинқилобий, исёнкор фикрлар айтганликда айбланган. Аксилинқилобий, троцкийчиларнинг террорчилик фаолиятини маъқуллаб чиққан деган айб тақалган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 20 августдаги 4-баённомаси қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

**798. Муҳитдинов Зуҳриддин** (1911 йилда Қирғизистон ССР Султонобод қишлоғида туғилган, СССР фуқароси, миллати уйғур, тайинли машғулоти йўқ, паспортга эга эмас, 1932 йилда ўғрилик учун 1 йилга қамалган) 1933 йилдан буён ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланмаганликда, ўғрилар билан бирикиб поезддан поездга ўтиб ўғрилик қилганликда, колхоздан ўчирилганлиги учун колхоз раисини ўлдираман деб қўрқитганликда айбланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**799. Муҳитдинов Файзуллажон** (1901 йилда туғилган. Бой хонадонидан, отаси қулоқ қилинган, ўзи илгари фаол босмачи бўлган. Қамоққа олинган вақтда Чапаев номли колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, отиб ташланган халқ душманлари – троцкийчиларга раҳми келганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 11 сентябрдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим қилинган.

**800. Нажмиддинов Бердибой** (1900 йилда туғилган, Андижон райони «Юқори ҳосил» колхози аъзоси, 1931 йилда қулоқ қилинган, илгари Эргаш қўрбоши босмачилар тўдасининг фаол йигити, 1930 йилдаги аксилинқилобий исённинг қатнашчиси, 1933 йилда 3 йилга қамоқ жазосига ва 3 йилга сургунга ҳукм қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий иғво тарқатганликда, Қошғарга қочиб кетишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган. 1989 йил 10 июлда оқланган.

**801. Нажмиддинов Эшон Садриддин Махсум** (1898 йили туғилган, Андижон шаҳридан, ўзбек, диний маълумотга эга. 1932 йили муҳожирликда бўлган, 1933 йили оммавий сургун қилиш тадбирларига қарши турганлиги учун қамалган. Турмада 4 ой ўтириб чиққан, ҳибсга олингунга қадар диний хизматда бўлган) 1933 йили хориждан келиб, муҳожир руҳонийлар кўрсатмаси бўйича Қўштепа қишлоғида мусулмон руҳонийларидан аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ ташкил этганликда, совет ҳокимиятига қарши курашувчи, Ўзбекистонда буржуа давлати барпо этиш учун аксилинқилобий ходимлар тайёрлаш билан шуғулланган деган айб қўйилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 20 августдаги 4-баённомаси қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

**802. Нажотов Мулла Ҳофиз** (1880 йили Асака райони Бойистон қишлоғида туғилган. 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоқ жазосига тортилган. Диний хизматчи) аксилинқилобий *руҳоний*лар гуруҳига аъзо бўлиб, йиғинлар ўтказиб, уларда йиғинда ҳозир бўлганларни аксилинқилобий йўналишга солиб юборувчи тарғибот олиб борганликда, аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»*нинг* 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

**803. Назарбоев Жумабой** (1882 йилда Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1931 йилда советларга қарши фаолияти учун судланиб, 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) собиқ қулоқ ва босмачиларнинг аксилинқилобий йиғинларида иштирок этганликда, колхозчилар орасида колхозга қарши ва мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**804. Назарбоев Қодир Соҳибович** (1908 йилда Андижон шаҳрида туғилган, тайинли машғулоти йўқ, 1933 йилда СССР НКВДсининг махсус кенгаши томонидан ЖК 121-моддаси бўйича 3 йилга судланган) аксилинқилобий исёнкорлик тарғиботи олиб борганликда, аксилинқилобий гуруҳлар тузиш бўйича фаолият олиб борганликда, аксилинқилобий шеърлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 17 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (35-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 июлдан ҳисобланган.

**805. Назаров Қўчқор** (1907 йилда Ойим райони Қутқар қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, бадарға қилинишдан яшириниб юрган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхознинг бузилишига йўналтирилган тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматига қарши туҳмат қилганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**806. Назаров Мирзакарим** (1902 йилда Ворошилов райони Фозилмон қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1931 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 2,5 йилга қамалган, иккинчи марта 143-, 145-, 148-моддалар билан 1 йилга оғир меҳнат тури билан жазоланган, босмачилик иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик руҳида ташвиқот олиб борганликда, совет ҳукумати раҳбарларига қарши террористик ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган гаплар тарқатганликда, «халқлар доҳийси»га ва совет ҳукуматига қарши исён кўтаришга қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**807. Назаров Орзиқул** (50 ёшда, турк, Асака райони Қайрағоч қишлоғидан, якка хўжалик эгаси, чорвадор) аксилинқилобий, исёнчи гуруҳга аъзо бўлганликда, Ниёзботир қишлоқ масжидидаги 1936 йил августидаги йиғинда қатнашганликда, аҳоли орасида исёнчилик мағлубиятчилик кайфияти туғдирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 20 августдаги 4-баённомаси қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

**808. Назаров Саидбаққол** (1881 йилда туғилган, Ворошилов райони Қўрғонтепа қишлоғи фуқароси. Собиқ қулоқ, 1930 йилда қулоқ қилинган, ўша йили 5 йил озодликдан маҳрум этилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) Қўрғонтепадаги аксилинқилобий гуруҳда иштирок этганликда, исёнчилик характеридаги масалаларни ҳал қилишда қатнашганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1- ва 67-бандлари. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 14 сентябрдан ҳисобланган.

**809. Назаров Тешабой** (1884 йилда Ойим райони Қутқар қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, мавжуд тузумдан норозилик билдирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**810. Назарсўфиев Соли қори** (1896 йили туғилган, Ленин райони Марайин қишлоғидан, имом, ҳибсга олингунга қадар диний маросимлар хизматчиси) доимий равишда тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятининг яқин орада қулаши тўғрисидаги ташвиқот олиб борганликда, 2 йил давомида аксилинқилобий шеърлар ёзиб, аҳоли орасида ўқиганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**811. Насриддинов Зокиржон** (1904 йилда Сталин райони Сталино қишлоғида туғилган, босмачилик кўмакчиси, собиқ савдогар, «Жадид» миллатчи аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, ВКП (б) собиқ номзоди, партиядан ўчирилган, қишлоқ советига раисликдан бўшатилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида мишмиш тарқатганликда, қишлоқ хўжалигида зараркунандалик қилганликда, пахта терими бўйича саботаж қи-

либ, 1937 йилги пахта режасини барбод этганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**812. Насриддинов Ориф** (1905 йилда Сталин райони Сталин қишлоғида туғилган, собиқ савдогар, ВКП (б) собиқ аъзоси, илгари акслинқилобий ҳаракатда бўлганлиги учун партиядан чиқарилган. Қамоққа олинган вақтда райшёлк раҳбари бўлган) ноқонуний акслинқилобий йиғинларда иштирок этганликда, райшёлкда зарар келтириш ва исён кўтаришларни ўтказганликда, режа тайёргарлигини бузганликда, аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, капиталистик давлатлардаги ҳаёт ва фашизмни мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**813. Насриддинов Саидаҳмат** (1900 йилда Сталин райони Қумариқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган) колхозчилар орасида колхознинг бузилишига йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати шаънига туҳмат гаплар сўзлаганликда, қатағон қилинган аксилинқилобий унсурларни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**814. Насриддинов Сайфиддин** (1886 йилда Сталин райони Тожикқишлоқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган, илгари фаол босмачи бўлган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда, очарчилик тўғрисида мишмиш тарқатганликда, инқилобдан аввалги даврни мақтаганликда, колхоз хўжалигига заркунандалик қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 10 ноябрдан ҳисобланган.

**815. Насриддинов Сайфиддин** (1899 йилда Ойим райони Дардоқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, шу жараёнда 2 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида колхознинг бузилишига қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 10 июлда оқланган

**816. Ниёзматов Хоиим** (1876 йилда Ленин районида туғилган, собиқ савдогар. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) лагер қамоғидан озод бўлгач, жиноий унсурлар билан бирикиб, колхозчилар молини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**817. Ниёзов Азамат** (Азим Сўфи) (1884 йили туғилган, Сталин райони Найнаво қишлоғидан, руҳоний, 1932 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) колхозчилар орасида партия ва ҳукуматнинг тадбирларини барбод этишга, колхозда меҳнат интизомини йўқ қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда, заёмга ёзилишга қарши фикр билдирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган.

**818. Ниёзов Айсарохун** (1871 йилда Ленин райони Мирзаобод қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 12 июлда оқланган

**819. Ниёзов Акбарали** (1899 йили туғилган, Юқори Шаҳрихон қишлоқ совети Тумор қишлоғидан. 1933 йили миллатчилиги учун ВКП (б) аъзолигидан учирилган. Ҳибсга олинган вақтда колхозчи) аксилинқилобий исёнчи гуруҳ иштирокчиси сифатида колхозчилар орасида акслинқилобий, исёнчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 10 августдаги 1-баённомаси қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

**820. Ниёзов Ашурохун** (1891 йилда Ворошилов райони Чимён қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 декабрдан ҳисобланган.

**821. Ниёзов Мамажон** (1880 йилда Ленин райони Ленин шаҳрида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган

вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 2 декабрдан ҳисобланган.



**822. Ниёзов Ҳасанхон** (1895 йилда Андижон шаҳрида туғилган, эшоннинг ўғли, ўзи ҳам собиқ эшон. Маҳкам ҳожи бандасининг фаол иштирокчиси. «Миллий иттиҳод» ташкилотининг собиқ раиси. Қамоққа олинган вақтда ўқитувчи бўлиб ишлаган) «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотининг раиси бўлганликда, ВКП (б) тўғрисида аксилинқилобий туҳматдан иборат ахборотларни тарқатганликда, «Мусулмонобод»ни барпо этишни қўллаб-қувватлаганликда, таниқли миллатчи, аксилинқилобчи Мусо Жоруллоҳнинг хорижга чиқиб кетишини уюштирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарори билан отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли бўлган барча мол-мулк мусодара этилган.



Хасанхон Ниёзийнинг катта ўғли Одилжон Ниёзов – тарих фанлари номзоди, доцент узоқ йиллар Андижон давлат университети тарих факультети декани лавозимида фаолият кўрсатган.



Ноҳид Ниёзов 1932 йил 1 январда Андижон шаҳрида туғилган. Хасанхон Ниёзовнинг ўғли

*Қатағон қурбонлари ака-ука Хасанхон, Ҳусанхон Ниёзовларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар Р.Шамсутдиновнинг «Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар» (Шарқ, 2001 й., 306-325 бетлар), Ноҳид Ниёзовнинг «Ҳасанхон ва Хусайнхон Ниёзийлар» (Тошкент «Mumtoz so'z», 2011 й) китобларида келтирилган.*

**823. Ниёзов Хусанхон.** НКВД Андижон шаҳар сектори 3-бўлим ходими Ҳафизов 1938 йил 8 август куни Ҳусанхон Ниёзовни Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси бўйича айбдор билиб қамоққа олишга қарор қилади. «1923 йилда аксилинқилобий



Хусанхон Ниёзов
(1895 – 1947)



Ҳусанхон Ниёзовнинг ҳибсда тергов бериш пайтида

фаолияти учун қамоққа олинган аксилинқилобий, миллатчи «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзоси Ҳусанхон Ниёзов ҳибсга олинсин ва Андижон турмасида сақлансин», – дейилган эди ўша машъум қарорда.

Маҳбус анкетасида 1895 йили Андижон шаҳри Бирлик даҳасида туғилган, касби ўқитувчи, ҳибсга олинган пайтда хизмат жойи аниқ бўлмаган, руҳоний, эшоннинг ўғли, инқилобгача ота қарамоғида яшаган, ўқиган, олий маълумотли, партиясиз, ўзбек, ўтмишда миллатчи, аксилинқилобий ташкилот – «Миллий иттиҳод»нинг Андижон филиали раиси, 1923 йилда миллатчилик, аксилинқилобий фаолияти учун қамалган, судсиз озод этилган деб ёзилган. Оиласи аёли Хосиятхон Абдуллаева, ўғли Козимжон, қизлари Пирояхон, Сайёрахон, Турғунхондан иборат бўлган.

Ҳусанхон Ниёзов ЎзССР Жиноят кодексининг 58-, 67-моддалари бўйича





Хусанхон Ниёзиниг ўғли Козимхон оила аъзолари билан



Хусанхон Ниёзийнинг набираси Элёрбек



айбдор деб топилиб, 10 йил озодликдан маҳрум этишга, 67-моддаси билан отувга ҳукм қилинган, 51-модда асосида унга тааллуқли бўлган мол-мулк давлат фойдасига мусодара этилган. Ҳ.Ниёзов ҳукмдан норози бўлиб юқори ташкилотларга аризалар билан мурожаат қилган. СССР Олий суди 1942 йил 29 апрелда Ҳусанхон Ниёзов ишини қараб чиқиб, унга берилган отув ҳукмини бекор этиб, 10 йил қамоқ жазоси билан алмаштиришга ҳукм қилган. У узоқ Магаданга этап қилинган, 1947 йили бандаликни бажо келтирган.

**824. Ниёзчақов Қосимбой** (1875 йилда туғилган, Ворошилов району Султонобод қишлоғи фуқароси, миллати уйғур, собиқ қулоқ, 1929 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 1 йилга қамалган, 1932 йилда қулоқ қилинган ва Бекобод районига сургун қилинган, у ердан қочган, ўша йили давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун иккинчи бор 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 17 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 15 февралда оқланган.

**825. Нижегородов Иван Егорович** (1889 йилда Саратов области Новокрилов району Стригай қишлоғида туғилган, миллати рус. Андижон шаҳри Энгельс кўчаси 52-уйда яшаган. Андижон – Рязан поезди проводниги бўлган) 1937 йил 27 октябрда қамалган. 1990 йил 3 апрелда оқланган.

**826. Низомбоев Мулла Акбар** (50 ёшда, Избоскан району Мойгир қишлоғидан, ўзбек, йирик қулоқ ва қулоқда тортилганлар оиласидан, солиқ тўламагани учун 1 йил қамоқда ҳукм қилинган. Ҳибсга олингунга қадар Сиза қишлоғи масжидида имом бўлган) аксилинқилобий ташкилот иштирокчилари билан боғланиб, Сиза қишлоғидаги норасмий йиғинларда қатнашиб, уларда исёнчилик тарғиботини олиб борганликда, масжидда колхозчиларга оғир ҳаёт тўғрисида айтганликда, аксилинқилобий туҳмат мишмишлар тарқатганликда, яқин орада совет ҳокимияти қулайди деб айтганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**827. Низомиддинов Жўрабой** (1882 йили туғилган, Балиқчи району Хўжаобод қишлоғидан, ўзбек, савдогар, диний хизматчи) аксилинқилобий ташкилот аъзолари билан боғланиб, Хўжаобод қишлоғидаги яширин йиғилишларда иштирок этганликда, доимий равишда «Қизил Ўзбекистон» колхозчилари орасида турғунлик, колхозга қарши мағлубиятчилик, исёнчилик тарғиботи олиб борган-

ликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**828. Низомиддинов Эсон** (1891 йили туғилган, Ленин райони Кистакўз қишлоғидан, қулоққа тортилган, диний хизматчи, имом) аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, партия раҳбарлари шаънига террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган. Жиноий иш ЎзССР НКВД Жиззах райони бўлими томонидан тақдим этилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 19 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (25-баённома) отувга ҳукм этилган.

**829. Низомов Маҳмудхон** (1890 йилда Андижон шаҳрида туғилган, руҳоний оиласидан, ўзи собиқ савдогар, босмачилар тўдасининг фаол иштирокчиси, «Миллий иттиҳод» миллатчи-аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси, унинг техник котиби бўлган, 1933 йилда ҳибсга олинган ва валюта чайқовчиси сифатида 4 ой қамоқда ушланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий йиғилишлар иштирокчиси бўлганликда, мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, фашистлар турмушини мақтаганликда, совет ҳукумати номига ҳақоратли сўзлар айтганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган.

**830. Низомов Ҳалил** (1892 йилда Марҳамат райони Марҳамат қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик иштирокчиси, 1930 йилда талончилик ва қотиллик учун 10 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) лагер қамоғидан озод бўлгач, жиноятчи унсурлар билан боғланиб, доимий равишда ўғирлик ва товламачилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 4 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (67-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**831. Нишонбоев Ҳожи** (1897 йили Ленин (Асака) райони Бозорбоши қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1933 йили чайқовчилиги учун 4 йил қамоқ жазосига тортилган, жазони ўтаб келган) аҳоли ўртасида доимий равишда мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб бориб, комсомол фаоллар устидан террорчилик акти содир этишга уринганликда, колхозчилар орасида террорчилик мақсадларини айтиб, халқ душмани – Троцкийни мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги қарорига кўра (8-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**832. Нишонов Мамажон** (1892 йилда Сталин райони Ўрта Шаҳрихон қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) Чор Россияси давридаги ҳаётни мақтаганликда, совет ҳукуматидан нафратланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**833. Нишонов Муталлиб** (1896 йилда Андижон райони Миробод қишлоғида туғилган, илгари босмачиликнинг фаол иштирокчиси, йигитлардан, колхознинг собиқ бригадири бўлган) аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда, колхозчилар йиғинларида ҳукуматга қарши қаратилган аксилинқилобий исёнкорликка чақирганликда, зараркунандалигини ошкор этган мактаб директорини ўлдириш ҳақида дағдаға қилганликда, зарар келтирувчи ишлари туфайли пахта режаси 90% га бажарилганлигида айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**834. Нишонов Раҳмон** (1906 йилда Ворошилов райони Хўжамшукур қишлоғида туғилган, собиқ фаол босмачи, тайинли машғулоти бўлмаган, 1935 йилда ўғрилик учун 5 йилга қамалган) мунтазам равишда колхозчиларнинг чорвасини ўғирлаганликда, безорилик ва қимор ўйнаш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**835. Нишонов Садирхўжа** (1884 йилда Андижон шаҳрида туғилган, собиқ қулоқ, савдогар, 1932 йилда чайқовчилик учун 5 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) лагер қамоғидан қочиб, жиноий унсурлар билан алоқа боғлаб, ўғрилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 106- ва 226-моддалари. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 декабрдан ҳисобланган.

**836. Нозирхўжаев Асқарали** (1891 йилда Андижон райони Хартум қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қулоқ қилинган, босмачиликка ҳомийлик қилган, «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий миллатчи ташкилотининг аъзоси. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) қулоқ қилингандан сўнг 1931 йилда яшаш жойидан қочиб, тайинли машғулотга эга бўлмай, қишлоқма-қишлоқ юрганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра

(64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 декабрдан ҳисобланган.

**837. Норбоев Мадали** (1881 йили Жалолқудуқ райони Чангар қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1932 йили сургун қилинган, у ердан қочиб келган, машғулоти аниқ эмас) атрофидагилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, монархик тузумдаги ҳаётни мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги қарорига кўра (8-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 11 июлда оқланган.

**838. Норбўтаев Холмат** (1872 йилда Ойим райони Кўкалон қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, сургун қилинишдан яшириниб юрган. Қамоққа олинган вақтда чайқовчилик билан шуғулланган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқнинг мавжуд тузумга қарши қўзғолон кўтариши тўғрисида мишмиш тарқатганликда, Ишчи-деҳқонлар қизил армияси шаънига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**839. Норқўзиев Мамазиё** (Балиқчи райони Пучуғой қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган, жазо муддатини ўтамаган, қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни уюшган тарзда колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 29 мартда оқланган.

**840. Норқўзиев Мулла Муҳитдин** (1895 йилда Избоскан райони Пойтуғ қишлоғида туғилган, қўрбоши, Қўқондаги қўзғолон иштирокчиси бўлган, судланган) мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**841. Норқулов Раҳматқул** (1875 йилда Андижон райони Кўмакай қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий қулоқ исёнчи гуруҳи аъзоси бўлганликда, колхозларни тарқатиш масалалари кўрилган ноқонуний йиғинларда қатнашганликда, колхозчилар орасида мағлубиятчилик руҳида ташвиқот олиб

борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**842. Норматов Бўта** (1901 йилда Жалолқудуқ тумани Туёлас қишлоғида туғилган, бойлардан, 1934 йилда 1 йилга судланган, 1933 йилда 1 йил мажбурий меҳнат қилишга судланган, 1917 – 1923 йилларда қўрбоши Ёқуб халфа бандасида фаол каллакесар бўлган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) колхозчилар орасида доимий равишда пахта териш кампанияси ишларини тўхтатишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, зарар келтириш мақсадида ернинг ўғитларини атайлаб кавлаб юборганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**843. Норматов Раҳимжон ҳожи** (1898 йили Шаҳрихон туманида таваллуд топган) қулоқ қилиниб Украина Республикаси Херсон вилояти Голопристан районига сургун қилинган, бу ердаги Коминтерн номли пахтачилик совхозида бригадирлик қилган. У билан бирга шу совхоздан 14 киши (шундан 4 киши ўзбеклар, 10 киши туркманлар) 1938 йил 22 октябрида Николаев вилояти ички ишлар бошқармаси қошидаги махсус «учлик» қарори билан отилган. Андижон тумани Маслаҳат қишлоғидан, 1904 йилда туғилган Нурмирза Холиқов, Андижон тумани Кўмакай қишлоғидан, 1898 йилда туғилган Райимжон Нурматов, 1907 йилда туғилган Андижон туманидан Низомиддин Муродов, 1872 йилда туғилган Худоёр Гаипов «Коминтерн» пахтачилик совхозида бригадирлик вазифасида бўлганлар.

**844. Норматов Ҳайдар** (1902 йили туғилган, Сталин райони Қўрғонча қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили қулоқлар ҳайвонини яширгани учун 1,5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхозда бригадир бўлган) колхозчилар орасида совет ҳокимияти ва унинг раҳбарлари шаънига аксилинқилобий туҳмат фикрлар айтганликда, онгли равишда пахтага ишлов беришга совуққон муносабатда бўлганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган.

**845. Норхўжаев Саид Умархўжа** (35 ёшда, Асака райони Ниёзботир қишлоғидан, ўзбек, диний ишлар хизматчиси, эшон, савдогарлардан. Ҳибсга олингунга қадар Қайроғоч қишлоғидаги масжидда имомлик қилган) аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ раҳбарларидан бири сифатида 1936 йил августида ўз уйида йиғин ўтказиб, тарғибот қилиб, троцкийчиларнинг террорчилик фаолиятини мақтаганликда айбланган. Ниёзботир қишлоғи масжидида имом сифатида

ва Шаҳобиддинов, Оллаёров уйларидаги йиғинларда иштироқ этган деган айб қўйилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 20 августдаги 4-баённомаси қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

**846. Носиров Қора ҳожи** (1886 йилда Жалолқудуқ райони Кўтарма қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аҳоли орасида доимий равишда исёнчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги аҳвол тўғрисида бўҳтон ташвиқот олиб борганликда, подшо тузумини мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**847. Носиров Раимжон** (1877 йилда Балиқчи райони Қумтепа қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1929 йилда советларга қарши фаолияти учун 8 йилга қамалган) исёнчи қулоқлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда, совет ҳукуматига қарши кураш масалалари муҳокама этилган ноқонуний йиғинларда иштирок этганликда, аҳоли орасида аксилинқилобий фаолият олиб боришга розилик билдирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**848. Носиров Содиқ** (1892 йилда Балиқчи райони Ўртақўрғон қишлоғида туғилган, муқаддам фаол босмачи, 1934 йилда колхоз пахтасига зиён етказгани учун 5 йилга судланган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб, бир неча бор ноқонуний йиғинларда иштирок этганликда, йиғинда ҳукуматга қарши кураш ва қуролли қўзғолонга тайёргарлик масалаларини кўришда фаол қатнашганликда, аҳоли орасида акслинқилобий колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**849. Нугрин Николай Филипович** (1905 йили Пятигорск шаҳрида туғилган, рус. 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазо муддатини Наманган лагерида ўтаган, у жойдан муддатдан олдин озод қилинган, ҳибсга олингунга қадар Асака пахта заводи автобазасида механик бўлиб ишлаган) завод ишчи ва хизматчилари орасида доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик характерида тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти ва Компартия шаънига бўҳтон, ноцензур гаплар айтганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги қарорига кўра (8-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**850. Нураев Аҳмадҳабиб Абдураҳмонович** (1889 йилда Уфа области Октябрь райони Хабибулино қишлоғида

туғилган, собиқ мулкдор, судланган, жазони ўтамай қочган. Қамоққа олинган вақтда қоровул бўлган) очарчилик тўғрисида мишмиш тарқатганликда, подшо давридаги ҳаётни мақтаганликда, болаларга динни тарғиб қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**851. Нуралиев Абдусалом** (1910 йили туғилган, Андижон шаҳридан, жиноятчи, ҳайвон ўғирлагани учун 2 марта судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) лагерлардан келгандан сўнг ҳам ўғирликни давом эттирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**852. Нуралиев Аҳмаджон** (1904 йилда Ленин райони Араб қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қатағондан қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мағлубиятчилик руҳида ташвиқот олиб борганликда, қариндошларига етказилган тан жароҳатини ва жиноятларни яширганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**853. Нуралиев Сотимбой** (1894 йилда Балиқчи райони Товулди қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қатағондан қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий қулоқисёнчилар гуруҳи аъзоси бўлганликда, аксилинқилобий гуруҳ йиғинларида қатнашганликда, колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «Учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 26 июлда оқланган.

**854. Нуриддинов Муҳиддин** (1900 йилда Балиқчи райони Хўжаобод қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, илгари судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида доимий равишда акслинқилобий исёнчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни уюшган ҳолда колхоздан чиқишга даъват этганликда, Олий Советга сайлов билан боғлиқ Сталин Конституцияси тўғрисида туҳмат гаплар айтганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**855. Нуриддинов Салоҳиддин** (1902 йилда Балиқчи райони Аълам қишлоғида туғилган, 1931 йилда қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда махсус

кўчирилганлардан бўлган) махсус кўчирилганлар орасида советларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**856. Нуритдинов Эшон Нажмиддин** (1886 йилда Балиқчи райони Аълам қишлоғида туғилган, 1933 йилда қулоқ қилинган, ўша йили 5 йилга қамалган, «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, муҳожирликдан қайтган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мунтазам равишда советларга қарши мағлубиятчилик кайфиятидаги тарғибот олиб борганликда, эски тузумни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**857. Нурматов Абдурасул** (1891 йилда Ойим райони Тошлоқ қишлоғида яшаган, қулоқ қилинган, 1931 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида колхознинг бузилишига йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**858. Нурматов Мадамин** (1881 йилда Избоскан райони Яккатут қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) мунтазам равишда аксилинқилобий йиғинларда иштирок этиб, мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий фикрлар билдирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**859. Нурматов Мамадали** (1888 йилда Ленин райони Бекбачча қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида доимий равишда колхоз парчаланишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда, Совет Иттифоқининг мағлубиятчилиги ҳақида гапирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**860. Нурматов Маткарим** (1898 йилда Избоскан райони Қурама қишлоғида

туғилган, собиқ қулоқ, босмачилар тўдасининг фаол иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида мавжуд тузумга қарши йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**861. Нурматов Мирсоли** (1913 йилда Пахтаобод райони Кўқонқишлоқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган) мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**862. Нурматов Мулла Эрмат** (1888 йилда туғилган, бойлардан, собиқ қулоқ, 1930 йилда қулоқ қилинган, 1931 йилда давлат топшириғини бажармаганлиги учун 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. Илгари «Шўрои ислом» аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг аъзоси бўлган. Қамоққа олинган вақтда имомлик қилган) аксилинқилобий исёнчилар гуруҳининг фаол аъзоси бўлганликда, мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятини намойиш қилганликда, йиғилишларда совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий фикрлар билдирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**863. Нурматов Муҳитдин** (1896 йилда туғилган, Пахтаобод райони Жанжал қишлоғида яшаган, собиқ қулоқ, қулоқ қилинган, босмачилик ҳаракати иштирокчиси, 1923 йилда қамалган, 1935 йилда такроран қамоққа олинган, ҳибсдан қочган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида колхозни бузишга йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 октябрдан ҳисобланган.

**864. Нурматов Ниёзали** (1875 йили туғилган, Жалақудуқ райони Сўфиқишлоқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили давлат солиғини бажармаганлиги учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олингунга қадар сартарош, косиб бўлган) аҳоли орасида доимий ра-

вишда аксилинқилобий, миллатчилик руҳидаги ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари шаънига мишмишлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**865. Нурматов Соли** (1986 йилда Андижон райони Сарой қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қатағондан яшириниб юрган, 1930 йилдаги коллективлаштиришга қарши аксилинқилобий намойиш иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) қуролли қўзғолонни тайёрлаш тўғрисидаги масалалар кўрилган ноқонуний исёнчи гуруҳ йиғилишларида иштирок этганликда, қишлоқ фаолларига қарши террористик фикрлар билдирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**866. Нурматов Тошмат** (1900 йилда Сталин райони Чорчаман қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ ва босмачи. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**867. Нурматов Эргаш** (1867 йилда Балиқчи райони Гулистон қишлоғида туғилган. Шу ерда деҳқончилик қилган) 1937 йил 28 августда қамалган. 1990 йил 1 мартда оқланган.

**868. Нурматов Эргаш** (1883 йили туғилган, Асака райони Толмозор қишлоғидан, собиқ қулоқ. 1936 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, муддатидан олдин озод этилган) аҳоли орасида доимий равишда колхозларни барбод бўлишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхозда ишламасликка чақирганликда, совет ҳокимияти шаънига мағлубиятчилик кайфиятидаги фикрлар айтганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

**869. Нурматов Юнусали** (1888 йилда Балиқчи райони Қумтепа қишлоғида туғилган, судланган ва 3 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 10 мартда оқланган.

**870. Нурматов Юнусали** (1907 йилда Сталин райони Юрганча қишло-

гида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**871. Нурмуҳамедов Тожи** (1886 йилда Андижон шаҳрида туғилган, имом, чайқовчи, 1926 йилда аксилинқилобий тарғиботи учун 3 йилга сургун қилинган. Қамоққа олинган вақтда имомлик қилган) мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманлари Ф.Хўжаев ва бошқаларни мақтаганликда, совет конституциясини ҳақоратлаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 28 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (43-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. 1990 йил 14 мартда оқланган.

**872. Нусратов Зокиржон (Нусратий Зокир)** (1897 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Савдогар оиласидан, ўзи собиқ савдогар, «Миллий иттиҳод» миллатчи аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, Маҳкам қўрбоши босмачилар тўдасининг фаол иштирокчиси, 1927 йилда аксилинқилобий фаолияти учун 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. Қамоққа олинган вақтда колхозда ҳисобчи бўлиб ишлаган) жазони ўтаб қайтгандан сўнг аксилинқилобий фаолиятини қайта тиклаганликда, «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилоти аъзолари билан алоқа боғлаганликда, совет ҳукуматининг тадбирларига норозилик билдирганликда, маҳлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларининг ишдан олиниши ва қамалишидан афсусланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли барча мулк мусодара этилган.





Зокиржон Нусратийнинг қизи Нурияхон Зокирова ва ўғли Козимжон Зокиров

**873. Обидинов Иброҳим Саркар** (1881 йили туғилган, Ленин райони

Ёмонёр қишлоғидан, қулоққа тортилган, аввал «Шўрои ислом» ташкилотида бўлган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) доимий равишда колхозчилар орасида аксилинқилобий колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда, яқин орада уруш бўлиши ҳақида ва ҳукуматдаги ўзгариш тўғрисида ташвиқот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**874. Обувалин Андрей Павлович** (1888 йилда Мордовск АССР Рузаевка қишлоғида туғилган, 1919 – 1930 йилларда диний хизматчи, 1930 йилда РСФСР ЖК 58-моддаси 10-банди бўйича 3 йилга озодликдан маҳрум этилган, жазони ўтаган. Қамоққа олинган вақтда Андижондаги 1-сон пахта заводи пахта толаси бўйича ишбоши бўлган) ишчи ва хизматчилар орасида советларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматига норозилик билдирганликда, халқ душманлари Зиновьев, Пятаков, Радекани ва фашист давлатлари техникасини мақтаганликда, совет ҳукуматига мағлубиятчилик кайфияти намойиш этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган. 1990 йил 3 апрелда оқланган.

**875. Одилов Маматюсуф** (1887 йилда Ворошилов райони Чимён қишлоғида туғилган, илгари фаол босмачи. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) совет ҳукуматига қарши йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 декабрдан ҳисобланган. Оилани боқиш учун театр соҳасида фаолият кўрсатади, ижодий фаолиятда бўлади, қатор асарлар ёзади, улардан айримлари «Всемирный следопыт» журналида элон қилинган.

**876. Олимов Қодир** (1902 йилда туғилган, Пахтаобод райони Пахтакор қишлоқ совети фуқароси, қулоқ қилинган, қатағондан қочиб юрган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, монархия тузумини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**877. Олимхўжаев Баҳодирхон Эшон** (1874 йили туғилган, ўзбек, руҳоний,

Балиқчи қишлоғи имоми) аксилинқилобий ташкилотнинг Балиқчи гуруҳи раҳбарларидан бири Рўзматов орқали муҳожир руҳонийлар билан алоқада бўлганликда, Мулла Ортиқ Қозоқбоевнинг уйида аксилинқилобий гуруҳнинг совет ҳокимиятини қурол кучи билан ағдариб ташлаш мақсадида бандитлар тўдаси ташкил этиш масаласи ҳал қилинаётган кенгашда қатнашганликда (бу кенгашда чет элдан келган руҳоний ҳам қатнашган), бу ташкилотга Содиқов, Расулов, Матхолиқовни тортганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**878. Оллаёров Исоқ** (1878 йилда Пахтаобод райони Пахтакор қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 6 мартда оқланган.

**879. Оллоқулов Абдуқодир** (1897 йилда Ворошилов райони Фозилмон қишлоғида туғилган, уйғур, СССР фуқароси, босмачилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, собиқ қулоқ, қулоқ қилинишдан қочиб юрган, ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий ваколатхонаси учлиги томонидан аксилинқилобий фаолияти учун 5 йилга судланган. Тайинли машғулоти йўқ) қамоқ лагеридан озод бўлгач, жиноятчи унсурлар билан бирикиб ўғирлик ва талончилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 234-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 17 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (35-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 14 сентябрдан ҳисобланган.

**880. Омонов Исмон** (1897 йилда Андижон шаҳрида туғилган, собиқ босмачи, партиясиз, шартли судланган. Қамоққа олинган вақтда Ленин номли колхоз аъзоси бўлган) 1922 йилда босмачиликда иштирок этиб, шу йили марғилонлик қўрбоши Қозоқ билан биргаликда ҳарбий ишни ўрганиш учун Афғонистонга юборилган, Афғонистонда афғон ҳарбий офицерлари бошчилигида 3 ой давомида ҳарбий машғулотларга қатнашган, 1922 йилда Кўршермат бошчилигида ноқонуний равишда Совет Иттифоқига келиб, Совет давлатига қарши қуролли қўзғолонда иштирок этган деган айб қўйилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 21 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (10-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**881. Омонов Назир** (1915 йилда туғилган. Собиқ қулоқ, 1932 йилда ота-

си билан бирга қулоқ қилинган, отаси сургун қилинган, ўзи қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда «Пахтачи» колхозининг аъзоси бўлган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган.

**882. Омонов Фозилжон** (Жалолқудуқ қишлоғидан, ўзбек, қулоқлардан) партия ва ҳукуматнинг тадбирларини барбод этишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик ҳақида иғво гаплар тарқатган, партия ва ҳукумат сиёсатига бўҳтонлар қилганлик айби қўйилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 августдаги йиғилиши қарори билан отувга ҳукм қилинган.

**883. Омонов Хўжаназар** (1911 йили туғилган, Ворошилов райони Бўстон қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар Акмал Икромов номли совхозда («Савай» совхозида) ишлаган) 1931 йили қулоққа тортилган ва доимий ишга эга бўлмай бандит Маманазаров билан алоқа ўрнатганликда, жиноятчи унсурлар билан биргаликда талончилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**884. Омонов Ҳайдар** (1878 йилда Андижон райони Сарой қишлоғида туғилган, собиқ бой, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган, коллективлаштиришга қарши қўзғолонда қатнашган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий қулоқ-исёнчилар гуруҳининг ноқонуний йиғинларида совет ҳокимиятига қарши курашни авж олдириш тўғрисида чиқиш қилганликда, Ўзбекистонда миллий буржуа давлатини тиклаш тўғрисида ташвиқот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**885. Орзибадалов Мамажон** (1897 йилда Андижон райони Тожикқишлоқ қишлоғида туғилган, жамолаштиришга қарши исёнчилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) иғвогарона, мағлубиятчилик кайфиятидаги колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, ноқонуний йиғинларда иштирок этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**886. Орзибойҳожиев Худойберди** (1872 йили туғилган, Андижон райони

Эшончек қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамалган, озодликка чиққач, Қошғарга қочиб кетган, у ердан 1933 йили кайтиб келган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий, иғвогарона гаплар тарқатганликда, ташқаридаги ҳаётни мақтаганликда, муҳожирлик пайтида бошқа муҳожирларга жосусликка оид маълумотларни етказиб берганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**887. Орзиқулов Ашур охун** (1893 йилда туғилган, Андижон вилояти Курама қишлоғидан, миллати уйғур, партиясиз. Қамоққа олинган вақтда «Юқори ҳосил» колхози аъзоси бўлган) 1927 йилда ноқонуний равишда собиқ Иттифоқдан Ғарбий Хитойга ўтиб, шу йили ноқонуний равишда қайтганликда, 1928 йилда Андижондаги Хитой элчихонаси билан алоқа ўрнатиб, Хитой паспортини олганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 22 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (15-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**888. Орленко Сергей Кузмич** (1887 йилда УССР Кадиевка шаҳрида туғилган, собиқ қулоқ, қўриқчи) аҳоли орасида мунтазам равишда совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманлари – троцкийчиларга ҳамдардлик қилганликда, Троцкий ва капиталистик тузумни мақтаганликда, партия ва ҳукумат раҳбарларига нисбатан террористик кайфиятда бўлганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 19 апрелдан ҳисобланган.

**889. Ортиқов Қўлдош** (1897 йилда Ворошилов райони Қўрғонтепа қишлоғида туғилган, босмачилар тўдаси йигити бўлган, 1932 йилда ўғрилик қилганлиги ва босмачи бўлганлиги учун қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 январдан ҳисобланган.

**890. Ортиқов Мамадали** (1895 йилда Ворошилов райони Чимён қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда партия ва ҳукуматни обрўсизлантирганликда айб-

ланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 декабрдан ҳисобланган.

**891. Отабеков Абдумўмин** (1888 йилда туғилган, савдогар оиласидан, собиқ босмачи, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда Андижон районида магазин мудири бўлган) аҳоли орасида доимий равишда исёнчилик ва мағлубиятчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги аҳвол ҳақида бўҳтон гаплар айтганликда, қишлоқ фаолларига нисбатан террористик руҳдаги қарашларни гапирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**892. Отабеков Абдусаттор** (1875 йилда Ленин райони Бойтожик қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозга моддий зарар етказиш мақсадида аксилинқилобий фаолият юритганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**893. Отабоев Дадабой** (1889 йилда Избоскан райони Ботиробод қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1933 йилда қулоқ қилинган, тайинли машғулоти йўқ, паспортга эга эмас) 1932 йилдан буён ҳеч қаерда ишламай, ўғрилик ва чайқовчилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 8 ноябрдан ҳисобланган.

**894. Отабоев Каримшак** (1891 йилда Ойим райони Дардоқтепа қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда, совет ҳукумати шаънига туҳмат гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**895. Отабоев Мамажон** (1884 йилда Балиқчи райони Эски Ҳаққулобод қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1931 йилда аксилинқилобий фаолияти учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида аксилинқилобий ва колхозга қарши ташвиқот олиб борган-

ликда, аёлларга нисбатан нотўғри фикр айтганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. 1990 йил 26 мартда оқланган.

**896. Отабоев Позил** (1883 йилда Пахтаобод райони Тақайчи қишлоғида туғилган, босмачилик ҳаракатининг собиқ иштирокчиси, тайинли машғулоти ва яшаш жойи йўқ, 1934 йилда бандитизмда аййбланиб 3 йилга қамалган) бир неча йил давомида ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаганликда, 1937 йилда мол ўғриси Аризбоев билан бирга уч колхозчининг чорвасини ўғирлаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**897. Отабоев Тўражон** (1900 йилда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, босмачилик ҳаракатининг собиқ иштирокчиси, қўрбошининг ёрдамчиси бўлган. Қорамол ўғирлагани учун 2 йилга қамалган, тайинли машғулоти йўқ) бозорларда деҳқонларни ўзбошимчалик билан тинтув қилганликда, уларнинг пулини тортиб олиб ўзлаштирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 17 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (35-баённома) 8 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 6 октябрдан ҳисобланган.

**898. Отабоев Умарали** (1867 йили туғилган, Марҳамат райони Кулла қишлоғидан, собиқ қулоқ, давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтагач, колхозга кирган) колхозчилар орасида колхозларнинг тарқалиб кетишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган.

**899. Отабоев Холмирза** (1908 йили туғилган, Андижон шаҳридан. 1933 йили талончилиги учун халқ суди 5 йил қамоқ жазоси берган, жазони ўтаган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулотга эга бўлмаган) лагердан озод бўлгач, жиноятчилар билан алоқани тиклаб, доимий равишда талончилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган.

**900. Отабоев Юнус** (1912 йилда Жалолқудуқ райони Қантал қишлоғида туғилган, тайинли машғулоти ва яшаш жойи йўқ, паспортга эга эмас, 1933 йилда ўғрилик учун 2 йилга қамалган) тайинли машғулоти ва яшаш жойи бўлмай, мунтазам равишда ичкиликбозлик ва безорилик билан шуғулланганликда,

1937 йил 25 августда колхоз партия ходимига хужум қилиб, унга пичоқ билан жароҳат етказганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган.

**901. Отабоев Янгибой (Янгибоев Отабой)** (1897 йилда Андижон райони Деҳқон қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, собиқ фаол босмачи, қатағондан яширинган, илгари колхоздан чиқарилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий қулоқ-босмачи исёнкор гуруҳи иштирокчиси сифатида совет ҳукуматига қарши қуролли курашишни уюштириш масалалари муҳокама қилинган махфий йиғинлар ташкиллаштирганликда, аҳоли орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги ҳолат тўғрисида туҳмат гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**902. Отабойҳожиев Аҳмадали** (1881 йилда Избоскан райони Тўрткўл қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1930 йилда қатағондан қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида совет ҳукумати тадбирларига қарши мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 28 майда оқланган.

**903. Отажонов Дадажон** (1897 йилда Ленин шаҳрида туғилган, собиқ қулоқ, ВКП (б) собиқ аъзоси, ижтимоий ёт унсур сифатида чиқарилган, босмачилик ҳаракати даврида қўрбоши билан алоқада бўлиб, ундан ўғирланган молларни сотиб олган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) илгари аксилинқилобий миллатчи ташкилот аъзоси бўлганликда, халқ душманларига ҳамдардлик билдирганликда, ҳукумат ағдарилиши ва уруш ҳақида аксилинқилобий гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**904. Отажонов Дадаш** (1903 йили туғилган, Андижон шаҳридан, ўзбек. Ўғирлик учун Туркистон шаҳрига 5 йил сургун қилинган, у ердан бир ойда қочиб келган. 1934 йили ЎзССР НКВД «учлиги» ижтимоий зарарли унсур сифатида айблаган) ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**905. Отажонов Додажон** (1881 йилда Андижон райони Бўтақора қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, мингбошининг ўғли, 1931 йилда қулоқ қилинган, тайинли машғулоти йўқ, паспортга эга эмас) ижтимоий фаол меҳнат билан шуғулланмай, районма-район юриб колхоз қурилишини бузишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 25 ноябрдан ҳисобланган.

**906. Отажонов Расулжон** (1881 йилда Андижон райони Бўтақора қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларига ачиниш билдирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган. 1990 йилд 14 мартда оқланган.

**907. Отақўзиев Абдукарим қори** (1904 йили туғилган, Ленин райони Қоратепа қишлоғидан, собиқ бой, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) аксилинқилобий йиғинларда иштирок этганликда, совет ҳокимияти қулаши тўғрисида ташвиқот олиб борганликда, колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган.

**908. Отақўзиев Мамадумар** (1883 йилда Андижон райони Бўтақора қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, уларни колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.


Отақўзиев Мадумарнинг онаси Тўтихон ва қизи Эъзозхон

**909. Отақўзиев Турсунбой** (1895 йили туғилган, Ленин райони Қоратепа қишлоғидан, 1930 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзо-

си) аксилинқилобий гуруҳ йиғинларида иштирок этганликда, интервенция вақтида совет ҳокимиятига қарши кураш олиб боришини айтганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**910. Отақулов Бўрон** (1908 йилда Хўжаобод райони Каттатол қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий гуруҳ аъзоси бўлганликда, совет ҳукуматига ва маҳаллий фаолларга қарши террористик актларни уюштириш масалалари кўрилган ноқонуний йиғинларда қатнашганликда, 2 нафар колхоз фаолини ўлдиришга кетадиган харажатни кўтаришга розилик берганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**911. Оталиқов Раим** (1895 йилда туғилган, Хўжаобод райони Булоқбоши қишлоғининг фуқароси, собиқ қулоқ, 1931 йилда қулоқ қилинган, илгари фаол босмачилардан бўлган. Қамоққа олинган вақтда К.Маркс номли колхоз аъзоси) колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, исён қилишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 2-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 сентябрдан ҳисобланган.



Оталиқов Раимнинг ўғли Остонақул ва унинг набиралари

**911. Отаманов Ҳотамбой** (Балиқчи райони Балиқчи қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган, 1934 йилда 2 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик руҳида ташвиқот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**912. Отамирзаев Бурҳон** (1905 йилда Пахтаобод райони Избоскан қишлоғида туғилган, қулоқнинг ўғли, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз ҳисобчиси бўлган) халқ душманлари Ф.Хўжаев ва А.Икромовга ачиниш билдирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм

қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**913. Отахонов Бўта** (1898 йили туғилган, Марҳамат райони Кулла қишлоғидан, собиқ қулоқ, қатағондан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий иғвогарона мишмишлар тарқатганликда, колхоз қурилишига қарши фикр билдирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган.

**914. Отахонов Мамад** (1899 йилда туғилган, Хўжаобод райони Яман-Турк қишлоғи фуқароси, бойлардан, собиқ қулоқ, 1931 йилда қулоқ қилинган, ўша йили 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган, сўнгги вақтларда чайқовчилик билан шуғулланган. Қамоққа олинган вақтда «Қизил қаҳрамон» колхозининг аъзоси бўлган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 сентябрдан ҳисобланган.

**915. Охунбеков Машраб** (1904 йилда Жалолқудуқ райони Эскикапа қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Хизматчи, маълумоти қуйи, саводини ўзи чиқарган, 1929 йил 25 мартдан партия аъзоси, 1934 йили Жалолқудуқ районида партия тозаловидан ўтган. 1926 йил 12 мартдан 1927 йил 8 майга қадар Эскикапа қишлоқ совети раиси, 1927 йил 8 майдан 1928 йил 12 январгача Кредит ширкат идораси раис ўринбосари, 1927 – 1928 йилларда Жалолқудуқ райони Манак қишлоқ совети тракторлар контораси мудири, 1929 – 1930 йилларда Жалолқудуқ пахтачилик ширкати идораси раиси ўринбосари, 1930 – 1931 йилларда Кўтарма пахта заводи мудири, 1931 – 1932 йилларда Жалолқудуқ райони колхоз союзида инструктор бўлиб ишлаган. 1932 йил 20 февралдан 1933 йил 1 январга қадар Капа қишлоқ совети раиси ўринбосари, 1933 йил 25 августдан 1934 йил 1 августгача Жалолқудуқ район Булоқбоши қишлоқ совети раиси ўринбосари, 1934 йил 1 августдан 1935 йил 15 майгача Жалолқудуқ райони Сўфиқишлоқ матлубот жамияти раиси, 1935 – 1936 йилларда шу қишлоқ пахта заводи мудири, ер-сув бўлими мудири лавозимларида ишлаб келган. Оиласида 3 киши бўлган) СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 8 октябрдаги йиғилишида отувга ҳукм қилинган, жазо ўша куни ижро этилган. Оқланган.

**916. Охунбобоев Тожимахсум** (1897 йилда Андижон шаҳрида туғилган, собиқ қулоқ, қулоқ қилинишдан яширин-

ган. Қамоққа олингунга қадар тайинли машғулоти бўлмаган) атрофидагилар орасида аксилинқилобий миллатчилик тарғиботини олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, совет ҳукумати шаънига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган.

**917. Охунбоев Тожибой** (1887 йилда Андижон шаҳрида туғилган, тайинли машғулоти йўқ, 1932 йилда ўғрилик ва қимор ўйнаганлиги учун 4 йилга қамалган) 1931 йилдан буён ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, қимор ўйинлари ташкиллаштирганликда, 1934 йилда чорва ўғирлаганлиги учун қамалганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 ноябрдан ҳисобланган.

**918. Охунжонов Ҳаитжон** (1889 йилда Сталин райони Чўжа қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган, илгари босмачилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси. Аксилинқилобий фаолияти учун колхоздан ўчирилган) совет ҳукуматига қарши кураш олиб бораётган аксилинқилобий қулоқларнинг гуруҳида бўлганликда, СССРдаги очарчилик ва совет ҳукуматининг ҳалокати тўғрисида мишмишлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати кўрсатилмаган.

**919. Охунов Абдуқодир мулла Мирзабой** (1879 йилда Сталин райони Қумариқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинишдан яшириниб юрган, босмачилик кўмакчиси. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида иғво тарқатганликда, аҳолини колхозга кирмасликка даъват этганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**920. Охунхўжаев Фозил** (1892 йилда Андижон шаҳрида туғилган, собиқ савдогар, босмачилар тўдасининг фаол иштирокчиси, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий, кўпорувчилик тарғиботини олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм

қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**921. Пайзиматов Ҳожимат** (1901 йили туғилган, Ленин райони Кува қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1934 йили партиядан тозалов пайтида савдо қилгани учун аъзоликдан чиқарилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) атрофдагилар орасида доимий равишда аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига туҳмат, иғволар тарқатганликда, чет элдаги ҳаётни мақтаганликда ва колхозчиларни чегарадан ташқарига чиқишга ундаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 2 сентябрдан ҳисобланган.

**922. Паималов Иван Климович** (1895 йилда Ашхобод шаҳрида туғилган, Марҳамат райони Русское село қишлоғида истиқомат қилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда Марҳамат район советидаги стадион мудири бўлиб ишлаган) совет ҳукумати ва колхоз тузумига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Марҳамат район бўлими томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**923. Паников Григорий Николаевич** (1913 йилда Ульяновск губернияси, Сурск райони Гуляшево қишлоғида туғилган, миллати рус, Андижон шаҳри 10-уйда яшаган, темирчилик устахонасида темирчи бўлган) 1937 йил 19 июлда қамалган. 1945 йил 15 декабрда оқланган.

**924. Паримқулов Тожиқул** (1898 йилда Балиқчи райони Қумтепа қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган ва 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аҳоли орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**925. Парпиев Холиджон** (1898 йилда Ворошилов райони Деҳқончек қишлоғида туғилган, йирик бойнинг ўғли, давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун судланган ва 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида совет ҳукуматига қарши тарғибот олиб борганликда, инқилобдан олдинги даврни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йи-

ғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**926. Парпиев Юнус** (1871 йили туғилган, Ленин райони Арғин қишлоғидан, собиқ қулоқ. Ўтмишда Мадаминбек тўдасида фаол йигит бўлган, 1 марта 166-модда билан судланиб 5 йил қамоқ ва сургунга ҳукм этилган, муддатни ўтамай қочган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) сургундан қочиб Ленин районига келиб, жиноятчилар билан боғланганликда, ўз уйида қимор ва бошқа ўйинлар ташкил қилганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**927. Персегов Михаил Григорьевич** (1887 йилда Тоғли Қорабоғ автоном округининг Гаций қишлоғида туғилган, Андижон шаҳрида истиқомат қилган, подшо армиясининг собиқ офицери, дашноқлар отрядининг командири, Ҳарбий тирибунал томонидан судланган, жазодан қочган, 1937 йилда 5 йилга озодликдан маҳрум этилган) 1920 йилда дашноқлар отрядининг командири сифатида маҳаллий аҳолига зуғум ўтказганликда, дашноқлар тўдаларига коммунистлар ва қизил партизанларни сотганликда, Андижон шаҳри қурувчилари орасида стахановчилик ҳаракатига тўсқинлик қилганликда, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 2-банди ва 67-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 августдан ҳисобланган.

**928. Петренко Иван Иванович** (1909 йилда Дон областида туғилган, тайинли яшаш жойи ва машғулотга эга эмас, 1937 йилда Андижон шаҳар халқ суди томонидан қотиллик учун 4 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган) қамоқдан қочганликда, шаҳардан шаҳарга ўтиб ўғрилик қилганликда, 1937 йил 1 ноябрда фуқаро Швайдер хонадонида қулфни бузиб ўғрилик қилганликда айбланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**929. Петросов Хачатур Никитич** (1886 йили туғилган, Озарбайжон ССР Тоғли Қорабоғ областининг Шуша шаҳридан, армани. Дашноқлар аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси, 1920 йилда валюта олди-бердисини бузганликда айбланиб қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда артелда тайёрловчи бўлиб ишлаган) аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, халқлар доҳийси шаънига террорчилик кайфиятини билдирган-

ликда, партия ва ҳукумат ўтказаётган тадбирлар ҳақида бўҳтон ва туҳматлар тарқатганликда айбланган. Жиноий иш НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**930. Петросьянц Павел Богдасарович** (1885 йили туғилган, Арманистон ССР Сисян райони Караки қишлоғидан, собиқ савдогар, қулоққа тортилган. 1919 йили Жалолободдаги қулоқлар қўзғолонида қатнашган, 1932 – 1933 йилларда валюта олди-бердисини бузганлиги учун қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда вино дўкончасида мудир бўлган) доимий равишда тарғибот олиб борганликда, яқин орада ҳокимият ўзгариши ҳақида гап тарқатганликда, халқ душманларини ёқлаб гапирганликда, фашистларни мақтаганликда, совет матбуоти ҳақида бўҳтон гаплар тарқатганликда айбланган. Жиноий иш НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**931. Пирматов Абдуғафур** (1884 йилда Сталин райони Доруломон қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) Олий Советга сайловлар тўғрисида чиқарилган қонун тўғрисида советларга қарши гаплар айтганликда, совет ҳукуматини йўқ қилиб, буржуа тузумини тиклашни ёқлаб чиққанликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**932. Повлюдов Яков Ефстафьевич** (1865 йилда Оренбург области Орск шаҳрида туғилган, қулоқлардан, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган, 1920 йилда ҳибсга олинган ва Андижон шаҳридан бадарға қилинган. Инқилобгача Андижон шаҳри уезд бошқармаси бошлиғининг ёрдамчиси ва муваққат ҳукумат комиссари бўлган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) совет ҳукуматига душманлик кайфиятида бўлганликда, ижтимоий ёт унсур ҳисобланиб, бири аксилинқилобий жосусликда айбланган, иккинчиси мунтазам равишда атрофдагилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борган казак офицерлари бўлган икки фарзанди бўлганликда, халқ душманлари Тухачевский, Ф.Хўжаевга ачинганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. Жиноий иш НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 сен-

тябрдан ҳисобланган. 1990 йил 11 мартда оқланган.

**933. Полвонов Ғозибой** (1892 йилда Хўжаобод райони Булоқбоши қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) деҳқонлар орасида доимий равишда колхозга қарши аксилинқилобий ва исёнчилик тарғиботи олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги аҳвол ҳақида бўҳтон ташвиқот қилганликда, фашизмни мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**934. Пошахўжаев Собирали** (1882 йилда Ленин райони Шалван қишлоғида туғилган, миллати уйғур, Андижон райони Темирхўжа қишлоғида истиқомат қилган, 1931 йилда қулоқ қилинган, Қошғарда муҳожирликда бўлиб, 1932 йилда қайтган. 1936 йила чайқовчилик учун 5 йилга қамалган, иш қайта кўрилиб, шартли жазо белгиланган. Тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида совет ҳукумати ва колхоз тузумига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати кўрсатилмаган.

**935. Пошахўжаев Тешахўжа** (1905 йилда Андижон шаҳрида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) капиталистик давлатлардаги ҳаётни мақтаганликда, мавжуд тузумга нисбатан нафрат билдирганликда, совет ҳукумати тадбирларига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**936. Пўлатов Ашур** (1894 йилда Ворошилов райони Қўрғонтепа қишлоғида туғилган, босмачилик ҳаракати иштирокчиси, 1929 йилда ўғирлик учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) 1932 йилдан буён ўғрилик ва нашавандлик билан шуғулланганликда, уйида бангихона ташкил этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**937. Пўлатов Ғози** (1881 йилда Жалолқудуқ райони Янгикўрпа қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1932 йилда солиқ тўламаганлиги учун 3 йилга қамалган, озод қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжати йўқ. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозга кириб олиб, у ерда пахта терими даврида қулоқларнинг аксилинқилобий иш ташлашини уюштирганликда, колхозчилар орасида

совет ҳукумати тадбирларини обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни урганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 сентябрдан ҳисобланган.

**938. Пўлатов Мамажон** (1907 йилда Сталин райони Бахрин қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қатағондан қочган, 1935 йилда аксилинқилобий фаолияти учун жавобгарликка тортилган, қамоқдан қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) коллективлаштириш даврида қулоқлар қўзғолонида иштирок этганликда, аҳоли орасида колхоз барбод қилинишига қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозларда очарчилик тўғрисида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 26 июлда оқланган.

**939. Пусурхўжаев Аҳмат** (1889 йилда Ойим райони Қизилтўқай қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1930 йилдаги колхоз тузумига қарши исёнчилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, 1932 йилда қулоқ қилинган. Тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида колхозга қарши мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 8 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 9 апрелда оқланган.

**940. Ражаббоев Ботирали** (1894 йилда Андижон райони Миробод қишлоғида туғилган, собиқ савдогар, босмачилар тўдасининг фаол йигитларидан, йигитлар отряди раҳбари, 1932 йилда ЖК 76-моддаси билан отувга ҳукм қилиниб, отув 10 йил қамоқ жазосига алмаштирилган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) колхозчилар орасида доимий равишда ҳукуматга қарши қаратилган аксилинқилобий бўҳтонлар тарқатганликда, шахсан ўзи қизил армиячини ўлдиргани ҳақида уйдирмалар айтганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**941. Ражабов Омон** (1885 йилда Избоскан райони Лўғумбек қишлоғида туғилган, қулоқ қилинишдан яширинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида партия сиёсатини обрўсизлантиришга йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм

қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 28 майда оқланган.

**942. Ражабоев Мамасоли** (1896 йилда туғилган, Ойим райони Тешиктош қишлоғида яшаган. Савдогар оиласидан, собиқ қулоқ, 1933 йилда қулоқ қилинган, ўша йили қатағондан қочган, яшириниб юрган, илгари босмачилик тўдасининг аъзоси бўлган) аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уюшган тарзда ишдан бўйин товлашга даъват қилганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида иғво тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-қисм 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 10 октябрдан ҳисобланган.

**943. Ражапов Исроил** (1897 йилда туғилган. Марҳамат райони Шукурмерган қишлоқ советида истиқомат қилган. Собиқ қулоқ, 1932 йилда қулоқ қилинган ва шу йилда 5 йилга қамалган, жазони ўташ жойидан қочган, сохта ҳужжатлар билан яшаган. Қамоққа олинган вақтда Маркс номли колхозда бригадир бўлган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 октябрдан ҳисобланган.

**944. Райимбердиев Раимжон** (1898 йили туғилган, Андижон шаҳридан. 1922 йили босмачилар тўдасида иштирок этган. 1935 йили магазинни ўғирлашда гумон қилиниб қамоққа олинган. 1936 йилга қадар якка хўжаликда қассоблик қилган. 1937 йил мартида колхозга кирган. 1937 йил майида доимий равишда ишга чиқмасдан ичкилик ичгани учун колхоздан бўшатилган. Ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган) колхоздан ҳайдалганига аччиқ қилиб маҳалла комиссияси раисини ўлдираман деб қўрқитганликда, 1937 йил 28 июлда қизил чойхонада бир қанча шахслар олдида халқлар доҳийси шаънига ҳақоратомуз сўзлар айтганликда, террорчилик кайфияти билдирганликда, Ўзбекистон партия ташкилоти раҳбари портретини пичоқ билан кесиб юборганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарори билан 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**945. Райимохунов Абдулла охун** (1894 йилда Қошғарда туғилган, СССР фуқароси, собиқ қулоқ, 1930 йилга қадар ўз хўжалигида ёлланма ишчи кучидан фойдаланган. Қамоққа олинган вақтда «Яшасун» колхози аъзоси) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси

1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 10 сентябрдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**946. Расулев Нозиржон** (1894 йилда Ленин райони Тожикқишлоқ қишлоғида туғилган, собиқ босмачи, «Шўрои ислом» аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, қулоқ. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 2 декабрдан ҳисобланган.

**947. Расулов Жалол Шайх** (1909 йили туғилган, Балиқчи районидан, ўзбек, қулоқлар оиласидан, имом бўлган. Гулистон қишлоқ мусулмонлар қабристони ва масжидида шайхлик қилган) Балиқчидаги аксилинқилобий гуруҳ аъзоси бўлиб, 1935 йилдан мазкур иш бўйича гуруҳга жалб қилинган Қозоқбоев билан бирга аксилинқилобий гуруҳ йиғилишларида қатнашганликда, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозга қарши тарғибот олиб бориш тўғрисида таклиф киритганликда, тез орада совет ҳокимияти ағдарилади деб айтганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**948. Расулов Мамарасул** (1900 йили туғилган, Андижон райони Миробод қишлоғидан, ўзбек, собиқ фаол босмачи, аксилинқилобий «Миллий иттиҳод» ташкилоти аъзоси бўлган, 1933 йили ОГПУ органи томонидан қамоққа олинган) доимий равишда аҳоли ўртасида аксилинқилобий, тарғибот олиб борган, аксилинқилобий троцкийчиларни ҳимоя қилган, Троцкийни инқилобнинг таниқли арбоби деб мақтаган деган айб қўйилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 августдаги йиғилиши қарори билан отувга ҳукм қилинган.

**949. Расулов Обид** (1900 йилда Андижон шаҳрида туғилган, мулкдор бой оиласидан, ўзи қулоқ бўлган, босмачилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси, 1932 ва 1933 йилларда аксилинқилобий фаолияти учун қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги меҳнаткашларнинг ҳолати тўғрисида антисовет фикрлар билдирганликда, аксилинқилобий мақсадда мактаблар-

даги дарсларни бузганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 2-банди ва 67-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати 2000 йил 29 декабрда Андижон шаҳар Ўзбекистон 50 йиллиги кўчаси 7-тупик 22-уйда яшовчи У.А.Мўминовага ёзган хатида шундай дейилган: «Ҳурматли Улфат опа! Сизга отангиз Обид Расуловнинг оқланганлик маълумотномасини юборяпмиз. О.Расулов жазони ўташ учун Ярославль областининг Углич шаҳрига юборилган». О.Расулов 1957 йил 11 декабрда Андижон область суди президиумининг қарори билан 1937 йил 21 ноябрдаги Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг «учлиги» қарори бекор қилинган ва жиноий иш Обид Расуловга қўйилган айб исботланмаганлиги туфайли тўхтатилган, яъни у оқланган.

**950. Рахмаков Дамин** (1888 йилда Пахтаобод райони Маданият қишлоғида туғилган, савдогарлардан, тайинли машғулотга ва паспортга эга эмас, 1934 йилда ўғрилик учун 6 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган) 1935 йилда қамоқдан қочиб, мунтазам равишда колхозчилар чорвасини ва хонадонларни ўғирлаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**951. Раҳматуллаев Исматулла** (1882 йилда туғилган, Пахтаобод райони Ўзгариш қишлоқ совети Кўктўнли қишлоғи фуқароси, 1931 йилда қулоқ қилинган ва судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий миллатчилик тарғиботини олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 2 мартда оқланган.

**952. Раҳимбеков Ғанибек** (1916 йилда Ойим райони Тожик қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, отаси билан қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб боргаликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**953. Раҳимбердиев Мамат Иброҳим** (1890 йили туғилган, Избоскан райони Мойгир қишлоғидан, ўзбек, қулоқ, 1933 йили яширинча чегарадан Қошғарга

ўтиб, 1934 йилгача шу жойда қолган. Қамоққа олингунга қадар колхозда дурадгорлик қилган) Қошғарда бўлганида муҳожирлар билан боғланиб, Совет Иттифоқидаги деҳқонлар аҳволи тўғрисида аксилинқилобий иғво гаплар тарқатганликда, антисовет ташвиқот олиб борганликда, колхозчиларни аксилинқилобий саботажга чақирганликда, колхозчилар орасида капиталистик тузумни мақтаб, уни совет ҳокимиятига қарши қўйганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 августдаги йиғилиши қарори билан отувга ҳукм қилинган.

**954. Раҳимбердиев Эргаш** (1903 йилда Андижон шаҳрида туғилган, тайинли машғулоти ва яшаш жойи йўқ, паспортга эга эмас. 1931 йилда Ҳарбий трибунал томонидан милиционер мансабидаги жиноятлари учун қамалган, 1934 йилда қуролли ўғирликда иштирок этган, қўлга олиш вақтида қочган. 1934 йилда бошқа жиноятчилар билан бирга мунтазам равишда ўғрилик билан шуғулланганликда айбланган) ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**955. Раҳимбоев Ҳусан қори** (1897 йили туғилган, Пахтаобод райони Жин қишлоғидан, собиқ йирик қулоқ, имом, ҳибсга олингунга қадар колхозчи) колхозчилар орасида аксилинқилобий иғвогарлик тарғиботи олиб борганликда, аксилинқилобий миллатчилик фикрларини билдирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган.

**956. Раҳимқориев Олимжон** (1896 йили туғилган, Сталин райони **Ўртаса**рой қишлоғидан, руҳоний, имом. 1932 йили ҳайвон ўғирлагани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтаган, аниқ машғулоти бўлмаган) 1936 йилдан қишлоққа келиб, ҳеч қаерда ишламаган жиноятчилар билан алоқасини тиклаб, улар билан ўғирлик ва қимор ўйинлари билан машғул бўлганликда, 1937 йил июлида ҳамқишлоғи Раҳмоновни ўлдиришга уринганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган.

**957. Раҳимқулов Абдумухтор ҳожи** (1872 йили туғилган, Избоскан райони Чўнгбоғиш қишлоғидан, қулоққа тортилган, давлат солиғини тўламагани учун илгари 3 йил қамоққа ҳукм этилган) аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимияти вакиллари шаънига террорчилик фикрлари билдирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ ко-

миссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**958. Раҳимқулов Асронбой** (1881 йилда туғилган, Ворошилов райони Қўрғонтепа қишлоғида яшаган. Собиқ қулоқ, 1932 йилда қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) Қўрғонтепадаги аксилинқилобий гуруҳда иштирок этганликда, исёнчилик характеридаги масалаларни ҳал этишда қатнашганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1- ва 67-бандлари. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 14 сентябрдан ҳисобланган.

**959. Раҳимқулов Ёқубжон** (1900 йилда Ворошилов райони Қорабоғиш қишлоғида туғилган, 1932 йилда қулоқ қилинган, ўша йили давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йилга озодликдан маҳрум этилган, 1918 – 1920 йилларда босмачилик қилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида совет ҳукумати ва колхоз тузумига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 12 октябрдан ҳисобланган.

**960. Раҳимназаров Олтмишбой** (1886 йилда Ойим райони Тешиктош қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, илгари 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозда меҳнат интизомини издан чиқарганликда, ишдан бўйин товлаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 22 майда оқланган.

**961. Раҳимов Абдукарим** (1899 йилда Балиқчи райони Тумор қишлоғида туғилган, босмачилик ҳаракати иштирокчиси, 1920 йилда босмачилик фаолияти учун жиноий жавобгарликка тортилган, имом. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий қулоқ исёнчилар гуруҳи аъзоси бўлиб, аксилинқилобий гуруҳ йиғинларида иштирок этганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 26 июлда оқланган.

**962. Раҳнмов Алижон** (1909 йилда Андижон шаҳрида туғилган, савдогар, тегирмон ижарадори оиласидан, «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилоти раҳбарлари билан алоқада бўлган.

Қамоққа олинган вақтда мактаб инспектори) «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилоти раҳбарларининг йиғилишларида иштирок этганликда, совет ҳукуматининг тадбирларига душманлик билан қараганликда, тақиқланган миллатчилик, аксилинқилобий руҳдаги дарсликлар тарқатганликда, халқ душмани Ф.Хўжаев фойдасига тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 сентябрдан ҳисобланган.

**963. Раҳимов Аҳмат** (1904 йилда Андижон шаҳрида туғилган, мулкдор оиласидан, ўзи хизматчи, босмачилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси, ёшлар орасида ташкилотга жалб этиш билан шуғулланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 2-банди ва 67-модда. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 октябрдан ҳисобланган.

**964. Раҳимов Зайнутдин** (1897 йилда Балиқчи райони Қумтепа қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий исёнкор гуруҳ аъзоси сифатида ноқонуний йиғинларда иштирок этганликда, аҳоли орасида аксилинқилобий исёнкорлик тарғиботини олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 67-моддаси ва 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 14 октябрдан ҳисобланган.

**965. Раҳимов Йўлдош** (1872 йилда Сталин райони Девон Эшон қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) СССРдаги очарчилик тўғрисида иғво мишмишлар тарқатганликда, партия ва ҳукумат тадбирларининг барбод бўлиши тўғрисида фикр билдирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 декабрдан ҳисобланган. 1990 йил 28 майда оқланган.

**966. Раҳимов Қодирқул** (1893 йили Пахтаобод райони Омончўра қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган. 1930 йили колхоз раисини ўлдирганлиги учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, жазони ўтаган) колхозчилар орасида антисовет тарғибот олиб борган, колхозни тарқаб кетади деган, экинларга, пахтага ишлов бериш ишига зарар келтирган деб

айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (8-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**967. Раҳимов Қодирқул** (1893 йили туғилган, Пахтаобод райони Омончўра қишлоғидан, қулоққа тортилган. 1930 йили колхоз раисини ўлдиргани учун 3 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддатини ўтаган) колхозчилар орасида советларга қарши колхозларнинг бузилиб кетишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, пахта экиш ва унга ишлов бериш ишига зарар келтирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарори билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

**968. Раҳимов Мамазокир** (1887 йилда Балиқчи райони Товулди қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик ҳаракати иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий қулоқ-исёнчилар гуруҳига кириб олиб, аксилинқилобий гуруҳ йиғинларида иштирок этганликда, колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 26 июлда оқланган.

**969. Раҳимов Мамазокир** (1892 йилда Андижон шаҳрида туғилган, мулланинг ўғли, собиқ босмачи, 1925 йилда 10 йилга қамалган, 1931 йилда озод этилган, 1932 йилда 1 йилга шартли қамалган ва 1937 йилда давлат мулкини талон-торож қилганлиги учун 1 йилга мажбурий меҳнат қилишга ҳукм этилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, фаолларга қарши тажовузкор кайфиятда бўлганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**970. Раҳимов Мирзаназар** (1877 йилда Балиқчи райони Балиқчи қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аҳоли орасида совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, инқилобдан аввалги даврни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 19 майда оқланган.

**971. Раҳимов Ортиқали** (1908 йили туғилган, Андижон райони Заврақ қишлоғидан, ўзбек, собиқ савдогар, қулоқнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда колхоз

котиби бўлган) колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда, бўлажак уруш ва унда фашистларнинг Совет Иттифоқи устидан ғалаба қозонишини ташвиқот қилганликда айбланган. «Учлик»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган.

**972. Раҳимов Отахон** (1874 йилда Пахтаобод райони Пахтаобод қишлоқ совети Дарахон қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, сургундан яширинган, муҳожирликда бўлиб қайтган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида колхоз бузилишига йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқининг мағлубиятини ташвиқ қилганликда, хорижий мамлакатлардаги ҳаётни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 26 майда оқланган.

**973. Раҳимов Расулжон** 1903 йили Қўқон шаҳрида туғилган, яшаш жойи Андижон шаҳри, ўзбек, савдогар оиладан, «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, Ислом қўрбоши тўдасида қатнашган, ВКП (б) дан чиқарилган, халқ душманлари Қориев, Сулаймонов Чўлпон билан яқин алоқада бўлган. Ҳибсга олинган пайтда Андижон шаҳридаги давлат театрида директори бўлган миллатчи, аксилин-



қилобий ташкилотнинг иштирокчиси, совет ҳукуматининг барча тадбирларига душманлик фикрларини айтган, Троцкий сингари халқ душманлари фаолиятини мадҳ қилган, Тухачевскийнинг отилганига ҳамдард бўлган, мағлубиятчилик характерида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди. 1937 йил 21 августда ҳибсга олинган. Расулжон Раҳимовнинг турмуш ўртоғи Раҳбархон ая шундай эслайди: «Ўша мудҳиш 21 август куни бизнинг яқин қариндошлардан 6 киши қамоққа олинди. Амаким Усмонхон Эшонхўжаевни Москвада, турмуш ўртоғим Расулжон Раҳимовни Андижонда ўз уйимизда, тоғам Шоҳрух Холботировни Самарқандда, тоғам Султонмаҳмуд Холботиров, амаким Маматхон Эшонхўжаевни Андижонда НКВД ходимлари ҳибсга олдилар. Ўшанда Расулжон Раҳимов 34 ёшга тўлганди». ЎзССР НКВД «учлиги»нинг 1937 йил 17 ноябрдаги қарори билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Андижон вилояти суди ҳайъати 1959 йил 6 июнда Расулжон Раҳимов ишини кўриб чиқиб, «учлик» қарорини бекор қилди ва тўла оқлади. 1991 йили турмуш ўртоғи Раҳбархон ая жияни Тофуқмирзо Холботиров билан бирга Комсомолск-Амурскка бориб, Расулжон Раҳимов ҳалок бўлган узоқ юртдан рамзий маънода тупроқ олиб келган. Андижондаги шаҳар кўчаларидан бири унинг номи билан аталган.

**974. Раҳимов Эминжон** (1898 йилда Ворошилов райони Чимён қишлоғида туғилган, илгари босмачилар тўдаси фаол йигити бўлган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 декабрдан ҳисобланган.

**975. Раҳимхўжаев Исмоил Халфа** (60 ёшда, ўзбек, Асака райони Қайрағоч қишлоғидан, турк, қулоқ, чорвадор, 1930 йили босмачилар қўрбошиси бўлган. Ҳибсга олингунча чорвадор, якка хўжалик эгаси бўлган. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ аъзолари Норхўжаев, Маҳмудхонов билан масжиддаги яширин йиғилишларда иштирок этган, совет ҳокимиятига қарши фаол кураш олиб бориш учун мажбурият олиб, Қулучоқ ҳожи масжидида оммавий равишда худога сиғиниш ташкил этиб, унда тарғибот олиб борган, фаолларга қарши аксилинқилобий, террорчилик кайфиятида бўлган деган айб қўйилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 20 августдаги 4-баённомаси қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

**976. Раҳматуллаев Қорабой** (1889 йилда Ленин райони Хонобод қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, Жалол қўрбоши тўдасининг фаол йигитларидан. Тайинли машғулоти йўқ) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**977. Раҳматуллаев Тожибой** (1882 йилда Андижон райони Тожикқишлоқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, исёнкорлар ҳаракатининг фаол иштирокчиси, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) босмачилар тўдасига раҳбарлик қилиб, шахсан қизил армиячиларни ва батракларни отиб ўлдирганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида иғво мишмишлари тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**978. Раҳмонбердиев Болтабой** (1907 йилда Пахтаобод райони Пахта-

кор қишлоғида туғилган, камбағаллардан, тайинли яшаш жойи, машғулоти ва паспортга эга эмас, 1935 йилда қорамол ўғирлагани учун 5 йилга қамалган, қамоқдан қочган) 1937 йилда деҳқон Ниғматов хонадонини ўғирлаган, унга пичоқ билан тан жароҳати етказган деб айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**979. Раҳмонбердиев Нурмуҳаммад ҳожи** (1876 йилда Избоскан райони Мойгир қишлоғида туғилган, руҳоний. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий исёнкор ташкилот аъзоси бўлиб, ноқонуний аксилинқилобий йиғинларда иштирок этганликда, колхоз мактаблари қурилишида зараркунандалик қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 августдан ҳисобланган. 1990 йил 16 мартда оқланган.

**980. Раҳмонбердиев Ўрмон** (1875 йили Ворошилов райони Хўжамшукур қишлоғида туғилган, қулоқ, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, жазони ўтаган) доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган антисовет тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчилик кайфияти билдириб колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги қарорига кўра (8-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 15 июлда оқланган.

**981. Раҳмонқулов Мамажон** (1892 йилда Сталин райони Найман қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1921 йилда босмачилик ҳаракатидаги иштироки учун қамалган, собиқ қўрбоши. Қамоққа олинган вақтда махсус кўчирилганлардан бўлган) махсус кўчирилганлар орасида совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**982. Раҳмонов Абаш** (1910 йилда Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қорамол ўғирлагани учун 1933 йилда 5 йилга қамалган, 1936 йилда безорилик учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) лагер қамоғидан озод бўлгач, жиноятчи унсурлар билан бирикиб ўғрилик қилиш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил

меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган.

**983. Раҳмонов Абдужалил** (1899 йилда Сталин райони Сарой қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, илгари босмачилар тўдасининг раҳбари бўлган, колхоздан чиқарилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мунтазам равишда партия ва ҳукумат тадбирларини обрўсизлантиришга йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, советларга сайловларга қарши фикрлар билдирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**984. Раҳмонов Мулла Иброҳим** (Пахтаобод райони Ниёз қишлоғи фуқароси, собиқ қулоқ. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхоздан чиқишга даъват этганликда, заёмга қарши чиқишлар қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 октябрдан ҳисобланган.

**985. Раҳмонов Соли** (1910 йили туғилган, Ворошилов райони Хўжаобод қишлоғидан. 1935 йили ЎзССР Олий суди Ўзбекистон Жиноят кодексининг 78-моддаси бўйича бандитлик учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этган. Ҳибсга олингунга қадар машғулоти аниқ бўлмаган) лагерлардан бўшатилгандан сўнг доимий равишда ўғрилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган.

**986. Раҳмонов Ҳасанбой ҳожи** (1879 йилда Андижон райони Қўнжи қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қулоқлаштириш даврида хорижга чиқиб кетган, у ердан 1934 йилда қайтган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни Қошғарга муҳожирликка даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**987. Раҳмонов Ҳожимат** (1910 йилда туғилган, Ойим райони Қўштепа қишлоғида яшаган, қулоқ қилинган, 1931 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 4 йилга қамалган) кол-

хозчилар орасида мунтазам равишда колхознинг бузилиши ва партия ҳамда ҳукумат тадбирларини обрўсизлантиришга йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**988. Ризаев Нишон** (1895 йилда Ленин шаҳрида туғилган, қулоқ қилинган, 1935 йилда солиқни тўламаганлиги учун 1 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мағлубиятчилик руҳида ташвиқот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**989. Ризаев Умар** (1870 йилда Ойим райони Тожик қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, илгари 5 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини бузишга йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи шаънига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 6 мартда оқланган.

**990. Ризаев Ҳожимурод** (1901 йилда Марҳамат райони Шукурмерган қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда хизматчи бўлган) советларга қарши тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**991. Розиқулов Мулласаттор** (1896 йилда Ворошилов райони Султонобод қишлоғида туғилган. Собиқ қулоқ, 1932 йилда қулоқ қилинишдан қочиб яшириниб юрган. Қамоққа олинган вақтда Молотов номли колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, эски подшо тузумини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 14 октябрдан ҳисобланган.

**992. Рўзибоев Холмат** (1886 йилда туғилган. Собиқ қулоқ. 1932 йилда қулоққа тортилган ва 5 йилга жазоланган, 1926 йилда хотинини ўлдирганлиги учун 8 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда Дмитров номидаги колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда мағлубият-

чилик ва исёнкорлик кайфиятидаги ташвиқот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара қилинган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**993. Рўзиев Бакир** (1883 йилда Ленин район Толмозор қишлоғида туғилган, партиясиз, бой-қулоқ, имом бўлган. 1930 йилда қамалган. Босмачилик даврида 50 та йигитга бошчилик қилган. Тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида колхозга қарши мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. (37-баённома)

**994. Рўзиев Маматали** (1888 йилда Пахтаобод райони Чек қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1931 йилда аксилинқилобий фаолияти учун 3 йилга жазога тортилган. Қамоққа олинган вақтда тайёрлов пунктида ишлаган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**995. Рўзиматов Абдуқодир** (1903 йилда Андижон райони Далварзин қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз бригадири бўлган) қулоқ қилингач, Қошғарга қочганликда, босмачилар тўдаси йигити бўлганликда, атрофидагилар орасида пахта теримини издан чиқаришга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати ва халқлар даҳоси шаънига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 14 ноябрдан ҳисобланган.

**996. Рўзиматов Асад** (1920 йилда Избоскан райони Намуна қишлоғида туғилган, тайинли машулоти йўқ, 1936 йилда хонадон ўғирлиги учун 3 йилга озодликдан маҳрум этилган) қамоқдан озод бўлгач, ўғрилик билан шуғулланишда давом этганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган.

**997. Рўзиматов Исмоил** (1904 йилда туғилган, Андижон райони Жалолобод қишлоқ совети фуқароси, 1932 йилда қулоқ қилинган, ўша йили 3 йилга озод-

ликдан маҳрум этилган) колхозчилар орасида совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**998. Рўзматов Исмоил** (Балиқчи райони Ўртақўрғон қишлоғида туғилган, муқаддам фаол босмачи, амалдорнинг ўғли. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) исёнчи ячейка аъзоси бўлиб, қуролли қўзғолон ва ҳукуматга қарши курашга тайёргарлик масалалари кўрилган ноқонуний йиғинларда иштирок этганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**999. Рўзматов Юсуфали** (1882 йилда Балиқчи райони Ўрмонбек қишлоқ совети Урганжи қишлоғида туғилган, қулоқ, босмачилик ҳаракати вақтида қўрбоши, 20 нафар йигити бўлган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши аксилинқилобий ва исёнчилик тарғиботи олиб борганликда, Кўршермат қўрбошининг ҳукуматга қарши чиқиш қилиши ҳақида уйдирма гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1000. Рустамов Жума** (1904 йили туғилган, Қирғизистон ССР Ўш райони Қора Эчки қишлоғидан, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) доимий равишда ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда, жиноятчи Муротов билан 1934 йилдан бошлаб ҳамкорлик қилганликда айбланган. Жиноий иш ЎзССР НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 августдан ҳисобланган.

**1001. Рустамов Мадамин** (Хўжаобод райони Кўконқишлоқ қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1934 йилда Ўзбекистондан сургун қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) деҳқонлар орасида доимий равишда колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1002. Сагодатутдинов Насриддин** (1867 йили туғилган, Ленин райони Арғин қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, эшон, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида доимий равишда совет ҳукумати тадбирларини барбод этишга қаратил-

ган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 28 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (27-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 августдан ҳисобланган.

**1003. Саджагатов Дадажон** (1879 йили туғилган, Марҳамат райони Шукурмерган қишлоғидан, собиқ қулоқ. 1930 йили ҳибсга олинган ва сургун қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) сургундан қайтгач, мунтазам равишда колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 октябрдан ҳисобланган.

**1004. Садиев Мулла Аранбой** (1890 йили туғилган, Ленин райони Обжувозбоши қишлоғидан, собиқ савдогар, аввал «Шўрои ислом» ташкилотида бўлган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, яқин орада чет эл давлатлари билан урушда совет ҳокимияти қулайди деган мишмишлар тарқатганликда, халқ душманлари тўғрисида раҳмдиллик кайфиятини билдирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1005. Саидалиев Камолиддин** (1896 йилда Ленин райони Юқори Бекбачча қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда, колхозчиларни ҳукуматга қарши курашишга чақирганликда, колхозчиларнинг очлиги ва камбағаллиги тўғрисида уйдирма гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) вафот этганлиги учун жиноий иш тўхтатилган.

**1006. Саидалиев Норҳожи** (1884 йилда Қирғизистон ССР Аравон райони Лангар қишлоғида туғилган, қулоқ, босмачилар тўдаси иштирокчиси, бунинг учун жавобгарликка тортилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил

меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**1007. Саидалиев Ҳаким** (1892 йили туғилган, Сталин райони Қумариқ қишлоғидан, 1932 йили қулоққа тортилган ва махсус посёлкага сургун қилинган, у жойда 78-модда бўйича жиноят қилган ва қамоққа олинган, қамоқдан қочган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) атрофидаги колхозчилар орасида совет ҳокимияти ва колхоз қурилишига қарши қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда, колхозларда меҳнат оғир, лекин ҳақ тўлаш ачинарли ҳолда деб айтганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1008. Сайдалиев Шамон** (1870 йилда Хўжаобод райони Учтепа қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди аломатлари бўйича айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) қамоқдан озод қилиниб, иши архивга топширилган.

**1009. Саидаҳмедов Саидакбар** (1902 йилда Марҳамат райони Қорақўрғон қишлоғида туғилган, диний хизматчи – имом. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган). Доимий равишда колхоз тузумига қарши қаратилган аксил инқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет ҳукуматига қарши антисовет ташвиқот қилганликда айбланган. ЎзССР НКВД Андижон сектори ҳузуридаги «Учлик» томонидан тақдим этган 11198-иш бўйича 1937 йил 8 декабрда 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддат 1937 йил 28 октябрдан ҳисобланган.



Саидахмедов Саидакбарнинг авлодлари

**1010. Саидаҳмедов Ҳожиқул** (1900 йилда Ойим райони Қўртқи қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1931 йилда аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиги учун 10 йил қамоқ жазосига тортилган, муддатни ўтамай лагердан қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат тадбирларига қарши чиққанликда, совет мамлакатидаги очарчилик ҳақида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1011. Саидкомолов Фозилхон** (1902 йилда Ойим райони Тошлоқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда ишчи бўлган) мунтазам равишда совет ҳукуматининг мағлубияти тўғрисида фикрлар билдирганликда, очарчилик тўғрисида мишмиш тарқатганликда, партия ва совет ҳукумати тадбирларига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1012. Саидматов Мамажонкур** (1870 йилда Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий йиғинларда иштирок этиб, совет ҳукуматини обрўсизлантиришга йўналтирилган тарғибот олиб борганликда, мавжуд тузумнинг ағдарилиши ва «Мусулмонобод» қурилишини қўллаб-қувватлаб фикр билдирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**1013. Саидназаров Раҳмон мингбоши** (1886 йилда туғилган, собиқ қулоқ, Андижон райони Сарасой қишлоқ советида яшаган, босмачилик ҳаракати даврида босмачи тўдасининг қўрбошиси бўлган, 1930 йилда қулоққа тортилган. ОГПУ Ўрта Осиёдаги доимий ваколатхонаси учлиги томонидан 3 йил озодликдан маҳрум қилинган. Қамоққа олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 августдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**1014. Саидхонов Жалолхонтўра** (1885 йилда Избоскан райони Мойгир қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқининг мағлубиятини ташвиқ қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 28 майда оқланган.

**1015. Саидхонтўраев Маматхон тўра** (1902 йилда Сталин райони Қўрғонча қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган, муқаддам фаол босмачи. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган. Доимий

равишда аксилинқилобий колхоз парчаланишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи мағлубиятини гапирганликда, қишлоқ фаолларига нисбатан террористик қарашларни айтганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1016. Сайназаров Шанабой** (1894 йилда Ойим райони Дардоқтепа қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида колхоздаги меҳнат интизомини бузишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1016. Сайфиев Салоҳ** (1897 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Руҳоний-савдогар оиласидан, отаси Арабистонда. «Миллий иттиҳод» миллатчи аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, ташкилотда тарғиботчи вазифасини бажарган, 1919 йилда босмачилар тўдасига қурол-яроғ билан қочиб ўтган, тўдада 35 – 40 йигитга қўрбошилик қилган, 1922 йилда милицияда ишлаб туриб ташкилотнинг топшириғига кўра босмачилар тўдасини қурол-яроғ билан таъминлаб турганлиги учун отувга ҳукм қилинган, ҳукм 5 йиллик қамоқ жазосига ўзгартирилган. Миллатчи Хидиралиевнинг ёрдамида муддатидан илгари озод бўлган. Қамоққа олинган вақтда шаҳар театрида ишлаган) миллатчи аксилинқилобий уюшманинг фаол аъзоси бўлганликда, совет ҳукуматининг тадбирларига душманлик руҳи-







Андижон шаҳар маъорифчилари раҳбарлари

Сайфиев Салоҳиддин ҳожи
2-қаторда тўртинчи

Сайфиев Салоҳиддин ҳожи
2-қаторда бешинчи

да бўлганликда, ўзининг миллатчи-аксилинқилобий қарашларини пьесалари ва шеърларида баён этганликда, Сталин Конституцияси тўғрисида аксилинқилобий иғво тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли барча мулк мусодара этилган.

**1018. Саксонов Одил** (1889 йилда Хўжаобод райони Қорагўр қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) деҳқонлар орасида доимий равишда колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқининг мағлубиятчи ва исёнчилигини ташвиқот қилганликда, колхозчиларни ҳукуматга қарши қўзғолонда бирлашишга чақирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1019. Салиматов Болтабой** (1897 йилда Балиқчи райони Эски Ҳаққулобод қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**1020. Салимбоев Мелибой** (1897 йилда туғилган, диний хизматчи, имом. 1929 йилда гуруҳ ташкил қилганлиги учун 6 ой озодликдан маҳрум қилинган, ВКП(б) сафидан ўчирилган. Қамоққа олинган вақтда «Коммунизм» колхози аъзоси бўлган) аксилинқилобий исёнкор гуруҳнинг иштирокчиси бўлганликда, йиғилишларда совет ҳукуматига қарши туҳмат қилганликда, мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1- ва 67-бандлари. ЎзССР ЖК 58-моддаси 66-қисм 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган.

**1021. Салимов Омон** (1867 йилда туғилган, Андижон райони Офтобачичек қишлоғида яшаган, 1933 йилда қулоқ қилинган, қамалган, қатағондан қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) совет ҳукумати тадбирларига қарши қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчилик кайфиятидаги мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил

21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**1022. Салимохунов Олим** (1907 йилда Ворошилов райони Деҳқончек қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий гуруҳлар йиғинида иштирок этиб, совет ҳукуматини обрўсизлантиришга қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**1023. Салимсоқов Йўлдош Махсум** (1909 йили туғилган, Асака райони Октябрь қишлоқ совети Толмозор қишлоғидан, қулоқ қилинган. Колхозга қарши тарғиботи учун 1933 йили 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган) аҳоли орасида доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик характеридаги ташвиқот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

**1024. Салоҳиддинов Шарофуддин** (1911 йилда Марҳамат райони Қизилёр қишлоғида туғилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) жиноятчилар гуруҳи билан алоқа ўрнатиб, чорвадорлар гуруҳига бошчилик қилиб, 1935 йилдан бошлаб доимий равишда колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 4 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (67-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1025. Саматов Султон Маҳмуд** (1904 йилда туғилган, Сталин райони Найман қишлоғида яшаган, ижтимоий келиб чиқишига кўра йирик бой оиласидан, собиқ қулоқ, чайқовчи, 1932 йилда қулоқ қилинган, қатағондан қочган, Янгийўл районида қамоққа олинган. Қамоққа олинган вақтда чайқовчилик билан шуғулланган) колхозчилар орасида мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 сентябрдан ҳисобланган. 1990 йил 11 мартда оқланган.

**1026. Самиев Мирзақул** (1901 йилда Ворошилов райони Қорасув қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз бригадири бўлган) совет ҳукуматига қарши ўтказилган йиғинларда аксилинқилобий фикрларни қўллаб-қувватлаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937

йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1027. Саримсоқов Абдуқодир** (1872 йили туғилган, Ворошилов райони Султонобод қишлоғидан, уйғур, собиқ, қулоқ. «Учлик» томонидан 1933 йили махсус посёлкага оиласи билан сургун қилишга ҳукм қилинган, ҳукм бажарилмаган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида доимий равишда душманлик кайфиятида бўлганликда, бўлажак уруш ва ҳоқимиятнинг ўзгариши ҳақида тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий тўдага бошчилик қилганликда ва ташвиқот ўтказишга барчани жалб этганликда, колхозчиларни яқинда ҳокимият ўзгаради, унинг ўрнига мусулмонлар ҳокимияти ўрнатилади деб колхозларда ишни тўхтатишни, советлар учун ишлаш зарурати йўқ эканлигини тарғибот қилганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1028. Саримсоқов Абулқосим** (1910 йилда Ворошилов райони Фозилмон қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1931 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 7 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида аксилинқилобий миллатчилик ташвиқоти олиб борганликда, партия ва ҳукумат раҳбариятидан ўч олишга қаратилган мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1029. Саримсоқов Мулла Хўжамқул** (1875 йилда Хўжаобод райони Бозорхидирша қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, имом. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозда зараркунандалик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 13 мартда оқланган.

**1030. Саримсоқов Юнусжон** (1887 йилда Ленин райони Бубилболди қишлоғида туғилган, 1932 йилда қулоқ қилинган, қўрбоши бўлган. Қамоққа олинган вақтда махсус кўчирилганлардан бўлган) аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, махсус кўчирилганлар орасида паранжи ташлашга қарши даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 декабрдан ҳисобланган.

**1031. Сатимов Қорабой** (1882 йили Избоскан райони Бешкапа қишлоғида туғилган, собиқ фаол қўрбоши, 150 га яқин йигити бўлган. Ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий туҳматлар тарқатган, гўё совет ҳокимияти катта миқдорда ғалла захирасига эга бўлиб туриб уни деҳқонларга бермаётибди, шу боис чор тарафда уруш бўлмоқда, тез орада Совет Иттифоқига қарши уруш очилади деб айтганликда, колхоз раҳбарларига қарши террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган. 1937 йил 23 августда қамоққа олинган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги қарорига кўра (8-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 31 июлда оқланган.

**1032. Сатимов Мамажон** (1900 йилда туғилган, Андижон райони Темирхўжа қишлоғи фуқароси, собиқ қулоқ, 1931 йилда Қошғарга қочган, у ердан ноқонуний тарзда 1934 йилда қайтиб келган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат тадбирларини обрўсизлантирганликда, буржуа мамлакатларидаги ҳаётни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**1033. Сатторов Ғаффор** (1882 йилда Ленин райони Ниёзботир қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1932 йилда махсус посёлкага сургун қилинган, у ердан қочган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) қишлоқ бошқарувини ўз қўлига олиш ва пахта теримини барбод этишни мақсад қилиб олган аксилинқилобий қулоқлар гуруҳи аъзоси бўлиб, мунтазам равишда колхозчилар орасида колхознинг бузилишига йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, монархияча тузумни мақтаганликда, халқ душманларининг қамоққа олинганлигига ачиниш билдирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1034. Сатторов Исоқжон** (1892 йили туғилган, Ленин райони Гуручфуруш қишлоғидан, бой савдогар оиласидан, 1933 йили Жиноят кодексининг 140-моддаси билан 4 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар район ипакчилигида инспектор бўлиб ишлаган) колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, Афғонистон аҳолисининг бой ҳаётини мақтаганликда, совет ҳокимиятининг яқинда

қулаши тўғрисида ташвиқот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1035. Сатторов Умрзоқ Саркор** (1870 йили туғилган, Сталин райони Ижоқ қишлоғидан, 1931 йили қулоққа тортилган, давлат мажбуриятини бажармагани учун 1 йил қамоққа ва 5 йил сургунга ҳукм қилинган, жазо муддатини ўтаган, ўтмишда босмачиликнинг фаол иштирокчиси бўлган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) аввалдан совет ҳокимиятига қарши тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши фикр билдирганликда, очлик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган.

**1036. Сафаров Бойкамол** (1878 йилда Андижон шаҳрида туғилган, қулоқ қилинган, судланган, жамоалаштиришга қарши аксилинқилобий исёнчилар ҳаракати собиқ иштирокчиси) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, инқилобдан аввалги даврни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 декабрдан ҳисобланган. 1990 йил 26 мартда оқланган.

**1037. Сиддиқов Абдураҳмон** (1873 йилда туғилган, Пахтаобод райони Избоскан қишлоғи фуқароси, собиқ қулоқ, қулоқ қилинишдан қочиб юрган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида иғво гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**1038. Сиддиқов Шаҳзод** (1885 йилда Марҳамат райони Қорақўрғон қишлоғида туғилган, диний хизматчи – имом. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда колхоз тузуми ва совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 октябрдан ҳисобланган.

**1039. Сичев Михаил Александрович** (1886 йили туғилган, Андижон

шаҳридан, диний хизматчи), мағлубиятчилик характерида тарғибот олиб борганликда, эски ҳаётни мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 12 сентябрдаги йиғилиши қарори билан отувга ҳукм этилган. СССР Олий суди Президиумининг 1989 йил 16 январдаги фармойиши билан оқланган (Иш п-34962).

**1040. Слесаренко Василий** (1900 йилда Марҳамат райони Русское село қишлоғида туғилган, миллати украин, 1930 йилда қулоқ қилинган, 3 йил қамоқ ва 2 йил сургун жазоси берилган. Қамоққа олинган вақтда ем-хашак базаси мудири бўлган) ишчилар орасида партия ва ҳукуматнинг тадбирларига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, базада вабо тарқатиб бузғунчилик қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 декабрдан ҳисобланган.

**1041. Соатов Акромхўжа** (1890 йилда Сталин райони Поласон қишлоғида туғилган, муқаддам фаол босмачи, аввал судланиб ҳибсдан қочган, жазони ўтамаган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) деҳқонлар орасида доимий равишда колхозга қарши мағлубиятчилик ташвиқоти олиб борганликда, босмачилик даврини мақтаганликда, коммунистларга дағдаға қилганликда, Совет Иттифоқи мағлубиятини гапирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.



Соатов Акромнинг катта фарзанди Акрамов Умаржон

**1042. Собиров Жамол** (1893 йилда Ворошилов райони Оқшувоқ қишлоғида туғилган, собиқ бой, қулоқ қилинган, 1931 йилда ЎзССР ЖК 80-моддаси бўйича 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. Қамоққа олинган вақтда «Ижтимоият» колхозининг аъзоси бўлган) мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув

лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**1043. Собиров Матмуса** (Балиқчи райони Қумтепа қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги аҳвол ҳақида бўҳтон гапирганликда, колхозчиларни иш ташлашга чақирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1044. Собиров Султон** (1870 йилда Избоскан райони Тўрткўл қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борилган ноқонуний йиғинларда иштирок этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1045. Собиров Шомурод** (1880 йилда Жалолқудуқ райони Гуручмозор қишлоғида туғилган, саводи йўқ, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда «Шўро» колхози аъзоси бўлган. Колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, пахта теримидан бўйин товлаш билан машғул бўлганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида миш-миш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 22 февралда оқланган.

**1046. Соболев Пантелеймон Александрович** (1888 йили туғилган, собиқ Вологда губернияси Кантур қишлоғидан, ҳибсга олингунга қадар руҳоний, диний маросимлар хизматчиси) мавжуд тузумга душманлик кайфиятида бўлиб, совет ҳокимиятидан норози оҳангда динга мойил оммани қўзғаш учун динга оид идоралар ёпилаётгани ҳақида мишмишлар тарқатганликда, Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети номига диндорлар томонидан ғалаён руҳидаги аризалар тайёрлаб, унга ёлғон имзолар қўйдирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган. Жиноий иш НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**1047. Содиқбоев Яхшибой** (1900 йилда туғилган, бойнинг ўғли, илгари босмачилар тўдасининг фаол йигитларидан. Қамоққа олинган вақтда колхоз

звено бошлиғи бўлган) колхозчилар орасида доимий равишда Совет Иттифоқидаги очарчилик ва бошланадиган уруш ҳақида уйдирма гаплар тарқатганликда, илгари колхоз звеновойи бўлиб ишлаб, колхозга зарар келтириш билан шуғулланганликда, пахта режасини бажарилмаган қилиб кўрсатиш натижасида терим суръатини пасайтирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1048. Содиқов Аббосхўжа** (1874 йилда Марҳамат райони Қорақўрғон қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) совет ҳукуматига қарши норозилик билдирганликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида иғво мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**1049. Содиқов Аҳмадхўжа** (1901 йилда Сталин райони Қалъача қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат тадбирларини обрўсизлантирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**1050. Содиқов Мулла Қамбар** (1879 йилда туғилган, Андижон шаҳри «Хурсандлик» маҳалласи фуқароси, имом, илгари «Шўрои ислом» миллатчи аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлган, 1930 йилдаги колхозга қарши аксилинқилобий исёнкор ҳаракатнинг фаол иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда «Юқори ҳосил» колхозининг аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, буржуа давлатини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 октябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 июлда оқланган.

**1051. Содиқов Мулла Қорабой** (1887 йилда Андижон райони Далварзин қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1931 йилда ЎзССРдан бадарға қилинган, сургун жойидан қочган, илгари аксилинқилобий исёнкор чиқишларнинг ташкилотчиси бўлган, шунинг учун қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги

аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат тадбирларига нисбатан туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**1052. Содиқов Мулла Минғбой (**60 ёшда, Балиқчи райони Гулистон қишлоғидан, йирик ер эгаси оиласидан, диний хизматчи, Гулистон кишлоғи имоми) аксилинқилобий ташкилот – Балиқчи гуруҳининг фаол иштирокчиси бўлганликда, совет ҳокимиятини қуролли ағдаришни тайёрлаш бўйича иш олиб борганликда, чет элдан келган муҳожир руҳоний Қирғизбоев иштирок этган кенгашда қатнашганликда, доимий равишда аксилинқилобий, бузғунчилик кайфиятида бўлиб, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1053. Содиқов Сидик** (1898 йилда Ворошилов райони Қўрғонтепа қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1930 йилда ўғрилик учун 10 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) муддатидан илгари қамоқдан озод бўлган 1933 йилдан бошлаб ўғрилик ва товламачилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**1054. Содиқов Собир** (1886 йилда туғилган, Пахтаобод райони Аушка қишлоғида яшаган, қулоқ қилинган, қатағондан қочиб юрган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда, очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 октябрдан ҳисобланган.

**1055. Содиқов Содир** (1912 йилда Сталин районида туғилган, савдогарнинг ўғли, 1935 йилда безорилиги учун 2 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) лагер қамоғидан озод бўлгач, жиноий унсурлар билан бирикиб, ўғрилик ва колхозчиларни калтаклаш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 10 октябрдан ҳисобланган.

**1056. Содиқов Эгамберди** (1877 йилда туғилган, Андижон райони Бойтепа қишлоғида яшаган, 1932 йилда қулоқ қилинган, 1930 йилдаги колхозга қарши аксилинқилобий исёнкор ҳаракатнинг фаол иштирокчиси, 1933 йилда давлат топшириғини бажармаганлиги учун 3 йил озодликдан маҳрум этилган ва 3 йилга сургун қилинган, 1934 йилда валютачи сифатида қамоққа олинган. Қамоққа олинган вақтда «Юқори ҳосил» колхозининг аъзоси бўлган) мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, «Юқори ҳосил» колхозидаги аксилинқилобий қулоқлар гуруҳи билан алоқада бўлганликда, туҳмат гаплар гапирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**1057. Содиқов Эргаш** (1906 йили туғилган, ўтмишда босмачилар тўдаси аъзоси бўлган. 1931 йили ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги томонидан аксилинқилобий босмачилик фаолияти учун 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазони ўтаган, ҳибсга олинганда машғулоти аниқ бўлмаган) лагерлардан қайтиб келгач, бирон жойда ишламасдан, доимий равишда чайқовчилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1058. Соиб Маниёзов** (33 ёшда, уйғур Ҳўжаобод тумани Пақир қишлоғидан, собиқ қулоқ) колхозчилар орасида колхозлар тарқалиб кетишига қаратилган тарғибот олиб борган, монархияни мақтаб, совет ҳокимиятига нисбатан аксилинқилобий туҳматлар қилган деб айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги қарорига кўра (8-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1059. Соибназаров Мулла Исомутдин эшон** (1862 йилда туғилган, Тожикистон ССР Конибодом райони Маҳрам қишлоғидан, руҳоний оиласидан, ўзи эшон, миллати тожик. Андижон райони Айрончи қишлоғида истиқомат қилган. Қамоққа олинган вақтда эшонлик қилган) мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, РККА сафларида хизмат қилмасликка даъват этганликда, колхоз тузумини ҳақоратлаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. Жиноий иш НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. 1937 йил 22 августда қамалган. 1990 йил 23 майда оқланган.

**1060. Соибов Мадумар** (1887 йилда Избоскан райони Тўрткўл қишлоғи-

да туғилган, собиқ қулоқ, 1931 йилда қулоқ қилинган, давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 1932 йилда 3 йилга озодликдан маҳрум этилган ва 3 йилга сургун қилинган, жазо муддатини ўтаб бўлгач, яна 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати раҳбарлари шаънига туҳмат гаплар гапирганлигида айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 9 августдан ҳисобланган. 1990 йил 3 апрелда оқланган.

**1061. Соипжамолов Мадамин** (1865 йилда Андижон райони Жалабек қишлоқ совети Темирхўжа қишлоғида туғилган) илгари босмачилар тўдасининг ҳамтовоғи бўлган, собиқ қулоқ, 1930 йилда қулоқ қилиниб ЖК 80-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилган ва Актюбинск шаҳрига сургун қилинган. Қамоққа олинган вақтда чайқовчилик билан шуғулланган. ЎзССР НКВД ҳузуридаги «Учлик» томонидан Андижон сектори тақдим этган 110767-иш бўйича 1937 йил 13 ноябрда 8 меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддат 1937 йил 1 октябрдан ҳисобланган.

**1062. Соипов Йўлдош Понсод** (1887 йили туғилган, Ленин райони Ёмонёр қишлоғидан, 1933 йили қулоққа тортилган, ўтмишда босмачи, қўрбоши бўлган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик, колхозга қарши тарғибот олиб бориб, СССРга қарши уруш вақтида совет ҳокимиятига қарши курашаман деб айтганликда, совет ҳокимияти турли хил солиқлар кўринишида деҳқонларни бор-будидан маҳрум қилмоқда деб айтганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1063. Соқибоев Солиамин** (1873 йили туғилган, Андижон райони Жалабек қишлоқ советидан, қулоққа тортилган, 1930 йили республикадан ташқарига сургун қилинган, сургун жойидан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси, чайқовчилик билан шуғулланган) аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши ўзи билан ҳамфикр бўлган ва мавжуд тузумдан норозилик кайфиятидаги қулоқлар ҳамроҳлигида аксилинқилобий ташвиқотлар олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1064. Соқиматов Умар** (1887 йили туғилган, Ленин райони Обод қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1933 йили Жиноят кодексининг 166-моддаси билан 3 йилга озодликдан маҳрум этилган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат тадбирларига қарши аксилинқилобий туҳматлар қилганликда ва монархик тузумни мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1065. Солиев Исмоил** (1893 йилда Марҳамат райони Бобохуросон қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1933 йилда от ўғирлагани учун 10 йилга қамалган, муддатидан илгари озод қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида колхоз қурилишига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уруш тўғрисида миш-миш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**1066. Солиев Исроил** (1890 йилда Ойим райони Тожик қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1934 йилда 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини бузишга йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1067. Солиев Қобулжон** (1888 йилда Ленин райони Қақир қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1931 йилда колхоз омборини ёқиб юборгани учун 3 йилга қамалган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди) ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**1068. Солиев Мирза Йўлдош** (1880 йилда Ворошилов райони Қорасув қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда артел ишчиси бўлган) совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1069. Солиев Собиржон** (1908 йилда Сталин райони Сталин қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, тайинли машғулоти ва яшаш жойи йўқ, судланмаган)

қатор йиллар давомида ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, чайқовчилик ва қимор ўйнаш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 24 ноябрдан ҳисобланган.

**1070. Солиев Ҳайдарали** (1910 йилда Балиқчи райони Чинобод қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда махсус кўчирилганлардан бўлган) махсус кўчирилганлар орасида советларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет матбуоти ва ҳукуматига туҳмат гаплар гапирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**1071. Солижонов Абдуғани** (1900 йилда Балиқчи райони Чинобод қишлоғида туғилган, 1929 йилда қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз ишчиси бўлган) советларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1072. Соловьев Дмитрий Герасимович** (1891 йилда Петропавловск шаҳрида (Россия) туғилган, собиқ қулоқ, қулоқ қилинишдан яширинган, Колчак армиясида хизмат қилган. Қамоққа олинган вақтда Андижон ёғ заводида том тузатувчи уста бўлиб ишлаган) совет ҳукумати ва партиянинг барча тадбирларига душманлик билан қараганликда, ёғ заводи ишчилари орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, стахановчиларнинг обрўсини тўкканликда, фашистлар томонидан «Комсомолец» пароходи чўктирилганлигидан хурсанд бўлганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. Жиноий иш НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган.

**1073. Сотволдиев Абдуҳамид** (1888 йилда Балиқчи райони Тумор қишлоғида туғилган, қулоққа тортилганда қочган, 1917 йилдан ҳибсда бўлган, уч марта жиноий жавобгарликка тортилган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) аксилинқилобий қулоқ-исёнчилар гуруҳининг раҳбари бўлиб, ноқонуний йиғинларда қатнашганликда, аҳоли орасида доимий равишда исёнчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра

(69-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 26 июлда оқланган.

**1074. Сотиболдиев Исроил** (1900 йили туғилган, Ворошилов тумани Қўрғонтепа қишлоғидан, собиқ савдогар, босмачилар тўдаси иштирокчиси, 1933 йилда 5 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) 1934 йилдан жиноятчи унсурлар билан алоқада бўлиб, колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 4 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (67-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1075. Сотиволдиев Абдулла** (1874 йилда Марҳамат райони Тайит қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида колхоз қурилишини обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни далага чиқмасликка чақирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 24 апрелда оқланган.

**1076. Сотиволдиев Абдуҳалил** (1900 йилда Андижон шаҳрида туғилган, бой хонадондан, собиқ қулоқ, 1931 йилда қулоқ қилинган, босмачилар тўдасининг фаол иштирокчиси, «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, 1935 йилда ипакчиликдаги зараркунандалиги учун қамалган. Қамоққа олинган вақтда Район ипак корхонаси (Райшёлк) хизматчиси) миллатчиларнинг аксилинқилобий йиғилишлари ташкилотчиси ва иштирокчиси бўлганликда, аксилинқилобий ташкилот раҳбарлари Ниёзов Ҳасан ва Сулаймонов Чўлпон билан алоқада бўлганликда, ипакчилик кооперациясида ишлаб ипакчиликни барбод қилиш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 2-банди ва 67-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 ноябрдан ҳисобланган.

**1077. Сотиволдиев Мулла Абдуғафур** (1898 йилда Андижон райони Найдик қишлоғида туғилган, бойлардан, ўзи қулоқ-савдогар, «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, 1928 йилда пахтадаги зараркунандалиги учун қамалган. Қамоққа олинган вақтда Район ипак корхонаси (Райшелк) хизматчиси) совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларининг фош этилишига ачиниш билдирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 2-банди ва 67-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилин-

ган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**1078. Сотиволдиев Юсуфжон** (1883 йилда Андижон райони Бўтақора қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) мунтазам равишда совет ҳукуматининг мағлубияти ва СССРдаги очарчилик тўғрисида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган. 1990 йил 27 мартда оқланган.

**1079. Сотимов Қорабой** (1882 йили туғилган, Избоскан райони Бешкапа қишлоғидан, 150 йигити бўлган собиқ фаол қўрбоши. Ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) колхозчилар орасида совет ҳокимиятига нисбатан аксилинқилобий бўҳтонлар тарқатганликда, гўё катта ғалла захираси бўлишига қарамай, у деҳқонларга берилмаяпти, ҳар томонда уруш бошланяпти, тез орада Совет Иттифоқига ҳам қарши уруш бўлади деган мишмишлар тарқатганликда, колхоз раҳбарларига қарши террорчилик кайфияти билдирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра отувга ҳукм қилинган, мол-мулки мусодара этилган.

**1080. Соттибоев Ҳожимирза** (1912 йилда Андижон райони Избоскан қишлоғида туғилган, йирик қулоқнинг ўғли, отаси ва ўзи ҳам қулоқ қилинган, судланган, жазо муддатини ўтамай қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда СССРдаги очарчилик тўғрисида иғво мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1081. Соттиқулҳожиев Ҳайитбой** (1887 йилда туғилган, Хўжаобод райони Найман қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, муқаддам фаол босмачи бўлган) аҳоли орасида доимий равишда исёнчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчиликни тарғиб этганликда, колхозчиларни ҳукуматга қарши чиқишга бирлашишга чақирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1082. Соҳибов Муҳаммадамин** (1902 йилда ЎзССР Ленин шаҳрида туғилган. Собиқ бой. Ер-сув ислоҳотига қадар 100 таноб ери бўлган, қулоққа тортилган. 1920 йилда босмачиларни қурол-яроғ билан таъминлагани учун 5 йилга қамалган. Қамоққа олиниш вақтида Ленин район ижроия қўмитаси қошидаги

Халқ хўжалигини ҳисобга олиш бўлимида статист бўлган) аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, отиб ташланган халқ душманлари – Зиновьев, Каменев ва бошқаларга ачинганликда, миллатчи аксилинқилобчи унсурлар билан алоқадор бўлганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара қилинган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**1083. Старцев Николай Ефремович** (1890 йилда Саратов губернияси Грязнуха қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1931 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда давлат отхонаси хўжалик мудири бўлган) атрофдагилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, монархия тузумини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 27 мартда оқланган.

**1084. Сулайманьянц Михаил Саркисович** (1888 йили туғилган, Озарбайжон ССР Тоғли Қорабоғ областининг Шуша шаҳридан, армани, собиқ савдогар, қулоққа тортилган, 1932 йили валюта олди-бердисини бузган, қамоққа олинган. Ҳибсга олинган вақтда вино дўкончасида мудир) доимий равишда душманлик кайфиятида бўлиб, аҳоли орасида бўлажак уруш ва унда Совет Иттифоқини фашистлар тор-мор келтириши ҳақида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, халқлар доҳийси шаънига бўҳтон гаплар айтганликда айбланган. Жиноий иш НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм қилинган.



**1085. Сулаймонов Абдулҳамид** (Чўлпон) (1898 йили Андижонда таниқли савдогар ва шоиртабиат Сулаймон баззоз хонадонида дунёга келган) 1908 – 1912 йилларда мадрасада, 1912 – 1914 йилларда рус-тузем мактабида ўқиган. Чўлпон ўзбек адабиёти ва санъатининг йирик арбоби, шижоатли жамоат арбоби, жадидчилик ҳаракатининг пешқадам вакилларидан бири сифатида чор подшолиги ва совет ҳукмронлиги даврининг иллатларини

фош қилишга интилган, ўзбек халқини ҳуррият сари астойдил бел боғлаб курашга даъват этган улуғ зотдир. Эндигина қирқ ёшни қоралаган бир пайтда у сиёсий қатағон, яъни «Катта террор»нинг ўткир тиғидан ҳалок бўлди. Ҳозирда Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик хизмати марказий архивида СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг 1938 йил октябрида Тошкентда ўтказилган сайёр йиғилишида отувга ва 10 – 15 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган 490 қатағон қурбонлари рўйхатида 146 рақами остида «Сулаймонов (Чўлпон) Абдулҳамид Сулаймонович, 05.10.38 йилда отувга ҳукм этилган, 05.10.38 йил отилган, номери 28484, 7-жилд, 226-бет» деб рус тилида ёзилган ҳужжат сақланмоқда. Ҳужжатни ўқир эканмиз, тасодифан хаёлимизга 1936 йилнинг июль кунларидан бирида миллатчи ёзувчилар хусусидаги суҳбатда Расулжон Раҳимийнинг буюк Чўлпон ҳақида айтган мана бу сўзлари



Абдулҳамид Чўлпон 1920 йил 1-8 сентябрда Боку шаҳрида Шарқ халқларининг 1-съездига вакил бўлиб борган, съезд котибияти аъзоси бўлган

келди: «Чўлпон Ўзбекистон шоири ва ёзувчилари орасида чиндан ҳам юлдуздир. Агар Робиндрант Тагор Ҳиндистонда буюк асарлар яратган бўлса, Чўлпон бизда ана шундай қимматли асарлар яратди. Чўлпонни бекордан-бекорга миллатчи деб танқид қилишмоқда, шуни унутмаслик керакки, сиёсат билан адабиёт орасида катта фарқ бор, ҳар нарсага сиёсий нуқтаи назардан ёндашавермаслик керак».

**1086. Сулаймонов Мулла Нишонбой** (1900 йили туғилган, Хўжаобод райони Ширмонбулоқ қишлоғидан, турк, қулоқ оиласидан, босмачиларнинг фаол йигити. 1929 йили босмачи тўдаларининг фаол иштирокчиси сифатида қамалган, 1924 йили МТС сиёсий бўлими тадбирига қарши ҳаракати учун колхоз раислигидан бўшатилган, колхоз аъзолигидан чиқарилган) доимий равишда тарғибот олиб борганликда, ҳукуматдаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида гапирганликда, колхозда ҳосилдорликни кўтариш бўйича тадбирларга қарши турганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 августдаги йиғилиши қарори билан отувга ҳукм қилинган.

**1087. Сулаймонов Омон** (1901 йилда Ленин шаҳрида туғилган, ВКП (б) собиқ аъзоси, босмачилиги учун партиядан чиқарилган, босмачилик ҳаракатида йигит бўлган, 7 милиционер билан бўлган отишмада иштирок этган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти

бўлмаган) 1925 йилдан 1930 йилгача аксилинқилобий миллатчи «Ҳақиқат» гуруҳи аъзоси бўлганликда, халқ душманларига ҳамдардлик билдирганликда, ҳукумат шаънига уйдирма гаплар айтганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1088. Сулаймонов Саидали ҳожи** (1902 йили туғилган, Марҳамат райони Қорақўрғон қишлоғидан, собиқ савдогар, имом, собиқ реэмигрант, 1932 – 1934 йилларда 2 марта чегарани бузган, ҳибсга олинган вақтда якка хўжалик эгаси) аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод этишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига нисбатан аксилинқилобий туҳмат қилганликда, чегарадан ўтиб кетишга уринганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.



Сулаймонов Саидали Ҳожининг набиралари

**1089. Сулаймонов Сотволди** (1897 йилда туғилган, Андижон райони Офтобачичек қишлоқ советида яшаган, собиқ қулоқ, 1933 йилда қулоқ қилинган, ВКП (б) сафидан ўчирилган, қулоқ қилингач, яшириниб юрган. Қамоққа олинган вақтда Коммунизм номли колхоз аъзоси) Офтобачичек қишлоқ советидаги аксилинқилобий гуруҳ иштирокчиси бўлганликда, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, йиғилишларда мағлубиятчилик кайфиятидаги фикрлар билдирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) мол-мулк мусодараси билан отувга ҳукм қилинган.

**1090. Сулаймонов Сотиволди** (1897 йилда туғилган, Андижон райони Офтобачичек қишлоқ совети фуқароси. Собиқ қулоқ, 1933 йилда қулоқ қилинган ва ВКП (б) сафидан чиқарилган, қулоқ қилингач, яшириниб юрган. Қамоққа олинган вақтда Коммунизм номли колхоз аъзоси) Офтобачичек қишлоқ советидаги аксилинқилобий гуруҳда иштирок этганликда, йиғилишларда мағлубиятчилик мазмунида чиқишлар қилганликда, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**1091. Сулаймонов Холдор** (1907 йилда Хўжаобод райони Юзлар қишло-

ғида туғилган, қулоқ қилинган, илгари давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 8 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида советларга қарши аксилинқилобий ва миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**1092. Сулаймонов Шайди** (1904 йилда Ворошилов райони Абдуллабий қишлоғида туғилган, миллати қирғиз, деҳқон, якка хўжалиги бўлган, унинг оиласида хотини 25 ёшли Чинорхон 12 ёшли ўғли Эргаш бўлган, улар Қўрғонтепа тумани Абдуллабий қишлоғида яшаганлар, 1934 йилда 6 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазони Дмитлагда ўтаган, «Техника» участкасида умумий иш билан шуғулланган) 1938 йил 4 апрелда қамоққа олинган. Маҳбуслар орасида советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. Москва области бўйича СССР НКВДси «учлиги» томонидан 1938 йил 5 июнда отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1938 йил 23 июнда ижро этилган. 1989 йил 27 июнда оқланган.

**1093. Султонов Орзи** (1913 йилда Андижон шаҳрида туғилган, мунтазам ўғрилик қилганлиги учун 3 марта судланган, 6 марта вақтинча қамалган, жазони ўтаганлиги ҳақида ҳужжати йўқ. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) узоқ вақт давомида ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, ўғрилик ва талончилик ҳисобига кун кечирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**1094. Султонов Файзулла** (1905 йилда Ўш шаҳрида туғилган, волост бошқарувчисининг ўғли, «Миллий иттиҳод» миллатчи-аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, ташкилот маблағлари ҳисобидан 1923 йилда Туркияга ўқишга юборилган, бироқ ўтказилмаган ва Бокуда ўқиган. 1931 йилда маиший жиноятлар учун судланган. Қамоққа олинган вақтда ўқитувчилик қилган) аксилинқилобий йиғинлар иштирокчиси бўлганликда, совет ҳукуматига қарши душманлик кайфиятида бўлганликда, ўқитувчи бўлиб ёшларни советларга қарши, миллатчилик руҳида тарбиялаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддаси. Жиноий иш НКВДнинг Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 сентябрдан ҳисобланган.

**1095. Султонхонов Юнусхон тўра** (1880 йилда Хўжаобод райони Миёнқа қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ. Қамоққа олинган вақтда диний хизматчи) аксилинқилобий исёнчи қулоқлар гуруҳи ташкилотчиси бўлиб, ноқонуний йиғинларда исёнчиликка чақирганликда, ҳукуматга қарши фаол курашишга даъват этганликда, аҳоли орасида исёнчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.



Султонхонов Юнусхон тўранинг ўғли Очилхон тура



Султонхонов Юнусхон тўранинг набираси Асилхон тўра

**1096. Султонхўжаев Йўлчихўжа** (1876 йилда Сталин райони Қипчоқ қишлоқ советида туғилган, руҳоний, 1932 йилда қулоқ қилинган, илгари фаол босмачи бўлган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мунтазам равишда колхоз қурилишига қарши йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхозда иш-



Султонхонов Юнусхон тўранинг ўғли Тўхмонхон тўра фарзандлари даврасида

ламасликка чақирганликда, совет ҳукумати шаънига туҳмат қилганликда, аксилинқилобий исёнчилар гуруҳи билан алоқада бўлганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 28 майда оқланган.

**1097. Султонхўжаев Мулла Ибодулла Махсум** (1886 йилда туғилган, Андижон райони Кўмакай қишлоқ советидаги Ойшахоним қишлоғида яшаган. Илгари бой бўлган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган, диний оқим хизматчиси – имом, 1933 йилда аксилинқилобий фаолияти учун қамоққа олинган. Қамоққа олингунга қадар «Ҳақиқат» колхозининг аъзоси бўлган) мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**1098. Сўфиев Кенжабек** (1879 йилда Хўжаобод райони Қизилой қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхоз тизимига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 3 майда оқланган.

**1099. Суярқулов Мадумар** (1880 йилда Балиқчи райони Қўштепа қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик ҳаракатида мингбоши бўлган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида доимий равишда ҳукумат яқин кунларда ағдарилиши ҳақида мағлубиятчилик тарғиботи тарқатганликда, колхозчиларнинг ёмон иқтисодий аҳволи тўғрисида аксилинқилобий мишмиш айтганликда, колхозчиларни даладаги ишларни бажармаслика чақирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1100. Суярқулов Туроб** (1904 йилда Сталин (Шаҳрихон) райони Абдубий қишлоғида туғилган, илгари фаол босмачи бўлган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) колхоз раиси бўлиб, ўз ишига зараркунандалик кайфиятида ёндашганликда, очарчилик тўғрисида аксилинқилобий мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қаро-

рига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 сентябрдан ҳисобланган.


Суярқулов Туроб


Рафиқаси

**1101. Таникулов Мирзараим** (1877 йилда Избоскан райони Тўрткўл қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида аксилинқилобий иғвогарчилик тарғиботини олиб борганликда, Совет Иттифоқининг мағлубиятини ташвиқ этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 28 майда оқланган.

**1102. Темиржонов Эргаш (Босонақул)** (1915 йилда Ворошилов райони Хонобод қишлоғида туғилган, тайинли машғулоти йўқ, судланган) 1937 йилда қамоқдан озод бўлгач, колхоз омборидан шоли ўғирлаганликда ва яна бир неча ўғирликлар қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**1103. Темиров Мадат** (1899 йилда Балиқчи райони Товулди қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик ҳаракати иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) аксилинқилобий қулоқ-исёнчилар гуруҳининг раҳбари бўлганликда, аксилинқилобий гуруҳ йиғинларида қишлоқ фаоллари шаънига террорчилик мақсадларини айтганликда, аксилинқилобий исёнчи тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 26 июлда оқланган.

**1104. Темиров Тўра** (1899 йилда Пахтаобод райони Бўтақора қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мунтазам равишда совет ҳукуматини обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**1105. Темиров Усмонали** (1872 йилда Ворошилов райони Деҳқончек қишлоғида туғилган. Собиқ қулоқ, 1930 йилда қулоқ қилинган ва 2 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Қамоққа олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**1106. Тер Андриасов Гайк Рубенович** (1893 йили туғилган, Арманистон ССР Ереван райони Нижня Ахта қишлоғидан, миллати арман, руҳоний, 1918 йилдан 1921 йилгача дашноқлар қўшинларида хизмат қилган, 1927 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда магазин мудири бўлган) доимий равишда тарғибот олиб борганликда, яқинда бўладиган уруш ва унда Совет Иттифоқининг мағлуб бўлиши ҳақида гап-сўзлар тарқатганликда, партия ва ҳукумат томонидан ўтказиладиган тадбирларга қарши бўҳтон фикрлар билдирганликда айбланган. Жиноий иш НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1107. Теркулов Абдулла Зайнитдинович** (1905 йилда Қозоғистон ССР Романовка қишлоғида туғилган, қулоқ, қатағондан яширинган) аҳоли орасида мунтазам равишда колхозга қарши иғво мишмишлар тарқатганликда, совет ҳукумати ва партия раҳбарларига тухмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 11 сентябрдан ҳисобланган.

**1108. Терқулов Абдуллаҳақ Фаттоҳутдинович** (1891 йилда Саратов губернияси Домино қишлоғида туғилган, илгари диний хизматчи, руҳоний ва савдогар бўлган. Қамоққа олинган вақтда хизматчи бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 11 сентябрдан ҳисобланган.

**1109. Тешабоев Бегижон** (1897 йили туғилган, Ленин райони Самандарак қишлоғидан, 1930 йили ҳайвон ўғирлагани учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм

этилган, 1935 йили 2 марта ҳайвон ўғирлагани учун 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, муддатидан аввал бўшатилган, 1936 йили безорилиги учун 6 ой мажбурий меҳнатга ҳукм этилган) лагерлардан қочиб келиб, доимий равишда ўғирлик ва безориликни давом эттирганликда, колхозчиларни террор қилганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1110. Тешабоев Мўмин** (Пахтаобод райони Аушка қишлоғида туғилган, собиқ савдогар, босмачилар тўдаси иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) мавжуд тузумдан норози бўлган ҳолда колхозчилар олдида чойхонада халқ доҳийси расмини йиртиб ташлаганликда, ҳукуматга қарши қаратилган уйдирма гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1111. Тешабоев Назирбек** (1907 йилда Ленин райони Янгийўл қишлоқ советидаги Оқсоқол қишлоғида туғилган. Собиқ қулоқ, 1931 йилда қулоқ қилинган, сўнгра қочган ва яшириниб юрган, 1933 йилда қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайёрлов пунктида ишчи бўлган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 2 октябрдан ҳисобланган.

**1112. Тиллабоев Омон** (1878 йилда Пахтаобод райони Янгиўзбек қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, репрессиядан яширинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, монархияни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 6 мартда оқланган.

**1113. Тиллабоев Умарали** (1879 йилда Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1930 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун судланган ва 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) собиқ қулоқ ва босмачилар билан яқиндан алоқада бўлиб, совет ҳукуматига қарши курашиш масалалари муҳокама этилган аксилинқилобий йиғинларда иштирок этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра

(57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1114. Тиллахонов Қосим охун** (1907 йилда Қошғарда (Хитой) туғилган. 1931 йилда валюта операцияси учун 7 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) лагер қамоғидан озод бўлгач, жиноий гуруҳга бирикиб, колхозчилар мулкини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**1115. Тоғаев Маҳамат** (1892 йилда Марҳамат райони Қорабоғиш қишлоғида туғилган, миллати турк, партиясиз, савдогар-қулоқ. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) пахта терими ва қайта ишлашда аксилинқилобий саботаж уюштирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**1116. Тожибоев Абдулҳаким қори** (Андижон райони Хурсандлик қишлоғида яшаган, собиқ диний хизматчи, 1936 йилда чегарадан ноқонуний ўтганлиги учун 1 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати шаънига туҳмат гаплар айтганликда, буржуа мамлакатларидаги ҳаётни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**1117. Тожибоев Абдураззоқ** (1909 йилда Ойим райони Дардоқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1934 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайёрлов пунктида ишчи бўлган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати ва унинг тадбирларига нисбатан туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1118. Тожибоев Абдураҳмон** 1903 йили туғилган, Балиқчи райони Хўжаобод қишлоғидан, ўзбек, ВКП (б) аъзоси. 1933 йили берилган камомади учун партиядан ўчирилган, 1934 йили колхоз маблағини камомад қилгани учун судланган, ҳибсга олингунга қадар Хўжаобод қишлоқ матлубот жамиятида

магазин мудири) Отамирзаев уйидаги аксилинқилобий гуруҳнинг яширин йиғилишларида иштирок этганликда, Миридиевнинг аксилинқилобий исёнчи чақириқларини қўллаб-қувватлаганликда айбланган. (ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган.

**1119. Тожибоев Болтаохун** (1891 йилда Ворошилов райони Деҳқончек қишлоғида туғилган, миллати уйғур. Савдогар оиласидан. Ўтмишда босмачи бўлган. 1914 йилда Афғонистонга қочган, 1931 йилда қайтгач, ОГПУ Ўрта Осиё «учлиги» томонидан 5 йилга жазоланган. 1933 йилда қамоқдан қочган, 1937 йилгача яшириниб юрган. Қамоққа олинган вақтда Ворошилов районидаги Деҳқончек қишлоғи Бауман номли колхозда кассир бўлиб ишлаган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги фаол аксилинқилобий тарғибот ишларини олиб борганликда, халқлар даҳосига аксилсинқилобий тухмат қилганликда айбланган. 1937 йил 23 августда қамоққа олинган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. 1989 йил 10 июлда оқланган.

**1120. Тожибоев Қодир** (1894 йилда Ворошилов райони Абдуллабий қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1931 йилда жосуслик ва аксилинқилобий тарғибот учун судланган ва 5 йилга қамалган, жазони ўтаган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида совет ҳукуматини обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уруш ва ҳукумат ўзгариши тўғрисида тухмат гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**1121. Тожибоев Мамат** (1895 йилда Ленин райони Қўрғонча қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, собиқ фаол босмачи, камбағалларни отишда шахсан ўзи қатнашган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий қулоқлар гуруҳи аъзоси бўлиб, совет ҳукуматига қарши курашиш масалалари кўрилган аксилинқилобий йиғилишларда иштирок этганликда, аҳоли орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, эски тузумни мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**1122. Тожибоев Машраб** (1915 йили туғилган, Андижон шаҳридан, талончилик қилгани учун 2 марта судланган, жазо ва 7 марта огоҳлантиришни ўтаган. Ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган) лагерлардан бўшатилгандан сўнг жиноятчилар билан алоқани тиклаб, доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1123. Тожибоев Муллаболта** (1872 йилда Жалолқудуқ райони Бўстон қишлоғида туғилган, бой оиласидан, собиқ қулоқ, савдогар, 1928 йилда қулоқ қилинган, ОГПУ доимий ваколатхонаси томонидан қамалган. Қамоққа олинган вақтда Тельман номли колхоз аъзоси) сургундан қайтгач, колхозчилар орасида мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматини ағдариб ташлашга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 10 сентябрдан ҳисобланган. 1990 йил 5 февралда оқланган.

**1124. Тожибоев Мурод** (1906 йилда Ленин райони Қайрағоч қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қулоқ қилинишдан яширинган, 1930 йилда ЎзССР ЖК 274-моддаси бўйича 2 йилга қамалган, 1936 йилда камомадга йўл қўйганлиги учун 1 йилга мажбурий меҳнатга жалб қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) қишлоқ бошқарувини ўз қўлига олиш ва пахта теримини барбод этишни мақсад қилиб олган аксилинқилобий қулоқлар гуруҳи аъзоси бўлиб, мунтазам равишда колхозчилар орасида колхознинг бузилишига йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, монархияча тузумни мақтаганликда, халқ душманларининг қамоққа олинганлигига ачиниш билдирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1125. Тожибоев Олимхўжа** (1881 йилда Жалолқудуқ райони Жалолқудуқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий ишдан бўйин товлашни уюштирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган. 1990 йил 13 мартда оқланган.

**1126. Тожибоев Тўйчи** (1885 йили туғилган, Асака райони Тахтакўприк қишлоғидан, собиқ қулоқ, реэмигрант) аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига террорчилик кайфияти билдирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

**1127. Тожихўжаев Аҳмаджон** (1882 йилда Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, ЎзССР ЖК 80-моддаси бўйича судланган ва 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) колхозчилар орасида совет ҳукуматини обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1128. Тойиров Назир** (1882 йилда Андижон шаҳрида туғилган, собиқ амалдор, муқаддам фаол босмачи, 1930 йилдаги акслинқилобий чиқиш ташкилотчиси бўлган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) акслинқилобий қулоқлар гуруҳи фаол аъзоси бўлиб, бир неча бор ҳукуматни ағдариш учун қуролли қўзғолонга тайёргарлик масалалари кўрилган ноқонуний йиғинларда иштирок этганликда, аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1129. Толибжонов Йўлдошбой** (1880 йилда Ленин шаҳрида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, хорижий мамлакатлардаги аҳолининг ҳаётини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1130. Толипов Мулла Азим** (57 ёшда, Хўжаобод райони Фақир қишлоғидан, турк, 1931 йили қулоқ қилиниб, махсус посёлкага сургун қилинган, у жойдан қочиб кетиб, 1937 йилгача Қирғизистон ҳудудида яшириниб юрган. Ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси бўлган) колхозга кириб олиб, колхозчилар орасида доимий равишда советларга қарши тарғибот олиб бориб, колхозчиларни ишга чиқмасликка чақирган, совет ҳокимиятининг мағлубияти ва мусулмон давлатининг тикланиши муқаррарлигини айтган деган айб қўйилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учли-

ги»нинг 1937 йил 29 августдаги йиғилиши қарори билан ҳукм қилинган.

**1131. Толипов Рўзибой** (1876 йилда Ойим райони Тожик қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун илгари 6 ойга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида иғво гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 14 мартда оқланган.

**1132. Топматов Пирмат** (1887 йилда Жалолқудуқ райони Қатортол қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1133. Тошбоев Абдуҳалил** (1893 йилда Избоскан райони Тўрткўл қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1932 йилда қулоқ қилинган, ўша йилда вазифани бажаришга қаршилик кўрсатганлиги учун 3 йилга озодликдан маҳрум этилган ва Ўзбекистондан 3 йилга бадарға қилинган. Қамоққа олинган вақтда Будёний номли колхоз аъзоси бўлган) СССРда мавжуд тузумга қарши мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 9 августдан ҳисобланган.

**1134. Тошбоев Сотимбой** (1878 йилда Избоскан райони Эскиқишлоқ қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик ҳаракати вақтида фаол босмачи. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аҳоли орасида доимий равишда ҳукуматга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, босмачиликнинг янгиланиши тўғрисида башорат қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1135. Тошбоев Ўроз** (1895 йили туғилган, Хўжаобод райони Ширмонбулоқ қишлоғидан, турк, қулоқ, фаол босмачилардан, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси бўлган) доимий равишда антиколхоз тарғиботи олиб борган, колхозга киришга қарши ташвиқот қилган, ўзи 1936 йили колхозга кирган, бригадирлигида ерга ишлов бериш ва пахта чо-



Тошбоев Ўроз

пиғини ўтказишда зараркунандалик кўрсатмалари берган деган айб қўйилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 августдаги йиғилиши қарори билан ҳукм қилинган.



Рафиқаси Қорақиз ая ва фарзандлари

**1136. Тошбоев Худоёр** (1881 йили туғилган, Хўжаобод райони Ширмонбулоқ кишлоғидан, турк, савдогар, қулоқ, 1931 йили сургун қилинган, сургундан қочиб келган, босмачиларга кўмак берган, ҳибсга олингунгача чайқовчилик билан машғул бўлган) советларга қарши кайфиятда бўлиб, доимий равишда тарғибот олиб борган, тез орада совет ҳокимияти мағлуб бўлади деб террорчилик мақсадларини баён этган, яқин орада эски ҳокимият тикланади, шунда бизлар сиз фаолларни гумдон этамиз деб айтган деган айб қўйилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги» 1937 йил 29 августда отувга ҳукм қилган.



Тошбоев Худоёрнинг набираси Анорбой ҳожи

**1137. Тошматов Абдураим** (1894 йили туғилган, Пахтаобод қишлоқ советидаги Майбоғча қишлоғидан, қулоқ қилинган, 1930 йили Ўзбекистондан ташқарига сургун қилинган, у ердан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) айбланган қулоқлар билан яқин алоқа боғлаб, аҳоли орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда,

совет ҳокимияти шаънига мишмишлар тарқатганликда, партия ва ҳукумат тадбирларига қарши ташвиқотлар қилганликда, колхозда ишлаб, пахта ҳосилдорлигини сунъий равишда пасайтирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1138. Тошматов Абдухолиқ** (1906 йили туғилган, Пахтаобод райони Сангиробод қишлоғидан, ўғирлиги ва безорилиги учун 2 марта судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) доимий равишда колхозчиларни талаш ва чайқовчилик билан шуғулланганликда, аҳолини террор қилишда, пичоқ билан қуролланганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган

**1139. Тошматов Аҳмад қассоб** (1874 йили туғилган, Хўжаобод райони Булоқбоши қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун қамоққа олинган. 1931 йили Қошғарга қочиб кетган, у ердан 1934 йили қайтган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда, бўлажак уруш ва «Мусулмонобод»нинг тикланишини ташвиқот қилганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1140. Тошматов Ботир** (1906 йилда Ворошилов райони Деҳқончек қишлоғида туғилган. Собиқ қулоқ, 1930 йилда қулоқ қилинган, 1931 йилда аксилинқилобий тарғиботи учун ОГПУ доимий ваколатхонаси «учлиги» томонидан 5 йилга озодликдан маҳрум этилган, жазони ўташ жойидан икки марта қочган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманлари бўлмиш Файзулла Хўжаев ва Икромовни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 14 октябрдан ҳисобланган.

**1141. Тошматов Жўра** (1895 йилда Балиқчи райони Қияли қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) миллатчи, аксилинқилобий ташкилот аъзоси, гуруҳнинг қуролли қўзғолон тўғрисидаги масалалар муҳокама этилган ноқонуний йиғинларида иштирок этганликда, исёнчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1142. Тошматов Зайнобутдин** (1902 йилда туғилган, Андижон райони Офтобачичек қишлоқ советида яшаган. Бой хонадондан, собиқ қулоқ, 1930 йилда қулоқ қилинган, ўша йили ОГПУнинг доимий ваколатхонаси «учлиги» томонидан 3 йилга қамалган, сургундан яна қочган, ушланган ва яна 1937 йилда қочган. Қамоққа олинган вақтда «Коммунизм» колхоз аъзоси бўлган) Офтобачичек қишлоқ советида аксилинқилобий гуруҳга бирикканликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий, қўпорувчилик тарғиботини олиб борганликда, Афғонистонга муҳожирликка чиқиб кетишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 58-моддаси 66-қисм 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли шахсий мулк мусодара этилган.

**1143. Тошматов Иброҳим** (1887 йили туғилган, Марҳамат райони Тўлға қишлоғидан, қулоққа тортилган) колхозчилар орасида колхоз интизоми бузилишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. 1990 йил 15 мартда оқланган.

**1144. Тошматов Исроил** (1887 йилда туғилган, Пахтаобод райони Чек қишлоғи фуқароси, қулоқ қилинган, қатағондан қочиб юрган, босмачилик ҳаракати иштирокчиси, 1932 йилда босмачиликдаги фаолияти учун қамоққа олинган ва лагер қамоғига ҳукм этилган. Ҳибсга олиниш пайтида НКВД ходимига тажовуз қилган) қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) отувга ҳукм қилинган. Шахсан унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**1145. Тошматов Йўлчибой** (1882 йилда Сталин райони Рўзи қишлоғида туғилган, савдогар-қулоқ, қулоқ қилинган, «Шўрои ислом» аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) «Шўрои ислом» аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлганликда, совет ҳукуматининг тез орадаги мағлубияти тўғрисида иғво тарқатганликда, колхоз қурилишига қарши фикрлар билдирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-

тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**1146. Тошматов Кўчқор** (1895 йилда Сталин райони Юқори Шаҳрихон қишлоқ совети Жиянбек қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачилик иштирокчиси, 1930 йилда жавобгарликка тортилган. Ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхоз мулкини ўғирлаганликда, ўзбеклар билан тожиклар ўртасида миллатчилик низоларини ташкил этганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1147. Тошматов Мамасодиқ** (1887 йилда Қорасув қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан қочиб Қошғарда яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) йиғинларда совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1148. Тошматов Мирзажон** (1891 йилда Балиқчи райони Тумор қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, имом. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий қулоқ-исёнчилар гуруҳининг ноқонуний йиғинларида қатнашганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий исёнчи тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 26 июлда оқланган.

**1149. Тошматов Мулла Турғун** (1884 йилда Сталин райони Обод қишлоғида туғилган, олий диний маълумотга эга, имом, руҳоний, яширинган қулоқ, босмачиликнинг фаол ҳамкори, икки марта судланган, жазони ўтамай қочган. Аксилинқилобий фаолияти учун колхоздан чиқарилган) совет ҳукуматига қарши кураш олиб бораётган аксилинқилобий қулоқларнинг гуруҳида бўлганликда, СССРдаги очарчилик ва совет ҳукуматининг ҳалокати тўғрисида мишмишлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати кўрсатилмаган.

**1150. Тошматов Мулла Турғун** (1895 йилда Хўжаобод райони Чек қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси

1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**1151. Тошматов Нишон** (1907 йилда Жалолқудуқ райони Ҳасанқовоқ қишлоғида туғилган, кулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда мактаб мудири ва ўқитувчилик қилган) колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматига нисбатан туҳмат қилганликда, халқ душманларини мақтаганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**1152. Тошматов Олайчи** (1897 йилда Хўжаобод райони Элчибек қишлоғида туғилган, кулоқ қилинган, 1932 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 4 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи тўғрисида туҳмат гаплар айтганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**1153. Тошматов Ортиқбой** (1892 йилда Хўжаобод райони Тошота қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган ва 4 йилга озодликдан маҳрум этилган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб, ноқонуний йиғинларда ҳукуматга қарши аксилинқилобий кайфиятда чиқиш қилганликда, аҳолини ҳукуматга қарши курашишга чақирганликда, ҳукумат раҳбарларига нисбатан террористик фикрларни тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1154. Тошматов Пирмат** – 1887 йилда Жалолқудуқ райони Қатортол қишлоғида туғилган, шу қишлоқда яшаган, колхоз аъзоси бўлган, собиқ қулоқ, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган, қамоққа олинганда колхоз аъзоси, колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борган, халқ душмани, аксилинқилобий саботаж қилган, ЎзССР НКВД «Учлиги» 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этган. 1937 йил 30 ноябрда қамалган. 1990 йил 17 апрелда оқланган.

**1155. Тошматов Рўзибек** (1897 йилда Ленин райони Янгийўл қишлоқ советидаги Оқсоқол қишлоғида туғилган. Собиқ қулоқ, босмачилик ҳаракати дав-

рида қўрбоши Масаит йигитларидан бўлган, 1931 йилда қулоқ қилинган, Украинага сургун қилинган, сургун жойидан қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 октябрдан ҳисобланган.

**1156. Тошматов Сайфиддин** (1889 йилда туғилган, Пахтаобод райони Пахтакор қишлоқ советида яшаган, собиқ



Тошматов Сайфитдиннинг набираси Муқаддасхон

қулоқ, қатағондан қочиб юрган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**1157. Тошматов Холмат охун** (1882 йили туғилган, Пахтаобод райони Санграбод қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар колхозчи) колхозчилар орасида совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари шаънига аксилинқилобий уйдирмалар тарқатганликда, колхозда интизомни бузганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган. 1990 йил 26 мартда оқланган.

**1158. Тошматов Шермат қори** (1900 йилда Андижон шаҳрида туғилган, муқаддам фаол босмачи, «Миллий иттиҳод» акслинқилобий ташкилоти аъзоси, 1939 йилда аксилинқилобий ҳаракати учун 10 йилга судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида доимий равишда исёнчилик ва мағлубиятчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда,

Совет Иттифоқидаги аҳвол тўғрисида бўҳтон гаплар айтганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1159. Тошпўлатов Султон Мурод** (1889 йилда Ворошилов райони Кўштепа қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қулоқ қилинишдан яшириниб юрган, 1932 йилда қорамол ўғирлагани учун 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. Тайинли машғулоти йўқ) қамоқ лагеридан озод этилган 4 йил давомида ҳеч қаерда ишламай, мунтазам равишда ўғрилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 17 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (35-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 10 сентябрдан ҳисобланган.

**1160. Трубецкая Александра Владимировна** (1918 йили туғилган, Богородицк шаҳридан, князь қизи, дворян авлодидан, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) опасининг террорчилик ҳаракатларини қатъий ҳимоя қилганликда, унинг аксилинқилобий фаолиятига шерикликда, аксилинқилобий унсурлар билан алоқадорликда, уларнинг йиғинларида қатнашганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. Жиноий иш НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган.



Александра, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, Соликамский лагерида ҳалок бўлган



Опа-сингил Трубецкаялар. 1934 йил. Андижон

**1161. Трубецкая Варвара Владимировна** (1917 йили туғилган, Москва шаҳридан, собиқ князь қизи, дворян авлодидан, 1934 йили ОГПУ коллегияси аксилинқилобий фаолияти учун 2 йил сургунга ҳукм қилган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) СССР-даги мавжуд тузумга душманлик кайфиятида бўлиб, Киров ўлимини амалга ошириш, халқ душманлари фаолиятини оқлаганликда, СССР халқ доҳийси устидан террористик актни амалга оши-



Ака-ука Андрей ва Сергей Трубецкойлар.
1938 йил. Андижон шаҳри.

ришни кўзлаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм қилинган. Жиноий иш НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган.



**1162. Трубецкой Владимир Серғеевич** (1891 йили туғилган, Москва шаҳридан, собиқ князь, дворян, собиқ гвардия офицери, 1934 йили аксилинқилобий фаолияти учун ОГПУ коллегияси томонидан 5 йил сургунга ҳукм қилинган. Қамалган пайтда сургунда бўлган, шаҳар озиқ-овқат савдо ташкилотининг ресторанида мусиқачи) ОГПУ коллегияси томонидан жазога тортилганига қарамай, «Россия миллий партияси» аксилинқилобий ташкилотининг фаол аъзоси бўлганликда, Андижон сургунидан қочганликда, қамалган кунидан бошлаб Германия, Италия, Франция, Англия, Австрия, Руминия ва бошқа капиталистик мамлакатлардан қочган аксилинқилобий қочоқлар билан мунтазам алоқада бўлганликда, мамлакатлардан доимий равишда чет эл валюталарини олганликда, кооперация органларига туҳматлар уюштирганликда, партия раҳбарлари ҳақида хақорат сўзларни айтганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм қилинган. Жиноий иш НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган. 1930 йил 30 октябрда отилган.

Интернет маълумотларига кўра, у В.Ветов тахаллуси билан ёзувчи, мемуарист сифатида ижод қилган. Унинг ижод жанри овчилар ҳикояси, эсдаликлар, йўл очеркларидан иборат бўлган.

Унинг Андижонда ёзган «Записки кирасира» (Совут кийган отлиқ аскар эсдалиги) хотира китоби тугалланмай, кириш ва хулоса қисми ёзилмай қолганди. Чунки 1937 йил 29 июлда 3 фарзанди билан қамоққа олинганди. Тинтув вақтида ёзувчининг болалари бу асарнинг

сақланиб қолган фрагментларини бекитганлар. Отаси билан қамоққа олинган катта ўғли тинтув вақтида столда отаси ёзган бу ёзув дафтарларни билдирмасдан кичик укасининг иштонига тиқиб қўяди. Оқибатда кириш ва хулоса қисмисиз асар сақланиб қолган. Ёзувчининг қолган бутун архиви қайтариб берилмаган, йўқолган. 1991 йили «Наше наследие» журналида Трубецкойнинг «Записки кирасира» асари рус ҳарбий мемуарчилигининг ёрқин намунаси сифатида эълон қилинади. 2006 йили эса бу асар ва «Приключения Боченкина и Хвоша» асарлари ҳамда эпистоляр – мактуб шаклидаги мероси инглиз тилида чоп этилади.

В.С.Трубецкой ва унинг қизи Варвара 1937 йил 30 октябрда Андижонда отилади. Ўғли Григорий (1912 – 1975) 10 йил умрини концентрацион лагерда ўтказади, қизи Александра (1919 – 1943) лагерда вафот этади. Ёзувчининг тул хотини Елизавета Владимировна 1943 йили қамоққа олинади ва 1 ой ўтиб Москвадаги Бутирка турмасида вафот этади.

В.С.Трубецкой иши 1964 йили қайта кўрилади ва реабилитация қилинади.

Владимир Сергеевичнинг отаси файласуф ва жамоат арбоби князь Сергей Николаевич Трубецкой бўлган. Унинг акаси князь Николай Сергеевич Трубецкой эса «Евроосиё» файласуфи сифатида маълум ва машҳур бўлган.

В.С.Трубецкой ўзида маърифатли рус дворянчилиги ва рус либерал зиёлисининг энг яхши намуналарини намоён этган, отаси Сергей Николаевич (1862 – 1905) Москва давлат университети профессори, ректори бўлган. Онаси кенг маълумотли Прасковa Владимировна (1860 – 1914), қизлигида князь Оболенская номи билан танилган.

В.С.Трубецкой болалигидан театр ва мусиқага қизиққан. Катта акаси филолог Н.С.Трубецкойдан (1890 – 1938) фарқли равишда, олимлик карьераси бўйича эмас, ҳарбий ходим бўлишни афзал билган. Гимназияни тугатиб, Москва давлат университети физика-математика факультетида ярим йилгина ўқиб, императорга қарашли «Штандарт» яхтасидаги мина ташувчи «Всадник» эскортида фаолият кўрсатади. Денгиз ва флот жону дили бўлган, аммо Москва шаҳар бошлиғи князь В.М.Голицинннинг қизи Елизавета Владимировнани севиб қолади. Тоғаси граф А.П.Капнисто маслаҳати билан 1911 йили флотни тарк этиб, ҳарбий соҳада фаолият бошлайди. Лейб-гвардия офицери бўлади. 1912 йили Елизавета Владимировнага (1888 – 1943) уйланади. Бу оиладан Варвара, Григорий, Андрей, Александр, Владимир, Ирина, Сергей, Георгий исмли 8 фарзанд туғилади.

В.С.Трубецкой Биринчи жаҳон урушида қатнашади, жанговар хизматлари учун Георгий хочи нишони билан тақдирланади.

Февраль инқилобидан сўнг концператив монархик ташкилотнинг аъзоси бў-

либ, подшони озод қилишдаги биринчи уринишда иштирок этган.

1920 йили қизил армияга чақирилган. Жанубий фронт штабида Орёлда хизмат қилган. Богородицкда қамоққа олинади, турмада сил касаллиги тарқалиши туфайли озод қилинади, кейин армиядан бўшатилади.

Оилани боқиш учун театр соҳасида фаолият кўрсатади, ижодий фаолиятда бўлади, қатор асарлар ёзади, улардан айримлари «Всемирный следопыт» журналида элон қилинган.

Акаси С.Е.Трубецкой ҳам қатағонга учраган, у Москвадаги жанговар советларга қарши ташкилот раҳбарининг ўринбосари деган туҳмат билан қамоққа олинган, тергов қилинган, отувга ҳукм этилган, афв этилган, охир-оқибатда чет элга сургун қилинган. У фуқаролар уруши даври тўғрисида «Минувшее» номли эсдалик ёзган, жумладан, инқилобдан кейин рус дворянларининг хулқи тўғрисида бир қанча мисоллар келтирган. Ўз авлоди шаънига доғ тушишининг олдини олиб, қамоқ терговида ўзи билан бирга бўлган уч дворяннинг фамилиясини яшириб, уларнинг бош ҳарфини қўйиб, улар ҳақида очиқ-ошкора маълумот берган[1]. С.Е.Трубецкой Германияда жуда катта илмий кашфиёт қилишга муяссар бўлган, унинг номи жаҳон фани тарихига кирган.

[1] Мухин Юрий. Победила бы нынешняя Россия в Великой Отечественной? Уроки войны. – М.: ЯУЗА, 2014. – С.94 – 96.

**1163. Трубецкой Григорий Владимирович** (1915 йили туғилган, Москва шаҳридан, собиқ князь оиласидан, ҳибсга олинган вақтда киномеханик) атрофидагилар орасида тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий иғвогарона мишмишлар тарқатганликда, фашизмни мақтаганликда, ўз вазифасига зараркунандалик билан муносабатда бўлганликда айбланган. Жиноий иш НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**1164. Тугалов Эргаш** (Избоскан райони Янгиқишлоқ қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1931 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йилга судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида доимий равишда исёнчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги аҳвол тўғрисида бўҳтон тарқатганликда, фашизмни мақтаганликда, Совет Иттифоқининг мағлубиятини ташвиқот қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1165. Тўйчибоев Мамат** (1890 йилда Ленин райони Илиш Қипчоқ қишлоғида туғилган, 1919 – 1925 йилларда фаол босмачи бўлган, унинг бошчилигида қи-

зил партизан тириклайин ерга кўмилган, 1922 йилда 4 нафар қизил партизанни отишда иштирок этган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аҳоли орасида мунтазам равишда ҳукуматга қарши тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқига қарши чиқишга тайёргарлик ҳақида уйдирма гапирганликда, 1935 йилда комсомол устидан амалга оширилган террорчилик актида иштирок этганликда, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.



Қатағон қурбони Тўйчибоев Мамат



Тўйчибоев Маматнинг ўғли Маматов Абдумуталиб (1922 – 1998)

**1166. Тўйчиев Мулла Бурҳон** (1895 йилда Марҳамат райони Кулла қишлоғида туғилган, диний хизматчи – имом. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда совет ҳукуматига қарши йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 октябрдан ҳисобланган.

**1167. Тўйчиев Раҳимжон** (1889 йилда Марҳамат райони Қақир қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, муқаддам фаол босмачи, қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) деҳқонлар орасида доимий равишда колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи мағлубиятини ташвиқот қилганликда, фашизмни мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1168. Тўйчиев Эгамберди** (1912 йилда Ойим райони Тўқай қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1169. Тўққизбоев Бегимқул** (Ворошилов райони Ғайратобод қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1930 йилда босмачилик қилгани учун 3 йилга судлан-

ган, 1935 йилда 166-моддага асосан 3 йилга судланган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) деҳқонлар орасида доимий равишда колхозга қарши мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, монархия тузумини мақтаганликда, Совет Иттифоқи мағлубиятини ташвиқот қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1170. Тўлаков Ғоип** (1900 йилда туғилган, қулоқлардан, ўзи ҳам собиқ қулоқ. Қамоққа олиниш вақтида «Оқ олтин» колхози аъзоси) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларига ачинганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 10 сентябрдан ҳисобланган. 1990 йил 11 мартда оқланган.

**1171. Тўлаков Ҳасанбой** (1895 йилда Ленин райони Оқбўра қишлоғида туғилган, босмачилик ҳаракати иштирокчиси, 1922 йилда милиция соқчилигига босқинчилик ҳужуми қилган, у жойда милиция соқчиси ва бир милиционерни шахсан отган, босмачилик фаолияти учун жавобгарликка тортилган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимиятига қарши кураш олиб боришга тайёр эканлигини маълум қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.





Тўлаков Ҳасанбойнинг жиянлари
Олимов Фозилжон ва рафиқаси Оминахон

**1172. Тўлаков Эгамберди** (1878 йилда туғилган, Избоскан райони Тўрткўл қишлоғи фуқароси, собиқ қулоқ, давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 1932 йилда қулоқ қилинган, ўша йили 2 йилга озодликдан маҳрум этилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) мунтазам равишда Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида иғвогарона фикрларни тарқатганликда, колхозда ишлашга қарши тарғиб қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 августдан ҳисобланган.

**1173. Тўланов Йўлдош** (1906 йилда Жалолқудуқ райони Найман қишлоғида

туғилган, шу қишлоқда истиқомат қилган) 1932 йил 26 декабрда босмачилик ҳаракатидаги фаол иштироки учун қамалган. 1991 йил 18 ноябрда оқланган.

**1174. Тўлдибоев Абдужаббор** (1891 йилда Ойим райони Ахтачи қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1934 йилда 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида мишмиш тарқатганликда, колхозчиларни уюшган тарзда колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.



Тўлдибоев Абдужабборнинг ўғли Одилжон, ҳозирда 79 ёшда. Жалолқудуқ тумани Ахтачи қишлоғида яшамоқда. Унинг айтишича, отасининг сўнгги тақдири ҳалигача номаълум, қайси лагердалиги, қачон ва қаерда вафот этганлиги ҳам номаълум. Одилжон ота шундай эслайди: «Бизлар онам ва 5 фарзанд қолган эдик. Отамни олиб чиқиб кетганларидан 5 йил ўтиб тонг-саҳарда маҳаллада қийчув бошланди. Шунда ҳарбий кишилар ва ўша вақтдаги қишлоқ совети раиси рухсатсиз бизнинг уйимизга бостириб кирдилар, бизларнинг ҳаммамизни кўчага чиқариб, кўз ўнгимизда уйни бузиб юбордилар. Шу воқеадан сўнг онам вафот этди. Биз, болалар, етим қолдик ва қариндошлар ҳар биримизни ўз қарамоғига олдилар». Одилжондан бошқа ҳаммалари вафот этган. Одилжон ҳам мустақилликка қадар оғир ҳаёт кечирди. Истиқлол унинг ҳаётида янги саҳифа очди. У фермер бўлиб, юрт фаровонлиги учун меҳнат қилиб келмоқда.

**1175. Тўрабеков Баратбой** (1899 йилда Пахтаобод райони Шувоқзор қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, репрессиядан яширинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1176. Тўрабоев Абдулазиз** (1892 йилда туғилган, Андижон райони Октябрь қишлоқ совети Октябрь қишлоғида яшаган, йирик бой – кўнчилик заводи эгасининг оиласидан. Ўзи 1914 йилдан 1930 йилгача савдогарчилик билан шуғулланган. Қамоққа олинган вақтда «Қизил ботир» артелида ишлаган) совет

ҳукуматига қарши душманлик муносабатида бўлганликда, мунтазам равишда партия ва ҳукуматнинг тадбирларига, колхозларда гўёки юзага келган очликка қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган.

**1177. Тўрабоев Анорбой** (1899 йилда Избоскан райони Куй қишлоғида туғилган, қулоқ қилинишдан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, советларга сайловларга қарши фикр билдирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1178. Тўрақулов Аҳматқул** (1882 йилда Андижон райони Сарой қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик кўмакчиси, фаоллар отилишида қатнашган, 1932 йилда давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий исёнчилар гуруҳининг ноқонуний йиғинларида қатнашганликда, совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолон тўғрисида таклиф билан чиқиш қилганликда, колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1179. Тўрақулов Ботир** (1887 йилда туғилган. Собиқ қулоқ, 1932 йилда қулоққа тортилган ва судланган 3 йил озодликдан маҳрум этилган. 1935 йилда жазони ўташ жойидан қочган. Сўнгги вақтгача Андижон райони Далварзин қишлоғида яшириниб юрган. Аниқ машғулоти бўлмаган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги тарғибот ишларини олиб борганликда, аксилинқилобий қўпорувчилик фикрларини билдирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**1180. Тўрақулов Мансурқул** (Пахтаобод райони Миёнқал қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, муқаддам фаол босмачи, 1932 йилда 2 йилга судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий исёнчи қулоқлар гуруҳи ташкилотчилари билан алоқада бўлган ҳолда колхозчи-

лар орасида доимий равишда колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда, Совет Иттифоқи мағлубиятини ташвиқот қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1181. Тўрақулов Мулла Ҳамроқул** (1894 йили туғилган, Пахтаобод райони Бўтақора қишлоғидан, қулоққа тортилган, суддан яширинган, ҳибсга олингунга қадар колхозчи) аҳоли орасида колхозларни обрўсизлантиришга қаратилган тарғибот олиб борганликда, якка хўжаликларни колхозларга қабул қилиш



Тўрақулов Мулла Ҳамроқулнинг қизлари

бўйича олиб борилган тадбирларни бир неча бор бузганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий туҳмат фикрларни айтганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган.

**1182. Тўрақулов Орзиқул** (1888 йилда Андижон шаҳрида туғилган, йирик руҳонийнинг ўғли, «Миллий иттиҳод»нинг собиқ аъзоси, 1933 йилда хорижга қочишни уюштирганлиги учун НКВД органлари томонидан қатағон қилинган ва 9 ой қамоқда ушланган. Қамоққа олинган вақтда мактабда ўқитувчилик қилган) «Миллий иттиҳод» миллатчи-аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси сифатида совет ҳукуматига қарши душманлик муносабатида бўлганликда, панисломизм ғояларини тарғиб этганликда, совет ҳукуматига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 9 августдан ҳисобланган.

**1183. Тўрақулов Сулаймонқул** (1872 йилда Балиқчи райони Чинобод қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1933 йилда давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга судланган. Қамоққа

олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб, исёнчилик руҳидаги масалалар кўрилган йиғинларда иштирок этганликда, аҳоли орасида исёнчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1184. Тўрахўжаев Ҳамидхўжа** (1876 йилда Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачи, 1929 йилда босмачилик фаолияти ва ўғрилик учун судланиб, 5 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1185. Турғунбоев Аваз** (1906 йилда туғилган, Балиқчи тумани Сиза қишлоғи фуқароси, собиқ қулоқ. 1930 йилда қулоқ қилинган, 1932 йилда 3 йил қамоқ жазоси ва 5 йилга сургун қилинган, сургунда бўлмаган, қочган. Қамоққа олинган вақтда Киров номли колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 12 октябрдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**1186. Турғунов Абдураҳим қори** (1899 йили туғилган, Андижон шаҳридан, собиқ қулоқ, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукуматга қарши қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган) ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 3 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (30-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1187. Турдибоев Муҳаммад Умар** (1889 йилда туғилган, Избоскан райони Тўрткўл қишлоғида яшаган, собиқ қулоқ, 1931 йилда қулоқ қилинган, ўша йили 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда Куйбишев номли колхоз аъзоси) Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида фитна тарқатганликда, совет ҳукумати раҳбарлари шаънига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 9 августдан ҳисобланган. 1990 йил 1 мартда оқланган.

**1188. Турдиев Дадахон** (1890 йилда Сталин райони Аҳмадбек қишлоғида туғилган. Шу ердаги Сталин номли колхоз

аъзоси бўлган. 1937 йил 31 октябрда қамалган. 1990 йил 9 апрелда оқланган.

**1189. Турдиев Ёқубжон** (1912 йилда Ворошилов райони Фозилмон қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган, 1932 йилда қулоқ қилингандан сўнг Қошғарга ўтиб кетган, 1934 йилда қайтиб келган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик руҳида ташвиқот олиб борганликда, чет элликларнинг совет ҳукуматига қарши чиқишларини ташвиқот қилганликда, чет элга чиқишни қуллаб-қувватлаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1190. Турдиев Муллаберди** (1889 йилда Жалолқудуқ райони Қатортол қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) мунтазам равишда колхозга қарши акслинқилобий тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**1191. Турдиев Худоёр** (1879 йилда Хўжаобод райони Саидобод қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида миш-миш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 2 декабрдан ҳисобланган.

**1192. Турдиев Худойберди** (1884 йили туғилган, Пахтаобод райони Қошғар қишлоғидан, қулоққа тортилган, катағондан яшириниб юрган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, бригадир бўлган вақтда зиммасига юклатилган ишга зараркунандалик билан муносабатда бўлганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 2 августдан ҳисобланган. 1990 йил 5 февралда оқланган.

**1193. Турдиев Эргаш** (1898 йилда Ойим райони Қутқар қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1932 йилда 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши йўналтирилган тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қаро-

рига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1194. Турдиқулов Муллабой** (1871 йилда Жалолқудуқ районн Катта Полвон қишлоғида туғилган. Илгари бойлардан бўлган, босмачилик ҳаракати даврида қўрбоши Қодир понсатнинг оқсоқол-маслаҳатчиси бўлган. Қамоққа олинган вақтида колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, чор монархиясини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. 1990 йил 2 мартда оқланган.

**1195. Турдиқулов Нишон** (1899 йилда Ленин районн Қайрағоч қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий гуруҳ аъзоси бўлганликда, совет ҳукуматига қарши кураш ва маҳаллий фаолларга қарши террорчилик актларини уюштирганликда, 2 нафар колхоз фаолини ўлдиришга кетадиган ҳаражатни кўтаришга розилик берганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1196. Турдиохунов Раҳимжон охун** (1909 йилда Қошғар қишлоғида туғилган, 1931 йилда от ўғирлагани учун 5 йилга қамалган, жазони ўтамай девор остидан хандақ қазиб қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) 1932 йилда қамоқдан қочгач, ўғрилик ва талон-торож билан шуғулланганликда, май ойида 17 ёшлик қизни зўрлаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**1197. Туронбоев Ҳожибой** (1880 йилда Андижон районн Жевачи қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1932 йилда солиқларни тўламаганлиги учун 2 йилга қамалган, илгари фаол босмачи бўлган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи) колхозчилар орасида мунтазам равишда партия ва ҳукумат тадбирларини обрўсизлантириш ва колхозни бузишга йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия сиёсатига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 3 майда оқланган.

**1198. Турсунқулов Абдужалил** (1892 йили Асака районн Қайрағоч қишлоғида туғилган, қулоқ. Босмачилик фаолияти

учун 1929 йили қамоқда бўлган) аксилинқилобий, исёнчи, миллатчи, диний ташкилот иштирокчилари билан яқиндан боғланиб, унинг ишида фаол қатнашганликда, аҳоли орасида доимий равишда аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

**1199. Турсунов Исмоил** (1872 йилда Балиқчи райони Балиқчи қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) миллатчи аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларнинг ёмон ҳаёти тўғрисида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 декабрдан ҳисобланган. 1991 йил 27 июлда оқланган.

**1200. Турсунов Мамасоли** (1905 йилда Сталин райони Қуми қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхоз пахтасини талон-торож қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**1201. Турсунов Маҳаммат** (1897 йилда Марҳамат райони Давкар қишлоғида туғилган, қулоқ қилинишдан яширинган, собиқ босмачи, 1931 йилда чайқовчилик учун 2 йилга озодликдан маҳрум этилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида колхознинг бузилиши ва меҳнат интизомининг издан чиқишига йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия сиёсати тўғрисида туҳмат гаплар айтганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1202. Турсунов Усмон** (1890 йилда Пахтаобод райони Шувоқзор қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1933 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра

(37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 октябрдан ҳисобланган. 1990 йил 4 апрелда оқланган.

**1203. Турсунов Юнус** (1887 йилда Балиқчи райони Чинобод қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачиликка ёрдам берган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимияти тез орада қулайди деб айтганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1204. Тўхтабоев Маҳкамҳожи** (1881 йилда Избоскан райони Мойгир қишлоғида туғилган, йирик қулоқ, қулоқ қилинган, бадарга қилинишдан яширинган) аҳоли орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Сталин Конституциясига қарши фикр билдирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 26 майда оқланган.

**1205. Тўхтабоев Отахон** (1887 йилда Избоскан райони Мадраса қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, милицияда қўриқчи бўлиб ишлаган, босмачилар хизматчиси. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида аксилинқилобий исёнчилик ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни калака қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1206. Тўхтабоев Юсуфжон** (1890 йилда Ворошилов райони Хонобод қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, ЖК 141-моддаси бўйича судланган ва 2 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхоздаги пешқадамлар ва стахановчиларни мазах қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 20 октябрдан ҳисобланган.

**1207. Тўхтаматов Умарали** (Балиқчи райони Балиқчи қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, давлат мажбуриятини бажармагани учун судланган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида доимий равишда колхоз парчаланиши, партия ва ҳукумат тадбирларини тўхтатишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи мағлубиятга учраши ҳақида гапирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги

йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1208. Тўхтаматов Худойберди** (Балиқчи райони Ўртақўрғон қишлоғидан, қулоқ қилинган, муқаддам фаол босмачи. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида акслинқилобий ишларни олиб борганликда, ҳукуматга қарши тузилган қулоқлар акслинқилобий гуруҳи аъзоси бўлганликда, куролли қўзғолонга тайёргарлик масалалари кўрилган ноқонуний йиғинларда иштирок этганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1209. Тўхтаохунов Аҳмадали** (1917 йилда Андижон райони Сувюлдуз қишлоғида туғилган, тайинли машғулоти йўқ, паспортга эга эмас) Раҳимбоев, Жўраев ва бошқалар билан бирга мунтазам равишда ўғрилик билан шуғулланганликда, 5 та ўғриликда иштирок этганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**1210. Тўхтасинов Тошмат** (Жалолқудуқ райони Чўнгбоғиш қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1930 йилда давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга судланган, муқаддам фаол босмачи. Қамоққа олинган вақтда совхоз аъзоси бўлган) совхоз ишчилари орасида доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларига қарши тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги аҳвол ҳақида бўҳтон гапирганликда, эски тузум ва босмачилик даврини мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1211. Тўхташев Бектош** (1868 йили Пахтаобод райони Избоскан қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун судланган) колхозчилар орасида колхозни тарқатиб юборишга қаратилган антисовет тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (8-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. 1990 йил 8 майда оқланган.

**1212. Тян Дмитрий Павлович** (1895 йилда Ворошилов районида туғилган, собиқ қулоқ. Қамоққа олинган вақтда хизматчи бўлган) аҳоли орасида мунтазам равишда партия ва ҳукуматга қарши тарғибот олиб бориб, ҳокимиятга қарши террористик ҳужумлар уюштириш кераклиги тўғрисида сўзлаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 10 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (73-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1213. Убайдуллаев Исмоил охун** (1899 йили туғилган, Ленин райони Обод қишлоғидан, қулоққа тортилган,

1932 йили қулоқ қилингандан сўнг Қошғарга муҳожир бўлиб чиқиб кетган, 1934 йили қайтиб келган, ҳибсга олингунга қадар колхозчи) доимий равишда колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига ва унинг тадбирларига аксилинқилобий туҳмат мишмишлар тарқатганликда, хориждаги ҳаётни мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

Ўзбекистон ССР НКВДси қошидаги «учлик» 1938 йил 3 ноябрда, яъни ҳибсга олингандан роппа-роса 11 ой ўтиб тақдим этилган айблов хулосасига асосланиб Жалил Баратовни отувга ҳукм этади. Ҳукм 1938 йил 17 ноябрда ижро этилади.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги қошидаги «учлик» 1938 йил 5 апрелда Ҳаққул Ҳусанбоевнинг 17066-сонли ишини кўриб чиқади. Унга қўйилган айб 1916 йилда Андижон шаҳрида бўлган қўзғолон иштирокчиларини жандармерияга ушлаб топширмаганлиги, миллатчи, аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлиб, иш жойида зараркунандаликни амалга оширганлиги, аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчиликка олиб борувчи тарғибот тарқатгани, қонунсиз равишда отув қуроли сақлаганидан иборат бўлиб, бу жинояти учун у 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинади. Жазо муддати 1938 йил 26 февралдан ҳисобланган. Ҳаққул Ҳусанбоев 1947 йили қамоқда оғир касалликдан вафот этган[1].

**1214. Ўлжабоев Тоштемир** (1901 йилда Балиқчи райони Шераличек қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1933 йилда 5 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши тарғибот олиб борганликда, қишлоқ коммунистлари устидан террорчилик ниятларини айтганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1215. Улуғбеков Темирбек** (1876 йилда Ойим райони Тошлоқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1930 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида колхозга қарши мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

[1] Ҳаққул Ҳусанбоевнинг ибратли ҳаёти ва фожиали қисмати ҳақида қаранг: Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б.79 – 95.

**1216. Улуғхўжаев Маматхўжа** (1875 йилда Пахтаобод райони Маданият қишлоғида туғилган. Диний таълимга эга, собиқ қулоқ, 1930 йилда қулоқ сифатида сургун қилинган, диний хизматчи. Қамоққа олинган вақтда имомлик қилган) сургундан қайтгач, аксилинқилобий тарғибот билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. 1990 йил 16 мартда оқланган.

**1217. Умаралиев Сарибой** (1887 йилда Ворошилов райони Секалак қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, имом, 1931 йилда қулоқ сифатида 5 йилга судланган, 1932 йилда давлат мажбуриятини бажармагани ва сургундан қочганлиги учун 7 йилга судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида доимий равишда яқин кунларда ҳукумат қулаши тўғрисида уйдирмалар тарқатганликда, колхозчиларни ҳукуматга қарши курашиш учун бирлашишга чақирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1218. Умарбоев Қурбонбой** (Ворошилов райони Деҳқончек қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, муқаддам фаол босмачи. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) деҳқонлар орасида доимий равишда колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги аҳвол тўғрисида бўҳтон сўзлаганликда, монархия тузумини мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1219. Умарбоев Ҳайдар ҳожи** (1862 йили Избоскан райони Тамакичи қишлоғида туғилган, қулоқ, 1931 йили давлат солиғини тўламагани учун 1 йил қамоқ 5 йил сургунга ҳукм қилинган, сургун муддатини бажармаган, ҳибсга олинганида машғулоти аниқ бўлмаган) колхозчилар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида тарғибот олиб борганликда, мавжуд тузумга норозилик билдирганликда, монархик тузумни мақтаганликда, масжидларнинг беркитилишига қаршилик кўрсатганликда, бошқа фуқароларни масжид беркилишига қаршилик кўрсатишга чақирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги қарорига кўра (8-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1220. Умаров Абдулла** (Ворошилов райони Хидирша қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йилда аксилинқилобий фаолияти учун қамалган, босмачилик аъзоси. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар

орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши ташвиқот олиб борганликда, чет элларга чиқиб кетишни қўллаб-қувватлаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 26 июлда оқланган.

**1221. Умаров Абдурасул** (1880 йилда Пахтаобод райони Янгиўзбек қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматининг тез орадаги мағлубияти тўғрисида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 6 мартда оқланган.

**1222. Умаров Абдураҳмон** (1887 йилда Балиқчи райони Балиқчи қишлоғида туғилган, 1921 йилдан 1923 йилгача босмачилик иштирокчиси, 1933 йили колхоз мулкини ўғирлагани учун 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазони ўтамай қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) лагердан қочиб келиб, колхозчиларнинг ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 4 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (67-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1223. Умаров Аҳмад** (1893 йилда Пахтаобод райони Ҳайдаробод қишлоғида туғилган, паспортга эга эмас, 1934 йилда қорамол ўғирлагани учун 3 йилга қамалган) 1937 йилда деҳқоннинг сигирини ўғирлаганликда, 1937 йил август ойида қишлоқ ошхонаси мудирини ўлдиришга ҳаракат қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**1224. Умаров Ботирали** (1894 йилда Балиқчи райони Балиқчи қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 14 мартда оқланган.

**1225. Умаров Ирисбой** (1903 йилда Сталин райони Найман қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, босмачилик ҳаракати вақтида фаол босмачи бўлган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) совет ҳукумати вужудга келганидан буён унга қарши

фаол кураш олиб борганликда, аҳолини талаш ва террор қилиш билан шуғулланганликда, аҳоли орасида мунтазам равишда акслиниқлобий исёнкорлик тарғиботи олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1226. Умаров Қамбар** (1912 йилда Балиқчи райони Олимбек қишлоғида туғилган, тайинли машғулоти ва яшаш жойи бўлмаган, паспортга эга эмас, 1934 йилда хонадонда ўғрилик содир этгани учун 1 йилга қамалган, 1934 йилда вояга етмаган қизни зўрлагани учун қамалган, қамоқдан қочган. 1934 йилдан буён чорва ва хонадон ўғрилиги билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**1227. Умаров Қўчқор** (1897 йилда туғилган. Жалолқудуқ райони Кўтарма қишлоқ советида истиқомат қилган. Собиқ қулоқ. 1930 йилда қатағондан яширинган. Қошғарда муҳожирликда бўлган, 1932 йилда қайтган. 1920 йилда босмачилар тўдасининг фаол иштирокчиси бўлган. Қамоққа олинган вақтда «Ўзбекистон» колхозининг аъзоси бўлган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Қошғарга муҳожирликка чиқиб кетишга даъват этганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий қўпорувчилик руҳидаги фикрлар тарқатиб юрганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**1228. Умаров Мамадали** (1898 йилда туғилган, Пахтаобод райони Ёлғизбоғ қишлоғида яшаган, собиқ қулоқ, фаол босмачи, 1935 йилда судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) колхозчилар орасида гўёки бошланадиган уруш тўғрисида аксилинқилобий мишмишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 октябрдан ҳисобланган.

**1229. Умаров Мулла Усмон** (1888 йилда Жалолқудуқ райони Чигитир қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларга диний даъват қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома)

10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**1230. Умаров Отабой** (1890 йилда Хўжаобод райони Манак-Ардай қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, муқаддам фаол босмачи, 1932 йилда 5 йилга судланган) аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик ва исёнчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда, деҳқонларни ҳукуматга қарши курашиш мақсадида бандитлар гуруҳига бирлашишга чақирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1231. Умаров Раимжон** (1904 йилда Сталин райони Гарнигавар қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1933 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йилга қамалган ва 5 йилга ҳуқуқлари қисқартирилган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат тадбирларига нисбатан туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**1232. Умаров Ўрмон ҳожи** (1896 йилда Андижон райони Қўнжи қишлоғида туғилган, собиқ бой-қулоқлардан, қотиллик қилгани учун қамоққа олинган, босмачиликка кўмаклашган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мунтазам равишда мудофаа қудратини заифлаштиришга қаратилган тарғибот олиб борганликда, очарчилик ҳақида аксилинқилобий бўҳтонлар тарқатганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.



Умаров Ўрмон ҳожининг рафиқаси Тожихон ая



Умаров Ўрмон ҳожининг энг кичик ўғли Тўражон ва унинг рафиқаси Оминахон, ўғли Назиржон ва набиралари

**1233. Умаров Хабибитдин** (1904 йилда Избоскан райони Янгиқишлоқ қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1931 йилда қулоқ қилинган, милиция линияси бўйича қатағон қилинган, суддан қочиб Тожикистонга кетган, яшириниб юрган.

Қамоққа олинган вақтда Сталин номли колхоз аъзоси бўлган) Совет Иттифоқидаги ҳолат тўғрисида мунтазам равишда фитна тарқатиб юрганликда, халқ душманларига ачиниб гапирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 сентябрдан ҳисобланган.

**1234. Умаров Хаши** (1890 йилда Сталин райони Толмоқ қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик ҳаракатининг иштирокчиси, қатағондан қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, жиноятчи унсурлар билан алоқада бўлганликда, уларни ўз уйида яширганликда, уни фош қиламан деганларни шафқатсиз жазолайман деб қўрқитганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**1235. Умаров Шаҳобиддин** (1904 йилда Ойим райони Тожик қишлоғида туғилган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини бузишга йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи шаънига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 6 мартда оқланган.

**1236. Умаров Муҳиддин** (1888 йилда Андижон шаҳрида туғилган, собиқ қулоқ, 1933 йилда пул-маблағ тадбирларида 300 рубль ундирганлиги учун қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, монархия тузумини мақтаганликда, чет элдаги қариндошлари билан алоқа ўрнатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1237. Умирзоқов Маматюсуф** (1901 йилда Пахтаобод райони Бўтақора қишлоғида туғилган, қулоқнинг ўғли, ўзи ҳам қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) колхозчилар орасида очарчилик тўғрисида, колхозга қарши иғво мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1238. Умирзоқов Мулла Исоқ** (1877 йили туғилган, Ленин райони Қоратепа қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) аксилинқилобий гуруҳ йиғинларида қатнашиб, ўз чиқишларида интервенция вақтида совет хоқимиятига қарши курашишини маълум қилганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган.

**1239. Умирзоқов Обид** (1885 йилда Хўжаобод райони Чигитир қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхоз қурилишига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 2 декабрдан ҳисобланган.

**1240. Умирзоқов Усмон** (1872 йилда Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида туғилган, 1931 йилда қулоқ қилинган, ўша йили Бекобод районига сургун қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) собиқ қулоқ ва босмачилар билан яқиндан алоқада бўлганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1241. Умматов Мулла Мамаюсуф** (1879 йили туғилган, ўзбек, Балиқчи райони Маллачек қишлоғидан, диний хизматда бўлган, собиқ йирик бой) Акбархонов ташкил қилган аксилинқилобий гуруҳнинг фаол аъзоси бўлганликда, аксилинқилобий, исёнчи ходимлар тайёрлашда иштирок этган, аксилинқилобий, иғво мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 10 августдаги 1-баённомаси қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.



Умматов Мулла Мамаюсуфнинг кичик ўғли Мусахон

**1242. Умрзақов Матқобил** (1899 йили туғилган, Хўжаобод райони Уйматут қишлоғидан, қулоққа тортилган, пахта ва гўшт солиғи топширишдан бош тортгани учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, ҳибсга олингунга қадар машғулоти аниқ бўлмаган) колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши, колхоз иши бузилишига қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги

йиғилиши қарори билан 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**1243. Умурзоқов Абдуллажон** (1892 йилда Ворошилов райони Султонобод қишлоғида туғилган, миллати уйғур, 1933 йилда қулоқ қилинган, Қошғарга чиқиб кетган, 1919 – 1920 йилларда босмачи бўлган. Қамоққа олинган вақтда Молотов номли колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида совет ҳукуматига қарши мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 14 ноябрдан ҳисобланган.

**1244. Умурзоқов Мирзақул** (1896 йилда туғилган, Пахтаобод райони Пахтакор қишлоқ совети фуқароси, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 октябрдан ҳисобланган.

**1245. Умурзоқов Мулла Солибой домла** (1877 йилда Ворошилов райони Хўжамшукур қишлоғида туғилган, имом, собиқ қулоқ, илгари босмачи бўлган. Аксилинқилобий фаолияти учун судланган ва 5 йилга озодликдан маҳрум этилган. Қамоққа олинган вақтда диний хизматчи) атрофдагилар орасида Олий Советга район томонидан кўрсатилган номзодларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик ва уруш тўғрисида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

Ундан Ҳидоятхон ва Ўғилхон исмли қизлар ва Мирзакарим исмли ўғил қолган. Мирзакаримнинг фарзандлари Мирзааҳмад (1965 йилда туғилган), Мирзааҳрам (1967 йил туғилган), Нигора (1969 йил туғилган), Ёрқиной (1971 йил туғилган), Мирзоҳид (1972 йил туғилган).

**1246. Ураимохунов Астаохун** (1905 йилда Қошғар қишлоғида туғилган, 1931 йилда чорва ўғирлагани учун 5 йилга қамалган, 1936 йилда қуролли ўғрилик учун жавобгарликка тортилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) жиноий унсурлар билан алоқада бўлиб, поездларда ўғрилик билан шуғулланганликда, қимор ўйнаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-туза-

тув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**1247. Ўринбоев Мамадамин** (1911 йилда Пахтаобод райони Дўнг қишлоғида туғилган, қулоқнинг ўғли, ўзи ҳам қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**1248. Ўринбоев Турғунбой** (1900 йилда Пахтаобод райони Озод пахта қишлоғида туғилган, ўртаҳол деҳқон, тайинли машғулоти йўқ, паспортга эга эмас, 1934 йилда безорилик учун судланган, 1936 йилда колхоз туясини ўғирлагани учун судланган, қамоқдан қочган) 1922 йилдан буён мунтазам равишда колхоз чорвасини ўғирлаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 сентябрдан ҳисобланган.

**1249. Ўрмонов Бекмурод** (Мирзааҳмедов Худойберган) (1914 йили туғилган, Балиқчи райони Урганжи қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳайвон ўғирлагани учун 1 марта судланиб 2 йил озодликдан маҳрум қилинган, жазо муддатини ўтаган. Ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) жиноятчи унсурлар билан алоқада бўлиб, ўғирлик ва ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда, қамоқдан қочиб бошқа бировнинг ҳужжати билан яшаётганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1250. Ўрмонов Тангизбой** (1907 йилда Жалолқудуқ райони Оқучка қишлоғида туғилган, қулоқлардан, давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун судланган, жазони ўтамай қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда пахта терими нормасини бажармаслик учун аксилинқилобий иш-дан бўйин товлашлар ўтказганликда айбланган. ЎзССР ЖК 70-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 октябрдан ҳисобланган.

**1251. Ўрозалиев Акбар Бойтурсунович** (1890 йили Андижон шаҳри Қорабура маҳалласидан, ерсиз, чорвадор хонадонида туғилган). Отаси Бойтурсун Ўразалиев ўз даврининг ўқимишли кишиси бўлган, 1876 – 1877 йилларда А.Н.Куропаткин раҳбарлигидаги дипломатик миссия билан Қошғарга бор-

ган, Россия подшоҳлиги у қариб қолганида нафақа билан таъминлаб турган, ўғиллари, жумладан, Акбар ҳам рус-тузем мактабининг 3-синфини битирган. 1906 йилдан Андижонда, сўнгра Қўқондаги банкда ходим, 1909 – 1916 йилларда Андижон уезди келиштирувчи судида тилмоч ва мирза бўлиб хизмат қилган. Андижондаги «Тараққийпарварлар» жамиятининг фаол аъзоси, 1914 – 1917 йилларда ёш ўзбекларнинг «Иттиҳод ва тараққий» яширин ташкилоти аъзоси, «Падаркуш» пьесасини 1914 йил июнида саҳналаштириб намойиш қилганлардан бири. Скобелов округ суди раисининг 1917 йил 6 январдаги фармойиши билан у Андижон уезди келиштирувчи суди ҳузуридаги тилмочлик, мирзолик хизматидан бўшатилган. 1917 йил 14 июнда Андижон мусулмон ишчилар совети раиси ўринбосари, шаҳар думаси аъзоси, кейинчалик Андижон уезд-шаҳар революцион комитети раиси ўринбосари, раиси, Фарғона вилоят ревкоми раиси ўринбосари, Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетига аъзо, 1925 – 1927 йилларда Хитойнинг Қошғар вилоятида Совет бош консуллигида хизмат қилган, 1928 йили Фарғона вилояти банк бошқарувчиси, 30-йиллар бошларида Андижондаги Манжара номли артелга, сўнг «Савай» хўжалигига раҳбар бўлган. 1935 йили қамоққа олинган. Унга қўйилган айблардан бири 1917 йили Андижон Эски шаҳарида «Шўрои ислом» ташкилотининг 5000 кишилик йиғинида сўзлаган мана бу нутқи бўлган: **«Большевиклар немислар жосусларидир. Улар аҳолиии таламоқдалар. Улар қизил гвардия ташкил этдилар. Биз эса оқ гвардиячилар ташкил эти-**



Маҳфират ҳожи Юсупова



А.Ўразалиевнинг турмадаги сурати



Санжар Акбарович АДУ талабаларига отаси ҳақида эсдаликларини

**шимиз ва большевикларга қарши кураш олиб боришимиз керак. Большевиклар босқинчилар, худосизлар, ҳар хил қамоқхоналардан қочиб келган безорилар, ҳукуматга ҳеч қандай алоқаси йўқ кишилардир. Меньшевиклар эса муваққат ҳукуматга яқин туриб, буржуазия ва динни ҳимоя этувчилардир, улар большевикларга қарши курашадилар деб биламиз».** Тергов органларида 1 йилдан кўп сўроқ қилинади, хилма-хил айблар қўйилади, турли қийноқлар ишга солинади. Барибир Акбар Ўрозалиев сабот, чидам, матонат билан ўзини ҳимоя қилади.

ЎзССР Олий суди махсус коллегияси 1936 йил 10 – 11 сентябрь кунлари Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди билан айбдор деб топиб, уни 3 йил қамоқ жазоси ва 3 йил сайлов ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳукм қилади. Аммо у қамоқхонада ўлдирилади. Рафиқаси Маҳфират ҳожининг 1959 йил 28 декабрда ЎзССР Олий судига йўллаган аризасига А.Ўрозалиев 1947 йили турмада вафот этган деган жавоб келган. Биз билан бўлган суҳбатда бу муштипар аёл бу 3 йил муддат 1947 йилгача чўзилиб кетганми деб сўраганида унга жавоб беролмаганмиз. А.Ўрозалиев оқланган. Унинг номи билан Андижон шаҳар кўчаларидан бири аталган[1].

**1252. Ўрозов Ғозибой** (1902 йили туғилган, Хўжаобод райони Манак қишлоқ совети Элчибек қишлоғидан, қирғиз, қулоқ, 1931 йили пахта режасини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган. Ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) доимий равишда антисовет тарғибот билан шуғулланишда, подшолик тузумини мақтаб совет ҳокимиятига қарши қўйганликда, колхозчиларни ишлашдан бош тортишга чақирганликда, иғвогарона гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 августдаги йиғилиши қарори билан ҳукм қилинган.

**1253. Ўрозов Сафар** (1880 йилда Пахтаобод райони Миёнқа қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, муқаддам фаол босмачи. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) аксилинқилобий қулоқлар гуруҳи аъзоси бўлиб, бир неча бор ҳукуматни ағдариш учун қуролли қўзғолонга тайёргарлик масалалари кўрилган ноқонуний йиғинларда бўлганликда, аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1254. Усмон Четов** (1905 йили туғилган, Хўжаобод райони Манак қишлоқ советидан, қирғиз, қулоқ, 1930 йили пахта режасини бажармагани учун 2 йил қамоқда ҳукм этилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида антисовет тарғибот олиб

---

[1] Унинг ҳаёти ва фаолияти, қисмати ҳақида қаранг: Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б.226 – 261.

борганликда, подшолик тузумини мақтаганликда, колхозчиларни ишдан бош тортишга чақирганликда, совет ҳокимиятига қарши бўҳтон тарқатганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 августдаги йиғилиши қарори билан ҳукм қилинган.

**1255. Усмонқулов Хайдарали** (1890 йили туғилган, Андижон шаҳри Меҳнат даҳасида яшаган, 1932 йилда қулоқ қилинган, ўша йили қамалган, 1930 йилдаги колхозга қарши аксилинқилобий исёнкор ҳаракатнинг фаол иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий иғво фикрлар билдирганликда, колхозчилар орасида Қошғарга чиқиб кетиш ва босмачилар тўдасига қўшилиш тўғрисида тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматига нисбатан мағлубиятчилик кайфиятида бўлганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. Оқланган.

**1256. Усмонов Абдуғофир** (1875 йилда Жалолқудуқ райони Сўфиқишлоқ қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1934 йилда қулоқ қилинган, давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, муддатидан илгари озод қилинган, чайқовчилик қилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мунтазам равишда совет ҳукуматининг коллективлаштиришга оид тадбирларига қарши йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозни йўқ қилишга чақирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 12 сентябрдан ҳисобланган. 1990 йил 13 февралда оқланган.

**1257. Усмонов Ашур** (1898 йилда Ворошилов райони Ғайратобод қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1933 йилда аксилинқилобий фаолияти учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) колхозчилар орасида совет ҳукуматини обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, инқилобдан олдинги даврни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**1258. Усмонов Комил** (1904 йилда Избоскан райони Тўрткўл қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борган-

ликда, очарчилик тўғрисида мишмиш тарқатганликда, заёмга ёзилмаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**1259. Усмонов Қодирали** (1910 йилда Қирғизистон ССР Ўзган қишлоғида туғилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) ўткинчи фуқароларга тан жароҳати етказиб, ўғирлик қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 231-моддаси. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**1260. Усмонов Қодирали** (Хўжаобод райони Янгиқишлоқда туғилган, собиқ қулоқ, 1930 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 2 йилга судланган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда, қишлоқ фаолларига нисбатан террористик қарашларни билдирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1261. Усмонов Мамажон** (1898 йилда Сталин райони Аҳмадбек қишлоғида туғилган, илгари босмачи бўлган, 1933 йилда 2 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида аксилинқилобий троцкийча тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**1262. Усмонов Мирзабой** (1904 йилда Жалолқудуқ райони Қатортол қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда колхозга қарши акслинқилобий тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**1263. Усмонов Мирсулаймон** (1897 йили туғилган, Ворошилов райони Чимён қишлоғидан, руҳоний, 1931 йили қулоққа тортилган, аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил озодликдан маҳрум этилган, муддати тугамай қочган, ҳибсга олингунга қадар Чимён матлубот жамиятида дўкон мудири бўлган) душ-

манлик кайфиятида бўлиб, колхозчилар орасида бўлажак урушда ҳокимиятда ўзгариш бўлиши ҳақида мишмишлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1264. Усмонов Омонбой** (1875 йилда Ворошилов райони Чимён қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) совет ҳукуматига қарши акслинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 декабрдан ҳисобланган.

**1265. Усмонов Тешабой** (1887 йилда Жалолқудуқ райони Капа қишлоғида туғилган, 1937 йил бошларида советларга қарши фаолияти учун колхоздан чиқарилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини бузишга йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга ундаганликда, совет ҳукумати шаънига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 ноябрдан ҳисобланган.

**1266. Усмонов Толиб** (1904 йилда Марҳамат райони Шўрқақир қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхоз қурилишига қарши акслинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ доҳийларини ҳақоратлаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1267. Усмонов Тошпўлат** (1894 йилда Қорасув қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан қочиб Қошғарда яширинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) йиғинларда совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, капиталистик мамлакатлардаги ҳаётни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1268. Усмонов Ўримбой** (1886 йилда туғилган, Балиқчи райони Сиза қишлоқ советида яшаган. Собиқ қулоқ, 1930 йилда қулоқ қилинган, шу йили колхоз тузилишига қарши фаол қаршилик кўр-

сатган, қамоққа олинган, қочган. Қамоққа олинган вақтда Маркс номли колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни уюшган ҳолда колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 14 октябрдан ҳисобланган.

**1269. Усмонов Холмат қори** (1895 йилда Пахтаобод райони Қорашақ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, қишлоқ хўжалиги машиналарига бузғунчилик муносабатида бўлганликда, очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 октябрдан ҳисобланган. Оқланган.

**1270. Ўтаганов Мурсоли Аҳмедович** (1918 йили туғилган, Андижон райони Ойим қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) жиноятчилар билан яқиндан мустаҳкам алоқада бўлиб, уларни уйида яширганликда, ўғирланган ҳужжатларни қабул қилиб, уларни қалбакилаштириб, жиноятчиларга берганликда, босқинчиликларда иштирок этганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 3 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (31-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**1271. Ўтонов Анжир** (1880 йилда Ленин райони Юқори қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1933 йилда қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) қишлоқ бошқарувини ўз қўлига олиш ва пахта теримини барбод қилишни ўз мақсади қилиб олган аксилинқилобий қулоқлар гуруҳи аъзоси бўлиб, мунтазам равишда колхозчилар орасида колхознинг бузилишига йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, монархияча тузумни мақтаганликда, халқ душманларининг қамоққа олинганлигига ачиниш билдирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1272. Учаев Григорий Семенович** (1882 йили Саратов области Дубовицкое қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1932 йили ОГПУ учлиги 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган, жазони ўтаган) аҳоли орасида доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғибот

олиб борганликда, монархик тузумдаги ҳаётни мақтаб, ишчиларни қўзғолонга чақирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги қарорига кўра (8-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1273. Файзитдинов Нуритдин** (1876 йилда Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда диний хизматчи бўлган) аксилинқилобий йиғинларда иштирок этиб, совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1274. Файзихўжаев Жўрахўжа** (1868 йили туғилган, ўзбек, Балиқчи райони Насриддинбек қишлоғидан, собиқ қулоқ, диний хизматчи, имом) аксилинқилобий ташкилот иштирокчиси, аксилинқилобий гуруҳнинг яширин йиғинларида иштирок этганликда, интервентларга қуролли ёрдам бериш ҳақида гапирганликда, советларга қарши ташвиқот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 10 августдаги 1-баённомаси қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

**1275. Файзуллаев Эргаш бойвачча** (1889 йилда Ленин райони Толмозор қишлоғида туғилган, 1932 йилда қулоқ қилинган, ўша йили террорчилик ҳаракатида иштироки учун ҳибсга олинган ва 12 ой қамоқда тутилган, фаол босмачи, камбағал фаолларни отишда қатнашган) аҳоли орасида совет ҳукуматига қарши мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Мадумаров аксилинқилобий гуруҳи аъзолари билан алоқада бўлганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати кўрсатилмаган.

**1276. Фулде Владимир Эдуардович** (1889 йилда туғилган, собиқ йирик пудратчи. Қамоққа олинган вақтда хизматчи бўлган) мунтазам равишда бузғунчилик мақсадида қўпорувчиликлар уюштирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**1277. Ҳайдаров Абдужалил** (1889 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Руҳоний бой оиладан, ўзи собиқ савдогар-қулоқ, 1933 йилда қулоқ қилинган, «Миллий иттиҳод» миллатчи аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, аксилин-

қилобий фаолияти учун 1922 ва 1923 йилларда икки марта қамоққа олинган. Қамоққа олинган вақтда кўрлар жамияти хизматчиси бўлган) аксилинқилобий йиғилишларнинг фаол ташкилотчиси ва иштирокчиси бўлганликда, мунтазам равишда Совет Иттифоқига туҳмат қилиб аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий муҳожирлик кайфиятини намойиш этганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли барча мулк мусодара этилган.

**1278. Ҳайдаров Абдурасул** (1868 йилда Ойим райони Муқур қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, жамолаштиришга қарши аксилинқилобий исёнчилар ҳаракати иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда савдогар бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган. 1990 йил 14 мартда оқланган.

**1279. Ҳайдаров Асқарали** (1901 йили туғилган, Андижон райони Қонди қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда босмачилар тўдасининг фаол қатнашчиси, қатағондан яширинган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, колхоздаги очарчилик ҳақида мишмишлар тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1280. Ҳайдаров Иброҳим** (1889 йилда туғилган, Андижон райони Қўштепа қишлоғи фуқароси, қулоқ қилинган, 1932 йилда 2 йилга қамалган. Қамоққа олингунга қадар колхозчи бўлган) колхозчилар орасида колхознинг бузилишига ва партия ҳамда ҳукумат тадбирларининг барбод бўлишига йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, пахтага зиён етказадиган ишлов берганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 11 мартда оқланган.

**1281. Ҳайдаров Усмон** (1875 йилда Балиқчи райони Балиқчи қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида колхозчиларнинг оғир иқтисодий шароити тўғрисида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси

«учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 декабрдан ҳисобланган. 1990 йил 26 июлда оқланган.

**1282. Хайдаров Шаих Хабирахманович** (1903 йилда ТатССР Альметьевск райони Надырово қишлоғида туғилган, миллати татар, ижтимоий келиб чиқишига кўра қулоқ-савдогарнинг ўғли, отаси қулоқ қилинган ва овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Қамоққа олинган вақтда татарлар клуби мудири бўлган, ВКП (б) сафидан чиқарилган) ижтимоий ёт унсур сифатида совет ҳукуматига нисбатан душманлик кайфиятида бўлганликда, амалда колхоз хўжаликларини барбод қилганликда, давлат таъминотини бузганликда, носинфий унсурларни моддий қўллаб-қувватлаганликда, биноларга фашистик белгиларни чизганликда, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. Жиноий иш НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 сентябрдан ҳисобланган.

**1283. Ҳайдаров Эгамберди** (1887 йилда Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий йиғинларда иштирок этиб, совет ҳукуматини ағдаришга қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 2 декабрдан ҳисобланган.

**1284. Ҳайдаров Эсонбой** (1873 йилда туғилган, Ойим райони Далварзин қишлоғида яшаган. Тайинли машғулоти йўқ. Қорамол ўғирлагани учун судланган) ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 17 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (35-баённома) отувга ҳукм қилинган. Мол-мулки мусодара этилган.

**1285. Ҳайдархўжаев Арзиқул** (1882 йилда туғилган, Андижон райони Далварзин қишлоғида яшаган, собиқ қулоқ, қулоқ қилинган, 1931 йилда 3 йилга қамалган, 1934 йилда такроран яна 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 26 мартда оқланган.

**1286. Хайлиёқов Эгамберди** (1880 йилда Ойим райони Дардоқ қишлоғида

туғилган, қулоқ қилинган, 1933 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида кўпорувчилик, иғвогарчилик тарғиботини олиб борганликда, монархия тузумини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 26 мартда оқланган.

**1287. Хайтақов Қамчи** (1902 йилда Марҳамат райони Бешкал қишлоғида туғилган, собиқ қулоқнинг ўғли, босмачилик иштирокчиси, 2 йил Афғонистонда бўлган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) аҳоли орасида акслинқилобий миллатчилик ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, ҳукуматга қарши чиқишга тайёргарлик ҳақида гапирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1288. Ҳаиткулов Марафин** (1884 йилда Сталин райони Серман қишлоғида туғилган, фаол босмачи, қулоқ, илгари пахта теримида ишдан бўйин товлагани учун колхоздан чиқарилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) мунтазам равишда колхоз тузумига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**1289. Ҳакимов Абдуқодир** (1875 йилда Избоскан райони Эйлатон қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1930 йилда қулоқ қилинган, қатағондан қочган) колхозчилар орасида мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 сентябрдан ҳисобланган.

**1290. Ҳакимов Аҳмаджон** (1903 йилда Андижон шаҳрида туғилган, савдогар оиласидан, аксилинқилобий ташкилот аъзоси. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) совет ҳукуматига нисбатан душманона муносабатда бўлиб, «Миллий иттиҳод» миллатчи-аксилинқилобий ташкилоти билан алоқада бўлганликда, ташкилот орқали Боку шаҳрига ўқишга юборганликда, совет ҳукуматининг колхозларни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларини барбод қилганликда, халқ душманлари – Каменев ва Зиновьевнинг жазоланган-

лигидан афсусланганликда, инқилобдан олдинги даврни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 сентябрдан ҳисобланган.

**1291. Ҳакимов Кўлдош (Йўлдошбой)** (1902 йилда Андижон райони Ковченск қишлоқ советида туғилган, мулланинг ўғли, 1932 йилда қулоқ қилинган, 1934 йилда қотиллик ва ўғриликда айибланиб 7 йил қамоқ ва 4 йил сургунга ҳукм этилган, қамоқдан қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) 1934 йилдан буён ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, мунтазам равишда талончилик ва ўғрилик билан шуғулланганликда, тайинли яшаш жойи бўлмаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**1292. Ҳакимов Мулла Аҳмад** (1900 йилда Балиқчи райони Ниёзмачек қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) пахта терими пайтида ишдан бўйин товлаганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда, совет ҳукуматининг тез орадаги мағлубияти ва буржуа тузумининг тикланиши тўғрисида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1293. Ҳакимов Сирожиддин** (1893 йили туғилган, Андижон райони Хартум қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирлари шаънига бўҳтонлар айтганликда, ўзининг ҳаракатлари билан колхозда душманчилик ишларини юритганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1294. Ҳакимов Усмонжон** (1889 йилда Сталин райони Сталин қишлоғида туғилган, собиқ полициячи, босмачилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, 1924 йилда ВКП (б) аъзолиги номзодлигидан ўчирилган. Қамоққа олинган вақтда хизматчи) аҳоли орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати шаънига аксилинқилобий тuҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябр-

дан ҳисобланган. 1990 йил 14 мартда оқланган.

**1295. Ҳакимов Шукур (Абдушукур)** (1907 йилда Андижон шаҳрида туғилган, пойабзал сотувчиси хонадонидан, 1927 йилда Фарғона педтехникумида миллатчи-аксилинқилобий гуруҳ аъзоси бўлган ва норасмий аксилинқилобий газета чиқарилишида қатнашган, қатағондан қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) совет ҳукуматига қарши душманлик кайфиятида ҳамда «Миллий иттиҳод» миллатчи-аксилинқилобий ташкилоти билан алоқада бўлиб, турли йўллар билан халқ таълими борасидаги тадбирларга қаршилик кўрсатганликда, касаба уюшмалари мажлисларида халқ душманларини фош этмасликка чақирганликда, аксилинқилобий тарғибот билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 октябрдан ҳисобланган.

**1296. Ҳакимхўжаев Мулла Холмирза** (1899 йилда Андижон райони Тожикқишлоқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, босмачилик ҳаракатида иштирок этган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) ноқонуний аксилинқилобий йиғинларда иштирок этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**1297. Ҳалимжонов Собир** (1890 йилда Марҳамат райони Қорабоғиш қишлоқ совети Янги қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда махсус кўчирилганлардан бўлган) махсус кўчирилганлар орасида совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий туҳмат гаплар гапирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1298. Ҳанапиев Тожибой** (1907 йилда Ленин райони Олтинкўл қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1299. Харченко Николай Павлович** (1913 йили туғилган, Таганрог шаҳридан, жиноятчи, бандитчилик ва ўғирлик

учун 4 марта судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) доимий равишда ўғирлик ва босқинчилик билан шуғулланганликда, жиноятчи унсурлар билан алоқада бўлганликда, 1932 йили бандитлик қилгани ва револьвер сақлагани учун 10 йил қамоққа ҳукм этилганликда, қамоқдан қочганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган

**1300. Ҳасанбоев Маматвосил** (1900 йилда Андижон райони Шўро қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1932 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йил қамоқ ва 5 йил сургунга ҳукм қилинган, сургундан қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини бузишга йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни пахта экмасликка чақирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**1301. Ҳасанбоев Саттор** (1901 йилда Сталин райони Ўрта Шаҳрихон қишлоқ советида туғилган, босмачиликка ҳомийлик қилган, 1928 йилда ўғирлик қилгани учун 6 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар молини ўғирлаб, жабрланувчиларга тан жароҳати етказганликда айбланган. ЎзССР ЖК 230-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**1302. Ҳасанов Абдуллажон** (1901 йилда туғилган. Илгари босмачи бўлган, Афғонистондаги ҳарбий мактабда таълим олган, отаси билан 1931 йилда қулоқ қилинган, отаси Украинага сургун қилинган, ўзи сургун қилинишдан қочган. 1931 йилда бузғунчилиги учун 5 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) бартараф этилган Алихонов аксилинқилобий гуруҳининг аксилинқилобий йиғинлари иштирокчиси бўлганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**1303. Ҳасанов Жўра** (1870 йилда Балиқчи райони Доғистон қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937

йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 19 майда оқланган.

**1304. Ҳасанов Жўрабой** (1880 йилда Хўжаобод райони Элчибек қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда мағлубиятчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, қишлоқ фаолларига нисбатан террористик қарашларни гапирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1305.** Ҳасанов Қорёғди (1900 йили Марҳамат райони Гар-гар қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган) колхозга кириб олиб, колхоз қурилиши заифлашуви ва бузилиб кетишига қаратилган антисовет тарғибот олиб борган, колхозчиларни колхоздан чиқишига, мулкни умумийлаштиришига қаршилик кўрсатишга чақирган, мағлубиятчилик кайфиятини туғдириш, монархик тузумдаги ҳаётни мақтаган деган айб қўйилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги қарорига кўра (8-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1306. Ҳасанов Мамажон** (1889 йилда Ленин райони Юқори Бекбачча қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. 1933 йилда колхоз омборини ёқиб юборгани учун қамоққа олинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида доимий равишда ҳукуматга қарши тарғибот олиб борганликда, ҳукуматга қарши чиқишга тайёргарлиги ҳақида уйдирма гапирганликда, подшо давридаги ҳаётни мақтаганликда, очарчилик тўғрисида иғво тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1307. Ҳасанов Маматқул** (1892 йилда туғилган. Собиқ қулоқ, 1929 йилда қулоқ қилинган, қатағондан қочган. Илгари босмачилар бандасига хайрихоҳлик қилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**1308. Ҳасанов Эргаш** (1889 йилда Балиқчи райони Маслаҳат қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қатағон бўлишдан яширинган, босмачилик ҳаракатига ёрдам берган, руҳоний. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил

7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1309. Ҳафизов Ваҳоб** (1877 йилда Хитойнинг чегара ҳудудида туғилган, қошғарлик. Избоскан райони Мойгир қишлоғида деҳқон бўлган) 1937 йил 28 февралда қамалган. 1990 йил 2 мартда оқланган.

**1310. Хидиров Ғулом** (1901 йилда Андижон шаҳрида туғилган, кўнчилик заводи эгасининг ўғли, илгари фаол босмачи бўлган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида исёнкорлик руҳидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқининг мағлубиятини ташвиқ қилганликда, фашистлар давлатини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 25 ноябрдан ҳисобланган.

**1311. Ҳидоятхонтўраев Короматхонтўра** (1890 йилда Андижон райони Тожикқишлоқ қишлоғида туғилган. Қамоққа олинган вақтда диний хизматчи – эшон бўлган) ноқонуний аксилинқилобий йиғинларда иштирок этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**1312. Холботиров Султонмаҳмуд** (1890 йилда Андижон шаҳрида туғилган, заминдор бой оиласидан, «Миллий иттиҳод» миллатчи-аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, 1934 йилда Район халқ таълими бўлими фаолиятини издан чиқарганлиги учун ВКП (б) сафидан чиқарилган. Қамоққа олинган вақтда колхозда ишлаган. Совет ҳукуматига нисбатан душманлик кайфиятида бўлиб, «Миллий иттиҳод» миллатчи-ак-



Султонмаҳмуд Холботиров рафиқаси ва ўғли билан



Марҳамат район конференцияси (1933 йил 10 март). Биринчи қаторда ўртада ёнбошлаб турган Султонмаҳмуд Холботиров

силинқилобий ташкилотининг фаолиятида иштирок этганликда, ташкилотга янги аъзоларни жалб қилиш билан шуғулланганликда, колхознинг тарқаб кетишига даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 2 октябрдан ҳисобланган.

**1313. Холботиров Султонмасъуд** (1888 йилда Андижон шаҳрида туғилган, йирик заминдор – катта ариқ оқсоқоли оиласидан, ўзи инқилобгача полицияда ишлаган, «Миллий иттиҳод» миллатчи-аксилинқилобий ташкилоти ва Андижон думаси аъзоси бўлган, 1919 йилда миллатчи-аксилинқилобий фаолияти учун қамоққа олинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий ташкилотнинг фаол аъзоси, босмачилар тўдаси билан алоқада бўлганликда, уларни қурол билан таъминлаганликда, мунтазам равишда совет ҳукуматига қарши тарғибот олиб борганликда, халқ душманлари Ф.Хўжаев ва Каримов билан алоқада бўлганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра



(33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 10 октябрдан ҳисобланган.



**1314. Холботиров Шоҳрухмирзо** (1890 йили Андижонда хизматчи оила, шаҳар минг-бошиси, шаҳар думаси аъзоси бўлган Рўзадорбий Холботировнинг ўғли). У рус-тузем мактабида таҳсил олган. 1911 йили меҳнат фаолиятини Қўқонқишлоқ судида мирзаликдан бошлаган, октябрь тўнтаришидан сўнг Балиқчи волостида ариқ оқсоқоли, 1920 йил 7 февралдан Жалолобод инқилобий қўмитаси раиси ўринбосари, Ҳаққулобод инқилобий қўмитаси раиси лавозимида ишлаган. 1923 йил май – сентябрида Андижон уезди бўйича оч қолганларга ёрдам кўрсатиш комиссиясини бошқарган, кейинчалик ЎзССР Ер-сув ишлари халқ комиссарлигида сув хўжалиги бошлиғи, 1930 йили республика пойтахти Самарқанддан Тошкентга кўчирилгач, Зарафшон водийси сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи бўлиб Самарқандда фаолият кўрсатади.

1937 йил 11 январда унга ЎзССР жиноят кодексининг 63- ва 67-моддалари қўйилиб, Тошкентда ҳибсга олинади. Ўша куни Самарқанд шаҳар Некрасов кўчаси 4-уйда тинтув ўтказилади, тинтув чоғида 16 ёшли қизи Ойимчахон



Зарафшон сув хўжалиги бошқармасининг раҳбар ходимлари. Ўртада Шоҳрух Холботиров.

қатнашади, 36 та фотосурат, 29 та ёзув блокноти, 2 та Зарафшон водийси схемаси харитаси, 1933 – 1935 йиллар учун сув тақсимоти, 1936 – 1942 йилларга мўлжалланган тадбирлар, 1 та суратлар альбоми, ҳар хил ёзишмалар, ов милтиғи учун тўла қутида пистонлар олиб қўйилади. Маҳбус анкетасида унинг оила аъзолари – аёли Шаҳрихон 35 ёшда, қизлари Ойимчахон 16 ёшда, Жўрахон 6 ёшда, Умидахон 3 ёшда, Мамлакатхон 1 ёшда экани қайд қилинган.

1937 йил 9 – 27 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Республика олий суди махсус коллегияси сайёр сессиясининг ёпиқ суд йиғилишида Ш.Холботиров отувга ҳукм этилган. СССР Олий суди 1938 йил 6 апрелда отув ҳукмини 20 йиллик қамоқ жазоси ббилан алмаштиради.

1958 йил 21 февралда СССР Олий суди пленуми СССР Бош прокурорининг Шоҳрух Холботиров иши бўйича протестини кўриб чиқиб, Ўзбекистон ССР Олий суди махсус коллегиясининг 1937 йил 27 ноябрдаги Шоҳрух Холботировни ЎзССР Жиноят кодексининг 63- ва 67-моддалари бўйича айблаб, мол-мулкини мусодара этиб, отувга ҳукм этиш тўғрисидаги қарорини бекор қилади[1].

**1315. Холбўтаев Девонақул** (1895 йилда Марҳамат райони Қорақўрғон қишлоқ совети Гар-гар қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.



Холбўтаев Девонақулнинг ўғиллари

**1316. Холдоров Абдулла** (1900 йилда Башишск райони Янги Қора қишлоғида туғилган. 1931 йилда қулоқ қилинган. 1933 йилда колхоз мулкини талон-торож этганлиги учун олий жазога ҳукм қилинган, жазо 10 йиллик қамоқ билан алмаштирилган. Қамоққа олинган вақтда ҳеч қаерда ишламаган) НКВД лагеридан қайтгач, маҳаллий коммунистлар ва фаолларга дўқ-пўписа қилганликда, колхозчиларни калтаклаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937

[1] Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.207 – 220.

йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара қилинган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**1317. Холйигитов Мулла Тўрабой** (1889 йили туғилган, Балиқчи райони Гулистон қишлоғидан, бой, қулоқ оиласидан, диний хизматчи, имом, ўтмишда шариат қозиси) совет ҳокимиятига қарши қуролли чиқишни мақсад қилиб олган аксилинқилобий ячейканинг фаол иштирокчиси, аксилинқилобий ташкилот иши бўйича хориж билан алоқада бўлганликда, диний йиғинларда аксилинқилобий бузғунчилик, колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, диндор деҳқонлар орасида совет ҳоқимиятига қарши нафрат уйғотишга қаратилган чиқишлар қилганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1318. Холиқбердиев Мулла Салоҳиддин** (1870 йилда Андижон шаҳрида туғилган, қулоқ қилинган, 1934 йилда Қошғарга қочган, 1935 йилда қайтган, ўша йили ЎзССР ЖК 110- ва 156-моддалари бўйича 6 йилга озодликдан маҳрум этилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 июлда оқланган.

**1319. Холиқназаров Абдуқодир** (1871 йилда Андижон райони Пахтаобод қишлоқ советида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, монархия тузумини мақтаганликда, Совет Иттифоқининг мағлубиятини ташвиқ қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**1320. Холиқов Акбар** (1882 йилда Ленин райони Унгут қишлоғида туғилган, босмачилик ҳаракати иштирокчиси, 1925 йилда камбағалнинг ўлдирилишида иштирок этган, 1926 йилда активист аёлни босмачилар қўлига топширган. Қамоққа олинган вақтда колхоз бригадири бўлган) аксилинқилобий гуруҳ аъзоси бўлганликда, совет ҳукуматига ва маҳаллий фаолларга қарши террористик актларни уюштириш масалалари кўрилган ноқонуний йиғинларда қатнашганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги

йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1321. Холиқов Аҳмад** (1886 йилда Балиқчи райони Тумор қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий қулоқ-исёнчилар гуруҳи аъзоси бўлганликда, совет ҳокимиятига қарши кураш масалалари муҳокама қилинган ноқонуний йиғинларда қатнашганликда, аҳоли орасида миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 26 июлда оқланган.

**1322. Холиқов Бадалбой** (1883 йилда Ленин шаҳрида туғилган, собиқ савдогар, босмачилик ҳаракати иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) халқ душманларини қўллаб-қувватлаганликда, совет ҳукуматига қарши курашишда босмачилик ҳаракатига қўшилиш кераклигини таъкидлаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1323. Холиқов Зулун** (1914 йилда Ворошилов районида туғилган) 1932 йилда безорилиги учун 4 йилга қамалиб, озодликка чиққач, ноқонуний равишда «Коровин» русумидаги тўппонча харид қилганликда, шаҳарма- шаҳар кезиб ўғрилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**1324. Холиқов Исмоил** (1906 йили туғилган, Ойим райони Ойим қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили партия сафидан ўчирилган, 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда Ворошилов районида ўрмон хўжалиги техниги) атрофдагилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик характерида тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очарчилик ҳақида мишмишлар тарқатганликда, колхозчиларни чегарадан ўтиб кетишга ундаганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1325. Холиқов Мамадали** (1906 йилда Ворошилов райони Қорасув қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан қочиб Қошғарда яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) йиғинларда совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1326. Холиқов Раҳимберди** (1880 йилда Андижон райони Миробод қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий қулоқ-босмачи исёнкор гуруҳи иштирокчиси сифатида совет ҳукуматига қарши куролли курашишни уюштириш масалалари муҳокама қилинган махфий йиғинлар ташкиллаштирганликда, аҳоли орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги ҳолат тўғрисида туҳмат гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**1327. Холиқов Солижон** (1879 йилда Сталин райони Сталин қишлоғида туғилган, савдогар-қулоқ, қулоқ қилинган, судланган, жазони ўтамай қочган) колхозчилар орасида мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 16 мартда оқланган.

**1328. Холиқов Темур** (45 ёшда, Ворошилов райони Хидирша қишлоғидан, қирғиз, собиқ бандит, ўғирлик қилгани ва қурол сақлагани учун судланган) қамоқдан бўшаб келганидан сўнг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаган, ўзининг ўғирлик фаолиятини давом эттирган, босмачилар ва ўғрилар билан алоқада бўлган деган айб қўйилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1329. Холиқов Усмон** (1915 йилда Асака станциясида туғилган, тайинли машғулоти йўқ, ўғрилик учун 7 марта қўлга олинган, қамоқдан қочган) жиноий унсурлар билан алоқада бўлиб, мунтазам равишда ўғрилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 октябрдан ҳисобланган.

**1330. Холматов Абдуқодир** (1892 йилда Хўжаобод райони Чигитир қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, эски тузумни мақтаганликда, колхоз қурилишига қарши мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил

меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 2 декабрдан ҳисобланган.

**1331. Холматов Абдулла** (1896 йили туғилган, Ленин райони Қоратепа қишлоғидан, собиқ бой, ҳибсга олингунга қадар колхозда табелчи) аксилинқилобий йиғинларда қатнашганликда, колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини ва фашистларни мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1332. Холматов Деҳқон амин** (1881 йилда Избоскан райони Сарваш қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) Конституцияга қарши йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозда зараркунандалик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 26 июлда оқланган.

**1333. Холматов Қори** (1892 йилда Андижон шаҳрида туғилган, собиқ босмачи, 1927 йилда валюта билан чайқовчилик қилганлиги учун 5 йилга қамалган, жазони ўтаган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) қамоқдан қайтгандан буён ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, жиноятчилар билан алоқада бўлиб, гиёҳванд моддаларни сотиш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 октябрдан ҳисобланган.

**1334. Холматов Мадумар** (1882 йилда Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида туғилган, қулоқ-савдогарлардан, илгари босмачи бўлган, 1931 йилда ЖК 10-моддаси бўйича судланган ва 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхоз раҳбриятига кириб олиб, колхозчиларда совет ҳукуматига қаршиликни уйғотмоқчи бўлганликда, колхозчи аёлларнинг қишлоқма-қишлоқ юрган «мотам араваси»ни уюштирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 26 мартда оқланган.

**1335. Холматов Мамажон** (1885 йилда Балиқчи райони 2-Хўжаобод қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик ҳаракати вақтида йирик қўрбоши, 7 йил давомида бандада бўлган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) аҳоли орасида доимий равишда ҳукуматга қар-

ши ҳарбий босқин ҳаракатларига тайёргарлик ҳақида тарғибот олиб борганликда, миллий буржуазия тикланиши ҳақида гапирганликда, колхозчиларни колхозда ишламасликка чақирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1336. Холматов Мирзараим** (1887 йилда Хўжаобод райони Роиш қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхоз қурилишига қарши акслинқилобий тарғибот олиб борганликда, ишдан бўйин товлаганликда, очарчилик тўғрисида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 20 апрелда оқланган.

**1337. Холматов Мулла Абуба** (1887 йилда Ленин райони Зангар қишлоғида туғилган, собиқ бой, руҳоний, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, хорижий мамлакатлардаги ҳаётни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**1338. Холматов Мулла Ҳожи Матқози** (1875 йилда Ворошилов райони Чимён қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган) мунтазам равишда партия ва ҳукуматни обрўсизлантирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 декабрдан ҳисобланган.

**1339. Холматов Охтамбой** (1897 йилда Андижон райони Бўтақора қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, фаол босмачи йигитлардан, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган. Мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**1340. Холматов Усмон** (1884 йилда Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида туғилган, собиқ бой, илгари босмачилар тўдасининг фаол йигити бўлган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) қулоқ ва босмачилардан иборат

аксилинқилобий гуруҳ иштирокчиси бўлганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, инқилобдан олдинги тузумни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**1341. Холматов Шермат** (1873 йили туғилган, Ойим райони Ойим қишлоғидан, колхоз тузумига қарши аксилинқилобий гуруҳнинг фаол аъзоси, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) колхоздаги очарчилик ҳақида аксилинқилобий мишмишлар тарқатганликда, яқин орада тузумнинг ўзгаришини ташвиқот қилганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1342. Холмирзаев Асқарали** (1890 йили туғилган, Сталин райони Дўлан қишлоғидан, 1932 йили қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) колхозчилар орасида совет ҳокимияти қулаши ва колхоздаги очлик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда, колхоздаги экиш ишлари режасини бажаришда зараркунандалик қилганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 17 июлдан ҳисобланган.

**1343. Холмирзаев Ашурали** (Хўжаобод райони Куллатепа қишлоқ советидан, собиқ, қулоқ, 2 марта судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган, ижтимоий зарарли унсур) лагерлардан бўшатилгандан сўнг жиноятчи унсур билан алоқа тиклаганликда, ўз уйида наша чекувчиларни сақлаб турганликда айбланган. «Учлик»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1344. Холмирзаев Сатторқул** (1903 йилда Сталин райони Бешкўл қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1931 йилда акслинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоқ жазосига ва 2 йил сургунга ҳукм қилинган, ҳибсдан қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) босмачилик ҳаракати даврида қўлида қурол билан ҳукуматга қарши курашганликда, ҳукуматнинг яқин кунларда қулаши ҳақида уйдирма гаплар тарқатганликда, илгариги ҳаётни мақтаганликда, колхоздаги мавжуд очарчилик тўғрисида акслинқилобий ташвиқот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1345. Холмирзаев Тожибой** (1907 йилда туғилган, Андижон райони Офтобачек қишлоғида яшаган, йирик бойлардан, босмачилик ҳаракати даврида отаси фаол босмачи сифатида отилган. Қамоққа олинган вақтда Молотов номли колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 2 сентябрдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**1346. Холмирзаев Эргаш** (1890 йилда Балиқчи райони Сиза қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1934 йилда ҳайвон ўғирлагани учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) лагердан бўшаб келгандан сўнг жиноятчилар билан боғланиб, доимий равишда колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 4 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (67-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1347. Холмуродов Сотволди** (1896 йилда Пахтаобод райони Ҳожисўпи қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1934 йилда давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга судланган, муқаддам фаол босмачи. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) деҳқонлар орасида доимий равишда колхозга қарши акслинқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи мағлубиятини ташвиқот қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1348. Холмуротов Дусат** (1897 йилда Қирғизистон ССР Ўш райони Кинжакўл қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, босмачилик ҳаракати даврида қўрбоши бўлган) қамоққа олинган вақтда колхоз томорқачиси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, пахта терими бўйича нормани бажармасликка чақирганликда, колхознинг тугатилишини ташвиқот қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**1349. Холмуротов Розиқул** (1890 йилда Балиқчи райони Доғистон қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий гуруҳ иштирокчиси сифатида мунтазам равишда колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхоздан чиқишга даъват этганликда

айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**1350. Холназаров Мулла Вали** (1881 йилда Избоскан райони Яккатут қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аҳоли орасида совет ҳукуматига қарши мағлубиятчилик, қўпорувчилик фикрларини билдирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1352. Холодкевич Иван Михайлович** (1893 йилда УССР Ильинецкий райони Якубовка қишлоғида туғилган, украин, руҳонийнинг ўғли, чор армияси офицери. 1917 – 1918 йилларда Германияда асирда бўлган, 1919 йилдан 1921 йилгача Деникин ва Врангел армиясида подпоручик бўлган. 1930 йилда Харьков ОГПУси коллегияси томонидан аксилинқилобий фаолияти учун 7 йилга қамалган) мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий бўҳтонлар тарқатганликда, мудофаа заёмига обуна бўлишни бузишга ҳаракат қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**1353. Хонкелдиев Жўра** (1887 йилда Ленин райони Унгут қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1932 йилда советларга қарши фаолияти учун 5 йилга қамалган, жазони ўтамаган, қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) қишлоқ бошқарувини ўз қўлига олиш ва пахта теримини барбод этишни ўз мақсади қилиб олган аксилинқилобий қулоқлар гуруҳи аъзоси бўлиб, мунтазам равишда колхозчилар орасида колхознинг бузилишига йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, монархия тузумини мақтаганликда, халқ душманларининг қамоққа олинганлигига ачиниш билдирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1354. Хорунжий Ефим Яковлевич** (1888 йили туғилган, Кубань вилояти Ново-Донецк қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар совхозда бригадир бўлиб ишлаган) атрофидагилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқлар доҳийси ва совет ҳо-

кимияти шаънига туҳмат гаплар тарқатганликда, қатағон қилинган халқ душманлари ҳақида ачиниб гапирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 21 июлдан ҳисобланган. Жиноий иш НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган. 1990 йил 26 мартда оқланган.

**1355. Хотимов Мамадали** (1889 йили туғилган, Балиқчи райони Балиқчи қишлоғидан, ўзбек, бой, йирик ер эгасининг ўғли, 1935 йилга қадар чайқовчилик қилган, руҳоний. Матмуродов хорижга чиқиб кетгунга қадар унда сўфи бўлган, 1936 йилдан Охунбобоев номли колхоз аъзоси) Балиқчидаги аксилинқилобий гуруҳнинг аъзоси сифатида ўз уйини аксилинқилобий гуруҳга бўшатиб берганликда, ундаги йиғилишларда совет ҳокимияти билан кураш олиб бориш учун куролланган исёнкорлар тайёрлаш масаласи муҳокамасида қатнашганликда, муҳожир, руҳоний Матмуродов билан алоқа қилганликда, 1936 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамоққа олингани ва қамоқдан қочиб кетганликда, иккинчи марта 1937 йили бошқа район ҳудудида қўлга олинганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1356. Ҳошимхонов Ҳасанхон** (1908 йилда Балиқчи районида туғилган, эшоннинг ўғли, босмачилик ҳаракатининг иштирокчиси, 1932 йилда чорва ўғирлагани учун 2 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчиларнинг донлари ва чорва молларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**1357. Худоёров Дадақул** (1891 йилда Хўжаобод райони Кўмир қишлоғида туғилган, миллати турк, тайинли машғулоти ва яшаш жойига эга эмас, 1927 йилда кооперация мулкини ўғирлаганликда айбланиб қамоққа олинган, 1929 йилда аксилинқилобий гуруҳ иштирокчиси сифатида судланган, босмачилик тўдасига аъзо бўлган) мунтазам равишда совет ҳукумати тадбирларини обрўсизлантиришга йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 6 ноябрдан ҳисобланган.

**1358. Худоёров Шерча** (1889 йили туғилган, Марҳамат райони Янгиариқ қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачилар

тўдаси қатнашчиси, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) колхозчилар орасида колхознинг тарқалишига, партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида ташвиқот қилганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. 1990 йил 14 мартда оқланган.



Худоёров Шерчанинг набиралари Энахон ая ва Хосиятхон

**1359. Худойберди Мулла Валиев** (1882 йилда туғилган, собиқ қулоқ, 1932 йилда қулоқ қилинган, ўша йили 1,5 йилга озодликдан маҳрум этилган ҳамда 5 йилга Қозоғистонга сургун қилинган, сургундан қочган, яшириниб юрган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, инқилобдан аввалги даврдаги ҳаётни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 6 августдан ҳисобланган.

**1360. Худойбердиев Абдуқаҳҳор** (1894 йилда Хўжаобод райони Яман қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, руҳоний оиласидан, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида заёмга ёзилишга қарши йўналтирилган акислинқилобий тарғибот олиб борганликда, пахта теримини барбод қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**1361. Худойбердиев Абдураҳмон** (1889 йилда туғилган, Избоскан райони Пойтуғ қишлоғи фуқароси, собиқ қулоқ, босмачилик ҳаракатининг иштирокчиси – қўрбоши, 1933 йилда 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида иғво гаплар тарқатганликда,

мунтазам ишга чиқмаганликда, колхоз мироби сифатида атайлаб экинларни нотўғри суғорганликда, партия ва ҳукумат раҳбарларига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган. 1989 йил 13 ноябрда оқланган.

**1362. Худойбердиев Жаббор** (1990 йилда Андижон райони Миробод қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мунтазам равишда очарчилик билан боғлиқ аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**1363. Худойбердиев Ислом** (1877 йилда туғилган, Ойим райони Дарданак қишлоғида яшаган, қулоқ қилинган, қатағон қилинишдан яширинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида колхознинг барбод бўлишига қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 14 мартда оқланган.

**1364. Худойбердиев Йўлдош** (1885 йилда Ленин райони Дархон қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда махсус кўчирилганлардан бўлган) махсус кўчирилганлар орасида советларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1365. Худойбердиев Йўлдош** (1912 йилда Ворошилов районида туғилган, собиқ қулоқ оиласидан, 1934 йилда босқинчилик фаолияти учун 5 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) лагер қамоғидан озод бўлгач, жиноий гуруҳга бирикиб, колхозчилар мулкини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**1366. Худойбердиев Мамазулун** (1895 йилда Ворошилов райони Султонобод қишлоғида туғилган. Собиқ

бойлардан, 1920 йилда фаол босмачи бўлган, босмачилар тўдасидан милиция аппаратига ўтиб олган, қоровулчиликда бўлиб, босмачилар билан бирга ВЧК Сиёсий бюроси аъзоларини ўлдиришда иштирок этган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, жорий тузумга нисбатан туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 25 сентябрдан ҳисобланган.

**1367. Худойбердиев Мулла Абдулла** (1897 йилда Хўжаобод райони Қизилой қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда советларга, совет ҳукуматига, колхоз қурилишига қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 3 майда оқланган.

**1368. Худойбердиев Нурали** (1778 йилда туғилган, Ворошилов райони Қўрғонтепа қишлоғи фуқароси, бойлардан, собиқ қулоқ, 1929 йилда қулоқ қилинган. 1932 йилда аксилинқилобий тарғиботи учун ОГПУ доимий ваколатхонаси учлиги томонидан 5 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) Қўрғонтепадаги аксилинқилобий гуруҳда иштирок этганликда, мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1- ва 67-бандлари. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 14 сентябрдан ҳисобланган.

**1369. Худойбердиев Султон** (1876 йили туғилган, Андижон райони Сарой қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1933 йили қишлоқ хўжалик солиғини тўламагани учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик ҳақида мишмишлар тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда, яқин орада ҳокимият ўзгаришини ташвиқот қилганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1370. Худойбердиев Таваккал** (1888 йилда туғилган, собиқ қулоқ, 1932 йилда қулоқ қилинган, 1935 йилгача Қирғизистонда қатағондан яшириниб юрган.

Қамоққа олинган вақтда «Озод» колхози аъзоси) мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни иш ташлашга даъват этганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. 1990 йил 27 мартда оқланган.

**1371. Худойбердиев Тоҳир** (1889 йилда Балиқчи райони Доғистон қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий гуруҳ аъзоси бўлиб, колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**1372. Худойбердиев Умирзоқ** (1884 йилда Хўжаобод райони Таяки қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) очарчилик тўғрисида ёлғонъяшиқ гапирганликда, партия ва ҳукумат сиёсатига қарши мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**1373. Худойқулов Азим** (1902 йили туғилган, Марҳамат райони Тошлоқ қишлоғидан, жиноятчи, милтиқ ва ҳайвон ўғирлагани учун 2 марта судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) лагерлардан қайтиб келгач, ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланишни давом эттирганликда, жиноятчилар билан алоқада бўлганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил сентябрдан ҳисобланган.

**1374. Хўжамбердиев Бўрибой** (1897 йили туғилган, Андижон райони Заврақ қишлоғидан, қозининг ўғли, 1919 йили



Хўжамбердиев Бўрибой ва унинг турмуш ўртоғи Сарвинисо



Хўжамбердиев Бўрибойнинг ўғли Турғунбой

босмачилик ҳаракатида қатнашгани учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, муддати тугамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхозда бригадир бўлган) колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик ҳақида мишмишлар тарқатганликда, яқин орада ҳокимиятда ўзгариш бўлиши тўғрисида ташвиқот қилганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1375. Хўжанов Мамаюнус** (1893 йилда Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, ЎзССР ЖК 80- ва 175-моддалари бўйича судланган ва 5 йилга озодликдан маҳрум этилган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий йиғинларда иштирок этиб, совет ҳукуматига қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1376. Хўжашев Ҳасан** (1884 йилда Ворошилов райони Чимён қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) масжидда айтилган аксилинқилобий фикрларга қўшилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 декабрдан ҳисобланган.

**1377. Хуркунов Очил** (1900 йилда Избоскан райони Курашиқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1923 йилда жавобгарликка тортилган, босмачилик ҳаракати иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аҳоли орасида мағлубиятчилик руҳида ташвиқот олиб борганликда, халқ душманларини қўллаб-қувватлаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**1380. Ҳурматов Турсун** (1914 йилда Жалолқудуқ райони Ёрқишлоқ қишлоқ советида туғилган, йирик пахта завод эгасининг ўғли, отаси қулоқ қилинган ва Қошғарга қочиб кетган. Айни пайтда у билан хат ёзишиб туради. 1936 йилда ЎзССР ЖК 66 ва 140-моддалари билан

судланган ва 6 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозда табелчи ва мева омборининг мудири бўла туриб 7000 рубль қийматидаги мева ўғирлаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226-моддаси «Д»-банди ва 140-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 августдан ҳисобланган.

**1381. Ҳусанбоев Акбар** (1872 йилда туғилган, Избоскан райони Мойгир қишлоғида яшаган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) йиғинларда иштирок этиб аксилинқилобий ташкилот топшириғини бажарганликда, ўз уйида ноқонуний йиғилишлар уюштирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 18 сентябрдан ҳисобланган. 1990 йил 16 мартда оқланган.

**1382. Ҳусанбоев Ҳаққул** (1880 йили



Андижон шаҳрида туғилган) 18 ёшга тўлгунича онаси билан яшаган, 1898 йили «Кавказ ва Меркурий» фирмасида тунги қоровул, 1900 йили Эски Марғилон-Тошкентдаги «Персидское товаришество» заводида ишчи бўлган. 1909 йил охирида Қозон шаҳрида яширин ташкилотда иштирок этган, 1910 йилдан февраль инқилобигача Андижон уездида чоризмга қарши яширин ташкилотда фаолият кўрсатган. 1917 йил 14 июлда Андижон шаҳрида мусулмон ишчи депутатлар совети ташкил этган ва унга раислик қилган. 1918 – 1937 йилларда қатор совет органларида масъул лавозимларда раҳбар бўлиб фаолият кўрсатган.

ЎзССР НКВД Давлат ҳавфсизлик бошқармаси бўлимининг тезкор вакили, давлат хавфсизлиги сержанти Аминов 1938 йил 14 февралда Ҳаққул Ҳусанбоевнинг аксилинқилобий жиноий фаолиятини кўриб чиқиб шундай хулосага келган:

**«Ҳаққул Хусанбоев 45 ёшда, ўзбек, Андижонда туғилган, ҳозирда Тошкент шаҳрида яшайди, Революция музейи директори бўлиб ишлаган, миллатчи сифатида партиядан ўчирилган. Шу нарса эътиборга олиндики, ўрток Ҳусанбоев чор подшоҳи охранкасида хизматда бўлиб, чор ҳукуматидагиларға 1916 йили қўзғолон иштирокчиларини ушлаб берган. Бундан ташқари, аксилинқилобий, антисовет, миллатчи Қўқон мухториятининг ташкилотчиларидан бири бўлган. Революция музейи директори бўлиб ишлаб, аксилинқилобий, зараркунандачилик ишлари олиб борған, давлат маблағларини ўғирлаган, му-**

**зей ходимлари орасида мағлубиятчиликка олиб борадиган тарғибот олиб борган, яъни ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси биринчи қисми, 63- ва 69-моддаларида кўрсатилган жиноятлар содир этган. Ушбулардан келиб чиқиб қарор қилинади:**

**Ҳаққул Ҳусанбоев ҳибсга олинсин. Турмага қамалсин, уйида эса тинтув ўтказилсин».**

Қарор ЎзССР НКВД Давлат хавфсизлик бошқармаси бўлими бошлиғи лейтенант Оғабеков томонидан тасдиқланади.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги қошидаги «учлик» 1938 йил 5 апрелда Ҳаққул Ҳусанбоевнинг 17066-сонли ишини кўриб чиқади. Унга қўйилган айб 1916 йилда Андижон шаҳрида бўлган қўзғолон иштирокчиларини жандармерияга ушлаб топширмаганлиги, миллатчи, аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлиб, иш жойида зараркунандаликни амалга оширганлиги, аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчиликка олиб борувчи тарғибот тарқатгани, қонунсиз равишда отув қуроли сақлаганидан иборат бўлиб, бу жинояти учун 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинади. Жазо муддати 1938 йил 26 февралдан ҳисобланган. Ҳаққул Ҳусанбоев 1947 йили қамоқда оғир касалликдан вафот этган[1].

**1383. Ҳусанов Маматқул** (1900 йилда Хўжаобод райони Яман қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) колхозчилар орасида стахановчилик ҳаракатига қарши, колхозлардаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий фикрлар тарқатганликда, мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

**1384. Ҳусанов Мирзақул** (1891 йили туғилган, Марҳамат райони Тўлға қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳайвон ўғирлагани учун 2 марта судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) лагерда жазо муддатини ўтамай қочиб келганликда, жиноятчи унсурлар билан алоқада бўлиб, ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1385. Ҳусанов Сотволди** (1889 йилда Андижон шаҳрида туғилган, тайинли машғулоти ва яшаш жойи йўқ, паспортга эга эмас, собиқ босмачи, судланмаган, 2 марта вақтинча қамалган) 1926 йилдан буён ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, жиноий унсурларга би-

[1] Ҳаққул Ҳусанбоевнинг ибратли ҳаёти ва фожиали қисмати ҳақида қаранг: Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б.79 – 95.

рикиб, ўз уйида қиморхона очганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган.

**1386. Ҳусанов Тошматҳожи** (1876 йилда Сталин райони Найнаво қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, сургун қилинишдан яширинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида колхознинг бузилишига йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат тадбирларини обрўсизлантирганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга ундаганликда, Совет Иттифоқининг мағлубиятини ташвиқ қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 28 майда оқланган.

**1387. Ҳусанов Умматқул** (1885 йилда Балиқчи райони Шераличек қишлоғида туғилган, муқаддам фаол босмачи. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида доимий равишда акслинқилобий миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, партия аъзолари ва комсомолларга нисбатан террористик қарашлар ҳақида гапирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1388. Ҳуснутдинов Аҳмат Гариф Галямович** (1890 йилда Бошқирдистон АССР Юмагузинск райони Старишевск қишлоқ советининг Окнараз қишлоғида туғилган. 1931 йилда қулоқ қилинган, фаоллардан бирини ўлдирганликда гумон қилинган, Ўзбекистонга қочган. 1937 йилда чайқовчиликда айбланиб Бошқирдистонда қамоққа олинган. Қамоққа олинган вақтда тайёрлов пункти экспедитори бўлган) аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. 1990 йил 20 апрелда оқланган.

**1389. Хуторный Петр Никофорович** (1896 йили туғилган, Андижон шаҳридан, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда «Райпотребсоюз» экспедитори) ўтмишда эсэрлар партияси аъзоси бўлганликда, террочилардан иборат гуруҳ ташкил этганликда, доимий равишда атрофидагилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очлик ва уруш тўғрисида мишмишлар тарқатганликда

айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 28 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (27-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган.

**1400. Ҳайдаров Дарвишали** (1890 йилда Андижон райони Миробод қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, муқаддам фаол босмачи, аввал судланган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида доимий равишда акслинқилобий миллатчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, ҳукуматга қарши норозилик билдирганликда, Совет Иттифоқидаги аҳвол тўғрисида уйдирмалар тарқатганликда, мағлубиятчиликни ташвиқот қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1401. Ҳайдаров Мулла Умар ҳожи** (1886 йили туғилган, Андижон райони Миробод қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда руҳоний, имом) аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, аҳолини совет ҳокимиятига қарши курашиш учун ташкилот тузишга чорлаганликда, яқин орада ҳокимиятда ўзгариш бўлиб, Ўзбекистонда «Мусулмонобод» яратишни ташвиқот қилганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1402. Ҳайдаров Тошмат охун** (1896 йилда Андижон райони Бўтақора қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган, 1932 йилда қатағондан қочиб Қошғарга кетган, у ердан 1934 йилда қайтган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) деҳқонлар орасида доимий равишда колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги аҳвол ҳақида бўҳтон гаплар айтганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**1403. Ҳайдаров Чирмаш (Ҳожиев Ҳайдар Чирмаш** деб ҳам юритилган) (1897 йили туғилган, Избоскан райони Тошкечик қишлоғидан, ўзбек, қулоқ қилинган ва 1932 йили махсус посёлкага сургун қилинган, у жойдан қочиб кетган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида доимий равишда тарғибот олиб борган, колхозчиларнинг ҳаёт шароитлари ёмонлиги ҳақида иғво гаплар тарқатган, инқилобгача бўлган ҳаётни мақтаган деган айб қўйилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 августдаги йиғилиши қарори билан отувга ҳукм қилинган.

**1404. Ҳайитов мулла Қосим** (1896 йилда Хўжаобод райони Миёнка қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1932 йил-

да давлат мажбуриятини бажармагани учун 4 йилга судланган. Қамоққа олинган вақтда вино заводи ишчиси бўлган) аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда, қишлоқ фаолларига нисбатан террористик қарашларни гапирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1405. Ҳакимов Ёқубжон** (1902 йилда Сталин райони Сталин қишлоғида туғилган, савдогар, собиқ қулоқ, илгари босмачиларга хайрихоҳлик қилган, 1921 йилда аксилинқилобий миллатчилар гуруҳида бўлган, 1929 йилда ОГПУ доимий ваколатхонаси коллегияси томонидан 3 йилга қамалган, ВКП (б) дан ўчирилган. Қамоққа олинган вақтда хизматчи) совет ҳукуматига қарши душманлик кайфиятида бўлиб, совет ҳукуматини обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий сиёсат олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган.

**1406. Ҳаққулов Холбек** (1882 йилда Ворошилов райони Абдуллабий қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1918 – 1922 йилларда босмачилик иштирокчиси – понсад. 1935 йилда Ўзбекистон ССР ЖК 80-моддаси билан 3 йилга қамалган, муддатидан олдин озод қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик руҳида ташвиқот олиб борганликда, Ўзбекистонда мусулмон давлатини қуришга тарғибот қилганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1407. Ҳамдамов Мирза** (1893 йилда Андижон райони Чавкон қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**1408. Ҳамдамов Мирзараҳим** (1887 йилда Балиқчи райони Чинобод қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачиликка ёрдам берган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимияти тез орада қулайди деб айтганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги

йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1409. Ҳамдамов Раимберди** (1902 йилда Хўжаобод райони Учтепа қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 2 декабрдан ҳисобланган.

**1410. Ҳамдамов Худойберди** (1882 йилда Балиқчи райони Обуровон қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхоз аҳолисининг оғир иқтисодий шароити тўғрисида гап-сўзлар тарқатганликда, инқилобдан аввалги тузумни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 8 майда оқланган.

**1411. Ҳамидов Акром эшон** (1894 йилда туғилган, Пахтаобод райони Кўқонқишлоқ қишлоғи фуқароси, собиқ қулоқ, қатағондан қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши фикр билдирганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий бўҳтонлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**1412. Ҳамидов Раҳимберди** (1896 йилда Пахтаобод райони Омонтўра қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қатағондан қочган. Қамоққа олинган вақтда «Сталинстрой»да ишлаган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**1413. Ҳамидхўжаев Юнусхўжа** (1886 йили Асака райони Қўнғирот қишлоғида туғилган, 1933 йили қулоқ қилинган. 1934 йили пахта экиш бўйича топшириқни бажармагани учун 1 йилга сургун қилинган. Ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси бўлган) аксилинқилобий, исёнчи, миллатчи, диний ташкилот иштирокчилари билан яқиндан боғланиб, унинг ишида фаол қатнашганликда, аҳо-

ли орасида доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик, антиколхоз тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхозда ишламасликка ташвиқот қилганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.



Ҳамидхўжаев Юнусхўжа фарзандлари билан.

**1414. Ҳамрабоев Акбар** (1887 йилда туғилган, Ойим райони Қўртқи қишлоқ совети Тошбулоқ қишлоғида яшаган. Собиқ қулоқ, 1933 йилда қулоқ қилинган, шу йили 3 йилга қамалган, қамоқдан қочган, яшириниб юрган, имомнинг ўғли, партия сафларидан чиқарилган. Қамоққа олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 10 октябрдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. 1990 йил 1 мартда оқланган.

**1415. Ҳамроев Мати** (1885 йилда Хўжаобод райони Таяки қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида фикр билдирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 13 мартда оқланган.

**1416. Ҳамроев Омон** (1903 йилда Пахтаобод райони Қутчи қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1417. Ҳамроев Эргаш** (1902 йилда Марҳамат райони Ровот қишлоғида туғилган, миллати турк, колхоз аъзоси, советларга қарши тарғиботи учун икки

марта судланган) пахта терими ва қайта ишлашда аксилинқилобий саботаж уюштирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати кўрсатилмаган.

**1418. Ҳамроқулов Абдуқаххор** (1909 йилда Пахтаобод районида туғилган, 1934 йилда ўғрилик учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) лагер қамоғидан озод бўлгач ҳам ўғрилик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР ЖК 226-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 10 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (64-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**1419. Ҳамроқулов Бўронбой** (1900 йили туғилган, Андижон райони Завроқ қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, 1933 йили колхоздан ишга чиқмаганлиги учун ҳайдалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) аксилинқилобий тўда учун ўз уйини бўшатиб берганликда, тарғибот олиб борганликда, очарчилик ҳақида мишмишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда, ҳокимият ўзгаришини ташвиқот қилганликда, фаолларни қўрқитганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1420. Ҳамроқулов Зиминохун** (1882 йилда Жалолқудуқ райони Ҳасанқовоқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматига тухмат қилганликда, меъёрни бажармаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 11 апрелда оқланган.

**1421. Ҳамроқулов Қўчқор** – 1877 йили туғилган, Андижон шаҳридан, савдогар, 1931 йили қулоққа тортилган ва 3 йил озодликдан маҳрум этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида аксилинқилобий иғвогарона мишмишлар тарқатганликда ҳамда совет ҳокимияти шаънига тухмат фикрлар айтганликда, амир замонидаги ҳаётни мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1422. Ҳамроқулов Саримсоқ** (1876 йилда Балиқчи райони Аълам қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1932 йилда қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда махсус кўчирилганлардан бўлган) совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1423. Ҳамроқулов Тожибой** (1884 йилда Избоскан районида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, монархия тузумини мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 14 мартда оқланган.

**1424. Ҳамроқулов Ҳакимбой** (1889 йилда Балиқчи райони Ярославск қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган, жазо муддатини ўтамаган, қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, советларга сайловлар тўғрисидаги янги қонун хусусида туҳмат гаплар тарқатганликда, колхозчиларни уюшган тарзда колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 14 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 9 апрелда оқланган.

**1425. Ҳасанбеков Раимбек** (1878 йилда Ойим райони Тожик қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1931 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун қамоққа олинган, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида кўпорувчиликка йўналтириган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**1426. Ҳасанбоев Алламаджон** (1907 йилда Ленин райони Ленин қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда артелда аравакаш бўлган) мунтазам аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида мишмиш трақатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига

кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1427. Ҳасанбоев Жўрабой** (1907 йилда Ленин шаҳрида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1428. Ҳасанбоев Исоқхўжа** (1882 йилда Избоскан райони Яккатут қишлоғида туғилган, 1917 – 1920 йилларда Туркияда яшаган, собиқ қулоқ, 1933 йилда аксилинқилобий фаолияти учун 5 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, муҳожирликка даъват этганликда, хотин-қизларнинг озод қилинишига қарши гапирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 14 июлда оқланган.

**1429. Ҳасанов Мўмин қори** (1867 йили туғилган, Ворошилов райони Хонобод қишлоғидан, ўзбек, руҳоний оиладан, ўзи колхозчи, қулоқ қилинган. 1930 йили пахтачилик бўйича зараркунандалик қилгани учун 8 йил қамоқ жазоси берилган, 1936 йили сохта табиблик қилгани учун район ҳудудидан ташқарига 5 йил муддатга сургун қилинган, сургун жойидан қочиб келган) табиблик билан шуғулланиш давомида доимий равишда колхоз қурилиши ва хотин-қизларни озод қилишга қарши қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 августдаги йиғилиши қарори билан ҳукм қилинган.

**1430. Ҳожибоев Мулла Абдурасул** (1893 йилда Андижон райони Қизил юлдуз қишлоғида туғилган, паспортга эга эмас) Раҳимбердиев ўғрилар тўдаси билан бирикиб, ўғирланган молни сотишда қатнашганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган.

**1431. Ҳожибоев Тўлчибой** (1892 йилда туғилган, Избоскан райони Мойгир қишлоғида яшаган, қулоқ қилинган, 1935 йилда судланган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида совет ҳукумати тадбирларига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм

қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**1432. Ҳожиев Мамарасул** (1890 йилда Избоскан райони Яккатут қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачиликнинг фаол иштирокчиси, қўрбоши. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) босмачилик ҳаракати вақтида аҳолига нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлганликда, қотилликларда иштирок этганликда, аҳоли орасида акслинқилобий исёнчилик ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1433. Ҳожиқўзиев Бектош** (1880 йилда Ворошилов райони Чимён қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) масжидда айтилган аксилинқилобий фикрларга қўшилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 декабрдан ҳисобланган.

**1434. Ҳожиматов Исомиддин** (1868 йилда Андижон шаҳрида туғилган, қулоқ, қулоқ қилинишдан яширинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати шаънига туҳмат қилганликда, инқилобдан олдинги ҳаётни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1435. Ҳожиматов Исомитдин** (1868 йилда Андижон шаҳрида туғилган, саводи йўқ, туғилган жойида истиқомат қилган, ҳўл мева сотиш билан шуғулланган) 1937 йил 23 августда қамалган. 1990 йил 23 февралда оқланган.

**1436. Ҳожиматов Мулла Тиллабобо** (1895 йилда Сталин райони Қорабўйин қишлоғида туғилган, руҳоний, қулоқ, илгари фаол босмачилардан бўлган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, провокацион мишмишлар тарқатганликда, совет ҳукуматига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**1437. Церфас Виктор Леонидович** (1911 йили туғилган, Андижон шаҳрида яшайди, немис, СССР фуқароси, заводчининг ўғли, ҳибсга олингунга қадар Ўзэнергострой қурилишида омборчи бўлиб ишлаган) атрофдагилар орасида мағлубиятчилик характеридаги аксилинқи-

лобий ташвиқот олиб борганликда, партия ва ҳукуматга қарши чиққанликда, халқ доҳийси тўғрисида туҳмат гап айтганликда, фашистларни мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, мол-мулкини мусодара этилган.

**1438. Чаваров Беғлархон** (1905 йилда Марҳамат райони Бобохуросон қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, муқаддам фаол босмачи, аввал судланган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) деҳқонлар орасида мунтазам равишда колхозга қарши мағлубиятчилик кайфиятидаги тарғибот олиб борганликда, қишлоқ фаолларига нисбатан террористик қарашларни гапирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1439. Чаварохунов Мусирохун** (1907 йилда Хитойнинг Қошғарида туғилган, миллати уйғур, Хўжаобод райони Хўжаобод қишлоғида истиқомат қилган, новвой бўлган) 1937 йил 17 февралда қамалган. 1989 йил 20 июлда оқланган.

**1440. Чаканбоев Жархонбой** (1892 йили туғилган, Марҳамат райони Тўлға қишлоғидан, жиноятчи, 1 марта ҳайвон ўғирлагани учун судланган, 5 йил қамоққа ҳукм этилган, жазо муддатини ўтаган) лагерлардан озод бўлиб, жиноятчи унсурлар билан алоқа қилганликда ва доимий ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1441. Чолмахўжаев Умарали** (1876 йилда Ворошилов райони Қўштепа қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, ЎзССР ЖК 79-моддаси бўйича судланган ва 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхозларга ва совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**1442. Чуманов Жўра** (1893 йилда Андижон райони Кўмакай қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик ҳаракати иштирокчиси, 1931 йилда 3 йилга қамалган, муддатни ўтамай лагердан қочган. Қамоққа олинган вақтда совхозда ишчи бўлган) аксилинқилобий қулоқлар гуруҳига раҳбарлик қилганликда, ноқонуний йиғинларда колхозларда зарарли фаолият олиб боришга даъват этганликда, қишлоқ фаолларига қарши террористик ишларни амалга оширишда ва колхозчиларни хўжаликлардан чиқишга ундаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1443. Чўтбоев Жума** (46 ёшда, турк, Хўжаобод райони Уймовут қишлоғидан, 1934 йили қулоқ қилинган, давлат мажбуриятини бажармагани учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтаган) аҳоли орасида совет ҳокимиятига қарши антисовет, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилиши қарори билан отувга ҳукм қилинган.

**1444. Шавруков Қорабой** (1888 йилда Жалолқудуқ райони Чигитир қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида миш-миш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**1445. Шаматов Йўлдош** (1892 йилда Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида туғилган, илгари савдогар бўлган, 1934 йилда от ўғирлагани учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) мунтазам равишда колхозчиларни ўғирлаганликда ва мол ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**1446. Шамсиев Миркомил** (1901 йилда Хўжаобод райони Карнайчи қишлоғида туғилган, чаласавод, якка хўжа-



Миркомил Шамсиевнинг авлодлари

ликда ишлаган, қулоқнинг ўғли сифатида колхоздан чиқарилган) 1938 йил 28 мартда қамоққа олинган. Мавжуд тузумни обрўсизлантиришга йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. Москва области бўйича СССР УНКВДси «учлиги» томонидан 1938 йил 5 июнда отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1938 йил 23 июнда Москва шаҳрида ижро этилган. 1990 йил 5 февралда оқланган.

**1447. Шамсутдинов Пирзайлитдин** (1890 йилда туғилган. Йирик эшон оиласидан, ўзи ҳам эшон. 1918 йилдан 1924 йилгача босмачилар тўдасининг қўрбошиси бўлган, 1931 йилгача яшириниб юрган, қўлга олиниб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара қилинган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. 1989 йил 10 июлда оқланган.

**1448. Шамсутдинов Ҳожимамат** (1900 йилда Ленин райони Бахрин қишлоғида туғилган, 1931 йилда қулоқ қилинган, ўша йили аксилинқилобий ташвиқоти учун 3 йилга қамалган ва 4 йилга сургун қилинган, сургундан қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.



**1449. Шарипов Кабир** (1887 йилда Ойим райони Дардоқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, илгари давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида колхоздаги меҳнат интизомини издан чиқаришга йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 11 апрелда оқланган.

**1450. Шарипов Мадамин** (1887 йилда Балиқчи райони Тумор қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, имом. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) ак-

силинқилобий қулоқ исёнчилар гуруҳининг аъзоси бўлганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очарчилик тўғрисида аксилинқилобий иғво мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 26 июлда оқланган

**1451. Шаҳобитдинов Саидхон** (1905 йилда Андижон шаҳрида туғилган, қулоқлардан. Қамоққа олингунга қадар савдогарлик қилган) аҳоли орасида совет ҳукумати сиёсатини обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган.

**1452. Шералиев Аҳмадали** (1881 йилда Жалолқудуқ райони Окучка қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, пахта теримида зараркундалик қилганликда, колхозчиларни иш ташлашга даъват этганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 октябрдан ҳисобланган.

**1453. Шералиев Қамбарали** (1891 йилда Избоскан райони Қурама қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, муқаддам фаол босмачи, суд ва терговдан яшириниб юрган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) аҳоли орасида мунтазам равишда исёнчилик ва мағлубиятчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқининг аҳволи ҳақида бўҳтон гаплар айтганликда, халқ душманлари ва монархик тузумни мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1454. Шералиев Мирзаҳамдам** (1871 йилда Балиқчи райони Чинобод қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, муқаддам фаол босмачи. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб, бир неча бор ноқонуний йиғинларда иштирок этганликда, йиғинда ҳукуматга қарши кураш ва қуролли қўзғолонга тайёргарлик масалаларини кўришда фаол қатнашганликда, аҳоли орасида акслинқилобий колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1455. Шерматов Исроил** (1881 йилда Сталин райони Иброҳим-Иллик қишло-

ғида туғилган, 1932 йилда қулоқ қилинган, Ғоип понсот ва Мамаюсуф қўрбошиларда жаллод бўлган. Қамоққа олинган вақтда махсус кўчирилганлардан бўлган) босмачиликда қатнашганликда, советларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1456. Шерматов Мулла Жўра** (1889 йилда Чинобод райони Қинли қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, икки марта судланган, жазони ўтамай қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 14 мартда оқланган.

**1457. Шерматов Мулла Холмат қози** (1879 йилда Қирғизистон ССР Арват қишлоғида туғилган, йирик бой, шариат қозиси, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1458. Шерматов Убайдулла** (1906 йилда Ленин райони Юқори қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қулоқ қилинишдан яшириниб юрган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) қишлоқ бошқарувини ўз қўлига олиш ва пахта теримини барбод этишни мақсад қилиб олган аксилинқилобий қулоқлар гуруҳи аъзоси бўлиб, мунтазам равишда колхозчилар орасида колхознинг бузилишига йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, монархия тузумини мақтаганликда, халқ душманларининг қамоққа олинганлигига ачиниш билдирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**1459. Шерматов Ҳамиджон** (1903 йили туғилган, ўзбек, Андижон шаҳридан, 5 йил қамоқ жазосига тортилган, ундан 2 йили олиб ташланган) лагерда туриб маҳбус сифатида маҳбуслар орасида тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий исёнчи ячейка таш-

кил этган нолегал йиғинларда қатнашганликда, маҳбуслар орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 10 августдаги 1-баённомаси қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

**1460. Шишкин Илья Петрович** (1914 йили туғилган, Горький шаҳридан, 1932 йили ўғирлик учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, қамоқдан озод қилинганлик тўғрисида ҳужжатга эга эмас. 1934 йили 2 марта ўғирлик учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтаган, аниқ машғулотга эга эмас) лагерлардан озод бўлиб, жиноятчи унсурлар билан алоқа ўрнатиб, ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган. Жиноий иш Андижон сектори томонидан тақдим қилинган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 10 августдан ҳисобланган.

**1461. Шокиров Камол** (1900 йилда Ленин райони Шабада қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида мунтазам равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 2 декабрдан ҳисобланган.

**1462. Шокиров Мамашариф** (1900 йилда туғилган, Ойим райони Тожик қишлоғи фуқароси, қулоқ қилинган, сургундан яшириниб юрган. Қамоққа олинган вақтда якка хўжалик эгаси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида иғво гаплар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.


Шокиров Ризохўжа

**1463. Шокиров Ризохўжа** (1897 йилда Андижон шаҳрида туғилган, савдогар бойлардан, ўзи савдогар, босмачилар тўдасини қурол-яроғ ва ўқ-дорилар билан таъминлаб турган, «Миллий иттиҳод» миллатчи аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, аҳоли орасида аксилинқилобий ташвиқот олиб борган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 2-банди ва



Шокиров Ризохўжа пастки қаторда чапдан биринчи (ёнбошлаб ўтирган)

67-модда. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 5 ноябрдан ҳисобланган.

**1465. Шомирзаев (Шерматов) Мулла Асқар** (1875 йили туғилган, Избоскан райони Мойгир қишлоғидан, ўзбек, йирик бой ўғли, руҳоний. 1934 йили пахта режасини бажармагани учун 6 ой мажбурий меҳнатга ҳукм этилган, ҳибсга олингунга қадар Сиза қишлоғи масжидида имом бўлган) қишлоғидаги аксилинқилобий йиғилишларнинг қатнашчиси бўлганликда, доимий равишда қишлоқ аҳолиси орасида тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий троцкийчиларнинг террорчилик фаолияти тўғрисида ижобий фикр билдирганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан (10-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1466. Шомирҳожиев Акбаржон** (1910 йилда Андижон райони Хирабек қишлоғида туғилган, партиясиз, миллати уйғур. Қамоққа олинган вақтда Дмитров номли колхоз аъзоси бўлган) 1930 йилда икки марта ноқонуний равишда Ғарбий Хитойдан собиқ Иттифоққа ўтиб, Иркештом чегарасини бузганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 22 сентябрдаги йиғилиши қа-

ророига кўра (15-баённома) 5 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**1467. Шораҳимов Мадамин** (Балиқчи райони Холмурод қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида доимий равишда акслинқилобий руҳдаги тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи мағлубияти ҳақида гапирганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1468. Шосаидов Эгамберди** (1878 йилда Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун судланган ва 5 йилга озодликдан маҳрум этилган, жазони ўтамай қочган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уруш ва ҳукумат ўзгариши тўғрисида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1469. Шотўхтаев Раҳматулла** (1890 йили туғилган, Жалолқудуқ районидан, қулоқ қилинган, сургун қилинишдан беркиниб юрган, 1936 йили колхозга кириб олган) колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий ташвиқот олиб борган, СССРдаги очарчилик, совет ҳокимияти тугатилиши муқаррарлиги ҳақида аксилинқилобий иғволар тарқатган деган айб қўйилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги» 1937 йил 29 августда отувга ҳукм қилинган.

**1470. Шоятбеков Мусабек** (1909 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аксилинқилобий-фашистик тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (34-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган.

**1471. Эгамбердиев Адап** (1892 йилда Пахтаобод райони Миёнқа қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, муқаддам фаол босмачи. Қамоққа олинган вақтда



Эгамбердиев Адапнинг хотини Ойимхон, набиралари Ғуломжон, Муяссархон, Зокиржон



Эгамбердиев Адапнинг ўғли
Адапов Мамасоли

колхозчи бўлган) акслинқилобий қулоқлар гуруҳи фаол аъзоси бўлиб, бир неча бор ҳукуматни ағдариш учун қуролли қўзғолонга тайёргарлик масалалари кўрилган ноқонуний йиғинларда бўлганликда, аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1472. Эгамбердиев Жума** (Хўжаобод райони Миёнқа қишлоғида туғилган, муқаддам фаол босмачи. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) деҳқонлар орасида доимий равишда колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат тадбирларига қарши ташвиқот қилганликда, фашизмни мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1473. Эгамбердиев Пирмат** (1881 йилда Балиқчи райони Чинобод қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1931 йилда давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 4 йилга судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мағлубиятчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги аҳвол тўғрисида бўҳтон гапирганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1474. Эгамбердиев Раимберди** (1892 йилда Андижон райони Бўтақора қишлоғида туғилган, собиқ қўрбоши, 1932 йилда босмачилик фаолияти учун 10 йилга қамалган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) босмачи бўлган пайтида қизил армиячилар ва қишлоқ фаолларини жазолаганликда, мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати раҳбарларига нисбатан зўравонлик кайфиятида бўлганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара этилган.

**1475. Эгамбердиев Тешабой** (1885 йили Ленин райони Толмозор қишлоғида туғилган. 1919 йилдан 1924 йилгача босмачилар тўдасида бўлган, бунинг учун қамалган, 1932 йили қулоқда тортилган) деҳқонлар орасида доимий равишда антисовет тарғибот олиб борган, колхозда ишламасликка чақирган, совет ҳокимиятига нисбатан мағлубиятчилик қарашлар билдирган, шунингдек, аксилинқилобий террорчилик фикрлар айтган деган айб қўйилган. ЎзССР Ички иш-

лар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 8 сентябрдаги қарорига кўра (8-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1476. Эгамбердиев Турсунали** (1893 йилда Хўжаобод райони Манак қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган ва 5 йилга судланган, илгари йирик қўрбоши, 50 нафар йигити бўлган. Қамоққа олинган вақтда «Селпо»да аравакашлик қилган) аксилинқилобий исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб, ўз уйида аксилинқилобий ноқонуний йиғинлар ташкил этганликда, йиғинда ҳукуматга қарши курашиш зарурлиги ҳақида гапирганликда, инқилобгача бўлган даврни мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1477. Эгамбердиев Тешабой** (1885 йили Асака райони Октябрь қишлоқ совети Толмозор қишлоғида туғилиб, шу жойда яшаган, ўзбек, партиясиз, саводсиз, 1925 йили босмачилик учун қамоққа олинган. Келиб чиқиши жиҳатидан бой, қассоблик билан шуғулланган, 1932 йили қулоқ қилинган, кейин ҳуқуқи тикланган) доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик, антиколхоз тарғиботи олиб борганликда, 1937 йил июлида «Бауман» колхози чойхонасида бир қанча колхозчиларга совет ҳукумати мусулмонларни колхозда ишлашга зўрлаб мажбур қилиб эзмоқда, алдамоқ-



2009 йил 17 апрель. Турсуналининг ўғли Фозилжон Нишонбоевнинг оиласида (Отаси вафотидан сўнг ёш қолган Фозилжон ўгай отаси номига ўтган) тадқиқотчи Р.Шамсутдинов қатағон тафсилотларини шарҳламоқда

да, буғдой билан таъминламаяпти ва совет ҳокимиятини чет эл давлатлари йўқ қилади деб тарғибот қилганликда, колхозчиларни колхозда ишламасликка чақирганликда, июль ойида колхозчи Мадвалиевга тез орада совет ҳокимиятига қарши собиқ босмачилар бошлиғи Кўршермат чет эл давлатлар ёрдамида уруш бошлаб, Совет давлатини йўқ қилади, унинг ўзи эса босмачилик вақтида бўлганидек большевиклардан ўч олади деб айтганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги» томонидан 1937 йилда отувга ҳукм қилинган.

**1478. Эгамқулов Қурамат ҳожи** (Балиқчи райони Қўштепасарой қишлоғидан, ўзбек, «Пятилетка» колхози аъзоси) аксилинқилобий, исёнчи гуруҳда иштирок этиб, руҳонийларнинг яширин йиғилишларини ўтказиш учун ўз уйини берган, советларга қарши мусулмон давлат тузиш учун курашган деб айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 20 августдаги 4-баённомаси қарорига кўра 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

**1478. Эгамназаров Мулла Йўлдош** (1879 йилда Балиқчи райони Хўжаобод қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) аҳоли орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, эски тузумни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**1479. Эргашев Мингбой** (1894 йили туғилган, Андижон райони Қўштепа қишлоғидан, 1930 йили қулоққа тортилган ва Украинага сургун қилинган, у ердан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, яқин орада ҳокимиятда ўзгариш бўлиши ҳақида мишмишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхоздан чиқмаса очликдан ўлиб кетишлари мумкинлигини айтиб қўрқитганликда, пахта экиш вақтида иш ташлашни ташкил қилиш натижасида 35 гектар ерда пахта нобуд бўлишига йўл қўйганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1480. Эргашев Ўрмон бачча** (1908 йилда Андижон райони Бўтақора қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1932 йилда 5 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай лагердан қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини қўллаб-қувватлаганликда, колхоз пахтасини ёқишга уринганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил

7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1481. Эрматов Қодирали** (1883 йилда Андижон райони Ойшахоним қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1933 йилда сургунга ҳукм қилинган, жазодан қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозларни тарқатиб юбориш масалалари кўрилган аксилинқилобий ноқонуний гуруҳлар йиғинларида иштирок этганликда, колхозчилар орасида миллатчилик руҳида ташвиқот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1482. Эрматов Қўзи** (1902 йилда Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида туғилган, собиқ бой, илгари босмачилар тўдаси йигити бўлган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи) қулоқ ва босмачилардан иборат аксилинқилобий гуруҳ иштирокчиси бўлганликда, колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, инқилобдан олдинги тузумни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси учлиги»нинг 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (57-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1483. Эрматов Рўзиқул** (1881 йилда Избоскан райони Куйганёр қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1931 йилда 3 йилга сурган қилинган) мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**1484. Эрматов Содиқбой** (1881 йилда Избоскан райони Куйганёр қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1930 йилда 2 йилга қамалган) мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**1485. Эрматов Турғунбой** (1891 йилда Избоскан райони Тўрткўл қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, судланган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида инқилобдан аввалги даврни мақтаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 декабрдан ҳисобланган.

**1486. Эрматов Эгамберди** (1892 йилда Марҳамат райони Кушчи қишлоғида туғилган, собиқ босмачи. Қамоқ-

қа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) очарчилик тўғрисида иғво мишмишлардан иборат бўлган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган.

**1487. Эрназаров Жума** (1883 йилда Балиқчи райони Урганжи қишлоғида туғилган, илгари қўрбоши бўлган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) босмачилик ҳаракати вақтида аҳолига нисбатан ёвузлик қилганликда ва Қизил Армия қисмларига шафқатсизларча муносабатда бўлганликда, доимий равишда колхозчилар орасида ҳукуматга қарши тарғибот олиб борганликда, давлат режасини бузиш учун колхозчиларни ер ишларидан олиб кетганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (75-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1488. Эрназаров Жўрабой** (1902 йилда Андижон шаҳрида туғилган, собиқ босмачи, партиясиз. Қамоққа олинган вақтда Ленин номли колхоз аъзоси бўлган) 1922 йилда ноқонуний равишда Афғонистонга ўтиб, шу йили собиқ Иттифоққа қайтиб келган, Афғонистонда ҳарбий ишларни ўрганган, Совет ҳукуматига қарши курашда фаол иштирок этган деб айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 21 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (10-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**1489. Эрназаров Маматоир** (1877 йилда Қирғизистон ССР Новқад қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда Марҳамат район Сталин номли колхоз аъзоси бўлган) совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, пахта терими даврида иш ташлаганликда, аёлларнинг қулликдан озод қилинишига қарши бўлганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 2-банди, 70-моддаси. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Марҳамат район бўлими томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 26 мартда оқланган.

**1490. Эрназаров Низом** (1902 йилда Балиқчи райони Қўштепасарой қишлоғида туғилган, ўғрилик учун 4 марта судланган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 27 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (65-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 23 сентябрдан ҳисобланган.

**1491. Эшимқулов Примкул** (1878 йилда Ойим райони Тошбулоқ қишлоғида туғилган) диний билимга эга бўл-

ганлиги учун давлатга қарши чиққан деган айб қўйилиб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Миллати қирғиз, деҳқон. 1937 йил 10 октябрда қамалган. Ундан 2 нафар фарзанд қолган: Абдулла, Майрамхон. 1990 йил 1 мартда оқланган.

**1492. Эшматов Абдуқодир** (1881 йилда Сталин райони Ҳавас қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда махсус кўчирилганлардан бўлган) Мамаюсуф қўрбошининг фаол ёрдамчиси бўлганликда, аксилинқилобий гуруҳ иштирокчиси бўлганликда, артеллар тузилишига қарши кураш олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 декабрдан ҳисобланган.

**1493. Эшматов Мулла Ҳасан** (1893 йили туғилган, Сталин райони Қорабўйин қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили аксилинқилобий ва босмачиликдаги фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) колхозчилар орасида колхозларни барбод қилишга, партия ва ҳукумат ўтказаётган тадбирларни издан чиқаришга қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхоздаги очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1494. Эшматов Раҳматали** (1882 йилда Андижон райони Сарой қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик ҳаракати иштирокчиси, 1930 йилдаги коллективлаштиришга қарши аксилинқилобий қўзғолон иштирокчиси, 1933 йилда жавобгарликка тортилган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси) аксилинқилобий қулоқ-исёнчилар гуруҳининг ноқонуний йиғинларида совет ҳокимиятига қарши курашни авж олдириш тўғрисида чиқиш қилганликда, Ўзбекистонда миллий буржуа давлатини тиклаш тўғрисида ташвиқот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1495. Эшматов Ўринбой** (1891 йилда Сталин районида туғилган, собиқ савдогар, тайинли машғулоти йўқ, судланмаган) қатор йиллар давомида ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, бангихона ва қиморхона ташкил этганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 1 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (46-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 24 ноябрдан ҳисобланган.

**1496. Эшмуротов Эрмат** (1884 йилда Ленин райони Толмозор қишлоғида туғилган, қулоқ бойлардан, инқилобга қадар полициячи бўлган, 1932 йилда

аксилинқилобий тарғиботи учун қамалган. Босмачилик ҳаракати даврида фаол босмачи бўлган) аҳоли орасида колхозга қарши мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати кўрсатилмаган.

**1497. Эшназаров Асл** (1900 йилда Ворошилов райони Деҳқончек қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, муқаддам фаол босмачи. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида доимий равишда исёнчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги аҳвол тўғрисида бўҳтон тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1498. Эшонқулов Қора** (1898 йилда Ленин райони Юқори қишлоғида туғилган, илгари фаол босмачи бўлган, диндорлар оиласидан. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) қишлоқ бошқарувини ўз қўлига олиш ва пахта теримини барбод этишни мақсад қилиб олган аксилинқилобий қулоқлар гуруҳи аъзоси бўлиб, мунтазам равишда колхозчилар орасида колхознинг бузилишига йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, монархия тузумини мақтаганликда, халқ душманларининг қамоққа олинганлигига ачиниш билдирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**1499. Эшонхонов Манутхон** (1901 йилда Ленин райони Қува қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1932 йилда қатағондан қочган. Қамоққа олинган вақтда Карл Маркс номли колхознинг ҳисобчиси бўлган) колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, совет ҳукумати тадбирларига иғвогорона қарашда бўлганликда, колхозчиларга зуғум ўтказганликда, колхозни ёт унсурлар билан булғаганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 14 ноябрдан ҳисобланган.

**1500. Эшонхонов Саидқосим** (1896 йилда Андижон райони Хакан қишлоғида туғилган, диний хизматчи – имом. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда совет ҳукуматига қарши йўналтирилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғи-

лиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 октябрдан ҳисобланган.

**1501. Эшонхонов Темирхон** (1870 йили туғилган, Тожикистон ССР Конибодом райони Конибодом қишлоғидан, руҳоний, 1932 йили қулоққа тортилган, катағондан яшириниб юрган) колхоз қурилишига қарши қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхозлардан чиқиш ва мудофаа учун заёмга ёзилишга қарши фикр билдирганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида мишмишлар тарқатганликда айбланган. Жиноий иш ЎзССР НКВД Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (18-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1502. Эшонхўжаев Ғозихон эшон** (1888 йилда Балиқчи райони Аълам қишлоғида туғилган, руҳоний, собиқ қўрбоши. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида мунтазам равишда советларга қарши тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматининг мустаҳкам эмаслигини билдирганликда, колхозчиларни колхозда ишламасликка чақирганликда, совет ҳукуматининг тез кундаги ҳалокати тўғрисида туҳмат тарқатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**1503. Эшонхўжаев Маматхон, (Муҳамаджон)** (1896 йилда Андижон шаҳрида туғилган, йирик бой хонадонидан, қўрбоши, собиқ қулоқ. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) совет ҳукуматига нисбатан душманлик кайфиятида бўлганликда, мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати шаънига ҳақоратли сўзлар айтганлигида айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган.

**1504. Эшонхўжаев Усмонхон** (1899 йил 14 октябрда Андижон шаҳрида туғилган, пахтакорнинг ўғли) 1920 йили Москвада Коммунистик университетида, 1925 – 1930 йилларда Москвада Қизил профессорлар институтида ўқиган. 1914 – 1917 йилларда Андижондаги яширин «Иттиҳод ва тараққий» ташкилотининг фаол аъзоси, «Миллий иттиҳод» ташкилотида ҳам фаолият кўрсатган. 1937 йил 15 августда Қозон шаҳрида НКВДнинг давлат хавфсизлик комитети бошқармаси 4-бўлими томонидан ҳибсга олинган. Анкетада яшаш жойи Қозон шаҳри Большая Галактинская кўчаси 3-уй 74-хона деб кўрсатил-

ган. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши томонидан отувга ҳукм қилинган. Ҳукм ўша куни ижро этилган. 1957 йил 1 августда оқланган[1].



Усмонхон Эшонхўжаев
Тошкент турмасида



У.Эшонхўжаевнинг қизи
Шарофатхон

**1505. Юлдашев Мулла Шерали** (1889 йилда туғилган. Собиқ қулоқ, 1931 йилда қулоқ қилинган, қатағондан қўрқиб қишлоқдан қочган, 1934 йилгача яшириниб юрган. Қамоққа олинган вақтда «Пахтакўл» колхозида ишлаган) мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**1506. Юлдашев Орзиқул** (1902 йилда Ленин районида туғилган, собиқ қулоқ, 1931 йилда қулоқ қилинган, қатағондан қочган, яшириниб юрган. Қамоққа олинган вақтда «Оталар» колхозининг аъзоси бўлган) мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни гуруҳ бўлиб колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган.

**1507. Юнусов Аҳмадали** (1902 йилда Ленин райони Оқбўйра қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1933 йилда давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мағлубиятчилик руҳида ташвиқот олиб борганликда, Иттифоқда очарчилик бўлиши ҳақида мишмиш тарқатганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**1508. Юнусов Бозор** (1885 йилда Марҳамат райони Бобохуросон қишлоғида туғилган, собиқ савдогар, босмачилик иштирокчиси. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мағлубиятчилик руҳида

[1] Унинг ҳаёти ва фаолияти ушбу асарда акс эттирилган: Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б.338 – 375.

ташвиқот олиб борганликда, халқ душманларини қўллаб-қувватлаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**1509. Юнусов Мирзаали** (1894 йилда Андижон райони Бўтақора қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қатағондан яширинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида мағлубиятчилик руҳида ташвиқот олиб борганликда, колхозчиларни ишга чиқмасликка даъват этганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (69-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**1510. Юнусов Тилаболди** (1892 йили туғилган, Ворошилов райони Султонобод қишлоғидан, собиқ савдогар, қулоққа тортилган, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатни ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) аксилинқилобий йиғин иштирокчиси ва унинг топшириғига мувофиқ аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, яқин орада фашистик давлатлар билан уруш бўлиши ва ҳокимият ўзгаришини ташвиқот қилганликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий уйдирма мишмишлар тарқатганликда, колхоз тузумига қарши гап-сўзлар айтганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 1 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (20-баённома) отувга ҳукм этилган.

**1511. Юнусов Умарали** (1906 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Қамоққа олинган пайтда тайинли машғулоти бўлмаган) 1931 йилдан буён жиноятчилар гуруҳини бошқариб, ўғирлик билан шуғулланганликда, 1938 йилда колхозчини ўлдирганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 4 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (67-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1512. Юнусов Юсуфжон** (1895 йилда Ойим райони Кардак қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, 1934 йилда 3 йилга қамалган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган) колхозчилар орасида колхозни тарқатиб юборишга қартилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи шаънига туҳмат гаплар тарғатганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 30 ноябрдан ҳисобланган.

**1513. Юнусохунов Мусаохун** (1904 йилда Хитойнинг Қошғар вилояти Муш қишлоғида туғилган, миллати уйғур, Ленин райони Кум қишлоғида ҳунарманд-косиб бўлган) 1938 йил 14 мартда қамалган. 1989 йил 20 июлда оқланган.

**1514. Юрданов Степан Миронович** (1888 йилда Болгариянинг Шуминск округи Алабрал қишлоғида туғилган, қу-

лоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда хутор бошлиғи бўлган) зараркунандалик қилганликда, отилган халқ душманларига ачинганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 2 декабрдан ҳисобланган.

**1515. Юсупов Абдураим** (1901 йилда Сталин райони Сталин қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, илгари фаол босмачи бўлган. Қамоққа олинган вақтда бозорда қоровулчилик қилган) партия ва ҳукуматнинг тадбирларига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган.

**1516. Юсупов Жўра** (1892 йилда Марҳамат райони Олойчи қишлоғида туғилган, собиқ савдогарнинг ўғли, босмачилик иштирокчиси, 1924 йилда босмачилик қилгани учун жавобгарликка тортилган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аҳоли орасида аксилинқилобий колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхоздаги ишларда жанжал келтириб чиқарганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1517. Юсупов Мамат** (1886 йилда Ленин райони Остон қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 15 февралда оқланган.

**1518. Юсупов Матёқуб** (1883 йилда Андижон шаҳрида туғилган, қулоқ қилинишдан яширинган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати шаънига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

**1519. Юсупов Мулла Абдулҳай** (1882 йилда Пахтаобод райони Тоғузак қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган, диний хизмати, имом. Қамоққа олинган

вақтда колхоз аъзоси бўлган) колхозчилар орасида диний маросимлар вақтида колхозга қарши иғво мишмишлар тарқатганликда, очарчилик тўғрисида аксилинқилобий фикрлар билдирганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 8 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (58-баённома) 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 декабрдан ҳисобланган. 1990 йил 22 майда оқланган.

**1520. Юсупов Мулла Зокир** (1878 йилда туғилган, Андижон райони Кўмакай қишлоқ совети Уйшун қишлоғи фуқароси. Собиқ қулоқ, 1931 йилда қулоқ қилинган, илгари «Шўрои ислом» аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг аъзоси. Қамоққа олинган вақтда Сталин номидаги колхоз аъзоси) аксилинқилобий исёнчилар гуруҳининг фаол аъзоси бўлганликда, йиғилишларда Ўзбекистонда «Мусулмонобод» буржуа-миллий давлатини тузишга даъват этганликда, мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР ЖК 58-моддаси 66-қисм 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган.

**1521. Юсупов Олимжон** (1895 йилда Андижон шаҳрида туғилган, савдогар-руҳоний оиласидан, ўзи собиқ имом, босмачилар тўдаси билан алоқада бўлган, «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси, 1932 йилда бир бор қамалган. Қамоққа олинган вақтда Маданият истироҳат боғининг хизматчиси бўлган) совет ҳукумати тадбирларига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини ҳимоя қилишга даъват этганликда, уларнинг отувига ачиниш билдирганликда, уруш тўғрисида аксилинқилобий мишмишлар тарқатганликда, Қошғардаги муҳожир гуруҳлар билан алоқада бўлганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 2-банди ва 67-моддаси. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 20 ноябрдан ҳисобланган.

**1522. Юсупов Рўзмат** (1900 йилда Балиқчи райони Аълам қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, қулоқ қилинишдан яшириниб юрган, отаси қатағон қилинган, илгари босмачиларнинг фаол ҳомийси бўлган. Қамоққа олинган вақтда тайинли машғулоти бўлмаган) аҳоли орасида мунтазам равишда мағлубиятчилик кайфиятидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати шаънига туҳмат қилганликда айбланган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув

лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**1523. Юсупов Тўхтаназар** (1881 йилда Избоскан райони Мойгир қишлоғида туғилган, саводи йўқ, туғилган қишлоғида яшаган, «Большевик» колхози аъзоси бўлган) 1937 йил 15 ноябрда қамалган. 1990 йил 26 мартда оқланган.

**1524. Юсупов Фозил (Аҳмедов),** (1913 йили туғилган, Андижон шаҳридан, ўғирлик бўйича 24 марта қўлга тушган, 3 марта судланган, 1 марта лагердан қочган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 1925 йилдан ўғирлик билан шуғулланганликда, лагерлардан озод бўлгач, жиноятчи унсурлар билан алоқада бўлиб, улар билан ҳамкорликда ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 28 октябрдаги йиғилиши қарорига кўра (28-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1525. Юсупов Чортоқ** (1897 йилда туғилган. Марҳамат районининг Марҳамат қишлоғида яшаган. Илгари босмачилар тўдасининг қўрбошиси бўлган. Қамоққа олинган вақтда тижорат билан шуғулланган) мунтазам равишда аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, троцкийчи тўдалар тузиш ва исёнлар тарафдори бўлганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (33-баённома) отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли мол-мулк мусодара қилинган. Жиноий иш ЎзССР НКВДси Андижон сектори томонидан тақдим этилган. 1989 йил 10 июлда оқланган.

**1526. Юсупов Эргаш** (1899 йилда Балиқчи райони Олимбекчек қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, аксилинқилобий фаолияти учун ВКП (б) сафидан чиқарилган, ўтмишда фаол босмачи бўлган. Қамоққа олинган вақтда чойхонада ишлаган) аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (77-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**1527. Юсуфзода Абдураҳим** (1880 йили Андижон шаҳрида туғилган, хизматчи, ВКП (б) нинг собиқ аъзоси, иж-



Абдураҳим Юсуфзода



А.Юсуфзода БССРнинг СССРдаги элчиси. Москва, 1924 йил. Оила аъзолари билан

тимоий келиб чиқишини яширгани ва диний маросимларни бажаргани учун партиядан ўчирилган, судланган) «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилоти Бухоро филиали марказининг раҳбар аъзоси сифатида совет ҳокимияти билан курашиш ва Германия билан алоқа ўрнатиш масалалари кўрилган кенгашларда иштирок этганликда, аксилинқилобий ташвиқот юритганликда айбланган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 14 октябрдаги йиғилиш қарорига кўра (24-баённома) отувга ҳукм қилинган[1]. Ўзбекистон ССР Олий суди Жиноят ишлари бўйича суд коллегиясининг 1962 йил 26 ноябрдаги қарори билан оқланган (Иш П-32922).

**1528. Яманов Отаҳожи** (1893 йилда Избоскан райони Лўғумбек қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, босмачилик иштирокчиси, 1931 йилда 2 йилга судланган, ҳибсдан қочган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган) аҳоли орасида аксилинқилобий колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Ўзбекистонда мусулмонлар давлати ташкил этилиши тўғрисида ташвиқот қилганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарорига кўра (83-баённома) отувга ҳукм қилинган.

**1529. Янгибоев Абдураҳмон** (1890 йилда туғилган, Избоскан райони Туячи қишлоғидан, 1930 йилда қулоқ қилинган, давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси, қорамол фермаси мудири бўлган) совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, 1937 йилда колхозда зараркунандалик қилиб, колхоз аъзоларининг 2 та сигирини ва колхознинг 2 та наслдор отини нобуд этганликда, мағлубиятчилик

[1] Унинг ҳаёти ва фаолияти ушбу асарда акс эттирилган: Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б.47 – 79.

кайфиятидаги аксилинқилобий ташвиқот юритганликда айбланган. ЎзССР ЖК 166-моддаси 4-банди. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 16 ноябрдаги йиғилиши қарорига кўра (37-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. 1990 йил 7 апрелда оқланган.

**1530. Янгибоев Мамасоли** (1889 йилда Жалолқудуқ райони Қораянтоқ қишлоғида туғилган, қулоқ қилинган. Қамоққа олинган вақтда колхозчи бўлган. ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-банди) ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1937 йил 4 декабрдаги йиғилиши қарорига кўра (50-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 3 майда оқланган.

**1531. Яъкубов Виниамин Яъкубович** (1906 йилда туғилган, Андижон шаҳридан, миллати яҳудий, партиясиз, савдогар, Обод қишлоғида ҳайдовчи бўлган, 1934 йилда ҳарбий хизматдан бош тортганлиги учун 6 ойга озодликдан маҳрум этилган) 1933 йилда ноқонуний равишда собиқ Иттифоқдан Эронга ўтганликда, 1934 йилда ноқонуний йўл билан қайтганликда айбланган. ЎзССР НКВДси «учлиги»нинг 1938 йил 21 сентябрдаги йиғилиши қарорига кўра (11-баённома) 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган.

**1532. Абдувалиев Тожиали** (1871 йили Ойим райони Тошлоқ қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, сингиллари – Бусадат 1892 йили туғилган, Ҳабибахон 1902 йили туғилган) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган. 1990 йил 2 мартда оқланган (Иш П-34327).

**1533. Абдуғофуров Қўшоқ** (1871 (1889) йили Избоскан райони Урганжи қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар «Правда» колхози аъзоси, хотини Абдуқодирова Тожинса (30 ёшда), ўғли Қўшақов Собиржон (1929 йили туғилган), 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 11 мартда Абдуғофуров Қўшоқ оқланган (Иш П-15757).

**1534. Абдураҳмонов Абдувоҳид** (1885 йили Хўжаобод райони Тўраобод қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Содиқова Хайринисо 40 ёшда, ўғиллари – Абдувоҳидов Ғанижон, Одилхон, қизлари – Қаноат 9 ёшда, Саломат 5 ёшда, барчаси Ош шаҳрида яшашган) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» №11056 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган, 1962 йил 27 январда Абдураҳмонов Абдувоҳид оқланган (Иш П-9224).

**1535. Абдураҳмонов Ҳалимжон** (1896 йили Сталин (Шаҳрихон) райони Бахрангавкон қишлоғида туғилган, ўзбек, чаласавод, Каховский райони 2-пахтачилик совхозида ишлаган) НКВД Каховский район бўлими томонидан 1938 йил 22 июлда қамоққа олинган. Отув жазосига ҳукм қилинган.

**1536. Абдураҳмонов Чаллабой** (1899 йили Хўжаобод райони Қақир-Ширмонбулоқ қишлоғида туғилган, бой-қулоқнинг ўғли, қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхоз аъзоси, хотини Шоймуродова Ойшахон, ўғиллари – Нишонбой 8 ёшда, Карим 7 ёшда, қизи Нодира 4 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» №11048 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда Абдураҳмонов Чаллабой оқланган (Иш П-36795).

**1537. Абдусатторов Нуриддин қори** (1901 йили Избоскан райони Пойтуғ қишлоғида туғилган, ҳисбга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Ойимхон 21 ёшда) 1937 йил 10 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 10 августдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-36216).

**1538. Абдухолиқов Абдуқаҳҳор** (1890 йили Пахтаобод райони Қорашоқ қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхоз аъзоси, хотини Лазокат 47 ёшда, қизлари – Фотима 1924 йили туғилган, Хакима 1931 йили туғилган) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 11 апрелда оқланган (Иш П-28705).

**1539. Азимов Назиржон** (1877 йили Хўжаобод райони Булоқбоши қишлоғида туғилган, СССР фуқароси, собиқ қулоқ, хотини Эгамбердиева Турсуной, ўғли Мамасоли 20 ёшда, қизи Саодат 12 ёшда, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) 1937 йил 17 июлда ҳисбга олинган. «Учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилган.

**1540. Азимов Неъматжон** (1893 йили Андижон шаҳрида туғилган, Аҳмад ва Қозоқ қўрбоши босмачилик тўдасида собиқ фаол босмачи, хотини Абақулова Каромат 42 ёшда, ҳибсга олингунга қадар «Красная звезда» артели аъзоси) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган, 1983 йил 11 июлда оқланган (Иш П-32913).

**1541. Азимов Отажон қори** (1881 йили Сталин райони Қўштепа қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар «Қизил қўшин» колхози аъзоси, хотини Азимова Тўпахон, ўғиллари –

Отажон Қориев, Ёқубжон (1908 йили туғилган), Расулжон (1925 йили туғилган), Шокиржон (1929 йили туғилган), қизи Раҳбархон (1913 йили туғилган) 1937 йил 31 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган. 1990 йил 15 февралда оқланган (Иш П-8398).

**1542. Акбаров Патидин** (1904 йили Ленин райони Кум қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Юнусалиева Турғунжон 25 ёшда, онаси Қурбоналиева Хадича 60 ёшда, ўғли Абдувоҳид 3 ёшда) 1937 йил 19 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 19 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 1 декабрда оқланган (Иш П-38221).

**1543. Акбаров Юлдашхон** (1900 йили Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, аксилинқилобий йиғилишларнинг фаол иштирокчиси) 1937 йил 3 сентябрда ҳибсга олинган, «Учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 3 сентябрдан ҳисобланган.

**1544. Алексеев Николай Петрович** (1899 йили Куйбишев области Кузоватск райони Русско-Темрезо қишлоғида туғилган, Ленин райони Федченко станциясида яшаган, ҳибсга олингунга қадар Федченко станцияси мудири, хотини Анастасия Васильевна 1902 йили туғилган, қизи Людмила 9 ёшда, ўғиллари – Иван 15 ёшда, Петр 12 ёшда, Геннадий 3 ойлик, онаси Анна Никофоровна 70 ёшда) 1937 йил 3 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 3 ноябрдан ҳисобланган. 1957 йил 12 августда Алексеев Николай Петрович оқланган (Иш П-25016).

**1545. Алибоев Абдуллажон** (1900 йили Андижон шаҳрида туғилган, қулоқ қилиниб, 1931 йилда Голопристан райони Михайловка посёлкаси «Коминтерн» совхозига сургун қилинган) 1937 йил 24 октябрда қамоққа олинган. Николаев области ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик» 1937 йил 15 ноябрда 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган.

**1546. Алисаидов Охунбой** (1864 йили Андижон уезди Асака райони Қошғар қишлоғида таваллуд топган, ўзбек, деҳқон-қулоқ, маълумотсиз, оилали, судланмаган, 1931 йили Херсон области Каховский районига сургун қилинган, пахтачилик совхозида яшаган) НКВД Николаев области ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик» томонидан Украина ССР Жиноят кодексининг 54-10- ва 54-11-моддалари билан айбланиб, 1937 йил 15 ноябрда отувга ҳукм этилган.

**1547. Асқаров Мамажон** (1891 йили Ленин райони Хўжаобод қишлоғида

туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Ашуралиева Рахбинисо, ўғиллари – Абдурауп, Азимжон, Абдусаттор, қизлари – Мўмина, Омина) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 17 апрелда Асқаров Мамажон оқланган (Иш П-28820).

**1548. Асқаров Мирза** (1880 йили Балиқчи райони Қияли қишлоғида туғилган, ўзбек, Умар қўрбоши, Шерали Понсод қўрбоши босмачи тўдаларида собиқ босмачиси, ҳибсга олингунга қадар «МТС» номли колхоз аъзоси, хотини Юлдашева Саломат (37 ёшда), қизи Асқарова Тожихон (6 ёшда) 1937 йил 27 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 27 октябрдан ҳисобланган. 1957 йил 30 майда оқланган (Иш П-21177).

**1549. Асранқулов Мавлонқул** (1891 йили Избоскан райони Қўғай қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Молотов номли колхоз пахтакори, хотини Тожибоева Муниса 49 ёшда, ўғли Арзиқулов Мамасоли 1925 йили туғилган) 1937 йил 24 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. 1990 йил 29 мартда Асранқулов Мавлонқул оқланган (Иш П-28669).

**1550. Асранқулов Орзиқул** (1887 йили Избоскан райони Мойгир қишлоғида туғилган, ўзбек) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**1551. Асранқулов Эргаш** (1885 йили Избоскан райони Куйганёр қишлоғида туғилган, қипчоқ, ҳибсга олингунга қадар Избоскан райони 8-совхозида дала ишчиси, хотини Тўхтабоева Хайри, қизи Эргашева Муҳаббат, ўғли Абдумухтор (1929 йили туғилган), қизи Анора (1931 йили туғилган), 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 27 мартда оқланган (Иш П-10998).

**1552. Асранов Нуриддин** (1897 йили Андижон райони Тонгус қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар «8 март» колхози аъзоси, хотини Юлдашева Фотима 28 ёшда, ўғиллари – Нуриддинов Манап 13 ёшда, Юлдаш 7 ёшда, Ўктам 6 ёшда) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда Асранов Нуриддин оқланган (Иш П-36499).

**1553. Атальян-Аганджанян Арменак Аветисович** (1894 йили Арманистон ССР Зенгезур райони Герюси шаҳрида туғилган, арман, Андижон шаҳрида яшаган, собиқ дашноқ отряди сержанти) 1937 йил 21 сентябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган.

**1554. Ахмадалиев Маҳмудбек** (1903 йили Избоскан райони Пойтуғ қишлоғида туғилган, ҳисбга олингунга қадар Коммунизм номли колхоз аъзоси, хотини Иномбиби 1911 йили туғилган, 3 нафар фарзанди бор) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 13 октябрда оқланган (Иш П-39949).

**1555. Аҳмадбеков Отабек** (1865 йили Андижон районида туғилган, Ойим райони Қаландархона қишлоғида яшаган, ўзбек) 1937 йил 24 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 24 ноябрдан ҳисобланган, оқланмаган (Иш П-659).

**1556. Аҳмадуллахон Исмоил Домуллаев** (1914 йилда Хўжаобод райони Хўжаобод қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар сартарош бўлган, опаси Робихон 1909 йилда туғилган, Обидахон 1925 йилда туғилган) 1937 йил 22 июлда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилган (№23 баённома), 1989 йил 22 августда оқланган (Иш №35621).

**1557. Аҳматов Мамараим** (1895 йили Хўжаобод райони Қўрғонча қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1933 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар Ривож номли колхоз аъзоси, хотини Зокирова Ибохон 32 ёшда, қизлари – Каромат 17 ёшда, Холис 6 ёшда, Кимё 4 ёшда, Энаш 2 ёшда, ўғиллари – Фозил 12 ёшда, Абдураим 9 ёшда, акаси Жўрабой 1934 йили туғилган) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» №12461 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 17 июнда оқланган (Иш П-34280).

**1558. Аҳмедов Мамадали** (1894 йили Ленин райони Арғин қишлоғида туғилган, ўзбек, Ленин шаҳридаги аксилинқилобий миллатчи гуруҳларда иштирок этган) 1937 йил 14 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 8 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 14 октябрдан ҳисобланган.

**1559. Аҳмедов Муҳаммад Иброҳим** (1889 йили Ворошилов райони Қўрғонтепа қишлоғида туғилган, ҳисбга олингунга қадар «Қизил йўл» колхози аъзоси, хотини Буразия 40 ёшда, қизлари – Бувишахон 1921 йили туғилган, Тожихон 1932 йили туғилган) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик»

1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 3 апрелда оқланган (Иш П-28543).

**1560. Аҳмедов Раҳматали** (1900 йили Пахтаобод райони Янгичек қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Сотихон 33 ёшда, ўғиллари – Раҳмонали 11 ёшда, Нигматулло 11 ёшда, Уломиддин 3 ёшда, қизи Минавархон 7 ёшда) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 12 сентябрда оқланган (Иш П-36823).

**1561. Аҳмедов Сотиволди** (1905 йили Андижон райони Темирхўжа қишлоғида туғилган, ўзбек, собиқ босмачи тўдасидан, ҳибсга олингунга қадар Сараси қишлоқ советининг Бўстон қишлоғида мактаб раҳбари, маълум бир касбга эга бўлмаган, хотини Файзихон 1908 йили туғилган, қизи Соҳиба 1926 йили туғилган, ўғиллари – Ҳамид 1928 йили туғилган, Илҳом 1932 йили туғилган, отаси Аҳмад 76 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 2 июнда Аҳмедов Сотиволди оқланган (Иш П-33998).

**1562. Аҳронқулов Тўрақул** (1870 йилда туғилган, Андижон райони Ўртоқ қишлоқ советидан. 1931 йилда қулоқ сифатида Украинага сургун қилинган) Ўзбекистонда коллективлаштиришни барбод этишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, фашистлар давлатига хайрихоҳлик билдириб, «агарда бизда ҳам фашистик тузум бўлганида эди, биз ҳам мутлақо яхши яшардик, ҳозиргидек эзилиб юрмасдик» деб айтганликда айбланган. Николаев области ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик»нинг 1937 йил 20 ноябрдаги йиғилишида отув жазосига ҳукм этилган.

**1563. Ашурматов Асқар** (1872 йилда туғилган, Андижон шаҳридан, ўзбек, қулоқ, СССР фуқароси, партиясиз, қамоққа олингунга қадар Голопристан туманида яшаган ва пахтачилик совхозида ишлаган) 1937 йилдан Германия разведкаси топшириғи билан ташкил этилган антисовет ўзбек миллатчи ташкилотида иштирок этганликда, совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борувчи гуруҳлар тузишда қатнашганликда айланиб, «учлик»нинг 1938 йил 13 октябрдаги қарори билан отувга ҳукм этилган[1].

**1564. Ашурматов Маткарим** (1886 йили Избоскан райони Янгиқишлоқ қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга

[1] Украина Республикаси Херсон области давлат архиви (ХОДА), 4033-фонд, 6-рўйхат, 544-иш, 145 – 154-варақлар.

олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини – Сиёқулова Меҳринсо (60 ёшда) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 5 февралда Ашурматов Маткарим оқланган (Иш П-9228).

**1565. Ашуров Мамадхолиқ** (1898 йили Балиқчи райони Сиза қишлоқ совети Насриддинобод қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Фрунзе номли колхоз аъзоси, хотини Ризвонбиби, укалари Ашуров Ш. (1925 йили туғилган), Уста Али (1912 йили туғилган), ўғли Мамадхолиқ Йўлдош (1931 йили туғилган) 1937 йил 4 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда отувга ҳукм қилинган, 1989 йил 14 июнда оқланган (Иш П-34451).

**1566. Бахтиёров Ҳуснитдин** (1874 йили Бошқирдистон ССР Бешбулоқ райони Коником қишлоғида туғилган, бошқирд, Сталин райони Шаҳрихон қишлоғида яшаган, собиқ подшоҳлик армиясининг унтер-офицери, ҳибсга олингунга қадар Сталин районида қишлоқ хўжалиги таъминоти қоровули, хотини Ойша (58 ёшда), ўғиллари – Гулёр (1917 йили туғилган), Муҳаммаджон (1925 йили туғилган), Охиёр (24 ёшда) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 22 февралда оқланган (Иш П-9097).

**1567. Баҳрамов Ҳайдарали** (1894 йили Андижон райони Пахтаобод қишлоғида туғилган, Рустам ва Юнус қўрбоши босмачи тўдасини собиқ фаол босмачиси, ҳибсга олингунга қадар Темирйўл номли колхоз аъзоси, хотини Марҳаматхон 23 ёшда, ўғиллари – Латифжон 12 ёшда, Авазхон 3 ёшда, қизи Саодатхон 7 ёшда) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 21 июнда оқланган (Иш П-34563).

**1568. Бегматов Абдулла** (1888 йили Норин райони Кемабоши қишлоғида туғилган, қорақалпоқ, Балиқчи райони Эшон қишлоғида яшаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган (диндор), хотини Тўхтахон 32 ёшда, ўғиллари Абдуллаев Абдуманнон 13 ёшда, Турғун 9 ёшда, акалари Бегматов Йўлчи 60 ёшда, Мурод 64 ёшда) 1937 йил 26 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 17 июнда Бегматов Абдулла оқланган (Иш П-34367).

**1569. Бегматов Охун** (1900 йили Ойим райони Қизил-Тўқай қишлоғида туғилган, қирғиз, ҳибсга олингунга қадар «Қизил октябрь» колхози аъзоси, хотини Хадича 31 ёшда, ўғли Охунов Мутали 7 ёшда, ака-укалари – Убайдулло 45 ёшда, Исмоил 25 ёшда) 1937 йил 23

ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 20 декабрда оқланган (Иш П-38418).

**1570. Берков Мадумар** (1904 йили Ворошилов райони Хўжашукур қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар «Озод» колхози бригадири, хотини Зайнаб 22 ёшда, ўғли Абдураим 3 ойлик, қизи Каромат 8 ёшда) 1937 йил 8 сентябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 8 сентябрдан ҳисобланган, 1989 йил 10 июнда Берков Мадумар оқланган (Иш П-34485).

**1571. Бобаназаров Ҳожимат (Ҳожи)** (1876 йили Андижон райони Офтобачи қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Самарбону, ўғиллари Ҳожимад 1904 йили туғилган, Носир 1915 йили туғилган, қизлари Умринисо 1925 йили туғилган, Дурдона 1928 йили туғилган, Минохон 1931 йили туғилган) 1937 йил 21 июлда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 1 октябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 19 июнда оқланган (Иш П-34242).

**1572. Бобоёров Акбар** (1877 йили Избоскан райони Тўрткўл қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Социализм номли колхозда кетмончи. Хотини Маҳмудова Оқай, ўғли Акбаров Тўлаш, ўғли Икром, ўғли Камол, ўғли Усмон) 1937 йил 9 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 9 августдан ҳисобланган, 1990 йил 6 мартда Бобоёров Акбар оқланган (Иш П-7768).



Бобобек қўрбоши



Бобобеков Зокиржон



Бобобеков Зокиржоннинг қизи
Зокирова Эъзозахон

**1573. Бозорқулов Юнус** (1871 йили Хўжаобод райони Миндиқул Ордай қишлоғида туғилган, қирғиз, собиқ босмачи, ҳисбга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Сариқова Сотқин 45 ёшда, ўғиллари – Тўрабой 34 ёшда, ўғли Олтмиш 6 ёшда) 1937 йил 26 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 16 январда Бозорқулов Юнус оқланган.

**1574. Бойматов Бакир** (1891 йили Хўжаобод райони Қақир қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1931 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Деҳқонова Зилола, ўғли Одил 9 ёшда, қизи Рисолат 5 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» №11048 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда Бойматов Бакир оқланган (Иш П-36795).

**1575. Бойматов Шокиржон** (1908 йили Пахтаобод райони Хайрабод қишлоғида туғилган, ўзбек, онаси Тўтибиби 55 ёшда, укаси Исмоил 22 ёшда) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 12 сентябрда Бойматов Шокиржон оқланган (Иш П-36686).

**1576. Боқибоев Ёдгорқул** (1872 йили Балиқчи райони Олимбек қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Икромов номли колхоз аъзоси, хотини Зайнаб 56 ёшда, ўғиллари Қўчқорбой 26 ёшда, Аҳмадали 18 ёшда, Худойберди 14 ёшда, қизи Инобат 5 ёшда) 1937 йил 29 июлда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 17 июнда Боқибоев Ёдгорқул оқланган (Иш П-34272).

**1577. Болтабоев Эгамберди** (1882 йили Ленин райони Сариосиё қишлоғида туғилган, ўзбек, Пахтаобод райони Қўмшайдон қишлоғида яшаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Сардора (46 ёшда), ўғиллари – Мамадали (1921 йили туғилган), Қўчқор (1923 йили туғилган), Содиқали (1927 йили туғилган), Зулунбек (1929 йили туғилган) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 5 мартда Болтабоев Эгамберди оқланган (Иш П-8559).

**1578. Бондаренко Харитон Сидорович** (1882 йили Киев области Шупихи қишлоғида туғилган, украин, Марҳамат район рус қишлоғида яшаган, ҳибсга олингунга қадар Марҳамат райони Куйбишев номли колхозда ишчи, хотини Бондаренко Матрёна Романовна, ўғли Бондаренко Семён Харитонович, қизи Демидова Мария Харитоновна) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган,

жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 3 апрелда Бондаренко Харитон Сидорович оқланган (Иш П-8563).

**1579. Буваев Усмон** (1888 йили Жалолобод райони Бегобод қишлоғида туғилган, ўзбек, Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида яшаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Тўпа 50 ёшда) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 23 апрелда оқланган (Иш П-28545).

**1580. Буважонов Соттибой** (1876 йили Ўш шаҳрида туғилган, ўзбек, Миндиқул, Ордай, Маняк қишлоқ советларида истиқомат қилган, ҳибсга олингунга қадар якка хўжалик эгаси, хотини Мамаризаева Хонабиби 56 ёшда, ўғиллари – Мамараҳим 25 ёшда, Наримжон 15 ёшда, қизлари – Оминахон 9 ёшда, Нозимахон 6 ёшда) 1937 йил 3 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 16 январда оқланган.

**1581. Бўрибоев Мирзараҳим** (1875 йили Андижон райони Жалабек қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар «Синфсиз жамият» колхози аъзоси, хотини Мамасобирова Хайрибиби (59 ёшда), ўғли Мамажон (1929 йили туғилган) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 22 февралда оқланган (Иш П-9220).

**1582. Бўтабоев Эгамберди** (1864 йили Ойим райони Мукур қишлоғида туғилган, қирғиз, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, қизи Бутабоева Турғуной (22 ёшда), қизи Ортиқой (19 ёшда), қизи Зебиой (14 ёшда) 1937 йил 24 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 24 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 28 майда оқланган (Иш П-11549).

**1583. Гадоев Аҳмад** (1904 йили Марҳамат райони Қоратепа қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Молотов номли колхоз аъзоси, хотини Дўсматова Зумрад, ўғли Умар 9 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 18 сентябрда Гадоев Аҳмад оқланган (Иш П-36485).

**1584. Гадоев Холмирза** (1883 йили Ленини райони Хонабод қишлоғида туғилган, ўзбек, собиқ босмачи Умарали қўрбошининг ёрдамчиси, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Тўтибиби (50 ёшда), ўғли Малғурбой (1926 йили туғилган), ўғли Турсунали (1920 йили туғилган), қизи Оми-

нахон (1929 йили туғилган) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 5 февлалда Гадоев Холмирза оқланган (Иш П-9225).

**1585. Гидибаев (Нурматалиев Мирзакарим)** (1865 йилда Хўжаобод райони Қурама қишлоғида туғилган, уйғур, руҳоний имом, СССР фуқароси, хотини Тиллаева Шарофат 1905 йилда туғилган, ўғли Нурмаҳаммат 1920 йилда туғилган) 1937 йил 15 июлда ҳисбга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 22 августда Гидабаев Мирзакарим оқланган (Иш №35622).

**1586. Ғиёсов Эшонхон** (1887 йили Хўжаобод райони Хўжаобод қишлоғида туғилган, ўзбек, «Миллий иттиҳод» ташкилотининг собиқ раҳбари, ҳибсга олингунга қадар Хўжаобод райони Булоқбоши қишлоғидан 1937 йил 16 июлда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 июлдан ҳисобланган. 1956 йил 29 сентябрда Ғиёсов Эшонхон оқланган (Иш П-25144).

**1587. Ғоипов Нишон** (1890 йили Хўжаобод райони Зарғалдоқ қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1930 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Соипова) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» №11049 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 27 мартда оқланган (Иш П-28674).

**1588. Горлов Василий Степанович** (1871 йили Самара губернияси Куйбишев ўлкаси Ивановка қишлоғида туғилган, рус, Андижон шаҳар Энгельс кўчаси 59-уйда яшаган, ҳибсга олингунга қадар йирик савдогар, касби касса ҳисобчиси, хотини Екатерина Филлиповна) 1937 йил 27 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда қамоқдан озод этишга ҳукм қилган (Иш П-32474, П-8126).

**1589. Горлова Екатерина Филиповна** (1871 йили Саратов ўлкаси Вершинск қишлоғида туғилган, рус, Андижон шаҳар Энгельс кўчаси 59-уйда яшаган, ҳибсга олингунга қадар уй бекаси, эри Горлов Василий Степанович, ўғли Александр) 1937 йил 27 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда қамоқдан озод этишга ҳукм қилган (Иш П-8126).

**1590. Григорашкин Алексей Тихонович** (1883 йили Саратов ўлкаси Базар-Карабулак райони Новиков қишлоғида туғилган, рус, собиқ полиция сержанти, ҳибсга олингунга қадар Андижон шаҳар 1 – 3-пахта заводларида омборчи бўлиб ишлаган, хотини Григорашкина Анна Федотовна (46 ёшда), қизи Клавдия (1909 йили туғилган), укаси Иван

Тихонович) 1937 йил 11 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 16 июнда Григорашкин Алексей Тихонович оқланган (Иш П-34488).

**1591. Диаманд Адольф Александрович** (1891 йили Австриянинг Земерин шаҳрида туғилган, немис, Андижон шаҳрида яшаган, Австрия армияси лейтенанти, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Матрона (36 ёшда), қизи Вера (19 ёшда) 1937 йил 5 сентябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 5 сентябрдан ҳисобланган, 1991 йил 26 августда оқланган (Иш П-1258).





**1592. Дўсматов Тўхтасин** (1887 йили Избоскан райони Мойгир қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Аҳмадилиева Жаноб 45 ёшда) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 3 апрелда оқланган (Иш П-25144).

**1593. Егиянц Аванес Григорьевич** (1876 йили Эриван губернияси Шапаток қишлоғида туғилган, арман, Ворошилов райони Маъмуробод қишлоғида яшаган, ҳибсга олингунга қадар «Иҳвол» колхози аъзоси, хотини Антонина (55 ёшда), ўғли Ҳусанбой (1927 йили туғилган) 1937 йил 20 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 20 октябрдан ҳисобланган, 1990 йил 28 майда оқланган (Иш П-10961).

**1594. Ёқубов Турсун** (1896 йили Балиқчи райони Чинобод қишлоқ совети Қумтепа қишлоғида туғилган, уйғур, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси, хотини Ҳожихон 30 ёшда, отаси Ёқуб Исаев 82 ёшда, онаси Буркия 57 ёшда, қариндоши Бузрукхонова, Эшматов Холмирза ва Бекмирза) 1937 йил 14 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 21 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган.

**1595. Ёрқинов Бегали** (1898 йили Ворошилов райони Хўжашукур қишлоғида туғилган, қирғиз, ҳибсга олингунга қадар «Озод» колхози кассири, хотини Ўразби 36 ёшда, ўғли Қўчқор 9 ёшда, қизи Муралкап 6 ёшда) 1937 йил 3 сентябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган, 1989

йил 10 июнда Ёрқинов Бегали оқланган (Иш П-34485).

**1596. Ёрқулов Рўзимат** (1904 йили Яйдоқ райони Бузилмас қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси, хотини Холдорхон 28 ёшда, ўғиллари – Ибайдулла 12 ёш, Дўсмат 8 ёш, қизи Диляхон 3 ёш) 1937 йил 20 июлда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга хукм қилган. 1990 йил 7 июнда Ёрқулов Рўзимат оқланган (Иш № 35343).

**1597. Жабборқулов Мамажон** (1888 йили Ворошилов райони Хонобод қишлоғида туғилган) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган.

**1598. Жабборов Мулла Нишон** (1897 йили туғилган, собиқ қулоқ, 1933 йили қулоққа тортилган, хотини Хубиева Меҳри, ўғиллари – Ҳасан 5 ёшда, Эргаш 1 ёшда, қизи Муножот 3 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» №11048 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-36795).

**1599. Жаҳонов Абдураззоқ** (1905 йили Хўжаобод райони Қақир-Ширмонбулоқ қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси, хотини Роби, 1931 йили қулоққа тортилган) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» №11048 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-36795).

**1600. Жумабоев Қосим** (1886 йили Ворошилов райони Қўрғонтепа қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар «Учқун» колхози аъзоси, хотини Энабиби (45 ёшда), ўғли Ҳусанбой (1927 йили туғилган) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 28 майда оқланган (Иш П-10961).

**1601. Жўиаев Камол** (1906 йили Балиқчи райони Қияли қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар МТС номли колхоз аъзоси, хотини Абдуллаева Файзихон (21 ёшда), қизи Ҳошимхон (5 ёшда), қизи Фотима (6 ойлик) 1937 йил 27 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 27 октябрдан ҳисобланган. 1957 йил 30 майда Жўнаев Камол оқланган (Иш П-21177).

**1602. Жўрахонов Ашурхон Тўра** (1887 йили Ойим райони Ойим қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар диндор, «Большевик» колхози аъзоси, хотини Мадраҳимова Ўғилбу (55 ёшда), ўғли Ашурхонов Султонбой (9 ёшда), синглиси Назирбиби (33 ёшда)

1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 15 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 2 мартда оқланган (Иш П-8487).

**1603. Зокиров Зулумбек** (1904 йили Пахтаобод райони Избоскан қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар «Қизил октябрь» колхози аъзоси, хотини Қориябиби 30 ёшда, қизлари – Саодат 11 ёшда, Ширмон 9 ёшда) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 12 сентябрда оқланган (Иш П-36687).

**1604. Зоҳидбоев Жўрабой** (1861 йили Балиқчи райони Қўғойкўприк қишлоғида туғилган, ўзбек, СССР фуқароси, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, ўғли Жўрабоев Абдулпошо 31 ёшда, ўғли Асадулло 23 ёшда, ўғли Шаҳобиддин 12 ёшда, барчаси Балиқчи райони Алам қишлоғида яшаган) «учлик» 1937 йил 30 сентябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 29 июлдан ҳисобланган, 1990 йил 11 мартда оқланган (Иш П-7772).

**1605. Зулфиқор ҳожи Иноқҳожиев (Зуҳритдинов Зайнобиддин** (1910 йили Ворошилов райони Қўрғонтепа қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар «Ғайрат» колхози аъзоси, хотини Ҳидоят (19 ёшда), ўғиллари – Мақсуд (1931 йили туғилган), Аскар (1934 йили туғилган) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 28 майда оқланган (Иш П-10963).

**1606. Ибрагимов Абдураҳмон** (1898 йили Ленин райони Хўжаобод қишлоғида туғилган, ўзбек, босмачи Жума қўрбошининг собиқ ёрдамчиси) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 10 июнда оқланган (Иш П-34479).

**1607. Иброҳимов Сойибжон** (1910 йилда туғилган, Андижон округи Ленин райони Бушкон қишлоғидан. 1931 йилда Украина ССР Херсон округи Каховский районига сургун қилинган) 1938 йил 10 февралда ҳибсга олинган. НКВД Николаев область бошқармаси ҳузуридаги «учлик»нинг 1938 йил 3 апрелдаги қарори билан 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

**1608. Имомназаров Раҳмонберди** (1873 йили Балиқчи райони Чинобод қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар «Янгийўл» колхози аъзоси, хотини Мехринисо (45 ёшда), ўғли Собиржон (1913 йили туғилган), ўғли Турсунжон (1917 йили туғилган), қизи Робия (1920 йили туғилган), қизи Хадича (1925 йили туғилган), қизи Майрам (1928 йили туғилган) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937

йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 13 майда Имомназаров Раҳмонберди оқланган (Иш П-11622).

**1609. Имонқулов Жалолҳожи** (1896 йили Избоскан райони Деҳқонобод қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхоз аъзоси, хотини Алимова Назира 27 ёшда, қизлари – Каромат 12 ёшда, Эргашхон 9 ёшда, Ўғилхон 7 ёшда, ўғли Шоҳобиддин 4 ёшда) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 16 октябрда оқланган (Иш П-39963).

**1610. Исаев Абдулла** (1879 йили Хўжаобод райони Булоқбоши қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар «Пахта фронти» колхози аъзоси, хотини Сотиволдиева Нори (52 ёшда), қизи Ўлжа 1927 йили туғилган, ўғиллари – Жўра 1929 йили туғилган, Тоштемир 1936 йили туғилган) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» №12464 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 28 майда Исаев Абдулла оқланган (Иш П-11529).

**1611. Исақов Ғойиб** (1902 йили Андижон райони Хурсандлик қишлоғида туғилган, ўзбек, босмачи тўдаларининг собиқ шериги, ҳибсга олингунга қадар Литвинова номли колхоз аъзоси, хотини Эътиборхон 22 ёшда, қизи Мақсуда 3 ёшда) 1937 йил 28 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. 1990 йил 5 сентябрда оқланган (Иш П-40253).

**1612. Исақов Маҳмуд** (1900 йили Ворошилов райони Абдуллаби қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхоз аъзоси, хотини Мукориш 35 ёшда, ўғли Маъмур 1 ёшда, қизи Ойинисо 13 ёшда) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 24 октябрда Исақов Маҳмуд оқланган (Иш П-38771).

**1613. Исақов Соҳиб** (1884 йилда Андижон шаҳрида туғилган, собиқ қулоқ, савдогар, ёғ ишлаб чиқарадиган корхонаси бўлган, ўзбек, 1 сигир, 1 бузоқ, 1 буқаси бўлган, грижа касалига чалинган. 1931 йил августида қулоқ қилиниб Украинанинг Голопристан райони Михайловка посёлкасига келтирилган) 1937 йил 16 февралда қамоққа олинган. 1937 йил 9 августда 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Воркута лагерида қамоқ жазосини ўтаётган пайтда ҳалок бўлган. 1989 йил 17 июлда оқланган.

**1614. Исломов Матёқуб** (1885 йили Андижон райони Темирхўжа қишлоғида туғилган, уйғур, ҳибсга олингунга қа-

дар «Коммунист» колхози аъзоси) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган. Оқланмаган (П-19337).

**1615. Исломохунов Абдураҳмон** (1901 йили Андижон шаҳрида туғилган, уйғур, Ойим райони Дардоқ қишлоғида яшаган, ҳибсга олингунга қадар «Коминтерн» номли колхоз аъзоси, хотини Отаназарова Сайдинисо 27 ёшда, қизлари – Абдураҳмонова Турғунса 10 ёшда, Хайринса 8 ёшда, Ўғилхон 5 ёшда) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-36829).

**1616. Исмоилов Даврон** (1920 йили Ойим райони Қошғар қишлоғида туғилган, қирғиз, ҳибсга олингунга қадар Пахтачи номли колхоз аъзоси, онаси Ўрозгул 50 ёшда, укаси Акбой 12 ёшда) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 8 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 9 сентябрда оқланган (Иш П-36509).

**1617. Исмоилов Холберди** (1900 йили Пахтаобод райони Янгичек қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Орджоникидзе номли колхоз аъзоси, хотини Арзибиби 33 ёшда, қизлари – Хадича 4 ёшда, Саодат 10 ёшда) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 12 сентябрда Исмоилов Холберди оқланган (Иш П-36730).

**1618. Исомиддинов Ғиёсиддин** (1882 йили Андижон райони Далварзин қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Киров номли колхоз аъзоси) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 23 февралда Исомиддинов Ғиёсиддин оқланган (Иш П-9229).

**1619. Йўлдошев Юсупжон** (1882 йилда Асака райони Оқбайроқ қишлоғида туғилган. 1931 йили Украинага қулоқ сифатида сургун қилинган, Каховский районидаги пахтачилик совхозида яшаган, ишлаган, ўзбек, деҳқон, қулоқ, судланмаган) Николаев области ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик»нинг 1937 йил 15 ноябрдаги қарори билан отувга ҳукм этилган.

**1620. Калмыков Тимофей Сергеевич** (1906 йил 21 январда Ставрополь губернияси Благодаринск уездида туғилган, рус, Андижон шаҳрида яшаган, ҳибсга олингунга қадар Жалолобод МТСда темирчи, хотини Алейкина Александр Карповна, қизи Вера Тимофеевна

(10 ёшда), ўғли Анатолий (1 ёшда), отаси Калмыков Сергей Николаевич, акаси Калмыков Алексей Сергеевич) 1937 йил 22 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Оқланмаган (Иш П-9284).

**1621. Камолов Абдуллахон** (1911 йили Избоскан райони Мойгир қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар Карл Маркс номли колхоз аъзоси, хотини Мурбобоева Мунис 20 ёшда, ўғли Ибайдулло 5 ёшда) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 12 сентябрда оқланган (Иш П-38740).

**1622. Каримов Ғани** (1909 йили Ленин шаҳрида туғилган, ўзбек, Ленин шаҳридаги аксилинқилобий миллатчи гуруҳларда иштирок этган) 1937 йил 14 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 14 октябрдан ҳисобланган.

**1623. Каримов Меликул** (1898 йили Ленин райони Катта қишлоғида туғилган, ўзбек, собиқ босмачи, Мамадали қўрбошининг жаллоди, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Арзибиби 1899 йили туғилган, ўғли Раимжон 1929 йили туғилган, қизи Суйдихон 1936 йили туғилган) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 10 июнда Каримов Меликул оқланган (Иш П-34492).

**1624. Қаюмов Тешабой** (1879 йили Сталин райони Эски Найнаво қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Азамат номли колхоз аъзоси, хотини Шакархон (1902 йили туғилган), қизлари – Сотқиной (1922 йили туғилган), Хафинисо (1929 йили туғилган), онаси Тожибиби (80 ёшда) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 14 мартда Қаюмов Тешабой оқланган (Иш П-10024).

**1625. Қирғизбоев Қосимбек** (1887 йили Андижон райони Сув-юлдуз қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар «Ижтимоят» колхози аъзоси, хотини Карамбердиева Лутпинисо 50 ёшда, ўғли Қосимбеков Патинбек 1925 йили туғилган) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган. 1991 йил 26 августда Қирғизбоев Қосимбек оқланган (Иш П-28808).

**1626. Қобилов Охун** (1902 йили Балиқчи райони Алам қишлоғида туғилган, ўзбек, СССР фуқароси, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар Хушёр номли колхоз

аъзоси, хотини Нусратхон 30 ёшда) 1937 йил 4 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда отувга ҳукм қилган, 1961 йил 27 декабрда Қобилов Охун оқланган (Иш П-29561).

**1627. Қобулов Малик** (1911 йили Ленин шаҳрида туғилган, ўзбек, Ленин шаҳридаги аксилинқилобий миллатчи гуруҳларда иштирок этган) 1937 йил 17 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 17 октябрдан ҳисобланган.

**1628. Қодирали Мамасолиҳожиев** (1886 йили Избоскан райони Мойгир қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар «Большевик» колхози аъзоси, хотини Мавжуда (37 ёшда), қизи Сожида (10 ёшда), қизи Тўразиё (7 ёш) 1937 йил 9 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 9 августдан ҳисобланган, 1990 йил 15 февралда оқланган (Иш П-9126).

**1629. Қодиров Абдуқаҳҳор (Мулла)** (1897 йили Андижон шаҳар «Ғайрат» маҳалласи 23-уйда туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар «Қизил ботир» артелидаги магазин мудири, хотини Мўтабар 1904 йили туғилган, қизи Ҳабибахон 13 ёшда, Патилахон 10 ёшда, ўғли Абдусаттор 8 ёшда, Абдураҳмон 5 ёшда, укаси Абдуфаттоҳ) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 21 ноябрда отувга ҳукм қилган, 1937 йил 23 декабрда ижроси таъминланган.

**1630. Қодиров Ғани** (1902 йили Хўжаобод райони Қароқчи қишлоғида туғилган, ўзбек, СССР фуқароси, ҳисбга олингунга қадар колхоз аъзоси, ўғли Толибжон 7 ёшда, қизи Ҳалимахон 3 ёшда) 1937 йил 3 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга хукм қилган. 1989 йил 16 январда Қодиров Ғанижон оқланган.

**1631. Қодиров Худоёр** (1904 йили Марҳамат райони Каттақўрғон қишлоқ совети Тошлоқ қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхоз аъзоси, хотини Усмоналиева Алихон, қизлари Худоёрова Ҳамро (14 ёшда), Шарофатхола (1929 йили туғилган), Адолат (1935 йили туғилган), ўғли Мўминжон (1931 йили туғилган) 1937 йил 1 сентябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 29 сентябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 10 июнда оқланган (Иш П-34526).

**1632. Қозиев Латифмахсум** (1883 йили Андижон шаҳрида туғилган, «Миллий иттиҳод», «Шўрои ислом» ташкилотларининг собиқ аъзоси, ҳибсга олингунга қадар Хўжаобод райони ипакчилик саноати вакили ишчиси) 1937 йил 3 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 3 августдан ҳисобланган. 1956 йил 29 сентябрда оқланган (Иш П-25144).

**1633. Қорабоев Мулла Ўринбой** (1892 йили Марҳамат райони Янгиқишлоқ қишлоғида туғилган, турк, ҳибсга олингунга қадар «Оқ олтин» колхози аъзоси, хотини Буватаева Айсонбиби, синглиси Ҳошимбиби) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-36901).

**1634. Қорақалпоев Олимбўла** (1895 йили Хўжаобод райони Булоқбоши қишлоғида туғилган, аввал фаол босмачи бўлган, собиқ қулоқ, 1932 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар Наримонов номли колхоз аъзоси, хотини Юлдашева Тошхон, ўғиллари – Иброҳим 11 ёшда, Назир 1 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» №11050 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 12 сентябрда оқланган (Иш П-36473).

**1635. Қосимов Маматҳалил** (1887 йили Андижон райони Темирхўжа қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Андижон райони Темирхўжа қишлоғида масжид имоми, хотини Абдулатипова Охинисо (40 ёшда), қизлари – Маматхолиқова Рўзихон (10 ёшда), Ибодатхон (8 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. Оқланмаган (П-19337).

**1636. Қулбоев Ёқуб Халфа** (1886 йили Жалолқудуқ райони Туячи қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар Пахтаобод номли колхоз раиси, хотини Юсупова Кумирхон 35 ёшда, қизи Обида 4 ёшда, ўғли Юнус 1 ёшда) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган. 1989 йил 18 майда оқланган (Иш П-37677).

**1637. Қулбоев Юлдаш Халфа** (1890 йили Жалолқудуқ райони Туячи қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар Пахтаобод номли колхоз аъзоси, хотини Қундузхон 36 ёшда, қизлари – Холдархон 15 ёшда, Улпатхон 3 ёшда) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 18 майда оқланган (Иш П-37677).

**1638. Мавлонов Тўхтамад** (1899 йили Балиқчи райони Қўштепасарой қишлоқ совети Сафаробод қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси, хотини Шерматова Қундузбиби (30 ёшда), укаси Мавлонқулов Йўлдош (36 ёшда), онаси Ниёзова Робия (65 ёшда) 1937 йил 5 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 8 августда оқланган (Иш П-42020).

**1639. Мадалиев Обиджон** (1890 йили Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Тошкент темир йўлида проводник бўлиб ишлаган, хотини Собира 35 ёшда, ўғиллари – Жамолиддин 15 ёшда, Тоҳиржон 6 ёшда, Маҳмуджон 3 ёшда, Латифжон 4 ойлик, қизи Ҳафиза 12 ёшда) 1937 йил 19 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 19 ноябрдан ҳисобланган, 1959 йил 3 сентябрда оқланган (Иш П-27520).

**1640. Мадиев Ўринбой** (1901 йили Марҳамат райони Шукурмерган қишлоғида туғилган, уйғур, ҳибсга олингунга қадар «Коммунизм» колхози аъзоси, хотини Ашурова Ойимсахон, қизи Робияхон 9 ёш) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-36910).

**1641. Мадиёров Бегали** (1892 йили Ойим райони Қизилтўқай қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси, қизи Фазилат (12 ёшда), ўғли Шокирбой (9 ёшда), қизи Санам (5 ёшда) 1937 йил 23 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига хукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган, 1989 йил 4 октябрда оқланган (Иш П-38001).

**1642. Мадраимов Каримжон Баққол** (1897 йили Андижон шаҳрида туғилган, Норин райони Ҳаққулобод қишлоғида яшаган, ҳибсга олингунга қадар қандолатчи, озиқ-овқат маҳсулотларини сотган, хотини Жаннатбиби 1900 йили туғилган, ўғиллари Қобилжон 1923 йили туғилган, Ўрмонжон 5 ёшда, қизи Маҳфиратхон 3 ёшда) 1937 йил 21 июлда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 21 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 июлдан ҳисобланган, 1989 йил 22 августда оқланган (Иш П-35770).

**1643. Мадраҳимов Сатторқул** (1871 йилда Хўжаобод райони Булоқбоши қишлоғида туғилган, ҳисбга олинганга қадар якка тартибда иш юритган, хотини Қирғизбоева Қумри 55 ёшда, ўғли Тешабой 12 ёшда, қизи Сотқин 6 ёшда) 1937 йил 3 августда ҳисбга олинган, «учлик»нинг 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилган (Иш №10293).

**1644. Макаритдинов ҳожи Файзулло** (1901 йилда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, собиқ қулоқ, имомлик билан шуғулланган, ҳибсга олингунга қадар якка тартибдаги деҳқон, онаси Энамбиби 65 ёшда, укалари Садиддин 18 ёш, Қутби 16 ёш, синглиси Раҳима 11 ёш, ўғли Сайфиддин 9 ёшда) 1937 йил 11 сентябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 16 январда оқланган (Иш №36019).

**1645. Мақсудов Салиммақсуд** (1899 йили Хўжаобод райони Дилкушод қиш-

лоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1932 йили қулоққа тортилган, ўша йили 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, ҳибсга олинган вақтда «Ленин ёдгори» колхози аъзоси, хотини Шукурова Холида, қизлари – Султоной 11 ёшда, Ширмой 6 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. У совет ҳокимиятига қарши колхозчилар орасида ташвиқотлар олиб борганликда айбланиб, «учлик»ЎзССР ЖКнинг 66-моддасининг 1-қисмига асосланиб №11052 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-36793).

**1646. Маллабоев Бекмат** (1900 йили Ленин райони Илёс қипчоқ қишлоғида туғилган, уйғур, босмачи Жума қўрбошининг собиқ ёрдамчиси, ҳибсга олингунга қадар «Намуна» колхози аъзоси) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган, 1990 йил 10 июнда оқланган (Иш П-34471).

**1647. Маллабоев Ҳамрабой** (1901 йили Сталин райони Қумариқ қишлоғида туғилган, ўзбек) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган.

**1648. Мамадалиев Азиз** (1902 йили Балиқчи райони Қияли қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар МТС номли колхоз аъзоси) 1937 йил 27 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 27 октябрдан ҳисобланган. 1957 йил 30 майда оқланган (Иш П-21177).

**1649. Мамадалиев Мирзажон ҳожи** (1882 йили Андижон райони Офтобачичек қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Хотини Мабе 45 ёшда, қизи Кимсанхон 10 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган, 1989 йил 10 июнда оқланган (Иш П-34257).

**1650. Мамадалиев Ортиқбой** (1887 йили Андижон райони Хирабек қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, биринчи хотини Саломатбиби 50 ёшда, ўғиллари – Солибой 1911 йили туғилган, Ашурали 1917 йили туғилган, қизи Ҳожибиби 35 ёшда, иккинчи хотини Робихон 45 ёшда, ўғиллари – Султонжон 1923 йили туғилган, Набижон 1927 йили туғилган) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 29 мартда оқланган (Иш П-28878).

**1651. Мамадалиев Сотимбой** (1891 йили Избоскан райони Мадраса қиш-

лоғида туғилган, ўзбек) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**1652. Мамажонов Аҳмаджон** (1881 йилда Андижон районида туғилган, ўзбек, СССР фуқароси, партиясиз, қамоққа олингунга қадар Михайловка қишлоғида яшаган ва пахтачилик совхозида ишлаган) 1914 йили Қизил Армия қисмларига қарши курашда фаол қатнашганликда, Германия разведкаси топшириғи билан тузилган антисовет ўзбек миллатчи ташкилотининг аъзоси эканликда, совет ҳокимиятига қарши курашиш учун қуролли гуруҳлар тузиш бўйича иш олиб борганликда, аҳоли орасида антисовет, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланиб «учлик»нинг 1938 йил 13 октябрдаги қарори билан отувга ҳукм этилган.

**1653. Маманов Тошмат (ашин)** (1877 йили Балиқчи райони Чуғай қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Нисахон (1897 йили туғилган), ўғли Тошматов Сотиболди) 1937 йил 26 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 14 июнда оқланган (Иш П-34443).

**1654. Мамарасулов Усмон Али** (1872 йили Балиқчи райони Қўштепасарой қишлоқ совети Алам қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Хушёр номли колхоз аъзоси, хотини Хожар (37 ёшда), укалари Мамарасулов Қамбарали (58 ёшда), Асқар Али (45 ёшда), Маҳамади (27 ёшда) 1937 йил 29 июлда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 14 июнда Мамарасулов Усмон Али оқланган (Иш П-344432).

**1655. Мамаризаев Маматқул саркор** (1887 йили Андижон райони Бўстон қишлоғида туғилган, ўзбек, босмачи тўдаларнинг собиқ шериги, ҳибсга олингунга қадар «Қизил аскар» колхози аъзоси, хотини Мамасобирова Хайрибиби (59 ёшда), ўғли Мамажон (1929 йили туғилган) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 22 февралда оқланган (Иш П-9219).

**1656. Мамасаидов Мамаюнус** (1897 йили Ойим райони Тошлоқ қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар Тельман номли колхоз аъзоси, хотини Тошматова Фотиллахон 34 ёшда, қизи Тожихон 9 ёшда, ўғиллари – Турсунбой 5 ёшда, Турғунбой 3 ёшда) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 24 октябрда оқланган (Иш П-40754).

**1657. Мамасодиқов Қўзибой** (1896 йили Хўжаобод райони Қўрғонча қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1931 йили

қулоққа тортилган, ўша йили ҳибсга олинган, ҳибсга олинган жойдан қочган, ҳибсга олингунга қадар «Ривож» номли колхоз аъзоси. Хотини Исомиддинова Обидахон 32 ёшда, қизлари – Шодихон 14 ёшда, Ширмонхон 12 ёшда, Хурихон 10 ёшда, Басархон 8 ёшда, Тожибар 6 ёшда, Ўғилхон 4 ёшда, укаси Жўрабой 39 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. Колхозчилар орасида заёмга қарши тарғибот қилганликда, пахта теримига қарши, 70 кун давомида ишга келмаганликда, ўлдиришга ҳаракат қилганликда айбланиб, «учлик» ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси 1-қисмига асосан №12461 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда отувга ва мол-мулкини мусодара этишга ҳукм қилган. 1989 йил 17 июнда оқланган (Иш П-34280).

**1658. Мамасодиқов Тўрабой** (1908 йили Хўжаобод райони Қўрғонча қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1933 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар «Ривож» номли колхоз аъзоси, хотини Худайбердиева Ойиста, ўғли Сотиволди 1934 йили туғилган) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» №12461 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 17 июнда оқланган (Иш П-34280).

**1659. Маматқулов Абдулазиз** (1908 йилда Андижон шаҳрида туғилган, Янгиободда яшаган, қулоққа тортилган. Украинанинг Херсон области Голопристан райони Михайловка посёлкасига сургун қилинган) Николаев области ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик» 1937 йил 15 ноябрда 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган.

**1660. Маматурдиев Рўзибой** (1911 йили Ворошилов райони Қўрғонтепа қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Ҳидоятхон 1912 йили туғилган, қизи Мақсудахон 5 ёшда) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 13 октябрда оқланган (Иш П-39941).

**1661. Мамутов Отахон** (1902 йили Хўжаобод райони Манак қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1931 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар Пахтаобод номли колхоз аъзоси, хотини Мирзакаримова Осиё 24 ёшда, онаси Қорасоч 70 ёшда, ўғиллари – Аҳмад 10 ёшда, Раҳмат 1 ёшда) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» №10879 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-36514).

**1662. Мараҳимов Машарип** (1869 йили Марҳамат райони Қўшин қишлоқ совети Шўр қишлоғида туғилган, ўзбек, биринчи хотини Холмирзаева (50 ёшда), иккинчи хотини Маҳмудова Ҳанифа (37

ёшда), ўғиллари Машарипов Абдуваҳоб (32 ёшда), Қозибобо (21 ёшда), Абдуғани (15 ёшда), Абдуманноб (11 ёшда), Абдужон (5 ёшда), қизлари Солия (27 ёшда), Санарбиби (9 ёшда), Иноят (16 ёшда), Малоҳат (2 ёшда) 1937 йил 1 сентябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 29 сентябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 10 июнда оқланган (Иш П-34514).

**1663. Масаидов Худойқул** (1875 йилда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, СССР фуқароси. Қамоққа олингунга қадар Голопристан районида яшаган ва пахтачилик совхозида ишлаган) фуқаролар уруши даврида совет ҳокимиятига қарши фаол иштирок этганликда, Германия разведкаси топшириғи билан ташкил этилган антисовет ўзбек миллатчи ташкилотнинг иштирокчиси бўлганликда айбланган. «Учлик»нинг қарори билан 1938 йил 13 октябрда отувга ҳукм этилган.

**1664. Матазимов Абдураззоқ** (1875 йили Балиқчи райони Ўрмонбек қишлоғида туғилган, ўзбек, СССР фуқароси, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар «Икромов» колхозида ишлаган, хотини Кенжабуви 55 ёшда, ўғли Абдуразоқов Абдулла 22 ёшда, қизи Ширмон 7 ёшда, барчаси Балиқчи райони Ўрмонбек қишлоғида яшаган) «учлик» томонидан 1937 йил 30 сентябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 30 августдан ҳисобланган, 1990 йил 1 мартда оқланган (Иш П-9405).

**1665. Матёқубов Мамадали** (1891 йили Ворошилов райони Хонобод қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар «Ёш ленинчи» колхози аъзоси, турмуши билан ажрашган) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 13 октябрда оқланган (Иш П-39945).

**1666. Матёқубов Матқосим** (1861 йилда Андижон районида туғилган, ўзбек, қулоқ, СССР фуқароси, партиясиз, қамоққа олингунга қадар Голопристан районида яшаган ва пахтачилик совхозида ишлаган) фуқаролар уруши даврида совет ҳокимиятига қарши босмачилар отрядига ёрдам берганликда, Германия разведкаси топшириғи билан ташкил этилган антисовет, ўзбек миллатчи ташкилотнинг иштирокчиси бўлганликда айбланиб, «учлик»нинг қарори билан 1938 йил 13 октябрда отувга ҳукм этилган.

**1667. Матёқубов Худойберди** (1898 йили Хўжаобод райони Хидирша қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1932 йили қулоққа тортилган) 1937 йил 14 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» №12460 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 14 ноябрдан ҳисобланган.

**1668. Матисаев Матмуса** (1876 йили Сталин райони Гулбоғ қишлоғида туғил-

ган, уйғур) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган.

**1669. Маткаримов Шокиржон (Мадкаримов)** (1896 йили Ворошилов райони Султонобод қишлоғида туғилган, уйғур, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Ризвонхон (27 ёшда), ўғиллари Собиржон (9 ёшда), Сайиджон (7 ёшда), Усмонжон (4 ёшда), қизи Нора (2 ёшда), онаси Тожибиби (50 ёшда) 1937 йили 25 февралда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 1 октябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига хукм қилган, жазо муддати 1937 йил 25 февралдан ҳисобланган, 1989 йил 13 октябрда оқланган (Иш П-39694).

**1670. Матқосимов Раҳмонқул** (1875 йили Марҳамат райони Кулла қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Тўйчиева Зайнаб (54 ёшда), ўғли Баҳромбой (24 ёшда) 1937 йил 23 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 29 сентябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 10 июнда оқланган (Иш П-34503).

**1671. Машрабов Жалил** (1906 йили Марғилон шаҳрида туғилган, Ленин шаҳрида яшаган, ўзбек, Ленин шаҳридаги аксилинқилобий миллатчи гуруҳларда иштирок этган) 1937 йил 3 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 3 ноябрдан ҳисобланган.

**1672. Мирзаалиев Темирқори** (1896 йили Ойим райони Мукур қишлоғида туғилган, қирғиз, ҳибсга олингунга қадар Фрунзе номли колхоз аъзоси, хотини Ҳалимахон 28 ёшда, қизи Ҳамрохон 5 ёшда, акаси Бегмат 46 ёшда) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 9 сентябрда оқланган (Иш П-36507).

**1673. Мирзабадалов Мирзаабдулла** (1874 йили Андижон уезди Шаҳрихон шаҳрида туғилган, ўзбек, деҳқон-қулоқ, маълумотсиз, оилали, судланмаган) 1931 йил августида қулоқ хўжалиги раҳбари сифатида Херсон области Каховский районига сургун қилинган, пахтачилик совхозида ишлаган.

**1674. Мирзараимов Мамарасул** (1901 йили Пахтаобод райони Бойкечик қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар «Комсомол» колхози аъзоси, хотини Туйнашхон (20 ёшда), қизи Тожихон (2 ёшда), онаси Нодирабиби (60 ёшда) 1937 йил 26 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 26 октябрдан ҳисобланган. Оқланмаган (Иш О-5967).

**1675. Мирзараҳимов Усмонали** (1882 йили Пахтаобод райони Қўқон-

қишлоқ қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Соттибиби (40 ёшда), ўғиллари Муталиб (1932 йили туғилган), Абдулло (1935 йили туғилган), барчаси Пахтаобод райони Кўқонқишлок қишлоғида яшаган) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 5 мартда оқланган (Иш П-8558).

**1676. Мирзараҳимов Холмирза** (1900 йили Андижон райони Маслаҳат қишлоқ совети Маслаҳат қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар Лочин номли колхоз аъзоси, хотини Тожихон 1917 йили туғилган, ўғли Абдупатто 1937 йили туғилган, қизи Олмахон 1929 йили туғилган, отаси Мирзараҳим, акаси Тошбой) 1937 йил 31 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган. 1989 йил 16 октябрда Мирзараҳимов Холмирза оқланган (Иш П-39961).

**1677. Мирзашарипов Ахмадбек** (1903 йили Марҳамат райони Шўрқўшчи қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар «Коммунизм» колхози аъзоси, акаси Рустам) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 18 сентябрда оқланган (Иш П-36902).

**1678. Мирсаидов Абдуҳалил** (1908 йили Балиқчи райони Қияли қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар МТС номли колхоз аъзоси) 1937 йил 27 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 27 октябрдан ҳисобланган. 1957 йил 30 майда оқланган (Иш П-21177).

**1679. Мирфайзиев Мираҳмад** (1872 йили Ойим райони Чек қишлоғида туғилган) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**1680. Мусаев Маҳмуд** (1890 йили Жалолқудуқ райони Кўтарма қишлоқ совети Ҳидирша қишлоғида туғилган, қирғиз, ҳибсга олингунга қадар Кўтарма қишлоқ совети «Социализм» колхози аъзоси, хотини Мусаева Рихсибий 32 ёшда, ўғиллари Мусаев Имомберди 1916 йили туғилган, Саримбой 1931 йили туғилган) 1937 йил 25 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 24 августда оқланган (Иш П-36109).

**1681. Мусаев Мухтор** (1897 йили Ойим райони Қурут қишлоғида туғилган, қирғиз, ҳибсга олингунга қадар Пахтачи номли колхоз аъзоси, фарзандлари – Тўтихон 13 ёшда, Қўчқор 7 ёшда, Си-

дик 8 ёшда) 1937 йил 18 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 18 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 9 сентябрда оқланган (Иш П-36508).

**1682. Мусаев Ҳожиназар** (1879 йили Андижон шаҳрида туғилган, машғулоти аниқ эмас, хотини Аҳмадалиева Санамбиби, ўғиллари – Ёқубжон 13 ёшда, Асадулло 5 ёшда) 1937 йил 21 августда ҳибсга олинган. «Учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилган, СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 16 январдаги фармони билан оқланган.

**1683. Мусаев Юлдаш** (1878 йили Ворошилов райони Чимён қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, яқин қариндошлари йўқ) 1937 йил 20 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 20 октябрдан ҳисобланган. 1990 йил 23 мартда оқланган (Иш П-36858).

**1684. Мусулмонқулов Мажид** (1889 йили Марҳамат райони Ҳакка қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар кетмончи, Будёний номли колхоз аъзоси, хотини Тўрақулова Саодат, укаси Отақўзи, укасининг хотини Муҳаммадотаева Гулой, ўғли Мажидов Омад, ўғли Аҳмаджон, барчаси Марҳамат райони Ҳакка қишлоғида яшаган) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган, оқланмаган (Иш П-8570).

**1685. Муҳаммаджонов Ёқубжон** (1881 йилда туғилган, Ўзбекистон ССР Андижон шаҳридан. 1931 йили қулоқ сифатида Украина ССРга сургун қилинган. Херсон области Голопристан райони Михайловка посёлкасида яшаган, «Коминтерн» пахтачилик совхозида ишлаган. Миллати ўзбек, собиқ савдогар, қулоқ, қуйи маълумотли, партиясиз) 1937 йил 9 январда ҳибсга олинган. Украина ССР Жиноят кодексининг 54-11-моддаси билан айбланиб, НКВД Одесса вилояти бошқармаси қошидаги «учлик»нинг 1937 йил 9 августдаги қарори билан 10 йил қамоқ жазоси тайинланган.

**1686. Муҳаммадҳожиев Ҳожимамат** (1879 йилда Хўжаобод райони Қоратаит қишлоғида туғилган, қирғиз, СССР фуқароси, собиқ босмачи-қўрбоши, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси, оилавий муносабатлари тўғрисида маълумотлар йўқ) 1937 йил 15 июлда ҳисбга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 16 январда оқланган.

**1687. Нажмиддиинов Мулла Абдухолиқ** (1901 йилда Хўжаобод райони Қиссакўз қишлоғида туғилган, диний уламо ва имом, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 1937 йил 17 июлда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга хукм қилган. Иши терговга оширилган.

**1688. Назаралиев Раҳимжон** (1896 йили Андижон шаҳрида туғилган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Болбоева Жамбулхон 39 ёшда, ўғиллари – Обид 17 ёшда, Азим 13 ёшда, Латиф 2 ёшда, қизлари – Ибохон 7 ёшда, Улфат 3 ёшда, акаси Умарали 51 ёшда, укалари – Усмонали, Абдумўмин 21 ёшда, Йўлчибой 18 ёшда, Ҳамиджон 16 ёшда, Абдуқаххор 14 ёшда, синглиси Саидакбархон 13 ёшда) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган, 1983 йил 11 июлда оқланган (Иш П-32913).

**1689. Назарқулов Қўшбой** (1875 йили Хўжаобод районида туғилган, қирғиз, йирик савдогар, «Большевик» колхози аъзоси, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, ўғли Қўшбаев Сағинбой 20 ёшда, қизи Шарофат 8 ёшда) 1937 йил 4 августда ҳисбга олинган. «Учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилган, 1937 йил 23 октябрда Андижон қамоқхона шифохонасида вафот этган, 1989 йил 16 январда оқланган.

**1690. Назаров (Қирғизбоев) Яхшибой** (1892 йили туғилган, Қозоқ қўрбоши босмачи тўдаларининг собиқ фаол босмачиси, ҳибсга олингунга қадар «Правда» колхози аъзоси, хотини Норишева Хосият 27 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган. 1989 йил 21 июнда оқланган (Иш П-34313).

**1691. Назаров Қобилжон** (1910 йили Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Қўқонқишлоқ Ўзбексавдо 60-магазин мудири, хотини Шарапатхон (18 ёшда), қизи Ойшахон (6 ёшда), барчаси Андижон шаҳрида яшаган) 1937 йил 5 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 8 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 5 ноябрдан ҳисобланган, 1957 йил 12 августда оқланган (Иш П-21436).

**1692. Назаров Холиқберди** (1896 йили Балиқчи райони Чинобод қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар райпо ошхонасида тайёрловчиси, хотини Ходия 29 ёшда, қизи Норминса 10 ёшда, синглиси Ҳалима 25 ёшда, укаси Эгамберди 32 ёшда) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 24 октябрда оқланган (Иш П-38770).

**1693. Назаров Эргаш** (1900 йили Ворошилов райони Хонобод қишлоғида туғилган, қирғиз, Юнус Саид қўрбоши босмачи тўдасининг собиқ фаол босмачиси) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 16 октябрда оқланган (Иш П-39970).

**1694. Ниёзов Булоқбой** (1879 йили Хўжаобод райони Қурама қишлоғида

туғилган, турк, аввал юзбоши Мулла Шамсикал понсод тўдасида фаол босмачи бўлган, ҳибсга олингунга қадар «Қирғизобод» колхози аъзоси, хотини Омонбоева Қорақиз 43 ёшда, ўғиллари – Муҳиддин 15 ёшда, Салоҳиддин 8 ёшда, Саидохун 3 ёшда, жиянлари – Ойиста 10 ёшда, Ойимхон 7 ёшда) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» №10881 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 15 февралда оқланган (Иш П-9114).

**1695. Ниёзов Йўлдош (бойвачча)** (1882 йили Балиқчи райони Қўшкўприк қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Тўпанисо Маткаримова (41 ёшда), укаси Абдураҳмон Йўлдашев (37 ёшда), ўғли Зокиржон Йўлдашев (17 ёшда), қизлари Зебинисо, Меҳриниса (2 ёшда) 1937 йил 26 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 17 июнда оқланган (Иш П-34374).

**1696. Ниёзчақов Қосимбой** (1875 йили Ворошилов райони Султонобод қишлоғида туғилган, уйғур, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Рўзи 57 ёшда, ўғли Мирақул 22 ёшда, қизи Орзихон 12 ёшда, Мансур 8 ёшда) 1937 йил 17 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 21 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 17 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 16 январда оқланган (Иш П-9098).

**1697. Нишонов Акбар** (1892 йили Балиқчи райони Қияли қишлоғида туғилган, ўзбек, қўрбоши Шерали понсод босмачилар тўдаси собиқ босмачиси, ҳибсга олингунга қадар МТС номли колхоз аъзоси, хотини Ниёзматова Тожибиби (40 ёшда), ўғли Исоқжон (14 ёшда), қизи Саодат (7 ёшда), қизи Шарофат (6 ёшда) 1937 йил 27 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган. 1957 йил 30 майда оқланган (Иш П-21177).

**1698. Нодирқулов Ҳайдар** (1879 йили Хўжаобод райони Така қишлоғида туғилган, турк, аввал фаол босмачи бўлган, ҳибсга олингунга қадар «Будённи» номли колхоз аъзоси, хотини Қўрабоева Тожинисо 41 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» №12462 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 28 майда Нодирқулов Ҳайдар оқланган (Иш П-11528).

**1699. Нормалиев Мулла Холдор** (1878 йили Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар косиб, ўғли Холдоров Манноп (1919 йили туғилган), онаси Мирзаева Садарбиби) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 20 мартда оқланган (Иш П-10025).

**1700. Норбоев Матёқуб** (1903 йили Жалолқудуқда туғилган, ўзбек, миллатчи «Маданият» ташкилотининг фаол аъзоси) 1937 йил 20 сентябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган.

**1701. Норимбоев Раҳмонали** (1870 йили Избоскан райони Тўрткўл қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, ўғли Раҳмоналиев Ҳабибулло (10 ёшда), қизи Рокия (6 ёшда), ўғли Абубакир (35 ёшда) 1937 йил 23 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган, 1990 йил 5 февралда оқланган (Иш П-7415).

**1702. Норқўзнев Абдураҳмон** (1898 йили Пахтаобод райони Тақачи қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхоз аъзоси, биринчи хотини Норқўзиева Турсунбиби 40 ёшда, иккинчи хотини Омина 35 ёшда, қизлари – Абдураҳмонова Турғунбуш 13 ёшда, Артиуш 9 ёшда, Ибодат 7 ёшда, Муборак 4 ёшда, Назира 1 ёшда, ўғиллари – Абдужалил 5 ёшда, Холмирза 8 ёшда, Карим 1 ёшда) 1937 йил 26 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 26 октябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 июлда Норқўзиев Абдураҳмон оқланган (Иш П-35066).

**1703. Норқулов Абдураҳмон** (1888 йили Хўжаобод райони Эскикўрпа қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1928 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар Фрунзе номли колхоз аъзоси, хотини Ғозиева Каромат 30 ёшда, қизлари – Абдураҳмонова Тожихон 1924 йили туғилган, Турсинхон 1936 йили туғилган) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» №12457 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 23 мартда оқланган (Иш П-28994).

**1704. Норматов Раҳимжон ҳожи** (1898 йили Андижон округи Шаҳрихон районида туғилган) қулоқ қилиниб, Голопристан районига сургун қилинган, бу ердаги «Коминтерн» пахтачилик совхозида бригадирлик қилган. У билан бирга шу совхоздан 14 киши (шундан 4 киши ўзбеклар, 10 киши туркманлар) 1938 йил 22 октябрда Николаев область ички ишлар бошқармаси қошидаги махсус «учлик» қарори билан отилган. Андижон райони Маслаҳат қишлоғида 1904 йилда туғилган Нурмирза Холиқов, Андижон районидан 1907 йилда туғилган Низомиддин Муродов, 1872 йилда туғилган Худоёр Гаиповнинг ҳаммаси «Коминтерн» пахтачилик совхозида бригадир бўлганлар. Раҳимжон Ҳожи Норматовнинг ҳибсхонадан араб имлосида ёзилган мактуби ҳозирги вақтда Херсон области давлат архиви фондида сақланмоқда. Мактубнинг ўзбек ва араб имлосидаги матнини келтирамиз:

# Ҳужжатлар далолати

## Хувалқаюм!

## Соғинчилик саломнома!

Дуои салом. Сўнг салом алейклардан кейин шундай илож ила астойдил интилиб сўнгра саломимиздан етиб маълум бўлсинким, бизлар мунда сиҳат ва саломатдирмиз. Сиз жаноби Кремль қарорларини саҳат-саломатчиликларини тилаб таҳияшомликларини сизларга тилак айлайдурмиз.

Хуванди, таборак ва таоло даргоҳида тиламоқдадурмиз. Илоҳий саломат бўлсунлар деб хат ёзғувчи қизил ҳақиқат масҳаби Раҳимжон Ҳожи.

Муҳаммаджон акамга бола-чақалари билан
Раҳимжон Оқсоқол отага
Мулло Ибод ва Алимохун домлага
Мирзо Абдулло Ҳожи акамга
Мулло Мирзо Ҳошимга
Мулло Тўрахон қори акамга
Мулло Сулаймонқул акамга
Мулло Турсунқул акамга
Мулло Мавлонқул акамга
Мулло Валихон акамга
Мулло Мўйдин Аминга
Ҳошимовга
Мулла Бурхонга оилалари билан
Мулло Абдураҳмонга бола-чақалари билан
Мулло Мирзохонга
Мулло Мирзажонга
Ҳожимат акамга
Жўра қассобга
Эрматжонга
Мулло Абдусаломга
Мулло Абдукаримга
Мулло Тожибойга
Аҳмад Каллага

---

[1] Ўша архив, 168-варақ.



Раҳимжон Ҳожи Норматов мактубидан намуна.

Қолган биродарларга, тул хотинларга ҳам кўпдан-кўп салом, Мулло Иброҳимжон яна ўзингиз ҳаммасига, дўконга келганда саломни эшиттириб қўйгайсиз албатта. Сониян бандалик изҳор қилиб ва камоли саргордонликда (сарафкондалик) шул хусусидадурким бизлар саломат 7 апрелда уйимизга келдук. Ўйнаб-кулиб юрдик. Тўй ҳам қилдук. Қўзихоннинг боласига камина ва оналари ҳам келиб кеттан эрди. 10 апрелда, 15 апрелда устани машинага солиб менинг уйимга келди, мени ҳам олиб борди. Камина терговдан ҳам сўнг комендант билан бирла сўроқ қилди, кўп қаттиқ сиёсат қилди ва устанг отилур ва сен ҳам отилурсан, деди. Беш йил сўроқ бўлурсан деди. Сабаб нима десам, сен кўп болаларни хатна қилдинг, беш нафари ўлибдур, қолганлари мактабдан, ўқишдан қолибдур. Шунинг учун шундоқ бўласизлар деб турибдур. Билмаймиз нима бўлади. Бизнинг қонун шундоқ қиламиз, бизда қонун йўқ экан, уста бурун олиб бориб хатна қилдирди. Бу ерда шунча болалар хатна қилинди, бирортаси ҳам ўлгани йўқ, у ерда ҳам ўлмайди дедим. Бу ерда кимни кесган деди. Қўзихонни ўғлини хатна қилган, ҳозирда ўйнаб юрибди дедим. Ўзинг ҳам боргансан, тўй куни болани ҳам кўрганмиз, десам мен қиз тўйига деганман, билганим йўқ деб тонди.

Жами бўлган ишларни айтдим. Сени бир кун қамади, эшитдик, жавоб бердинг, прокурор қамади, икки кундан кейин бул ҳам қўйиб юборди, саломат келдук. Мен олиб келурман деб эрдим, олиб келдим ва уйимни ҳам тинтув қилдик, деб кўп мендан хафа бўлди. Мен айтдимки, 5 йил бермоқ тугул отиб урсанг ҳам розиман дедим. Қўлингдан нима келса шуни қил дедим. Қонун нимани талаб қилса, шуни қилгил дедим. Ёзиб олай, бўлган гапларни. Энди нима бўлур билмайман. Аммо Иброҳимжон ука ушбу хат қўлига тегса, теккан замон бўлган ишлардан хабар беринг. Кимлар ўлди, хатна қилинган болалар ҳақида нима гаплар бўлди. Тезлик билан хат қилиб бўлган воқеаларни баён қилгайсиз, жон укам! Аммо ҳеч ким ўлмаган бўлса, тинчлик бўлса русча қилиб хат киритгайсиз. Мен уйлайман, муаллимлар танқид қилиб турган эди, деб агар-чи ким ўлмай муаллимларни танқид қилган бўлса чорасига кириб зудлик билан бирлашиб хат юборгайсиз.

Камина гумонда ва онгга агарда мумкин бўлса, ёки ўлганлари бўлса, бу сўз рост бўлса, ҳаммаси сизларга қарши бўлса, ҳижолат бўлмайсизлар. Ҳар на бўлса худони хоҳиши, пешонамдагини кўрурман деб мард киши маъносида туриш жоиздур. Уйимда турибман деб ёздим. Р. Норматов, 19 апрель (1938 йил — *Р. Ш.*).



Раҳимбой ҳожининг ўғли Абдумажид (2012 йил вафот қилган), қизи Холисхон (2013 йилда вафот қилган). Улар Олтинкўл тумани Ўртаариқ қишлоғида яшаган, уларнинг авлодлари ҳозирда шу қишлоқда яшамоқда

**1705. Нурматов Мирбува** (1891 йили Хўжаобод райони Қувватмурод қишлоғида туғилган, аввал Болта понсод босмачи тўдалари ҳаракатида фаол иштирок этган босмачи, ҳибсга олингунга қадар Фрунзе номли колхоз аъзоси, хотини Исматуллаева Тўхтахон 42 ёшда, ўғли Султонмаҳмуд 13 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» №11051 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. Оқланмаган (Иш О-7247).

**1706. Нурматов Муллақўлдош** (1892 йили Ленин райони Карл Маркс қишлоқ совети Хўжасан қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, ўғли Омонбой 19 ёшда, қизи Хадича 11 ёшда) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-37400).

**1707. Нурматов Ниёзали** (1875 йили Жалолқудуқ райони Сўфи қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар сартарош, хотини Ҳамрақулова Бухажал (56 ёшда), хотини Имомбердиева Тожихон (36 ёшда), қизи Ниёзалиева Хайринисо (9 ёшда) 1937 йил 26 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 1 октябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 19 июнда оқланган (Иш П-34241).

**1708. Нурматов Саидаҳмад** (1887 йили Балиқчи райони Қияли қишлоғида туғилган, ўзбек, Умар қўрбоши, Шерали понсод қўрбоши босмачи тўдаларида собиқ босмачи, ҳибсга олингунга қадар МТС номли колхоз аъзоси, хотини Торозибобоева Оқилбиби (31 ёшда), қизи Ҳафиза (9 ёшда) 1937 йил 27 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 27 октябрдан ҳисобланган. 1957 йил 30 майда оқланган (Иш П-21177).

**1709. Нурматов Фозил** (1888 йили Хўжаобод райони Будёний номли қишлоқда туғилган, турк, собиқ қулоқ, 1932 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар «Пахта фронти» колхози аъзоси, хотини Бузайнаб 45 ёшда, қизи Фозилова Турсун 1922 йили туғилган) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» №12458 иш бўйича 1937 йил 27

ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 23 мартда оқланган (Иш П-28995).

**1710. Нурматов Эргаш** (1867 йили Балиқчи райони Гулистон қишлоғида туғилган, ўзбек, СССР фуқароси, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар Молотов номли колхоз аъзоси, хотини Энабиби 40 ёшда, ўғли Хурсан 4 ёшда) «учлик» томонидан 1937 йил 30 сентябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган, 1990 йил 1 мартда оқланган (Иш П-9406).

**1711. Оқилов Эшбой қўрбоши** (1895 йили Балиқчи райони Қияли қишлоғида туғилган, ўзбек, Кўршермат, Мадаминбек қўрбоши босмачи тўдаларидаги собиқ йирик қўрбоши, ҳибсга олингунга қадар МТС номли колхоз аъзоси, хотини Икромова Сарвара (34 ёшда), ўғли Эшбоев Иминжон (13 ёшда), ўғли Мўмин (11 ёшда), Муродали (8 ёшда), ўғли Умматали (1 ёшда), қизи Акбархон (16 ёшда), қизи Мўтабархон (3 ёшда) 1937 йил 27 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган. 1957 йил 30 майда оқланган (Иш П-21177).

**1712. Оминов Тўйчи** (1881 йили Андижон шаҳрида туғилган, элликбоши ва саркор Парпи қўрбоши босмачи тўдасининг собиқ фаол босмачиси, миллатчи «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзоси, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Нозибиш 53 ёшда, қизлари – Ойша 15 ёшда, Азиза 10 ёшда) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 21 июнда оқланган (Иш П-34332).

**1713. Оминов Эшонқул Султон** (1899 йили Ворошилов райони Қўштепа қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар Радио номли колхоз аъзоси, хотини Улуғбиби 35 ёшда, фарзандлари – Ўлмас 15 ёшда, Ўғилхон 7 ёшда, Холим 5 ёшда) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 16 октяюрда оқланган (Иш П-39971).

**1714. Орзибоев Рустам** (1890 йили Андижон райони Арз қишлоғида туғилган, ўзбек, босмачи тўдаларининг собиқ шериги, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Мамасобирова Баҳринисо 1892 йили туғилган, қизи Рустамова Тўхтинисо 1917 йили туғилган, ўғиллари – Абдусамат 1921 йили туғилган, Абдукарим 1925 йили туғилган) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 29 мартда оқланган (Иш П-28799).

**1715. Орзиев Раҳимжон** (1868 йилда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, қулоқ, СССР фуқароси, партиясиз, қамоққа

олингунга қадар Голопристан районида яшаган, пахтачилик совхозида ишлаган) 1920 йилда совет ҳокимиятига қарши курашда қатнашганликда, Германия разведкаси топшириғи билан ташкил этилган антисовет ўзбек миллатчи ташкилотининг иштирокчиси эканликда, совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш олиб боришда айбланиб, «учлик»нинг 1938 йил 13 октябрдаги қарори билан отувга ҳукм этилган.

**1716. Ортиқов Абдусаттор** (1902 йили Баликчи райони Эски Ҳаққулобод қишлоғида туғилган, ўзбек, миллатчи «Маданият» ташкилотининг аъзоси, ҳибсга олингунга қадар Учқўрғон райони «Ленин йўли» колхози мироби, хотини Ортиқова Ҳожинисо, ўғиллари Абдуқаҳҳор (1932 йили туғилган), Абдуваҳоб (1936 йили туғилган), қизи Обида (1934 йили туғилган) 1937 йил 28 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган, 1990 йил 6 мартда оқланган (Иш П-13866).

**1717. Ортиқов Ваҳоб** (1889 йили Баликчи райони Чинобод қишлоғида туғилган, ўзбек, СССР фуқароси, Қўқон хони Худоёрхон ноибининг ўғли, ҳибсга олингунга қадар Баликчи район сув хўжалигининг катта миршаби, хотини Хадича 32 ёшда уй бекаси) 1937 йил 27 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган, 1990 йили 18 апрелда оқланган (Иш П-28812).

**1718. Ортиқов Қўшақбой** (1871 йили Андижон райони Шувозор қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхоз аъзоси, хотини Пирмонисо, ўғиллари – Усмонали, Қамбарали, Комил, Араббой) 1937 йил 1 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 1 октябрдан ҳисобланган, 1990 йил 28 февралда оқланган (Иш П-8398).

**1719. Ортиқов Тошпўлат** (1873 йили Андижон уезди Асака волости Қурама-Чавкан қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон. 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинага сургун қилинган) 1938 йил 10 февралда қамоққа олинган. НКВД Николаев области ички ишлар бошқармаси «учлиги»нинг 1938 йил 3 апрелдаги қарори билан отувга ҳукм этилган.

**1720. Отабеков Турғун** (1871 йилда туғилган, Андижон райони Хакан қишлоқ советидан, қулоқ сифатида 1931 йили Украинага сургун қилинган) сургундалигида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, меҳнат учун кўчирилганларнинг қочишини ташкил этганликда, бутун оиласи билан хорижга қочиш учун қулай пайт пойлаганликда, хорижда фашистик ҳокимият мавжуд жойда яшаш учун ҳаракат қилганликда айбланиб отувга ҳукм этилган.

**1721. Отабоев Мамажон** – 1884 йил туғилган Балиқчи тумани Эски Ҳақулобод қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси.

Колхозчилар орасида аксилинқилобий ва колхозларга қарши ташвиқот олиб борганликда, аёлларга нисбатан нотўғри фикр айтганликда айбланган. «Учлик»нинг 1938 йил 7 февралдаги йиғилишида 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

**1722. Отабоев Маматюсуф** (1907 йили Ленин райони Қораҳанди қишлоғида туғилган, қирғиз, ҳибсга олингунга қадар буғдой ўримчиси, қизи Қизлархон чақалоқ) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-36813).

**1723. Отахонов Бўта** (1898 йили Андижон области Марҳамат райони Кулла қишлоғида туғилган, ўзбек, Марҳамат райони Кулла қишлоғида яшаган, ҳибсга олингунга қадар Карл Маркс номли колхоз аъзоси, хотини Искандарова Нурхон (30 ёшда), қизи Бойбўтаева Улфатхон (5 ой) 1937 йил 24 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 29 сентябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган, 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-37581).

**1724. Охунжонов Абдувоҳид** (1887 йили Сталин райони Сталин қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Ленин райони Федченко станцияси мудири, хотини Аҳмедова Фозилла, ўғли Набижон) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган. 1989 йил 10 июнда оқланган (Иш П-34418).

**1725. Охунжонов Отахон** (1889 йили Ленин райони Қўрғонча қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Фотибиби 40 ёшда, ўғли Отаханов Дадажон 1921 йили туғилган, қизлари – Рисолат 1927 йили туғилган, Шарофат 1932 йили туғилган) 1937 йил 26 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган. 1990 йил 14 мартда оқланган (Иш П-28899).

**1726. Петров Семён Данилович** (1875 йили Куйбышев ўлкаси Барыш райони Кисилёв қишлоқ совети Сорокин қишлоғида туғилган, рус, Жалолқудуқ райони 7-бўлим совхозида яшаган, ҳибсга олингунга қадар 7-бўлим пахта совхозида комендант бўлган, хотини Петрова Ксения Федотовна 1875 йили туғилган, қизи Гичко Ульяна Семеновка 32 ёшда. 1937 йил 25 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 24 августда оқланган (Иш П-36110).

**1727. Пирматов Мирза** (1914 йили Балиқчи райони Қияли қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар МТС номли колхоз аъзоси, укаси Пирматов Ҳаким (22 ёшда), укаси Икром (11 ёшда) 1937 йил 27 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 27 октябрдан ҳисобланган. 1957 йил 30 майда оқланган (Иш П-21177).

**1728. Пирматов Мулла Содиқ** (1887 йили Андижон райони Сарой қишлоғида туғилган, ўзбек) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**1729. Пирматов Ҳайитмирза** (1903 йили Балиқчи райони Хўжаобод қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар «Чернова» колхози аъзоси, уйланмаган) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 2 ноябрда оқланган (Иш П-37276).

**1730. Подшохўжаев Икромхўжа** (1882 йили Андижон шаҳрида туғилган, Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида яшаган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Майрампоша (45 ёшда), ўғиллари – Юлдашхўжа (18 ёшда), Ширмонхўжа (9 ёшда), қизи Мунавархон (6 ёшда) 1937 йил 21 сентябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 сентябрдан ҳисобланган, 1990 йил 15 февралда оқланган (Иш П-9119).

**1731. Постный Максим Васильевич** (1911 йили Ғарбий Сибир ўлкаси Зотобольск райони Сергиевск қишлоқ совети Константинов қишлоғида туғилган, украин, Жалолқудуқ райони А.Икрамов номли совхозда яшаган, ҳибсга олингунга қадар тракторчи, отаси Постный Василий Иванович (1885 йилда туғилган), укалари Постный Михаил (1917 йилда туғилган), Иван (1929 йилда туғилган), сингиллари Постный Анастасия (1915 йилда туғилган), Мария (1924 йили туғилган), Вера (1926 йили туғилган) 1937 йил 25 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 21 ноябрда 8 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган, 1989 йил 16 октябрда оқланган (Иш П-39953).

**1732. Ражапов Мулла Омон** (1896 йили Марҳамат райони Шукур қишлоғида туғилган, тожик) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**1733. Раззоқов Умар** (1882 йили Балиқчи райони Асронқул қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини ва-

фот этган, қизи Саодат (1924 йили туғилган), қизи Роҳатой (1928 йили туғилган), қизи Ибодат (1930 йили туғилган), қизи Тожи (1932 йили туғилган) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 29 мартда оқланган (Иш П-11019).

**1734. Расулов Бозорбой** (1893 йили Балиқчи райони Балиқчи қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Чинобод қишлоғида хомашё маҳсулотларини тайёрлаб берувчи, хотини Сожида (34 ёшда), ўғли Бозорбоев Солижон (13 ёшда), акаси Мирзайўлдош) 1937 йил 26 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган, 1989 йил 13 октябрда оқланган (Иш П-37340).

**1735. Раҳматов Мирзажон** (1905 йили Ворошилов райони Султонобод қишлоғида туғилган, ўзбек, Жалолқудуқ райони «Ўроқчитепа» маҳалласида яшаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси, хотини Мамарўзиева Холисхон 1917 йилда туғилган) 1937 йил 10 сентябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 22 августда оқланган (Иш П-35596).

**1736. Раҳматуллаев Отажон** (1887 йили Избоскан райони Куйганёр қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхоз аъзоси, хотини Тожибоева Шарофат 25 ёшда, фарзандлари – Олиш 6 ёшда, Исоё 2 ёшда) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 16 октябрда оқланган (Иш П-39962).

**1737. Раҳмонов Очилбой** (1880 йили Избоскан райони Тўрткўл қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Избоскан райони 8-пахта совхозида ишчи, хотини Холиназарова Олиябиби (56 ёшда), ўғли Боймурод (5 ёшда) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 5 февралда оқланган (Иш П-9227).

**1738. Раҳимқулов Роҳатқул** (1901 йили Пахтаобод райони Омончўра қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхоз аъзоси, хотини Холисхон 28 ёшда, қизи Маърифат 15 ёшда) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 12 сентябрда оқланган (Иш П-36863).

**1739. Раҳматов Йўлдош** (1908 йили Ленин райони Оқбура қишлоғида туғилган, миллати уйғур, 1931 йили қулоқ сифатида Украинага сургун қилинган, Ка-

ховский райони 2-пахтачилик совхозида ишлаган) Украина ССР Жиноят кодексининг 54-10-моддаси билан айбланган. «Учлик»нинг 1938 йил 3 апрелдаги йиғилишида отув жазосига ҳукм этилган.

**1740. Рашиддинов Исмоил** (1879 йили Хўжаобод райони Хўжаобод қишлоғида туғилган, қулоқ – руҳоний, қулоққа тортилган, имом, хотини Холчабиби, ўғли Нурмуҳаммад 1911 йилда туғилган, қизлари – Санобар 1924 йили, Кимёхон 1927 йили туғилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 1937 йил 27 августда ҳисбга олинган. «Учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм этган, 1989 йил 16 январда оқланган.

**1741. Розиқов Усмон** (1874 йили Ворошилов райони Қорасув қишлоғида туғилган, ўзбек, Холхўжа қўрбоши босмачилик тўдасининг собиқ босмачиси, ҳибсга олингунга қадар Ленин номли колхоз аъзоси, ўғли Бойбува (17 ёшда), қизи Хостожи (13 ёшда) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 28 февралда оқланган (Иш П-9138).

**1742. Рўзиматов Аҳмадали** (1874 йили Избоскан райони Тўрткўл қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Будённый номли колхоз аъзоси, хотини Бувайша (55 ёшда), ўғли Мирзамаҳмуд (35 ёшда), ўғли Ҳомид (20 ёшда), ўғли Ҳакимали (18 ёшда), ўғли Муродали (12 ёшда), ўғли Тўрақул (9 ёшда) 1937 йил 9 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 9 августдан ҳисобланган, 1990 йил 5 февралда оқланган (Иш П-7380).

**1743. Рустам Алиев Саидакбар** (1887 йили Хўжаобод райони Дилкушод қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1931 йили қулоққа тортилган, ўша йили 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, ҳибсга олингунга қадар «Ленин ёдгори» номли колхоз аъзоси, хотини Мирзаева Бумайра 45 ёшда, ўғиллари – Ҳошим 18 ёшда, Қорахўжа 2 ёшда, қизи Турди 6 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. У совет ҳокимиятига қарши, колхозни ташкил этишга қарши колхозчилар орасида аксилинқилобий ташвиқотлар олиб борганликда айбланиб, «учлик» ЖК 66-моддасининг 1-қисми асосида №11052 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-36793).

**1744. Рустамқозиев Абдусалим махсум** (1871 йилда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, собиқ катта ер эгаси, хотини Абдулазизова Иноятбиби 44 ёшда, ўғли Довуд 15 ёшда, қизи Паросатбиби 9 ёшда, Адолатбиби 9 ёшда, иккинчи хотини Мирзабоева Ҳожинисо 50 ёшда, ўғиллари – Иброҳим 26 ёшда, Маҳмуд

16 ёшда, Оқил 14 ёшда, Одил 12 ёшда, Ориф 14 ёшда, Баҳодир 10 ёшда, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 1937 йил 30 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилган. 1989 йил 16 январда оқланган.

**1745. Рустамов Парпи** (1904 йили Избоскан райони Тўраобод қишлоғида туғилган) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**1746. Саидқулов Кенжабой** (1867 йили Андижон уезди Андижон районида туғилган, ўзбек, саводли, оилали, қулоқ қилинган, касби пахтакор. 1931 йили қулоққа тортилиб Украинага сургун қилинган, Скадовский райони 1-пахтачилик совхози 2-бўлими 2-базасида меҳнат қилган) 1937 йил июнида унга кўчириб келтирилганлар орасида аксилинқилобий адабиёт тарқатганликда, ўз уйида қулоқлар аксилинқилобий гуруҳининг яширин кенгашларини ўтказганликда, аксилинқилобий хатлар ўқиганликда, 1937 йил июлида Сталин Конституцияси тўғрисида бўҳтон гаплар тарқатганликда айбланиб, НКВД Одесса области ички ишлар бошқармаси қошидаги «учлик»нинг 1937 йил 16 сентябрдаги қарори билан 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган[1].

[1] Херсон область давлат архиви, 4033-фонд, 5-рўйхат, 5601-иш, 3-варақ.

**1747. Самиқулов Сотинбой** (1870 йили Андижон райони Айрончи қишлоғида туғилган, ўзбек, Қозоқ қўрбоши бошчилигидаги босмачи тўдасининг собиқ шериги, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Тожинисо, ўғиллари – Абдулло, Убайдулло) 1937 йил 31 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган, 1990 йил 11 мартда оқланган (Иш П-15755).

**1748. Саркоров Бўлишвой** (1891 йили Ворошилов райони Қўштепа қишлоғида туғилган, Жалолқудуқ райони Савай қишлоғида яшаган, Ҳибсга олингунга қадар чўпон, хотини Эрматова Ойша 38 ёшда, ўғиллари – Мамат 18 ёшда, Рустам 12 ёшда, қизи Шарофат 15 ёшда) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган. 1989 йил 10 июнда оқланган (Иш П-34507).

**1749. Сармирзаев Али** (1903 йили Марҳамат райони Янгиариқ қишлоғида туғилган, турк, ҳибсга олингунга қадар «Қизил октябрь» колхози аъзоси, онаси Жуматова Турсун, хотини Отчопарова Саттор, ўғиллари – Комил 13 ёшда, Обид 6 ёшда, қизи Саломатхон 2 ёшда) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳи-

собланган. 1989 йил 13 сентябрда Сармирзаев Али оқланган (Иш П-38729).

**1750. Сатимхўжаев Ғозибек** (1878 йилда Андижон уезди Асака волости Олақанот қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон, маълумоти йўқ. 1931 йили Украинанинг Каховский районига сургун қилинган, 2-пахтачилик совхозида қора ишчи бўлиб ишлаган. Оиласи – 50 ёшли аёли Ҳуринисо, ўғиллари Ҳасанбой 25 ёшда, Тўхтахон 18 ёшда, Эргаш 14 ёшда, Абдумухтор 10 ёшда, барчаси пахтачилик совхозида ишлаган) 1938 йил 22 июлда НКВД Каховский райони бўлими қамоққа олган, Херсон турмасида сақланган, отувга ҳукм этилган.

**1751. Сотиволдиев Абдулла** (1883 йили Балиқчи райони Қияли қишлоғида туғилган, ўзбек, қўрбоши Умар босмачилар тўдаси собиқ босмачиси, ҳибсга олингунга қадар МТС номли колхоз аъзоси, хотини Ўринбоева Одинабиби (36 ёшда), ўғли Абдуғаффор (10 ёшда), қизи Робия (12 ёшда), ўғли Собиржон (7ёшда) 1937 йил 27 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган. 1957 йил 30 майда оқланган (Иш П-21177).

**1752. Саттаров Сотти** (1904 йили Ленин шаҳрида туғилган, ўзбек, Ленин шаҳридаги аксилинқилобий миллатчи гуруҳларда иштирок этган) 1937 йил 14 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 14 октябрдан ҳисобланган.

**1753. Сигизов Абдулло** (1902 йили Балиқчи райони Хўжаобод қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар «Намуна» колхози аъзоси, хотини Бибираима 26 ёшда, қизи Сатипой 1 ёшда) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 31 октябрда оқланган (Иш П-37275).

**1754. Содиқов Тўхта** (1886 йили Ворошилов райони Қўштепа қишлоғида туғилган, қирғиз, ҳибсга олингунга қадар «Янгиобод» колхози аъзоси, қизлари – Адолатхон (16 ёшда), Салтанат (13 ёшда), ўғли Мамадали (9 ёшда) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 28 майда оқланган (Иш П-10960).

**1755. Содиқов Ҳайдарали** (1884 йили Балиқчи райони Чинобод қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар «Янгийўл» колхози аъзоси, хотини Рисолат (1906 йили туғилган), ўғли Ҳайдаралиев Латип (1911 йил), ўғли Фаттоҳ (1923 йил), қизи Маҳбуба (1916 йили туғилган) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 22 майда оқланган (Иш П-11551).

**1756. Соқибоев Соли Амин** (1873 йили Андижон райони Жалабек қишлоқ советида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Калинин номли колхоз аъзоси, хотини Фотима (45 ёшда), ўғли Ҳайдар (18 ёшда) 1937 йил 28 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 1 октябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 19 июнда оқланган (Иш П-34238).

**1757. Солиев Маткарим** (1894 йили Ворошилов райони Абдуллаби қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхоз аъзоси, хотини Ойимча 42 ёшда, ўғиллари – Муродбек 15 ёшда, Исмоил 13 ёшда, Саидмурод 11 ёшда) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 24 октябрда оқланган (Иш П-38774).

**1758. Шаҳобиддинов Насриддин** (1867 йили Асака райони Арғин қишлоғида туғилган, Чуст райони Тошкўрғон қишлоғида яшаган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган (диний хизматчи), ўғиллари Жамолиддин (30 ёшда), Қамариддин (25 ёшда), Камолиддин (19 ёшда) 1937 йил 30 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 28 октябрда 8 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 30 августдан ҳисобланган. 1990 йил 5 мартда оқланган (Иш П-8155).

**1759. Сотиболдиев Аҳмаджон** (1899 йилда Хўжаобод райони Булоқбоши қишлоғида туғилган, ўзбек, аввал диний хизматкорлик қилган, ҳибсга олинган вақтда Киров номли колхозда бригадир бўлган, хотини Тахтихон 30 ёшда, қизи Мақсуда 13 ёшда, ўғли Отаҳомид 9 ёшда) 1937 йил 23 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга хукм қилган, 1989 йил 16 январда оқланган.

**1760. Сотиволдиев Азим** (1899 йили Хўжаобод райони Булоқбоши қишлоғида туғилган, ўзбек, собиқ қулоқ, 1932 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар Молотов номли колхоз аъзоси, хотини Мамаюнусова Хадича, ўғиллари – Каримжон 8 ёшда, Сотим 5 ёшда, қизи Холис 2 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» №12467 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 24 октябрда оқланган (Иш П-40758).

**1761. Сотиволдиев Иматали** (1902 йили Андижон районида туғилган, Ойим райони Қаландархона қишлоғида яшаган, қирғиз, собиқ босмачи, ҳибсга олингунга қадар «Қизил Тўқай» колхози аъзоси, хотини Олимбекова Фотима 28 ёшда, ўғиллари – Иматалиев Имонқул 10 ёшда, Шукур 6 ёшда) 1937 йил 24 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган. 1989 йил 21 июнда оқланган (Иш П-34659).

**1762. Сотиволдиев Нарзибек** (1890 йили Пахтаобод райони Омончўра қишлоғида туғилган, ўзбек) 1937 йил 21

ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган.

**1763. Сотимов Жакбарали** (1889 йили Избоскан райони Куйганёр қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар «Эркин» колхози кетмончиси, хотини Жолитобу 36 ёшда, қизлари – Кимсанби 1926 йили туғилган, Сотқамби 1928 йили туғилган, Пўлатби 1936 йили туғилган, ўғли Абрали 1930 йили туғилган) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 29 мартда оқланган (Иш П-28547).

**1764. Сулаймонов Маҳмуд** (1900 йили Ворошилов райони Абдуллаби қишлоғида туғилган, Мулла Қаҳҳор қўрбоши босмачи тўдасининг собиқ йигити, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхоз аъзоси, хотини Турсуной 27 ёшда, ўғли Ботир 14 ёшда) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-36210).

**1765. Сулаймонов Мулла Мавлон** (1891 йилда Андижон округи Шаҳрихон райони Жунтепа қишлоғида туғилган. 1931 йили Украинага сургун қилинган, Каховск райони пахтачилик совхозида меҳнат қилган) 1938 йил 10 июнда «учлик»нинг қарори билан отилган. Унинг катта ўғли Султонмурод 1986 йили вафот этган. Яна бир ўғли Мирзамурод 1934 йилда туғилган. Мавлон Сулаймоновнинг икки ўғли – Султонмурод ва Мирзамурод билан бирга Каховкада тушган сурати сақланиб қолган.



Мулла Мавлон Сулаймонов (1891) 1938 йил 10 июнда отилган. Ўғиллари: 1986 йил Шерқўрғон Жунтепада вафот қилган, Мирзамурод (1928 йилдан туғилган). 1934 йил, Каховка

**1766. Султонов Исмоил** (1902 йили Ўш шаҳрида туғилган, Ленин шаҳрида яшаган, ўзбек, Ленин шаҳридаги аксилинқилобий миллатчи гуруҳларда иштирок этган) 1937 йил 14 сентябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 14 сентябрдан ҳисобланган.

**1767. Султонов Тоштемир** (1882 йили Балиқчи райони Чинобод қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар «Янгийўл» колхози аъзоси, хоти-

ни Турдихон (41 ёшда), қизи Тожихон (1917 йили туғилган), қизи Турсуной (1922 йили туғилган), ўғли Эргашбой (1928 йили туғилган), ўғли Ҳакимжон (1932 йили туғилган), акаси Али (70 ёшда) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 22 майда Султонов Тоштемир оқланган (Иш П-11530).

**1768. Суханов Павел Степанович** (1910 йили Свердловск области Кугурск районида туғилган, рус, Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида яшаган, ҳибсга олингунга қадар Ворошилов райони РайФО бухгалтери, оиласи билан ажрашган) 1937 йил 12 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 12 октябрдан ҳисобланган. 1989 йил 20 сентябрда оқланган (Иш П-36858).

**1769. Темиров Мадамин** (1912 йили Ленин шаҳрида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар 5-ёғ заводи ишчиси, хотини Хадича 20 ёшда) 1937 йил 14 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 14 октябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-39856).

**1770. Темирхўжаев Умарали** (1886 йили Ворошилов райони Хонобод қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Избоскан район 8-совхозда дала ишчиси, хотини Анорхон (56 ёшда) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 8 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 23 мартда оқланган (Иш П-11000).

**1771. Тиллақулов Назарали** (1875 йили Андижон райони Пахтаобод қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар Ленинизм номли колхоз аъзоси, хотини Комила 1916 йили туғилган, ўғли Қодиржон 1927 йили туғилган, қизи Саломат 1925 йили туғилган) 1937 йил 24 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 24 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 21 июнда оқланган (Иш П-34563).

**1772. Тоғаев Абдуолим** (1865 йилда Андижон округи Шаҳрихон райони Шерқўрғон қишлоғида туғилган, 1931 йили Украина ССР Херсон области Каховск районига сургун қилинган. 2-пахтачилик совхозидаги саноат артелида хар хил ишларда ишлаган) 1937 йил 28 сентябрда қамоққа олинган. 1937 йил 22 октябрда «учлик» томонидан отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган. Айблов ҳужжатларида унинг араб имлосида ёзган дастхати архивда сақланиб қолган. Бу ҳужжатни Андижон

اوزیم مین ثالیب کیلورمن دیب گپیردیم ثالیب کیل لامه دیم سین
شو ایشلارنی قیلادینگ دیب کوب میندن خفه بولدی
مین ایتیمکی کیل بیرماق توکیل ثاتیب وارسنگ هم
راضی من و مین هم قولینگدن نیمه کیلسه شونی
قیل دیدیم بیزنینگ زه کون هم و من هم چیمه سنی نی
یازیب ثالای سولاکان کغذلارنی ئیمدی نیمه بولور
ایرکان بیل میمن امّا ئیرایم جان توکا توشبوخت
قولینگیزکا تیکسه تیکان زه مان بولکان ایشلاردن خبر
بیرینگ کیم لار تولدی نیچه کشی کیسیلکان بالهلاردن نیمه
گغلار بولدی تیزلیک بیرلان خت قلیب بولکان واقیعه
لارنی بیان قیل کای سیز جان توکا اما هیچ کیم تولمکان
بولسه بیزلیک بولسه روشن خت قلیب کویتکونچه
حکومت کشی کتخت قیل کای سیز هیچ کیم تولمکان
([illegible]) معلوم لارنی کغذ تیز تیب بیزلیک ایرکانینی ئیتکای
سیز مین تولدی من معلوم لار تفقیت قلیب تورگان ده یوق
دیب اگر هیچ کیم تولمای معلوملار تفقیت قلیب بورگان
نیچنیمه بولوب چیقسه چاره سیکا کیریب تنیسلوک
بیرلان برلاشیب خت یوبارکای سیز کیین دا نکاه اگر ده مونکین
دولسه بیکی تولکان لار راست بولسه چمه سی سیزلارگه قرشی بولسه
خیانت بولمسکلار چیرته بولسه خدانی خاحسی فی شانیده گی
کورورمن مرت کشی عیل اشده توریشی خاریز تو [illegible] توریب
من دیب . . . . . . . .

تغایف عبد عالم

Ҳужжат.

*дан нима келса, шуни қил дедим. Бизнинг закон ҳам ва мен ҳам ҳаммасини ёзиб олай, сўйлаган гапларини, энди нима бўлар эркан, билмайман. Аммо Иброҳимжон ука! Ушбу хат қўлингизга теккан замон бўлган ишлардан хабар беринг. Кимлар ўлди, неча киши хатна қилинган болалардан, нима гаплар бўлди. Тезлик билан хат қилиб бўлган воқеаларни баён қилгайсиз. Жон ука! Аммо ҳеч ким ўлмагани, муаллимларнинг гапи тарафсизлик эрканини айтгайсиз. Мен ўйлайманки, муаллимлар танқид қилиб турганда, йўқ, ҳеч нима деб, агар ҳеч ким ўлмай муаллимлар танқид қилиб юргани ҳеч нима бўлиб чиқса, чорасига кириб, тезлик бирлан бирлашиб хат юборгайсизлар, кейинда ногоҳ, агарда мумкин бўлса, ёки ўлганлари рост бўлса, ҳаммаси сизларга қарши бўлса, хижолат бўлманглар. Ҳар нарса бўлса худони хоҳиши, пешонамдагини кўрурман. Мард киши эл ичида туруши, ҳозир уйимда турибман деб мен...*

*Имзо*

Хатнинг араб имлосидаги нусхаси мана бу эди (400-бет).

Абдуолим Тоғаев ноҳақдан отилганида унинг орқасида 58 ёшли аҳли-аёли Бибинисо, қизлари Ҳамидахон — 13 ёшда, Ҳабибахон — 9 ёшда қолган эди. Уларнинг тақдири қандай кечганини билиш «Мерос» экспедицияси дастурига киритилди. 2002 йил мартида йўлимиз Шаҳрихон тумани Шеркўрғон қишлоғига тушди. Сўраб-суриштириб Абдуолим Тоғаевнинг набираси, қишлоқдаги мактабда математика ўқитувчиси Абдувоҳид хонадонида



Абдуолим Тоғаевнинг набираси Абдувоҳид оила аъзолари билан. Шаҳрихон тумани. Шеркўргон қишлоғи. 2002 йил, март.

давлат университети собиқ ўқитувчиси Муҳаммаджон Абдураҳмонов ўзбекча имлога кўчириб берган. Уларнинг ҳар иккисини илова тарзда келтиришни лозим топдик.

**1773. Тожибоев Абдураим** (1894 йили Пахтаобод райони Майбоғча қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Калинин номли колхоз аъзоси, хотини Ойимсахон (39 ёшда), қайнонаси Сорахон (65 ёшда), ўғли Мамадхон (9 ойлик) 1937 йил 18 сентябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 1 октябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 19 июнда оқланган (Иш П-34238).

**1774. Тожибоев Холмирза** (1902 йили Балиқчи райони Тумор қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Ўзбекистон компартияси Революцион комитети инструктори, хотини Хосият (30 ёшда) 1937 йил 14 сентябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 14 сентябрдан ҳисобланган, 1989 йил 4 октябрда оқланган (Иш П-38007).

**1775. Тожиев Юсуфбек** (1876 йили Асака райони Бозорбоши қишлоғида туғилган, ўзбек, Марҳамат районида яшаган, ҳибсга олингунга қадар пахтакор, Карл Маркс номли совхоз аъзоси, хотини Қўзиева Ҳайитхон, акаси Мажидов Собир, синглиси Тожинисо, ўғли Маҳмудбек (1930 йили туғилган) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 4 апрелда оқланган (Иш П-8573).

**1776. Тошлонов Мамарасул** (1881 йили Андижон райони Қайирма қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхоз аъзоси, хотини Ҳанифа, ўғиллари Тожимурод, Жўрабой) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 23 февралда оқланган (Иш П-8230).

**1777. Тошматов Абдуллажон қори** (1897 йили Андижон райони Бўстон қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Отабоева Сорашук (40 ёшда) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 22 февралда оқланган (Иш П-9219).

**1778. Тошматов Аҳмад** (1894 йили Балиқчи райони Алам қишлоғида туғилган, ўзбек, СССР фуқароси, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Абуранқораева Адолатхон 26 ёшда, ўғли Шокир 14 ёшда, қизи Тожихон 7 ёшда, отаси Исломов Тошмат 80 ёшда, онаси Фотима 50 ёшда,

укаси Ҳайит 27 ёшда, укаси Асранқул 23 ёшда) 1937 йил 29 июлда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда отувга ҳукм қилган, 1961 йил 27 декабрда оқланган (Иш П-29561).

**1778. Тошматов Болтабой** (1869 йили Балиқчи райони Қўштепасарой қишлоқ совети Қўшкўприк қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Қўштепасаройда хомашё тайёрловчи, хотини Қорабоева Тошбуви (1883 йили туғилган), қизи Эътиборхон (1913 йил туғилган), ўғиллари – Отахон (1899 йили туғилган), Солижон) 1937 йил 4 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 14 июнда оқланган (Иш П-34445).

**1779. Тошматов Мулла Эгамберди** (1870 йили Андижон шаҳрида туғилган, Ворошилов райони Ворошилов қишлоғида яшаган, ўзбек) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган.

**1780. Тошматов Отажон** (1881 йилда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, қулоқ) аксилинқилобий ўзбек миллатчи ташкилотининг иштирокчиси сифатида Михайловка посёлкасидаги бир гуруҳ қулоқлар, меҳнат учун кўчирилганлар билан бирга мунтазам равишда партия ва ҳукуматнинг олиб бораётган тадбирларини кўпоришга қаратилган тарғибот олиб борганликда, сургундагиларда норозилик, кўтарилиш кайфияти туғдираётганликда айбланиб «учлик»нинг 1938 йил 13 октябрдаги қарори билан отувга ҳукм этилган.

**1781. Тошпўлатов Мамадали** (1894 йили Риштон райони Яккақайрағоч қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Қўрғонтепа селпосида новвойхона мудири, хотини Чиннибиби 37 ёшда, фарзандлари – Нўмон 17 ёшда, Отажон 4 ёшда, Муҳаммадамин 13 ёшда, Омина 11 ёшда, Инобат 8 ёшда, Ворошилов райони Қўрғонтепа қишлоғида яшаган) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 13 октябрда оқланган (Иш П-39972).

**1782. Тошхўжаев Исомиддин ҳожи** (1897 йили Андижон райони Сарой қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхоз аъзоси, хотини 58 ёшда, қизи ва икки нафар ўғли бўлган) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 13 октябрда оқланган (Иш П-39993).

**1783. Тошхўжаев Мулла Аҳмаджон** (1884 йили Ленин райони Тожикобод қишлоғида туғилган, тожик, ҳибсга олингунга қадар имом, «Социализм» колхози аъзоси, хотини Лайлихон (36 ёшда), ўғли Мирзажон (1909 йил) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик»

1937 йил 27 ноябрда 8 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 28 февралда оқланган (Иш П-8402).

**1784. Тошхўжаев Шамсуддин қори** (1892 йили Андижон райони Сарой қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхоз аъзоси, хотини Хонзода 51 ёшда, ўғли Муҳаммадали 12 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 13 октябрда оқланган (Иш П-39973).

**1785. Тўйчибоев Умарқул** (1892 йили Балиқчи райони Хўжаобод қишлоғида туғилган, қорақалпоқ, ҳибсга олингунга қадар «Намуна» колхози аъзоси, хотини Урулчи 35 ёшда, қизлари – Онахон 10 ёшда, Роҳатбиби 1 ёшда) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 31 октябрда оқланган (Иш П-37276).

**1786. Тўйчиев Комилжон** (1879 йили Марҳамат райони Кулла қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Карл Маркс номли колхоз аъзоси, хотини Тўхтаниёзова Оминисо, ўғли Қодиржон 22 ёшда, қизи Саодат 30 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 12 сентябрда оқланган (Иш П-38732).

**1787. Тўйчиев Эргаш** (1884 йили Хўжаобод райони Тўлайкон қишлоғида туғилган, собиқ босмачи, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Худоёрова Ашир 40 ёшда, қизлари – Раҳбар 11 ёшда, Минавар 5 ёшда, Ортиқбиби 2 ёшда) 1937 йил 26 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга хукм қилган, 1989 йил 16 январда оқланган.

**1788. Тўлаков Абдубой** (1881 йили Избоскан райони Тўраобод қишлоғида туғилган, уйғур, ҳибсга олингунга қадар Эркин қишлоқ совети «Уйғур» колхозида колхозчи, хотини Матмусаева Хайринса (44 ёшда), ўғли Абдубоев Зуҳриддин (1926 йили туғилган), ўғли Мухтор (1930 йили туғилган), қизи Розия (1928 йили туғилган), қизи Фотима (1932 йили туғилган) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 23 февралда оқланган (Иш П-9232).

**1789. Турғуихўжаев Абдулла** (1905 (ёки 1897 йили) йили Избоскан райони Тошкечик қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхоз аъзоси, хотини Болтабоева Улфатхон

29 ёшда, фарзандлари – Мухторжон 12 ёшда, Ўктамжон 9 ёшда) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 16 октябрда оқланган (Иш П-39965).

**1790. Турсунқулов Турдиқул** (1899 йили Марҳамат райони Ғарғара қишлоғида туғилган, ўзбек) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**1791. Турсунов Мамаризо** (1887 йили Балиқчи райони Қияли қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар МТС номли колхоз аъзоси, хотини Мирзаниёзова Хадича (45 ёшда), қизи Саодат (23 ёшда), қизи Ортиқхон (7 ёшда), қизи Турсунхон (3 ёшда), онаси Мадаминова Улуғбиби (62 ёшда) 1937 йил 27 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 27 октябрдан ҳисобланган. 1957 йил 30 майда оқланган (Иш П-21177).

**1792. Турсунов Маматали** (1889 йили Сталин райони Аҳмадбек қишлоғида туғилган, уйғур) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган.

**1793. Тўхтабоев Оппоқҳожи** (1882 йили Избоскан райони Мойгир қишлоғида туғилган, ўзбек) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган.

**1794. Тўхтаматов Аҳмад** (1903 йили Ўш шаҳрида туғилган, Ленин шаҳрида яшаган, ўзбек, Ленин шаҳридаги аксилинқилобий миллатчи гуруҳларда иштирок этган) 1937 йил 14 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 14 октябрдан ҳисобланган.

**1795. Тўхташев Абдуқодир** (1888 йили Хўжаобод райони Дилкушод қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1932 йили қулоққа тортилган, ўша йили 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, ҳисбга олинган жойидан қочган, собиқ фаол босмачи, ҳибсга олинган вақтда «Ленин ёдгори» номли колхоз аъзоси бўлган, хотини Хожалхон 32 ёшда, қизи Назирахон 11 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. Колхозчилар орасида совет ҳокимиятига қарши ташвиқот тарқатганликда айбланиб, «учлик» ЖКнинг 66-моддаси 1-қисми асосида №11052 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-36793).

**1796. Убайдуллаев Фозил махсум** (1889 йили Андижон шаҳрида туғилган, қипчоқ, Избоскан райони Янгизамон қишлоқ совети Туячи қишлоғида яшаган, хотини Одилбоева Давлат, онаси Отхолиқова Тўпабиби 67 ёшда, қизи Фозилова Тожихон 1 ёки 2 ёшда, ҳибсга олингунга қадар колхоз фермаси мудири) 1937 йил 10 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилган.

**1797. Умаралиев Усмон Али** (1877 йили Балиқчи райони Маллачек қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар «Қизил қаҳрамон» колхози аъзоси, хотини Мастура 38 ёшда, укаси Раҳмонали 53 ёшда) «учлик» томонидан 1937 йил 30 сентябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 29 июлдан ҳисобланган, 1990 йил 22 февралда оқланган (Иш П-7789).

**1798. Умарқулов Мулла Имомқули** (1891 йили Балиқчи райони Мамаюсуф қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар Черникова номли колхоз аъзоси, хотини Фотима 40 ёшда, қизи Хадича 13 ёшда, ўғли Абдураҳим 11 ёшда) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 17 октябрда оқланган (Иш П-39958).

**1799. Умаров Усмонали** (1872 йили Ойим райони Тешиктош қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Ленин номли колхозда деҳқон, хотини Инобат, ўғиллари Убайдулло, Асқарали, қизлари Олия, Иноят, Меҳринисо, Ойша, Қумри) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 3 апрелда оқланган (Иш П-8571).

**1800. Умархўжаев Олимбек** (1876 йили Ойим райони Қизилтўқай қишлоғида туғилган, қирғиз, ҳибсга олингунга қадар диндор, имом, хотини Умархўжаева Хадича (45 ёшда), ўғли Олимбеков Чирмон (35 ёшда), ўғли Тавил (5 ёшда), укаси Мурод (37 ёшда) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 28 февралда оқланган (Иш П-8494).

**1801. Умматов Раҳмонқул** (1887 йили Балиқчи райони Мамаюсуф қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар Чернишева номли колхоз аъзоси, хотини Хайринисо 50 ёшда, қизлари – Турсуной 16 ёшда, Тўхтахон 8 ёшда) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 17 октябрда оқланган (Иш П-39958).

**1802. Умматов Чимберди** (1897 йили Балиқчи райони Мамаюсуф қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси, хотини Раҳима 30 ёшда, ўғиллари – Мамажон 12 ёшда, Нормуҳаммад 10 ёшда, қизи Кароматхон 3 ёшда) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 17 октябрда оқланган (Иш П-39958).

**1803. Ўринбоев Абдулла Суфи** (1870 йили Балиқчи райони Тулкиобод қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси, хотини Абдуллаохунова Шарофат 60 ёшда, ўғли Абдулла 38 ёшда, ўғли Абдул 27 ёшда, қизи Бувисоҳиба 34 ёшда, қизи Майрамбуви 11 ёшда, барчаси Балиқчи райони Тулкиобод қишлоғида яшаган) «учлик» томонидан 1937 йил 30 сентябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 29 июлдан ҳисобланган, 1990 йили 4 мартда оқланган (Иш П-7773).

**1804. Усмонов Ғани** (1876 йили Ойим райони Кўкалам қишлоғида туғилган, қирғиз, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Нишонбиби (1890 йили туғилган), ўғли Маликсодиқ (1915 йили туғилган) қизи Қумри (1923 йили туғилган) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 26 мартда оқланган (Иш П-11550).

**1805. Усмонов Мулла Бузулук (Бузрук Мулла)** (1876 йили Хўжаобод райони Дилкушод қишлоғида туғилган, ўзбек, диний маълумотга эга, ҳибсга олингунга қадар имом, «Сталин» колхози аъзоси, хотини Жозибова Тошбу, қизлари – Тўпа 1911 йили туғилган, Ибо 1929 йили туғилган, ўғиллари – Аъзамхон 1928 йили туғилган, Акрамхон 1936 йили туғилган) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» 1937 йил 27 ноябрда №11054 иш бўйича 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 5 февралда оқланган (Иш П-9222).

**1806. Усмонов Нўъмон** (1914 йили Ворошилов райони Қўрғонтепа қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, уйланмаган) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 24 октябрда оқланган (Иш П-38772).

**1807. Усмонов Солижон** (1897 йили туғилган, ўзбек, собиқ фаол босмачи, миллатчи «Маданият» ташкилотининг фаол аъзоси) 1937 йил 17 июлда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган.

**1808. Ўтанов Дадажон** (1911 йили Марҳамат райони Қорақўрғон қишло-

ғида туғилган, турк, ҳибсга олингунга қадар Ворошилов номли колхоз аъзоси, хотини Саримхон, отаси Ўтан, онаси Саломат) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 18 сентябрда оқланган (Иш П-36486).

**1809. Фармонов Раҳмонали** (1899 йили Марҳамат райони Шукурровод қишлоғида туғилган, тожик, ҳибсга олингунга қадар Ленин номли колхоз аъзоси, хотини Қаландарова Хайри, қизлари – Хадича 7 ёшда, Ханифа 4 ёшда, Мухтабар 10 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-38735).

**1810. Фозилов Ҳайитхўжа** (1887 йили Хўжаобод райони Дилкушод қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1929 йили қулоққа тортилган, ўша йили 1 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган, ҳибсга олинган жойдан қочган, собиқ фаол босмачи, ҳибсга олингунга қадар «Ленин ёдгори» колхози аъзоси, хотини Ойзода, ўғиллари – Аҳмад 11 ёшда, Саид 7 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. У совет ҳокимиятига қарши колхозчилар орасида аксилинқилобий ташвиқотлар олиб борганликда айбланиб, «учлик» ЖКнинг 66-моддаси 1-қисми билан №11052 иш бўйича 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-36793).

**1811. Фусаров Асқар** (1906 йили Ворошилов райони Хўжашукур қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Жаннат 1916 йили туғилган, қизлари – Асқарова Ибодатхон 1932 йили туғилган, Фусарова Ҳукуматхон 1937 йили туғилган) 1937 йил 3 сентябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 10 июнда оқланган (Иш П-34485).

**1812. Ҳайдаров Мухтор** (1907 йили Избоскан райони Пойтуғ қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Коммунизм номли колхозида пахтакор, хотини Ҳайдарова Холисхон (20 ёшда), онаси Маткаримова Ҳалима (70 ёшда) 1937 йил 23 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига хукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган, 1989 йил 14 октябрда оқланган (Иш П-39797).

**1813. Ҳайдарҳожиев Абдураҳим** (1897 йили Избоскан райони Чувама қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхоз аъзоси, хотини Гўзалой 36 ёшда, фарзандлари – Турсуной 12 ёшда, Абдукарим 10 ёшда, Меҳрибон 1 ёшда) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик»

1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 16 октябрда оқланган (Иш П-39964).

**1814. Ҳайитбоев Тожибой** (1896 йили Марҳамат райони Кўтарма қишлоғида туғилган, собиқ босмачи, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Шерматова Хадича 38 ёшда, ўғиллари – Каримжон 7 ёшда, Раҳимжон 8 ойлик, қизлари – Файзи 12 ёшда, Абар 9 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 13 сентябрда оқланган (Иш П-33870).

**1815. Ҳайитохунов Холдор** (1887 йили Андижон райони Мойбоғча қишлоғида туғилган, 1926 йилда қўрбоши Жўрабой бочмачи тўдаларининг собиқ жаллоди, ҳибсга олингунга қадар Калинин номли колхоз аъзоси, хотини Салимова Майрамхон, ўғли Холдоров Ваҳобжон 1923 йили туғилган) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган. 1989 йил 21 июнда оқланган (Иш П-34331).

**1816. Ҳакимбоев Қосимбойвачча** (1858 йилда Андижонда туғилган, ўзбек, СССР фуқароси, собиқ савдогар, ўғиллари – Мақсуд ва Раимжон) 1937 йил 21 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга хукм қилган, 1989 йил 16 январда оқланган.

**1817. Ҳакимов Турдиолим** (1879 йили Хўжаобод райони Саидобод қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар «Пахта фронти» колхози аъзоси, хотини Умадова Мофинисо 56 ёшда, қизи Муътабархон 1926 йили туғилган) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» 1937 йил 27 ноябрда №12459 иш бўйича 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 28 майда оқланган (Иш П-11527).

**1818. Ҳамдамов Мирзақамбар** (1897 йили Сталин райони Дўлан қишлоғида туғилган, уйғур, Жўра қўрбоши тўдасида собиқ босмачи) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**1819. Ҳамроқулов Мадусмон** (1888 йили Балиқчи райони Халфа қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар район сув хўжалиги гидротехниги ёрдамчиси, хотини Турушжон 39 ёшда, ўғли Ортиқ 13 ёшда, ўғли Аҳмаджон 8 ёшда, ўғли Абдуҳомид 5 ёшда) 1937 йил 4 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 5 августдан ҳисобланган, 1990 йил 24 апрелда оқланган (Иш П-28498).

**1820. Ҳасанов Хўжамқул** (Ленин райони Қурама қишлоғидан. Каховский районидаги 2-пахтачилик совхози-

да ишлаган) Сталин Конституциясига қарши аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, коммунистларга нисбатан бўҳтон қилганликда, сургундагилар меҳнат интизомининг бўшашишига ва уларнинг қочишига кўмаклашганликда айбланган. НКВД Николаев область бошқармаси ҳузуридаги «учлик»нинг 1938 йил 3 апрелдаги қарори билан 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

**1821. Ҳидоятхонов Бойхон (Худоятхонов)** (1902 йили Балиқчи райони Алам қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар диндор, имом, хотини Маткаримова Ҳожибиби (23 ёшда), укаси Рўзибой (26 ёшда), онаси Улуғбоева Ёдгорбиби (70 ёшда) 1937 йил 26 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган, 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-39858).

**1822. Ходиев Мадамин** (1896 йили Балиқчи райони Чинобод қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Иттифоқ номли колхоз аъзоси, хотини Солижонова Робия (26 ёшда), қизи Инобат (5 ёшда), Шарофат (3 ёшда), опалари Ходиева Ҳалима (44 ёшда), Роҳила (54 ёшда), отаси Юнусов Ходи (92 ёшда) 1937 йил 29 июлда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 октябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 29 июлдан ҳисобланган, 1989 йил 4 сентябрда оқланган (Иш П-38006).

**1823. Ҳожиназаров Абдулла** (1897 йилда Избоскан райони Намуна қишлоқ совети Кўкалак қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар «Пахтачи» колхози аъзоси, хотини Баҳрибиби 35 ёш, ўғли Ғаппор 13 ёшда, қизи Ширмон 8 ойлик, 1931 йил қулоққа тортилган ва Россияга сургун қилинган, 1935 йилда қайтиб келган, Норин райони Яйдоқ қишлоқ совети Пахтачи қишлоғида ишлаган) 1937 йил 18 июлда ҳибсга олинган, 1989 йил 31 июлда оқланган (иш №35289).

**1824. Холиқназаров Абдуғофир** (1883 йили Андижон райони Пахтаобод қишлоғида туғилган, юзбоши Тоға понсод босмачи тўдасининг собиқ фаол босмачиси, ҳибсга олингунга қадар Темирйўл номли колхоз аъзоси, хотини Меҳринисо 45 ёшда, ўғиллари – Машзулуп 1914 йили туғилган, Бўрибой 1924 йили туғилган, қизи Севара 1936 йили туғилган) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 21 июнда оқланган (Иш П-34563).

**1825. Холиқов Собир** (1901 йили Наманган шаҳрида туғилган, Ленин шаҳрида яшаган, ўзбек, Ленин шаҳридаги аксилинқилобий миллатчи гуруҳларда иштирок этган) 1937 йил 14 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати

1937 йил 14 октябрдан ҳисобланган.

**1826. Холқулов (Холиқулов) Самад** (1879 йили Избоскан райони Урганжи қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Абдуллаҳожиева Оқчабиби (50 ёшда), ўғли Самадов Баҳром (1921 йили туғилган), ўғли Абдуқаҳҳор (1924 йили туғилган) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳиат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 27 мартда оқланган (Иш П-11003).

**1827. Холматов (Холбоев) Абдураҳим** (1872 йили Янгиқўрғон районида туғилган, ўзбек, Избоскан райони Пойтуғ қишлоғида яшаган, ҳибсга олингунга қадар (Сталин) Охунбобоев номли колхоз аъзоси, қизи Абдураҳимова Турсунхон, ўғли Нурабдулла, акаси Холматов Холиқмирза, опаси Башорат) 1937 йил 5 сентябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 5 сентябрдан ҳисобланган, 1990 йил 14 февралда оқланган (Иш П-9128).

**1828. Холматов Тошбой** (1883 йили Пахтаобод райони Қорашоқ қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхоз аъзоси, теримчи, деҳқон, хотини Малика (35 ёшда), ўғиллари Мамасоли (10 ёшда), Абдусалом (7 ёшда), барчаси Пахтаобод райони Қорашоқ қишлоғида яшаган) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 4 мартда оқланган (Иш П-8557).

**1829. Холматов Шермат** (1873 йили Ойим райони Қизилтўқай қишлоқ совети «Қизил меҳнат» колхозида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар кетмончи, хотини Холматова Ойимхон (63 ёшда), ўғиллари Шерматов Саид (36 ёшда), Иззатхон (30 ёшда), Саитов Имонқул (15 ёшда), Саитов Раимқул (6 ойлик), қизлари Саитова Орайзулатхон (14 ёшда), Олимахон (13 ёшда), Седлархон (8 ёшда), Онисо (5 ёшда) 1937 йил 23 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 1 октябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 31 майда оқланган (Иш П-34541).

**1830. Холматов Эгамберди** (1904 йили Пахтаобод райони Янгиўзбек қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Карл Маркс номли колхоз аъзоси, хотини Холматова Бўсаги (26 ёшда), қизи Ибрагимова Салима (5 ёшда), ўғли Раимберди (2 ёшда) 1937 йил 26 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 26 октябрдан ҳисобланган. Оқланмаган (Иш О-5359).

**1831. Холмирзаев Мўминбек** (1900 йили Андижон райони Қизил юлдуз қишлоқ советида туғилган, ҳибсга олин-

гунга қадар «Қизил ботир» колхози аъзоси, хотини Ашурова Халчахон 1902 йилда туғилган, ўғли Маҳмудбек 9 ёшда) 1937 йил 14 июнда ҳибсга олинган. «Учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилган. 1989 йил 16 январда оқланган.

**1832. Холов Турғун** (1900 йили Хўжаобод райони Қақир-Ширмонбулоқ қишлоғида туғилган, собиқ бой-қулоқ, қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхоз аъзоси, хотини Ражабқулова Давлатхон, ўғиллари – Раҳмонали 12 ёшда, Ўроқбой 8 ёшда, қизи Майдон 5 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» 1937 йил 27 ноябрда №11048 иш бўйича 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-36795).

**1833. Ҳомидов Раҳим Берди (Раҳимберди)** (1894 йили Пахтаобод райони Озод қишлоқ совети Омонжўра қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Робихон 37 ёшда, қизи Чарос 12 ёшда, Ўғилхон 8 ёшда, Мимаш 6 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 21 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**1834. Ҳотамов Мавлонқул** (1888 йили Балиқчи райони Хўжаобод қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси, хотини Халчи 38 ёшда, болалари вафот этган) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 2 ноябрда оқланган (Иш П-37276).

**1835. Худойбердиев Абдураҳмон** (1889 йили Избоскан райони Пойтуғ қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Социализм номли колхоз аъзоси, хотини Ҳамдамова Ўғилжон (50 ёшда), 5 нафар фарзанди бор) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 21 ноябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 10 июлда оқланган (Иш П-35001).

**1836. Худойқулов Мамарасулҳожи** (1882 йили Избоскан райони Тўрткўл қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Зиёдуллаева Лўлихон, ўғли Мамарасулов Олимжон) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 20 майда оқланган (Иш П-10953).

**1837. Хуррамбоев Йўлдош (Халфа)** (1876 йили Балиқчи райони Ўрмонбек қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Икромов номли колхозда кетмончи, хотини Тўланбоева Ойшақиз (1881 йил туғилган), ўғли Йўлдошев Мамажон (1905 йил туғилган), невараси Мамажонов Ҳошимбой (1927 йили

туғилган) 1937 йил 29 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда отувга хукм қилинган, 1989 йил 14 нюнда оқланган (Иш П-34444).

**1838. Ҳусанбоев Иброҳимсўфи** (1871 йили Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ойим райони Дардоқ қишлоғида яшаган, ҳибсга олингунга қадар Калинин номли колхоз аъзоси, хотини Мадраҳимова Ўғилбу (55 ёшда), қизи Иброҳимова Шари (36 ёшда), куёви Ҳасанбоев Абдуллажон (35 ёшда) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 28 февралда оқланган (Иш П-8436).

**1839. Ҳусанқориев Марасул** (1895 йили Андижон районида Офтобачичек қишлоқ совети Офтобачичек қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар Қайтмас номли колхоз аъзоси, биринчи хотини Олимхон 25 ёшда, иккинчи хотини Кўпайсин 14 ёшда) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган, 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-8398).

**1840. Ҳусанов Маматкул** (1885 йили Сталин райони Абдуллабий қишлоғида туғилган, ўзбек) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган.

**1841. Хушназаров Мамадали** (1894 йили Избоскан райони Тўрткўл қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар Ворошилов номли колхоз аъзоси, хотини Муллабоева Ҳожихон 33 ёшда, ўғли Мамадалиев Абдураҳмон 20 ёшда, қизи Носира 8 ёшда) 1937 йил 9 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 9 августдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-36497).

**1842. Ҳайдаров Кўчқор** (1891 йилда Ленин райони Акмалобод қишлоқ совети Дастурхончи қишлоғида туғилган, ўзбек, 1931 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси, хотини Кўчқорова Тожинисо, ўғиллари – Собир 23 ёш, Соли 20 ёш, қизи Кароматхон 7 ёшда) 1937 йил 21 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга хукм қилган, 1989 йил 31 июлда оқланган (Иш №35324).

**1843. Ҳакимов Азим** (1880 йилда Андижон округи Шаҳрихон шаҳрида туғилган, ўзбек, қулоқ, қамоққа олингунга қадар Голопристан районида яшаган ва пахтачилик совхозида ишлаган) 1919 йилдан 1925 йилга қадар совет ҳокимиятига қарши курашда иштирок этганликда, 1937 йилдан бошлаб Германия разведкаси топшириғига кўра антисовет ўзбек миллатчи ташкилот аъзоси бўлганликда, совет ҳокимиятига қарши

курашиш учун қуролли гуруҳлар тузишда фаолият кўрсатганликда айбланиб, «учлик»нинг қарори билан 1938 йил 13 октябрда отувга ҳукм этилган.

**1844. Ҳамрақулов Назирбек** (1895 йили Хўжаобод райони Манак қишлоғида туғилган, аввал фаол босмачи бўлган, собиқ қулоқ, 1932 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар Орджоникидзе номли колхоз аъзоси, хотини Юсупалиева Айзаратхон 32 ёшда, қизи Мақсуда 12 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» 1937 йил 27 ноябрда №11053 иш бўйича 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-37399).

**1845. Чокулов Баймагомат (Чакаев Байали)** (1901 йили Қирғизистон ССР Ўзган райони Тўрткўл қишлоғида туғилган, Жалолқудуқ райони Ишчи-деҳқон қишлоғида яшаган, ҳибсга олингунга қадар «Ишчи-деҳқон» колхози аъзоси, хотин Бурунхон (35 ёшда), ўғли Қамбар (18 ёшда), ўғли Санжар (15 ёшда) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган. Оқланмаган (Иш О-5958).

**1846. Шаҳобиддинов Саидхон** (1905 (1897) йили Андижон шаҳар «Эркин» маҳалласи 4-уйда туғилган, уйғур, ҳибсга олингунга қадар дўппи тайёрлаб сотган, хотини Салима 22 ёшда, синглиси Собира 18 ёшда) 1937 йил 23 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 21 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган.

**1847. Шералиев Нурали** (1896 йили Жалолқудуқ райони Қоратангачи қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Темирова Ойимса, 1902 йили туғилган, ўғили Нуралиев Ҳотам, 1924 йили туғилган) 1937 йил 15 сентябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 24 августда оқланган (Иш П-36107).

**1848. Шербеков Нуритдин (Червеков)** (1900 йили туғилган, Ойим райони Ўзгариш қишлоғида яшаган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси, қизи Нуритдинова Унсиной (10 ёшда), онаси Дадабоева Солмабуви (56 ёшда), укаси Шербеков Комол (28 ёшда) 1937 йил 23 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 30 сентябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган, 1989 йил 4 октябрда оқланган (Иш П-38018).

**1849. Шерматов Акбар** (1889 йилда Андижон райони Сари қишлоқ советидан, 1931 йилда қулоқ қилиниб, Украинага сургун қилинган) Николаев области ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик»нинг 1937 йил 20 ноябрдаги йиғилишида отувга ҳукм этилган.

**1850. Шерматов Камол** (1896 йили Хўжаобод райони Булоқбоши қишлоғида туғилган, «Миллий иттиҳод» ташкилоти аъзоси, собиқ қулоқ, 1932 йили қулоққа тортилган, хотини Алимқулова Ўлмас 19 ёшда, қизлари – Умида 13 ёшда, Ойимтожи 11 ёшда, Раҳима 6 ёшда, Муборак 3 ёшда, ўғли Ҳаким 8 ёшда) 1937 йил 26 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» 1937 йил 27 ноябрда №2733 иш бўйича отувга ҳукм қилган, мол-мулки мусодара этилган. 1956 йил 29 сентябрда оқланган (Иш П-25144).

**1851. Шокиров Акбаржон** (1905 йили Марҳамат райони Давгор қишлоғида туғилган, ўзбек) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 8 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**1852. Шокиров Аҳматқул қори** (1886 йили Ворошилов райони Хонобод қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 15 февралда оқланган (Иш П-9118).

**1853. Шоматов Раззоқ** (1901 йили Марҳамат райони Оққўрғон қишлоғида туғилган, ўзбек) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**1854. Эгамбердиев Зуҳритдин** (1903 йили Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, собиқ босмачи Парпи қўрбоши тўдасидан, хотини Мўътабар 20 ёшда) 1937 йил 24 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 24 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 13 сентябрда оқланган (Иш П-36863).

**1855. Эгамбердиев Карим** (1896 йили Ойим райони Дардоқ қишлоғида туғилган, қирғиз, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Бегимқулова Кишмиш 40 ёшда, қизлари – Каримова Солия 14 ёшда, Азиза 1926 йили туғилган, ўғли Абдулатиф 11 ёшда) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-36830).

**1856. Эгамбердиев Хўжамберди** (1876 йили Хўжаобод райони Эскикўрпа қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1933 йили қулоққа тортилган) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» 1937 йил 27 ноябрда №12464 иш бўйича 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**1857. Эгамбердиев Хўжамберди** (1889 йили Ворошилов райони Хоно-

бод қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Зебинисо 56 ёшда) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 23 мартда оқланган (Иш П-37895).

**1858. Эргашев Мингбой** (1894 йили туғилган, Андижон райони Кўштепа қишлоғида яшаган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Киров номли колхоз аъзоси, хотини Тўтихон 1901 йили туғилган, қизлари Мингбоева Кўпайсин 1924 йили туғилган, Одашхон 1937 йили туғилган) 1937 йил 21 июлда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 1 октябрда отувга ҳукм қилган, 1989 йил 19 июнда оқланган (Иш П-34243).

**1859. Эркинов Жалол** (1903 йили Избоскан райони Қумариқ қишлоғида туғилган, собиқ босмачи, ҳибсга олингунга қадар Бауман номли колхоз аъзоси, хотини Хадичахон 27 ёшда, қизлари – Каромат 8 ёшда, Анжират 4 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-36518).

**1860. Эрманов Розиқул (Орзиқул)** (1881 йили Избоскан райони Куйганёр қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Тожинсо Абдуаева (63 ёшда) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 21 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 27 мартда оқланган (Иш П-28471).

**1861. Эрматов Қурбон** (1887 йилда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, қулоқ, СССР фуқароси, партиясиз, савдогар, қамоққа олингунга қадар Голопристан районида яшаган ва пахтачилик совхозида ишлаган) 1920 йили қизил армия қисмларига қарши курашишда қатнашганликда, 1937 йилдан бошлаб Германия разведкаси топшириғи билан ташкил этилган антисовет ўзбек миллатчи ташкилотида иштирок этганликда, совет ҳокимиятига қарши қуролли гуруҳ тузиш ишларида қатнашганликда айбланиб, «учлик»нинг 1938 йил 13 октябрдаги қарори билан отувга ҳукм этилган.

**1862. Эрматов Ҳайдар** (1898 йилда Хўжаобод райони Найман қишлоқ советида туғилган, маҳаллий турк, СССР фуқароси, собиқ қулоқ, 1932 йил қулоққа тортилган, қатағондан қўрқиб Тожикистонга қочган, 1937 йили Тожигистондан қайтган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 1937 йил 3 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қиган.

**1863. Эшматов Мамаш** (1882 йили Хўжаобод райони Сукулоқ қишлоғида туғилган, қирғиз, ҳибсга олингунга

қадар «Деҳқонобод» колхози аъзоси, хотини Хосият 35 ёшда, қизи Зиннура 10 ёшда, барчаси Хўжабод райони Суқулоқ қишлоғида яшаган) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» 1937 йил 27 ноябрда №11054 иш бўйича 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. Оқланмаган (Иш П-9223).

**1864. Эшматов Усмон** (1892 йили Балиқчи райони Қияли қишлоғида туғилган, ўзбек, собиқ Болта қўрбоши босмачи тўдаларидаги босмачи, ҳибсга олингунга қадар МТС номли колхоз аъзоси, хотини Алимова Тўтибиби (35 ёшда), ўғли Мамажон (8 ёшда), қизи Ўктамхон (5 ёшда) 1937 йил 27 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган. 1957 йил 30 майда оқланган (Иш П-21177).

**1865. Эшонхонов Далихон** (1910 йили Хўжаобод райони Булоқбоши қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, 1932 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар Киров номли колхоз аъзоси, хотини Ғозибоева Хонпошша 18 ёшда) 1937 йил 13 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» 1937 йил 27 ноябрда №12466 иш бўйича 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 13 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 24 октябрда оқланган (Иш П-38778).

**1866. Юлдашев Мулла Эрғаш** (1898 йили Балиқчи райони Қияли қишлоғида туғилган, ўзбек, қўрбоши Шерали понсод босмачилар тўдаси собиқ босмачиси, ҳибсга олингунга қадар МТС номли колхоз аъзоси, хотини Кенжаева Хосият (31 ёшда), қизи Хариза (13 ёшда), қизи Тожихон (9 ёшда), ўғли Жамолиддин (5 ёшда), ўғли Камолиддин (1 ёшда) 1937 йил 27 октябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилган. 1957 йил 30 майда оқланган (Иш П-21177).

**1867. Юлдашев Тошхўжа** (1899 йили Хўжаобод райони Қувватмурод қишлоғида туғилган, ўзбек, собиқ қулоқ, 1931 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар Фрунзе номли колхоз аъзоси, хотини Мадусмонова Гавҳар, ўғли Нўмон 8 ёшда) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» 1937 йил 27 ноябрда №12465 иш бўйича 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 24 октябрда оқланган (Иш П-40760).

**1868. Юлдашев Турсунбой** (1900 йили Андижон райони Маслаҳат қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Октябрь номли колхоз аъзоси, хотини Муҳаббат 25 ёшда) 1937 йил 31 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган. 1989 йил 16 октябрда оқланган (Иш П-39966).

**1869. Юлдашев Ҳотамбек** (1884 йили Ойим райони Мукур қишлоғида

туғилган, қирғиз, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Тўтибиби (42 ёшда), ўғли Ҳотамбеков Мадамин (18 ёшда), ўғли Абдулла (13 ёшда), қизи Турдибиби (7 ёшда) 1937 йил 22 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 22 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 28 майда оқланган (Иш П-11548).

**1870. Юнусов Келдибой** (1877 йили Марҳамат райони Бешкапа қишлоғида туғилган, турк, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини вафот этган, ўғли Келдиев Абдулло (1914 йили туғилган) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган. 1990 йил 3 апрелда оқланган (Иш П-8572).

**1871. Юнусов Мамат Умурзоқ** (1905 йили Сталин райони Чўжа қишлоғида туғилган, уйғур) 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 ноябрдан ҳисобланган.

**1872. Юнусов Одаш** (1895 йили туғилган, собиқ қулоқ, 1932 йили қулоққа тортилган) 1937 йил 16 ноябрда ҳибсга олинган. «Учлик» 1937 йил 27 ноябрда №12463 иш бўйича 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.

**1873. Юнусов Тилаволди** (1892 йили Ворошилов райони Султонобод қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар «8 март» колхози аъзоси, хотини Жалолбиби (40 ёшда), ўғиллари Турсунбой (12 ёшда), Комол (5 ёшда), Салоҳиддин (6 ёшда), қизи Жанона (3 ёшда) 1937 йил 2 февралда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 майда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига хукм қилган, жазо муддати 1937 йил 2 февралдан ҳисобланган, 1989 йил 12 июлда оқланган (Иш П-6583).

**1874. Юсупов Тўхтаназар** (1887 йили Избоскан райони Мойгир қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Қўзибоева Обидабуви (48 ёшда), ўғли Тўхтаназаров Абдуҳалил (1911 йили туғилган), қизи Омонхон (1922 йили туғилган), қизи Ҳалимахон (1918 йили туғилган), ўғли Абдулғани) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган, 1990 йил 26 мартда оқланган (Иш П-11004).

**1875. Юсупов Шермат** (1892 йили Олтиариқ райони Жанай қишлоғида туғилган, Ойим райони Қизилтўқай қишлоғида яшаган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Ленинизм номли колхоз аъзоси, хотини Қўзибоева Ўғилби 32 ёшда, ука-

лари – Фозилжон 38 ёшда, Мирзаали 32 ёшда, қизлари – Шерматова Шотманби 16 ёшда, Ўктамби 8 ёшда, Ҳабибихон 6 ёшда, Нагиной 5 ёшда, ўғиллари – Нўмон 4 ёшда, Аҳмаджон 1 ёшда) 1937 йил 23 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 23 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 24 октябрда оқланган (Иш П-38775).

**1876. Юсуфалиев Абдураҳмон** (1900 йили Ойим райони Ойим қишлоғида туғилган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган (Большевик номли колхоз имоми), хотини Зебинисо 45 ёшда, ўғли Ҳасанжон 13 ёшда, акалари – Абдуҳалим 55 ёшда, Абдурашид 40 ёшда, укаси Абдулаҳат 32 ёшда) 1937 йил 18 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 18 ноябрдан ҳисобланган. 1989 йил 10 сентябрда оқланган (Иш П-36831).

**1877. Якубов Парпи** (1879 йили Избоскан райони Тошкечик қишлоғида туғилган) 1937 йил 15 ноябрда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

**1878. Ястребов Анатолий Васильевич** (1906 йили Куйбишев ўлкаси Кинель-Черкаск қишлоғида туғилган, Андижон шаҳридаги 2-сонли пахта заводининг ўт ўчириш бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган, хотини Ястребова Мария Ефимовна, қизи Лидия 9 ёшда, акалари – Борис, Владислав, Павел, Глеб) 1937 йил 21 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 27 ноябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган, 1966 йил 26 майда оқланган (Иш П-31981).

**1879. Абдураҳмонов Ҳалимжон** (1896 йил туғилган, ўзбек, қулоқ. Сталин тумани Бахрангавкон қишлоқ советидан. 1925 йили қўлида қурол билан босмачиликда қатнашган. 1930 йил қулоқлар қўзғолонида қатнашган. 1931 йил қулоқ қилиниб, Украинанинг Херсон вилояти Каховский туманидаги 2-пахтачилик совхозига сургун қилинган) Каховский туман ички ишлар бўлими томонидан аксилинқилобий ташвиқот олиб боргани учун 1938 йил 22 июлда ҳибсга олинган. Херсон турмасида сақланган. НКВД Николаев вилояти бошқармаси «учлиги» йиғилишида 1938 йил 13 октябрда отувга ҳукм этилган.

**1880. Абзалов Абдукарим** (1890 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Касби пахтакор. Ленин қишлоқ советидан. Аксилинқилобий ҳаракатлари учун 1931 йил қулоқ қилиниб, Украинанинг Херсон вилояти Каховский туманидаги 2-пахтачилик совхозига сургун қилинган. Пахтачилик бригадаси бригадири бўлиб ишлаган) Каховский туман ички ишлар

бўлими томонидан аксилинқилобий ташвиқот олиб боргани учун 1938 йил 22 июлда ҳибсга олинган. Херсон турмасида сақланган. НКВД Николаев области бошқармаси «учлиги» йиғилишида 1938 йил 13 октябрда отувга ҳукм этилган.

**1881. Аҳронқулов Тўрақул** (1870 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Андижон тумани Ўртоқ қишлоқ советидан. 1931 йил қулоқ қилиниб, Украинанинг Голопристан тумани Михайловка посёлкасига сургун қилинган) Николаев области ички ишлар бошқармаси хузуридаги «учлик» томонидан 1937 йил 20 ноябрда аксилинқилобий гуруҳ аъзоси сифатида отувга ҳукм қилинган.

**1882. Аҳмадалиев Жўрабой** (Андижон округи Ленин райони Қошғар қишлоғида туғилган, ўзбек. Оиласи билан 1931 йили Украинанинг Херсон вилояти Каховский туманидаги 2-пахтачилик совхозига сургун қилинган) 1938 йил 10 февралда қамоққа олинган. Унга ўтмишда босмачилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, Каховка пахтачилик совхозида яшаб, ишлаган вақтда, коллективлаштириш даврида колхозларга қарши курашга ташкилотчилик қилган, советларга қарши ташвиқот олиб борган, Конституцияга қарши тарғибот олиб борган, меҳнат кўчкиндиларини сургун жойларидан қочиб кетишга даъват этган деган айбловлар қўйилган. Херсон шаҳри турмасида сақланган. «Учлик» Жўрабой Аҳмадалиевни отувга ҳукм қилган.

**1883. Дадабоев Мамажон** (1865 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Андижон округи Ленин тумани Асака шаҳридан. 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинанинг Каховский туманидаги 2-пахтачилик совхозига сургун қилинган) 1937 йилдан Германия разведкаси ташкил қилган антисовет ўзбек миллатчи ташкилотининг иштирокчиси, совет ҳокимиятига қарши зимдан кураш олиб борган деб ҳибсга олинган. НКВД Николаев области бошқармаси «учлиги»нинг 1937 йил 15 ноябрдаги қарори билан Украина Республикаси ЖК 54-10- ва 54-11-моддалари асосида отувга ҳукм этилган.

**1884. Зонтов Мамажон** (1876 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Андижон тумани Қанғар қишлоқ советидан. 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинанинг Голопристан тумани Михайловка посёлкасига сургун қилинган) Николаев области ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик» томонидан 1937 йил 20 ноябрда аксилинқилобий гуруҳ аъзоси сифатида отувга ҳукм қилинган.

**1885. Иброҳимов Соибжон** (1910 йили Ленин райони Бушкан қишлоғида туғилган, ўзбек, қулоқ. 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинанинг Херсон области Каховский районидаги 2-пахтачилик совхозига сургун қилинган) 1938 йил 10 февралда Каховский тумани ички ишлар бўлими томонидан ҳибсга олинган. 1938 йил 3 апрелда НКВД Николаев области бошқармаси қошидаги «учлик» қарори билан 10 йиллик қамоқ жазоси

тайинланган.

**1886. Исмоилов Ортиқ Йўлдошев Юсуфжон** (1882 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Андижон округи Ленин райони Оқбўйра қишлоғидан. 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинанинг Каховский районидаги 2-пахтачилик совхозига сургун қилинган) 1937 йилдан Германия разведкаси ташкил этган антисовет ўзбек миллатчи ташкилотининг иштирокчиси, совет ҳокимиятига қарши зимдан кураш олиб борган деб ҳибсга олинган. НКВД Николаев области бошқармаси «учлиги»нинг 1937 йил 15 ноябрдаги қарори билан Украина Республикаси ЖК 54-10- ва 54-11-моддалари асосида отувга ҳукм қилинган.

**1887. Мамажонов Аҳмаджон** (1881 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Андижон районидан. 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинанинг Голопристан райони Михайловка посёлкасига сургун қилинган) 1937 йилдан Германия разведкаси ташкил этган антисовет ўзбек миллатчи ташкилотининг иштирокчиси, совет ҳокимиятига қарши зимдан кураш олиб борган деб ҳибсга олинган. 1938 йил 13 октябрда «учлик» отув ҳукмини чиқарган, ҳукм 22 октябрда ижро этилган. 1989 йил 23 июнда реабилитация қилинган.

**1888. Маматқулов Абдулазиз** (1908 йили Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, қулоқ. Янгиободда яшаган. Унинг хўжалигида 30 таноб ери, 5 хонадан иборат ери, бир оти, икки буқаси, бир моли, гўшт сотадиган дўкони бўлган. Ёлланма ишчи кучидан фойдаланган. 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинанинг Голопристан райони Михайловка посёлкасига келтирилган, пахтачилик совхозида қора ишчи бўлиб ишлаган) 1937 йил 13 октябрда ҳибсга олинган. Николаев области Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги махсус «учлик» 1937 йил 15 ноябрда унга 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этган.

**1889. Масаидов Худойқул** (1875 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Андижон шаҳридан. 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинанинг Голопристан райони Михайловка посёлкасига сургун қилинган) 1937 йилдан Германия разведкаси ташкил этган антисовет ўзбек миллатчи ташкилотининг иштирокчиси, совет ҳокимиятига қарши зимдан кураш олиб борган деб ҳибсга олинган. 1938 йил 13 октябрда «учлик» отув ҳукмини чиқарган, ҳукм 22 октябрда ижро этилган. 1989 йил 23 июнда реабилитация қилинган.

**1890. Матёқубов Матқосим** (1861 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Андижон районидан. 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинанинг Голопристан райони Михайловка посёлкасига сургун қилинган) 1937 йилдан Германия разведкаси ташкил этган антисовет ўзбек миллатчи ташкилотининг иштирокчиси, совет ҳокимиятига қарши зимдан кураш олиб борган деб ҳибсга олинган. 1938 йил 13 октябрда «учлик» отув ҳукмини чиқарган, ҳукм 22 октябрда ижро этилган.

1989 йил 23 июнда реабилитация қилинган.

**1891. Мирзабадалов Мирзаабдулла** (1874 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Андижон округи Шаҳрихон шаҳридан. 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинанинг Херсон области Каховский районидаги пахтачилик совхозига сургун қилинган) 1937 йилдан Германия разведкаси ташкил этган антисовет ўзбек миллатчи ташкилотининг иштирокчиси, совет ҳокимиятига қарши зимдан кураш олиб борган деб ҳибсга олинган. НКВД Николаев области бошқармаси «учлиги»нинг 1937 йил 15 ноябрдаги қарори билан Украина Республикаси ЖК 54-10- ва 54-11-моддалари асосида отувга ҳукм этилган.

**1892. Муҳаммаджонов Ёқубжон** (1881 йили Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, маълумоти қуйи, савдогар, «қулоқ». 1931 йили Украинанинг Голопристан районига сургун қилинган. Коминтерн номли пахтачилик совхозида ишлаган) Украина ССР ЖК 54-11-моддаси билан айбланиб, НКВД Одесса области бошқармаси қошидаги «учлик»нинг 1937 йил 9 августдаги қарори билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

**1893. Орзиев Раҳим** (1868 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Андижон шаҳридан. 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинанинг Голопристан райони Михайловка посёлкасига сургун қилинган) 1937 йилдан Германия разведкаси ташкил этган антисовет ўзбек миллатчи ташкилотининг иштирокчиси, совет ҳокимиятига қарши зимдан кураш олиб борган деб ҳибсга олинган. 1938 йил 13 октябрда «учлик» отув ҳукмини чиқарган, ҳукм 22 октябрда ижро этилган. 1989 йил 23 июнда реабилитация қилинган.

**1894. Ортиқов Тошпўлат** (1873 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Андижон округи Асака райони Қурама-Чавкан қишлоғидан. 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинанинг Херсон области Каховский районидаги 2-пахтачилик совхозига сургун қилинган) Каховский райони ички ишлар бўлими томонидан аксилинқилобий ташвиқот олиб боргани учун 1937 йилда ҳибсга олинган. НКВД Каховский райони ички ишлар бўлими қошидаги «учлик»нинг 1938 йил 3 апрелдаги қарори билан Украина Республикаси ЖК 54-10- ва 54-11-моддалари асосида отувга ҳукм этилган.

**1895. Отабеков Турғун** (1871 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Андижон райони Хакан қишлоқ советидан. 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинанинг Голопристан райони Михайловка посёлкасига сургун қилинган) Николаев области ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик» томонидан 1937 йил 20 ноябрда аксилинқилобий гуруҳ аъзоси сифатида отувга ҳукм қилинган.

**1896. Раҳматов Йўлдош** (1908 йили Ленин райони Оқбўйра қишлоғида туғилган, уйғур, қулоқ. 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинанинг Херсон области Каховский районидаги 2-пахтачилик

совхозига сургун қилинган) Каховский райони ички ишлар бўлими томонидан аксилинқилобий ташвиқот олиб боргани учун 1938 йил 11 мартда ҳибсга олинган. «Учлик» 1938 йил 3 апрелда Раҳматов Йўлдошни отувга ҳукм қилган.

**1897. Рўзихўжаев Мирзабой** - 1886 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Андижон райони Ёрбоши қишлоқ советидан. 1931 йили қулоқ қилиниб Украинанинг Голопристан райони Михайловка посёлкасига сургун қилинган. Ўзбекистондалигида коллективлаштиришга ошкора қарши чиққан. Коллектив меҳнат-бу деҳқонлар устидан ўрнатилган қулликдир деб айтган. Босмачиларда бўлган, унинг акаси деҳқонлар устида террор олиб борган. Сургундалигида доимий равишда қишлоқ хўжалигини қўпоришга қаратилган акилинқилобий иш олиб борган, ўз атрофига бутун антисовет унсурларини тўплаб олган ва улар билан совет ҳокимиятини бадном этиш йўлида аксилинқилобий иш олиб борган. Динни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берган. У совет ҳокимиятини тинч аҳолини таловчи бандадан бошқа нарса эмас деб айтган. 1937 йил 2 декабрда отувга ҳукм этилган.

**1898. Саидқулов Кенжабой** (1867 йили Андижон районида туғилган, ўзбек, қулоқ, 1931 йили Украинанинг Херсон области Скадовский районига сургун қилинган. 1-пахтачилик совхози 2-бўлими 2-базасида яшаган, пахтакор) аксилинқилобий адабиётлар тарқатгани, ўз квартирасида қулоқлар аксилинқилобий гуруҳининг яширин кенгашларини ўтказгани, аксилинқилобий хатлар ўқигани, Сталин Конституцияси ҳақида бўҳтон гаплар тарқатгани учун НКВД Одесса области бошқармаси қошидаги «учлик» қарори билан 1937 йил 16 сентябрда 8 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

**1899. Сатимхўжаев Ғозибек** (1878 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Асака райони Олақанот қишлоғидан қишлоқ советидан. 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинанинг Херсон области Каховский районидаги 2-пахтачилик совхозига сургун қилинган. Касби қора ишчи) Каховский райони ички ишлар бўлими томонидан аксилинқилобий ташвиқот олиб боргани учун 1938 йил 22 июлда ҳибсга олинган. Херсон турмасида сақланган. НКВД Николаев области бошқармаси «учлиги» йиғилишида 1938 йил 13 октябрда отувга ҳукм этилган.

**1900. Сулаймонов Мулла Мавлон** (1891 йили Андижон округи Шаҳрихон райони Шерқўрғон қишлоғида туғилган, ўзбек) турмуш ўртоғи Зебинисо, ўғиллари Султонмурод (1926 йили туғилган), Мирзамурод (1928 йили туғилган) билан «махсус кўчкинди» сифатида 1931 йили Украинанинг Херсон области Каховский районидаги 2-пахтачилик совхозига сургун қилинган. Унга Украина ССР Жиноят Кодексининг 54-10 ва 54-11-моддаларида кўрсатилган жиноят қилганликда айбланиб, НКВДнинг

Каховский райони бўлими томонидан ҳибсга олинган. НКВД Николаев вилояти бошқармаси «учлиги» қарорига кўра Мавлон Сулаймонов 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган.

**1901. Тоғаев Абдуолим** (1865 йили Андижон округи Шаҳрихон райони Шерқўрғон қишлоғида туғилган, ўзбек) онаси Бибинисо, турмуш ўртоғи Ширинбуви, ўғли Абдулҳамид (1908 йил туғилган), қизлари Ҳамидахон (1924 йилда туғилган), Ҳабибахон (1928 йилда туғилган) билан бирга 1931 йили Украинанинг Херсон области Каховский районидаги 2-пахтачилик совхозига сургун қилинган. Ўғли Абдулҳамид ўша ерда вафот этган. Абдуолим Тоғаев Каховский районидаги 2-пахтачилик совхозидаги саноат артелида ҳар хил ишларда ишлаган. 1937 йил 22 сентябрда қамоққа олинган, 1937 йил 22 октярда «учлик» томонидан отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган.

**1902. Тошматов Отажон** (1881 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Андижон шаҳридан. 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинанинг Голопристан райони Михайловка посёлкасига сургун қилинган) 1937 йилдан Германия разведкаси ташкил этган антисовет ўзбек миллатчи ташкилотининг иштирокчиси, совет ҳокимиятига қарши зимдан кураш олиб борган деб ҳибсга олинган. 1938 йил 13 октябрда «учлик» отув ҳукмини чиқарган, ҳукм 22 октябрда ижро этилган. 1989 йил 23 июнда реабилитация қилинган.

**1903. Хайриддинов Исмоил** 1915 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Андижон райони Жалабек қишлоқ советидан, 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинанинг Голопристан райони Михайловка посёлкасига сургун қилинган. У совет ҳокимиятига душман бўлган йирик бойнинг ўғли, ишни барбод этиш учун ошкора бузғунчилик ишларини олиб борганликда, сургундалигида ишчиларга қарата тез орада совет ҳокимияти йўқ бўлади, кимки ишлаётган бўлса, улар жинни, мен ҳеч қачон ишламайман, сизлар ялангоёқ, кийим-кечаксиз, бўри каби ишламоқдасиз деган. Бундан ташқари стахановчиларни қўрқитиб, сизларнинг барчангизни осиб ўлдиришади деган. 1937 йил 17 ноябрда Хайриддинов Исмоил Украина Жиноят Кодексининг 54-10, 54-8, 54-7, 56-17-моддалари билан айбланган. «Учлик» томонидан отувга ҳукм этилган.

**1904. Ҳакимов Азим** (1880 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Андижон округи Шаҳрихон районидан. 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинанинг Голопристан райони Михайловка посёлкасига сургун қилинган) 1937 йилдан Германия разведкаси ташкил этган антисовет ўзбек миллатчи ташкилотининг иштирокчиси, совет ҳокимиятига қарши зимдан кураш олиб борган деб ҳибсга олинган. 1938 йил 13 октябрда «учлик» отув ҳукмини чиқарган, ҳукм 22 октябрда ижро

этилган. 1989 йил 23 июнда реабилитация қилинган.

**1905. Ҳасанов Хўжамқул** (1907 йили Ленин райони Қурама қишлоғида туғилган, ўзбек, қулоқ. 1931 йили қулоқ қилиниб Украинанинг Херсон области Каховский районидаги 2-пахтачилик совхозига сургун қилинган) 1938 йил 10 февралда Каховский райони ички ишлар бўлими томонидан ҳибсга олинган. 1938 йил 3 апрелда НКВД Николаев области бошқармаси қошидаги «учлик» қарори билан 10 йиллик қамоқ жазоси тайинланган.

**1906. Ҳошимов Абдураззоқ** (1898 йили Асака райони Гадой қишлоғида туғилган, ўзбек, қулоқ. 1922 йили босмачиликда қатнашган. 1931 йил қулоқ қилиниб, Украинанинг Херсон области Каховский районидаги 2-пахтачилик совхозига сургун қилинган) Каховский райони ички ишлар бўлими томонидан аксилинқилобий ташвиқот олиб боргани учун 1938 йил 22 июлда ҳибсга олинган. Херсон турмасида сақланган. 1939 йил 5 апрелда НКВД Каховский райони бўлими айблов иши таркибида жиноят аломатлари йўқлигини қайд этиб ишни тўхтатган.

**1906. Худойбердиев Солижон** (1918 йили Андижон округи Шаҳрихон райони Шерқўрғон қишлоғида туғилган, ўзбек) отаси Худойберди, онаси ҳамда акаси билан қулоқ оиласи сифатида 1931 йил маъмурий тартибда «махсус кўчкинди» сифатида Каховский райони 2-пахтачилик совхози Сергеевка қишлоғига сургун қилинган. Отаси Худойберди 1937 йили қатағон қилинган. Ўзи 1936 – 1937 йилларда Сергеевкадаги тўлиқсиз ўрта ўзбек мактабини, Андижон педагогика билим юртини тамомлаб, 1937 – 1940 йилларда Сергеевкага бориб, ўзи ўқиган мактабда ўқитувчилик қилган. Сўнг ватанга қайтган.



Шаҳрихондан Украинага сургун қилинган Худойберди ўғли Солижон билан Сергеевка қишлоғида. 1934 йил

**1907. Шерматов Акбар** (1889 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Андижон райони Сари қишлоқ советидан. 1931 йил қулоқ қилиниб, Украинанинг Голопристан райони Михайловка посёлкасига сургун қилинган) Николаев области ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик» томонидан 1937 йил 20 ноябрда аксилинқилобий гуруҳ аъзоси сифатида отувга ҳукм қилинган.

**1908. Эрматов Қурбон** (1887 йили туғилган, ўзбек, қулоқ. Андижон шаҳридан. 1931 йили қулоқ қилиниб, Украинанинг Голопристан райони Михайловка посёлкасига сургун қилинган) 1937 йил-

дан Германия разведкаси ташкил этган антисовет ўзбек миллатчи ташкилотининг иштирокчиси, совет ҳокимиятига қарши зимдан кураш олиб борган деб ҳибсга олинган. 1938 йил 13 октябрда «учлик» отув ҳукмини чиқарган, ҳукм 22 октябрда ижро этилган. 1989 йил 23 июнда реабилитация қилинган.

**1909. Сокур Василий Тимофеевич** (1910 йили Киев области Кагарлиц райони Кировка қишлоғида туғилган, Андижон шаҳри Карл Маркс кўчаси 11-уйда яшаган, ҳибсга олингунга қадар Андижон шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимида санитария инспектори бўлган, уйланмаган, акаси Степан (40 ёшда), опаси Анна (30 ёшда), синглиси Агафия (17 ёшда) 1937 йил 7 июнда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 14 августда отувга ҳукм қилган, ишда хулоса йўқ (Иш П-6869).

**1910. Ғоипназаров Жабарқули** (1893 йили Жалолқудуқ районида туғилган, қирғиз, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) 1937 йил 21 июлда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 23 августда отувга ҳукм қилинган, 12 сентябрда ҳукм ижро этилган, 1989 йил 21 августда оқланган (Иш П-35767).

**1911. Маматхўжаев Мамад Суфи** (1875 йили Хўжаобод райони Хўжаобод қишлоғида туғилган, уйғур, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Умринисо (40 ёшда), ўғли Бўронбой (23 ёшда) 1937 йил 17 июнда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 23 августда отувга ҳукм қилган, 1937 йил 12 сентябрда ҳукм ижроси таъминланган, 1989 йил 17 августда оқланган (Иш П-35606).

**1912. Омонов Фозилжон** (1911 йили Андижон области Жалолқудуқ райони Жалолқудуқ қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Мўминова Шарофат (42 ёшда) 1937 йил 21 июлда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 23 августда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 21 июлдан ҳисобланган, 1989 йил 14 октябрда оқланган (Иш П-39786).

**1913. Раҳимбердиев Маматиброҳим** (1890 йили Избоскан райони Мойгир қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Избоскан райони «Большевик» колхозида дурадгор, хотини Сарвинисо (22 ёшда), қизи Мастура (11 ёшда), Мавжуда (7 ёшда) 1937 йил 9 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 23 августда отувга ҳукм қилган, 1937 йил 12 сентябрда ҳукм ижроси таъминланган, 1989 йил 21 августда оқланган (Иш П-35597).

**1914. Ўразов Ғозибой** (1902 йили Андижон области Хўжаобод райони Элчибек қишлоғида туғилган, қирғиз, ҳибсга олингунга қадар «Қизил Ўзбекистон» колхозида бригадир, хотини Неъматуллаева Сорақиз (33 ёшда), қизи Озодахон (6 ёшда) 1937 йил 3 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 23 августда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 3

августдан ҳисобланган, 1989 йил 30 сентябрда оқланган (Иш П-38597).

**1915. Ҳасанов Мўмин қори** (1877 йили Сталин райони Холдевонбек қишлоқ советида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Ҳасанова Ўктамбиби, ўғиллари Шарафиддин (19 ёшда), Асқарали (34 ёшда) 1937 йил 2 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 23 августда отувга ҳукм қилган, 1937 йил 12 сентябрда ҳукм ижроси таъминланган, 1989 йил 21 августда оқланган (Иш П-35765).

**1916. Четов Усмон** (1905 йили Андижон области Хўжаобод райони Манак қишлоғида туғилган, қирғиз, ҳибсга олингунга қадар «Большевик» колхози аъзоси, хотини Каримова Самарбону (28 ёшда), қизи Усмонова Шахрихон (9 ёшда), ўғли Абдураҳим (7 ёшда) 1937 йил 3 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 23 августда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 3 августдан ҳисобланган, 1989 йил 16 январда оқланган (Иш П-38611).

**1917. Шотўхтаев Раҳматулло** (1890 йили Жалолқудуқ райони Ақча қишлоғида туғилган, уйғур, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, хотини Мўминова Шарофат (42 ёшда) 1937 йил 21 июлда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 23 августда отувга ҳукм қилган, 1937 йил 12 сентябрда ҳукм ижроси таъминланган, 1989 йил 21 августда оқланган (Иш П-35766).

**1918. Юлдашев Собир қори** (1905 йили Избоскан райони Тўрткўл қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар Буден номли колхози аъзоси, қизи Ойша) 1937 йил 3 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 23 августда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 5 августдан ҳисобланган, 1989 йил 4 октябрда оқланган (Иш П-38005).

**1919. Тўхтасинов Жангил Биби** (1874 йили Балиқчи райони Сиза қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган, ёлғиз аёл, қизи бор) 1937 йил 8 августда ҳибсга олинган, «учлик» 1937 йил 19 октябрда 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган, жазо муддати 1937 йил 8 августдан ҳисобланган. Ишда хулоса йўқ (Иш О-10555).

# ГУЛАГ ЛАГЕРИДАГИ МАҲБУСЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҚДИРИ

Советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари масаласи, ГУЛАГ тизимидаги меҳнат-тузатув лагерлари ва колонияларидаги мислсиз оғир меҳнатга, даҳшатли, фожиали ҳаётга маҳкум этилган маҳбуслар қисмати, бунёдкорлик ишлари, тақдири ҳам Ватанимиз тарихининг ажралмас таркибий қисмидир. Бироқ тарихимизнинг бу аламли, ҳасратли саҳифалари яқин кунларгача тарихшунослар эътиборидан четда қолган. Қайта қуриш ва СССР қулаши оқибатидагина мазкур масала Россия Федерацияси тарихчилари эътиборини ўзига тортди[1]. Бу мавзуни тадқиқ этиш Қозоғистонда[2], Ўзбекистонда[3] ҳам амалга ошмоқда. Шуни алоҳида мамнуният билан қайд этиш лозимки, Андижон давлат университети катта илмий ходим-изланувчиси Элёрбек Холмирзаев АҚШ, Германия, Россия, Австрия мамлакатларидаги илмий журналларда ГУЛАГ лагерларидаги ўзбек маҳбуслари қисмати, тақдири ҳақида мақолалар эълон қилиш шарафига эга бўлди. Жумладан, бу мақолаларда андижонлик маҳбусларнинг ГУЛАГ лагерларидаги фожиаси ҳам ўз аксини топган[4].

---

[1] ГУЛАГ (Главное управление лагерей) 1918 – 1960 / Сост: А.И.Кокурин, Н.В.Петров. Научный редактор В.Н.Шостаковский. – М.: Международный фонд «Демократия», 2002; История Сталинского ГУЛАГА. Том 3. Экономика ГУЛАГА. Том 4. Население ГУЛАГА. Численность и условия содержания. – М.: РОССПЭН, 2004; Иванова Г.М. История ГУЛАГа. 1918 – 1958. Социально-экономической и политико-правовой аспекты. – М.: Наука, 2006 ва бошқалар.

[2] Абылхожин Ж. Лагерная экономика. Депортированные в Казахстан народы: время и судьбы. – Алматы: Арыс-Казахстан, 1998.

[3] Шамсутдинов Р. Маҳбус юртдошлар қисмати // Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б.186 – 191; Шамсутдинов Р., Холмирзаев Э. ГУЛАГ лагеридаги ўзбек маҳбусларининг қисмати // АнДУ Илмий хабарнома. 2011. №1. – Б.51 – 56; Шамсутдинов Р., Холмирзаев Э. Сандармох қатлгоҳида отилган юртдошлар // Мустақиллик: фан ва таълим тараққиёти. Илмий тўплам. – Андижон, 2011. – Б.106 – 111; Холмирзаев Э. Дмитров лагеридаги ўзбек маҳбуслари тақдири // Мустақиллик: фан ва таълим тараққиёти. Илмий тўплам. – Андижон, 2011. – Б.124 – 128; Холмирзаев Э. Магадан жазо лагеридаги ўзбек маҳбусларининг фожиали тақдири // «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» мавзуидаги конференция материаллари. – Навоий, 2011. – Б.33 – 36; Шамсутдинов Р., Холмирзаев Э. ГУЛАГ лагеридаги ўзбек маҳбуслари // Тарихнинг номаълум саҳифалари: илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. Китоб 3. – Б.51 – 68; Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (Биринчи китоб). – Тошкент: Шарқ, 2012. – Б.281 – 323; Холмирзаев Э. Ўзбекистонлик сиёсий маҳбусларнинг ГУЛАГ лагерларидаги ҳаётига доир // Ўзбекистонда совет давлатининг қатағон сиёсати: келиб чиқиш сабаблари ва фожиали оқибатлари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2012. – Б. 157-161.

[4] Elyorbek Kholmirzayev. The tragie fate of the Uzbek women in the GULAG camps. European Applied Seienees. ORT Publishing. Volume 1. №6. – Stuttgart, Germany. June, 2013. – P.42 – 45; Elyorbek Kholmirzayev. Uzbek people died in GULAG compulsory labor camps. Legal systems in contemporary conditions: current challenges and issues of the present. CIBUNET Publishing. Volume 2/ed. By S.Savchenko. – New York, USA, 2013. – P.77 – 85; Elyorbek Kholmirzayev. The tragie fate of the Uzbek women in the GULAG camps // XIV международная научно-прак-

Ўзбекистонда XX асрнинг 20 – 30-йилларидаги сиёсий қатағон кўлами нақадар катта ва даҳшатли бўлганлигини собиқ СССРдаги кўплаб концентрацион ва меҳнат-тузатув лагерларида қамоқ жазосини ўтаб, жабр-жафо тортган ўзбек маҳбуслари миқдоридан ҳам билса бўлади.

«Катта террор» авжига минган 1937 йил 1 октябрдаги маълумотнинг 1-қисмига кўра, СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги лагерлари бўйича 20954 ўзбек маҳбуси бўлган. Уларнинг 2643 нафари Байкал-Амур лагерида, 1923 нафари Волга – Москва канали қурилиши (Дмитров лагери)да, 1554 нафари Углич-Рибинск қурилиши (Волга лагери)да, 1673 нафари Беломор-Болтиқ лагерида, 687 нафари Коми АССРдаги Ухтин-Печерск лагерида, 543 нафари Молдова АССРдаги Тем лагерида, 2247 нафари Владивосток лагерида, 643 нафари Новосибирск лагерида, 3029 нафари Тошкентдаги Ўрта Осиё лагерида қамоқ жазосини ўтаган, оғир меҳнат қилган.

Мазкур маълумотнинг 2-қисмида 854 киши Қарағанда, 12 киши Прорва, 23 киши Норильск, 1199 киши Вяземск, 69 киши Калуга, 250 киши Сталин темир йўл бекати, 96 киши Жануби-Шарқий Гавана, 47 киши Подольск аэродроми, 70 киши Самара, 655 киши шимоли-шарқий лагерларда, жами 3275 ўзбек бўлганлиги қайд этилган.

1939 йил 1 январга оид маълумотда НКВД меҳнат-тузатув лагерларида қамоқ жазосини ўтаётганлар орасида 23855 ўзбек бўлгани қайд этилган. Бу маҳбусларга асосан жосуслик, террорчилик, диверсия, ватанга хиёнат, троцкийчи-зиновьевчилик, ватан хоинининг оила аъзоси бўлиш, миллатчилик, «миллий иттиҳодчи»лик каби сохта айблар қўйилган эди. Улар ОГПУ-НКВД органлари, жумладан, НКВД махсус кенгаши, НКВДнинг махсус «учлик»лари, адлия халқ комиссарликлари, СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиялари томонидан ҳукм қилинган.

1942 йил 1 январда барча лагерларда азоб чекаётганлар орасида ўзбеклар 26907 кишини (2 фоиз) ташкил этган бўлса-да, Ўрта Осиё бўйича сиёсий қатағонга учраганлар орасида ўзбеклар биринчи ўринда турган ва улар сиёсий қатағон гирдобига бошқалардан кўра кўпроқ тортилган. Республикада сиёсий қатағон қўшни республикалардагига нисбатан анча оғир ва даҳшатли кечган. Меҳнат-тузатув колониялари ва лагерларида Ўзбекистон ССР бўйича 1959 йил 1 январда 14479 нафар, 1959 йил 1 сентябрда 17294 нафар, 1960 йил 1 январда 10258 нафар киши қамоқ азобини тортган. Иккинчи жаҳон урушида асир тушиб, бир амаллаб юртига қайтиб келган юртдошларимиз қамоққа олиниб, узоқ жойлардаги концлагерларга олиб бориб ташланган. Уларнинг кўпчилиги турмаларда ўлиб кетган.

---

тическая конференция «Социально-гуманитарной и юридические науки; современные тренды в изменяющемся мире». Сборник материалов конференции. АНО «ЦСПИ «Премьер», 12 августа 2013 г. – Краснодар, Россия. – С.3 – 6; Elyorbek Kholmirzayev. The fate of banishment victims from Uzbekistan in cumpolsary labour camps of GULAG. European science review. – Austria, Vienna, January-February, 2014, №1. – P.87 – 93.




Соловки лагери

**Узоқ Шарқ лагери**да қамоқ жазосини ўтаётган ўзбеклар Норильск, Ворошилов, Тойшет-Тратск, Улан-Удэ-Наушки, Известковая-Урад, Усть-Ниман-Комсомольск, Волочаевка-Комсомольск, Бирабиджан-Ленинская, Посъет-Брановский темир йўл бекатлари орасидаги темир йўл қурилишларида меҳнат қилганлар.

**Дмитров меҳнат-тузатув лагери**даги маҳбус ўзбеклар механика заводида газогенератор автомашиналар ва мебель ишлаб чиқаришда, Волга – Москва канали қурилишида меҳнат қилганлар.

**Волга лагери**даги ўзбек маҳбусларидан Рибинск ва Углич сув иншоотлари қурилишида, ёғоч тайёрлашда фойдаланилган.

**Беломор-Болтиқ лагери**дагилар эса Беломор – Болтиқ канали, Сорокలаг, Сегеж ёғоч-қоғоз кимё комбинати қурилишида, ўрмончиликда, қишлоқ хўжалигида ишлаганлар.

**Ухтин-Печерск лагери**дагилар нефть-газ қидирув ва қазиб олиш, гелий заводи қурилишида, радий олиш учун сувни қайта ишлаш, Чибью – Крутой трактини қуришда, ёғоч тайёрлашда иштирок этганлар.

**Темниково лагери**дагилар ўрмончилик ва мебель ишлаб чиқариш билан машғул бўлганлар.

**Узоқ-Шарқ лагери**дагилар эса 201-сонли Амурни чуқурлаштирув ишларида, қишлоқ хўжалиги, балиқ овлаш, ёғоч тайёрлаш, махсус қурилишлар учун хўжалик органларида ишчи куч сифатида қатнашганлар.

**Сибирь лагери**дагилар қишлоқ хўжалигида, тикув фабрикасида, ёғоч тайёрлашда меҳнат қилганлар.





Сибирь лагери

Тошкентдаги **Ўрта Осиё лагери**дагилар (1939 йил 15 апрелда бу лагерда 46377 маҳбус бўлган) Чирчиқ қурилишида ва пахтачилик совхозларида меҳнат қилишган.

**Қарағанда лағери**дагилар (бу лагерда ҳам ўзбек маҳбуслари кўп бўлган) қишлоқ хўжалигида, Балхаш қурилишида ишлаганлар.

1935 йил 11 январдаги маълумотда Тошкентдаги Ўрта Осиё лагерида 26829 маҳбус бўлгани, уларнинг Текстиль комбинати, Чирчиқ шаҳри, Шоҳруд, Ҳазарбоғ қурилишларида, Чуй трестида, «Пах-




Қарағанда лагери



Қарағанда лагери




Қарағанда лагери харитаси

таорол» совхозида меҳнат қилгани қайд этилган.

Узоқ юртларда азоб чеккан, оғир меҳнатдан тинка-мадори қуриб, оғир дардларга чалиниб, ўз юртига, оиласига, қавм-қариндошига зор бўлиб ўлиб кетганлар кўп бўлган. Улар қаторида андижонликлар ҳам бор эди.

Андижон шаҳридан, аниқроғи, Хакандан «қулоқ» сифатида Херсон области Голопристан районига сургун қилинган хўжалик раҳбари **Соҳиб Исоқов**га 1937 йил 9 августда «учлик» қарори билан 10 йил қамоқ жазоси берилган, уни Қарағанда лагерига олиб боришган. У шу жойда касалликдан вафот этган.

Асака райони Бушкон қишлоғидан Каховск районига сургун қилинган **Сойибжон Иброҳимов**га 1938 йил 3 апрелда НКВД Николаев области бошқармаси «учлиги» қарори билан 10 йил қамоқ жазоси берилиб, у жазони ўташ учун Узоқ Шарқдаги Нагаево бухтасига юборилган.

Асаканинг Қурама қишлоғидан сургун қилинган **Хўжамқул Ҳасанов** ҳам 10 йил қамоқ жазосини Воркутадаги лагерда ўтказган. Бу ҳар икки маҳбус қамоқхонадан туриб СССР Ички ишлар халқ комиссарлигига ноҳақ қамалганликларини баён этиб ариза йўллаганлар. Хўжамқулнинг аризаси охирида мана бундай сўзлар бўлган:

*«...Ушбу билан менинг ишимни қайта кўриб чиқиб, қамоқдан озод қилишингизни, ноҳақ жазоланганимни ҳам ҳал қилиб беришингизни сўрайман. Ҳасанов».*

Аммо Х.Ҳасановнинг аризаси натижасиз қолиб, ҳар иккала маҳбус ўша лагерда оламдан ўтган.

Ухтин-Печерск лагерида, 1937 йил 1 октябрдаги маълумотга кўра, биринчи қисм бўйича 618 ўзбек, 170 қозоқ, 1534 турк, иккинчи қисм бўйича 69 ўзбек, 73 туркман, 9 тожик, 11 қирғиз, 21 қозоқ бўлган[1]. Ўзбек маҳбуслардан Акром Мўминов, Шокир Бердиев, Уста Ҳалил Зоитов, Сайдулла Мирзаев, Шердон Ҳожимуродов (Муродов Ҳожи деб ҳам юритилган), Сайфи Ҳакимов, Ҳайитжон Ҳайдаров, Аъзам Эргашев, Раҳим Нозимов, Ғофуржон Муллахонов, Ҳасан Набиев, Ғулом Ражабов, Раҳим Ҳалилов, Муҳаммаджон Юнусов, Бобош Ёқубов ва бошқалар аниқланган.

1933 йилдан 1937 йилгача юз минглаб одамларнинг жони эвазига Москва – Волга канали – «Иккинчи беш йилликнинг буюк қурилиши» барпо этилади. Ўша йилнинг 8 августидан бошлаб Москва ёнидаги Бутово ва Коммунарка «махсус объектлари»да оммавий отувлар бошланади.

1937 йил 1 октябрда, яъни канал қурилиши тугаллангандан сўнг Дмитлагда 1923 нафар ўзбек қолган. Демак, унгача ўзбеклар сони кўп бўлган, бир қисми очликдан, оғир меҳнат ва касалликдан ўлиб кетган. Маҳбуслардан ташқари Москва – Волга канали қурилиши-

[1] ГУЛАГ (Главное управление лагерей) 1918 – 1960. – М., 2002. – С.411 – 413.




Дмитлаг

га давлат томонидан ўз хоҳиши билан деган ниқоб остида ўзбекларнинг катта гуруҳи келтирилган. Улар сафида ҳам андижонликлар бўлган. Аммо Дмитлагдагилардан 20761 киши 1937 – 1938 йилларда отилиб, Бутово полигонига кўмилган. Улардан 51 нафари ўзбекистонлик бўлгани, уларнинг қисқача таржимаи ҳоли, айблов ишлари, Дмитлагда қамоқ жазосини ўтагани, шу жойда қайта қамоққа олиниб, отилгани каби ҳужжатлар Россия Федерацияси Давлат архивида, Федерал хавфсизлик хизмати Марказий архиви ва унинг Москва бўлимида сақланмоқда[1]. Дмитров лагерида ўзбек тилида **«Зарбдор қурилиш»** номли газета ҳам чиқиб турган. Унинг муҳаррири маҳбус шоир Миртемир бўлган. Ана шу 51 отилганлар орасида Андижон фарзандлари ҳам бўлган.

**1969. Воҳидов Ваҳобжон** (1897 йили Балиқчи райони Чинобод қишлоғида ту-

---

[1] Улар ҳақидаги маълумот «Тарихнинг ҳасратли саҳифалари» китобидан ўрин олган. «Бутовада дафн этилган юртдошлар» номли мақолада суратлари билан берилган. – Б.227 – 228.

ғилган, ўзбек, деҳқон, қулоқ оиласидан, партиясиз, чаласавод, деҳқончилик билан шуғулланган, Балиқчи райони Чинобод қишлоғида яшаган) 1932 йили колхоз ерини давлатдан яширгани учун 1 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. 1934 йил эса колхоздаги кўпорувчилик иши учун 8 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазони Дмитлагда, механика заводи участкасида умумий ишларда ўтаган. В.Воҳидовнинг маҳбуслар орасида «Совет Иттифоқида яшаб бўлмаяпти, одамлар очликдан ўлишяпти, эркинликка чиқишим биланоқ Афғонистонга ўтиб кетаман, ўша жойдагина эркин яшашим мумкин» деган сўзлари айблов хулосасида келтирилган. 1938 йил 30 январда қамоққа олинган, аксилинқилобий-троцкийчилик руҳида тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1938 йил 5 февралда ижро этилган. Хотини ва 3 нафар фарзанди бўлган, улар деҳқончилик қилиб ҳаёт кечирган.



Ваҳобжон Воҳидов (1897 – 1938)

**1970. Исоқов Оташ** (1908 йили Хўжаобод райони Найнаво қишлоғида йирик қулоқ оиласида туғилган, ўзбек, партиясиз, ўз хўжалигида меҳнат қилган, туғилган жойида яшаган) 1929 йили сургун қилинган. 1934 йили 8 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, маҳбусликни Дмитлагда ўтаган, 1938 йил 10 апрелда троцкийчилар – Риков, Бухарин, Ягода, миллатчи Ф.Хўжаев ва бошқаларни ҳимоя қилганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 20 июнда ижро этилган. Унинг хоки Москва ёнидаги Бутово полигонидаги қабристонда.



Исоқов Оташ (1908 – 1938)

**1971. Холбеков Саттор (Абдусаттор)** (1897 йили ЎзССР Зеленский (ҳозирги Асака) райони Қурама қишлоғида туғилган, ўзбек, қулоқ, ёлланма ишчи кучига эга бўлган, уйланган, чаласавод) 1933 йили ЎзССР ЖКнинг 111-моддаси билан 1 йил муддатга қамоққа ҳукм этилган. Босмачилар тўдасида фаол иштирок этгани учун 1934 йили ЎзССР ЖКнинг 140-моддаси билан 8 йил қамоқ жазоси берилган. Жазони Дмитров лагерида ўтаган. Унинг оиласи – хотини

Саломатхон Холбекова 35 ёшда, қизи Ўлмасхон 8 ёшда, ўғли Абдуғаффор 6 ёшда, ўғли Нишонбой 1 ёшда. Уларнинг барчаси Зеленский райони Қурама қишлоғида яшашган.

Холбеков Саттор маҳбуслар орасида советларга қарши тарғибот олиб борган, совет ҳокимиятини дискредитация қилувчи, иғворона мишмишлар тарқатган, совет тузумини қоралаб, халқ душманларини мақтаган деган айб билан 1938 йил 12 мартда қамоққа олинган. Москва области Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «учлик»нинг 1938 йил 19 мартдаги қарори билан РСФСР ЖКнинг 58-10-моддаси асосида отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 25 март куни ижро этилган.

Холбеков Саттор (Абдусаттор) 1989 йил 19 июнда Москва области прокуратураси томонидан реабилитация қилинган.



Саттор Холбеков (1897 – 1937)

**1972. Қобилов Турғунбой** (1885 йили Андижон области Избоскан райони Кўқонқишлоқ қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, партиясиз, маълумоти ўрта (миллий маълумотли), мулла, туғилган жойида яшаган) 1934 йил 5 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони Дмитлагда ўтаган. 1938 йил 22 январда қамоққа олинган. Подшо давридаги ҳаётни мақтаб, советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган, ҳукм 1938 йил 31 январда ижро этилган.

**1973. Сулаймонов Шайди** (1904 йили Ворошилов (ҳозирги Кўрғонтепа) райони Абдуллабий қишлоғида яшаган) 1934 йили 6 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, Дмитлагдаги «Техника» участкасида умумий ишларда меҳнат қилган, 1938 йил 4 апрелда ҳибсга олинган, маҳбуслар орасида советларга қарши тарғибот олиб борганлик, совет ҳукуматини дискредитация қилганлик ва халқ душманларини мақтаганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 23 июнда ижро этилган. Унинг оиласи – хотини 25 ёшли Чинорхон, 12 ёшли ўғли Эргаш. Улар ҳозирги Андижон области Кўрғонтепа райони Абдуллабий қишлоғида яшаганлар.

**1974. Шамсиев Миркомил** (1901 йили Хўжаобод райони Карнайчи қишлоғида туғилган, ўзбек, деҳқон, қулоқ оиласидан, партиясиз, саводсиз, якка хўжалик бўлиб меҳнат қилган) 1934 йили 8 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазони Дмитлагда ўтаган. 1938 йил 28 мартда совет тузумини дискредитация қилишга қаратилган аксилинқилобий ташвиқот юритган-

ликда, колхоздаги очарчилик ҳақида ёлғон гаплар тарқатганликда айбланиб қамоққа олинган, 5 июнда олий жазо – отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1938 йил 23 июнда ижро этилган. Оиласи – хотини (27 ёшда), ўғли Алиаҳмад (12 ёшда), ўғли Ҳошимжон (10 ёшда), қизи Хуриниса (6 ёшда)[1].



Миркомил Шамсиев (1901 – 1938)

Москва – Волга канали қурилгач, Дмитров лагеридаги кўплаб маҳбуслар Ўзбекистонга этап қилинган. Улардан бири – Россия патриархи Пимен Сергей Михаилович Извеков 1938 йили Дмитров лагеридан Андижонга этап қилинган. Бу ерда Маориф уйида санитар-шифокор бўлиб ишлаган. Унгача шаҳар озиқ-овқат савдосида санитар-инспектор бўлган. 1940 йили Андижон кечки педагогика институти адабиёт факультетига ўқишга кирган. 1940 йил 25 октябрдан Андижондаги 1-сон мактабда ўқитувчи ва ўқув бўлими мудири этиб тайинланган. Биринчи курсни битиргач, 1941 йил 10 августда фронтга кетган, ўзбек тилини яхши билган, унинг Андижон кечки педагогика институти талабаси эканлиги ҳақидаги студентлик билети сақланиб қолган. У 1939 йил августида Москва санитария маорифи ходимларининг конференциясида қатнашган.

**1975. Холботиров Султон Масъуд** (андижонлик маърифатчи, пахтачилик илми ва амалиётининг моҳир ташкилотчиси) 1937 йил 13 ноябрда ЎзССР НКВД «учлиги» томонидан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. У жазони Амур лагерида ўтаган. Адолат бўлишини талаб қилиб лагердан СССР Ички ишлар халқ комиссарлигига шикоят йўллайди, аммо натижа чиқмайди, 1938 йили ўша Амур лагерида ҳалок бўлади.

**1976. Каримов Исоқ қори** (Андижон театрининг режиссёри, бетакрор санъаткор) 1937 йил 13 ноябрда «учлик» томонидан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Узоқ Шарқдаги Колима лагерига этап қилинган. 1941 йил 28 январда ўша жойда, шахтада иш вақтида бош суяги жароҳат олади, натижада миясига қон қуйилиб, ички қон кетиши юз бериб ҳалок бўлади.

**1978. Алимов Мухтор** (таниқли жамоат, партия, хўжалик раҳбари) 1937 йили «учлик»нинг қарори билан 10 йил

[1] Россия Федерацияси давлат архиви (ГАРФ), 10035-фонд, 1-рўйхат, иш №П73572, П-73743, П-73612, П-70320, П-73265, П-73915, П-73227, П-73891, П-73310, П-73838; Книга памяти жертв политических репрессий. Бутовский полигон 1937– 1938 г. В семи томах. – М., 1999 – 2003; Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. – Тошкент: Шарқ, 2006.



Колима лагери

муддат билан меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Қамоқ жазосини 1937 – 1949 йилларда Красноярск ўлкасидаги Углич, Нижний Тагил, Тавдавидел шаҳарларидаги ГУЛАГ лагерларида ўтаган. Қамоқдалигида Мария исмли рус аёлига уйланган. 1956 йил 27 августда реабилитация қилиниб, Андижонга келган, унга бутуниттифоқ шахсий нафақаси тайинланган, шаҳар ва областнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашган, 90 ёшида вафот этган. Унинг ўғил-қизлари, набиралари Андижон шаҳридаги коллеж ва умумтаълим мактабларида ёшларга таълим бериш билан машғул.

**1980. Ниёзов Ҳусанхон** (таниқли маърифатчи, олим, мактаблар учун дарсликлар ёзган) 1942 йил 29 апрелда СССР Олий суди томонидан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилади, уни узоқ Магаданга этап қилишган. 1947 йили шу жойда вафот этади.

**1981. Боқи Маҳмудий** (Андижон шаҳрининг таниқли зиёлиси, етакчи муаллимларидан бири) 10 йил қамоқ жазосига тортилиб, жазони Узоқ Шарқ лагерида ўтайди, Шулика турмасида 1939 йил 22 октябрда вафот этади.

**1982. Раҳимов Расулжон** (Андижон театри директори, шоир, публицист,



М.Алимов



М.Алимов рафиқаси Мария, набираси Рустамжон




Андижон шаҳрининг фахрий фуқароси М.Алимов

драматург) 1937 йил 13 ноябрда 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, Узоқ Шарқ лагерида 1943 йили вафот этган.

**1983. Ҳайлақов Эгамберди** (Ойим райони Дардоқ қишлоғида яшаган, 1880 йили туғилган, собиқ қулоқ, қулоққа тортилган, 1933 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил муддатга қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган) колхозчилар орасида Совет Иттифоқи шаънига аксилинқилобий иғвогарлик, туҳматчилик тарғиботи олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда, яъни ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-қисми билан айбланганини қайд этилган. Учликнинг 1937 йил 3 декабрдаги йиғилишида Э.Хайлақов 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган[1]. Шу куни Ойим районининг Дардоқ қишлоғидан Шонанбой Сайназаров, Юсуфжон Юнусов, Набир Шарипов, Ислом Худойбердиев, Ўроқбой Қурбонов, Каримжон Отабоев, Мулла Эгамберди Исоқов, Эргаш Мусаев 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилган. Шунингдек, Ойим, Тошлоқ, Тожик, Дардоқтепа, Қўртқи, Тўқай, Мукир, Ахтачи, Қўшқар, Тешиктош, Кўналён, Қўштепа қишлоқларидан – жами Ойим райони бўйича 43 киши 10 йил муддатга қамоқ жазосига маҳкум қилинган, жазо муддати улар ҳибсга олинган кун, яъни 1937 йил 27 – 30 ноябрдан бошланиши белгилаб берилган.

Ўша декабрдаги «учлик» йиғилишида Андижон сектори бўйича 104 кишининг ҳар бирига 10 йилдан қамоқ жазоси берилган, «учлик» ҳукми чиқарилгунга қадар уларнинг барчаси Андижон турмасида ҳибсда сақланган. 1937 йил декабрининг охиридан бу маҳбуслар қамоқ жазосини ўташ учун ГУЛАГ лагерларига этап қилинади. Уларнинг қайси лагерда бўлганлигини аниқлаш зарур эди. Бунинг учун, аввало, СССР ҳу-

[1] Репрессия. 1937 – 1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. – Ташкент: Шарк, 2008. – С.136.

дудидаги лагерлар ва улардаги маҳбусларнинг миллий таркибини аниқлашга тўғри келди. Бунда 2002 йили Москвада нашр этилган тўплам қўл келди. Бу тўпламни тузиб нашрга тайёрлаган Россия Федерацияси Марказий давлат архиви катта илмий ходими А.И.Кокурин (2008 йили вафот этган) билан хат ва телефон орқали суриштирув олиб борилди. Натижада 1937 йил 1 октябргача бўлган маълумотларнинг 1-қисмида СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги лагерлари бўйича 20954 ўзбек маҳбуси бўлгани, уларнинг 1759 нафари Байкал-Амур лагерида, 1923 нафари Дмитров, 1531 нафари Волга, 474 нафари Болтиқ, 618 нафари Утил, 993 нафари Тем, 2157 нафари Узоқ Шарқ, 596 нафари Сибирь, 8952 нафари Тошкентдаги Ўрта Осиё лагерларида қамоқ жазосини ўтагани аниқланди.

Маълумотнинг 2-қисмида эса ўзбеклардан 854 киши Қарағанда, 12 киши Прорва, 23 киши Норильск, 1199 киши Вяземск, 69 киши Калуга, 250 киши Сталин темир йўл бекати, 96 киши Жануби-Шарқий Гавань, 655 киши Шимоли-Шарқий лагерларда бўлгани қайд этилган.

Демак, ўзбек маҳбуслари қайси лагерларда бўлгани ва уларнинг маълум даврдаги миқдори аниқ. У ҳолда Ойим районидан қамоққа ҳукм этилганлар ана шу лагерларнинг қайси бирига келтирилган деган масала билан қизиқиб, махсус архивларнинг биридан ҳукмга тортилган 43 нафар ойимликдан Эгамберди Ҳайлақовнинг шахсий ишини топдик. Унда маҳбус Эгамберди Ҳайлақовнинг 1940 йил 22 февралда Волга лагеридан Москвага, НКВДга йўллаган аризаси бор. Уни айнан келтирамиз:

«НКВД Фарғона область «учлиги»нинг 1937 йил ноябридаги қарори билан ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди бўйича 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилганман. Менинг ҳибсга олинишимга қуйидагилар асос қилиб олинган: мен колхозда пахта теримида ишлаётганимда НКВД ходими келиб, ҳибсга олди ва Ойим районига жўнатди. Дастлабки терговда айтилишича, гўё мен «Интернационализм» колхозида буғдой етишмаяпти деган ташвиқот тарқатган эканман, бундай айбловга қарши мен ҳеч қачон ташвиқот олиб бормаганман, ўзимни айбдор деб ҳисобламайман ва бундай айбни тан олмайман деб жавоб қилганман.

1934 йили қулоққа тортилган деб айб қўйилган. Аслида, 1934 йили қамоққа ўтқазишгани ҳам менга тушунарсиз, ишнинг тагига етмасдан менга уч йил қамоқ жазоси беришган ва мен икки йил жазони ўтадим, яхши меҳнатим туфайли муддатидан илгари қамоқдан бўшатилдим. Бундан кейин менга бошқа айб қўйилмаган. Менга қўйилган айбни ўқитмасдан, ёзиб қўйилган айбномани имзолашга мажбур қилганлар, бу ишни «учлик» кўз ўнгимда ташқарида амаллаган.

Мен ўтмишда ўртаҳол бўлганман, 1879 йили ўртаҳол оилада туғилганман, отам 3 гектар ерга, 1 от, 2 ҳўкизга эга бўлиб,

оиласида 3 нафар жон бўлган, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган. Мен эса ярим гектар суғорма ерга, 1 от ва 2 ҳўкизга эга бўлганман. Қарамоғимда 8 жон бўлган. Колхозга киргунга қадар уй хўжалиги билан шуғулланганман ва колхозда ҳалол ишлаганман. Менинг ишларимни барча колхозчилар тасдиқлашлари мумкин.

Ҳозир эса мен йўқ айбим учун Москва-Волга канали қурилишида СССР НКВДсининг Волга лагерида, Ярослав области Малоген участка лагери посёлкасида, Морозикида яхши ишлаяпман, соғлик пайтимда нормани 100 фоиз ва ундан ошириб бажардим. Соғлигим ҳозирги вақтда ёмонлашган, кексалик аломати бўлса керак, соғлигим ночор аҳволда, шифокорлардан иборат комиссия 458-сонли далолатнома билан меҳнат қилишдан озод этди.

Юқоридаги ҳақиқий аҳволдан келиб чиқиб Ички ишлар халқ комиссарлигидан, Сиздан мен учун номаълум бўлган ишимни қайта кўриб чиқиш бўйича фармойиш беришингизни, бирон-бир айби бўлмаган камина̧ни қамоқдан озод қилиб, СССР фуқаролар сафига қайтиш ва ўз ватанимга, ўз еримга қайтиб, ҳалол меҳнат қилишга имкон беришингизни илтимос қиламан. Менинг илтимосимнинг натижаси ҳақида жазо ўтаётган манзилга хабар қилишингизни сўрайман. Илтимос қилувчи маҳбус Ҳайлақов. 1940 йил 22 февраль».

Бошқа бир ҳужжатда Э.Ҳайлақов Андижон турмасидан этап қилиниб, 1938 йил 9 январда Волга меҳнат-тузатув лагерига келтирилгани қайд этилган. Бундан келиб чиқиб ойимлик 43 нафар маҳбусларнинг ҳаммаси ҳам айни шу Волга лагерига келтирилган ва улар шу жойда жазо муддатини ўтаганлар деган фикрга бордик[1].

Ўзбек маҳбуслари Волгадаги Рибинск ва Углич сув иншоотлари қурилишида, ёғоч тайёрлаш билан шуғулланганлар.

1937 йил 28 октябрда қамоққа олиниб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерида қамоқ жазосини ўташга ҳукм этилган Марҳамат райони Қорақўрғон қишлоғидан **Саидаҳмедов Саидакбар Эшон** Архангельскка этап қилинган. Бу ерда унинг шерикларидан 9 маҳбус ҳалок бўлган, уларни Саидаҳмад Эшон ўз қўли билан дафн этган. 1947 йили Саидакбар Саидаҳмедов лагердан қайтиб келган. У 1991 йили 79 ёшда вафот этган.

Унинг катта ўғли Муҳаммад Юсуф (1928 – 2001), кейинги ўғли Абдуманноб 1962 йили туғилган, касби шифокор.

Бурҳонов Мажид, Сиддиқов Шаҳзод, Мансуров Сиддиқхўжа ҳам Саидакбар Эшон билан бирга лагерда бўлганлар. Улар ҳам лагердан қайтиб келганлар.

Девонақул Холбўтаев 1938 йили лагерда вафот этган.

Андижон райони Бўтақора қишлоғидаги «Юқори ҳосил» колхози аъзолари

[1] Шамсутдинов Р.Т., Холмирзаев Э. ГУЛАГ лагеридаги ўзбек маҳбусларининг қисмати // Ilmiy xabarnoma. Научный вестник. 2011. №1. – Б.52 – 53.

**Турғунбой Муродхўжаев** (1894 йили туғилган, пахтакор, «қулоқ», саводсиз), **Ўринбой Эргашев** (1908 йили туғилган) ҳам давлат мажбуриятини бажармаганликда айбланиб, 3 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этилган. Улар жазони Қозоғистондаги меҳнат-тузатув лагерида ўтаб, ўз юртларига қайтиб келишган. Аммо 1938 йил январида улар ҳам такроран қатағон қилиниб, 10 йил қамоқ жазоси берилиб, ГУЛАГ лагерларидан бирига этап қилинган.

1825 йил 14 декабрда Россия подшолигига қарши исён кўтарган декабристлар осилган, қамалган ва Сибирга сургун қилинган эди. Аммо подшо ҳукумати ўша пайтда уларнинг оиласи, аҳли аёли ва фарзандларига шикаст-озор бермаган. Сибирга сургун қилинган декабристларнинг аёллари ўз эрлари орқасидан боришган ва улар халқ хотирасида қаҳрамон аёллар деган ном билан қолганлар. Советлар эса ноҳақ қатағон этилган кишиларнинг оиласи, бола-чақаларини ҳам хонавайрон қилди, улар ҳам қамоққа олиниб, она юртидан жудо этилди.

Турма ва лагерларда азоб-уқубат чеккан «халқ душманлари»нинг хотинлари, Чўлпон таъбири билан айтганда, ўша мудҳиш даврларнинг қаҳрамонлари бўлишган. Улар ҳам мислсиз азоб тортганлар. Ўзга юртлардаги қамоқхоналарда маҳбусликнинг аччиқ қисматини тотган аёллар оз бўлмаган. Қозоғистонда **Алжир** (Акмолинский лагер жён изменников родину) ташкил этилган. Унда қатағон қилинганларнинг аёллари қамоқ жазосини ўтаганлар. Уларнинг болалари ҳам алоҳида болалар уйларида тарбияланган.

Андижон округ партия ташкилотининг собиқ котиби Ўринбой Ашуров қатағон қилиниб, отиб ташланган. Унинг рафиқаси **Кимёхон Ашурова** 5 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, Красноярск ўлкасига юборилган. У Енисей дарёси бўйида бир чол билан кампирнинг уйида жон сақлаган, 1942 йили 33 ёшида она юртига қайтиб келган.

Хуллас, 1937 – 1938 йиллардаги «Катта террор» кампаниясида андижонликларнинг маълум қисми қизил салтанатнинг Шимол, Сибирь, Узоқ Шарқ, Урал, Қозоғистон, Украина, Ўрта Осиё минтақаларидаги ГУЛАГ лагерлари ва колонияларида азоб-уқубатли, жабр-жафоли, фожиали ҳаёт кечиришга мажбур бўлган, уларнинг катта қисми оғир меҳнатдан, изғирин совуқдан, очарчиликдан, турли хил касалликлардан ҳалок бўлган. Яна бир қисми ўша концлагерларда такроран қатағон қилиниб, «Катта қирғин» ёки «Қулоқлар операцияси» деб номланган мудҳиш сиёсий кампанияда лагерлардаги «учлик» ҳукми билан отиб ташланган. Уларнинг ёрқин, порлоқ, унутилмас хотираси андижонликлар қалбида ҳамиша яшайди.

Келажак авлодларимиз қалбида ҳам бу сиймоларнинг пок номлари сақланиб қолишига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

### Б) АРИЗАЛАР

Маҳбус Шоҳрухмирзо Холботиров Волга лагерининг Рибинскдаги бўлимида Рибинск ва Углич сув иншоотлари қурилишида, ёғоч-тахта тайёрлашда меҳнат қилади. Шу жойдаги лагерда 1938 йил декабрида оғир касалликдан вафот этади. Унинг Андижондаги рафиқаси Шаҳрихон, қизлари Ойимчахон ва Жўрахонга ёзилган хати сақланиб қолган: **«... Биз – 60 нафар ўзбекларни бугун Рибинск шаҳрининг четида жойлашган «Волгастрой» бошқармасига олиб келишди. Волга дарёси бўйидаги Угличдан 100 чақиримча нарида яшамоқдамиз. Посилкани, нон ва новвотни олдим, янги посилка, хатларни янги манзилимизга жўнатишар. Энди ҳамма нарсани шул манзилга юборинглар. Соғлиғим бироз яхшиланмоқда, бироқ пул йўқлигидан жуда ҳам қийналмоқдаман... Шоҳрухмирзо. 1938 йил 16 август».**



Журналист, драматург, раҳбар ходим Расулжон Раҳимов

Шоҳрухмирзо билан бирга маҳбуслик азоб-уқубатини тортган андижонликлардан Андижон шаҳрининг «Қизил карвон» кўчасида яшаган Каримохун Тоҳиров, «Пиллакашлик» кўчасида яшаган Саид эшон Шаҳобиддинов, аввал Рибинск, сўнгра Магаданда маҳбус бўлиб, 10 йил қамоқ жазосини ўтаб, Андижонга қайтиб келиб, уруш ва меҳнат ветеранлари уюшмасига бошчилик қилган Мухторжон Олимов Шоҳрухмирзо Холботиров Волга – Болтиқ сув йўли, Рибинск сув омбори қурилишларида кўрсатган намунали ишларни сўзлаб беришгани ҳали-ҳамон хотирамда. Ўша сув иншоотлари қурилишида ўзбекларнинг сепоя, уч оёқли, яъни учамаклар қуриш тажрибасини Шоҳрухмирзо қўллаган.

Мудҳиш 30 – 40-йилларда миллионлаб айбсиз кишилар иғво ва туҳмат, мунофиқлик ва разиллик қурбони бўлдилар. Тергов ва суд жараёнлари давом этаётган бир пайтда газета, журналлар саҳифалари «Қутурган итларга ўлим!», «Қабиҳ ниятлар фош этилди», «Манфур айғоқчиларга лаънат», «Шонли НКВД ишларига тасанно» сингари ҳиссиз ва баландпарвоз мақолалар билан тўлдирилганди. Ҳатто «Қириб ташлансин» қабилидаги шеърлар пайдо бўлди.

Андижондаги «Пахта фронти» газетаси ҳам ана шундай йўл тутган. Газетанинг 1937 йил сентябрь сонларида «Душманлар марҳаматсиз фош қилинсин», «Иккиюзламачи мунофиқларга большевик матбуотида ўрин йўқ», «Миллатчи ва маиший бузуқлар тўдаси» мақолаларини эълон қилиб, Андижондаги зиёлилар, мафкура ходимлари орасидаги «халқ душманлари», «миллатчилар»ни фош этишга уринишган.

Газетанинг шу йил 16 сентябрдаги «Андижон театрининг актив йиғили-

шида» мақоласида шундай сатрларни ўқиймиз: «Ўртоқ Охунбобоев номидаги Андижон театрида бўлаётган актив мажлисининг сўнгги (4 сентябрь) кунги ўтиришида халқ душманлари Исоққори Каримов, Расулжон Раҳимий ва пантуркист Салоҳ Сайфийларнинг қилмишлари яна ҳам фош қилинди. Уларни ҳозир эсон-омон театрда ушлаб турган шерикларининг ниқоблари йиртилди».

«Пахта фронти» газетаси саҳифасидаги мақолада «миллатчи», «халқ душмани» деб айюҳаннос солинган Раҳимийнинг ўзи ким?

Истеъдодли журналист ва ёзувчи Расулжон Раҳимий илҳом булоғи эндигина қайнаб тошаётган бир пайтда ҳибсга олинди. 1937 йил 13 ноябрда 10 йиллик муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилди. У ўзининг бегуноҳ эканлигига чин дилдан ишонса-да, тош қалбли одамлар олдида гуноҳкор эди. Умид билан яшаган Р.Раҳимий 1943 йил январида Узоқ Шарқда вафот этди.

Расулжон Раҳимийнинг «Онтариш», «Хоин» драмалари 30-йилларда Андижон ва Ўш театрларида муваффақият билан қўйилган, томошабинлар олқишига сазовор бўлган. «Онтариш» драмаси 1933 йилда Ўзбекистон давлат нашриёти томонидан чоп этилганди.

Расулжон Раҳимийнинг садоқатли рафиқаси Раҳбархон ая 30-йилларда Москва медицина техникумини битириб, халқ саломатлигини сақлаш йўлида катта заҳмат чекканлардан. 1937 йил



Аёли Раҳбархон ва қизи Фаридахон, 1953 йил, Андижон

21 августда турмуш ўртоғини ҳибсга олган пайтни ая шундай хотирлаган: «Ўша мудҳиш 21 август куни бизнинг яқин қариндошлардан 6 киши қамоққа олинди. Амаким Усмонхон Эшонхўжаевни Москвада, турмуш ўртоғим Расулжон Раҳимовни Андижонда ўз уйимизда, тоғам Шоҳрух Холботировни Самарқандда, тоғам Султонмаҳмуд Холботиров, амаким Маматхон Эшонхўжаевни Андижонда НКВД ходимлари ҳибсга олдилар». Ўшанда Р.Раҳимов 34 ёшга тўлганди. У юқори органларга она юртидан олисда ёзган шикоят ва аризаларида ўзига қўйилган асоссиз «айб»ларни қатъий далиллар билан инкор этади.

Умр йўлдошига соф муҳаббатли, юксак эътиқодли Раҳбархон ая қатағон қурбони – Расулжон Раҳимов номини халқимизга қайтариш учун қўлидан келган барча ҳаракатларни қилди. Узоқ йиллар тегишли жойларга мурожаат этди. Бу ўз самарасини берди, албатта, Андижон область суди президиуми 1959 йил 6 июнда бу ишни кўриб чиқиб, «уч-

лик» қарорини бекор қилди. Расулжон Раҳимов тўла оқланди.

Андижон область партия комитети бюросининг қарори билан Р.Раҳимов вафотидан сўнг КПСС сафига тикланди. Унинг рафиқаси Раҳбархон опа Раҳимовага шахсий пенсия тайинланди. Аммо эндиликда ҳақсизлик қурбони Р.Раҳимов хотирасини абадийлаштиришдек хайрли иш турган эди.

Йиллар мобайнида йўл қараб умид билан яшаган Раҳбархон ая бу ишда ҳам бош-қош бўлди. Ая Расулжон ҳалок бўлган узоқ юртга бориб, хотира тупроғини келтириш, Андижондаги қардошлик қабристонига умр йўлдошининг рамзий қабрини тиклаш, ёдгорлик ўрнатиш ташвишлари билан банд бўлди. 1991 йили Раҳбархон ая ўз набираси Илҳомжон билан бирга Комсомольск-Амурскка бориб, рамзий маънода у жойдан тупроқ олиб келди. Расулжон Раҳимов номига Андижон шаҳридаги кўчалардан бири қўйилди.

Маҳбус Расулжон Раҳимов Амурск лагеридан Ўзбекистон ССР бош прокурорига ўзининг ноҳақдан қамалгани ҳақида рус тилида ариза юборган. Бу ариза Расулжон Раҳимовнинг ҳозирда марҳум аёли Раҳбархон ва ҳозирда барҳаёт қизи Фаридахон шахсий архивида сақланмоқда. Уни айнан келтирамиз:



Расулжон Раҳимовнинг қизи Фаридахон ая ва куёви Исҳоқжон ака фарзандлари ва набиралари билан

От з/к. Рахимова Расуладжан, 1903 г.
осужд. Тр. НКВД. Узб. ССР по ст. 66 ч. 1 и 67 сроком на 10 л.

# Жалоба

Я невинно-осужденный. Обращаюсь к Вам, как к высшему органу, осуществляющему революционную законность и олицетворяющему собой социалистическую справедливость – прошу Вас обратить должное внимание моей жалобе, и я уверен, что ваша справедливость вернет меня в свободное об-во активно строящих коммунизм.

Я сын гр-на батрака, родился в 1903 г. в г. Коканде. В 1911 г. умер мой отец и я до 1919 г. воспитывался в детприюте. С 1919 г. – чл. ВЛКСМ. С 1920 по 1922 служил добровольцем в 58 эскадроне войск ВЧК при Ферганском ОбЧК, там же принимал активное участие по ликвидации банд басмачества.

С 1922 по 1929 г. после ликвидации басмачества работал на ряде руководящих адм. хоз. должностях.

В 1929 г. ЦК КП(б) Узбекистана был командирован в редакцию Республиканской газеты «Кизил Узбекистан» зав. с/х массовым отделом газеты.

С 1934 „35 работал ответредактором политотдельской газеты Избаскентской МТС и в связи с ликвидацией политотделов остаюсь редактором райгазеты того же р-на.

Решением ЦК КП(б) Узбекистана от 8/IX 1936 меня, как национального драматурга назначили директором Андижанского гос. драм. театра, где я застал большую засоренность аппарата контр. револ. элементами. Вот коротко моего жизненного пути рядового партийца-воспитанника детдома.

Теперь коротко о существе моего „дела".

Возглавляя художественное руководство театра, на посту главного режиссера долгое время был в прошлом, официально состоящий в контр. революционной партии „Милли-иттихад" некто Каримов, который с подмостков театра проводил контр. революционную работу допуская в постановках к-револ. трактовки пьес („Гуль-Сара", „Тар-Мар" и др.)

В театре процветало пьянство, приспособленчество, ажиотаж, зажим всякой творческой критики. Театр работал на убыток.

Необходимо было оздоровить творческий коллектив, добиться привлечения рабочего зрителя и сделать театр самоокупаемым. — вот моя цель, кото-

я вместе с лучшей частью театрального коллектива повел борьбу, с контр. револ. семьей Каримовщины. За 1936 г. нами было разоблачено и изгнаны из театра 18 ч. размножившихся «актеров». А в Ноябре м. 1936 г. выявив контр. револ. работу Каримова, я телеграфировал Управл. по делам Искусств при СНК Узб. ССР, о снятии Каримова как врага народа, с поста Худож. руководителя театра на что и получил согласие.

Но Первый Секретарь Андижанского Горкома ВКП(б), Болтаев (впоследствии арестован, как враг народа), взял под свою защиту Каримова и по прямому проводу договаривается с Наркомом об оставлении Каримова на посту глав. режиссера театра.

В Июле 1937 г. мною был поставлен доклад Каримова о его творческой деятельности на открытом собрании кол-ва театра.

На собрании Каримов, разоблачается полностью, как контр. револ. халтурщик, ведущий творческую деятель театра на вред Соц. строит-ву.

Я лично без согласован[ия] с Наркомом приказом снимаю с работы глав. режиссера театра Каримова (см. приказ от 7/XII 37 г.)

Борьба с Каримовщиной проходила не без трудностей, но для театра плоды дало благодатные. Так на 1-е число Январь мес. 37 г. театр действительно стал

4/

массовых зрителя (самоотупающ) и даже давал доводы за что и был я премирован Автономным Упр. по делам искусств при СНК Узб. ССР.

21/VIII-1937 г. Совместно с Каримовым Андижанское НКВД арестовывает и меня и на допросе следователем Войлошниковым было предъявлено обвинение в том, что я якобы в разговоре с Каримовым выражал сожаление о расстреле врагов народа Тухачевского и др.

Где вел разговор с Каримовым? Спрашивал следоват. Войлошникова.

- У вас в кабинете Гостеатра в присутствии 12 чел. с прокурор Избаскенского р-на Мухитдинов, Упр. делами тоже РК ВКП(б) Мамаджанов, работник гос. театра Ахмедов, актер Асад, Бакиров и др. работники театра ответил Войлошников. Просил вызвать этих 12 челов. и допросить, мою просьбу следователь оставил без внимания.

По этому вопросу ни свидетельских показаний, ни очных ставок (кроме Каримова) мне не было дано, но следствие одному показанию его, моему врагу Каримову поверило.

Было предъявлено второе обвинение, что в театре процветал элемент антисемитизма.

Да такой случай был. В июне мес. 1937 г.

Когда я работал директором в Узб. р-не готовилась к показу пьеса „Гульсара". Роль Гульсары была дана еврейке Иляевой. Одновременно роль Гульсары, режиссер Султанов Р. сам репетировал своей жене, которая и исполняла ее на сцене, а Иляева Султановым была отстранена от исполнения роли.

Узнав об этом я разоблачил Султанова Р., как антисемита и приказом от 1/VIII 37. он был снят с работы в театре (впоследствии арестован и осужден).

По моему настоянию была вызвана Иляева, которая подтвердила правильность моих показаний, заявив, что я Рахимов, как директор театра боролся с всяким проявлением антисемитизма. (См. ее выступление в засед. Кол-ва театра в Июле 37 г.) Но следствие почему-то показанию Иляевой не придало никакого знач...

Третье обвинение. В Январе мес. 1937 г. Нач. Главн. Инспекции по делам Искусства Рахмановым был поставлен вопрос в Уйгурском театре (куда были приглашены и мы работники Узбекского театра) о том что Нарком Горбунов приказал объединить Уйгурский театр с Узбекским по причине якобы отсутствие помещения для Уйгурского театра.

Здесь же было предложено мне, как директору

Узбекского театра произвести это объединение. Я как член партии сущность этого вопроса понимал иначе, а именно объединение двух национальных театров в единый — уничтожает национальную форму того или иного театра, что противоречит Сталинской национ. политике „Искусство по форме национальное, по содержанию социалистическое".

В силу этого понимания объединение произведено было на основе сохранения специфичного творчества как Уйгурского, так и Узбекского театров, полностью сохраняя национальную форму. Мною, как директором было оказано большая материальная помощь Уйгурскому театру выразившаяся в сумме 2000 руб. а также декоративным и реквизитным оформлением постановок.

Таким образом по существу Уйгурский театр получил большую помощь от Узбекского театра сохранив свою национальную форму.

Но и такое объединение я считал неправильным противоречащим политике партии — поэтому мною был поставлен вопрос в Горкоме ВКП(б) перед секретарем Болтаевым о том, что даже такое объеди-

т./ Вырвавшись из этих преступлений их стали следственные кампании и в порыве этого неясного мышления следователем Войлошниковым была отобрана у меня подпись.

Так в куче с истыми врагами и антисемитами Каримовым, Султановым и др. следователь Войлошников связал и меня.

Получилось, что вместо их разоблачителя, истинно боровшегося с ними, по злой воле незадачливого следователя, я оказался их другом, единомышленником.

За что и зачем такая жестокая несправедливость!? Я искренно заявляю Вам, что никакой вины, ни на йоту у меня нет перед моей родиной и партией!

Светло-радостную жизнь, я Рахимов, получил благодаря Советской власти и заботы обо мне партии и я весь свой физические силы и интеллектуальную мысль отдавал делу служения партии.

А вот сейчас меня искусственно сделали врагом народа — врагом народа.

На меня навешено органически ненавистное мне проклятое имя — контрреволюционера!

Я еще раз спрашиваю, за что!?

Где же истина социалистического правосудия!

Не может быть, чтоб она выражалась людьми типа следователя Войлошникова. Нет! Не может быть!

И не смотря на ряд посланных много жалоб, на имя Наркома НКВД Берия и Прокурора СССР —

Прокурор Узбекской ССР в январе 1941 г. меня извещает, что жалобы были им рассмотрены и „Осуждён правильно".

Эта формальная отписка Узбекского Прокурора. Вместо того, чтоб рассмотреть дело по существу, со всей присущей последовательностью большевика — он Узб. Прокурор, не выяснив каковы были мои отношения с б. Наркомом Горбуновым и Кариевым и не опросил о деле работников Андижанского Госгосстатра, а также работников газеты „Кзыл-Узбекистан, где я работал с 1929 по 1937 г.

В моих жалобах ясно были указаны все лица, которые имели то или иное отношение к моей судьбе.

И вместо того, чтоб действительно по существу разобраться в невиновном страдании живого человека — Прокурор Узб ССР отделался формальной отпиской.

Я еще раз прошу Вас обратить должное внимание к моей жалобе.

Не может быть, чтоб истина социалистического правосудия была бы попрана!

З/к [подпись]

Ст. Волочаевка 2-я Хабаровского края.
Н-Амурлаг НКВД, 9 Отделение, Автоколонна № 14

Азиз китобхонга тушунарлироқ бўлиши учун рус тилидаги бу ҳужжатнинг айрим жойларини баҳоли қудрат ўзбекчага таржима қилиб беришни лозим билдик: *«...17 сутка мени (тик турган ҳолда) терговда узлуксиз сўроқ қилишди. Каримов ва бошқа душманларимнинг ҳақиқий ёлғон ва ашаддий бўҳтонларини имзолашга мажбур қилишди. Мен ақлдан озган одам ҳолатига, ҳушдан кетиш ҳолатига келтирилдим, носоғлом фикрловчи кишига (мен мавжудод деб айтардим) аллақачон айлангандим. Мен энди калтаклашга қарши кураша олмасдим, қаршилик кўрсатиш учун иродам тушиб кетганди, менда ана шу тўрт деворли аблаҳ тергов хонасидан чиқиб кетишдан иборат бирдан-бир фикргина бор эди. Шундай шиддатли, ҳаяжонли фикрлаш чоғида терговчи Войлошников мендан имзо олди. Шундай қилиб, ҳақиқий душманлар Каримов, Султонов ва бошқалар билан бир купеда қолдим. Терговчи Войлошников менга нисбатан ваҳшийларча қийноқни ишга солди.*

*Нима учун ва нима сабабдан шундай золимона адолатсизлик юз берди? Мен сизга чиндан айтаманки, Ватаним ва партия олдида ва бирор кимса олдида гуноҳим йўқ.*

*Ёрқин, қувончли ҳаётга мен, Раҳимов, совет ҳокимияти ва партиянинг мен тўғримдаги ғамхўрлиги туфайли эришдим ва мен ўзимнинг бутун кучимни интеллектуал фикримни партияга хизмат қилиш ишига сафарбар этдим. Мана, энди-чи, халқ душманлари сунъий тарзда мени халқ душмани қилишди, органик равишда нафратланган контрреволюционер деган номни менга осиб қўйишди. Мен яна бир бор сўрайман, нима учун? Ахир қаерда ҳаққоний социалистик адлия? Социалистик адлия терговчи Войлошников типидаги кишиларда ифодаланиши мумкин эмас-ку, ахир. Кўриб турибсиз-ку, менга қўйилган 3 айбдан биронтаси ҳам Ватан ва партия олдидаги жиноятимни асосли исботлай олмайди.*

*Мана, тўртинчи йилдирки, шафқатсиз қийноқ, маънавий азоб давом этмоқда ва мен асло чин адолатни топа олмаётибман. Мен аллақачон НКВД халқ комиссарлиги ва СССР прокурори номига, шунингдек, СССР Олий Совети Президиумига шикоятлар ёзиб юборганман. Шундан бери орадан 1 йилча ўтди, шикоятлар қайта кўриб чиқиш учун Сизда турибди, Сиз, гражданин прокурор, 1939 йилнинг декабрь ойида менга жавоб қилиб, менинг шикоятларим Сиздалиги, жавобни кутишимни ёзган эдингиз, аммо мен ҳозирга қадар сиздан ҳеч қандай жавоб олганимча йўқ.*

*Менинг шикоятимга муносиб эътибор берсангиз, ҳукм этилганим фактидан иборат бу шафқатсиз адолатсизликни ҳал этишингизни ўтиниб сўрайман. Бизнинг воқелигимизда тирик мурда бўлгандан кўра ўлган яхшироқдир.*

*Маҳбус: Расулжон Раҳимов».*

Расулжон Раҳимовнинг рафиқаси Раҳбархон аяга Амурскдан йўллаган хатидан бир парча:

*«Қимматли рафиқам!*

*Сизга соғинчли саломларни «қўндириш» сўнгида айрилиқ азоби орқада қолиб, севинчли кунларнинг тез етуви ва дийдор кўришувни тилайман.*

*Мени ёнингиздан олиб кетган вақти эрталаб бўлиб, устингизда қизил кўйлак бор эди. Катта кўча устида туриб: «Қачон келасиз?» – деганингизда НКВД ходими соат 12 ларда келади деб айтиб эди. Бугун улар айтган 12-нинг нечтаси ўтиб кетди. 4 йилдирки Сиздан, кўзим нури қизимдан йироқдаман. Ахир бу кунлар қанча оғир ва мудҳиш бўлмасин, кўз ўнгимдан бир минут нари кетмайсизлар. Менга қараб «Қачон келасиз?» деган сўзингиз ҳозиргина айтилгандай қулоғимга товуш бериб турар.*

*Раҳбар, мен маънавий жиҳатдан ўлик ва руҳий тарафдан соғлиғини йўқотган, қолаверса, ҳамма нарсадан жудо бўлган, айниқса, Ўзбекистоннинг неча қизлари ичидан саралаб, зўрға дийдорига етган суйгилимдан узоқда ишлайман. Билсангиз, бу мен учун осон бўлмас. Аммо бир нарса, у ҳам бўлса ҳукумат адолат қилар. Ишим текширилар, бу кутаётганлар қаторидан Ватанимга қайтарман. Мана шу умид мени ушлаб туради, шу умид билан яшайман. Шу тилак юракда буюк армон бўлиб ётар. Аммо сиз ортда қолган хоним эмассиз, бу нарса ўз-ўзидан бўлмас, ҳаракат керак ё шундай эмасму? Ҳозирги ҳаётингизни кўзим билан кўрмасам ҳам яхши ҳис қиламанки, ёлғизсиз. Бунинг устига, болалар ва рўзғор ташвиши, хизмат шароити ва бирмунча ноқулайликлар бор. Тўғри, аммо шулар билан бир қаторда тўлиқ имкониятлар ҳам бор, у ҳам бўлса, керакли жойларга учраш ва ариза билан мурожаат қилиш ва ҳоказолардир. Мен янгидан ВКП (б) Марказий Қўмитаси ва Адреевга, СССР Олий Советига ариза юбордим. Илгари берган аризаларим ҳам Тошкент прокурорида ётар. Бу тўғрида ўзингизнинг маслаҳатингизга кўра Ойимнисога хат ёзувдим, улар ҳам ҳаракатда эмиш. Баъзи ҳужжатларни берган эмишсиз. Бурҳонов уни Қўқонга юборибди. Бундан ташқари, Содиқов деган бир киши – райком секретари Москвага ариза ёзувди, қутулиб кетди. Унинг адреси (Тошкент, Сталин райони, Маданият маҳалла, уй номери 27, Каримжон Содиқов) Тошкентга бориб, вокзалдан 11-трамвайга ўтириб, Баланд масжидда тушиб, 10 қадам илгари бориб, чап қўлга қараб бурилиб, тор кўчага юрилса, унинг уйига кирилади. У кишига ҳам сизнинг адресингизни бердим. Салимжонга хат ёздим. У киши Тошкентга, Олий Советга менинг аризамни бериб ҳаракат қилади. Шу одамга берасиз. 26 июлда юборган посилкангиз 5 декабрда келди. Олиб хурсанд бўлдим. Сизга ва Бурҳоновга кўп раҳмат. Шу посилка ичида мактубингиз чиқди. Ўқидим... ишқилиб, менинг жоним, бало зиндонидан қутқаришга ҳаракат қилинг, иш айланиб бориб Андижоннинг ўзида,*

*область прокурорида ҳал бўлажак. Буни сизга олдиндан тушунтириб қўяй. Қўқондагиларни ҳам хат ёзиб қистаб туринг ва ўзингиз ҳар 5 кунда хат ёзишни виждоний вазифангиз қилиб иш планингизга киритинг. Бурҳоновга айтинг, акасига хат ёзиб, ҳалиги адрес бўйича Қ.Содиқовга учраб, нима иш қилаётганини суриштириб, унга керак ёрдамларни ташкил қилсин. Умуман, ўзларинг шу тўғрида фикрлашиб бир маслаҳат қиларсизлар. Бурҳонов ёки ўзингиз бир борсанглар яхшироқ бўлар эди. Борган вақтда мен айтган ҳужжатларни Андижондан олиб кетиш зарур. Бурҳонжон ва аяларимга кўп салом. Сиздан хат кутаман. Менга арзонбаҳо шим, кўйлак ва 50 сўм пул, ёғ керак. Юборасизми, хоним? Ҳурмат билан сизнинг умр йўлдошингиз».*

## СССР ИЧКИ ИШЛАР ХАЛҚ КОМИССАРИГА

Амир Темур йўли, Волит-Неверстанцияси, НКВД Амур лагери 1-бўлим, 63-колоннасидаги маҳбус Султонмасъуд Холботировдан (Алоқа бўлими) АРИЗА

Мен 1937 йил 11 октябрда ЎзССР Андижон шаҳар НКВД Андижон оперсектори томонидан қамоққа олиндим ва икки терговчи томонидан менга шундай саволлар берилди:

Биринчиси – Войлошников

... 9. Андижон шаҳрида қандай аксилинқилобий ташкилотлар фаолият кўрсатган?

10. Укангиз Шоҳрух Холботиров билан қандай алоқага эгасиз?

11. Халқ Комиссарлари Совети раиси Каримов билан қандай алоқангиз бор?

12. Мавжуд аксилинқилобий ташкилотга дахлдормисиз?

Иккинчиси – Чалий

13. Қайси ташкилот 1917 йили сизнинг номзодингизни шаҳар думасига кўрсатган?

Терговчи Войлошниковга:

14. Газета материалларидан менга маълум бўлишича, Андижон шаҳрида «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилоти бўлиб, унинг аъзолари Бурҳон Машрабий Қоризода ва бошқалар бўлган экан.

15. Самарқанд шаҳрида яшаётган укам Шоҳрух Холботиров билан ҳеч қандай алоқага эга эмасман. У билан 3-4 йилда Андижон шаҳрига таътилга келганида кўришиб турганман. 1936 йили менинг пахтачилик саноатидаги аъло хизматларим учун Марказқўм ва Халқ Комиссарлари Кенгашининг қарори билан пул мукофоти берилиб, «Правда востока» газетасида эълон қилингани муносабати билан ундан хат олганман. Унда у мени табриклаган. Самарқандда ўқиётган қизимни кўргани келганимда укамнинг қамалганини унинг хотинидан эшитганман.

16. Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси Каримов билан менинг ҳеч қандай алоқам йўқ.

17. Менинг мавжуд аксилинқилобий ташкилотга ҳеч қандай дахлдорлигим йўқ ва у билан ҳеч қандай алоқам йўқ.

Б. Иккинчи терговчи – Чалийга:

18. Қайси ташкилот номзодимни шаҳар думасига кўрсатганини мен билмайман, чунки бу вақтда мен Учқўрғонда эдим. Агардаки менинг номзодимни «Шўрои ислом» ташкилоти кўрсатган бўлса, у ҳолда ўз аъзоси учун эмас, менинг русча маълумотга эгалигимни ва саводлилигимни эътиборга олган.

Қандай таҳрир қилинган ҳолда менинг жавобларим сўроқ баённомасига киритилганини билмайман. Бадиий таҳрир қилиш терговчилар, хусусан, Войлошников тасарруфидаги иш эди, у ўзи ёзган ва менга имзолатиб олган сўроқ баённомасини ўқиш учун бермаган. Бу ҳақда мен иккинчи терговчи Чалийга мурожаат қилдим, аммо у ҳеч қандай эътибор бермади. Терговчи Чалий 5 ноябрь куни кечаси соат 12 да менга «Қамалганлар учун анкета»ни имзо қўйиш учун берди. Уни аввалдан ўзи тўлғазиб қўйган экан, кўплаб тузатишлар ва ёзувлар билан бузилган, нотўғри анкетани имзолаш учун мени «мажбур қилишди»[1].

Оқибатда юқорида келтирилган саволлар ва жавобларга кўра мен Улан-Удэдаги Балх лагерига этап қилиндим, бу ерда менга ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги қарори билан ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-қисми билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганимни эълон қилишди.

## Менинг қисқача таржимаи ҳолим

Мен 1888 йили Андижон шаҳрида туғилганман. Отам сув назоратичиси сифатида ирригация бўйича хизмат қилган ва, ниҳоят, 2-3 йил Андижон шаҳрида катта мингбошилик қилган. 1899 йили вафот этган. Отамдан мен 11 ёшдаги бола сифатида қолганман. Отам вафотидан сўнг ўша вақтдаги «рус-тузем мактаби»га ўқишга кирдим, бундан кейин тирикчилик қилиш имконига эга бўлмаслигим оқибатида бу мактабни битиролмадим.

Рус тилини янада ўрганиш ва амалиётда саводли бўлиш мақсадида Избоскан қишлоғида Избоскан даҳа ҳокими канцелярияси қошида хат ташувчи – мирза бўлиб хизмат қилдим. Бу ўттиз йилга яқин аввал бўлган эди. Шундан кейин ирригация бўйича хизмат қилдим. Улуғ октябрь инқилобидан кейин роса 20 йил совет муассасаларида, жумладан, яқин 14 йил пахтачилик саноати бўйича ишладим.

Укам Ш.Холботиров ҳақида гап бораркан, у бошқа онадан туғилган, яъни марҳум отамнинг учинчи хотинидан

[1] С.Холботиров бу ўринда қанчалик ҳақ эканини билиш учун ўша анкета билан Улан-Удедан йўллаган хатини солиштирдик, ёзув бир-биридан кескин фарқланмади. Ҳар икки ҳужжатни келтиришни лозим билдик.

туғилган. У мендан алоҳида яшаган ва ишлаган. Бизлар ўртамизда ҳеч қандай алоқа бўлмаган. 8 фарзандга эгаман. Биринчи икки қизим биринчи хотинимдан. Уларнинг иккаласи ҳам катта ёшда ва мустақил ҳаёт кечирмоқда, эрлари бор, қолган 6 киши 6 ёшдан 16 ёшгача ва улар мени ҳибсга олганларидан сўнг менинг хотиним қарамоғида. Тирикчилик қилиши учун ҳеч вақога эга эмаслар.

Совет идораларидаги 20 йиллик хизматим тўғрисидаги ҳужжатлар (махсус шахсий ишда) мени ҳибсга олишган пайтда терговчи Войлошников томонидан олиб қўйилган.

Мен учун нима сабабдан ҳибсга олинганим ва ҳозирда қамоқда турганим маълум ҳам эмас. Тушунарли ҳам эмас. Ҳайронман.

19. Агар ЎзССР НКВДси «учлиги» қарори билан расмийлаштирилиб антисовет тарғиботи учун ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган эканман, ахир бундай иш мутлақо мен томонимдан қилинмаган ва ҳеч қандай антисовет агитацияси олиб бормаганман, бу ҳақда терговчилар томонидан ҳеч қандай саволлар ҳам берилмаган, бу масалада менга ҳеч қандай айб қўйилмаган.

20. Агарда мен Андижон шаҳрида «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилоти мавжудлигини билган эканман, ахир бу бутун Ўзбекистон ССРга маълум-ку, чунки бу ҳақда газеталарда шу ташкилот аъзоларининг ўзлари ёзишган-ку.

Агар ЎзССР Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси Каримов ва ўз укам Шоҳрух Холботиров алоқа учун борган бўлса, у ҳолда мен улар билан ҳеч алоқага эга эмасман.

21. Агар менинг ишим «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотига мансублигим учун бўлса, у ҳолда менинг унга ҳеч қандай дахлим йўқ, у билан алоқам ҳам бўлмаган.

22. Агар 1917 йили шаҳар думасига сайланганим учун бўлса, у ҳолда мен рус тилини билган, масъулиятли, совет кишиси сифатида сайланганман.

23. Агар отам шаҳар мингбошиси бўлгани учун бўлса, у ҳолда мен отам вафот қилганда 11 ёшдаги бола эдим, 40 йил ўтиб ёш бола отаси учун жавобгар бўлиши керакми?

24. Агар даҳа приставы девонхонасида хизмат қилган бўлсам, у ҳолда бу 35 йил олдин юз берган эди ва девонхонада ишлашдан мақсадим рус тилини мукаммалроқ билиш, ундан амалиётда фойдаланиш бўлган.

25. Агар партиясиз бўлиб 20 йил совет муассасаларида хизмат қилган, масъул лавозимларда бўлган бўлсам, у ҳолда бу ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг кучи бўлган. Ўзбек ва рус тилларида маълумотли бўлишим ҳам шу сиёсатнинг маҳсули-ку. Ўзимнинг ҳеч қандай айбим йўқлигини ҳис этиб, Сиздан «учлик» қарорининг қайта кўриб чиқили-

шига рухсат беришингизни ва мени социалистик жамиятга қайтаришингизни илтимос қиламан.

Мазкур масала бўйича бир қарорга келганингиз ҳақида хабар қилишингизни илтимос қиламан. Холботиров».

Бу хатлар ҳам жавобсиз қолди. Султонмасъуд Холботиров НКВД ГУЛАГининг Амур лагерида ҳалок бўлди.

Андижон области прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Аҳадов 1957 йил ноябрида Андижон области суди ҳайъатига протест йўллайди. Областъ суди ҳайъати 1957 йил 20 ноябрда протестни кўриб, ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги Султонмасъуд Холботиров устидан чиқарган ҳукмини айблов исботланмагани учун бекор қилади. Кўплар қатори Султонмасъуд Холботировнинг номи истиқлол туфайли тўла-тўкис покланди. Унинг авлодлари Андижонда ҳозирда тинч ва фаровон ҳаёт кечиришмоқда.

Қатағон қурбони **Боқи Маҳмудий**нинг ўғли Тойлоқ Маҳмудов отасининг тақдирини дараклаб тегишли жойларга кўплаб хат-аризалар билан мурожаат этган. Унинг 1959 йил 8 февралда СССР Бош прокурорига йўллаган аризасида шундай дейилган: *«Менинг отам Маҳмудов Боқи 1903 йилда Андижон шаҳрида туғилган, маълумоти ўрта, касби ўқитувчи, 1937 йил август ойининг 2-ярмида Андижон шаҳрида қамалган. Ўша вақтдан бери шу вақтгача бедарак йўқолди. Ўлик-тириклиги, агар тирик бўлса, турган жойи номаълум. Икки марта юқори идораларга хат ёзган эдим. Жавоби келмади. Мендан бошқа қидиратурғон қариндоши йўқ. Мен ўғлиман. Иморат ишида ишлайман. Менинг адресим: Андижон шаҳри Сталин проспекти 85-уй, Маҳмудов Тойлоқ».*

## В) ЭСДАЛИКЛАР

### Зокиржон Нусратий ўғли, АнДУ доценти Козимжон Зокиров эсдалигидан

Дадам Зокиржон Нусратов 1887 йили Андижонда ҳунарманд оиласида дунёга келади. Дадамнинг қаерларда ўқигани тўғрисида мен ҳеч нарса билмайман. Бироқ катта опаларим, аммаларимнинг айтишларича, дадам бир неча тилларни билган экан.

Дадам узун бўйли, буғдойранг, чиройли келбатли, истараси иссиқ, жуда озода, дид билан кийиниб юрадиган, қарашлари пурмаъно одам бўлган экан. Дадамни кўрган одамлардан унинг салобатлилиги, кўчада келаётган бўлса, бошқалар унга нисбатан қандайдир ҳурмат, иззатда ҳушёр тортишлари ҳақидаги гаплари ҳам қулоғимга чалинган.

У мадрасада таҳсил кўрган. 1919 йилдан муаллимлик қилган. 1926 йили вақф бўлими мудири бўлиб ишлаган. 1927 йилда қамалиб, 1930 йил 1 июлда озод бўлган. Қамоқдан келгач у Янгиобод қишлоқ совети Каганович номли колхозда ҳисобчи бўлиб ишлаган.

Дадам икки марта уйланган экан. Биринчи бор у Холида ва Фарида опамларнинг онаси Озодахон аямга уйланган. Дадамни қамоққа олишганидан сўнг Холидахон ва Фаридахон опамларни мактабда ҳам «халқ душманининг қизи» деб камситишган. Дадам қамоқдан чиққач, негадир Озодахон аямиз билан ажрашиб кетиб, менинг бувим Саодатхонга уйланган. Дадамнинг икки хотинидан биз – 1932 йили опам Зокирова Нурияхон, мен 1937 йилда туғилган эканмиз. Дадамни ҳибсга олишганда опам 5 ёшда, мен 6 ойлик гўдак эканман.

Бувимнинг айтишича, дадам тез-тез гапирувчи, ўртоқларига жуда садоқатли, уй ишларига ҳам ёрдамлашиб турадиган инсон бўлган. Кўп ўқир, ўз замонасининг энг илмли кишиларидан бири саналар экан. Раҳматли Эътиборхон аммам, Фаридахон опаларимнинг айтишларича, дадам форс, араб, рус ва турк тилларини ҳам билар экан. Бундан ташқари, яхшигина мусаввир бўлган. Одамларга қараб туриб тез фурсатда уларнинг расмларини чизиб берар экан. Баъзи ҳолларда бувимга бирор иш буюрмоқчи бўлса, шу ишни кўрсатувчи расм элементларни тезда чизиб қўлига берар экан. Бувимнинг айтишича, дадам шеърлар ёзиб турар, «Етим қизнинг қисмати» номли драма ҳам ёзган экан. Кейинчалик дадам қамоққа олиниши хавфи туғилганда бу драмани ҳам йўқ қилиб юборишган.

Дадам ўқимишли киши бўлгани учун келажакни ҳам анча олдин кўра олиш хусусиятига эга бўлган. Илмга жуда эътибор берар, ўзи ҳам кўп ўқир, шу билан бирга, ёшларни ҳам илм олишга ундар экан. Кунларнинг бирида маҳалла қарияларидан қўшнимиз Абдуллажон ака Шокиров билан гаплашиб қолганимда у дадангиз (Аллоҳ охиратини обод қилсин) Зокиржон акам биз ёшларга доимо илм олиш зарурлигини таъкидлаб: «Ўқинглар, келажакда ўқиган, илм олган кишилар жуда эътиборда бўлишади. Улар жамиятимизга, ўз оиласига ҳам жуда катта фойда келтирадиган инсонлар бўлишади. Келгусида илм шундай ривожланадики, унинг шарофати туфайли бой-бадавлат яшаймиз, ҳаммамиз уйимизда дунёнинг барча бурчакларида бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни кўриб, эшитиб ўтирамиз деб бизга насиҳат қиларди», – дерди. Биз эса қандай қилиб дунёдаги бўлаётган ишларни уйда кўраркинмиз деб ҳайрон бўлардик. Мана, Зокиржон акам ҳақ экан, гарчи Зокиржон акам бу гапларни 1930 йиллари айтган бўлишига қарамай, дарҳақиқат, ҳозир ҳаммамиз ўз уйимизда телевизор орқали дунёнинг турли чеккаларида бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни кўриб турибмиз.

1936 – 1937 йилларда ҳукумат барча зиёлиларни қамаш, маҳв қилишни кучайтириб юборган. Бу даврда дадамнинг душманлари ҳам унинг фаолияти тўғрисида ёлғон-яшиқлар тўплашга тушган. Дадам колхозда бош ҳисобчи бўлиб ишлаган пайтида унинг ёрдамчиси билмас-

дан қандайдир харитани деворга нотўғри илиб қўйганлигидан ҳам дадамга қарши фитнада фойдаланишган. Дадам ҳақидаги иғволарни тўплашда ўзининг энг яқин ўртоғи ҳам иштирок этган деб эшитганмиз.



Дадам 1937 йил 7 октябрь куни ҳибсга олинган. Шу куни дадам ишдан Зокиржон Нусратийнинг қизи Нурияхон Зокирова ва ўғли Козимжон Зокиров келиб туришига уйимизнинг дарвозасидан, деворидан 5-6 та миршаблар бостириб кириб, тезда бўлинг, биз билан кетасиз дейишган. Дадам мени қўлига олиб (6 ойлик эканман): «Сизларга қийин бўлди-да», – деб миршаблар қуршовида уйдан чиқиб кетган.



**Владимир Сергеевич Трубецкой** – лейб-гвардия офицери, Биринчи жаҳон уруши иштирокчиси, 1920 йили Қизил Армияга чақирилган, шу вақтдаёқ қамоққа олинган. 1934 йили еттинчи марта қамоққа олиниб, Андижон шаҳрига сургун этилган, бу ерда маҳаллий ресторанда музикант бўлиб ишлаган. 1937 йили саккизинчи марта қамоққа олинган ва қизи билан бирга отиб юборилган.

**Трубецкой Андрей Владимирович** (1920 – 2002 йил) – Тула губернаси Богородице шаҳрида кўп болали Владимир Сергеевич ва Елизавета Владимировна Трубецкойларнинг оиласида тўртинчи фарзанд бўлиб туғилган. Оила Богородицдан Загорскка кўчиб келган, тез



орада отаси ва катта опаси Андижон шаҳрига сургун қилинган, улар ортидан бутун оила Андижонга келган. 1937 йили отаси ва катта опаси қамоққа олинган ва отиб ташланган, иккинчи опаси Соликомск яқинидаги лагерда вафот этган, онаси Бутырка турмасида ўлган.

Андрей Владимирович Самарқанд университетига ўқишга кирган, бироқ ўқишни давом эттириш учун Москвага кетган. 1939 йили армияга ва 1941 йили фронтга олинган, урушда оғир яраланиб асир тушган. Мўъжиза юз бериб, сақланиб партизанларга қочиб ўтган, урушни Берлинни озод қилиш билан якунлаган. 1949 йили қамоққа олиниб, Степлаг (Жезқозғон)га юборилган. 1955 йили реабилитация қилинган,



Москвага қайтиб келиб, университетнинг биология факультетига кирган. У ўзининг 1939 – 1956 йиллардаги оғир ҳаётини «Пути неисповедимый» номли китобида (Москва: Контур, 1997) ёзган. Кардиология институти физиология лабораторияси мудири бўлиб ишлаб, 1961 йили номзодлик диссертациясини, 1971 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилган ва умрининг охиригача Медицина академияси кардиология марказида лаборатория мудири бўлиб ишлаган. 2002 йил 27 октябрда 83 ёшида онкологик касалликдан вафот этган. Долгопрудный қабристонига дафн этилган[1].

Қуйида А.В.Трубецкойнинг Андижоннинг 30-йиллардаги тарихига дахлдор қимматли эсдалигининг бир қисмини ўзбекчага таржима қилиб беришни лозим кўрдик.

## Г) МАКТУБЛАР

### АНДИЖОНДАН МАКТУБЛАР
### («Хотиралар» туркумидан. 1934 – 1939 йиллар)

1934 йилнинг баҳорида ҳукм чиқарилиб, отам 5 йил, катта опам Варя эса 3 йил муддатга Ўрта Осиёга, Андижон шаҳрига сургун қилинди. Ўшанда шундай алғов-далғовли замонлар эдики, отамни тез-тез қамоққа олишарди-да, кўп ўтмай яна қўйиб юборишарди. Бу галги қамалиши эса сургун билан якунланди. Отамни нега қамоққа олишганини сўрашнинг ўзи мантиқсизлик эди. Варяни эса Москванинг Трубниковский тор кўчасида яшовчи қайлиғининг уйида «қўлга олишди». Аслида, бу ерга улар ўша йигитни қўлга олиш учун келишган. Отамнинг қамоқда ўтирганини билишиб, опамни қўйиб юборишади. Балки, янглишаётгандирман. Отамнинг Андижонда туриб Владимир Голицинга ёзган



Ака-ука Андрей ва Сергей Трубецкойлар. 1938 йил. Андижон шаҳри.

---

[1] www.obot-prostory.ru

хатини ўқигач, менда шубҳа пайдо бўлди. Чунки отам Варянинг қайлиғи анойилардан эмаслигига ишора қилганди. Бу сўзларнинг ортида нима яширинганини англай олмадим.

Кейинроқ кучда бўлган тартиб-қоидалардан фарқли ўлароқ, отам ва опамни сургунга оддий йўловчи поездининг умумий вагонида олиб кетишган...

Андижон деган шаҳар борлигини мен биринчи марта отам ва Варянинг хатларидан билиб олгач, шу заҳотиёқ мактаб дарслигидаги харитадан Ўрта Осиёни, Ўзбекистонни қидириб топганман. Айтиш қийин бўлган географик номлар энди ўзининг мўъжизалари билан уйғунлашган ҳолда бор ҳақиқатга айланаётган эди.

Шу йили мен мактабнинг 6-синфини муваффақиятли тамомладим. Июнда биринчи марта жорий этилаётган синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари ўтказилиши керак эди. Имтиҳонлар бошланмай кетаётганлигим сабабли энди уни кузда, янги жойда топширишимга тўғри келади. Перронга бизни кузатиш учун чиққанлар орасида икки кишини, онамнинг акалари Вовик ва Никс тоғаларни яхши эслайман. Бошқа кузатувчилар ҳам бўлган, лекин улар ёдимда сақланиб қолмабди. 8 ёшдан 19 ёшгача бўлган болалар қуршовидаги ориққина аёл, унинг қаппайган қорни, бир олам тугунчалар, эзилиб кетган чемоданлар: буларнинг барчаси ташқаридан қараган одамнинг дарров эътиборини тортарди.

Шу вақтгача мен поездда «қуён» бўлиб фақат Москвага борганман. Загорсклик болаларни қаҳрамонлик даражасига олиб чиққан ушбу саёхатларимизда ҳам йўл қисқа эмасди. Шунинг учун узоқ йўл мен учун ғоятда қизиқарли бўлди. Бир томонлама чўзилган поезд йўли, кичик разъездларда қарши томондан келаётган поездни ўтказиб юбориш учун кутиб туришлар, Сасова станциясидаги сочига танга тақиб олган хотинлар, ястаниб ётган Волга кенгликлари, буларнинг барча-барчаси мен учун қизиқарли эди. Самарада нохуш воқеа рўй берди: 12 ёшли синглим Ирина поезддан қолиб кетди. Эрталаб эди, онам уни нонуштага қайноқ сув олиб келишга жўнатади. Ирина лиқ тўла темир чойнакни келтирганида онам унинг қопқоғи йўқлигини кўради. Одатда, бундай арзимаган нарсаларга унчалик эътибор беравермасди. Бу сафар негадир уни топиб келишни буюрибди. У пастга тушиши билан поезд силжий бошлайди. Онамнинг кўзи пастда чопиб келаётган Иринага тушади. Лекин поездни тўхтатиб бўлмасди. Мен ухлаб қолган эканман, ғала-ғовурдан уйғониб кетдим. Тўнғичимиз Гриша Самарага қайтиб, бизнинг ортимиздан синглимизни олиб борадиган бўлди. Самарадан анча узоқда бўлган келгуси бекатда у қарши йўналишдан келаётган поездга ўтирди. Воқеликлардан олдинга ўтиб шуни айтмоқчиманки, улар биз ўйлагандек эртасига эмас, балки бир неча кун ўтгандан кейингина бизга етиб

олишди. Отам ҳар куни Москва поездини кутиб олишга чиқарди. Улардан эса дарак йўқ. Кутилмаганда ўзлари ҳовлимизга кириб келишди. Ирина қўлига ўша қопқоқни маҳкам ушлаб олган эди. Гриша уни станциянинг милиция бўлими олдидаги скамейкада йиғлаб ўтирган ҳолатда учратганини гапириб берди. Милиционер уни юпатаётган экан. Асосий йўналишдаги поездларда жой йўқлиги сабабли улар айланма йўллар орқали келишибди. Пули тугаб, сахий йўловчиларнинг мурувватидан баҳраманд бўлишибди.

Самарадан кейин вагон ойнасидан чексиз саҳролар, тепаликлар кўзга ташлана бошланди. Баҳор бўлиб, чор атроф лолақизғалдоқларга бурканган эди. Ерга худди қирмизи мато тўшалгандек эди. Бир ёқлама йўл худди илон изидек чўзилгандан-чўзилиб кетганди. Разъездларда эса қарши йўналишдаги поездни кутиб узоқ туриб қолардик. Захира йўлда «Ичимлик суви» деган ёзуви бор цистерналар тизилиб турарди. Туялар кўзга ташлана бошлади, уларнинг айримлари ҳатто поезднинг остида қолиб кетишди. Қозоқлар вагонларга сотиш учун қовурилган гўшт олиб чиқишарди. Мана бу жойда эса Орол денгизи мавжланиб турибди (айтишларича, ҳозир денгиз қуриб, поезд йўлдан 50 километрча узоқлашиб кетган, ўшанда биз уни аниқ кўрган эдик). Қизил Ўрдада бизни қовурилган балиқ билан сийлашди. Деярли шаҳарнинг ёнидан Сирдарё оқиб ўтади.

Бир куни эрталаб туриб, уфқнинг ортида худди саробдек товланаётган қорли тоғларга кўзим тушиб, ҳанг-манг бўлиб қолдим. Тошкентга яқинлашганимиз сари саҳро ўз ўрнини ям-яшил дала ва боғларга бўшатиб берарди. Тошкент вокзалида эшитилган бегона сўзлар ҳайратимни оширди. Вагонда биринчи марта ўзбек йўловчилар пайдо бўлишди. Уларнинг ичида ёши анча улуғ кўринган киши ўз онасидан катта қалин эвазига кимнингдир синглисини олиб беришини илтимос қиларди.

Ойна ортида томи теп-текис бўлган лойли уйлар, пахса деворлар, кўриниши шамга ўхшаб кетадиган узун тераклар, қалин дов-дарахтлар, картошка экилган майдонлар сингари тизилиб турган пахтазорлар қалқиб турарди.

Ниҳоят, Андижонга етиб келдик. Акам Володка билан (оиламизда ҳаммамиз бир-биримизнинг исмимизни айтиб чақирамиз – Володка, Серёжка, Андрейка, Иринка) ким биринчи бўлиб отамиз билан кўришишга баҳс боғлашдик. Мен поезднинг бир томонидан, акам иккинчи томонидан қарайдиган бўлдик. Отамни биринчи бўлиб Володка кўрди, сабаби, вокзал у томонда экан. Ҳаяжонли учрашув. Ана шу учрашувни ҳозир худди қалин район ортида тургандек элас-элас хотирлайман. Унинг опаси, тоғамиз Поль Бутеновнинг хотини Маша холанинг ўлими ҳақидаги хабар унинг қувончини дарҳол сўндирди. Улар Париж атрофида катта оила бўлиб яшашган,

биздан ўз ёрдамларини сира аяшмасди. Бу нохуш хабар йўлга чиқишимиздан аввал Загорскда эканлигимизда бизга етиб келган эди.

Вокзалдан бизга ажратилган уйга жазирама иссиқда пиёда қандай етиб борганлигимизни эслай олмайман. Отам ва Варя келишимиздан олдин Эски шаҳардаги Қизил карвон кўчасида истиқомат қилувчи Мирзаев фамилияли ўзбекдан уйининг ярмини ижарага олишган экан. Отам маҳаллий ресторандаги кичик бир оркестрга жойлашибди, Варя ҳам ўзига мос иш топган экан. Ўрта Осиёнинг барча шаҳарлари Фарғонадан ташқари икки қисмга – Эски ва Янги шаҳарга бўлинган. Андижон ҳам худди шундай жойлашган экан. Биз ўрта минтақадан келиб, жойлашиб қолган бу янги дунёни бироз таърифлашга ҳаракат қиламан.

Эски шаҳар бошдан-оёқ икки чети пахса деворлар билан қопланган қинғир-қийшиқ кўчалар, маҳаллалар, тор кўчалардан иборат. Уйларнинг биронтасига ҳам дераза ўрнатилмаган. Бу ерда яшовчи маҳаллий аҳоли деразани фақат ичкаридан очишга одатланган экан. Ҳовлилар эса мевали дарахтларга тўла. Улар пахса деворларни ҳам қоплаб олган. Катта кўчалар ёқасига ариқлар чиқарилган бўлиб, уларда лойқа сув оқиб туради. Кичик кўчаларда ариқлар йўқ. Улар ҳовли оралаб оқиб, айрим жойлардагина кўчани кесиб ўтади.

Мана отамнинг Загорскка юборган яна иккита хати:

«Суюкли онажоним! Кеча белгиланган жойга етиб келиб, озод бўлдик. Москвадан боришда унчалик қийналмадик. Назоратчиларимиз яхши одамлар экан. Дастлаб Тошкентга олиб келиб, марказдаги раҳбарларга таништиришди. У ерда бир суткани изоляторда ўтказдик. Шундан сўнг янги назоратчилар (улар ҳам яхши одамлар) ҳамроҳлигида кечаси Андижонга кириб келдик. Кеча эрталаб бизни тилхат ёздириб озод қилишди. Умуман олганда, энг қулай шароитда қизиқарли экскурсияни амалга оширдик десам ҳам бўлади. Маҳаллий раҳбарлар бизга яхши муносабатда бўлишди. Шаҳар тураржой маҳкамасида квартира олиш учун бизга қоғоз беришди. Шаҳар таъминотида эса 400 грамдан нон олиш учун карточка ажратиб, ошхонага бириктириб қўйишди. Бу ерда 2 рублга яхшигина тушлик қилиш мумкин. Хизматга жойлашишим учун ёрдам беришяпти. Бир ҳафтадан кейин квартира беришадиган бўлди. Шунинг учун кеча кун бўйи ижарага уй қидирдик. Фақат кечга борибгина Эски шаҳардаги ўзбеклардан икки хонали, усти текис ёпилган, пахсадан қурилган, тагига тупроқ тўлдирилган уйни ойига 20 рублдан ижарага олдик. Озода, лекин, бутун Ўрта Осиёда бўлганидек, мебеллари йўқ. Бугун эса бозордан маккапоядан тўқилган каттакон бўйра сотиб олдик. Уни ерга тўшаб, шарқона ўтирибмиз. Уйнинг эгаси ёқимтой одам, шоир. Лекин унда европача маданият етишмайди. Бугун

яна 15 рублга эски примус, 4 рублга керосин чироқ сотиб олдим. Ишни театр оркестрида 20 майгача бошлай олмас эканман. Чунки ижодий жамоа Қўқонда сафарда, фақат бир ойдан кейин қайтади. Ресторанда ҳам дарров иш бошлай олмайман. Шофёрлик қилиш мумкин. Бу ерда автомобиллар кўп, ойлиги эса оз – 155 рубль».

«Азиз рафиқам.

Виолончель етиб келиши билан боғдаги ресторанда иш бошлайман. Шу ерлик скрипкачи ва пианиночининг айтишича, ресторанда 600 рубль пул ишлаш мумкин экан. Ойлик маош эса 300 р + тушлик ва кечки таом. Иккала ҳамкасбим ҳам ичмас экан, агар шу рост бўлса, жуда яхши. Яқин орада сенга пул жўнатаман деган умиддаман. Кеча Варя билан шаҳардан 3 км наридаги дарёга бордик. Жуда тез оқаркан. Андижонни уч томондан ўраб турган оқ чўққили тоғларни, ажойиб боғларни кўриб, кайфиятим яхшиланди. Чўлда гуллар очилиб ётибди. Лолақизғалдоқ, нилуфардек оппоқ бўлиб очиладиган яна қандайдир гуллардан гулчамбар ясадик. Бугун қармоқ сотиб олдим, яна ўша жойга бориб, балиқ овлайман. Кеча кўз ўнгимизда битта одам кичикроқ иккита лаққа балиқ ушлаб олди. Ҳозирча шу, сени ўпиб қоламан. Негадир сизлардан ҳали биронта хат олмадим.

Владимир».

Ушбу хат 1932 йили чиқарилган откриткага ёзилган эди. Олди томонига «Омонат кассага топширилган ҳар бир рубль бизни социализмга яқинлаштиради» деб ёзиб қўйилган. «Почта карточкаси», «Қаерга?», «Кимга?» деган одатий ёзувлар эса саккизта тилда, жумладан, араб имлосида ёзилган.

Одамлар кўп ўтадиган катта арик бўйидаги қайрағоч тагида албатта чойхона бўлади. Ёғоч сўриларни эса сувнинг устига қуришади. Ўзбеклар эски гилам тўшалган ана шу сўриларда ўтириб олиб кўк чой ичишади.

Эски шаҳар бир қаватли уйлардан иборат катта майдонни эгаллаган. Шаҳар аста-секин пахта далалари, боғ ва узумзорларга уланиб кетади. Бу ерда масжидлар кўп, уларнинг айримларида миноралар бўлиб, кечки пайт мулла пинғиллаган овозда ҳаммани намозга чақиради. Минораси йўқ масжидлар ўртамиёна кўринади. Улар оддий ўзбек уйига ўхшатиб қурилган бўлиб, битта баланд ва кенг хонадан иборат. Олдида эса ёпиқ айвони бор. Эски шаҳарнинг марказида энг катта масжид жойлашган, лекин у ёпиқ эди. Илгари бу ерда диний илмлар ўргатиладиган билим юрти бўлган. Икки қаватли ушбу масжид кўплаб иморатлардан таркиб топган (ҳужра ёки синфлар бўлиши мумкин) бўлиб, тўрт бурчак шаклга эга. Ҳовлининг ўртасида баланд минора турибди.

Янги шаҳарда европача уйларни учратасиз, улар ҳам бир қаватдан иборат.

Кўча ва йўлакларга шағал ётқизилганлигини, салқинлигини ҳисобга олмаганда, эътиборни тортадиган бошқа жихатлари йўқ. Эски шаҳарнинг асосий кўчаси ҳисобланган Ленин кўчасининг бир томони вокзалга, иккинчи томони черковга бориб туташади. Унга радиоузел ўрнатишган. Шаҳарда, бундан ташқари, яна битта черков бор. Асосий кўчада магазинлар кўп. Юқорида айтганимдек, Фарғонадан ташқари Ўрта Осиёдаги барча шаҳарлар мана шундай бўлинган. Чунки Фарғона XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё истило қилинганидан кейин қурилган европача шаҳар ҳисобланади. Революцияга қадар шаҳар истилочи Скобелев номи билан аталган. Фарғона боғ ва ўрмонлар шаҳри ҳисобланади. Шаҳарга кириб борар экансан, фақат дов-дарахтларга кўзинг тушади. Йўлларнинг икки четига бир неча қатор қилиб дарахтлар экилган. Ҳар бир ҳовлида боғ мавжуд. Айтмоқчи, ўрта осиёликлар ёмон кўрадиган Скобелевнинг номи Болгарияда ҳурмат-эҳтиромда. У болгарларни турклардан озод қилган. Софияда унинг от минган ҳайкали турибди. Ўша пайтда Андижон 70 минг аҳолиси бўлган анча катта шаҳар эди. Бу ерда бир нечта пахта заводи, катта ёғ заводи (чигитдан ёғ олинади), грензавод (ипак қурти кўпайтирилади) фаолият кўрсатади. Яна бу ерда пиво заводи, механика устахоналари, совунгарлик заводи мавжуд. Шаҳар боғларида беш-олтита ёзги кинотеатр, яна икки ёки учта ёпиқ кинотеатр бор. Эски шаҳардаги хиёбонларнинг бирида ўзбек театри, унга яқин жойда замонавий маданият ва истироҳат боғи жойлашган. У ҳақда кейинроқ сўз юритамиз.

Эски шаҳарнинг энг кўзга кўринган жойи – бу бозор. Бутун бир кварталини эгаллаган бундай бозорларда товарлар аралаш ҳолда сотилади. Расталарга нафақат сотувчилар, балки ҳунармандлар ҳам жойлашган. Уларнинг жойлашуви қатъий тартибда, тайёрланадиган маҳсулот турига қараб амалга оширилган. Темирчилар, мисгарлар, косиблар, дўппидўзлар ўз буюмларини шу ернинг ўзида тайёрлашади. Рўмол ва тўн сотувчиларни кўп учратасиз. Пичоқчилик ҳам ривожланган. Пичоқ эркаклар кийим-бошининг ажралмас бир бўлаги бўлиб, у тўғри ва эгик ҳолда тайёрланади. Узунлиги 15 – 30 сантиметр бўлиб, теридан тайёрланган қинга солиб қўйилади. Бу ерда сотиладиган нарсаларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Кулолчиларнинг иши экзотик манзара касб этган. Бу ерда оддий рўзғор буюмларидан ташқари баландлиги бир метрдан зиёд сопол кўзалар тайёрланади. Бозорда чойхона ва ошхоналар ҳам аралашиб кетган, уларда енгил тамадди қилиб олиш мумкин. Бошқа егуликларга ҳам алоҳида жойлар ажратилган. Буларнинг барчаси шаҳарнинг кундалик қайноқ ҳаётини белгилаб берарди. Жума куни (мусулмонларда жума биздаги якшанба каби муқаддас ҳисобла-

нади)да эса бозор ўзига хос байрамга айланиб кетади. Айниқса, ёз мавсумида боғлар, томорқалар, узумзорларда пишиб етилган сархуш мева, полиз маҳсулотлари билан тўлиб-тошади. Уларнинг ҳаммаси ерда, тоғораларда, пақирларда сотилади. Танлаган нарсангизни доналаб ҳам, тўп ҳолда ҳам сотиб олишингиз мумкин. Баъзан тортиб беришади. Тарозилари эса жуда оддий: ипга боғланган иккита палланинг ўртасига ёғочдан шайин ўрнатилган. Қадоқтош ўрнига оддий тошлардан фойдаланишади. Ўлчов бирлиги эса рубль (бир сўм): бир сўмга икки кило, бир сўмга беш кило, бир сўмга ўн дона ва ҳоказо. Шафтолиларнинг хилма-хиллигини айтмайсизми! Улар ранги, шакли, ҳажмига кўра бир-биридан фарқ қилади. Этик ёғининг идишидек келадиган сап-сариқ рангдаги анжирдан бол томиб туради. Бозорда, булардан ташқари, олича, жийда, тут, ўрик, пиёз, саримсоқпиёз, картошка ҳам сотилади. Қовун ва тарвузга алоҳида жойлар ажратилган. Улар бутун кўча бўйлаб чўзилиб кетган. Мен янглишганим йўқ, чиндан ҳам улар бутун бир кўчани эгаллаб олган. Сабаби, ушбу маҳсулотлар икки ғилдиракли араваларда олиб келинади. Ғилдираклари икки метрли айланадан иборат, уларни туташтириб турувчи ўқнинг устига ёғоч сўрича жойлаштирилган. Ундан иккита шоти чиқиб туради. Аравакаш отга миниб, оёқларини шотига тираб ўтиради. Янги келтирилган қовун ёки тарвуз туширилиши билан дарров савдо-сотиқ авж олиб кетади. Бўшаган аравани эса отдан ажратиб, шотисини тепага қилиб қўйишади. Унинг панасига қовун-тарвузларни жойлашади. Ҳатто аравакаш ва сотувчи ҳам араванинг тагида иссиқдан жон сақлайди. Бундай бўшаган аравалар бутун кўча бўйлаб саф тортиб, ажиб бир манзара касб этади. Кечаси устига ялпиз ташлаб қўйилган қовун-тарвузлар муздек бўлгани учун уларни, қанчалик кўп бўлмасин, дарров талаб кетишади. Уларни шу ерда сўйиб ейишга ҳам одатланишган. Бунинг учун ёш болалар ва қизалоқлар араваларнинг орқа томонидаги қуруқ ерга гиламчалар тўшаб, қовун емоқчи бўлганларга пичоқ таклиф этишади. Улар фақат пўчоғи учун шундай қилишади. Чунки уй ҳайвонлари учун у яхшигина озуқа ҳисобланади (айтмоқчи, ҳайвон тезагидан ёқилғи сифатида ҳам фойдаланиш мумкин). Эски шаҳарда қовунни тиликлаб, одам кўп юрадиган чанг кўчаларда ҳам сотишади. Уйларнинг дарвозаси олдига табуреткаларни қўйиб, устига қовун сўйиб қўйишганини кўп кўрганман. Биздаги қишлоқ кўчалари бўйида олма ва картошка сотилгани сингари, сотувчи чақиришингиз заҳоти дарҳол уйидан чиқиб келади.

Расталарнинг яна бир қаторида сақич сотилади. Улар икки хил бўлиб, сариқ рангдагилари қимматроқ. Қора рангдагиси эса бирмунча арзон. Уни оғзига солиб, мазза қилиб чайнашади. Агар

чайнаш жонига тегса, бирон жойига ёпиштириб қўйишади, кейин яна фойдаланиш учун. Энг харидоргир бўлган қалампир сотувчилар ҳам бир чеккадан жой эгаллашган. Тўқ зангори рангдаги, нам ва юмшоқ, ҳар бири гугуртнинг учидек юмалоқ шаклдаги нос чекимлиги ҳам ўта харидоргир. Улар пештахталарга уюм қилиб тўкилади. Кашандалар белбоғининг орасидан носқовоқ чиқариб, сотиб олган чекимликни дарров унга жойлаб олишади (ўзбеклар белбоғни битта ёки иккита қилиб боғлашади, уларнинг орасига кўп нарсаларни жойлаш мумкин). Киши хумор бўлганда кафтини очиб, унга ушбу чекимликнинг чой қошиғи миқдоридагисини ажратади-да, тилининг остига ташлайди. Нос чеккан одам тили қисилганлиги сабабли сал қийналиб гапиради. Чекиб бўлгач, нос қолдиғини тупуриб ташлайди. Носни ўзбек аёллари ҳам чекишади. Одамлар гавжум жойларда бошқа яни бир чекимлик билан савдо қилишади. Бу – чилим. Уни бир марта ичига тортиши 20 тийин, шу сизга кифоя. Ошқовоқдан тайёрланган бўйи 40 сантиметрли бўш идишнинг ярмини сув билан тўлдиришади. Тепадан солинган қамишнинг ичига тамаки тўлдирилиб, иккинчи учи сувнинг тагига туширилади. Ошқовоқнинг ёмбошидан яна бир найча ўтказилади. Ундан чиқаётган тутунни чуқур нафас олган ҳолда ичига ютишади.

Бу ерда сотилмайдиган нарсанинг ўзи йўқ: қошни бўяйдиган хина, ипга ўтказилган кумушранг новвот. Бозорда турли тоифадаги одамларни учратиш мумкин. Аҳён-аҳёнда эркак кишининг худди аёлларникига ўхшаган баланд қичқириғи эшитилиб қолади: «Яшанг, бодринг!» Русча сўзларни ҳам эшитиб қоласиз: «А вот половина сахар, половина мед!» Буларнинг барчаси одамлар шовқинига, эшакларнинг ҳанграшига қўшилиб кетади. Бозорда нон, нўхат, аччиқ-чучук сотаётганлар ҳам шунча. Кимдир қозондаги ҳозиргина дамланган паловни мақтайди. Катта ҳажмдаги самоварлар қўйилган чойхоналардан ташқари ошхонага ўхшаш жойлар ҳам бор. Бу ерда қалампир ўта кўп қўшилган лағмон сотишади. Унинг хамирини ўзига хос тарзда чўзиб, шу ернинг ўзида тайёрлашади. Қалин хамирни тинмай ўгиришади. Сўнг ундан сомса ва нон тайёрлашади. Тандирга асосан ғўзапоя ёқишади. У кам тутайди. Бозорда фол очувчиларни ҳам учратасиз. Салқин ерга сартарош жойлашиб олган. У кимнингдир сочини қирар экан, ҳатто энг оддий гигиена қоидаларига ҳам амал қилмайди. Байрам кунлари бозорда дорбоз ва кўзбўямачилар пайдо бўлди. Дорбозларнинг кичик оркестри бор экан. Унинг мусиқий асбоблари най, икки метрли узун карнай ва барабандан иборат. Эски шаҳардаги катта бозордан ташқари Андижоннинг Янги шаҳарида «Янги бозор», Янги ва Эски шаҳар чегарасида «Пиён бозор» ҳам фаолият кўрсатади. Уларнинг алоҳида бир хусусияти бўлмаса-да, «Пиён бо-

зор»нинг нега бундай номланганлигини сира тушунмадим.

Ўша пайтда шаҳар транспорти асосан усти очилиб ёпиладиган аравалар (извошлар)дан иборат бўлган. Уларнинг «Пиён бозор»да паккаси бўлиб, учала бозор ўртасида ҳаракатланишарди. Извош тўлгунича ҳамма йўловчилар кутиб турарди. Битта-яримта одам етмай қолса, извошчи бақира кетади: «Эски шаҳарга бир киши!» ёки оддий қилиб: «Эй, бир киши!» Руслар негадир ушбу транспорт туридан кам фойдаланишарди.

Бозорда эса одам ва юк ташишда асосан эшаклардан фойдаланишади. Ушбу жониворнинг чидамлилигига тан бермасдан илож йўқ. Уларнинг бирига ўта семиз эркак паранжи ўраган хотини билан миниб олибди. Устига-устак, хуржунда анчагина юк бор. Эшак буларга парво ҳам қилмай, бир маромда юриб боряпти. Ўша кезларда хотинлар паранжи ёпинишарди. У аёлнинг юзи ва бутун гавдасини ўраб туриши керак бўлган. Унинг ичидаги аёл ёз кунида қанчалик куйиб-ёнишини тасаввур қилиш қийин эмас. Шунинг учун пана жойга етганда паранжининг тўрини орқага ташлаб, юзини очишади. Биронта эркак кўриниши заҳоти юзини қайта яшириб олишади.

Шуниси қизиқки, ўзбекларнинг эркаги ҳам, аёли ҳам чўкка тушиб ўтиришни ёқтиришади. Биз ижарада турган уйнинг эгаси ҳам ҳовлини чўккалаган ҳолда супуради. Бунга одатланишгани табиий ҳол. Чунки ўчоқда овқатни чўккалаб тайёрлашади, хотинлар билан кўчада гаплашишганида ҳам чўккалаб олишади. Йўлда кетаётиб ер чанг ёки лой бўлгани сабабли чўккалаб нафас ростлашади. Ҳозир ҳам метрода айрим шарқона одамларни учратганимда тирбандликдан чарчаб чўккалаган ҳолда дам олаётганига кўзим тушиб қолади. Отам ресторанда ичиб олган ўзбеклар ўзини назорат қила олмай дастлаб бир оёғини, сўнг иккинчисини ҳам стулга чиқариб олишганини кўп кўрганман дейди.

Уй шароитида аёллар юзини яширмайди. Агар йўлнинг нариги бетидаги қўшнисиникига чиқиши керак бўлиб қолса, дарров бошига рўмол ёки нимча ташлаб олади, юзини эса ликоп ёки патнис билан тўсиб олади. Ён қўшнилар ўртасидаги деворга кўча орқали кирмаслик учун декча очиб олишган. Бундан ташқари, ҳовлида юрган ожизага тўсатдан бегонанинг кўзи тушмаслиги учун кириш дарвозасига кўндаланг равишда пахса девор урилган. Юқорида Эски шаҳарда кўча томонга очилган биронта ҳам дераза йўқлигини айтиб ўтган эдим. Шаҳарни кесиб ўтган темир йўлининг асоси баланд кўтарилган. Унга яқин бўлган ҳовлиларнинг биридаги кўча девори устига қўшимча қилиб қамиш бўйра ўрнатишибди, вагонда бораётган йўловчиларнинг кўзи тушмаслиги учун. Бироқ холисона айтиш керакки, ўттизинчи йилларда аёллар орасида, айниқса, шаҳарликлар ичида паранжи ёпинганлар

унчалик кўп эмасди. Эркак ва аёллар дўконларда алоҳида навбатда туришарди. Диний нуқтаи назардан келиб чиқиб эмас, балки ўзининг миллий анъаналарига бўлган ҳурмат-эътибори туфайли ҳам улар шундай қилишган. Фақат темир йўл кассаларидагина ўзбек аёллари навбатда туришмасди. Шунда рус аёллари уларни ҳақорат қила кетишарди. Кўпроқ ёши катта рус кишилари ўзбекларга нафрат кўзи билан қарашган. Маҳаллий аҳолининг маълум қисми уларга ана шунга яраша жавоб қайтаришарди.

Ўзбек аёллари содда кийинишган. Уларнинг эгнида гулли матодан тикилган кўйлак, лозим, бошида гул солинган ёки сийдам дўппилари бўлган. Сочларини ўриб юришган. Қулоқларига сирға тақишарди. Ўсма қўйилган қошлар бир-бирига туташиб кетарди. Эркакларнинг кийиниши ҳам ажабланарли эмасди: оддий иштон, яктак, чопон ва дўппи. Чопонлари асосан йўл-йўл, турли хил ранглардан иборат. Бир хил тусдагисини кам учратасан. Дўппи эса асосан қўлда тикилади, тўртта катта гули бор. Дўпписидаги гулларнинг фарқига қараб у кишининг қайси шаҳардан эканлигини билиб олиш мумкин. Рангли, гиламли дўппилар ҳам бор. Гиламли дўппиларни асосан тожиклар кияди. Чопонни белидан битта ёки иккита белбоғ билан боғлаб олишади (ўзбеклар бойлигига қараб иккита чопон кийиши ҳам мумкин), ёнбошида эса чарм ғилофга солинган пичоқ осилиб туради. Оёғига тагчарми дағал бўлган этик ёки маҳси кийиб юришади. Айрим ҳолларда фақат калиш судраб юришганини ҳам кўрасиз. Товонига нахал қоқтирилган оддий этиклар кам кўринади. Эркаклар чопоннинг ичидан яктак кийиб олишади. Иштонлари эса калта, тўпиғидан келади. У икки бўлак матодан тикилган бўлиб, «П» ҳарфини эслатиб туради. Бундай иштонлар думбани яшириб туради. Ўзбекларда орқасини чиқариб юриш айб ҳисобланган. Улар ҳатто ҳаммомда ҳам авратини ёпиб юришади.

Ўзбекларнинг яна бир характерли жиҳатига тўхталмоқчиман. Улар гулни, айниқса, атиргулни яхши кўришаркан. Кўча ва бозорларда, қишлоқларда қулоғига ёки дўпписининг тагига атиргул қистириб олган чолларни кўп учратиш мумкин. Бу жуда ҳам таъсирчан кўриниш.

Андижон Фарғона водийсининг шарқида жойлашган, унинг атрофида Фарғона, Қўқон, Марғилон, Наманган, Жалолобод, Ўш ва бошқа бир қанча йирик посёлкалар бор. Қишлоқларни айтмай қўя қолай. Тупроғи ниҳоятда унумдор, суви эса мўл. Фарғона водийси бошқа жойлардан кескин ажралиб туради, уч томони тоғлар билан ўралган. Жанубда олис ва ҳамиша оппоқ қор билан қопланган Олой тоғ тизмаси чўзилиб кетган. Унинг шакли катта тишлари бор аррани эслатади, шаҳар четидаги тепаликлар ортидан ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Тоғ тизмасигача камида 150

километр йўл босиш керак. Шимол ва шимоли-шарқда бироз яқин, ёзда чўққисидаги қорнинг тез эришига қараганда унча баланд бўлмаган Фарғона тоғ тизмалари мавжуд. Унга ўрик оппоқ бўлиб гуллаган маҳалда қарасанг, кўм-кўк осмон фонида ажиб манзара кашф этади. Бизнинг ўрта полосамизда бундай кўм-кўк осмон йўқ, унда ёрқин тунги юлдузларни ҳам учратмайсиз.

Фарғона водийсидан Қорадарё ва Норин дарё оқиб ўтади. Улар водийдан чиқишда қўшилиб Сирдарёга айланади, Андижон эса сой бўйида жойлашган. Сой жуда тез оқади. Бироқ йўл-йўлакай ариқларни сув билан таъминлаб, шаҳардан чиқишда арикча ҳолига айланади ва пахта далалари ичида йўқ бўлиб кетади. Андижоннинг Янги шаҳари четидан бошланадиган Билдин (ҳозирги Навоий проспекти) тўғри Эски шаҳарга олиб боради. У ёйдек текис, узун, кенг, икки чети қалин тераклар билан қопланган. Мазкур кўча янги шаҳардан сўнг Ўшга, ундан сўнг Помир ва Хороғга олиб борувчи катта йўлга қўшилиб кетади. Шунинг учун бўлса керак, баъзи пайтда Билдин кўчасидан туялар карвони ўтиб қоларди. Ана шундай карвонлардан бирида пахта юкланган элликта туяни санадим. Олдинда эшак минган соқолли киши борарди. Охирги туянинг бўйнига қўнғироқча илинган бўлиб, унинг овози карвоннинг бехатар келаётганини англатарди. Ёки Билдин кўчасида яна бошқача манзаранинг гувоҳи бўлиш мумкин эди. Икки-учта ўзбек ранг-баранг ёки бир хил тусдаги шойи матони келтириб, уларни дарахтлар орасига илиб чиқарди. Сўнг уларни хивич билан савалаб, орасидан маълум қисмини ажратиб олишарди.

Биз мана шундай ўзимиз учун бегона бўлган янги бир дунёга кириб қолгандик. Буларнинг барчасини батафсил таърифлашимдан мақсад, мана шу дунё биз учун бир умрга ҳам ширин, ҳам аччиқ хотира бўлиб қолди. Андижонда 1969 йилда бўлганимда бу ерда кўп нарса ўзгарганлигини кўрдим. Мамлакатнинг, халқнинг, унинг турмуш тарзининг бутун бир ўзига хос хусусиятлари ўчиб кетгандек туюлди. Бу ерликларнинг ҳаёт тарзи умумиттифоқ аҳамиятини касб этган эди. Ушбу жараённинг амалга ошиши табиий ҳол эди. Уруш йиллари Марказий Осиёга кўплаб одамлар ва заводлар кўчирилди. Бу ерда авж олган пахта яккаҳокимлиги боғ ва полиззорларни, шолипояларни сиқиб чиқарди. Пахта бу ерлик аҳоли учун чинакам офатга айланди. Пахта асосан машинада йиғиштириб олинади. Бунинг учун дастлаб ғўза баргларини тўкиш керак бўлади. Шу сабабли пахта даласига заҳарли дорилар сепилган. Бугунги кунда бу пахта етиштирувчи республикаларнинг энг оғриқ нуқтасига айланган. Англияда саноат инқилоби даврида «қўйлар одамларни еди» деган ибора пайдо бўлганди. Бу ерда эса одамларни пахта нобуд қилмоқда. Айни пайтда, қу-

риб бораётган Орол денгизи муаммоси ҳам бор. Айтишларича, ёз мавсумида Сирдарёнинг суви унга етиб бормайди. Чунки унинг суви пахта далаларига тақсимланиб кетади. Амударёнинг тақдири ҳам бундан мустасно эмас. Шунга қарамай, Амударёнинг ирмоғи ҳисобланган Вахш дарёсига улкан «Нурек» ГЭСини қуришди. У Бутуниттифоқ қурилишига айланган эди. Сувни баланд дамба билан тўсиб қўйишди, натижада узунлиги ўнлаб километрни ташкил этган улкан кўл пайдо бўлди. 1984 йили мен у ерда бўлдим (ўша йили Душанбеда навбатдаги физиологлар анжумани ўтказилди. Мен унда қатнашдим ва бизни «Нурек»ка олиб боришди). Бизни кичкина пароходда сув омбори бўйлаб сайр қилдиришди. Бир неча куб километрдан иборат сув Орол денгизига етиб бормай тоғда қолиб кетаркан. Ваҳоланки, Вахш тоғларига қурилган кичик гидростанциялар каскади ҳам ана шунча миқдордаги электр энергиясини бериши мумкин эди. Йўқ, бизга Бутуниттифоқ қурилиши керак деб айтишади.

1969 йили мен илгариги бозорларни кўрмадим. Маҳаллий аҳоли энди Европа усулида кийина бошлаган эди. Миллий кийимлар эса анча соддалашибди. Янги чопонлар фақат бир хил рангдаги матодан тикилган. Дўппилар эса жонсиз машиналар чокидан чиқаётган эди. Ижобий ўзгаришларни ҳам кўрдим: шаҳарга водопровод олиб келишибди. Пахсадан қурилган эски маҳаллаларни бузиб, ўрнига замонавий уйлар қуришяпти, йўлларга асфальт ётқизишяпти. Андижонда энди тиббиёт институти ва бошқа бир қатор олийгоҳлар бор. Бу ерда яшаган руслар анча камайган. Андижон бошқа Ўрта Осиё шаҳарлари сингари кўп миллатли. Унинг туб аҳолиси ўзбеклар ва кам миқдордаги Бухоро жуҳудларидан таркиб топган. Қолганлари, яъни руслар, украинлар, татарлар, арманлар келгиндилар ҳисобланишади. 1935 ёки 1936 йилда бу ерда корейслар пайдо бўлишди. Уларни Узоқ Шарқдан мажбуран кўчириб келтиришган. Бу Сталин даври учун оддий ҳол эди. Корейсларни бутун Ўрта Осиёга, асосан қишлоқ жойларига жойлаштиришди. Шу бўйи колхозларда яшаб келишяпти. Маҳаллий шароитга кўникишди, лекин бошқа миллатлар билан қўшилиб кетишмади. 1983 йили хотиним билан Тошкентда бўлганимда унинг бозорларида кўплаб корейсларга кўзим тушди. Улар жон сақлаб қолишган эди.

Ўзбекистонда бўлган пайтимизда у ерда ёзув ислоҳоти амалга ошаётган эди. Мамлакатда араб имлосидан лотин имлосига ўтилди. Эски шаҳардаги уйларнинг рақамлари арабча битилганлигини, маҳкама қоғозлари арабча ёзилиб, рус тилига таржима қилинганлигини кўрдик. Рус мактабларида эса ўзбек тилини янги имлода ўргатишар эди. Бу борадаги ислоҳотлар шу билан якунланиб қолмади. Энди бизнинг Шарқ республикаларимиз кирилл алфавитида ёзишга

ўтди. Буларнинг барчаси совет мусулмон республикаларини хорижий мусулмон давлатларидан ажратиб қўйишга қаратилган сиёсат эди. Кавказортининг христиан халқлари – грузин ва арманлар, Болтиқбўйи аҳолиси ўз ёзувида қолди. Бироқ маданият, халқнинг бутун бир тарихи, унинг анъаналари сақланиб қолаверади. 70-йилларда Москвада тролейбусда кетаётиб олдимда ўтирган татар ёшларининг хат ўқиётганига кўзим тушди. Ушбу хат араб имлосида ёзилган эди. 1979 йили Фрунзеда менга Тошкентда нашр қилинган Қуръонни кўрсатишди. У ҳам араб имлосида битилган эди. Ўзбекистонда ҳозир ҳам болалар суннат қилинади. Москвадаги масжидга эса мусулмон байрами кунлари одам сиғмай кетади.

Энди ўзимизнинг ҳаётимиз, яшаган уйимиз, унинг эгалари ва қўшнилар ҳақида ҳикоя қиламан. Юқорида эслатиб ўтганимдек, биз дастлаб фамилияси Мирзаев бўлган бир ўзбекнинг хонадонига жойлашдик. Биринчи куни у бизга катта идишда гилос ва оқ ўрик олиб кирди. Оқ ўрик энг эрта пишадигани, ерга тўкилганида унинг қуюқ шарбати данагига ёпишиб қолади. Уйнинг сариқ сочли хўжайини, бошқа ўзбеклардан фарқли ўлароқ, рус тилида яхши гапирарди. Унинг хотини Кароматхон эса анча ёш, у фақат сўкинишдангина иборат бўлган русча сўзларни билади. Афтидан, бу сўзларни шаҳарда извош бўлиб ишлайдиган эридан ўрганиб олган бўлса керак. У ушбу сўзларнинг маъносига тушуниб-тушунмай тўғри келган жойда айтаверарди.

Биз турган уй пахсадан қурилган бўлиб, томи теп-текис, поли эса лойшувоқ қилинган. Шифтга тўсин ётқизилиб, устидан қамиш босилганди. Унинг устидан эса сомон сувоқ қилинган. Уйнинг деворларини ҳам сомон сувоқ қилиб, устидан оқлаб қўйишган. Ички деворлари эса ердан бир метр тепадан тўғри бурчак шаклида чуқур ўйилган. У жуда қулай бўлиб, шкаф ва токча вазифасини бажаради. Биз уйнинг кўча томонидаги иккита хонасини эгалладик. Орқа томонида эса уй эгалари истиқомат қилишарди. Уй ўша пайтда урф бўлган ярим айвондан иборат. Улар яшайдиган хонада қишда овқат тайёрланадиган ўчоқ бор. Ёзда овқатни ташқарига қурилган ёзги ўчоқларда пиширишади. Улар жойлашган хонанинг ўртасида тўртбурчак чуқурча бор, устини паст бўйли хонтахта билан ёпиб қўйишган. Уни сандал деб аташади. Қишда ана шу чуқурчага ўчоқдан чўғ олиб ташланади. Сўнг хонтахтанинг устини пахта солинган кўрпача билан ёпиб қўйишади. Шундан сўнг оила аъзолари сандал атрофига тўпланиб, оёқларини унинг ичига тиққан ҳолда ўтиришади: ниҳоятда иссиқ. Бундай пайтда эшикни бемалол очиб қўйиш мумкин, ташқарида эса изғирин совуқ.

Биз томонда айвон йўқ эди. Ёзда сўкичак қуриб, томорқага экилган ошқовоқни биз томонга чиқариб қўйишарди.

Биз унинг салқинида тушлик қилиб, шу ерда ухлардик. Ана шундай кунларнинг бирида отам Варя билан бозордан ёғоч каравот олиб келишди. Ҳовлининг ичкари томонидаги сўриток остига ана шундай панжарали каравот ўрнатилган. Лекин у жуда ҳам катта. Унга ўта баланд қилиб кўрпа-тўшакларни йиғиб қўйишади. Искабтопардан ҳимояланиш учун кечқурун пашшахона қуриб олишади. Искабтопарлар майда бўлгани билан, жуда ҳам зарарли. Чаққани унчалик билинмайди. Бироқ унинг ўрни кейин шунчалик қичишадики, бир неча кун уни қон чиққунча қашлаб юришга тўғри келади. Оиламиздагилар аста-секин бунга кўникиб кетишди. Лекин онам иккаламиз ёз бошланди дегунча ундан қаттиқ азият чекардик.

Биз томонимизда кичкина томорқа бўлиб, ошқовоқдан ташқари бу ерга помидор, қовун ва бошқа нарсалар экиларди. Томорқанинг чеккасида ҳожатхона жойлашган. У ҳам жуда оддий тикланган: кефир идишига ўхшаб кетадиган юмалоқ хандақ қазиб, унинг устини ўртаси тешик тахта билан ёпиб қўйишган. Атрофи эса одамнинг белидан келадиган пахса билан ўралган. Хандақ тўлиши билан ёнига бошқасини ковлашади. Ҳовлининг орқа томонида боғи бор. Бу ерда ўрик, гилос, беҳи парваришланади. Беҳини илгари кўрмаганимиз учун уна дастлаб олма деб ўйлаган эканмиз.

Кўп ўтмай биз қўшни ҳовлига, Ғофиржон Шарипов истиқомат қиладиган Қизил карвон кўчасининг 86-уйига кўчиб ўтдик ва бу уйда бир неча йил истиқомат қилдик. Опа-сингилларим ҳовлидаги алоҳида уйга жойлашишди. Биз турган хонада овқат тайёрланадиган плита, иссиқлик бор. Уйнинг эгаси рус тилини яхши билмайди. У темир йўл депосида боғбон бўлиб ишлар экан. Мутлақо саводсиз, шунга қарамай, партия аъзоси эканлиги бизни ҳайратга солди. Ёзишни билмагани учун менга бепул кўмир, ёғоч ёки пул олиш ҳақида тез-тез ариза ёздириб оларди Хотини Ойимчахон ҳам рус тилини билмайди. Уларнинг иккита фарзанди бор. Қумри синглим Ирина билан тенгқур, бироз оқсаб юради. Ўғли эса энди бир ёшга тўлган.

Ота-онамиз жуда самимий инсонлар. Уларнинг яхши тарбия кўришганини айтмай қўя қолай. Ана шу сабабли маҳаллий аҳоли билан тез тил топишиб кетарди. Биз ҳам болалар билан дарров дўст тутиниб олдик. Тенгқурларимиз биринчи бўлиб бизга ўзбекча сўкинишларни ўргатишди, ўзимизникига қараганда уларнинг тури кўп экан. Қўшнимизнинг ўғли Музроп ҳали танишиб-танишмай туриб «Ленинни кўрганмисан?», « Россияда ун қанча туради?» деб сўради. Айтиш жоизки, мамлакат 1933 йилги очарчиликдан эндигина қутулаётган эди. Марказда яшаганимизда Россия деган сўздан биз анча бегоналашиб қолгандик. Бу ерда ушбу сўз яна ўзгача маъно касб эта бошлади. Маҳаллий аҳолининг Россияга қизиқиши баланд эди. Ўзбек-

лар энг сифатли буюмга «Николайники» деб таъриф беришарди. Бир куни Музропнинг отаси мени ичкарига чақириб, бир нималарни узоқ тушунтиришга ҳаракат қилди. Мен фақат «бозор» ва «қозон» деган сўзларни тушуна олдим, холос. У мени қозоннинг олдига олиб бориб, унинг қулоқларини кўрсатди-да, имо-ишора билан бозорга олиб боришимиз кераклигини тушунтирди. Мен олдинда, у орқада бўлиб бозорга йўл олдик. Бозорга етгач, қўшнимиз менга рухсат бериб, қозонда тўла турган нўхатни сотишга киришди. Кечки пайт маҳалламизда катталар пулга ошиқ отишарди. Уларнинг орасида нўхатчи тоғани ҳам учратдим. У яна имо-ишоралар билан мени олдига чақириб, қўлимга бир сўм тутқазди. Бу бояги меҳнатимга ҳақ экан. Шериклари эса эрталабки ишимдан бехабар, нўхотчи ўйинда ютиб олиш учун шундай қилди деб ўйлашди. Балки, шундайдир... Бу ерда ошиқ ўйнаш кенг оммалашган. Бунинг учун сўйилган қўйнинг олди тиззасидан ошиғини ажратиб олишади. Ошиқ отилганида унинг бир томони тепага бўлиб тушади. Ҳар бир томони ўз қийматига эга: чикка, пукка, олчи, олтова. Охиргиси энг қиммати. Одатда, тўртта ошиқда ўйнашади. Бу ўйинда ҳеч нарса аяб ўтирилмайди, шунинг учун у жамоат жойларида қатъий тақиқланган. Бундан ташқари, гугурт отишади. Бунда қути уч хил ҳолатда ерга ётади. Энг қиммати унинг тик туриб қолиши. Болаларнинг ўйини эса худди бизнинг ошиқ ўйинимизга ўхшайди. Бунда ошиқ вазифасини ёғоч соқа ёки ёнғоқ бажаради. Ланка ўйини ҳам бор. Уни тайёрлаш учун қўй терисининг бир бўлаги қирқиб олиниб, унинг орқасига танга ёки қўрғошин ёпиштирилади. Бу ланканинг ҳавода текис ҳаракатланишини таъминлайди. Уста ўйинчилар ланкани чап, ўнг оёғи, тиззасини буккан ҳолда олди ва орқа томони билан ҳам тепа олади. Ланка ерга тушиб кетмагунча тепилаверади. Ана шундан кейингина у бошқасига ўтади. Бу ерда «чиллак», «казаклар ва қароқчилар» ўйинларини учратмадим.

Илгари биз уйида яшаган Мирзаевнинг яқин ерда яшайдиган опаси ва иккита акаси бор эди. Опасининг эри ёзда қамоқдан чиқди. Унинг саккиз ёшли ўғли бу қувончли хушхабарни нишонлаш учун кўчага танга сочди. Болалар талашиб юриб уни битта қолдирмай териб олишди. Хўжайинимизнинг укаси Абдураҳмон мен билан тенгқур бўлиб, унчалик кўзга ташланиб турмасди. Унинг акаси Ҳожи эса 25 ёшга тўлган бўлиб, шеър ёзарди. У рус тилида яхши гапирарди. «Ақлли», «зиёли» сўзларни қўшиб гапиришни яхши кўрарди. Ўшанда рамазон ойи эди. Маҳаллий аҳоли рўза тутиб, эрталабдан-кечагача оғзига ҳеч нарса олмасди. Ҳожи биз билан тушлик қилиб бўлгач, кўчага чиқиб, оғзида чайнаётган гўштни қўшнисига кўрсатиб, мақтана кетди: «Чўчқа гўшти еяпман!». Бу миллий анъаналарга қарши чиқиш билан баробар эди. У отам билан суҳбат-

лашиш учун бизникига кўп кирарди. Афтидан, уни отам эмас, балки сингилларим кўпроқ қизиқтирарди. Мен Ҳожидан исми-шарифимни араб имлосида ёзиб беришини сўраган эдим, у илтимосимни дарров бажарди. Кейин мен бу сўзларни пичоқ билан деворга ўйиб туширган эканман. Бу ишим ножўя эканини кейин тушуниб қолдим.

Яна бир ҳолат: у Ҳожи билан боғлиқми-йўқми, мен учун мавҳум бўлиб қолди. Отам Янги шаҳардаги ресторанда музикант бўлиб ишлашини, доимо ишдан кеч қайтиб, онамни безовта қилишини илгари айтган эдим. У ярим тунда ишдан қайтаётиб Пиён бозор билан Эски шаҳарни боғлаб турувчи катта йўлдан тор кўчага бурилади. Осмонда чарақлаб турган ой ўхтин-ўхтин булутлар остига яширинарди. Бир жойга етганда отамга олдиндаги нураган девор орасидан кимдир мўралагандек бўлиб туюлади. Шунда у роялни созлашда ишлатиладиган темир калитни ҳимояланиш учун шай қилиб қўяди. Шубҳали ерга етганда девор ортидан пичоқ кўтарган кимса унга ташланади. Отам калитни чиқариб, у билан қароқчининг бошига солади. Йўлтўсар кутилмаган зарбадан тиззалаб қолади ва шу ҳолда кўздан ғойиб бўлади. Бу ҳодиса Ҳожининг уйидан 100 метр нарида юз берганди. Икки кундан сўнг у бошини дока билан боғлаган ҳолда уйимизга кириб келди. Нима бўлди деб сўраганимизда «яра чиқди» деб қўя қолди. Отамга ташланган шу эдими ёки бошқасими, билмай қолдик. Кўп ўтмай Ҳожи умуман бизга кўринмай қўйди.

Ўзбек маҳаллаларида онда-сонда бўлса ҳам маҳаллий аҳоли билан ёнма-ён яшайдиган рус оилалари учраб турарди. Масалан, Смутинлар оиласи Қўтан ариқнинг нариги томонида истиқомат қилган. Биз яшаган Қизил карвон кўчаси ҳам шу ариққа ёнма-ён жойлашган эди. Ариқда одамлар ҳам, отлар ҳам чўмилаверарди. Смутинлар оиласи инқилобдан аввал бу ерга кўчиб келган руслардан ҳисобланади. У учига чиққан пиёниста эди. Ўғлининг айтишича, илгари ички ишлар маҳкамасида ишлаган, қўлга тушган босмачиларни отиб ташлашда қатнашган экан. Ана шундай пайтда кайф, этиклари қон ҳолатда ишдан қайтарди. Шу аҳволда у Қўтан ариқдаги тор кўприкдан қандай ўтиб олганига ҳайрон қолардим дейди унинг катта ўғли Анатолий. Фарзандлари отасини сизлаб туриб, уни ёмон кўриши мени кўп бора ажаблантирган.

Турли йилларда бизга ҳар хил тоифадаги рус оилалари қўшни бўлган. Бир пайтлар отам билан битта оркестрда ишлаган пианиночи оиласи истиқомат қилган эди. Уларни яхши эслай олмайман. Қўшни уйда сибирлик темирйўлчи, паровоз ҳайдовчиси ўз оиласи билан яшаган. Унинг семиз хотинини Сибирдаги фуқаролар урушида урф бўлган қўшиқлари орқалигина эслаб қолганман:

*«Бизга ваҳший чехлар ҳужум қилишди,*
*Жондан азиз қишлоғим ёндиришди...»*

Биздан бир уй нарида, маҳаллада ягона бўлган болохонали уйга Гребеньшиковларнинг кўп болали оиласи жойлашди. Улар ҳам Сибирдан келишганди. Оила бошлиғини негадир эслай олмайман. Қизларининг бири ғоятда соҳибжамол эди. Шаҳар боғидаги ҳовузда чўмилганида албатта икки-учта ўзбек уни еб қўйгудек томоша қилаётган бўларди. Мендан икки ёш катта бўлган ўртанча ўғли билан мен дўст тутиндим. У Эски шаҳарни радиолаштиришда слесарми, монтёрми бўлиб ишлаган. Бошқа қўшнилар ҳам бўлганди, бироқ ҳаммасини эслаб қолмаган эканман.

Яна ортга чекинсам.

Биз кўчиб келганимиздан кейин бир ойдан озроқ вақт ўтиб, аниқроқ қилиб айтганимда, 1934 йилнинг 12 июнида энг кичик укамиз туғилди. Ўзини доимо хушчақчақ олиб юрадиган отам диний китоб варақлаб унга мос исм қидира бошлади: Пуд, Комод, Африканга келиб тўхталган бўлса-да, Георгий деб исм беришди. Кейинчалик уни Готька деб атай бошладик. Готька Ўрта Осиё муҳитига биздан кўра тез мослашди. Ташқи кўринишидан ҳам ўзбекларга ўхшаб кетарди. Ёз ойларида Кўтан ариқ бўйидаги эски йўл қалин тупроқ билан қопланарди. Ёзда качон қарасанг, болалар сувдан чиқиб, тупроққа буланиб ётган бўларди. Уларнинг орасида албатта Готькани учратардик. У ўзбек қўшниларимиз ҳаёти билан яшаб, уларнинг ўйинини ўйнарди, тили, феъл-атворини ўзлаштириб борарди.

Энди яшаш тарзимиз, турмушимиз ҳақида гапирсам. Онам кунлик овқатни ҳовлидаги очиқ ўчоқда тайёрларди. Ўчоқ бир нечта ғиштни тахлашдан ҳосил қилинган бўлиб, унинг устига кастрюл, қозон ёки чойнак қўйиш мумкин эди. Остидан паст қилиб олов ёқиларди. Ўтинни бозордан сотиб олардик. Ўн дона ғўла бир сўм турарди. Шундан бўлса керак, ҳозиргача мен ўтинни тежаб ишлатаман. Бундан ташқари, керосинка (примус)лар бўларди. Керосин ҳам бозордан олиб келинарди. Фанарное масло деб ҳам аташарди. Ўзбеклар Ф ҳарфи ўрнига П ҳарфини ишлатиб панарёғ деб аташган. Панарёғни асосан болалар сотишарди. Электр йўқ эди, ўрнига чироқ ёқишарди. Унга пилик ва панарёғ керак бўлган. Бироқ радио бўларди. У орқали эрталабдан-кечгача фақат ўзбек мусиқалари бериларди, кўникишимиз жуда қийин бўлган. Қишда эса уйда плиткада овқат тайёрлашган. У билан уйни ҳам иситиш мумкин эди. Ёқилғи сифатида чигит пўчоғи (шелуха) ишлатилган. Уни улгуржасига маҳаллий ёғ заводидан сотиб олиш мумкин бўлган. Пўчоқ яхши ёнарди. Фақат чириб қолишига йўл қўймаслик керак, акс ҳолда, портлаб кетиши мумкин эди. Тошкўмир ўта тақчил бўл-

ган, ўтин ҳақида гапириш ҳам мумкин эмасди. Ичиш, овқат қилиш ва чўмилиш учун сувни Қўтан ариқдан олганмиз. Фақат қишдагина у тиниқлашарди. Бошқа пайтда лойқа бўлиб оқарди. Челакда тиндиргандан кейин ичиш мумкин эди. Айрим пайтда тушликни ёғ заводининг ошхонасидан олардик. Йилнинг исталган вақтида дастурхонимизда мева-чевалар турарди.

Ўрта Осиё меваларини мақташга тил ожиз! Хилма-хиллиги, таъмининг мазалилиги жиҳатидан на Кавказ, на Қрим, на Молдавия мевалари уларга тенг кела олади. Ҳиди бутун уйни тутиб, оғизда эриб кетадиган тилни ёрар қовунлар, ҳам ширин, ҳам нордон, ҳам данакли, ҳам данаксиз, оқ, қора, қизил рангларда товланувчи «келинбармоқ» узумлар, турли ҳажм, турли ранг, турли кўринишдаги хушбўй шафтолилар, шираси томиб турадиган анжирлар, олхўри, нок, гилослар шу заминда етиштирилади. Тарвузни еб бўлганингиздан кейин унинг шираси шу қадар ўткирки, ювмасангиз, бармоқларингизни бирбирига елимдек ёпиштириб қўяди. Бир неча йилдан сўнг Москвага қайтганимда ўрта полосада етиштирилган меваларни оғзимга ололмай юрдим. Улар ниҳоятда бемаза эди.

Андижонга келганимизнинг биринчи йили, яъни 1934 йилда очарчилик оқибатлари яққол сезилиб турарди. Отам маҳрум қилинганлардан эди. Ҳозир ҳеч қандай маънога эга бўлмаган ушбу сўз ўша вақтда бошқача эшитиларди. Бундай тоифадаги кишилар сайлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинарди. Бунинг кимга ҳам кераги бор, ўша пайтдаги сайловларнинг қандай ўтгани кўпчиликка аён. Ҳамма гап маҳрум этилган деган тамғанинг пешонага босилишида эди, худди негрнинг танаси қора бўлганидек. Ушбу тоифадаги кишилар паст табақа ҳисобланарди. Карточка тизими йўлга қўйилган пайтда бизга маҳрум қилинганлар учун чиқарилган карточкаларни беришган. Тўғриси, бу бошқа карточкалардан қандай фарқ қилганини билмайман. Бироқ бизлар учун махсус дўкон ташкил қилинган бўлиб, у шаҳарнинг биз турган жойга қарама-қарши томонида жойлашганди. Қийинчилиги шунда эдики, бир кунда ҳатто уч марта бориб келишимга тўғри келган. Бир йилдан кейин карточка тизимини бекор қилишди. Лекин нон учун узундан-узоқ навбатда туриш сақланиб қолган эди. Ўша пайтда, бутун иттифоқда бўлгани каби, бу ерда ҳам «чет элликлар учун» деб ёзиб қўйилган «торгсин» дўкони очилган. Унда фақат олтин, кумуш ва валютага савдо қиларди. Агар Хитой консуллигини ҳисобга олмаганда, Андижонда чет элликлар йўқ эди. Олтин ва кумуш эса, яшаш қанчалик қийин бўлмасин, одамларнинг қўлида бор эди. Шунинг учун бу ерда ҳар куни савдо-сотиқ қизиган-дан-қизиб, одамларнинг қўлидаги но-

дир металларни суғуриб олишарди. Бир куни ўша торгсинни боплаб ўмаришди. Фақат бир йилдан кейингина ўғриларни ушлашган.

Биз Загорскка қараганда бу ерда тўкин яшай бошладик. Тикув машинаси, велосипед, радиоприёмник сотиб олдик. Отам велосипедга ўтириб: «Йигирма беш йилдан кейин биринчи марта эгарга ўтиряпман», – деб қувонгани эсимда. Шуни айтиш керакки, Ўрта Осиёда велосипед Россияга нисбатан кенг оммалашган. Чунки бу ерда ундан йил давомида фойдаланиш мумкин. Бунга яна бир мисол. Бир куни темир йўл вокзалига катта партияда велосипедларнинг келтирилиши бутун шаҳарни қалқитиб юборди. Кечқурундан бошлаб одамлар марказий кўчада жойлашган «Спорт товарлари» магазини ёнида навбатга туришди. Эрталабга келиб бу ерга одам сиғмай кетди. Дўкон очилгач, велосипед учун чеклар «Парк» кинотеатрида сотилишини эълон қилишди. У бу ердан икки квартал нарида жойлашган эди. Кўп ўтмай чекни олиб кела бошлашди. Ярим одам шу ерда қолганди. Бир зумда тўполон бошланди. Дўкон деразалари чил-парчин бўлди. Шунда янги велосипед олгандан кўра эскисини минган афзал эканини тушунганман. Отам ресторандаги оркестрда ишлаш билан бирга бу ердаги академик театр билан ҳам ҳамкорлик қиларди. Оилавий архивимизда отамнинг қўли билан ёзилган қуйидаги ариза сақланиб қолган:

Андижон давлат ўзбек театри
директорига В.С.Трубецкойдан
АРИЗА

«Севги ва макр» драмаси мусиқаси учун ноталарни кўчириб олишга рухсат беришингизни сўрайман. Чунки менда унинг биронта нусхаси қолмаган.

26.07..... В.Трубецкой.

Отамнинг мусиқий йўналишдаги бошқа бир фаолияти ҳам бўлган. У миллати румин бўлган скрипкачи Филипп Харкоти билан сайёр оркестр ташкил этган эди. Ушбу оркестрнинг Фарғона водийсидаги фаолиятини тасдиқловчи бир қанча ёзма маълумотлар сақланиб қолган. Мана улардан бири:

Ф.Харкоти бошқарувидаги жаз оркестри
фаолияти ҳақида
МАЪЛУМОТ

Мазкур йилнинг 5 март куни жазбанд ИТР культбазасида икки марта, 6 март куни Қувасой цемент заводи ишчилар клубида бир марта концерт берди. 6-куни кундузи болалар учун концерт ташкил этилди. Барча концертлар муваффақият билан ўтди, артистлар яхши ижро этишди. Тингловчилар оркестр ишидан мамнун.

Маданий тарғиботчи: Реднюк
Котиб: Пятаков
7 март, 1936 йил.

Оиламизда отам ва Варядан ташқари Гриша ва Татялар ҳам ишлайдиган бўлишди. Гриша маданият ва истироҳат боғида киномеханик бўлиб ишларди. Бироқ тез фурсатда ишни ташлаб, Тошкентга киномеханиклик курсида ўқиш учун кетди. Курсни тамомлагач, уни Помир трактидаги Гулча деган жойга юборишди. У ерда бироз ишлаб, Андижонга қайтиб келди. Кўп ўтмай Андижондан 40 километр нарида жойлашган Сталинск (Шаҳрихон) район марказига кўчиб кетди. У ерда янги клуб очилган экан, Гриша шу ерга киномеханик бўлиб ишга кирди. Мен поездда, велосипедда унинг олдига бир неча марта борганман. Варя эса Андижонда яшаган уч йил мобайнида жуда кўп жойларда фаолият юритди: қуёнчилик бўйича инструктор, чорвачилик станциясида хронометрчи, грен заводда йигирув цехи бригадири бўлиб ҳам ишлаган. Сўнгра шаҳар физкультурачилар советида иш бошқарувчи бўлган. Ишида 175 сўмдан 200 сўмгача маош олган.

Мана унинг ўқиш жуда қийин бўлган қораламаларида сақланган айрим сатрлар:

*Чироқнинг олдида бошингни эгиб,*
*Хат ёзганингда кўзларинг чақнаб*
*Мен сени яхши кўраман.*
*Сен эса на кўрдинг, на эшита олдинг*
*Оҳиста шивирлаб қилган орзуим.*

Ёки:
*Уйқу киприкларим намлаб ўтади.*
*Биламан, тушимга нима киришин –*
*Қуёш, сен ва яна ўрмон*
*Ва оҳиста мени бошлаб кетасан*
*Тикка тушган сўқмоқ йўл бўйлаб.*

Татя қаерда ишлаганини эслай олмадим. Охирги бир ярим-икки йил ичида рабфакка қатнаганини эслайман. Отам биз келгунимизча балиқ ушлайдиган сават сотиб олган экан. У тол новдаларидан тўқилади. Ёз кунида у, Гриша, Володька ва мен балиқ овлаш учун поездга ўтириб Эски шаҳарнинг орқасида жойлашган Андижон-2 станциясига бордик. Темир йўл шаҳарни айланиб ўтар эди. Маҳаллий аҳоли ушбу станцияни Харкоп деб аташар экан. Бу қизиқ ном Андижон – Харьков сўзидан келиб чиққан экан. Станциядан иккиуч километр нарида дарё оқади. Дарёга бориш учун дастлаб темир йўлдан юриб кўприкка етиб олдик, сўнг қирғоқ бўйлаб ҳаракат қилдик. Йўлда пахта далалари кўринди. Ҳожатга ишлатиш учун лўппи чаноқларда турган момиқ пахталарни териб олдик. Белгиланган жойга келгач, саватни сувга ташлаб, ортимизга қайтдик. Эртаси куни уни текширгани дарёга Володя иккаламиз борадиган бўлдик. Кеч кириб қолганди. Саватга ҳеч нарса илинмабди. Яна сувга ташлаб ортимизга қайтдик. Бу сафар йўлимизни яқин қилиш учун шолизор оралаб кетдик. Улар тўртбурчак,

учбурчак шаклида бўлиб, ҳажми 30х30 метрдан ошмасди. Ҳар бири марзасигача сув билан тўлдирилган. Унинг полидан юриб кетдик. Сўнг қамишзор, ундан кейин узум экилган майдонлар ва яна қамишзордан чиқдик. Қуёш уфққа бош қўйиб, атрофни искабтопарларнинг ғинғиллаган товуши тута бошлади. Тинмай бақалар қурилларди. Бироз юриб таниш кўприкка чиқиб олдик. Сен қиламан дейсан ўттиз, худойим қилади тўққиз. Биз вақтни тежаймиз деб яқин йўлимизни узоқ қилиб олган эдик. Станцияга етиб келганимизда поезддан асар ҳам қолмаган экан. Қоп-қоронғи тунда уйга пиёда йўл олдик. Йўл нотаниш, лекин Андижон-2 станцияси билан Эски шаҳар ўртасида бошқа йўл йўқлиги учун адашиш мумкин эмасди. Бир жойда пиёз экилган майдонга дуч келдик. Пиёз шунчалик катта эдики, улардан бир нечтасини юлиб олдик. Бироқ яқин чойхонада ўзбеклар бизни қўполлик билан тўхтатиб, қўлимиздаги пиёзни тортиб олишди. Албатта, ўзимиз айбдор эдик. Ярим тунда уйга етиб келдик. Лекин қандай қилиб иккинчи бор сават текширгани борганимизни эслай олмайман.

Шуни айтиш керакки, ўзбеклар етиштирилган барча ноз-неъматларга ўта ҳурмат билан қарайди. Ерда ётган битта дон, кичкина нон увоғи ёки пахта толасини кўрса, дарров кўзига суртади ва қушлар есин деб оёқости бўлмайдиган жойга олиб қўяди ёки балиқлар ҳақи деб сувга ташлайди. Мавсумда йўл бўйидаги дарахтларга тўкилган пахталарни солиш учун махсус яшиклар ўрнатиб қўйишади. Шунда бу ҳожатга ишлатадиган оддий нарса эмаслигини тушундик. Бу анъана хозир ҳам Ўзбекистонда сақланиб қолганми, йўқми, билмадим.

Биз, болалар, отам билан икки-уч бор шаҳар ташқарисидаги сой ёқалаб сайрга чиққанмиз. У жуда тез оқади. Айниқса, қиялик жойларда сув тиззадан келса ҳам, мувозанатни ушлаб туриш қийин. Сув белга чиққанда эса дарров одамни оқизиб кетади. Оқимга қарши юриб сойдан ажралиб чиққан ариққа дуч келдик. У секин оқарди. Шуни таъкидлаш керакки, бу ердаги ариқлар суғорма деҳқончиликнинг бир мўъжизаси, ҳаёт булоғидир. Шаҳарга яқинлашган сари ариқлар сони кўпайиб, сойдан яна ҳам кўпроқ сув ажратиб олинади. Шу тарзда сой тобора майдалашиб боради. Сой асл ҳолида оққан жойда эса боғ, дала ва томорқалар деярли йўқ, фақат қуриган чўп-ўланлар ва янтоқзорлардан иборат тепаликлар мажуд. Андижонсой ва Қорадарёга ўхшаш катта сув ҳавзаларида чархпалакларга кўзингиз тушиши мумкин. Инсоният томонидан кашф этилган биринчи машина ҳисобланган ушбу чархпалаклар парракли ғилдиракдан иборат бўлиб, атрофига сопол кўзачалар ўрнатилган. Сув ғилдирак тагига тегиб, уни айлантиради. Кўзачалар сувга тўлиб, уни юқорига олиб чиқади ва тарновга қуяди. Чархпалаклар, одатда,

улкан ҳажмга эга бўлади. Отам мактубларининг бирида Ўрта Осиё ариқлари ҳақида ёзган эди.

Ўзимиз яшаган ва кўрган ажойиб юрт ҳақидаги ҳикоямизни якунлашдан аввал бу ердаги диққатга сазовор бошқа жойлар, айниқса, Акмал Икромов (Ўзбекистон компартияси МК секретари, кейинчалик халқ душмани деб айбланган) номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳақида сўз юритмоқчиман. У Эски шаҳарда конструктивизм услубида қурилган катта замонавий боғ ҳисобланади. Ушбу маскан ёзги театр, ёзги ва қишки кинотеатрлар, стадион ва кўплаб павильонларни ўз ичига олган. Ҳар бири ўзига хос тарзда қурилган эди. Масалан, кулги хонасини қўрқинчли башарани ўзида акс эттирган одам калласи шаклида қуришган. Чойхона эса улкан бургут қанотлари остига жойлаштирилган. «Пиво-яхна сув» дўкони катта бочкани эслатади. Оркестр учун алоҳида жой ажратилган бир нечта рақс майдонлари ҳам бўлган. Боғ марказидан чўмилиш ҳавзаси ўрин олган бўлиб, тўғри бурчакли бу улкан яшил пиёланинг икки четига ёғочдан сувга сакраш учун қурилган миноралар ўрнатилган.

Энди ўқишим ҳақида. Загорскда 6-синфни тамомлаб, синфдан синфга ўтиш имтиҳонларини топшира олмаган эдим. Бу ерда жиддий тайёргарлик кўришга тўғри келди. Янги шаҳарнинг энг чеккасида жойлашган мактабга ёзилиб, кузги имтиҳонларга жиддий тайёргарлик кўра бошладим. Ниҳоят, имтиҳонларни яхши топшириб, 7-синфда ўқий бошладим.

Укаларим Володька ва Серёжка ўқийдиган мактаб уйимизга яқин эди. У ўзбекона қурилган бўлиб, олди айвон, шифти миллий нақшлар билан безатилган. Ушбу нақшлар кўчадан ҳам кўриниб турарди. Ушбу кўча ҳам Файзулла Хўжаев номи билан юритилган. Менинг мактабим эса революциядан илгари гимназия бўлиб, унга 2-сон берилганди. Мактабимиз кулранг ғиштдан тикланган бўлиб, атрофи қалин дов-дарахтлар билан қопланган. Шаҳарда яна битта ўн йиллик рус мактаби бўлиб, негадир у темирйўлчилар мактаби деб аталарди. Мактабим узоқ бўлгани учун эрталаб ёғ заводининг гудоги билан уйғонардим. Ўшанда бу баланд товушлар соат вазифасини ҳам ўтаган.

Андижонда тез-тез ер қимирлаб турарди. Ана шундай зилзилалардан бири тўлин ой чиққан оқшомда рўй берди. Дастлаб кучли, сўнг сал кучсизроқ бўлганини ҳис қилдик. Шу вақтнинг ўзида чор-атрофни шовқин қоплади. Эски шаҳар аҳолиси қўлига кирган қозонми, кострюлми, тинмай данғиллатарди. Уйнинг эгаси бизга катта илон ерни қимирлатиб, энди ойга ҳужум қилаётганлигини, фақат шовқин-сурон чиқариб уни қўрқитиш мумкинлигини айтди. Ой юқори кўтарилиб, оппоқ рангга кириши билан шовқин тўхтади. Ер қимирлашини маҳаллий аҳоли унинг овозига тақ-

лид қилган ҳолда «шатир-шутур» деб атайди. Андижонда яшаган пайтимизда бундай зилзилаларнинг кўпини кўрдик. Айтишларича, энг кучли ер қимирлаши Андижонда 1906 йили рўй берган экан. Ўшанда шаҳар бутунлай вайрон бўлган, фақат черковгина бузилмай қолган.

Еттинчи синфни муваффақиятли тамомлаб, ҳатто мукофотланган бўлсам ҳам, мени саккизинчи синфга қабул қилишмади. Бунга отамнинг иш жойидан олиб келган маълумотномаси сабаб бўлди. Унда «келиб чиқиши социализмга ёт» деб ёзиб қўйилган эди. Шундан сўнг хўжайинимиз мени темир йўл депосига жойлаб қўйиш таклифини билдирди. Отам бу таклифни қўллаб, деподан кейин техникумга, сўнг институтга киришим мумкинлигини айтди. Паровоз депосига кирмоқчи эдим, бўлмади. Шундан сўнг вагон депосига жойлашдим. Кўп ўтмай мўъжиза рўй берди. Ўша справкага қўйилган резолюцияда Наркомпроснинг розилигига кўра ўқишни давом эттиришим мумкинлиги қайд этилганди. Янги 1936 йилга ўтиб М.И.Калинин томонидан имзоланган таълим жараёнидаги ижтимоий чекловларни бекор қилиш ҳақидаги фармон эълон қилинди.

1936 йилнинг ёзида 31-сон билан юритиладиган янги ўрта мактаб очилди. Уни Пиён бозорига яқин ерда, Эски ва Янги шаҳар чегарасида қуришди. Унга яқин яшовчи ўқувчилар шу мактабга ўтказилди. Мен ҳам мазкур мактабнинг 9-синфига қатнай бошладим.

Отам бўш пайтида адабий иш билан шуғулланарди. У маҳаллий аҳолининг чўккалаб ўтириш одатини ўзлаштириб олди. Унинг ана шу ҳолатда ўтириб ижод қилиши кўз ўнгимдан сира кетмайди. Атрофида болалар чуғурлашса ҳам, у ҳеч нарсага эътибор бермай ёзишда давом этарди. У ўзига хос табиатли инсон эди. Кўчада галифе шим, ёқаси йўқ енгил оқ кўйлак кийиб юрарди. Бошидан эса малина дўппи тушмасди.

Отам шу ернинг ҳаётидан олинган ҳикоялар ёзарди. Уларда босмачилар, чаёнлар акс эттирилган. Кўп вақтини «Совут кийган аскар» деб номланган мемуар ёзишга бағишлаган.

Опам Варяда ижодий қобилият анча барвақт шаклланди. Закорскда, айниқса, Андижондалик пайтида у жуда кўп ёзарди. Бу ерда ипакчилик тарихи бўйича ҳам кўп материал тўплаган. Опам тарихий мавзуда роман ёзишга ҳам тараддуд кўраётган эди. Бир куни отам ва Варя уйга жуда кеч қайтишди. Мен уларнинг суҳбатини эшитиб қолдим. Отам Варияга Николай II ни Тобольскдаги сургундан қутқариш жараёнида иштирок этганини гапириб берди. Ўшанда Николай билан алоқа ўрнатишган экан. Подшо қутқариш жараёни қон тўкилишларсиз амалга оширилиши талабини қўйган. Шунинг учун заҳарли газдан фойдаланилган. Билишимча, Николай II ни озод қилишга қаратилган ҳаракатга жиддий тайёргарлик кўрилмаганлиги сабабли у натижа бермаган. Энг қизиғи, отамнинг

бу сири тегишли органлар учун ҳам сирлигича қолган.

Варя 1933 йили қамоққа олиниши ва сургун қилинишига қарамай, том маънодаги совет кишиси эди. У Ленининнинг олти жилдлик, Маркснинг икки жилдлик китобларини сотиб олган. 1936 йилнинг охирида унинг учун сургун муддати тугади ва у Москвага кетишга тайёргарлик кўра бошлади.

Татя эса рабфакда ўқирди. Шу орада у ўта қисқа вақт Андижон театрида, сўнг қайсидир маҳкамада чизмакаш бўлиб ишлади. Татя рабфак талабаси Леонид Якушев билан яқин муносабатда эди. Унинг қайлиғи ўқиш билан бирга грензаводда механик бўлиб ишларди. Янги бозорда, Энгельс кўчаси 2-уйда яшаган. Кўп ўтмай Татя унинг уйига кўчиб ўтди.

Ана шу суронли йилнинг ёзида биз Варя билан Гришани кўргани Шаҳрихонга бордик. Чойхонада тамадди қилгач, Гришанинг қандайдир шериги билан сойга чўмилгани бордик. Ўшанда Варянинг қуёшда қорайган озғин танасини, ғамгин чеҳрасини эслаб қолганман. Кўп вақт ўтмай у бутунлай ғойиб бўлди.

Болалигимда мен Варядан кўра Татя билан иноқроқ эдим. Охирги пайтда Варя билан яхши муносабатда бўла бошладим. Туғилган кунларимизда бир-биримизга совға-саломлар берардик.

Воқеликларга бой бўлган 1937 йил бошланди. Папанин бошлиқ гуруҳ самолётлари биринчи марта Шимолий қутбга қўндирилди. Чкалов, Байдуков ва Беляковлар Шимолий қутб тепасидан Америкага учиб ўтишди, кўп ўтмай Громов ушбу қаҳрамонликни яна қайтарди.

1937 йили ҳукуматнинг террористик сиёсатида кескин ўзгариш рўй берди. Газеталар халқ душманларининг фош этилиши ва йўқ қилиниши ҳақида тинмай хабарлар бериб турарди. Уларнинг кўпи таниқли кишилар эди. Ҳамма жойда Сталиннинг 1937 йил 3 мартдаги ВКП (б) МКда айтган қуйидаги сўзларини тинимсиз такрорлашарди: «Чет эл жосуслик ташкилотларининг қўпорувчилик ва жосуслик ҳаракатларини ўзида ифода этган троцкийчилар аллақачоноқ ишчилар синфининг сиёсий раҳнамоси бўлишдан тўхтаганлигини партиядош дўстларимизга тушунтиришимиз керак. Улар ишчилар синфининг манфаатини ҳимоя қиладиган аниқ ғояга хизмат қилишдан тўхтаб, чет эл жосуслик органлари фойдасига ишловчи, мутлақо ғоясиз, тутуриқсиз зараркунандалар, диверсантлар, жосусларга айланиб қолишди. Замонавий троцкийчиларга қарши курашни энди баҳс-мунозара шаклида эмас, балки уларни илдизи билан қурутиш ва тор-мор қилиш орқали амалга ошириш кераклиги тушунтирилсин».

Тегишли органларга «тушунтириш» ишларини олиб бориш учун аниқ топшириқлар берилди. Андижон НКВД томонидан чақимчи ва сотқинлардан у ёки бу шахс троцкийчиларга алоқадорми-

йўқми деб сўралиши ҳам шундан эди. Газеталарда Тухачевский, Якир, Уборевич, Корк, Путна, Примаков ва бошқа йирик саркардаларнинг душманлиги ва хоинлиги ҳақида хабарлар пайдо бўла бошлади. Отам бу фамилияларни яхши биларди, улар Қизил Армиянинг юқори ҳарбий бошлиқлари эдилар. Бошланган янги террорга қараб туриб отам эртага ўзини нима кутаётганлигини билганмикин?

Отамнинг 1937 йилдаги делосига биринчи май куни ёзилган аризаси тикиб қўйилган. У шундай сўзлар билан бошланади: «Сўнгги ойларда менга маълум бўлдики, НКВДнинг маҳаллий сектори менинг шахсимга қизиқиш билдира бошлади». Аризадан тушуниш мумкинки, органлар чақимчилардан Трубецкой троцкийчиларга алоқадор эмасми деб сўрашган. Отам ўшанда атрофида қора булутлар тўпланаётганини билган.

Аввал айтганимдек, шу йилнинг ёзида Варя Москвага кетишга тайёргарлик кўрди. Лекин у тезроқ кета қолмади. Бир қараганда, бунга ҳожат ҳам йўқ эди. Чунки 1934 йили «Россия миллий партияси» жиноий иши бўйича ўтган қирқ нафарга яқин киши органларнинг қатъий ҳисобида турган. Улар 1937 йили яна қамоққа олинди, кўплари отувга ҳукм қилинди.

1937 йилнинг 29 июлида машъум воқеа юз берди. Нимадир бўлиб мен шаҳарга тушган эдим, узоқда оқ кўйлак ва малина дўппи кийган отамга кўзим тушди. Ўшанда унинг бошқа кўрмайман деб ўйламаганман. Кечки пайт уйимизга граждан кийимидаги икки киши отам ва Варяни қамоққа олиш ҳақидаги ордер билан келиб, ҳаммаёқни тинтув қилишди. Уйда онам ва биз, болалар, бор эдик. Варя кундузи қаёққадир кетган эди. Текширувчилар асосий эътиборни хат ва қоғозларга қаратишди. Ниҳоят, тинтув тугади. Кўплаб қоғозлар, асосан отам ва Варя томонидан ёзилган хатлар ва ёзишмаларни тортиб олишди. Узундан-узоқ протокол тўлдириб, уни имзолатиш учун менга берди. Протоколда отамнинг қўлёзмалари орасидан фашистлар белгиси туширилган хат топилганлигини қайд этишибди. Бу туҳмат эди.

Бир-икки кундан сўнг Гришанинг олдига бориб, отамнинг қамалганини айтдим. Яқинда Варя билан унинг ёнига келганимизни эсладик. Гриша ўшанда ўзини нима кутаётганини сезмаган эди.

Бўлиб ўтган воқеадан сўнг Татя қайлиғи Леонид Якушев билан бизникига тез-тез келадиган бўлишди. Леонид мени грензаводга ишга жойлаштириб қўйди. Қиладиган ишим баланд минорадаги бочкага сув тўлдириб туришдан иборат эди. Бир ойча вақт ўтиб Леонид ранги оқарган ҳолда келиб, Татяни НКВДга чақиришганини айтди. Кечга яқин маҳкамага бордик. Уни сўроқ қилишаётган экан. Узоқ вақт кутдик. Лекин қўйиб юборишмади. Ташқарига олиб чиқиб, енгил автомашинага ўтирғизишди. Бильдин кўчаси бўйлаб турмахона

томонга ҳаракат қилаётган машина бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Ҳозир унчалик эслай олмайман, кўп ўтмай уйимизга турмадан чиққан бир аёл келган эди. У Татя билан битта камерада ўтирган экан. Татя ўша аёлга терговчилар отаси ва Варяга қарши ёлғон кўрсатма беришга мажбурлашганини, акс ҳолда, озодликка чиқмаслигини айтишганини гапириб берган экан.

Мен Татянинг қамоққа олинганини етказиш учун Гришанинг олдига бордим. «Демак, улар менга ҳам етиб келишади», – деди у маъюс ҳолда. Айтганидек, ҳеч қанча вақт ўтмай уни олиб кириб қўйишганлиги ҳақида хабар келди. Мен яна Шаҳрихонга бордим. Гришанинг ёрдамчиси ҳам, клуб дурадгори ҳам қамалиш тафсилоти ҳақида жўяли бир гап айтишолмади. Чердакка чиқдим. Гриша шу ерда ётарди. У борига қаноат қилиб яшашга ўрганганлиги боис деярли ҳеч нарса оширмаганди. Сочилиб ётган эски кийимлардан чиқаётган акамнинг ҳидини ҳозир ҳам унутганим йўқ. Қайтишим жуда қийин бўлди. Велосипедда Асака (Ленинск) темир йўл вокзалига етиб келганимда дарахтлар ортидан кетиб бораётган Москва поездидан чиқаётган тутунга кўзим тушди. Бу поезд ҳар куни Андижондан қайси вақтда жўнаши менга ёд бўлиб кетганди. Ортидан тикилиб қоларканман, ушбу поезд гўё менинг барча умидларимни, ушалмаган орзу-ҳавасларимни ўзи билан олиб кетаётгандек туюлди.

Етимликнинг ташвишли кунлари бошланди. Оиламиз бошига тушган кулфат онамни нуратиб қўйди. У икки гапининг бирида: «Отанг энди қайтиб келмайди», – деяверарди. Кўп ўтмай янги квартирага кўчдик. У ҳам Қизил карвон кўчасида жойлашган эди. Куз пайти уйимизга милиционер ташриф буюриб, отам ва Татянинг нарсаларини олиб кетгани келганини айтди. Қийин аҳволда яшардик. Отамнинг янги сотиб олган шим ва ботинкаси энди менга ўтганди. Онам улардан ҳеч нарса қолмаганини, виолончелни эса болалар ўрганишаётганини айтди. Шунда милиционер айёрлик қилишга ўтди: «Қанақасига, эрингиз музикант бўлса. Борган жойида тирикчилик ўтказиши керак-ку, ахир!». Биз унинг гапига лаққа тушибмиз. Кўп ўтмай Ленин кўчасидаги магазиннинг чанг ойналари ортига сотиш учун қўйилган виолончель, сурнай, шунингдек, отамнинг шими, ботинкаси ва катак кўйлагига кўзимиз тушди.

Анча кейин, 1938 йилда ҳукмни эшитдик. Отам ва Варяни хат ёзиш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда ўн йил муддатга олис лагерга сургун қилишибди. Фақат Хрушчев замонига келгандагина англадим, бундай оммавий қирғинлар Сталин ҳукмронлигининг обрўсига путур етказиши ва ишончсизлик уйғотишидан қўрқиб отилганларга шундай ҳукмни ўйлаб топишган экан. Чунки ўн йил ичида бу йўқолган одамларни биров қидириб ҳам ўтирмайди. У ерда кўрибди, бу ерда

учратибди деган мишмишлар эса сира тўхтамаган. Акам Гриша 1947 йили Сибир лагерларидан қайтгач, битта одам отамни Колима лагерларида кўрганини, у оркестрда музикант эканини айтганини гапириб берди. «Хат ёзиш ҳуқуқидан маҳрум этиш»дан кутилган мақсад ҳам шу эди.

1938 – 1939 йиллар бегуноҳ одамларни оммавий қирғин қилиш даври бўлди. Уларни очиқчасига ҳам, яширин ҳолатда ҳам отиб ташлашаверарди. Ўша йилларда чиққан газеталарда «халқ душманлари», фош этилган жосуслар, уларни аниқлаб берган ватанпарварлар ҳақида кўп ёзилган. Мактабимизда ўтказилган митингда ҳали бола бўла туриб маршал Тухачевский бошчилигидаги энг юқори табақадаги ҳарбийларнинг отилишини маъқуллаганимизни, уларнинг портретини дарсликлардан йиртиб ташлаганимизни яхши эслайман. Кўча, колхоз ва посёлкалардан республиканинг биринчи раҳбарлари бўлган Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевлар номларининг олиб ташланиши билан боғлиқ жараёнлар ҳам жуда қимматга тушган.

Бундай ноҳақликлар ва зўравонликлардан сўнг Иккинчи жаҳон уруши даврида власовчилар, Украина ҳарбий қисмлари, Дон ва Кубан казаклари, Туркистон легиони, татарлар, кавказликларнинг немислар томонига ўтиб кетганлигидан таажжубланиб бўладими? Илгари ҳеч қачон, ҳеч бир урушда бунақаси бўлмаган. Чунки «Ўртоқ Сталинга раҳмат!» дейдиган даврлар ўтиб кетганди. Отам, Гриша, Варя, Татялар нима жиноят қилди, улар давлат учун нега хавфли деган саволни ўртага қўйишнинг ўзи мантиқсизлик. Террор ҳамма замонларда бўлган, лекин бу даврда у ўзининг энг юқори нуқтасига кўтарилган эди.

Онам турмада ётган Гриша ва Татяга егулик таширди. Маҳбуслар бошқа ерга юбориларкан деган гап тарқалгач, онам темир йўл вокзалига чиқади. Уч ёшли Готкани кўтариб станцияга борганида оломоннинг ичида Гришани кўриб қолади. Кузатувчилар кўп бўлгани учун қоровуллар хотинларни ҳайдаб юборишади. Кейин биз Гришанинг Томскдаги лагердан ёзган хатларини ола бошладик.

Гришага ота-онасини, опа-сингилларини, укаларини кўриш насиб этмади. Фақат 10 йилдан сўнг оғир касал ҳолда «юзбиринчи» бўлиб лагердан қайтди. «Юзбиринчи» дейилишига сабаб, у Москвадан камида 100 километр нарида яшаши керак эди. Фақат 1955 йилдагина тўла оқланди. Кичик Ярославлда яшаб, 1975 йили Москвада вафот этди.

Татя учун сургун ҳалокатли якунланди. У лагернинг бадиий ҳаваскорлик ансамблида қатнашар, гуруҳ таркибида лагерма-лагер юриб концерт берарди. Унинг юрак фаолиятида етишмовчилик касали бўлганлиги сабабли аҳволи ўта оғирлашади. 1943 йили уни «акт» қилишади. Яъни яшаб кетишига умид бўлмаган касал маҳбусларни «акт» қилиб,

қамоқдан бўшатишган. Бундан мақсад – улар лагерда вафот этиб, ГУЛАГнинг статистик кўрсаткичларини ошириб юбормаслиги керак эди. У 24 ёшида касалликдан вафот этади.

Татянинг эри Леонид Якушев сил касалига чалинган эди. Татянинг қамалиши уни бутунлай нобуд қилади. 1937 йилнинг кузида ушбу касалликдан вафот этади.

... 1938 йили мактабни аъло баҳоларга тамомладим. Олдимда иккита йўл турарди: Москва давлат университетига ёки Самарқанддаги Ўзбекистон давлат университетига кириб ўқиш. Самарқандга боришни менга математика ўқитувчимиз Мазитов таклиф қилган эди. Москвада ўқиш яхши, лекин аттестатим аъло бўлгани билан, шундай таржимаи ҳол билан мени ўқишга қабул қилишларига кўзим етмасди. Ниҳоят, шу йилнинг август ойи охирида онам, укаларим ва синглим Ирина билан хайрлашиб, Самарқанд поездига ўтирдим. Менинг болалик орзуим амалга ошаётган эди. Бироқ жуда оғир пайтда онамни ташлаб кетяпман. Оиламиздаги катталарнинг қамалганига энди бир йил бўлди, отам ва Варя эса изсиз йўқолишди. Уларнинг ўрнига мен оиланинг таянчи бўлиб қолгандим. Энди бўлса кетяпман... Бироқ ёшликнинг ўжар худбинлиги, ўқишга ўлгудек қизиқиш ҳаммасидан устунлик қилди. Мен физик бўлишни хоҳлагандим. Кўпроқ космос, микрочастоталар дунёси қизиқтирарди. Лекин Самарқандга боргач, бу ерда орзуларим ушалмаслигини англадим. Янги очилган университетда ўқитиш даражаси унчалик юқори эмасди. Онамнинг Москвага яқин жойга кўчиб бориш ҳақидаги таклифидан сўнг у ердаги университетда ўқиш истаги қалбимда яна ғалаён қила бошлади. Ўқишни бирдан ташламасдан, вақтинча тўхтатиб туришга қарор қилдим. Сессияда ҳамма имтиҳонларни бешга топшириб бўлгач, бўшаш ҳақида ариза ёздим. Уйга қайтгач, яна онамнинг маъюс чеҳрасига кўзим тушди. Татя ва Гришадан аҳён-аҳёндагина хат келарди. Отам билан Варядан ҳамон дарак йўқ. Мен Қорадарё ирригация тизимлари бошқармасининг транспорт бўлимига техник ҳисобчи бўлиб ишга жойлашдим. Номланишидан ҳам маълум, ушбу бошқарма ўта мураккаб бўлган каналлар тизимига хизмат кўрсатиш ва уларни бошқариш билан шуғулланади. Ҳар куни Андижон райони (у пайтда Андижон области ташкил этилмаган эди) ҳудудидан ташқарига чиқадиган юк автомашиналарининг тонна-километри ва уларнинг бензин сарфи ҳисобини юритардим. Кечаси эса катталарнинг кечки мактабида физикадан дарс ўтардим. Ишда менга яхши муносабатда бўлишган. Вазифам, шофёрлардан бири айтганидек, бир уюм қоғозни у ердан бу ерга олиб қўйишдан иборат эди. Бу ҳақда ёзиш унча қизиқ эмас. Фақат бир неча кишини эслаб қолганман. Омбор мудири Қўзибоев кексайиб қолганига қарамай, қаттиққўл ва

хасис одам эди. Ундан ҳамма қўрқарди, у эса бундан ҳузурланарди. Ҳатто бош инженер (у бир вақтнинг ўзида директорлик вазифасини ҳам бажарган) Богатиров ҳам омборчига ҳурмат билан қарарди. Менинг бевосита раҳбарим, инженер Клейманов – юмшоқ, оққўнгил одам. У, одатда, очиқ деразадан ҳовлида турган гараж мудири Богунга қичқирарди. Богун унинг чақирганини эшитмагач, ноилож телефон гўшагини кўтариб қўнғироқ қиларди. Баъзан телефон рақамини териб қўйиб, дераза олдига чопқиллаб келарди Богун жойидамикин деб. Бу ҳисобчимиз Клейменовни: «Богун, гўшакни кўтар, ҳозир сен билан телефонда гаплашаман», – деб ҳазил қилишга ундарди

Биз Москвага кетишга шайланардик. Чипта олиш эса осон эмасди. Эрталаб олдиндан билет сотиш кассасига кирган эдим, шу куннинг ўзига чипта борлигини айтишди. Кечга бориб бутун оиламиз билан вагонга жойлашдик.

Россияга кўчиб келгач, Москва давлат университетининг физика факультетига ҳужжатларимни топширдим. Аълочи сифатида имтихонларсиз қабул қилишди. Бироқ пешонамизда солдат формасини кийиш ёзилган экан. Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, ҳарбий хизматга жўнаб кетдим...».

## 1940-1950 ЙИЛЛАР ҚАТАҒОНЛАРИ

1937–1938 йиллардаги қатағон «бешинчи колонна» қудратига берилган зарба 1941–1945 йилларда фашистлар Германияси босқинига қарши совет халқининг олиб борган урушида қўлга киритилган буюк ғалабани қўлга киритишда маълум ўрин тутган. Таниқли ҳарбий арбоблар кейинчалик деярли бир овоздан урушдан олдинги йилларда армияга қатағоннинг ҳалокатли ролини этироф этганлар. Маршал Г.К. Жуков 1937 йил бўлмаганида 1941 йилнинг ёзи ҳам бўлмас эди деб кўрсатган. Худди шундай нуқтаи назардан маршал И.С. Конев турган. Унинг ёзишича: «Шубҳа йўққи, агар ўттиз еттинчи – ўттиз саккизинчи йиллар бўлмаганида, нафақат армияда, ҳатто партияда, мамлакатда бизлар қирқ биринчи йилга келиб мислсиз қудратли бўлмас эдик». Маршал А.М. Василевский ўттиз еттинчи йилсиз 1941 йилда умуман уруш бўлмаслиги мумкин эди дейди. Таниқлик файласуф А.А. Зиновьев ҳозирги кунларда ҳам агарда сталинча қаттиқ шафқатсиз, шиддатли чора – тадбирлар қўлланилмаганда, унда бизлар 1941 йилда бўлмас эдик деб таъкидлайди.[1]

[1] Барсенков А.С., Вдовин А.И. История России. – М., 2005, –с. 288–293.

СССР раҳбарияти ўттизинчи йиллар ўрталарида мамлакатнинг бутун аҳолиси, барча партия, совет ва хўжалик органлари, Қизил армия раҳбарияти муҳитида «халқ душманлари» жазосиз юрардилар. Мамлакатни ички душманлардан тозалаш 1937 йили оммавий характер касб этганди. Шундай жараён 1938 йилда ҳам давом этган. Сталинчилар яқинлашиб келаётган уруш шароитида «бешинчи колонна»ни тугатиш бўйича интенсив кураш олиб бордилар. Бу бир жиҳатда тўғри йўл эди. Бир вақтнинг ўзида сталинча режимни сақлаб қолиш учун кураш кетганди. Оппозиционерлар нафақат 20 йиллар, ҳатто 30-йилларнинг катта қисмида Сталин ва унинг яқинларини четлатиш йўлини тутганлар. Аммо Сталин ҳукумати қил учида турган шароитида ҳам ўз душманларига нисбатан кескин зарбалар беришга эришган.

1938 йил «Ўнгтроцкийчилик антисовет блок» иши бўйича 21 киши устидан суд олиб борилган. Улар қаторида Н.И.Бухарин, А.И.Риков, Н.Н.Крестинский, шу гуруҳнинг аъзоларидан М.П.Томский, ЎзССР халқ комиссарлари совети раиси Файзулла Хўжаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби Акмал Икромов ҳам бор эди. СССР Олий суди ҳарбий коллегияси 1938 йил 13 мартда 18 нафар арбоблар устидан ўлим ҳукми чиқарган.

1938 йил «миллий операциялар» бўйича чекистларнинг тадбирлари якунланди. Архив манбаларига қараганда 1937–1938 йилларда шу операциялар бўйича 335513 киши устидан ҳукм чиқарилган. Уларнинг 73,6 фоизи, яъни 247157 киши отувга ҳукм этилди. Айниқса, Қизил армия ва унинг олий қўмондонлиги қатағондан кўп даражада азобланган. 1935 йилда полковник ҳарбий унвонга эга бўлган ва ундан юқори мансабга эга бўлган ҳарбийлардан 1937 -1938 йилларида 837 кишидан 720 нафари, яъни 86 фоизи қатағон қилинган. Шу давр мобайнида 37 минг офицерлар шундан 29 минг нафари сиёсий сабабалар рўкач қилиниб қатағон қилинган. 1941 йилга келиб улардан 13 минги армияга тикланган, 8 мингга яқини қамоққа олинган, 5 минг киши отилган. Уруш арафасида офицерлар таркибининг 2,5 фоизи хизматдан ҳайдалган. Ўрта Осиё ҳарбий округи Ҳарбий трибунали Тошкент ҳарбий билим юрти курсанти, битирувчиси Владимир Карповнинг антисовет агитация ва пропоганда олиб борганликда айбланиб, СССР жиноят кодексининг 58-10 моддаси билан қатағон қилинган. Унга шундай савол берилган: Халқлар доҳийси Иосиф Виссарионович Сталинни обрўсизлантириш тўғрисида ким сизга топшириқ берган? Шунда Владимир Карпов: Ленинни эсдан чиқармоқдалар, ҳамма Сталин ва яна Сталин демоқдалар. Аслида у революция ва гражданлар уруши йилларида Лениндан кейин иккинчи шахс бўлган деб жавоб берган. Терговчи эса шундай


Владимир Карпов

деган: Ҳарбий судда шундай гапларинг билан халқлар доҳийси обрўйини туширмоқдасан деб танбеҳ берган. Уруш йиллари бу қўрқинчли криминал воқеа бўлган. Шунга ўхшаш гаплар учун кўплар отиб юборилган. Менинг омадим келиб трибуналдан тирик чиқдим. Сўнгра Тавдин лагерида бўлдим, ўрмонларда дарахт кесдим. Узоқ Шимолда бўлдим, у ерда ҳалок бўлишимга сал қолди. Сўнгра (1942 йил октябрида) – штраф ротага тушдим, Калининга фронтга юбориш ҳақида кўплаб хатлар ёздим. Мен ўз қоним билан гуноҳимни ювишим керак эди, бир неча бор қўл жангларида ғолиб чиқдим, штраф ротасида бир неча киши қолди. Калинин фронти ҳарбий совети шундай қарор қилган: «Қизил армиячи Владимир Васильевич Карповнинг немис босқинчилари билан бўлган жангларидаги жанговарлиги учун Ўрта Осиё ҳарбий округи ҳарбий трибуналининг 1943 йил 20 февралдаги ҳукми бекор қилинсин».

Владимир Карпов шундай ёзган: Антисовет фикрлар айтгани учун одамларни пойлашиб, қўлга олишиб кейин қамоққа ташлашган деб ўйлайсизми? Албатта йўқ. мен бунга ҳамиша қарши бўлганман ва НКВДнинг ҳаракатларини оқламайман. Лекин ҳар куни тайёрланаётган фитна, зараркунандалик, жосуслик, сотқинлик ҳақида ёзилган ўнлаб ва юзлаб хат ва чақув маълумотлари олаётган орган ходимини тасаввур қилиб кўринг. Ўз вақтида чора кўрмаслик – душманга ёрдам бериш билан баробар ҳисобланган.

Органлар янги тузумнинг ашаддий душманларини фош қилишда, керак бўлса ўз жонларини гаровга қўйиб бўлса ҳам, анча жасоратли ҳаракат қилганлар. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, милиция, суд, прокуратуранинг айрим ходимлари ўз вазифаларини амалга оширишда чегарадан чиқиб кетганлар. Бекорга бундай ходимлар ҳақида «дўпписини олиб кел деса, бошини ҳам қўшиб олиб келади» деб айтишмаган.

Айрим вақтларда у ёки бу чақимчини, латифалар мухлисини ёки ҳақиқий иғвогарни аниқлаш қийин бўлган. Улар бир-бирларининг устидан ариза ёзишар, совет ҳокимияти ходимлари томонидан душманларга қарши кураш олиб борилмаяпти дейишарди. Лекин совет қонунларини қасддан бузган, тергов материалларини сохталаштиришган, айбсиз одамларни жиноий жавобгарликка тортган ходимлар ҳам бўлган.

**Усмон Юсупов (1900–1966)** – бутун қалби ва вужуди билан Коммунистик партия, советлар ишига, социализм ва коммунизм ғояларига астойдил ишонган ва амалда эса алданган, камтарин ва олижаноб ўзбекона қадрият ва фазилатларга эга бўлган Ўзбекистоннинг



совет давридаги сиёсат ва давлат арбобларидан бири бўлган. Бу миллатпарвар, юртпарвар инсон 1937-1950 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, 1953-1955 йилларда эса Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси лавозимларида халқ манфаати, юрт равнақи йўлида самарали ва ибратли фаолият кўрсатган сиймолардан бири эди.

Ҳозиргача 3 марта қайта нашр этилган **«Генераллисимус»** китобининг муаллифи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Карпов Усмон Юсуповнинг урушдаги буюк ишларини шундай эслайди: **«Усмон Юсупов менинг бутун ҳаётимда эсда қоладиган мана бу фикрнн айтган эди «Қимматли Володя. Шуни билгинки, сен олган бу мукофот, сенинг кўкрагингда порлаб турган бу юлдуз ҳаётингда ёрдам беради. Сен ўсасан, иш ва лавозим бўйича олға қараб борасан.**

**Тасаввур қил, бу юксалиш тоғ чўққисига чиқишга ўхшайди. Тоққа чиқаётганингда ёнингда сен билан бирга бошқа кишилар ҳам бўлади, гоҳида оёғинг остидан тош чиқиб қолади ва унга қоқинишинг, йиқилишинг мумкин. Агар бу ҳолат бошқа инсон билан юз берса у йиқилгандан сўнг қаддини тиклайди ва кийимлари чангини қоқиб яна йўлда давом этади.**

**Агар бу фожиа сен билан юз берса Олтин юлдуз сен учун оғир юкка айланади. Агар партия ва ҳукумат кўрсатган ишончни оқламасанг, қаддингни тиклаш анча қийин бўлади».**

Владимир Карпов шундай эслайди: **«Эртаси куни колхозчилар билан учрашувга кетаётиб шаҳарда Хадра ва Революция майдонида катта портретимни кўрдим. Портрет остида «Ўзбек халқининг фарзанди – Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Карпов» деб ёзилган экан.**

**Усмон Юсуповни урушга қадар заракунандалик ва авантюрада, уруш вақтида сотқинлик ва ватан душманларини яширганликда, урушдан сўнг эса урушдан олдинги вақтда амалга оширилган қатағонларда айблашган. Иш шу даражага етиб бордики 1946 йил аноним ариза натижасида «Юсупов иши» қўзғатилган. Бу иш билан Сиёсий бюро аъзолари: В.М. Молотов, Г.М. Маленков ва МК секретари Н.С. Патоличевлар шуғулланишган ва**

**унинг пок номини ҳимоя қилиш ишлари билан шуғулланганлар.»**

Уруш даврида Республикага қочоқлар, эвакуация ва депортация қилинганларнинг оқиб келиши Ўзбекистон аҳволини янада мураккаблаштирган. Ҳарбий шароит янги иқтисодий базани яратишни, пахта, рангли металлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, ҳомашёнинг янги манбаларини топиш ва ишга солишни талаб қилар эди. Рус, украин ва бошқа аҳолининг Ўзбекистонга оқиб келиши Республика иқтисодиёти ва маданиятига, айниқса шаҳарлар ўсиши ва тараққиётига жиддий ижобий таъсир этди. Русларни маҳаллий маъмуриятдаги салмоғи ва таъсири ўзгариб борди. Айниқса, саноат ривожида силжиш юз берди. Русларнинг оқиб келиши маҳаллий миллат муҳитига рус тили ва рус-совет маданиятини кириб келишига олиб келди. Маҳаллий элита билан «Бутуниттифоқ» бюрократиясининг ўзаро боғлиқлиги аҳамияти ортди.

Уруш даврида Болтиқбўйи, Шарқий Польша, Молдавия, кавказликлар ва қрим татарлари, немислар ва бошқаларнинг депортация қилиниши билан ГУЛАГ аҳолиси янада кўпайди. 1930-1935 йилларда қулоқ қилиниб сургун этилган ўзбекистонликлар ва 1937-1938 йилларда 8-10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган юртдошларнинг катта қисми ана шу ГУЛАГ лагерларидан фронт учун оғир ва аянчли шароитда меҳнат қилганлар. Улар «қуролсиз аскарлар» деб аталган. 1941-1943 йилларнинг ўзида Ўзбекистоннинг ўзидан 155 минг киши меҳнат армиясига сафарбар қилинган.

Уруш йилларида саноат айниқса мудофаа саноат тармоқларининг ишчи кучига эҳтиёжи фавқулодда ортган. СССР Халқ Комиссарлари Совети 1941 йил 23 июлда меҳнат армиячиларининг фаолияти ҳаракатдаги қўшинларда хизмат қилаётган ҳарбийлар билан тенглаштирилган. Ҳукуматнинг 1942 йил 13 февралда «Ҳарбий вақт даврида ишлаб чиқариш ва қурилиш ишлари учун меҳнатга лаёқатлий шаҳарлик аҳолининг сафарбар қилиш тўғрисида» қаророрига мувофиқ Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистондан Урал, Жанубий Урал, Бошқирдистон, Чилябинск ва бошқа ҳудудларга юз минглаб кишилар сафарбар қилинган. Улар мислсиз оғир шароитларда фронт талабини қондириш, қурол аслаҳа, ўқ-дори, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотларни тайёрлашда қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган. 1942 йил 24 февралда Амур ўлкасидаги Свободний шаҳрига Марҳамат райони Кўтарма қишлоғидан Аширов Тош, Аблягов Худоёр, Кулла қишлоғидан Айвашев Райим, Қрорақўрғон қишлоғидан Абдураҳимов Абдували, Русское селодан Аллиев Абдурашид, Ўқчи қишлоғидан Абдуллаев Дармон, Қорабоғиш шилоғидан Баратов Абдуназар, Бекжаев Раҳматжон, Шукур мерган қишлоғидан Бободадаев Абдуллалар 8-ўқчи бўлимга жўнатилган. Бундай жараён хақида Андижон области

бўйича кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Тадқиқотчиларнинг ҳисобига кўра 1939-1941 йилларда ўша ГУЛАГ лагерларида 1,8 миллион маҳбуслар ҳалок бўлган. Уларнинг маълум қисми легерлардаги «учлик»лар қарори билан ўлимга маҳкум этилган. НКВДнинг Ухто-Печора лагерида маҳбусларни отиш шу қадар кўп бўлганки, оқибатда ҳукм қилинмаганлар ҳам отиб юборилган. Масалан, Хасанов Раҳим ўрнига Хасанов Олим отиб юборилган.[1]

СССР Бош прокурори Р.А. Руденковнинг 1954 йил 19 ноябрида КПСС Марказий Комитетига С.Азимов ва бошқаларнинг ишини қайта кўриб чиқиш бўйича билдиришномасида «Қизил Ўзбекистон» газетаси таҳририятининг собиқ раҳбари Тўхтасин Жалолов (Шаҳрихонлик, Андижон фарзанди), шу газетанинг адабий ходими Юнус Латипов, «Муштум» журнали адабий ходими Ғафур Расулов, «Ёш куч» журнали таҳририяти котиби Омил Одилов, ўрта мактаб ўқув бўлими мудири Обид Хошимов, «Тароқчи» (ёки Даракчи) артели ошпази Соли Иминовлар ноҳақдан ҳибсга олингани маълум қилинган. Бу ҳибсга олинганларга нисбатан 1942 йил 11-12 август кунлари Совет ҳокимятига қарши қуроллий исён тайёрлашда қўшимча айблар қўйилган. Москвада ўтказилган махсус йиғилишда Хусайинов ва Латиповлар отиб ташлангани, айбланувчи Расулов лагерда вафот этгани, қолган айбланувчилар ўз жазоларини ўтаб бўлгач сургунга жўнатилган.

Аксилинқилобий жиноятларда айбланган шахсларга нисбатан жиноий ишларни кўриб чиқиш бўйича Марказий комисия томонидан Хусаинов, Латипов ва Расуловлар ўлимидан кейин реабилитация қилинган, қолган маҳкумларга нисбатан эса уларни сургундан озод қилиш тўғрисида буйруқ берилган. Бу ишни сохталаштиришда айбдор бўлган халқ душмани А.Қобулов ушбу хоинлик фаолияти учун СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегияси томонидан олий жазо – отувга ҳукм қилинди.[2]

Уруш йилларида армияга олинган зиёлиларнинг маълум қисмига миллатчилик, ёт унсурлар, уруш олиб бораётган немис ва япон милиттарисларига хайрихоҳлик билдирганликда, ўтмишни идеаллаштиришда, миллатчиликда айблаш орқали сиёсий қатағон давом этган. Андижон зиёлиларидан бири шоир Восит Саъдулла эндигина 29 ёшни қаршилаганида 1943 йил 18 мартда Фарғонада 2-ўзбек захирадаги ўқчи полки сержанти сифатида хизмат қилаётганида ҳибсга олинган, у 13 йил қамоқ жазосини ўтаб 1955 йил 22 декабрда озодликка чиққан.

Восит Саъдулла 1956 йил 25 февралда Андижондан Москвага, КПСС Марказий Комитети биринчи секретари Н.С.Хруш-

[1] Покаяние хранить мартиролог вечно. Сыктывкар 2006 г 8 том, часть вторая, стр 225-228.

[2] Реабилитация: Как это было. Март 1953-февраль 1956. Документы. Москва 2000, стр 180-181.



Восит Саъдулла
(1914-1987)

чевга, 1956 йил 16 мартда Ўзбекистон ССР Олий Совети раисига, 1956 йил 19 октябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Н.А. Муҳиддиновга йўллаган аризаларида ноҳақдан бир неча бор қатағон қилинганини баён этган.

Уруш йиллари унинг «Ирода» пьесаси Андижон драматик театри саҳнасида қўйилган, юқори партия органи томонидан ижобий баҳоланган, газета редакциясида фаолият кўрсатган, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси болалар адабиёти бўлимини бошқарган, Восит Саъдуллага бадиий асарларида, шеърларида советларга қарши аксилинқилобий, миллатчилик, мағлубиятчилик ғояларини тарқатган, миллатчи, халқ душмани Чўлпоннинг шеър ва асарларини тарғиб этган каби айблар қўйилган.

Аммо қатағон қилиш жараёнида терговчиларнинг босими, қўллаган жазо чоралари, маҳбусларга берилган даҳшатли қийноқлар, азоблар, келтирилган сохта, тўқима айблар, маҳбусларнинг ёлғон кўрсатмалари расмийлаштирилиб, сохталаштирилиб узоқ муддатга қамоқ жазосини бериш мумкин бўлган Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига мослаб айблов хулосалари тайёрланган. Шу айблов хулосалар асосида жазо ҳукмлари чиқарилган.

**Саъдуллаев Восит** Фарғона шаҳридаги алоҳида захирадаги ўзбек ўқчилар полкида 1942 йил августдан ҳарбий хизмат ўтаётган, ҳарбий унвони сержант бўлган, ҳарбий тайёргарликдан сўнг фронтга кетиш учун ҳарбий тайёргарлик ўтаётган бир пайтда яъни, 1943 йил 18 мартда ҳибсга олинган Восит Саъдулла жазо муддатини Тошкентдаги машҳур Сазлаг – Ўрта Осиё лагерининг Чирчиқ бўлимида ўтай бошлаган. Ёркендиев Мамур қамоқ жазосини Грузиядаги меҳнат-тузатув лагерида ўтаган. Лагердан 1952 йил 29 июнда озод қилинган. Рустави шаҳрида яшаб қолган. 1952 йил июндан 1956 йил августгача Рустави Бош қурилиш механика заводида механик мастер бўлиб хизмат қилган. Раҳимбоев Абдумуталиб жазо муддатини Новосибирск области Венгерово қишлоғида ўтказган. 1951 йил 28 июлда Ғарбий Сибир округи давлат хавфсизлик министрлиги қўши-



Личная подпись

Восит Саъдулланинг қамоқда олинган сурати

ни Ҳарбий учлиги унинг ишини кўриб РСФСР Жиноят Кодексининг 58-10, 17-18 ва 17-15-моддалари бўйича айблаб 25 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган. 1956 йил 10 майда Омск областидаги меҳнат-тузатув лагеридан озод қилинган. Абдубеков Қамбар 1950 йил 22 майда ЎзССР меҳнат-тузатув колонияси қамоқхонасида вафот этган. Бу ҳақида Андижон области Ички ишлар бошқармаси ЗАГСга хабар қилган.

1959 йил 10 декабрда СССР Олий суди ҳарбий коллегияси Саъдуллаев ва бошқаларни ишини кўриб чиқади. Восит Саъдуллаев тўлалигича реабилитация қилинган. Шу вақтдан бошлаб умрининг охиригача Андижон давлат педагогика институти (ҳозирги Андижон давлат университети) адабиёт кафедрасида самарали фаолият кўрсатган.




Абдумуталиб Раҳимбоев



С. Акромов ва Ёркендиев Мамур

Восит Саъдулла билан бирга қатағон қилинган ва ҳибсхоналарда бирга бўлган андижонликлардан **Раҳимбоев Абдумуталиб** 1914 йилда Андижон шаҳрида туғилган, совет армиясининг Фарғонадаги бўлимида взвод командири, лейтенант, ўзбек, СССР фуқароси, ВКП(б) аъзолигига номзод, маълумоти қуйи, ижтимоий келиб чиқиши ишчи, отаси Юнусов Раҳимбой 1880 йили Андижонда туғилган, онаси Юнусова Шарофат 1896 йилда туғилган, аҳли аёли Ойимбосир 1918 йилда туғилган, қизи Озодахон 1942 йилда туғилган, укаси Абдуҳалим, синглиси Йўлдошхон, **Ёркендиев Мамур** – 1919 йилда туғилган, Андижон шаҳридан, ҳунарманд-косиб оиласидан, ўзбек, СССР фуқароси, маълумоти олий, партиясиз, сўққабош, 1941 йил июл ойидан қизил армияда, 1943 йил 12 апрелда ҳибсга олингунга қадар 2 махсус захирадаги ўзбек ўқчи полки 2-рота командири ўринбосари бўлган, **Абдубеков Қамбар**, 1922 йилда туғилган, Андижон шаҳри-



Абдубеков Қамбар

дан, ўзбек, хизматчи, партиясиз, ўрта маълумотли, 1942 йил августидан совет армиясида, сержант унвонига эга бўлган.

«Туркистон легиони» ва унинг тақдири, фожиаси ҳам Ватанимиз тарихи иккинчи жаҳон уруш даврининг ажралмас таркибий қисмидир. Шундай экан халқимизни, айниқса, ёш авлодни Ватанимиз тарихининг иккинчи жаҳон уруши давридаги тўлақонли тафсилотини, шу жумладан «Туркистон легиони» ҳақида ҳам бор ҳақиқатни билмоғи ва унга ўзининг шахсий муносабатини билдирмоғи керак. «Туркистон легиони» 1941 йилнинг охири 1942 йилнинг бошларида шаклланди. Унинг асосини урушда асир олинган туркистонликлар ташкил қилган. Совет Иттифоқи билан Германия ўртасидаги урушнинг илк йиллари (1941-1942)да советларнинг Ғарбий жабҳасида тахминан 2 миллионга яқин туркистонлик аскар бўлган. 1943 йилда Қизил Ар-


Суратда: ўтирганлар, ўнгдан 1-Обоқул Эгамов, "Коммунист" газетасининг муҳаррири, 2-Юлдашев, мединститут ўқитувчиси, 3-Андижон область Ижроия комитети раиси ўринбосари Турсуной Каримова, 4- Восит Саъдулла, 5-шоира Ҳанифахон, иккинчи қаторда тик турганлар, ўнгдан 1-Холдоржон Қуронбоев, 2-Рустам Раҳмон, 3-Каримжон ака, 4-Ўзбекистон халқ артисти Қосимжон Охунов, 5-шоир Туроб Тўла, 6-Андижон область партия комитетининг котиби Мирзажон Муҳиддинов, 7-Андижон давлат педагогика институти ректори Акмалжон Қосимов; учинчи қатор ортда тик турганлар, чапдан 1- С. Шокаримов, 2-шоир Барот Бойқобилов, 3-журналист Анорбой Қуронбоев

миянинг фақат 6 ҳарбий қисми Минск, Киев, Москва, Ленинград, Узоқ Шарқ ва Шимолий Кавказда 1.179.802 туркистонлик аскар бўлган. Киев ва Минск қисмларида 997.892 нафар[1] эди. Бу туркистонлик аскарларнинг каттагина қисми немислар томонидан асир олинган.

Уруш йиллари ватан ҳимоячиларининг кўплари жанггоҳларда ҳалок бўлди, маълум қисми ноиложликдан асир тушди. Бу асирларнинг маълум қисми вазият, шароит тақозоси билан «Туркистон легиони»да қатнашган. «Туркистон легиони» тўғрисида тарих фанида, кенг жамоатчиликда ҳар-хил қарашлар мавжуд. Шу боис «Туркистон легиони» хақида ва унда иштирок этган андижонликлар хақида айрим тарихий маълумотлар келтириш жоиздур.



Ғулом Алимов
Андижон шаҳри, Хўтанариқ маҳалласидан

Андижон фарзанди Ғулом Алимовнинг жанговар фаолияти ҳақида «История России» (Москва, 1996 йил, 474-бет) китобида мана бу сатрлар бор: «Вероятно, если бы совесткое правительство не отреклось от своих солдат, попавщих в плен, если бы они не боялись преследований по возврашению в СССР, случаев открытого выступление против немцов, перебежек на сторону Красней армии, уходу в отряде местного Сопротивления было бы значительно больше.

Но легионеры знали насвоем собственном опыте, живя в СССР, мстительность советской власти. Все же декабре 1944 года находившиеся в Словакии туркестанский полк СС под командиванием Г.Алимова перешел на сторону восставших словаков».

Туркистонлик ҳарбий асирларнинг бир қисми Франция, Югославия, Польша, Италия, Словакия, ҳатто Испаниядаги партизанлик ҳаракатига оммавий равишда ўтиб кетганлар. Асли андижонлик СС Туркистон полки командири Ғулом Алимов 1944 йил, декабрида немис армиясидан дизертирлик илиб Венада съезд булаётган даврда, Братислава ёнида турган руслар ва словаклар билан алоқа ўрнатиб, 500 нафар легионер ҳам-



«Туркистон легиони» иштирокчиси Ғуломжон Рўзибоев

да партизанлар биргаликда фашизмга қарши кураш олиб борган. Унинг полки-

[1] «Шарқ юлдузи», 1992 йил, 3-сон, 152-бет.



Ака-ука. Чапда Исроилов Абдулҳамид, ўнгда Исроилов Мадаминжон

да асакалик Ғуломжон Рўзибоев (машҳур бастакор), андижонлик (Кизил Карвон кўчасидан) Мадаминжон Исроилов ва бошқалар бўлган.[1]

Германия ҳарбий асирлари Бошқармасининг 1943 йилда берган маълумотларига қараганда урушнинг дастлабки йилларидаёқ (1941-1942) советлар армиясидан 1.700.00га яқин туркистонлик асир олинган. 1942 йилнинг ёзига қадар булардан фақат 400 минг[2] киши эсон қолган, қолганлари очлик, касаллик, совуқ туфайли қирилиб кетган, бир қисми отиб ташланган. «Туркистон легиони»нинг асосини ана шу асирлар ташкил этган.

Бу қадар кўп сонлик туркистонликнинг асир тушганлигининг сабаблари кўп. Улардан энг **биринчиси,** туркистонликларни советлар ҳокимияти йилларида мунтазам армияда хизмат қилиш малакасидан маҳрум этилгани эди. Уруш бошланган даврда Ўрта Осиё республикаларининг биронтасида мунтазам миллий армия бўлмаган. Чунки советлар туркий халқларга ишонмас, уларни иккинчи тоифа халқ ҳисоблар, энг муҳими улардан қўрқар эди. Шу мақсадда туркий халқларнинг миллий армиясини йўқ қилган. 1935 йил охирларига қадар Туркистон турклари советлар армиясига сафарбар қилинмас эди[3]. 1935 йилда қабул қилинган «Советлар армиясига сафарбарлик» қонунига асосан 1935-1938 йиллар ичида туркистонликлар Қизил Армия хизматларига бир оз бўлса олинган эди. 1939 йилнинг охирла-



Мадаминжон Исроилов ва унинг қўшниси Турдиқул, оқ рўмоллик Қорияхон опаси ва синглиси Маҳбубухон. Андижон, Қизил карвон кўчаси, 38-уй 1936 йил.

[1] Р.Шамсутдинов, Ш. Каримов. Ватан тарихи. (Учинчи китоб). Т. «Sharq» 2010. 370-бет

[2] «Мулоқот», 1992 йил, 3,4-сон, 43-бет.

[3] Тўғри вақтинчалик, алдаш йўли билан 1919 йил М.В.Фрунзе Туркистон мусулмон аҳолисидан армияга сафарбар чақирув эълон қилганди. 1921-1922 йилларда Хоразм ва Бухоро республикаларида ҳам шундай «сафарбарлик» эълон этилганди.

рига келганда туркистонликлардан армияга олиш анча ортган. Чунки Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасида уруш бошланган эди. 1941 йил июнда Германия билан Совет Иттифоқи ўртасида уруш бошлангандан сўнг эса, Туркистон туркларини 18 ёшдан 65 ёшгача ҳаммасини ёппасига урушга сафарбар қилинди. 1941-1943 йилларда тахминан 4.847.775 туркистонлик советлар армиясига сафарбар қилинган. Уларнинг аксарияти ҳеч қандай тайёргарликсиз фронт жабҳасининг олдинги чизиғига ташланган эдилар. Тошкент, Андижон, Самарқанд, Қарши, Фарғона, Термиз ва бошқа шаҳарларида миллий гвардия ва дивизиялар ташкил қилиниб, уларга ҳеч қандай ҳарб илмидан сабоқ бермасдан ва махсус тайёргарликдан ўтказмасдан армияга жўнатилган. Бу ишда ҳам «буюк рус» мустамлакачилигининг ўзига хос шовинистик ва жирканч мақсадлари ўз ифодасини топган. Бу аввало уруш воситаси билан туркий мусулмонларни қириб ташлаш ва жисмонан йўқ қилиш бўлса, **иккинчидан,** туркийларни уруш олиб боришга «яроқсиз халқ», «иккинчи сорт миллат» эканлигини амалда исботлаш ва шу асосда туркий миллатлар давлатчилигининг асосларидан бири бўлган мунтазам ўз армиясига эга бўлишини абадул-абад барбод қилиш эди. Советлар салтанати маълум маънода ўз мақсадларига эришдилар ҳам. Конституцияда тенг ҳуқуқли «суверен республика» ҳисобланган Ўзбекистон советлар даврида ўзининг миллий армиясидан маҳрум бўлди. Бунинг учун туркий халқларнинг Германия қўшинларига қарши мустақил «жанг қилишга қодир эмасликлари» энг «ишончли» асос бўлди. Чунки тиш-тирноғига қадар замонавий қуроллар билан қуролланган немис қўшинларига қарши турган туркистонлик қизил қўшинлар урушнинг дастлабки босқичларида душманга деярли қаршилик кўрсата олмадилар. Нега деганда улар махсус тайёргарликдан ўтмаганликларидан ташқари умуман, қуролсиз бир ҳолатда жангга ташланган эдилар. Генерал Собир Раҳимов қўмондонлигидаги машҳур 37-дивизияда хизмат қилган, генералнинг тутинган ўғли, уруш йилларида афсонавий қаҳрамонликлар ва мардликлар кўрсатган, жасур разведкачи, ватандошимиз, уруш ва меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳар Сергели тумани уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси полковник Хуррам Ашуров берган маълумотларга қараганда урушнинг дастлабки босқичларида Туркистондан борган жангчиларнинг ҳар учтасидан биттасига ҳақиқий жанговар милтиқ, қолган иккитасига эса ёғочдан тайёрланган «милтиқ» ва 15 донадан патрон берилган экан. Натижада улар душманнинг ёпирилиб қилган ҳужумига бардош беролмай гангиб қолганлар ва ёппасига асир туша бошлаганлар.

Унинг кўз ўнгида минглаб туркистонликлар беҳуда ўлиб кетаётган эдилар, улар Вали Қаюмхоннинг ватандошла-

ри, жигаргўшалари эдилар. Шунда Вали Қаюмхон Парижда яшаётган Мустафо Чўқай билан умумий тил топиб, ҳарбий асирларни бекордан-бекорга қириб ташлагунча улардан фойдаланиш йўлини таклиф қилган. Бу таклиф немис қўмондонлигига маъқул тушган. Инсоннинг ҳаётини сақлаб қолиш ҳамиша ҳурматга сазовор иш бўлганлигининг онгли суратда тушган Вали Қаюмхон ва Мустафо Чўқай ўз ватандошларининг кўнгилли анкеталарини тузишга киришдилар. Асирхоналарни кезиб юриш чоғида ўзига сил кассалигини юқтирган Мустафо Чўқай 1941 йил декабр ойида вафот этди. Энди барча иш Вали Қаюмхоннинг чекига тушди ва унинг елиб-югуриши туфайли «Туркистон легиони» ташкил этилди.

Вали Қаюмхон Туркистон истиқлоли учун кураш шамчироғи сифатида туркистонлик асирларга рамзий маънода ота бўлиб қолган. Совет ҳукумати, ҳарбий қўмондонлиги бутун дунёга Германияда бизнинг асирларимиз йўқ, деб маълумот берган эди. Аслида байналмилалчилик қоидасига кўра, урушаётган ҳар бир давлат ўзининг душман қўлидаги аскарларини озиқ-овқат, кийим-кечак ва дорилар билан таъминлаши керак эди. «Москвадаги жаллодлар асирликдаги ўз аскарларига ёрдам бермадилар. Вали Қаюмхон Олмония ҳукуматига мурожаат қилиб, туркистонлик асирлар Совет Армиясининг ҳақиқий жангчилари эмаслигини, уларни замбарак учун ем-ҳолида тутилганлигини, Совет Иттифоқи билан Олмония орасидаги жангларда қўлларида қурол ўрнига таёқлар билан тутилганлигини, англатган эди.

Олмон ҳукумати ҳам Совет давлатининг ноҳақ ҳаракат қилганлигини ва туркистонликлар каби ғайри рус халқлардан урушда стратегик мақсадда фойдаланганлигини тўла равишда англаган эди. 1942 йилнинг бошидан эътиборан Қаюмхон бир неча юз минг туркистонлик асирни лагердан чиқариб уларни оммавий ишларга жойлаштиришга муваффақ бўлди. **«Очлик, касаллик ҳукм сурган совуқ ойларида кийимсиз қолганимиз шароитларида биз, туркистонлик асирлар Қаюмхоннинг ҳимматини кўриб, уни «Ота» атайдиган бўлдик. У биз учун чиндан ҳам оталик қилди»**[1].

Айни шу пайтда ғайри рус миллати вакилларидан Армани, Гуржи, Шимолий Қофқоз, Озарбайжон, Идил-Урол легионлари ҳам ташкил этилган эди. 1942 йил августида Вали Қаюмхон раислигидаги «Туркистон Миллий Бирлик Қўмитаси» тузилди 1942-1945 йилларда Берлинда фаолият кўрсатган «Туркистон Миллий Бирлик Қўмитаси»да 112 туркистонлик ишлади. Айни замонда «Миллий Туркистон», «Миллий адабиёти» журналлари ва «Янги Туркистон» газетаси нашр этила бошланди. «Миллий Туркистон»

[1] Боймирза Ҳайит, Вали Қаюмхон ота Туркистон истиқлоли учун курашнинг шамчироғи эди-шахсий архив, 2-бет.

журналининг биринчи сони 1942 йил 15 августда чиқди. Журнал **«Бизнинг йўл» бош мақоласи билан эълон қилинди ва унга «Бизнинг йўл оталар йўлидир, мустақиллик йўлидир»,** деб баёнот берилган. Германия ҳукумати миллий қўмитанинг бу сиёсий йўлини ўрганиб чиқди, аммо унинг сиёсий ниятига қарши чиқмади. Бу табиий эди, албатта. Чунки айни даврда миллий Қўмитанинг фаолияти Германия фойдасига ва Совет Иттифоқига қарши қаратилган эди. Миллий қўмитанинг баёноти бирон бир даражада бўлса-да Германиянинг мавқеига ҳеч қандай хавф туғдирмас эди. «Туркистон легиони» таркибида аскар ва зобитларнинг миқдори 1944 йил охирларида 267 минг киши атрофида бўлган[1]. Легион қўмондонини тайинлаш Германия армияси қўмондонлиги ихтиёрида эди. Батальон, полк қўмондонлиги ва рота командирлари таркибида туркистонликлардан кўп бўлган. Легионнинг сиёсий ва миллий ишлари Миллий Туркистон Бирлик Қўмитаси томонидан идора этиларди. Ҳар бир аскар ва зобитнинг сўл қўлида **«Туркистон, Оллоҳ биз билан»** тамғаси бор эди. Аскарий онт, Қуръони Карим қаршисида икки қилич бирлаштирилиб, Туркистон байроғи остида қабул қилинган. «Туркистон легиони»нинг ўз мадҳияси бор эди. Бу мадҳия «Гўзал Туркистон» номи билан аталарди. Мадҳияга Чўлпоннинг «Гўзал Фарғона» шеъри ва унинг куйи асос қилиб олинган эди. Туркистонлик муҳожирлар ҳозир ҳам уни мароқ билан куйлайдилар:

*Гўзал Туркистон, сенга не бўлди?*
*Саҳар вақтида гулларинг сўлди.*
*Чаманлар барбод, қушлар ҳам фарёд*
*Ҳаммаси маҳсун, бўлмасми дил шод?*
*Билмам, на учун қушлар учмас боқчаларингдан?*
*Бирлигимизни тебранмас тоғи.*
*Умидимизнинг сўнмас чироғи,*
*Бирлаш, эй халқим, келгандир чоғи,*
*Безансин энди Туркистон боғи.*
*Қўзғал, халқим, етар шунча жабру-жафолар.*
*Ол байроғингни, қалбинг уйғонсин,*
*Қуллик, асорат-барчаси ёнсин,*
*Қур янги давлат, ёвлар ўртансин.*
*Ўсиб Туркистон, қаддин кўтарсин!*
*Яйрат, яшнат, ўз Ватанинг гул боғларингда.*

«Туркистон легиони» рус советлари қўшинларига қарши жиддий жанглар олиб борган ва унга катта талофотлар бергани билан тўла фаолиятининг ажралмас бир бўлаги, унинг таркибий қисмидир. Бас, шундай экан «Туркистон легиони» ва «Миллий Туркистон Бирлик Қўмитаси» фаолиятига Компартия, советлар мафкураси, мустамлакачилик сиёсати мафкураси андозаси ва ўлчовлари асосида эмас, балки мустақил Ўзбекистон, Туркистон халқларининг миллий бирлиги ғояларидан келиб чиққан ҳолда баҳо берилиши керак.

[1] «Шарқ юлдузи», 1992 йил, 3-сон, 154-бет.



Днепетровский области Смело шаҳридан Андижон шаҳрига эвакуация қилинган ўқувчилар. Уларнинг айримларининг ота-оналари Володарский номли фабрикада ишлаганлар. Ўқувчилар Жомеъ масжиди ичида яшаганлар. Улар орасида Ханна Допкина (тепадаги 3 қаторда ўнгдан тўртинчи), унинг ўғли Игорь Равильевич Пахмурин – ҳозирги вақтда Андижонда яшамоқда, тиббиёт соҳасида ажойиб мутахассис, Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш аълочиси.

## «ПАХТА ИШИ» ҚУРБОНЛАРИ

Абдусамат Полвонзоданинг Республика Олий суди раиси, Адлия вазири лавозимларида хизмат қилаётган даврида Марказ томонидан Ўзбекистонга ва унинг халқига қарши «Пахта иши», «Ўзбек иши», «Қўшиб ёзишлар»лардан иборат ҳақоратомуз туҳмат ва маломатлар уюштирилган, халқимизга, республика раҳбариятига қарши қўлланилган қатағон сиёсати ва амалиётига қарши турган миллий раҳбарлардан бири эканлиги ҳақида озми-кўпми тасаввурга эга эдим. Чунки биз ҳаммуаллифим Шоди Каримов билан ҳамкорликда 1998 йили Андижонда Андижон давлат университети талабалари учун «Ватан тарихи (Ўзбекистон шўролар истибдоди даврида)» номли ўқув қўлланмада Ўзбекистонда 80 йилларда совет ҳукуматининг навбатдаги найрангларидан «Ўзбеклар иши», «Пахта иши», «Ўзбек мафияси», «Қўшиб ёзиш»дан иборат қатағон сиёсатини баҳоли қудрат очиб беришга ҳаракат қилганмиз.

Абдусамат Полвонзоданинг яна бир ибратли фазилатларидан бири фуқароларнинг ариза ва мурожаатларига жиддий қараб иложи борича у ёки бу масалани қонун доирасида ижобий ҳал қилишига шоҳидман.

Миллий санъатимиз дарғаларидан бири Ғуломжон Рўзибоев, асли асакалик бу бастакор 22 ёшида Иккинчи жаҳон уруши даврида қизил армия сафига сафарбар қилинган, урушда катта хизматлар қилган, аммо тақдир тақозоси билан душманга асир тушган ва концлагерда бўлиб, у ерда «Туркистон легиони»да «Истиқлол» деган саҳна асари ёзиб уни легионерларга қўйиб берган. 1944 йил ёзида Вена шаҳрида туркистонликларнинг 2-конгресси бўлиб, конгресс қатнашчиларига «Истиқлол» асарини кўрсатиб олқишлар олган. Аммо сал кам 50 йил совет КГБсининг «қора рўйхати»да бўлиб таъқибда юрган, уруш қатнашчиларига бериладиган барча имтиёзлардан маҳрум эди. Ғуломжон Рўзибоев 2000 йили Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Абдусамат Полвонзодага ёзган мурожаат аризасида 1994 йили Абдусамат Полвонзоданинг имзоси билан реабилитация ҳақида область КГБси бошлиғидан ҳужжат олганини изҳор этган эди[1].

2019 йил 3 октябрда Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейига Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Адлия вазирлигида кўп йиллар раҳбар бўлиб ишлаган Абдусамад Полвонзода Адлия вазирлиги фахрийлар кенгаши раиси Эрмуҳаммад Шерматов ва юридик фанлари доктори профессор, узоқ йиллар Тошкент юридик иститутининг ректори бўлиб хизмат қилган Ҳалим Бобоевлар билан биргаликда ташриф буюрган. Ўз вақтида бизга ёрдам қулини чўзган, пахтачилик, умуман қишлоқ хўжалик сохасида ўзбекистонда жуда катта ишларга бош-қош бўлган, халқ эҳтиромини қозонган, аммо совет режими томонидан қатағон қилиниб отиб ташланган Андижон фарзанди Ёқубжон Исақулов хақидаги хозирга Ўзбекистон Республикаси Миллий архивида сақланаётган 48 та ишни олиб Андижонга келтириб тадқиқот олиб боришим учун руҳсат олиб берган эди. Ўша материаллар асосида 2001 йили «Шарқ» нашриётида «Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар» номли 415 саҳифадан иборат китобни нашр этишга эришган эдим. Бу ажойиб инсон билан биринчи бор юз кўришганимдан бениҳоя қувонганман. Унинг қилган яхшилигига миннадорчилигимни ўз вақтида билдираолмаганимдан армонда юрар эдим. Бу азиз инсон ва хамрохларига шахсан ўзим экскурсоводлик қилдим.

Табаррук меҳмонларда музей, айниқса, музейнинг **«Андижонда советлар истибдодининг янада кучайиши ва миллий уйғонишнинг янги босқичи даврида (1939-1991)»** залидаги экспо-

[1] «Водийнома» журнали 2020 йил 1 (16) сон. 60 – 64-бетлар



натлар, фактик материаллар, суратлар катта қизиқиш уйғотди.

1983 йилнинг охирида Ўзбекистонда жуда оғир вазият вужудга келган эди. Ўзбекистон ССРда пахта тайёрлаш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ жараёнлардаги «қўшиб ёзиш», «ўғирлик», «кўзбўямачилик»ни тергов қилиш билан Т.Гдлян, В.Иванов шуғулландилар. Жамоа хўжаликлар раислари ва совхоз директорларининг 60%, қишлоқ хўжалиги етакчи мутахасисларининг 45%, пахтачилик бригада бошлиқларининг 35%, шунингдек, кўплаб раҳбарлар, вилоятлар ва туман партия комитети котиблари, республика миқёсидаги партия, совет ва хўжалик раҳбарлари ўз вазифаларидан олиб ташланди ва уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Бу даврда марказ томонидан тоталитар тузумининг барча кирдикорлари вафот этиб кетган партия ва давлат арбобларига юкланиб, 1980 йиллар қатағонида ноҳақ қораланди. Энг аввало қатағон қиличи Шароф Рашидовга қарши кўтарилиб, унинг номи ҳам бадном қилинди, шунингдек, Ўзбекистон респуликаси пахта саноати вазири бўлган Ваҳобжон Усмонов 1986 йил 25 августда СССР Олий Суди унга нисбатан ўлим жазосини белгилаган. 1998 йил 17 апрелда Ваҳобжон Усмоновга нисбатан берилган

жазо бекор қилинди. Абдупатто Солиев ҳам «пахта иши»нинг жабрини тортди. Мустақиллик туфайли оқланди. «Пахта иши» жабрланувчиларидан Сайидали Болтабоев, Қаюмжон Исмоилов, Исроил Усмонов, Шаробиддин Дарвешов, Муҳаммаджон Нишонбоев, Жакбарали Хожиназаров, Зокиржон Назаровлар Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов томонидан тузилган «Пахта ишлари»ни кўриб чиқиш комиссияси раисининг ўринбосари Абдусамат Абдухамидович Полвонзоданинг саъй ҳаракати билан улар оқланди.

Қуйида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Абдусамат Полвонзоданинг **«Пахта ишлари қандай вужудга келган эди?»** номли мақоласидан айрим лавҳалар келтирамиз:

«...Совет марказидаги шовинист мустамлакачи унсурларнинг «Пахта ишлари», «Ўзбек иши» номи остида халқимизга қарши машъум қатағон сиёсати фожиали тус олган. Мудҳиш қатағон даҳшатларининг ижодкорлари бўлмиш Гдлян ва Ивановни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ўша даврни яхши билган инсонлар орасида ҳам, ёшлар орасида ҳам тез-тез кўтарилмоқда. Мен бу фикрни қўллаб-қувватлайман. Бугунги кунда Гдлян ва Ивановларнинг Ўзбекистон халқига нисбатан содир этган ўта оғир жиноятларига ҳуқуқий баҳо бериш имконияти мавжуд...

1983-1989 йиллар халқимиз учун ниҳоятда оғир дамлар бўлган. Қарийб 25



Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг "Пахта иши" бўйича комиссияси раиси Исмоил Ҳакимович Жўрабеков ва комиссия раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Суди раиси вазифасини бажарувчи Абдусамад Абдуҳамидович Полвонзоданинг комиссиянинг навбатдаги ишлари юзасидан суҳбатлашаётган ҳолати.

йил давомида Ўзбекистонни бошқариб, қолоқ аграр республикадан саноати ривожланган, мамлакатга айлантирган беназир инсон Шароф Рашидовнинг бевақт ўлимидан сўнг қатағон қиличини ишга солишга шай бўлиб турган марказ томонидан Ўзбекистонга туҳмат тошлари отила бошланди. Улар юртимизга бостириб кириш учун баҳона қидира бошладилар. Баҳона ҳам топила қолди.

1983 йилда Бухоро вилоят Ички ишлар бошқармасининг ОБХСС бошлиғи А.Музаффаров бир савдо ходимидан пора олаётган пайтда қўлга тушиб, ҳибсга олинди. Бу ишни тергов қилиш пайтида Бухоро вилоят савдо идорасининг раҳбарларидан бири Ш.Қудратов ўзи раҳбарлик қилаётган идорадаги савдо ходимларидан пора олиши ва партия, совет ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бошлиқларига пора бериши

ошкор бўлиб, у ҳам қамоққа олинади ва тергов ҳаракатлари бошлаб юборилади.

Порахўрлик, табиийки, жамиятнинг илдизларига болта урадиган оғир жиноятлардан бири. Лекин у СССР миқёсидаги тергов идоралари шуғулланадиган жиноятлар сирасига мутлақо кирмас, бундай жиноятларни, одатда, республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўзлари ҳам бемалол тергов қилишлари мумкин эди.

Аммо 1920 йилдан то СССР давлати тарқалгунга қадар ҳар ўн йилда қатағон қиличини ишга солиб, халқни даҳшатда, қўрқувда ушлаб туришга одатланиб қолган марказга айни шу машъум воқеа Ўзбекистонга бостириб кириш учун баҳона бўлди. Марказ Музаффаров ҳамда Қудратовнинг ишини тергов қилишни Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларидан олиб, СССР Прокуратурасига топширди, Гдлян ва Ивановлар эса СССР Прокуратураси томонидан тузилган тергов гуруҳига бошлиқ қилиб тайинланди ва уларга жуда катта ваколатлар берилди, ўз фаолиятларини олиб бориш учун ҳатто ҳарбий вертолётлар, техника ва қуролланган солдатлар ҳам бириктириб қўйилди. Шундан сўнг улар Ўзбекистонда мисли кўрилмаган зўравонликдан иборат ўта жирканч, мудҳиш фаолиятларини бошлаб юборишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, СССР прокуратураси бошқарма бошлиғи, генерал Виктор Иванович Илюхин ўзининг «Қабохат ёхуд...» деб номланган китобида Гдлян ва Иванов СССР прокуратурасига таниш-билишлари орқасида келиб қолган, малакаси паст, маданиятсиз, хавфли жиноятчи терговчилар эди, деб баҳо берган. Мен бу фикрга юз фоиз қўшиламан.

Ҳақиқий терговчи ўз фаолиятини қонун талабларидан келиб чиқиб, фақат факт ва далилларга асосланган ҳолда амалга ошириши, айбланувчини ҳам қоралайдиган, ҳам оқлайдиган жихатларини адолат тарозисига солиб кўргандан кейингина у ёки бу одам ҳақида узил-кесил хулосага келиши лозим.

Гдлян ва Иванов ҳамда улар бош бўлган тергов гуруҳи аъзолари ҳам ўз фаолиятини жиноят процессининг ушбу талабларига амал қилган ҳолда иш олиб боришлари шарт ва лозим эди. Аммо улар узоқ олти йил мобайнида қонунларни сурбетларча оёқ ости қилиб келдилар. У ёки бу одамни ҳибсга олмоқчи бўлсалар бировларни мажбурлаб унинг устидан сохта кўргазма ёздириб олишар, сўнг шу кўргазма асосида ўша одам қамоққа олинар, энди ундан яна бир бошқа кишига нисбатан кўргазма ёздириб олишарди. Ўз муддаоларига эришиш учун гумонланувчиларни ваҳшиёна қийноқларга солиш, хотини, болаларини қамаш йўли билан ёлғон кўрсатмалар ёздириб юзлаб ҳамюртларимизни қамашди. Чунки уларнинг иш принципи мана шундай ноқонуний усул асосига қурилган эди.

Тергов гуруҳи бирин-кетин Бухоро вилоят ички ишлар бошқармаси бош-

лиғи генерал Муин Норов ва унинг икки ўринбосари полковник Шамси Раҳимов, подполковник Владимир Мулин, сўнгра генерал Хушвақт Норбўтаев, генерал Ислом Сатторов, генерал Салим Собиров, полковник Тўра Хайитов, полковник Музаффар Алимов, И.Позилхонов ва ички ишлар вазирлигининг яна бир қатор раҳбарларини тўқиб чиқарилган айблар билан ҳибсга олдилар.

Бу жараён бутун республика бўйлаб давом эттирилди.

1984 йилда Ўзбекистон учун яна бир кўнгилсиз воқеа юз берди. Шу йили Ўзбекистон Марказқўмининг ўн олтинчи пленуми бўлиб ўтди.

Бу пленум Ўзбекистон Марказқўми ходимлари томонидан эмас, бошдан-оёқ КПСС Марказий Комитети котиби, сиёсий бюро аъзоси Е. К.Лигачев бошчилигида у билан бирга марказдан келган ходимлар томонидан тайёрланган бўлиб, Ўзбекистонни қора бўёққа бўяб ташлаган Марказқўм биринчи котибининг маърузаси ҳам улар томонидан ёзилди ва Марказқўмнинг биринчи котибига минбарга чиқиб, маърузани фақат ўқиб бериш вазифаси юклангани, холос. Маърузада пахта етиштириш ва давлатга топширишда кадрлар қатъиятсизлик кўрсатганлиги, қўшиб ёзишларга йўл қўйилгани алоҳида таъкидланди. Ваҳоланки, Ўзбекистоннинг 65 фоиз аҳолиси ўша пайтларда фақат пахта етиштириш билан шуғулланар, миллионлаб одамлар – мактаб ўқувчилари, талабалар марказнинг топшириғи билан декабрь, ҳатто январь ойларида ҳам пахта териш билан мажбурий, деярли текинга шуғулланишарди. Йиғиштирилган ҳосил эса паст нархларда марказга жўнатиларди. Марказ йил сайин Ўзбекистонда пахта тайёрлаш режасини ошираверган. Қисқа вақт ичида тўрт миллион тоннадан режа олти миллион тоннагача кўтарилди. Бу Брежневнинг талаби эди. Қўшиб ёзиш ҳақида гап кетганда давлатга пахта топширишда бор йўғи 2–3 фоиз қўшиб ёзиш бўлган, холос. Ана шу қўшиб ёзишларнинг асосий илҳомчиси ва ташкилотчиси Москванинг ўзи бўлган эди. Ўзбекистондан Марказга минглаб хатлар юборилган. Бу хатларда пахта етиштириш учун сув етишмаслиги, Орол денгизининг қуриши, пахта учун берилаётган маблағ ниҳоятда оз миқдордалиги, колхозчилар иқтисодий аҳволи, турмуш тарзининг ўта ачинарли ҳолати, пахта зараркунандаларига қарши ишлатиладиган гербицидларнинг инсон соғлигига кўп зарар етиши натижада кўплаб пахтакорлар заҳарлангани, уларнинг катта қисми дардга чалиниб ўлиб кетганлиги, устига-устак пахта меҳнати учун тўланадиган ҳақ ниҳоятда камлиги асослаб берилган эди. Аммо Марказ минглаб пахтакорларнинг оҳу-зорига пинак бузмаганлар. Ҳаттоки Марказ раҳбарларидан бири Ўзбекистондан умуман пахта олмаслик, пахтани Мисрдан олиш мумкинлигини айтиб, пахта харид нархини кўтаришга қарши

турган. Дунёда ҳеч бир халқ мана шундай оғир шароитларда ишлашга мажбур қилинмаган. Порахўрлик эса биргина Ўзбекистон эмас, бутун совет империясига хос иллат эди. Ўн олтинчи пленум материалларида бу ҳолат мутлақо инобатга олинмади. Бу катта адолатсизлик эди...»

«Пахта иши»нинг сабаби, фожиали оқибатлари ҳақида Абдусамат Полвонзоданинг фикр-мулоҳазалари билан батафсил танишиш учун «Водийнома» журналининг 2020 йил №1 ва №3 сонларида босилиб чиққан мақолалар билан китобхонлар танишишларини тавсия этамиз.

Аслида Ўзбекистонда қатағонликнинг янги босқичи 1980 йилларга тўғри келган. Марказ томонидан «Пахта иши» деган туҳмат ва маломатлардан иборат бўлган қатағон сиёсати ва амалиёти олиб борилди. Унинг домига Андижон вилояти ҳам тортилган. Давлатга пахта топшириш жиҳатидан Андижон вилояти ҳамиша байроқдор бўлиб келган. Андижон пахтакорлари ҳам бошқалар каби «Пахта иши»нинг кучли зарбасига дуч келди. Бироқ бошқа вилоятларга қараганда Андижонда «Пахта иши» бўйича жиноий жавобгарликка тортилганлар миқдори у қадар кўп бўлмаган. Бунинг сабабларидан бири 1985-1989 йилларда Андижон вилояти прокурори лавозимида хизмат қилган Бўритош Мустафоевнинг ўрни ва роли катта бўлган. Бу ҳақда унинг 2020 йили «Books publisher»



нашриётида чоп этилган «УМРИМ БАЁНИ» номли китобида «Пахта иши»нинг Ўзбекистондаги фожиалари унга қарши курашдаги, ноҳақ жабрланганларни ҳақ-ҳуқуқларини тиклашдаги ташкилотчилиги пиру-устоз билан бирга ишлаган сафдошлари эсдаликларида ўз ифодасини топган. Улардан айримларини келтирамиз.

Андижон вилоят прокуротураси фахрий ходими Ёқубжон Жалолов шундай эслаган: «Очиғини айтганда, Бўритош Мустафоев улуғларга ёндашиб, эзгу фикрларга амал қилиб, адолатпешалар тадбирига эътибор бериш ва улардан ўрнак олиб, дўстлар маслаҳатларига



Ёқубжон ЖАЛОЛОВ,
Бош прокурор ўринбосари,
Давлат маслаҳатчиси
ўринбосари лавозимларида
ишлаган 3-даражали Давлат
адлия маслаҳатчиси

қулоқ тутишнинг фойдаси ўзгача эканлигини англаган ҳолда катта ҳаётга кириб келган эди, десам янглишмайман. Айниқса, халқимиз бошига туҳмат тошлари отилиб, «Пахта иши» деган сохта айблар билан қора тамға босишга уринишлар бўлган қийин пайтларда Андижон вилояти прокурори лавозимида ишлаб турган Бўритош Мустафоевнинг нақадар имонли инсон эканлиги, оқу қорани яхши ажарата олиши, халқига ким дўсту, ким ғаним эканлигини теран англаши очиқ, яққол намоён бўлган эди. Шу боис Андижонда кўп одам жабр кўрмади. «Пахта иши» бўйича сохта айбловнинг бошида турган Гдлян, Иванов каби қатағончиларнинг қандай ғаразли мақсадлар билан Ўзбекистонга келганини Бўритош Мустафоев яхши билар эди. Йиғилишларнинг бирида: «Пахта иши» масаласида эҳтиёт бўлинглар, бўш келманглар, айбсизлар жабрланмасин!» деб айтган сўзларидан вилоят прокуратура ходимлари тўғри хулоса чиқардилар, қатағончиларнинг жирканч ниятларидан ўз вақтида огоҳ бўлдилар, турли пинҳона ҳужум ва зарбаларга тайёр турдилар.

Шахсан, бошимдан ўтган бир воқеа борки, у менга катта ҳаётий сабоқ бўлган эди. Бир куни Шаҳрихон туман раҳбари олдимга келиб, гдлянчилар чақираётганини айтиб, маслаҳат сўради. Ранги оқариб кетган, қалт-қалт титрайди, денг! Унга раҳмим келди. Ноҳақ туҳматдан ким чўчимайди, дейсиз! Мен «десантчи»ларга қўнғироқ қилиб, бу ҳақда маслаҳат сўрасам, ўта қўпол, совуқ муомала қилиб: «У киминг бўлади?» қабилидаги дағдағага ҳам ўтмоқчи бўлишди. Бўритош Мустафоевдан бу тўғрида маслаҳат сўраган эдик, у киши Шаҳрихон туман раҳбарига: «Айбли ишим йўқ деяпсиз, чўчиманг, бориб жавобини бериб келаверинг, Сизни ҳеч нарса қилишолмайди», дея кўнглини кўтарди. Унинг сал ўзига келганини кўриб, кўнглим жойига тушди. Лекин туҳмат азобига дош беролмаганларни ҳам кўрдим. Бир катта раҳбарнинг ярим тунда

Бўритош акани излаб келганини биламан. Ўшанда у киши даволанаётган эди. Бечора кап-катта раҳбарнинг кўзлари олайиб, қалтираб турганини ҳали-ҳамон эслайман. «Бўривой, анавилар мени ҳам чақиришяпти, нима маслаҳат берасиз?!» деган гаплари ҳам эсимда. Ана шу одам нафақа ёшига етмай, дунёдан ўтиб кетди. Юрагини олдирган экан, бечора. Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида ноҳақ жабр кўрган, зулм остида эзилганлар саноқсиз эди. Улар ҳақида бетўхтов соатлаб гапириш, уларнинг аянчли тақдиридан эзилиш мумкин.»[1]

Андижон вилояти бўйича 320 дан ортиқ киши жиноий жавобгарликка тортилган. Шундан 262 киши **Бутурлин** ва **Гайданов** прокуратураси терговчилари, 50 дан ортиқ кишини Ички ишлар вазирлиги терговчилари **Дидоренко** тергов қилишган. Тергов ишига Пахтаобод

[1] Бўритош Мустафоев. УМРИМ БАЁНИ Books publisher нашриёти Тошкент – 2020. 137-138 - бетлар.

район прокурори Иброҳим Омонбоев, Андижон область суди аъзоси Абдураҳим Турғуновлар жалб қилинган. «Пахта иши»га тортилганлар таркибида совхоз директорлардан 10 киши, колхоз раисларидан 41 киши, пахта заводи директорларидан 8 киши, пахта пункти мудирларидан 2 киши, класификаторлардан 22 киши, бухгалтерлардан 55 киши, кассирлардан 47 киши, бош мутахассислардан 21 киши, бўлим бошлиқларидан 8 киши ва бошқаларда 78 киши бўлган. Шулардан камида 80 фоизи атрофида оқланган.

Андижон вилоятидан «Ўзбеклар иши» бўйича 80 фоизи оқланган. Улардан бири Андижон область партия комитетининг биринчи котиби, Социалистик меҳнат қаҳрамони Бектош Раҳимов бўлиб, у 9 ой қамоқда қийноқ азобларини тортган. Генерал Илюхин Виктор Иванович саъй-ҳаракати билан Бектош Раҳимов тергов жараёнида оқланган ва қамоқдан озод қилинган.

Андижон фарзанди, узоқ йиллар пахта саноатида туман, вилоят, республика миқёсида самарали ва ибратли фаолият кўрсатган Ўзбекистон Республикаси пахтачилик министри Ваҳобжон Усмоновнинг ишини СССР Олий Суди раиси ўринбосари Роберт Германович Тихомирнов раислигида терговни Колиниченко олиб борган. Отувга ҳукм чиқиши заҳотиёқ дарҳол, шошилинч тарзда Ваҳобжон Усмонов отиб юборилган. СССР тарихида сўнги 30 йил давомида бундай қабиҳ, бешафқат, шошилинч ҳукм чиқарилмаган эди.

Марҳум Ваҳобжон Усмоновнинг турмуш ўртоғи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга мурожаат қилиб, мазкур масалада адолат ўрнатилишига ёрдам беришини сўраган. И.А.Каримов тегишли идораларга мазкур масалани кўриб чиқишликни тавсия қилган. Комиссия Ваҳобжон Усмоновнинг ноҳақдан отувга ҳукм қилинганлигини исботлаб берган.[1] Абдусамат Полвонзоданинг шахсий архивида ноҳақдан қатағон домига тортилган ватандошларимизнинг оғир, фожиали қисматлари ҳақида асл ҳужжат ва материаллар мавжуд. Улар қаторида 4 нафар Андижон фарзандларининг СССР Олий суди томонидан жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳақида сохта ҳужжат ва материаллар мавжуд.

**1. Усмонов Ваҳобжон,** 1934 йил 10 сентябрида Андижон области Москва района Ўрта Шаҳрихон қишлоқ совети Гултепа қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳозирги иш муносабати билан КПСС сафидан ўчирилган, олий маълумотли, уйланган, битта балоғатга етмаган боласи бор, Ўзбекистон ССР пахтачилик саноати министри лавозомида ишлаган, СССРнинг 3 та ордени ва 2 та медали билан тақдирланган. Тошкент шаҳри, Ц-1, 53-уй, 45-хонадонда яшаган, аввал суд-

[1] Ўзбекистон хизмат кўрсатган юрист Абдусамат Полвонзода билан 2020 йил 18 январда бўлган суҳбатдан.

ланмаган. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 149-модда 2-қисм 152-модда 2-қисми, 153 моддаси, РСФСР Жиноят кодексининг 173 моддаси 2-қисми, 174 моддаси 2-қисми бўйича Жиноят қилган айби қурилган.

Усмонов Ваҳобжон Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 149-моддаси бўйича 4 йил озодликдан маҳрум қилишга, жиноят кодексининг 153-моддаси 2-банди бўйича 10 йил озодликдан маҳрум қилишга, мол-мулкини мусодара қилишга, РСФСР Жиноят кодексининг 174-моддаси 2-банди билан мол-мулки мусодара қилиниб 10 йил озодликдан маҳрум қилишга, РСФСР Жиноят кодексининг 173-моддаси 2-банди билан мол-мулки мусодара қилиниб, 10 йил озодликдан маҳрум қилишга, Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 152-моддаси 2-банди бўйича мол-мулки мусодара қилиниб, отув жазосига ҳукм қилинган. Отувга ҳукм қилинганлиги ҳақида асл ҳужжатни келтирмоқдамиз:

**МВД РОССИИ**
**ГЛАВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ**
**ВНУТРЕННИХ ДЕЛ**
**г. Москвы**

**УПРАВЛЕНИЕ**
**ПО БОРЬБЕ С ОРГАНИЗОВАННОЙ**
**ПРЕСТУПНОСТЬЮ**
127994, г. Москва, ул. Петровка, д. 38
т.200-56-55
2.09.2004 № 36/12с

**В отношении Усмонова Вахобжона**

Сообщаем Вам, что приговор ВМН в отношении Усмонова Вахобжона, 30.09.1934 года рождения, приведен в исполнение 27.02.1987 года. Тело кремировано, прах захоронен на Калитниковском кладбище г. Москвы

Начальник
полковник внутренней службы Д.Ю. Юдин








Андижон фарзанди, Ўзбекистон Республикаси пахта тозалаш саноати министири
Ваҳобжон Усмонов фожиали ўлимидан сўнг шу қабристонга хоки қўйилган.

Ваҳобжон Усмонов Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 1998 йил 17 апрелдаги мажлисида расмий жиҳатдан оқланган.

«Пахта иши» бўйича кўп оғир кунлар бўлди. Оиламизга нисбатан ҳурматсизлик жуда катта бўлган. Ўша Совет тузуми пайтида. Бизларни ёмонлар қаторига

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
**OLIY SUDI**

**SUPREME COURT**
OF THE REPUBLIK OF UZBEKISTAN

O'zbekiston Respublikasi 700186 Toshkent sh. A.Qodiriy 1. Tel 41-13-05 fax (3712) 41-00-28 A.Kadiriy, 1 Tashkent 700186 Republik of Uzbekistan tel. 41-13-05

20.04.1998 йил № 5пл-02-98

Тошкент шаҳар, Ц-1, 53-уй,
45-хонадонда яшовчи
Усманова Хабибахонга

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг Ўзбекистон Республикасининг собиқ Пахта тозалаш саноати вазири Усманов Вахобжон ва бошқаларга нисбатан жиноят иши юзасидан келтирган протести кўриб чиқилди.

Олий суд Пленуми томонидан В.Усмановга нисбатан чиқарилган СССР Олий судининг 1986 йил 25 августдаги ҳукми унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли бекор қилинди ва жиноят иши ҳаракатдан ётқизилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг Раиси
«ти.38»

У.Қ.Мингбоев

киргизиб қўйишган эди. Москваларгача борганмиз, шу «пахта иши» бўйича бизларни эшигининг тагига ҳам киргизишмаган ҳолатлар бўлган эди. Вақтлар келиб, 1982 йилда дадамизнинг ишини Олий суд кўриб чиққач, кўп ноҳақликлар бўлди, бунинг орқасидан кўп изтироблар билан юрганмиз....



Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари Шароф Рашидов республика Пахта саноати министри Ваҳобжон Усмоновни навбатдаги орден билан тақдирламоқда



Шароф Рашидов ва Ваҳобжон Усмонов Москвадан Ўзбекистонга ташриф буюрган раҳбарлардан бири билан суҳбат чоғи



Ваҳобжон Усмонов ва унинг аҳли аёли Ҳабибахон ая



Ваҳобжон Усмоновнинг аҳли аёли Ҳабибахон аянинг шу кундаги сурати



Тик турганлар (ўнгдан чапга): ўғиллари Усмонов Аҳмаджон, Усмонов Адҳамжон, Усмонов Илҳомжон.
Пастда ўтирганлар(ўнгдан чапга): Усмонова Лолахон (қизи), Усмонова Ҳабибахон (рафиқаси), Усмонова Раънохон (қизи)

Бош прокуратура, Олий Советга, КПСС Марказий Комитетигача борганмиз. Ҳамма жойда «Сизга ёзма жавоб берамиз», – деган жавоб билан чегараланар эдилар, холос. Биз хатимиз қабул бўлди, деб хурсанд бўлар эдик, лекин, ҳеч қандай натижа бўлмасди...

Оиламизда беш фарзанд эдик. Ҳаммамиз ўқишда, ишда бўлардик. Бир кун уйга келсам, аям йўқ...

Тўрт кундан кейин келди. Шунда Москвадан келган терговчи 3-4 киши бўлиб бирга кириб келишди. Онамизнинг исми Ҳабибахон эди.(Онам 1941 йил эди, отам 1934 йил эди). Биз аямизни танимадик... Терговчилар бир неча қоғозларга қўл қўйдириб кетишди. Ҳеч ким билмайди, Тошкентдан уйимиздан отамни уйдан олиб чиқиб кетишган. Қаердалигини ўзимиз ҳам билмаймиз...

Даврлар ўтди, суд бўлди, Олий суд кўриб ҳукм қилган. Судда мен ҳам иштирок этганман. Аям, укам, синглим ва мен.

Охирги сўз дадамга берилган эди... Шунда дадам:

– **Менинг виждоним пок,** – деди отам, – **Ўғилларим, мендан уялманглар, нима қарор чиқарганда ҳам, бу ёлғон бўлади, сабаби, мен ўйлаб қарасам, менинг бошқа чорам, иложим йўқ экан...**

Яна битта шарт ҳам қўйилган эди, Ўзбекистонда шу «пахта иши» деб, ҳам Иттифоқ, СССР пайтида 374 мингдан ортиқ одамга «иш» очилган бўлган, ўша вақтда. Бир ҳақиқатни очиб бериш керакки, шунчалик айб қўйишга ҳаракат кучайиб кетганки, ҳатто теримчига ҳам жиноий иш очилган. Теримчи ҳам айбдор қилинган. Кейин бундоқ кўтаришса, нотўғри иш бўлганлиги кўриниб қолган.

**374 минг киши..** Кейин отам охирида сўз айтганда, **мана шу одамларнинг ҳамма ишини мен кўрмай қолганман, битта шарт бўлса, шуларни қўйиб юборсанглар**, деган. Ҳамма айбларни бўйнига олиб, **«бўпти»** деб, рози бўлган.

Шунда мен: – Дада, нима деяпсиз? Сиз таниган, танимаган одам бор? Бўлган, бўлмаган одамлар бор, – деганимда **менинг бошқа иложим йўқ. Менинг битта шартим, шуларни қўйворсин, оқласин – бошқаларни,** – деган.

**– Ҳамма ишни мен қилганман,** – деб туриб олган...

Кейин вақтлар келиб, қарангки, кўп эмас, 5 -6 ой вақт ўтиб, тузумлар ўзгариб, янги ҳолат юз берди. Ўзбекистонда жуда катта ўзгаришлар бўлиб кетди. Давлат раҳбари ўзгарди, яхши одам, одил раҳбар – Президент бўлиб келди, Ислом ака... Биз оиламиз, авлодимиз номидан бу инсондан қарздормиз, десам ҳам бўлади.

Ундан кейин махсус комиссия раиси Ислом Ҳакимович Жўрабеков деган, шунингдек, Ислом Чинозович Худойқулов деган масъулларга топшириқ берилган: «Уйидан олиб кетилган тугмасигача қайтариб берасан» , – дейилган.

Шундай топшириқ бўлдики, ёш бўлишимга қарамай. «Ўзпахтасаноат» вазир-

лигига мени бош механик, бошқарувчи қилиб тайинлаб қўйдилар...

**Р.Т.Шамсутдинов:** Мен ҳам кўплар қатори Ваҳобжон Усмоновни билардим. Кунлардан бирида Андижон области матлубот бошқармаси бошлиғи Абдуғани ҳожи Хомидовнинг Андижон шаҳридаги хонадонида яқин дўст ва биродарларнинг одатдаги йиғини бўлганида мен ҳам иштирок этган эдим. Шунда Ваҳобжон ака билан ёнма-ён ўтириб, даврадаги суҳбатлардан баҳраманд бўлганман. Шу суҳбатда Ваҳобжон Усмонов ниҳоятда камтарлиги, ён атрофдагилар фикр-мулоҳазаларини қунт билан мағзини чақиб, барчани диққат-эътибори билан тинглар, лекин ўзи бирон-бир фикр айтмасдан шарқона одоб сақлаб ўтирганидан таажубга тушган эдим, ичимда шундай катта лавозимдаги раҳбар шунчалик ҳам камтар бўладими деб ҳайратга тушган эдим. Шу ўтиришда мен бу инсондан катта ибрат олган эдим. Йиллар ўтди, «Пахта иши» бўйича Марказнинг бу инсонга қилган бўҳтонлари, охир-оқибатда пахтачилик саноати соҳасидаги ажойиб раҳбар ва устозни ноҳақдан жонига суиқасд қилганидан кўплар қатори дилим оғриган эди. Андижон давлат университети Тарих факультети декани, Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири лавозимида ишлаётганимда магистрант Гулноза Мақсудовага «Андижонлик «Пахта иши» қурбонлари» мавзуйи бўйича магистрлик ишини берган эдим. Гулноза Мақсудованинг университет «Ilmiy xabarnomasi» журналининг 2009 йил махсус сонида «Андижонлик «Пахта иши» қурбонлари» мавзуйида мақоласи босилиб чиққан. Ана шу мақолада Ваҳобжон Усмонов ҳақида шундай ёзилган: «Т.Х.Гдлян билан Н.В.Иванов бошчилигидаги десантчилар ўз халқи учун халол ишлаб, бирор бир деҳқоннинг ҳаққига хиёнат қилмаган ўзбекнинг мард, ақлли, ишбилармон фарзандларини ноҳақдан қамаб, азобладилар, қамоқларда ўлдириб юбордилар. Баъзи раҳбарлар юқорининг тазйиқ, сиқувлари, туҳмат ва ундан келувчи иснодни кўтара олмай, камолотга етган вақтларида, энди ёниб, халқ учун, миллат учун фаолият олиб бораётган вақтида ҳаётдан бевақт кетдилар. Шундай кишилардан бири халқ, миллат учун фидокорона меҳнат қилган инсон, совет ҳукумати қарори билан отилган республикамизнинг собиқ пахта тозалаш саноати вазири Ваҳобжон Усмоновдир. Бу ўта даражадаги инсофли, диёнатли инсон, ташкилотчи, камтарин, бунёдкор инсон муқаддас Андижон заминининг улуғ фарзандларидан бири эди. У 1934 йилда Андижон вилояти Шаҳрихон туманида таваллуд топган, Ўзбекистон Республикаси пахта тозалаш саноати вазири лавозимида ишлаган. Ваҳобжон Усмоновга терговчилар тиш тирноғи билан ёпишиб олишган эди. Улар В.Усмоновни ўз йўл-йўриқларига юргизиш, уни итоаткор қилиш учун ҳамма хийла ва найрангларни қўл-

ладилар. Ваҳобжон Усмоновни вазирлик қилган йиллари гўё миллионлаб тонна пахта қўшиб ёзишда, миллионлаб рубль бойликни ўзлаштирганликда айблашди. В.Усмоновга бу айбларни тан олдириш терговчилар учун муҳим аҳамиятга эга эди. Шу билан улар ўзлари тўқиган афсонани исботламоқчи бўладилар. 1986 йил 25 августда СССР Олий Суди коллегияси томонидан унга нисбатан ўлим жазоси белгиланган. Ҳукм шошилинч равишда 1987 йил 27 феврал куни ижро этилган.

Шу тариқа ўз халқи учун халол меҳнат қилган инсоннинг ҳаётига «келгиндилар» томонидан нуқта қўйилади. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши биланоқ Ўзбекистон Олий Суди пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги мажлисда В.Усмоновга нисбатан чиқарилган СССР Олий Судининг ҳукми унинг ҳатти-ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги туфайли бекор қилиниб, бу фидойи инсоннинг пок номи тикланди. Ўзбекистон Респубилкаси Биринчи Президенти И.Каримов ташаббуси билан Тошкент шаҳридаги Бўзсув канали бўйида қатағон даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди. Мазкур мажмуа қошидаги «Қатағон қурбонлари хотираси» музейидаги «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» бўйича ноҳақ айбланган инсонлар ҳақида кўп маълумотлар жамланган. Улар орасида Ваҳобжон Усмоновнинг рафиқаси Ҳабибахон Усмонова томонидан Ислом Каримов номига ёзилган аризани ҳам кўришимиз мумкин.[1]

Ваҳобжон Усмоновнинг иши бўйича жиноий жавобгарликка тортилганлардан бири унинг укаси Анваржон бўлган.



**2. Усмонов Анвар,** 1946 йил 23 февралда Андижон области Москва району Ўрта Шаҳрихон қишлоқ совети Учтепа қишлоғида туғилган, ўзбек, партиясиз, олий маълумотли, уйланган, 4 та вояга етмаган фарзандлари бор. Тошкент текстил ва енгил саноат институти декани бўлиб ишлаган, яшаш жойи Тошкент шаҳри Червякова кўчаси 30-уйда яшайди, аввал судланмаган, Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 154-моддаси 2-бандида кўрсатилган жиноий ишларда айбланган. Усмонов Анвар ҳам кейинчалик оқланган.

**3. Бозоров Тўланбой,** 1939 йил 15 мартда Андижон области Бўз району Кирово қишлоғида туғилган, шу иш бўйича КПСС сафидан ўчирилган, олий маълумотли, уйланган, вояга етмаган 4 нафар фарзандга эга, Андижон области Бўз пахта тозалаш заводининг дирек-

[1] Мақсудова Гулноза. Андижонлик «Пахта иши» қурбонлари. Андижон давлат университетининг «Ilmiy xabarnoma» «Научный вестник» (Магистрантларнинг илмий изланишлари). 2009 йил. Махсус сон. Андижон. 2009. 84-86-бетлар.



тори бўлиб ишлаган, СССР орден ва медаллари билан тақдирланган. Андижон области Бўз райони Ленинчи номли совхозда яшайди. ЎзССР Жиноят кодексининг 153-модда 2-бандида кўрсатилган жиноят қилганликда айбланган. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 153-моддаси 2-банди бўйича 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга, тузатув меҳнат колониясида кучайтирилган режимда муддатни ўташ, мол-мулкини мусодара қилинишига қарор қилинди, 5 йил давомида ташкилий-бошқарувчилик ёки маъмурий хўжалик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилишига қарор қилинди. 1990 йил 10 декабр ЎзССР Олий Суди Президиумнинг қарори билан оқланган, етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш белгиланган.



**4. Каримов Турсунбой,** 1934 йил 20 майда Андижон области Шаҳрихон шаҳрида туғилган, ўзбек, шу иш юзасидан КПСС сафидан ўчирилган, олий маълумотли, уйланган, вояга етмаган 2 нафар фарзанди бор, Андижон областъ Москва пахта тозалаш заводи директори бўлиб ишлаган, Шаҳрихон шаҳри, Замир кўчаси 50-уйда яшайди, аввал судланмаган, ЎзССР-нинг Жиноят кодексининг 153-моддаси 2-банди бўйича, РСФСР Жиноят кодексининг 174-моддаси 2-қисми билан кўрсатилган жиноий ишлар билан айбланган. Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси 153-моддаси 2-банди бўйича 12 йил озодликдан маҳрум қилиш, мол-мулкини мусодара қилиш, Ўзбекистон ССР Жиноят кодексини 28-моддасини қўллаш, 5 йил давомида ташкилий ёки маъмурий хўжалик вазифаларини бажарувчи лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилишига қарор қилиннве. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 3 февралдаги фармони билан қамоқдан озод қилинган. Ўзбекистон Олий Суди Президиумининг 2001 йил 11 июлдаги қарори билан СССР Олий Судининг 1986 йил 25 июлдаги ҳукми бекор қилиниб оқланган, етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш белгиланган.

## «Пахта иши» юзасидан ноҳақдан жиноий жавобгарликка тортилиб узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва кейинчалик оқланган андижонликлар:

**1. Мамадиёров Мирҳамид** 1939 йил туғилган, ўзбек, судланмаган, Қўрғонтепа район, Ленин номли колхоз раиси, Андижон вилояти судининг 1989 йил 18 февралдаги ҳукми билан ЎзССР ЖКнинг

119-I, 149-I ва 153 моддасининг 2 қисмида назарда тутилган жиноятлар йиғиндисига кўра ЎзССР ЖКнинг 42 моддаси қўлланилиб 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган, мол-мулки мусодара қилинган, моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган, ЎзССР Олий Суди томонидан 1990 йил 17 декабрда Мамадиёров Мирҳамид оқланган[1].

**2. Аҳмаджонов Қаҳрамон** 1917 йил туғилган, ўзбек, судланмаган, Қўрғонтепа район, Ленин номли колхоз агрономи, Андижон вилояти судининг 1989 йил 18 февралдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I, 149-I ва 153 моддасининг 2 қисмида назарда тутилган жиноятлар йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддаси қўлланилиб 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган, жазо ЎзССР ЖКнинг 43 моддасига асосан синов муддати билан шартли равишда озодликдан маҳрум этишга алмаштирилган, мол-мулклари мусодара қилиниб, моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган, ЎзССР Олий Суди томонидан 1990 йил 17 декабрда Аҳмаджонов Қаҳрамон оқланган[2].

**3. Марахимов Неъматжон** 1928 йил туғилган, ўзбек, судланмаган, Қўрғонтепа район, Ленин номли колхоз бош бухгалтери, Андижон вилояти судининг 1989 йил 18 февралдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I, 149-I ва 153 моддасининг 2 қисмида назарда тутилган жиноятлар йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддаси қўлланиб 3 йил муддатга озодликдан маҳкум этилиб, ушбу жазо ЎзССР ЖКнинг 44-I моддасига кўра ҳукм ижроси 2 йилга кечиктирилган, мол-мулклари мусодара қилиниб, моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган, ЎзССР Олий Суди томонидан 1990 йил 17 декабрда Марахимов Неъматжон оқланган[3].

**4. Акбаров Хайдарали** 1932 йил туғилган, ўзбек, судланмаган, Қўрғонтепа район, Ленин номли колхоз кассири, Андижон вилояти судининг 1989 йил 18 февралдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I, 149-I ва 153 моддасининг 2 қисмида назарда тутилган жиноятлар йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддаси қўлланилиб 3 йил муддатга озодликдан маҳкум этилиб, ушбу жазо ЎзССР ЖКнинг 44-I моддасига кўра ҳукмни ижроси 2 йилга кечиктирилган, мол-мулклари мусодара қилиниб, моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган, ЎзССР Олий Суди томонидан 1990 йил 17 декабрда Акбаров Хайдарали оқланган[4].

**5. Ибрагимов Фозил** 1939 йил Андижон область, Ленин районида туғил-

[1] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5221-иш, 24-25, 25-а-варақлар.

[2] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5221-иш, 24-25, 25-а-варақлар.

[3] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5221-иш, 24-25, 25-а-варақлар.

[4] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5221-иш, 24-25, 25-а-варақлар.

ган, ўзбек, оилалик, қарамоғида 6 нафар фарзанди бор, судланмаган. Ленин район, В.И.Ленин номли колхоз раиси. Андижон вилояти Ленин шаҳар судининг 1987 йил 20 майдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149-I моддаси билан 1 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, унга ЎзССР ЖКнинг 43 моддаси қўлланилиб, берилган жазо муддати шартли жазога алмаштирилиб, 1 йил синаш муддати берилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1990 йил 17 декабрда ЎзССР ЖКнинг 155, 149, 151 моддалари билан Ибрагимов Фозил оқланган[1].

**6. Қодиров Умарали** 1935 йил Андижон область, Ленин районида туғилган, ўзбек, оилалик, қарамоғида 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган. Ленин район, В.И.Ленин номли колхоз бош бухгалтери. Андижон вилояти Ленин шаҳар судининг 1987 йил 20 майдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149-I моддаси билан 1 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, унга ЎзССР ЖКнинг 43 моддаси қўлланиб, берилган жазо муддати шартли жазога алмаштирилиб, 1 йил синаш муддати берилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1990 йил 17 декабрда ЎзССР ЖКнинг 155, 149, 151 моддалари билан Қодиров Умарали оқланган[2].

**7. Эрматов Алижон Маҳмудович** 1943 йил Андижон область, Баликчи районида туғилган, ўзбек, судланмаган, Баликчи район, Москва колхози раиси. Иш бўйича 1986 йил 25 июнь кунидан қамоқда бўлган. Андижон область судининг 1986 йил 15 декабрдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I, 149, 149-I, 155, 153 модда 2 қисми ва 191-I моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддаси қўлланилиб 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 28 февралда Эрматов Алижон оқланган[3].



**8. Қобулов Анапия** 1932 йил туғилган, миллати қорақалпоқ, судланмаган, Баликчи район, Москва колхози бош бухгалтери. Андижон область судининг 1986 йил 15 декабрдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149, 149-I, 119-I, 153 моддасининг 2 қисми ва 155 моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддаси қўлланилиб 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, ЎзССР ЖКнинг 23-2 моддаси қўлланилиб, шу 3 йил муддатга мажбурий меҳнатга жалб қилинган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 28 февралда Қобулов Анапия оқланган[4].

[1] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5221-иш, 26-28-варақлар.

[2] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5221-иш, 26-28-варақлар.

[3] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5331-иш, 6-10-варақлар.

[4] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5331-иш, 6-10-варақлар.

**9. Раҳмонов Комилжон** 1933 йил туғилган, миллати ўзбек, судланмаган, оилалик, Балиқчи район, Москва колхози кассири. Андижон область судининг 1986 йил 15 декабрдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I, 153 моддасининг 2 қисми, 149 ва 155 моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддаси қўлланилиб 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, ЎзССР ЖКнинг 43 моддаси қўлланилиб, белгиланган жазо шартли жазога алмаштирилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 28 февралда ЎзССР ЖКнинг 149-I моддасига асосан Раҳмонов Комилжон оқланган[1]4.

**10. Қўчқаров Тўхтасин** 1941 йил туғилган, ўзбек, судланмаган, оилалик, Балиқчи район, Москва колхози касаба союз комитетининг раиси, иш бўйича 1986 йил 15 декабрдан қамоқда бўлган. Андижон область судининг 1986 йил 15 декабрдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149, 119-I, 153 моддасининг 2 қисми, 17-149-I моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддаси қўлланилиб 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 28 февралда Қўчқаров Тўхтасин оқланган[2].

**11. Акбаров Садиржон Аҳмадалиевич** 1954 йил туғилган, ўзбек, судланмаган, оилалик, Балиқчи район, Москва колхозининг 4 бригадаси бошлиғи. Андижон область судининг 1986 йил 15 декабрдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 17-149-I, 149, ва 155 моддасилари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 40 моддасига асосан ўташ учун 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЎзССР ЖКнинг 23-2 моддаси қўлланилиб, шу 1 йил муддатга мажбурий меҳнатга жалб қилинган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 28 февралда ЎзССР ЖКнинг 152 моддасининг I- қисми билан Акбаров Садиржон оқланган[3].

**12. Жўрабоев Бахриддин** 1923 йил Қирғизистон ССР Ош шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, судланмаган, Андижон шаҳар № 3 сон пахта тозалаш заводи директори. Андижон область судининг 1987 йил 17 апрелдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149-I моддаси билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, СССР Олий Совети Президиумининг СССР ташкил топганлигини 60 йиллиги муносабати билан 1982 йил 27 декабрь куни чиқарган «Амнистия акти» ҳақидаги Фармонининг биринчи моддаси тадбиқ қилиниб, жазони ўташдан озод қилинган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 11 мартда Жўрабоев Бахриддин оқланган[4].

**13. Ғаппаров Абдусалим** 1933 йил Андижон область, Хўжаобод районида туғилган, миллати ўзбек, оилалик, 5 нафар

[1] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5331-иш, 6-10-варақлар.

[2] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5331-иш, 6-10-варақлар.

[3] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5331-иш, 6-10-варақлар.

[4] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5331-иш, 11-17-варақлар.

фарзанди бор, судланмаган, № 3 пахта тозалаш заводининг тайёрлов бўлими бошлиғи. Андижон область судининг 1987 йил 17 апрелдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149-I моддаси билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, ЎзССР ЖКнинг 44-1 моддаси қўлланиб ҳукм ижроси 2 йил муддатга кечиктирилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 11 мартда Ғаппаров Абдусалим оқланган[1].

**14. Каримов Абдуллажон** 1915 йил Андижон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, оилалик, 7 нафар фарзанди бор, судланмаган. Андижон область судининг 1987 йил 17 апрелдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149-I моддаси билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, СССР Олий Совети Президумининг СССР ташкил топганлигини 60 йиллиги муносабати билан 1982 йил 27 декабрь куни чиқарган «Амнистия акти» ҳақидаги Фармонининг биринчи моддаси тадбиқ қилиниб, жазони ўташдан озод қилинган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 11 мартда Каримов Абдуллажон оқланган[2].

**15. Саврихўжаев Тошхўжа** 1941 йил Андижон область, Андижон район Оқёр қишлоғида туғилган, миллати ўзбек, судланмаган. Андижон область судининг 1987 йил 17 апрелдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149-I моддаси билан айбли деб топилиб суд уни содир этган ҳаракати жамоат учун хавфлилик характерини йўқотган деб ҳисоблаб, ЎзССР ЖКнинг 48 моддасига мувофиқ уни жазодан озод қилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 11 мартда Саврихўжаев Тошхўжа оқланган[3].

**16. Раҳимов Хакимжон** 1926 йил Андижон область, Олтинкўл районида туғилган, миллати ўзбек, судланмаган, Олтинкўл район ахборот ҳисоблаш станцияси бошлиғи. Андижон область судининг 1987 йил 17 апрелдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149-I моддаси билан айбли деб топилиб, 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, СССР Олий Совети Президиумининг СССР ташкил топганлигини 60 йиллиги муносабати билан 1982 йил 27 декабрь куни чиқарган «Амнистия акти» ҳақидаги Фармонининг биринчи моддаси татбиқ қилиниб, жазони ўташдан озод қилинган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 11 мартда Раҳимов Хакимжон оқланган[4].

**17. Розиқов Латифжон** 1932 йил Андижон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, судланмаган, оилалик 8 нафар фарзанди бор, Олтинкўл район «Маслаҳат» пахта қабул қилиш пункти ҳисобчиси. Андижон область судининг 1987 йил 17

[1] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5331-иш, 11-17-варақлар.

[2] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5331-иш, 11-17-варақлар.

[3] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5331-иш, 11-17-варақлар.

[4] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5331-иш, 11-17-варақлар.

апрелдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149-I моддаси билан айбли деб топилиб, 1 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси берилиб, ойлик иш ҳақидан 15%дан давлат фойдасига ундиришлик белгиланган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 11 мартда Розиқов Латифжон оқланган[1].

**18. Бадалов Насритдин** 1938 йил Андижон районида туғилган, миллати ўзбек, оилалик 8 нафар фарзанди бор, судланмаган, Олтинкўл район Куйбишев номли колхози пахта топширувчиси. Андижон область судининг 1987 йил 17 апрелдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149-I моддаси билан айбли деб топилиб, 1 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси берилиб, ойлик иш ҳақидан 15%дан давлат фойдасига ундиришлик белгиланган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 11 мартда Бадалов Насритдин оқланган[2].

**19. Абибуллаев Аҳмет** 1929 йил 10 мартда Крим область, Бохчасарой районида туғилган, татар, оилалик, 2 нафар фарзанди бор, судланмаган. Иш бўйича КПСС сафидан чиқарилган, 2 группа инвалиди, Андижон область, Олтинкўл районидаги Свердлов номли колхозда яшаган. Андижон область судининг 1986 йил 18 мартдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан 42 моддани қўллаб 2 йил ахлоқ тузатиш иши, 17-149-I моддаси билан 1 йил ахлоқ тузатиш иши, 149 моддаси билан 1 йил ахлоқ тузатиш иши тайинланган. ЎзССР ЖКнинг 40 моддасига асосан қатъий жазо 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси қолдирилган. Унга нисбатан ЎзССР ЖКнинг 43 моддасини қўлланилиб жазо шартлига алмаштирилиб, 2 йил синов муддати белгиланган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 8 августда Абибуллаев Аҳмет оқланган[3].

**20. Масаитов Абдуқаҳҳор,** 1947 йил Андижон область, Олтинкўл районида туғилган, ўзбек, оилалик, 6 нафар фарзанди бор, судланмаган, КПСС сафидан чиқарилган, туғилган жойида яшаган. Андижон область судининг 1986 йил 18 мартдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан 42 моддани қўлланилиб 2 йил ахлоқ тузатиш иши, 149-I моддаси билан 1 йил ахлоқ тузатиш иши, 149 моддаси билан 1 йил ахлоқ тузатиш иши тайинланган. ЎзССР ЖКнинг 40 моддасига асосан қатъий жазо 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси қолдирилган. Ишлаб топган даромадини 20%ни давлат фойдасига ундириш ва жазони охирги иши жойида ўташлик кўрсатилган. Унга нисбатан ЎзССР ЖКнинг 43 моддасини қўллаб, жазо шартлига алмаштирилган ва 3 йил синов муддати белгиланган. Свердлов номли колхози меҳнат коллективи тарбиясига берилган. ЎзССР Олий Суди томонидан

[1] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5331-иш, 11-17-варақлар.

[2] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5331-иш, 11-17-варақлар.

[3] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5331-иш, 27-32-варақлар.

1991 йил 8 августда Масаитов Абдуқаҳҳор оқланган[1].

**21. Расулов Қўчқорбой** 1929 йил Андижон область, Москва район, Оразий қишлоғида туғилган, ўзбек, КПСС сафидан чиқарилган, судланмаган. Андижон область судининг 1986 йил 18 мартдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан 42 моддани қўллаб 1 йил ахлоқ тузатиш иши, 17-149-I моддаси билан 6 ой ахлоқ тузатиш иши, 149 моддаси билан 6 ой ахлоқ тузатиш иши тайинланган. ЎзССР ЖКнинг 40 моддасига асосан қатъий жазо 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси қолдирилган. Унга нисбатан ЎзССР ЖКнинг 43 моддасини қўлланиб, жазо шартлига алмаштирилган ва 2 йил синов муддати белгиланган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 8 августда Расулов Қўчқорбой оқланган[2].

**22. Ражаиов Салимжон** – 1936 йилда Андижон вилояти Ленинск шаҳрида туғилган, ўзбек, оилалик, КПСС аъзоси бўлган, муқаддам судланмаган. «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланган. Андижон область судининг 1988 йил 21 сентябрдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан 42-моддани қўллаб 2 йил ахлоқ тузатиш иши, 149-I моддаси билан бир йил ахлоқ тузатиш иши, 149 моддаси билан 6 ой ахлоқ тузатиш иши, 155-моддаси билан бир йил ахлоқ тузатиш иши, жазоси тайинланган. ЎзССР ЖКнинг 40 моддасига асосан ўташ учун 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси қолдирилган. Жазони иш жойида ўташлик ва ишлаб топган даромадини 20% ни давлат фойдасига ундириш кўрсатилган. Мол-мулки мусодара қилиниб, 2 йил мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 5 июнда Ражапов Салимжон оқланган[3].

**23. Хожиназаров Орзиқул** 1938 йилда Андижон районида туғилган, ўзбек, оилалик, ЎзССР ЖКнинг 149 моддани I қисми билан 43 моддани қўллаб 2 йил шартли равишда озодликдан маҳрум қилиниб бир йил синов муддат белгиланган. Андижон область судининг 1988 йил 21 сентябрдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан 42-моддани қўллаб 2 йил ахлоқ тузатиш иши, 149-I моддаси билан бир йил ахлоқ тузатиш иши, 149 моддаси билан 6 ой ахлоқ тузатиш иши, 155-моддаси билан бир йилу 6 ой ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган. ЎзССР ЖКнинг 40 моддасига асосан ўташ учун 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси қолдирилган. Жазони иш жойида ўташлик ва ишлаб топган даромадини 20%ни давлат фойдасига ундириш кўрсатилган. Мол-мулки мусодара қилиниб, 2 йил мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. ЎзССР

[1] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5331-иш, 27-32-варақлар.

[2] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5331-иш, 27-32-варақлар.

[3] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5308-иш, 19-23-варақлар.

Олий Суди томонидан 1991 йил 5 июнда Хожиназаров Орзиқул оқланган[1].

**24. Ботиров Мадамин Мамашокирович** 1951 йилда Андижон районида туғилган, ўзбек, оилалик, судланмаган. Андижон область судининг 1988 йил 21 сентябрдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан 42-моддани қўллаб 2 йил ахлоқ тузатиш иши, 17, 149-I моддаси билан бир йил ахлоқ тузатиш иши, 149 моддаси билан 1 йил ахлоқ тузатиш иши, 155-моддаси билан бир йилу 6 ой ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган. ЎзССР ЖКнинг 40 моддасига асосан ўташ учун 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси қолдирилган. Жазони иш жойида ўташлик ва ишлаб топган даромадини 20%ни давлат фойдасига ундириш кўрсатилган. Мол-мулки мусодара қилиниб, 2 йил мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 5 июнда Ботиров Мадамин оқланган[2].

**25. Аҳмедов Неъматжон** 1953 йилда Андижон районида туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси бўлган, оилалик, судланмаган. Андижон область судининг 1988 йил 21 сентябрдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан 42-моддани қўллаб 2 йил ахлоқ тузатиш иши, 119-I моддаси билан бир йил 6 ой ахлоқ тузатиш иши, 149 моддаси билан 1 йил ахлоқ тузатиш иши, 155-моддаси билан бир йилу 6 ой ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган. ЎзССР ЖКнинг 40 моддасига асосан ўташ учун 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси қолдирилган. Жазони иш жойида ўташлик ва ишлаб топган даромадини 20%ни давлат фойдасига ундириш кўрсатилган. Мол-мулки мусодара қилиниб, 2 йил мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 5 июнда Аҳмедов Неъматжон оқланган[3].



**26. Ўринов Яшнаржон** 1923 йилда Андижон вилоятини Избоскан районида туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси бўлган, оилалик, судланмаган. Андижон область судининг 1988 йил 21 сентябрдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан 42-моддани қўллаб 2 йилга, 119-I моддаси билан бир йил 6 ойга, 149 моддаси билан 1 йилга, 155-моддаси билан ҳам бир йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР ЖКнинг 40 моддасига асосан ўташ учун 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси қолдирилиб, унга нисбатан ЎзССР ЖКнинг 43 моддасини қўллаб шу муддатга шартли қолдириб, 2 йил муддат

---

[1] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5308-иш, 19-23-варақлар.

[2] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5308-иш, 19-23-варақлар.

[3] 4 Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5221-иш, 26-28-варақлар

қолдирилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 5 июнда Ўринов Яшнаржон оқланган[1].

**27. Комилов Собиржон** (1939- 2008) ўзбек, судланмаган, оилалик, Балиқчи туман Куйбишев номли колхози раиси, иш бўйича 1985 йил 23 октябрдан қамоқда. Андижон вилоят суди хукми билан 1986 йил 16 мартда ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 153-2 қисми билан 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР Олий Суди Президиумининг қарори билан 1991 йил 22 мартда оқланган. Келтирилган моддий зарар, мусодара қилинган мол-мулк қиймати сўм ҳисобида республика бюджетидан тўлаб берилган[2].

**28. Жўраев Азимжон** ўзбек, судланмаган, Балиқчи туман Куйбишев номли колхозда бош бухгалтер, иш бўйича 1985 йил 23 октябрдан қамоққа олинган. Андижон вилоят суди хукми билан 1986 йил 16 мартда Ўз.ССР ЖК-нинг 119-1, 149, 149-1,153-2 қисми билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР Олий суди Президиумнинг қарори билан 1991 йил 22 мартда озод этилган, келтирилган моддий зарар, мусодара қилинган мол-мулк қиймати сўм ҳисобида республика бюджетидан тўлаб берилган[3].

**29. Ахмедов Сайдулло** ўзбек, судланмаган, Балиқчи туман Куйбишев номли колхозда 1984-1985 йилларда кассир бўлган, иш бўйича 1985 йил 23 октябрдан қамоққа олинган. Андижон вилоят судининг 1986 йил 16 мартдаги хукми билан Ўз.ССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 153-2 қисми билан 8 йилга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР Олий суди Президиумининг қарори билан 1989 йил 10 мартда озод этилган[4].

**30. Махкамов Мўминжон** ўзбек, судланмаган, Балиқчи туман Куйбишев номли колхозда 1982-1984 йилларда пахта топширувчи лавозимида ишлаган, иш бўйича 1985 йил 23 октябрида қамоққа олинган. Андижон вилоят судининг хукми билан 1986 йил 16 мартида ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1,153-2 қисми билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР Олий суди Президиумнинг қарори билан 1990 йил 10 апрелида озод этилган, келтирилган моддий зарар, мусодара қилинган мол-мулк қиймати сўм ҳисобида республика бюджетидан тўлаб берилган[5].

**31. Абзалов Азимжон** 1928 йили Андижон области Балиқчи районида туғилган, Куйбишев колхози пахта топширувчиси, жиноий шериклари билан олдиндан тил бириктириб Куйбишев номли колхози пахта планини қалбаки

[1] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5308-иш, 19-23-варақлар.

[2] Ўзбекистон миллий архиви, Р-1714-фонд, 10-рўйхат, 5308-иш, 19-23-варақлар.

[3] Комилов Собиржон Балиқчи райони собиқ «Куйбешев»номли колхоз раиси)нинг шахсий архиви маълумотлари.

[4] Жўраев Азимжоннинг шахсий архив материалларидан.

[5] Ахмедов Сайдулло шахсий архиви маълумотлари.

ҳужжатлар тузиб, тўлдириш мақсадида пора эвазига пахта сотиб олиш, пора бериш ва давлат мулкини талон-тарож қилиш каби жиноятларни содир этганликда айбланиб, 11 йил озодликдан маҳрум қилишга, мол-мулкларини давлат фойдасига мусодара қилишга ҳукм қилинган. ЎзССР Олий Суди Президиумининг 1991 йил 22 мартдаги қарори билан оқланган. «Пахта иши» бўйича комиссия раиси Исмоил Ҳакимович Жўрабеков Абазов Азимжонга нисбатан кўрилган адолатсиз жазо ҳақида шундай ёзган: **«1986 йил Балиқчи районидаги Куйбишев колхози пахта топширувчиси А.Абзалов ишини кўриб чиққан Андижон область Судининг ҳукмини адолатли деб бўладими? 11 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган А.Абзалов иши Олий Суд томонидан қайта ўрганиб чиқилганда, у қўшиб ёзишда иккинчи даражали шахс бўлганлиги ва бирон сўм пулни ўзлаштирмаганлиги аён бўлди. Ўн бир фарзанднинг отаси тақдирига эса енгил-елпи муносабатда бўлганлигига шубҳа йўқ. Олий Суд қўшиб ёзишда фақат юқорининг буйруғига итоат қилган ва ўз манфаатини кўзламаган А.Абзаловни қамоқдан озод қилди».**[1]

**32. Азимов Исоқжон** – ўзбек, судланмаган, Балиқчи туман Куйбишев номли колхозда 1985 йилда кассир лавозимида ишлаган, иш бўйича 1985 йил 23 октябрда қамоққа олинган. Андижон вилоят суди 1986 йил 16 мартда ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 153-2 қисми ва 155 моддалари билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилган. ЎзССР Олий суди Президиумнинг қарори билан 1991 йил 2 мартда озод этилган ва оқланиб етказилган моддий ва маънавий зарар тўла қопланган[2].



**33. Хожиназаров Мирзамавлуд** (1941-2013) ўзбек, судланмаган, оилалик, Балиқчи туман Охунбобоев номли колхози раиси, иш бўйича 1985 йил декабрда қамоққа олинган. Андижон вилоят суди хукми билан 1986 йил май ойида ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 153-2 қисми 155 моддалари билан 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР Олий суди Президиумнинг қарори билан 1990 май озод этилган, 1991 йил ЎзССР Олий суди қарори билан тўла оқланиб етказилган моддий ва маънавий зарар тўла қопланган[3].

**34. Зайнобидинов Абдуфаттох** 1939 йил туғилган, ўзбек судланмаган, оилалик, Олтинкул тумани Партия XXI съез-

[1] Махкамов Мўминжон шахсий архиви маълумотлари.

[2] Расул Раҳмонов, Шароф Убайдуллаев, Ёруғ юзли ўзбегим! – «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1991 йил 17 апрель сони.

[3] Комилов Собиржон (Балиқчи райони собиқ «Куйбешев»номли колхоз раиси)нинг шахсий архиви маълумотлари.



ди колхози раиси. 1986 йил ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 153-2 қисми билан айбланиб 2 йил давом этган терговдан сўнг Фарғона вилоят суд залидан 1988 йилда озод қилинган. 1990 йил 19 ноябрь ЎзССР Олий суди Президиумининг қарори билан етказилган моддий ва маънавий зарар тўла қопланган[1].

**35. Зулфиев Хаитмуҳаммад** 1937 йил туғилган, ўзбек, судланмаган, оилалик, Марҳамат район Ильич номли колхоз раиси, иш бўйича 1985 йил 6 февралда қамоққа олинган. Андижон область судининг 1986 йил 18 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I, 149, 149-I, 153 моддасининг 2 қисми ва 155 моддалари йиғиндиси билан 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 5 апрелда Зулфиев Хаитмуҳаммад оқланган. Етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган[2].

**36. Абдувалиев Олимжон** 1953 йилда туғилган, ўзбек, судланмаган, оилалик, Марҳамат район Ильич номли колхози бош бухгалтери, иш бўйича 1985 йил 26 августдан қамоқда. Андижон область судининг 1986 йил 18 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I, 149, 149-I, 153 моддасининг 2 қисми ва 155 моддалари йиғиндиси билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 5 апрелда Абдувалиев Олимжон оқланган. Етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган[3].

**37. Хасанов Жамолдин** 1947 йилда туғилган, ўзбек, судланмаган, оилалик, Марҳамат район Ильич номли колхозда бухгалтер бўлиб ишлаган, иш бўйича 1985 йил 26 августда қамоққа олинган. Андижон область судининг 1986 йил 18 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I, 149, 149-I, 153 моддасининг 2 қисми ва 155 моддалари йиғиндиси билан 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 5 апрелда Хасанов Жамолдин оқланиб, етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган[4].

**38. Камолов Шаҳобиддин** 1947 йилда туғилган, ўзбек, судланмаган, оилалик, Марҳамат район Ильич номли колхозда материаллар бўйича бухгалтер, иш бўйича 1985 йил 26 августда қамоққа олинган. Андижон область судининг 1986 йил 18 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I, 149, 149-I, 153

[1] Хожиназаров Мирзамавлуд шахсий архиви маълумотлари.

[2] «Ҳақиқат эгилади аммо синмайди // Оқ олтин газетаси. 1991 йил 31 май № 38 , 2-бет.

[3] «Ҳақиқат эгилади аммо синмайди // Оқ олтин газетаси. 1991 йил 31 май № 38 , 2-бет.

[4] «Ҳақиқат эгилади аммо синмайди // Оқ олтин газетаси. 1991 йил 31 май № 38 , 2-бет.

моддасининг 2 қисми ва 155 моддалари йиғиндиси билан 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 5 апрелда Камолов Шаҳобиддин оқланиб, етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган[1].

**39. Насирдинов Жалолиддин** 1943 йил туғилган, ўзбек, судланмаган, оилалик, Марҳамат район Ильич номли колхози боғбони. Андижон область судининг 1986 йил 18 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 17-118 моддасини 3-қисми, 17-153 моддасини 2-қисми, ва 149, 17-149-I, 17-155 моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддаси қўлланилган ҳолда 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 5 апрелда Насирдинов Жалолиддин оқланиб, етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган[2].

**40. Абдуллаев Мўминжон** 1935 йилда туғилган, ўзбек, судланмаган, оилалик, Марҳамат район Ильич номли колхозда бригада бошлиғи. Андижон область судининг 1986 йил 18 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 118 моддасини 3-қисми, 149, 17-149-I, 153 моддасини 2-қисми, ва 155 моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддаси қўлланилган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазосига тайинланиб, иш ҳаққидан 20% давлат фойдасига ундириш белгиланган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 5 апрелда Абдуллаев Мўминжон оқланиб, етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган[3].

**41. Хоназаров Хусанбой** 1936 йил туғилган, ўзбек, муқаддам ЎзССР ЖКнинг 149, 117 моддасининг 3-қисми билан судланган, оилалик, Марҳамат район Ильич номли колхоз бригадири. Андижон область судининг 1986 йил 18 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I, 149, 17-149-I, 153 моддасини 2-қисми ва 155 моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддаси қўлланилган ҳолда 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 5 апрелда Хоназаров Хусанбой оқланиб, етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган[4].

**42. Джўраев Ўрмон** 1932 йил туғилган, ўзбек, судланмаган, оилалик, Марҳамат район Ильич номли колхоз бригадири. Андижон область судининг 1986 йил 18 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I, 149, 17-149-I, 17-153 моддасини 2-қисми ва 155 моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддаси қўлланилган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосига тортилган.

[1] «Ҳақиқат эгилади аммо синмайди // Оқ олтин газетаси. 1991 йил 31 май № 38 , 2-бет .

[2] «Ҳақиқат эгилади аммо синмайди // Оқ олтин газетаси. 1991 йил 31 май № 38 , 2-бет.

[3] «Ҳақиқат эгилади аммо синмайди // Оқ олтин газетаси. 1991 йил 31 май № 38 , 2-бет.

[4] «Ҳақиқат эгилади аммо синмайди // Оқ олтин газетаси. 1991 йил 31 май № 38 , 2-бет.

ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 5 апрелда Джўраев Ўрмон оқланиб, етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган[1].

**43. Арслонов Мўйдин** 1942 йилда туғилган, ўзбек, судланмаган, оилалик, Аравон район Туямўйин совхозида ишчи бўлиб ишлаган, сўнгги иш жойи Ильич колхозида ишчи. Андижон область судининг 1986 йил 18 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I, 149, 17-149-I, 153 моддасини 2-қисми ва 155 моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддаси қўлланилган ҳолда 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, ЎзССР ЖКнинг 23-2 моддасига асосан шу муддатга мажбурий меҳнатга жалб этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 5 апрелда Арслонов Мўйдин оқланиб, етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган[2].

**44. Рўзиқулов Турсунбой** 1948 йил туғилган, ўзбек, судланмаган, оилалик, Ильич номли колхоз бригадири. Андижон область судининг 1986 йил 18 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I, 149, 17-149-I, 153 моддасини 2-қисми ва 155 моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддаси қўлланилган ҳолда 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, ЎзССР ЖКнинг 23-2 моддасига асосан шу муддатга мажбурий меҳнатга жалб этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 5 апрелда Рўзиқулов Турсунбой оқланиб, етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган[3].

**45. Мухитдинов Абдурахим** 1953 йилда туғилган, ўзбек, судланмаган, оилалик, Ильич номли колхози табелчиси. Андижон область судининг 1986 йил 18 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I, 149, 17-149-I, 153 моддасини 2-қисми ва 155 моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддаси қўлланилган ҳолда 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, ЎзССР ЖКнинг 23-2 моддасига асосан шу 3 йил муддатга мажбурий меҳнатга жалб этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 5 апрелда Мухитдинов Абдурахим оқланиб, етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган[4].

**46. Расулов Онорвой** 1940 йил туғилган, ўзбек, судланмаган, оилалик, Ильич номли колхоз бригадири. Андижон область судининг 1986 йил 18 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I, 149, 17-149-I, 153 моддасини 2-қисми ва 155 моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддаси қўлланилган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазосига тортилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 5 апрелда Расулов Онорвой оқ-

[1] «Ҳақиқат эгилади аммо синмайди // Оқ олтин газетаси. 1991 йил 31 май № 38 , 2-бет.

[2] «Ҳақиқат эгилади аммо синмайди // Оқ олтин газетаси. 1991 йил 31 май № 38 , 2-бет.

[3] «Ҳақиқат эгилади аммо синмайди // Оқ олтин газетаси. 1991 йил 31 май № 38 , 2-бет.

[4] «Ҳақиқат эгилади аммо синмайди // Оқ олтин газетаси. 1991 йил 31 май № 38, 2-бет.

ланиб, етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган[1].

**47. Саидахмедов Абдумухтор** – 1928 йилда туғилган Марҳамат туман Калинин номли колхоз раиси, иш бўйича 1986 йил 31 декабрида қамоққа олинган, ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 153 м.II-к. ва 155 моддалари билан айбланиб Андижон вилоят сайёр судининг 1987 йил 27 июль кунги ҳукми билан мол-мулки мусодара қилиниб 4 йил озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР Олий суди Президиумнинг 1991 йил 13 апрелдаги 4-236-91 қарори билан оқланиб, етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш белгиланган[2].

**48. Эргашев Рўзимамат** 1945 йил туғилган, ўзбек, муқаддам судланмаган, оилали, Марҳамат тумани Калилин номли колхоз бош бухгалтери, иш бўйича 1986 йил 31 декабрида қамоққа олинган, ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 153 м.II-к. ва 155 моддалари билан айбланиб Андижон вилоят сайёр судининг 1987 йил 27 июль кунги ҳукми билан мол-мулки мусодара қилиниб 3 йил озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР Олий суди Президиумининг 1991 йил 12 апрелдаги 4-236-91 қарори билан оқланиб, етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш белгиланган.

**49. Жумашев Обиджон** 1932 йилда туғилган, ўзбек, судланмаган, Марҳамат туман Калинин колхози кассири, иш бўйича 1986 йил 31 декабрда қамоққа олинган, Андижон вилоят сайёр судининг 1987 йил 27 июль кунги хукми билан ЎзССР ЖК-нинг 119-1, 149, 149-1, 153 м.II-к. ва 155 моддалари билан айбланиб Андижон вилоят сайёр судининг 1987 йил 27 июль кунги хукми билан 2 йилга мажбурий меҳнатга жалб қилиш ва ўзига тегишли бўлган мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилиш жазоси белгиланган. 1988 йил ЎзССР ЖПК 149-моддасига асосан оқланган, Андижон вилоят суди коллегиясининг 1991 йил 13 апрелдаги қарори билан етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш белгиланган[3].

**50. Исаев Мирзақосим** 1932 йил туғилган, ўзбек, судланмаган, Марҳамат туман Калинин колхози пахта топширувчиси, иш бўйича 1986 йил 31 декабрида қамоққа олинган, Андижон вилоят сайёр судининг 1987 йил 27 июль кунги ҳукми билан ЎзССР ЖКнинг 149, 155 моддалари билан айбланиб Андижон вилоят сайёр судининг 1987 йил 27 июль кунги хукми билан 2 йилга мажбурий меҳнатга жалб қилиш ва ўзига тегишли бўлган мол- мулкини давлат фойдасига мусодара қилиш жазоси белгиланган. 1988 йил 7 апрелда ЎзССР ЖПК 149-моддасига асосан оқланган[4].

---

[1] «Ҳақиқат эгилади аммо синмайди // Оқ олтин газетаси. 1991 йил 31 май № 38, 2-бет.

[2] Абдумухтор Саидахмедовнинг шахсий архивидан.

[3] Жумашев Обиджоннинг шахсий архиви материаллари.

[4] Исақов Мирқосимнинг шахсий архиви материаллари.

**51. Хомидов Абдували** 1925 йил туғилган, ўзбек, оилали, «Ленин» ордени, «Халқлар дўстлиги» ва «Меҳнат Қизил байроқ» орденлари билан мукофотланган, Марҳамат туман Октябрь 50 йиллиги колхози раиси. Андижон вилоят судининг 1986 йил 20 июлдаги ҳукми билан ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 153-моддасининг 2-қисми, 155 моддалари билн айбланиб 11 йилга озодликдан маҳрум қилинган, мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилинган. ЎзССР Олий Судининг 1987 йил 19 февралдаги ажрими билан жазо муддати беш йил этиб белгиланган. ЎзССР Олий суди Президиумнинг 1991 йил июль ойидаги қарори билан оқланган, етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаш белгиланган.

**52. Маматхонов Оманулло** 1934 йил туғилган, ўзбек, оилали, Марҳамат туман Октябрь 50 йиллиги колхози бош бухгалтери. Андижон вилоят судининг 1986 йил 20 июлдаги ҳукми билан ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 153-моддасининг 2-қисми, 155 моддалари билан айбланиб 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган, мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилинган. ЎзССР Олий Судининг 1987 йил 19 февралдаги ажрими билан жазо муддати уч йилга шартли жазога алмаштирилган. ЎзССР ЖКнинг 43 моддаси қўлланилиб 2 йил синов муддати белгиланган. ЎзССР Олий суди Президиумнинг 1991 йил июль ойидаги қарори билан оқланиб, етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаш белгиланган.

**54. Баходиров Абдуманноп** 1943 йил туғилган, ўзбек, судланмаган, оилали, Марҳамат туман Октябрь 50 йиллиги колхозининг «Қорақўрғон» пахта тайёрлаш пунктида вакили. 1986 йил 24 сентябрда қамоққа олинган. Андижон вилоят судининг 1986 йил 20 июлдаги ҳукми билан ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1, 155 моддалари билан айбланиб 3 йилга озодликдан маҳрум этилган, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинган. Андижон вилоят судининг 1987 йил 23 июлдаги қарори билан шартли равишда мажбурий меҳнатга жалб этишга алмаштирилиб жазони белгиланган жойда ўташ белгиланган. ЎзССР Олий суди Президиумининг 1991 йил июлдаги қарори билан оқланиб, етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш белгиланган.

**55. Сулаймонов Махамадумар** 1942 йил туғилган, ўзбек, судланмаган, қишлоқ хўжалиги фанлар номзоди (1975 й.), оилали 1983 йил декабрига қадар Марҳамат туман Свердлов колхози раиси, қамоққа олинганга қадар Марҳамат туман Сельхозхимия бирлашмаси раиси лавозимида ишлаган, 1986 йил 24 апрелда қамоққа олинган. Андижон вилоят судининг 1986 йил 20 июлдаги ҳукми билан ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 153- моддасининг 2- қисми, 155 моддалари билан айбланиб 12 йилга озодликдан маҳрум этилган, мол-мул-

ки давлат фойдасига мусодара қилиниб 5 йилга мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Андижон вилоят судининг 1987 йил 23 июлдаги қарори билан ҳукм ўз кучида қолган. ЎзССР Олий суди Президиумнинг 1991 йил июлдаги қарори билан оқланган, етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш белгиланган.

**56. Исаев Собиржон** 1927 йил туғилган, ўзбек муқаддам судланмаган, оилали, Марҳамат туман Свердлов колхози бош бухгалтери. Андижон вилоят судининг 1986 йил 20 июлдаги ҳукми билан ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 153-моддасининг 2-қисми 155 моддалари билан айбланиб 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Андижон вилоят судининг 1987 йил 23 июлдаги қарори билан унинг зиммасидаги 119-1 моддаси, ЎзССР ЖК 118 моддаси 3-қисмига квалификация килиниб, 153 моддасининг 2-қисми чиқарилиб ЎзССР ЖК 118 моддасининг 3-қисми билан айбдор деб топилган, 5 йилга қамоққа ҳукм қилинган, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, мансабдорлик лавозимларида ишлаш хуқуқидан 5 йилга маҳрум этилган. ЎзССР Олий суди Президиумининг 1991 йил июлдаги қарори билан оқланиб, етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш белгиланган.

**57. Рўзиев Мамиржон** 1942 йил туғилган, ўзбек, судланмаган, оилали, 1983 йил Марҳамат туман Свердлов колхозида ер ўлчовчи, Андижон вилоят судининг 1986 йил 20 июлдаги ҳукми билан ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 153-моддасининг 2-қисми, 155 моддалари билан айбланиб 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган. ЎзССР Олий судининг 1987 йил 19 февралдаги ажримига асосан жазо муддати 3 йилга кечиктирилиб, 1987 йил 24 мартдан тилхат орқали озодликка чиқарилган. Андижон вилоят судининг 1987 йил 23 июлдаги қарори билан унинг зиммасидаги 119-1 моддаси ЎзССР ЖК 118 моддаси 3-қисмига квалификация килиниб, 153 моддасининг 2-қисми чиқарилиб ЎзССР ЖК 118 моддасининг 3-қисми билан айбдор деб топилиб 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, ЎзССР Олий суди Президиумининг 1991 йил июлдаги қарори билан оқланиб, етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш белгиланган.

**58. Махкамов Холмат** 1939 йилда туғилган, ўзбек, судланмаган, оилали, Марҳамат туман Свердлов колхозида расчет бухгалтери. 24.IV. Андижон вилоят судининг 1986 йил 20 июлдаги ҳукми билан ЎзССР ЖКнинг 119-1, 155 моддалари билан айбланиб, 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Андижон вилоят судининг 1987 йил 23 июлдаги қарори билан ЎзССР ЖК нинг 23/2 моддаси татбиқ этилиб белгиланган жазо шартли равишда озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштирилган, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, 2 йил моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. ЎзССР Олий

суди Президиумининг 1991 йил июлдаги қарори билан оқланган, етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш белгиланган.

**59. Хафизова Мамирхон Джамалидиновна** 1940 йил Андижон область Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, маълумоти олий, оилали, судланмаган. Олтинкўл район ипакчилик идорасида бош агроном вазифасида ишлаган. Ҳибсга олинган вақтда Олтинкул район Тошкент колхози раиси, иш бўйича 1984 йил 27 июлда қамоққа олинган. Андижон область судининг 1984 йил 24 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, 10 йил муддатга, ЎзССР ЖКнинг 153 моддасини 2-қисми билан 9 йил муддатга, ЎзССР ЖКнинг 149 моддаси билан 4 йил муддатга, ЎзССР ЖКнинг 141-I моддаси билан 3 йил, ЎзССР ЖКнинг 155 моддаси билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, ЎзССР ЖКнинг 40 моддасига асосан ўташ учун 10 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилиб, жазони умумий режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ белгиланган, ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, жазони ўтагандан сўнг 5 йил давомида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 15 апре-



Олтинкўл райони Тошкент колхози раиси Хафизова Мамирхон чапдан иккинчи
(Фотосуратлар Мамирхон Хафизова хонадонининг шахсий архивидан олинди, 2021 йил 14 январь )

лида Хафизова Мамирхон Джамалидиновна оқланиб, етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган.

**60. Юлдашев Хамиджон** 1944 йилда Андижон область, Олтинкўл районида туғилган, ўзбек, партиясиз, оилалик, судланмаган, маълумоти олий. Олтинкўл район «Тошкент» колхозида колхозчи, иш бўйича 1984 йил 27 июлда қамоққа олинган. Андижон область судининг 1984 йил 24 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, 10 йил муддатга, ЎзССР ЖКнинг 153 моддасини 2-қисми билан 9 йил муддатга, ЎзССР ЖКнинг 149 моддаси билан 4 йил муддатга, ЎзССР ЖКнинг 141-I моддаси билан 3 йил муддатга, ЎзССР ЖКнинг 155 моддаси билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, ЎзССР ЖКнинг 40 моддасига асосан ўташ учун 10 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилиб, жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ белгиланган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, жазони ўтагандан сўнг 5 йил давомида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 15 апрелида Юлдашев Хамиджон оқланиб, етказилган маънавий ва моддий зарар қоплаш белгиланган.

**61. Парпиев Козимжон** 1947 йил 16 февралда Андижон область Олтинкўл районида туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, маълумоти олий, оилали, судланмаган. «Тошкент» колхозида бош агроном, иш бўйича 1984 йил 27 июль қамоққа олинган. Андижон область судининг 1984 йил 24 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149-I моддаси билан жиноий ҳаракатини ЎзССР ЖКнинг 17-149-I моддасига квалификация қилиб, ЎзССР ЖКнинг 151 моддаси билан оқлаб, ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддаси тадбиқ этиб, мол-мулкини мусодара этишга, 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган. ЎзССР ЖКнинг 153 моддасини 2-қисми билан 7 йил муддатга, ЎзССР ЖКнинг 149 моддаси билан муддати 3 йилга, ЎзССР ЖКнинг 17-149-I моддаси билан 2 йил, ЎзССР ЖКнинг 155 моддаси билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, ЎзССР ЖКнинг 40 моддасига асосан ўташ учун 8 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси ўташ учун қолдирилиб, жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ белгиланган, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, жазони ўтагандан сўнг 3 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 15 апрелида оқланиб, етказилган маънавий ва моддий зарар қоплаш белгиланган.

**62. Қодиров Раҳмон** 1931 йил Андижон область Олтинкўл районида туғил-

ган, ўзбек, партиясиз, маълумоти ўрта, судланмаган. Олтинкўл район «Тошкент» колхозида колхозчи, иш бўйича 1984 йил 27 июль қамоққа олинган. Андижон область судининг 1984 йил 24 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149-I моддаси билан жиноий ҳаракати ЎзССР ЖКнинг 17-149-I моддасига квалификация қилиниб, ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилиниб муддати 10 йилга, ЎзССР ЖКнинг 153 моддасини 2-қисми билан 9 йилга, ЎзССР ЖКнинг 149 моддаси билан 4 йилга, ЎзССР ЖКнинг 17-149-I моддаси билан 2 йилга, ЎзССР ЖКнинг 155 моддаси билан муддати 2 йилга озодликдан маҳрум этилиб, ЎзССР ЖКнинг 40 моддасига асосан 10 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси ўташ учун қолдирилиб, жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ белгиланган, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, жазони ўтагандан сўнг 4 йил муддат давомида мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 15 апрелда оқланган, етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган.

**63. КОСИМОВ ТУЛАНБОЙ** – 1930 йилда Андижон вилояти Марҳамат райони Шукурмерган қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек, маълумоти олий. Андижон вилояти судининг 1988 йил 27 июлдаги ҳукмига асосан УзССР ЖКнинг 119-1 моддаси билан шу жиноят кодексининг 42-моддасини қўллаб 3 йилга, 149-1 моддаси билан 2 йилга, 155 моддаси билан 1 йилга озодликдан маҳрум қилинган, ҳамда УзССР ЖКнинг 40- моддасини татбиқ этиб уташи учун қатъий жазо 3 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилган, жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида ўташлик, мол-мулкини мусодара қилиш, 3 йилга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш белгиланган. ЎзССР Олий суди Президиумининг 1989 йил 29 сентябрдаги 4-288-89-сонли қарорига асосан эса 3 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини хар бирига иш хақининг 20% ни давлат фойдасига ундириш билан 2 йилдан ахлоқ тузатиш жазосига ва мажбуран меҳнатга жалб этиш жазосига алмаштирилган.

**64. Боқиев Абдужалил** 1924 йил Андижон область Олтинкўл районида туғилган, ўзбек, оилали, маълумоти ўрта, муқаддам 2 йилга судланган, 1950 йилда Олтинкўл район халқ суди томонидан ЎзССР ЖКнинг 117-моддаси билан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. 1957 йилда Андижон шаҳар халқ суди томонидан ЎзССР ЖКнинг 204 моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этилган, жазони ўтаган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 3-гуруҳ инвалиди, «Тошкент» колхозида пиллачилик бригадири, «Тошкент» колхозда яшаган, иш бўйича 1984 йил 27 июлда

қамоққа олинган. Андижон область судининг 1984 йил 24 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149-I моддаси билан жиноий ҳаракати ЎзССР ЖКнинг 17-149-I моддасига квалификация қилиниб, ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилиниб муддати 10 йилга, ЎзССР ЖКнинг 153 моддасини 2-қисми билан 9 йилга, ЎзССР ЖКнинг 149 моддаси билан 4 йилга, ЎзССР ЖКнинг 17-149-I моддаси билан 2 йилга, ЎзССР ЖКнинг 155 моддаси билан муддати 2 йилга озодликдан маҳрум этилиб, ЎзССР ЖКнинг 40 моддасига асосан 10 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси ўташ учун қолдирилиб, жазони ўташлик кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида белгиланган, ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинган, жазони ўтагандан сўнг 4 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 15 апрелида оқланган, етказилган маънавий ва моддий зарар қопланиши белгиланган.

**65. Азизов Тўлқин** 1938 йил Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, маълумоти ўрта махсус, оилали, судланмаган. Андижон шаҳар 3-сон пахта тозалаш заводи слесари. Андижон шаҳар Янги Челюскин кўчаси 46 уйда яшаган, ушбу иш бўйича 25 март 1982 йилдан 1 апрел 1983 йилгача қамоқда бўлган, кейинчалик 1984 йил 28 июлдан қамоққа олинган. Андижон область судининг 1984 йил 24 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149-I моддаси билан жиноий ҳаракати ЎзССР ЖКнинг 17-149-I моддасига квалификация қилинган. ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилиб 10 йил муддатга, ЎзССР ЖКнинг 152 моддасини 2-қисми билан 10 йилга, ЎзССР ЖКнинг 149 моддаси билан 4 йилга, ЎзССР ЖКнинг 17-149-I моддаси билан 2 йилга, ЎзССР ЖКнинг 155 моддаси билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, ЎзССР ЖКнинг 40 моддасига асосан 10 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси ўташ учун қолдирилган, жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ белгиланган, мол-мулки мусодара қилинган, жазони ўтагандан сўнг 5 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 15 апрелида оқланган, етказилган маънавий ва моддий зарар қопланиши белгиланган.

**66. Дадабоев Тожидин Ўтбосарович** 1954 йилда Андижон область Олтинкўл районида туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси бўлган, маълумоти ўрта махсус, оилалик, судланмаган. Тошкент номли колхоз бош бухгалтери. Иш бўйича 1984 йил 27 июлда қамоққа олинган. Андижон область судининг 1984 йил 24 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 17-149-I моддаси билан ЎзССР ЖКнинг

42 моддасини қўллаб, мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилиб, 7 йил муддатга, ЎзССР ЖКнинг 17-153 моддаси 2-қисми билан 7 йил муддатга, ЎзССР ЖКнинг 149 моддаси билан 2 йил, ЎзССР ЖКнинг 17-149-I моддаси билан 1 йил, ЎзССР ЖКнинг 155 моддаси билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, ЎзССР ЖКнинг 40 моддасига асосан 7 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси ўташ учун қолдирилган, жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташ белгиланган, мол-мулки мусодара қилинган, жазони ўтагандан сўнг 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 15 апрелида оқланган, етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган.

**67. Йўлдошев Тожиддин Абдужабборович** 1954 йил Андижон область Олтинкўл районида туғилган, ўзбек, КПСС аъзолигидан ўчирилган, оилалик, маълумоти ўрта махсус, «Тошкент» колхози чорва бухгалтери, судланмаган, иш бўйича 1984 йилдан 27 июлда қамоққа олинган. Андижон область судининг 1984 йил 24 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 17-149-I моддаси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддасини қўллаб, ўзига тегишли мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилиб, 7 йил муддатга, ЎзССР ЖКнинг 17-153 моддаси 2-қисми билан муддати 7 йилга, ЎзССР ЖКнинг 149 моддаси билан 2 йилга, ЎзССР ЖКнинг 17-149-I моддаси билан 1 йилга, ЎзССР ЖКнинг 155 моддаси билан муддати 2 йилга озодликдан маҳрум этилиб, ЎзССР ЖКнинг 40 моддасига асосан 7 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган. Ўзига тегишли мол-мулки мусодара қилинган, жазони ўтагандан сўнг 2 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Жазони ўташлик кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида белгиланган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 15 апрелида оқланган, етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган.

**67. Нурматов Ашурали** – 1951 йилда Андижон область Олтинкўл районида туғилган, ўзбек, партиясиз, оилалик, маълумоти ўрта, судланмаган, «Тошкент» колхозида секретарь вазифасида ишлаган, иш бўйича 27 июль 1984 йилдан қамоқда. Андижон область судининг 1984 йил 24 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 17-149-I моддаси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддасини қўллаб, ўзига тегишли мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилиб, 7 йил муддатга, ЎзССР ЖКнинг 17-153 моддаси 2-қисми билан муддати 7 йилга, ЎзССР ЖКнинг 149 моддаси билан 2 йилга, ЎзССР ЖКнинг 17-149-I моддаси билан 1 йилга, ЎзССР ЖКнинг 155 моддаси билан муддати 2 йилга озодликдан маҳрум этилиб, ЎзССР ЖКнинг 40 мод-

дасига асосан 7 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилган, жазони ўташлик кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида белгиланган. Ўзига тегишли мол-мулки мусодара қилинган, жазони ўтагандан сўнг 2 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 15 апрелида оқланган, етказилган маънавий ва моддий зарар қопланиши белгиланган.

**68. Деҳқонов Эрназарбой** – 17 ноябрь 1929 йилда ЎзССР Андижон область Избоскан район Избоскан қишлоқ советини Тошкечик маҳалласида туғилган ва туғилиб ўсган жойида яшайди, миллати ўзбек, маълумоти олий, КПСС аъзоси бўлиб иш бўйича КПСС сафидан чиқарилган, муқаддам судланмаган, оилалик қарамоғида 8 нафар фарзандлари бор, касаллиги билан 2 – гуруҳ инвалиди. Избоскан район Калинин номли колхозда колхозчи бўлиб ишлайди. Иш бўйича тилхат орқали очиқда. Андижон область судининг 1987 йил 27 майдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I, 149, 149-I, 153 моддасини 2 қисми ва 155 моддалари билан айбланган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1990 йил 10 мартида оқланган, етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган.

**69. Назаров Зокиржон** – 12 апрель 1932 йилда ЎзССР Андижон область Избоскан район Избоскан қишлоқ советини Ленин номли колхозни Қораянтоғ қишлоғида туғилган ва туғилиб ўсган жойида яшайди, миллати ўзбек, КПСС аъзоси бўлиб иш бўйича КПСС сафидан чиқарилган, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, оилалик қарамоғида 12 нафар фарзандлари бор, Избоскан район Калинин номли колхозда аграном бўлиб ишлайди. Иш бўйича тилхат орқали очиқда. Андижон область судининг 1987 йил 27 майдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I, 149, 149-I, 153 моддасини 2 қисми ва 155 моддалари билан айбланиб 3 йил қамоқ жазосига хукм қилинган. ЎзССР Олий суди президиумининг 10 март 1990 йилдаги қарори билан оқланган етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган.

**70. Раҳмонов Турсунбой** – 12 апрель 1932 йилда ЎзССР Андижон область Избоскан район Избоскан қишлоқ советини Калинин номли колхоз У.Юсупов номли кўча 57 уйда туғилган ва туғилган жойида яшайди, миллати ўзбек, партиясиз, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, оилалик 6 нафар фарзандлари бор, Избоскан район Калинин номли колхозда колхозчи бўлиб ишлайди. Иш бўйича тилхат орқали очиқда. Андижон область судининг 1984 йил 24 январдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I, 149, 149-I, 153 моддасини 2 қисми ва 155 моддалари билан айбланган ЎзССР Олий суди президиумининг 10 март 1990 йилдаги қарори билан оқланган, етказилган маънавий ва моддий зарар тўланиши белгиланган.

**71. Хожиназаров Жакбарали** – 1936 йилда туғилган, миллати ўзбек, муқаддам судланмаган, 1982-1983 йилларда Қўрғонтепа район Комсомол колхозини хирмонига торазибон бўлиб ишлаган. 8 сентябрь 1986 йилда суд залидан қамоққа олинган. Андижон область судининг 1986 йил 8 сентябрдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан унга нисбатан ЎзССР ЖКнинг 42 моддасини қўллаган ҳолда 4 йилга, 149 моддаси билан 3 йилга 17-149-I моддаси билан 3 йилга 155 моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этилиб ЎзССР ЖКнинг 40 моддаси билан 2 йилга озодликдан маҳрум этилиб ЎзССР ЖКнинг 40 моддасига асосан 4 йил муддатидаги озодликдан маҳрум этиш жазоси асосий ўташлик учун қолдирилган. Жазони кучайтирилган режимли колонияларда ўташлик белгилаган, 3 йил муддатга мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган, унга тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинган. ЎзССР Олий суди президиумининг 17 февраль 1990 йилдаги қарори билан оқланган.

**72. Нишонбоев Муҳаммаджон** – 1950 йилда туғилган, ўзбек, муқаддам судланмаган, Қўрғонтепа район «Комсомол» колхозида бош зоотехник бўлиб ишлаган, Андижон вилоят судининг 02.06.1986 йилдаги ҳукмига асосан ЎзССР ЖКнинг 149-I, 149 ва 155 моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 42 моддаси қўлланиб, 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР Олий суди президиумининг 17 февраль 1990 йилдаги қарори билан оқланган.



**73. Солиев Абдупатто** – Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1981 й. 24 феврал), ўзбек, судланмаган, оилалик Бўз тумани Партия XX съезди совхози директори лавозимида ишлаган. Иш бўйича 1986 йил 22 сентябрда қамоққа олинган. 198йил 7-12 мартда Андижон вилоят жиноят ишлари коллегиясининг қарори билан Ўз.ССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 153-2 қисми ва 155 моддалари билан айбланиб 11 йилга ҳукм қилинган, ўзига тегишли бўлган мол-мулклари мусодара қилинган. 1989 йил 30 сентиябрда ЎзССР Олий суди Президиумнинг



Абдупатто Солиев Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидовдан собиқ иттифоқдаги энг олий мукофот - Меҳнат Қаҳрамони унвонини ва Олтин Юлдуз нишонини қабул қилиб олмоқда. 1981 йил 26 февраль.

қарори билан озод этилган етказилган моддий ва маънавий зарар тўла қопланган.

Абдупатто Солиев Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидовдан собиқ иттифоқдаги энг олий мукофот – Меҳнат Қаҳрамони унвонини ва Олтин Юлдуз нишонини қабул қилиб олмоқда. 1981 йил 26 февраль.

**74. Абдувалиев Мухаммаджон** – 1936 йилда туғилган, ўзбек, судланмаган, оилалик, Бўз тумани «Янги турмуш» хўжалигида, Комсомолобод (ҳозирги Улуғнор) тумани Улуғнор совхозларида раҳбарлик қилган. Иш бўйича 1986 йил 7 майдан қамоққа олинган. Ўз.ССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1,153-2 қисми билан айбланиб 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1991 йил 16 март ЎзССР Олий суди Президиумнинг қарори билан оқланган. Етказилган моддий ва маънавий зарар тўла қопланган.



Андижон область Комсомолобод районы «Октябрь 50 йиллиги» совхози бўлим бошлиғи, 1986 йилда «пахта иши» бўйича қамоққа олинган Муҳаммаджон Абдувалиев (1940 йил 5 августда туғилган) совет ҳукуматининг юксак мукофотларидан Меҳнат Қизил байроқ орденини қабул қилиб олаётган пайти. 1982 йил.

Андижон область Комсомолобод районы «Октябрь 50 йиллиги» совхози бўлим бошлиғи, 1986 йилда «пахта иши» бўйича қамоққа олинган Муҳаммаджон Абдувалиев (1940 йил 5 августда туғилган) совет ҳукуматининг юксак мукофотларидан Меҳнат Қизил байроқ орденини қабул қилиб олаётган пайти. 1982 йил.



**75. Хурсанали Турсунов.** *1931 йилда туғилган. Андижон вилояти Ленин райони (ҳозирги Асака тумани) «Правда Востока» колхозининг раиси, сўнгра Ўзбекистоннинг ўша даврдаги раҳбари Ш.Р.Рашидов томонидан Жиззах вилоятига юборилиб, «Андижон» совхози директори бўлиб ишлаган. Касодга учраган совхозни қабул қилиб олган Х.Турсунов тез орада совхозни илғор хўжаликлар сафига қўшган.» Пахта иши» бўйича Ховосга терговга чақирилиб, 9 ой терговда бўлган, Поп тумани (Ғурумсарой) агросаноат комплекси раҳбари Аҳмаджон Одиловга қарши кўрсатма беришдан бош тортганлиги учун бошқа майда камчиликларда айбланиб, пахта ҳосилини қўшиб ёзиш (приписка) моддаси билан. Ўз.ССР ЖК- нинг 119-1, 149, 149-1,153-2 қисми билан айбланиб 12 йил қамоқ жазосига хукм қилиниб, Навоий вилояти турмасига юборил-*

*ган. 1991 йил 16-март ЎзССР Олий суди Президиумнинг қарори билан оқланган. Етказилган моддий ва маънавий зарар тўла қопланган.*

**78. Саидмахсудов Тўхтасин** 1936 йилда туғилган, ўзбек, муққаддам судланмаган, оилали Марҳамат туман «Қорақўрғон» пахта тайёрлаш пунктида катта классификатор лавозимида ишлаган 24.IX. 1986 йилдан қамоқда. 20.VII 1986 йил Андижон вилоят судининг ҳукми билан ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1, 155 моддалари билан айбланиб 3 йилга озодликдан маҳрум этилган, ўзига тегишли бўлган мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинган. Андижон вилоят судининг 1987 йил. 23. VII. кунги қарори билан шартли равишда меҳнатга мажбуран жалб этишга алмаштирилиб жазони белгиланган жойда ўташ белгиланган. 1991 йил июль ЎзССР Олий суди Президиумнинг қарори билан оқланган, етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш белгиланган.

**79. Болтабоев Сайдали** – Андижон область Қўрғонтепа райони «Комсомол» номли колхози раиси бўлган. Андижон область судининг 1989 йил 18 февралдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 141-I, 149, ва 155 моддалари билан муддати 6 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1990 йил 17 декабрда Болтабоев Сайдали оқланган.

**80. Исмоилов Қаюм** – Андижон область Қўрғонтепа райони «Комсомол» номли колхозида бош бухгалтери бўлиб ишлаган. Андижон область судининг 1989 йил 18 февралдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 141-I, 149, ва 155 моддалари билан муддати 5 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1990 йил 17 декабрда Исмоилов Қаюм оқланган.

**81. Дарвишов Шаробиддин** – Андижон область Қўрғонтепа райони «Комсомол» номли колхозида кассир бўлиб ишлаган. Андижон область судининг 1989 йил 18 февралдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 141-I, 149, ва 155 моддалари билан муддати 5 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1990 йил 17 декабрда Дарвешов Шаробиддин оқланган.

**82. Исмонов Исроил** – Андижон область Қўрғонтепа райони «Комсомол» номли колхозида пахта топширувчи бўлиб ишлаган. Андижон область судининг 1989 йил 18 февралдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 141-I, 149, ва 155 моддалари билан муддати 4 йилга озодликдан маҳрум этил-

ган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1990 йил 17 декабрда Исманов Исроил оқланган.

**83. Йўлдошев Хошимжон** – Андижон шаҳар № 3 – сонли пахта тозалаш заводи ходими бўлган. Андижон область судининг 1987 йил 17 апрелдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149-I моддаси билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 11 мартда Юлдашев Хошимжон оқланган[1].

**84. Юсупов Собиржон** – Андижон шаҳар № 3 – сонли пахта тозалаш заводи ходими бўлган. Андижон область судининг 1987 йил 17 апрелдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149-I моддаси билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 11 мартда Юсупов Собиржон оқланган.

**85. Тошпўлатов Иномжон** – Андижон шаҳар № 3 – сонли пахта тозалаш заводи ходими бўлган. Андижон область судининг 1987 йил 17 апрелдаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 149-I моддаси билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 11 мартда Тошпўлатов Иномжон оқланган.

**86. Исманов Мирзаакбар** – Андижон область Балиқчи райони «Охунбобоев» номли колхозида бош бухгалтер бўлиб ишлаган. Андижон область судининг 1986 йил май ойидаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149, 155, 141-I, 153 моддасининг 2 қисми билан билан муддати 12 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йилда Исманов Мирзаакбар оқланган. Етказилган моддий зарар тўланиши белгиланган[2].

**87. Зокиров Комил** – Андижон область Балиқчи райони «Охунбобоев» номли колхозида кассир бўлиб ишлаган. Андижон область судининг 1986 йил май ойидаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149, 155, 141-I, 153 моддасининг 2 қисми билан билан муддати 11 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йилда Зокиров Комил оқланган. Етказилган моддий зарар тўланиши белгиланган[3].

**88. Умрзақов Шавкат** – Андижон область Балиқчи райони «Охунбобоев» номли колхозида кассир бўлиб ишлаган. Андижон область судининг 1986 йил май ойидаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149, 155, 141-I,

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди архиви материаллари.

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий суди архиви материаллари.

[3] Ўзбекистон Республикаси Олий суди архиви материаллари.

153 моддасининг 2 қисми билан билан муддати 11 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йилда Умрзақов Шавкат оқланган. Етказилган моддий зарар тўланиши белгиланган[1].

**89. Зокиров Рўзибой** – Андижон область Балиқчи райони «Охунбобоев» номли колхозида пахта топширувчи бўлиб ишлаган. Андижон область судининг 1986 йил май ойидаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149, 155, 141-I, 153 моддасининг 2 қисми билан билан муддати 10 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йилда Зокиров Рўзибой оқланган. Етказилган моддий зарар тўланиши белгиланган[2].

**90. Зокиров Рўзибой** –Андижон область Балиқчи райони «Охунбобоев» номли колхозида пахта топширувчи бўлиб ишлаган. Андижон область судининг 1986 йил май ойидаги ҳукмига кўра ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149, 155, 141-I, 153 моддасининг 2 қисми билан билан муддати 10 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йилда Зокиров Рўзибой оқланган. Етказилган моддий зарар тўланиши белгиланган.

**91. Тешабоев Тошпўлат** – 1943 йилда Андижон вилояти Марҳамат районида туғилган. Миллати ўзбек, маълумоти олий. Андижон вилояти судининг 1988 йил 27 июлдаги ҳукмига асосан УзССР ЖКнинг 119-1,149-1 ва 155 моддаларининг йиғиндиси билан 3 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, УзССР ЖКнинг 23-2 моддасига асосан шу муддатга мажбуран меҳнатга жалб этилган. ЎзССР Олий суди Президиумининг 1989 йил 29 сентябрдаги 4-288-89-сонли қарорига асосан эса 3 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини ҳар бирига иш ҳақининг 20% ни давлат фойдасига ундириш билан 2 йилдан ахлоқ тузатиш жазосига ва мажбуран меҳнатга жалб этиш жазосига алмаштирилган.

**92. Идибоев Алижон** – 1938 йилда Андижон вилояти Марҳамат райони Шукурмерган қишлоғида туғилган. Миллати тожик, маълумоти олий. Андижон вилояти судининг 1988 йил 27 июлдаги хукмига асосан УзССР ЖКнинг 119-1 моддаси билан шу жиноят кодексининг 42-моддасини қўллаб 5 йилга, 152-моддасининг 2-қисми билан жиноят кодексини 42-моддасини куллаб 5 йилга, 149-моддаси билан 2 йилга, УзССР ЖКнинг 40- моддасини татбиқ этиб ўташи учун қатъий жазо 5 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси қолдирилган. Жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида ўташли-

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди архиви материаллари.

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий суди архиви материаллари.

ги, мол-мулкини мусодара қилиш, 3 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш хуқуқидан маҳрум этиш белгиланган. ЎзССР Олий суди Президиумининг 1989 йил 29 сентябрдаги 4-288-89-сонли қарорига асосан эса 5 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини 3 йилга келтириб, ЎзССР ЖКнинг 23-2 моддасини қўллаб 3 йил шартли равишда озодликдан маҳрум қилиб, мажбуран меҳнатга жалб этиш жазосига алмаштирилган.

**93. Хоназаров Ўрмон** – Андижон область Марҳамат райони «Ильич» номли колхози кассири бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 17-149-I, 149, 153 модданинг 11-қисми ва 155 моддалари билан муддати 3 йилга озодликдан маҳрум этилган

**94. Раззақов Иброхимжон** – Андижон область Марҳамат районида пахта қабул қилиш классификатори бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 17-149-I, 149, 154 модданинг 11-қисми билан муддати 5 йилга озодликдан маҳрум этилган.

**95. Худойқулов Хамид** – Андижон область Марҳамат райони «Пахтакор» номли колхоз раиси бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 17-149-I, 149, 154 модданинг 11-қисми билан муддати 12 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий суди судлов коллегиясини 1986 йил 28 июлдаги ажрими билан жазо муддати 6 йилга келтирилган.

**96. Омонов Камол** – Андижон область Марҳамат райони «Пахтакор» номли колхоз бош бухгалтери бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 17-149-I, 149, 154 модданинг 11-қисми билан муддати 12 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий суди судлов коллегиясини 1986 йил 28 июлдаги ажрими билан жазо муддати 6 йилга келтирилган.

**97. Маҳмудов Маликжон** – Андижон область Марҳамат райони «Пахтакор» номли колхоз кассири бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 17-149-I, 149, 154 модданинг 11-қисми билан муддати 10 йилга озодликдан маҳрум этилган.

**98. Зокиров Тоиржон** – Андижон область Марҳамат райони «Пахтакор» номли колхоз пахта топширувчиси бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 17-149-I, 149, 154 модданинг 11-қисми билан муддати 10 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий суди судлов коллегиясини 1986 йил 28 июлдаги ажрими билан жазо муддати 5 йилга келтирилган.

**99. Исомиддинов Жалолиддин** – Андижон область Марҳамат райони «Қўшчи» пахта тайёрлаш пункти классификатор бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 17-149-I, 149, 152 модданинг 11-қисми ва 155 моддалари билан муддати 14 йилга озодликдан маҳрум этилган.



**100. Турдиев Содиқжон** – Андижон область Комсомолобод райони «В.И.Ленин 100 йиллиги» номли совхоз бош бухгалтери бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149-I, 149, 153 модданинг 11-қисми ва 155 моддалари билан муддати 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий суди томонидан 1991 йил 16 мартда Турдиев Содиқжон оқланган. Етказилган моддий ва маънавий зарар тўла қопланган.

**101. Мамазулунов Хошимжон** – Андижон область Комсомолобод райони «В.И.Ленин 100 йиллиги» номли совхоз кассири бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149-I, 149, 153 модданинг 11-қисми ва 155 моддалари билан муддати 2 йилга ахлоқ тузатиш ишларига маҳрум этилган. ЎзССР Олий суди томонидан 1991 йил 16 мартда Мамазулунов Хошимжон оқланган. Етказилган моддий ва маънавий зарар тўла қопланган.

**102. Исақов Маматқул** – Андижон область Комсомолобод райони «В.И.Ленин 100 йиллиги» номли совхоз кассири бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149-I, 149, 153 модданинг 11-қисми ва 155 моддалари билан муддати 3 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, ЎзССР ЖКнинг 23-2 моддаси қўлланилиб, шу 3 йил муддатга меҳнатга мажбуран жалб қилинган. ЎзССР Олий суди томонидан 1991 йил 16 мартда Исақов Маматқул оқланган. Етказилган моддий ва маънавий зарар тўла қопланган.

**103. Отахонов Аҳмаджон** – Андижон область Комсомолобод райони «В.И.Ленин 100 йиллиги» номли совхоз ферммер мудири бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149-I, 149, 153 модданинг 11-қисми ва 155 моддалари билан муддати 2 йилга ахлоқ тузатиш ишларига маҳрум этилган. ЎзССР Олий суди томонидан 1991 йил 16 мартда Отахонов Аҳмаджон оқланган. Етказилган моддий ва маънавий зарар тўла қопланган..

**104. Мамажонов Останақул** – Андижон область Комсомолобод райони «В.И.Ленин 100 йиллиги» номли совхози пахта топширувчи бўлган. ЎзССР

ЖКнинг 119-І моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149-І, 149, 153 модданинг 11-қисми ва 155 моддалари билан муддати 3 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, ЎзССР ЖКнинг 23-2 моддаси қўлланилиб, шу 3 йил муддатга меҳнатга мажбуран жалб қилинган. ЎзССР Олий суди томонидан 1991 йил 16 мартда Мамажонов Останақул оқланган. Етказилган моддий ва маънавий зарар тўла қопланган.

**105. Бойхонов Аҳмаджон** – Андижон область Комсомолобод райони «Оқ олтин» пахта тозалаш заводи маҳсулот етказувчиси бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-І моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149-І, 149, 172 ва 155 моддалари билан муддати 6 йилга озодликдан маҳрум этилган.

**106. Қорабоев Ноибжон**– Андижон область Комсомолобод райони «В.И.Ленин 100 йиллиги» пахта қабул пункти классификатори бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-І моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149-І, 149, 172 ва 155 моддалари билан муддати 2 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР ЖКнинг 41-1 моддаси қўлланилган.

**107. Қорабоев Ноибжон** – Андижон область Комсомолобод райони «В.И.Ленин 100 йиллиги» пахта қабул пункти классификатори бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-І моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149-І, 149, 172 ва 155 моддалари билан муддати 2 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР ЖКнинг 41-1 моддаси қўлланилган.

**108. Ёқубов Солижон** – Андижон область Комсомолобод райони «СССР 50 йиллиги» номли совхози директори бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-І моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149-І, 149, 153 модданинг 11 қисми ва 155 моддалари билан муддати 7 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий суди судлов коллегиясини 1988 йил 25 апрелдаги ажрими билан жазо 4 йилга келтирилган.

**109. Азизов Зокиржон** – Андижон область Комсомолобод райони «СССР 50 йиллиги» номли совхози бош бухгалтери бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-І моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149-І, 149, 153 модданинг 11 қисми ва 155 моддалари билан муддати 7 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий суди судлов коллегиясини 1988 йил 25 апрелдаги ажрими билан жазо 3 йилга келтирилган.

**110. Юнусов Абдурасул** – Андижон область Комсомолобод райони «СССР 50 йиллиги» номли совхози кассири бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-І моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149-І, 149, 153 модданинг 11 қисми ва

155 моддалари билан муддати 4 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий суди судлов коллегиясини 1988 йил 25 апрелдаги ажрими билан жазо 3 йилга келтирилган.

**111. Алижонов Абдуғофир** – Андижон область Комсомолобод райони «СССР 50 йиллиги» номли совхози кассири бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149-I, 149, 153 модданинг 11 қисми ва 155 моддалари билан муддати 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий суди судлов коллегиясини 1988 йил 25 апрелдаги ажрими билан жазо 2 йилга ахлоқ тузатиш ишларига тайинланган.

**112. Анаджаев Маматкарим** – Андижон область Комсомолобод райони «СССР 50 йиллиги» номли совхози кассири бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149-I, 149, 153 модданинг 11 қисми ва 155 моддалари билан муддати 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий суди судлов коллегиясини 1988 йил 25 апрелдаги ажрими билан жазо 2 йилга ахлоқ тузатиш ишларига тайинланган.

**113. Хайдаров Одил** – Андижон область Комсомолобод райони «Комсомол» номли совхоз директори бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149-I, 153 модданинг 11 қисми ва 155 моддалари билан муддати 6 йилга озодликдан маҳрум этилган.

**114. Нурматов Иброхим** – Андижон область Қўрғонтепа райони «Токтогул» номли колхози бош бухгалтери бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149-I, 149, 155 ва 153 моддалари билан муддати 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий суди судлов коллегиясини 1987 йил 27 апрелдаги ажрими билан жазо 2 йил ахлоқ тузатиш ишларига ўзгартирилган. ЎзССР Олий Суди 1990 йил 12 декабрида оқлаган.

**115. Нуриддинов Камолиддин** – Андижон область Қўрғонтепа райони «Токтогул» номли колхози бош аграноми бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг 149-I, 149, 155 ва 153 моддалари билан муддати 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий суди судлов коллегиясини 1987 йил 27 апрелдаги ажрими билан жазо 2 йил ахлоқ тузатиш ишларига ўзгартирилган. ЎзССР Олий Суди 1990 йил 17 декабрда оқлаган.

**116. Тоиров Мирзамурод** – Андижон область Қўрғонтепа райони «Токтогул» номли колхози пахта топширувчиси бўлган. ЎзССР ЖКнинг 119-I моддаси билан ўзига тегишли мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиб, ЎзССР ЖКнинг

149-I, 149, 155 ва 153 моддалари билан муддати 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. ЎзССР Олий суди судлов коллегиясини 1987 йил 27 апрелдаги ажрими билан жазо 2 йил ахлоқ тузатиш ишларига ўзгартирилган. ЎзССР Олий Суди Президиуми 1990 йил 17 декабрида оқлаган.

**117. Раҳимов Латифжон** – Андижон шаҳар 3–сонли пахта тозалаш заводи ЦСУ бошлиғи бўлган. ЎзССР ЖКнинг 149-I моддаси билан муддати 2 йил ахлоқ тузатиш ишларига юборилган. ЎзССР Олий Суди томонидан 1991 йил 11 мартда Раҳимов Латифжон оқланган.

## ХУЛОСА ЎРНИДА. РЕАБИЛИТАЦИЯ

Совет режими амалга оширган қатағон сиёсати ва унинг фожиали оқибатларини кенг ва тўла тушуниш, идрок қилиш учун шу қатағон қурбонларини реабилитация қилиш жараёнини ҳам англаш лозимдир. Бунинг учун қатағоннинг келиб чиқиши, ривожланиши ва унинг босқичларини эслаб ўтиш зарурдир.

Қатағон Октябрь инқилобидан бошланган. 1917 йил 25 октябрда большевиклар Россия Муваққат ҳукумати аъзоларининг ҳибсга олиниши ва уларнинг Петропавловск қалъасига қамашдан қатағон бошланган. 26 октябрда Советларнинг II Бутун Россия съездида ишчи ва деҳқонлар ҳукумати тузилиши тўғрисида Декрет қабул қилинди. В.И.Ленин Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимига сайланди. Ички Ишлар Халқ Комисари сифатида А.И. Риков Кенгаш таркибига киритилди. Эски Суд тизими бекор қилиниб, унинг ўрнига Инқилобий трибунал таъсис этилди. 7 декабрда РСФСР Халқ Комиссарлари ҳузурида Ф.Э.Дзержинский раҳбарлиги остида аксилинқилобий ҳаракат ва саботажга қарши кураш олиб бориш учун Бутун Россия Фавқулодда Комиссияси (ВЧК) тузилди. Совет ҳукумати раҳбари В.И.Ленин 1918 йил 30 августда Михельсон заводида нутқ сўзлаётган чоғида эсер Каплан унга ўқ узди. Шу муносабат билан Халқ Комиссарлари Совети 5 сентябрда «Қизил террор тўғрисида» қарор қилди. Сиёсий асослар бўйича Суддан ташқари қатағон қилиш қонунийлаштирилди. Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети 1919 йил 15 апрелда «Мажбурий меҳнат лагерлари тўғрисида» қарор қабул қилди. 1922 йил 6 февралда Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ВЧКни тугатиб, унинг ўрнига НКВД ҳузурида Давлат Сиёсий бошқармаси (ГПУ)ни ташкил этди. Ўша йили 1 июлда илк бор аксилобий жиноятлар таърифи берилган РСФСР Жиноят Кодекси кучга кирди.

СССР ХКС 1923 йил 13 октябрда «Махсус эътибордаги Соловецк мажбурий ишлар лагерини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Советларнинг қатағон қилиш сиёсати ва механизми тобора такомиллашиб борилди. ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси 1930 йил 30 январда «Ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқ хўжаликларини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу билан деҳқон хўжаликларига қарши кураш, қатағонларга оммавий ва фавқулодда шафқатсиз тус берилди. Ўша йил 25 апрелда ОГПУ лагерлар бошқармаси, УЛАГ тузилди. 1930 йил октябрида эса лагерлар бош бошқармаси ГУЛАГ сифатида қайтадан ташкил этилди. 1934 йил 10 июлда СССР НКВДси ташкил этилди. Унинг таркибида Давлат хавфсизлиги бош бошқармаси ОГПУ тузилди. Унга бошқа бўлинмалар киритилди. 1934 йил 1 декабрда Ленинград область партия комитети секретари С.М.Кировни отиб ўлдирилиши муносабати билан процессуал қонунчиликка сиёсий қатағонлар меъёрини белгилаб берувчи терроризмга қарши кураш олиб борувчи тизимга тузатишлар киритилди. СССР МИК ва ХКСнинг 1935 йил 4 апрелда «Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликкка қарши кураш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра 12 ёшдан жиноий жавобгарликка тортиш тартиблари белгилаб берилди. НКВДнинг 1937 йил 30 июлдаги № 00447-сонли «Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа совет элементларини қатағон қилиш операцияси тўғрисида»ги оператив буйруғи билан бутун мамлакатда «Катта террор» бошланиши, йўналиши, механизми, миқдорий кўрсатгичлари аниқ белгилаб берилди. СССР МИК озодликдан маҳрум этишнинг энг узоқ муддатини 25 йил деб белгилаш СССР МИКнинг 1937 йил 2 октябрдаги қарорида ўз ифодасини топган.

ВКП(б) МК ва СССР ХКС нинг 1938 йил 17 декабрдаги қарорида давлат хавфсизлик органлари танқид остига олинган махфий қарори чиқди. Шундан «Катта террор»дан чиқиш амалга оширила бошланди.

Уруш даврида, хусусан, 1943 йил 22 апрелда СССР МИК «Ватан хоинлари ва сотқинларига жазо чораларини белгилаш ва бу шахслар учун жазо сифатида каторга меҳнатини жорий этиш тўғрисида» фармонида меҳнат тузатув лагерлари (МТЛ) тизимида қаторга бўлимларини ташкил этиш белгилаб берилди. 1947 йил 26 майдан ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармон 25 йиллик озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилди. Алоҳида хавфли давлат жиноятчиларини жазо муддатини ўтгандан сўнг СССРнинг четга, манзилгоҳларга бадарға қилиш тўғрисида 1948 йил 21 февралда Фармон қабул қилди. 1948 йил 21 февралда СССР Министрлари Советининг «Сиёсий маҳбусларни қатъий режимда тутиш учун алохида шароитдаги лагер-

лар ва турмалар ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Орадан ҳеч қанча ўтмасдан 1950 йил 12 январда яна сиёсий жиноятлар учун ўлим жазоси тикланди.

Совет режими амалга оширилган қатағон сиёсати ва унинг фожиали оқибатларини кенг ва тўла тушуниш, идрок этишда ана шу қатағон қурбонларини реабилитация қилиш жараёнларини чуқур англаш лозимдир. Масалани тўғри ва кенг кўламда очиб беришда 2000 йиллар бошида нашр этилган 2 та капитал ҳужжатлар ва материаллар тўпламидан иборат «Реабилитация: как это было» китобидан фойдаланиш зарур.







Международный фонд демократия. Россия XX век. Реабилитация: Как это было. Март 1953 – февраль 1956. Документы. Под редакцией академия А.Н. Яковлева. Москва. 2000. стр. 502; Реабилитация: Как это было. Февраль 1956 – начало 80-х годов. Москва. 2003. стр. 958.

Бу капитал асарда қатағон қилинганларни реабилитация қилиш Сталин вафотидан кейиноқ бошлангани, Сталиннинг вафоти жамиятни демократлаштириш сари дастлабки қадамлар қўйилгани, бўлиб ўтган фожиали воқеаларни ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан қайтадан англаш, фикрлаш, тафаккур қилиш юзага келгани ҳақида ноёб ҳужжатлар эълон қилинган. Реабилитация ва унинг жараёнини белгилаб берувчи аниқ қонун ҳам йўқ эди. Бу соҳада озми кўпми янгича фикр, ёндашув бўлса-да уни очиқ-ошкора айтиш имкони йўқ эди. СССР Ички ишлар министри Л.П. Берия биринчилардан бўлиб 1953 йил мартида КПСС Марказий Комитети Президиумига амнистия тўғрисида хат йўллаган. Унда МВД қарамоғидаги «шифокорлар-зараркунандалар», «авиаторлар иши» бўйича қамалганлар ишини кўриб чиқиш учун комиссия тузилган. 1953 йил 27 мартда КПСС Марказий Комитети Президиуми «Амнистия тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда 1953 йил 26 мартда Л.П.Берия КПСС Марказий Комитети Президиумига амнистия тўғрисида йўллаган хатида озодликдан маҳрум қилинганлар жойларда 5 йилгача хўжалик лавозимлари ва ҳарбий соҳалар, сохта ишлар бўйича жиноий жазога тортилганларнинг қамоқ жазоси муддати қанчалигидан қатъий назар уларни озод қилиш кўрсатилган.

Л.П. Берия тақдим этган СССР Олий Совети Президиумининг Ички ишлар министрлиги ва Бош прокурор томонидан ишлаб чиқилган амнистия тўғрисидаги фармойиш тасдиқланган. Фармойиш «Правда», «Известия» газеталарида эълон қилинган. Унда сиёсий маҳбуслар тоифасига кирган 5 йилгача қамоқ жа-

зосига тортилган, 55 ёшга кирган эркаклар, 50 ёшдан юқори бўлган аёллар, жумладан, ҳомиладор аёллар ва 10 ёшгача бўлган болалари бўлган аёлларга нисбатан амнистия қўллаш жорий этилган.

1953 йил 1 сентябрда СССР Олий Совети «СССР Ички ишлар министрлиги ҳузуридаги махсус кенгашни тугатиш тўғрисида»ги фармойишни қабул қилган. Унга кўра Ички ишлар министрлиги ҳузуридаги Махсус Кенгаш тугатилди. ОГПУ коллегиясининг жойлардаги область бўлимлари «Учлик»лар томонидан ҳукмга тортилганларни шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Амнистия тўғрисидаги фармойишга кўра 27 мартда 3 маҳбус озод қилинган, улар амалда 1 миллиондан зиёд эди. Айни вақтда 400 минг жиноий иш тўхтатилди.

Асоссиз айбланиб қатағон қилинганлардан бири асли ўзганлик, миллати ўзбек, ЎзКомпартия Марказий Комитети секретари Сулаймон Азимов бўлган. Унинг иши бўйича СССР Бош прокурори Р.А. Руденко 1954 йил 19 ноябрда КПСС Марказий Комитетига хат йўллаган. Хатнинг биринчи варағига «Н.Хрушчев қуллайди» деган резолюция қўйилган ва «КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоларига тарқатилсин» (Н.Хрушчев кўрсатмаси) деб резолюция қўйилган. Р.А.Руденко Марказий Комиссия томонидан 1954 йил 15 ноябрда «ЎзКомпартия Марказий Комитети собиқ секретари Азимов Сулаймон ва бошқа шахсларни айблаш бўйича айблов иши таркибида жиноятлар йўқлиги аниқланди» деб ёзган. Азимовдан ташқари бу иш бўйича ЎзКомпартия Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими собиқ мудир ўринбосари Хасанов Сотти, «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакцияси собиқ бўлим мудири Жалолов Тўхтасин (Андижоннинг Шаҳрихон районидан – Р.Ш.), шу газетанинг адабий бўлими ходими Латипов Юнус, «Муштум» журналининг адабий ходими Расулов Ғафур, «Ёш куч» журнали редакцияси котиби Одилов Омил, ўрта мактаб ўқув бўлими мудири Хошимов Обид ва «Тарақчи» артели ошпази Иминов Солилар қамоққа олинганлар. Юқорида кўрсатилган шахсларни айблаш бўйича жиноий иш Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссари Қобулов Омаяқ томонидан 1941 йил қўзғатилган. Бунда С.Азимов ва бошқа айбланувчилар қандайдир аксилинқилобий жиноят содир этган айблов тўласинча исботланмагани аниқланган. Шундан сўнг А.Қобулов қамоққа олинганларни қирғин, ур-калтак, сур-калтак қилган, қийнаган, азоблаган, айбланувчи Жалолов гўё миллатчи, қўзғолончи ташкилот таркибига кирган, бу ташкилотни ЎзКомпартия МК секретари Азимов тузган ва унинг топшириғи билан бу ташкилотга Иминов ва Хошимовларни тортган деган кўрсатма берилган. Аксилинқилобий ташкилотга қандай ҳолатда аъзо бўлгани ҳақида Т.Жалолов



Андижон фарзанди, ёзувчи, шоир Тўхтасин Жалолов

Азимов билан 1940 йил февраль ва июнида учрашганлиги ва ундан аксилинқилобий фаолияти тўғрисида билганини айтган. Бундан ташқари Жалолов 1941 йил сентябрида шаҳарда сайр қилиб юрган чоғида тасодифан Азимов уйига кириб қолгани, шу вақтда бу жойда «Советларга қарши йиғин» бўлаётгани, унда ўша вақтда ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Қори Ниёзий ва Тошкент обкоми секретари ҳам бўлганини айтган. Азимов гўёки йиғилганларга Жалоловни «ўз кишиси» деб таништиргани, шундан сўнг антисовет ҳаракат фаолиятини активлаштириш усулини муҳокама қилаётган эдилар. Жалолов кўрсатмаси бутунлай нотўғри экани аниқ-равшан эди, чунки у 1940 йил Тошкентда Азимов билан аксилинқилобий характерда суҳбат олиб бора олмасди, сабаб шуки автоҳалокатда оғир яраланган, даволаниш учун Сочида эди. Бу терговда жиноий усуллар билан олинган кўрсатмалар Азимов ва бошқаларни қамоққа олиш ва маҳбуслар устидан жазо қўллаш учун баҳона бўлган.

Қамоққа олинганларни уриб қийнашда А.Қобулов шахсан иштирок этиб улардан аксилинқилобий жиноятларни тан олишга эришган, шундан сўнг иш СССР НКВД ҳузуридаги махсус кенгашга кўриб чиқиш учун юборилган. Тергов қонунни қўпол бузиш билан олиб борилган. Масалан, иш бўйича айблов хулосаси 1942 йил 24 июнда тузилгани ҳолда айбланувчини тергов қилишни тугалланиши фақат 1942 йил 1–2 июлда тугаган.

1942 йил 11–12 августда ўша куни ҳар қандай асосларсиз бу қамоққа олинганларга совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолон тайёрлашда қўшимча айбловлар қўйилган. Москвада эса бу иш бўйича Махсус Кенгаш қарори тайёрланган. Унда Хусаинов ва Латиповлар ўлим жазоси – отувга ҳукм қилинган, Азимов ва Жалоловлар ҳар бири 10 йилдан қамоқ жазосига, қолганлари турли муддатга озодликдан маҳрум қилишга қарор қилинган. Бу қарор асосида Хусаинов ва Латипов отилганлар, айбланувчи Расулов лагердалигида вафот этган, қолган судланувчилар жазони ўтагач меҳнат посёлкасига сургун қилинганлар.

Марказий Комиссия аксилинқилобий жиноятлари учун судланган шахслар ишини кўриб Хусаинов, Латипов ва Расуловлар ўлимидан сўнг реабилитация қилинганлар, қолган судланганларнинг ҳаммасини сургундан озод қилиш ҳақида кўрсатма берилган. Бу ишнинг энг асосий сохталаштирувчиси халқ душмани А.Қобулов сотқинлик, хоинлик фаолияти учун СССР Олий Суди Ҳарбий Кол-

легияси томонидан олий жазо – отувга ҳукм қилинган[1].



Нуриддин Акрамович Муҳитдинов

1954–1955 йилларда лагерлар ва колониялардан 88 278 сиёсий маҳбус, улардан 32 798 маҳбус иши қайта кўриб чиқиладиган бўлган. 1955 йил 17 сентябрида СССР Олий Советининг «Улуғ Ватан уруши даврида оккупантлар билан ҳамкорлик қилишда айбланган совет гражданларини амнистия қилиш тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинди. Агар 1955 йил 1 январга қадар лагерлар ва колониялардаги 309 088 аксилинқилобий жиноятлар учун қамоқ жазосига ҳукм қилинганлардан 1956 йил 1 январигача 113 735 киши, 1959 йил 1 апрелидан эса 11 027 киши озод қилинган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети биринчи секретари

Қатағон қилинганларни реабилитация қилиш бўйича Бутуниттифоқ Комиссияси таркибига Ўзбекистон фарзандларидан Нуритдин Акрамович Муҳитдинов ва Андижон фарзанди Академик, ЎзССР Олий Суди раиси, Адлия вазири лавозимида самарали меҳнат қилган Хадича Сулаймонова кирганлар ва улар қатағон тиғига учраган юртдошларимизни реабилитация қилиш ишида жонбозлик билан ибратли фаолият кўрсатганлар.



Академик
Хадича Сулаймонова

Н.А.Муҳиддинов 1956 йил 10-14 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон зиёлиларининг I съезддаги маърузасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети тақдимига биноан Ўзбекистон бўйича ноҳақ айбланганлар сифатида 40 минг атрофида тирик ёки вафот этган одамлар реабилитация қилингани, улар қаторида Акмал Икромов, Болтабоев, Рустам Исломов, Акбар Исломов, Ортиқов, Исроилов, Болтаев, Усмонов, Хасанов, Манжара, Шодиев, Сулаймон Азимов, Муҳаммаджон Йўлдошевлар ва бошқалар бўлгани қайд этилган.

Реабилитация жараёни бундан кейин ҳам давом этган. 1989 йил 16 январда СССР Олий Совети Президиумининг раиси М.Горбачёв, Президиум котиби Г. Ментешашвилилар имзоси билан «30-40 ва 50-йилларнинг бошларида содир этилган қатағон қурбонларига нисбатан адолатни тиклаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу Фармонда шундай дейилган эди:

[1] Международный фонд демократия. Россия XX век. Реабилитация: как это было. Март 1953 – февраль 1956. Документы. Под редакцией академика А.Н. Яковлева. Москва, 2000, Стр 180–181.



Ўзбекистон зиёлилари биринчи съезди. Съезд вакилларидан бир гуруҳи Тошкент. 1956 йил

**1.** СССР Олий Совети Президиумининг ушбу Фармони эълон қилинган вақтга қадар бекор қилинмаган 30-40-йилларда ва 50-йилларнинг бошларида НКВД УНКВД «учликлари», ОГПУ коллегиялари ва СССР НКВД-МГБ-МВД «махсус йиғилишлари» томонидан қабул қилинган судсиз қарорлар бекор қилинсин. Мазкур органларнинг қарорлари билан қатағон қилинган барча фуқаролар реабилитация қилинган деб ҳисоблансин.

Ушбу қоида Ватан хоинлари, Улуғ Ватан уруши даврида жазоловчи отрядларида бўлганлар, фашист жиноятчилари, миллатчи жиноий тўдаларнинг аъзолари ва уларнинг шерикларига, жиноий ишларни сохталаштириш билан шуғулланган хизматчилар, шунингдек, қасддан одам ўлдирган ва бошқа жиноятлар содир этган шахсларга татбиқ этилмасин. Бундай шахсларга нисбатан чиқарилган ҳукмлар ва бошқа қарорлар устидан қонунда белгиланган шикоят қилиш тартиби амал қилинсин.

Ушбу модданинг қоидаларини қўллашда юзага келадиган бахсли масалалар СССР Бош прокурори, иттифоқдош

ва автоном республикалар, ўлкалар, областлар, Москва ва Ленинград шаҳарлари прокурорлар томонидан кўриб чиқилсин.

**2.** СССР Министрлар Совети ушбу Фармоннинг 1-моддасига мувофиқ реабилитация қилинган шахсларга нисбатан пенсия, уй-жой ва бошқа таъминотларнинг амалдаги қоидаларини татбиқ қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқсин.

**3.** СССР Адлия министрлиги ва СССР Прокуратураси СССР Ички ишлар министрлиги ва СССР Давлат хавфсизлик қўмитаси билан биргаликда фуқароларга ушбу Фармонга мувофиқ реабилитация тўғрисида хабар бериш тартиби белгилансин.

**4.** Халқ депутатлари маҳаллий советлари жамоат ташкилотлари ва жамоат ташаббускор органлари билан биргаликда реабилитация қилинганларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишда, шунингдек, қатағон курбонларига ёдгорликлар яратишда, уларнинг дафн этилган жойларини тегишли тартибда сақлашда зарур ёрдам кўрсатилиши таъминлансин.

Шу мақсадда халқ депутатлари ўлка, область, шаҳар Советларида, Иттифоқ ва автоном республикаларнинг Олий Советларида Халқ депутатлари ва жамоатчилик вакиллари орасидан комиссиялар тузилиши мумкинлиги эътиборга олинсин. СССР Олий Совети Президиуми раиси М.Горбачёв, СССР Олий Совети Президиуми котиби Т.Менташвили томонидан имзоланган[1].

Ана шу жараён Ўзбекистонда ҳам мустақилликка эришмасдан олдиноқ бошланган эди. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси биринчи раҳбари И.А.Каримов Ўзбекистондаги сиёсий қатағон ва унинг қандай кечгани, фожиали оқибатини очиб бериш, бегуноҳ қатағон қурбонларини оқлаш чораларини кўриш ташаббуси билан чиққан эди. Мустақилликка эришгач, бу борада бирин-кетин фармойиш ва қарорлар чиқди. Қатағон қурбонларини ўрганиш, уларнинг номларини абадийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майда эълон қилган Фармойиши ва 22 июлда Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» қабул қилган қарорлардан сўнг йўлга қўйилди. Ана шу ҳужжатлар асосида «Шаҳидлар хотираси» ҳайрия жамғармаси тузилди. Тошкентда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майда қабул қилган қарори билан «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида» Фармони чиқди. Фармонда шундай ёзилган: «Эл-юртимиз озодлиги ва эр-

[1] Реабилитация: Как это было. Март 1953 – февраль 1956. Документы. Под редакцией академия А.Н. Яковлева. Москва. 2000. стр. 180-181.

кинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналарини ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади...»[1]

Қатағон ва унинг фожиаси ҳақида биринчи бор Андижон давлат университети ва «Мерос» жамоат фонди номидан 1994 йили «Жертвы репрессии» номли китобимз 1000 нусҳада нашр этилган. Шундан сўнг 1937-1938 йиллардаги «Катта террор»нинг Ўзбекистондаги фожиаси тарихи ҳақида умумий ҳажми 226,7 босма табоқдан иборат 11 та китоб, Коллективлаштириш ва унинг фожиали оқибатлари ҳақида умумий ҳажми 209,6 босма табоқдан иборат 10 та китоб нашр этишга муваффақ бўлинди. Бу китоблар республикадаги «Қатағон қурбонлари хотираси» музейлари экспозицияларини тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур асарлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрдаги «Қатағон қурбонлари меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбилар тўғрисида»ги 5598-сонли Фармойишини амалга оширишда жуда катта манбавий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Фармойишда шундай дейилган: «Хориждаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий маърифий муассасалар ҳамда тегишли мутахассислар билан ҳамкорлик ўрнатилган ҳолда илмий экспедициялар ташкил этиш, ўрганишлар жараёнида аниқланган муайян сабабларга кўра реабилитация қилинмай қолиб кетган қатағон қурбонларини оқлаш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиб бориш, қатағон қурбонлари ҳаёти ва фаолиятини илмий тадқиқ этиш, улар ҳақида илмий-тарихий китоблар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратиш ишларини мувофиқлаштириш, қатағон қурбонларининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида улар туғилиб вояга етган ва истиқомат қилган маҳаллалар ва умумтаълим мактабларида хотира бурчакларини ташкил этиш кўрсатилган». Бу жуда катта методологик, концептуал моҳият касб этган пурмаъно фикрлар йўл-йўриқлар юртимизда оқ ва қизил империянинг олиб борган мудҳиш қатағон сиёсати ва унинг фожеали оқибатларини, мустамлакачилар томонидан халқимизга қарши қўлланилган геноцид амалиётини бутун бўй-басти билан фош этишда мислсиз катта аҳамиятга эгадир. Президентимиз томонидан қатағон ва унинг фожиали оқибатлари ҳақида чин хақиқатни тиклашга бағишланган қатор қарор, фармойишларнинг қабул қилиниши халқимизнинг қалбида узоқдан бери сақланиб келаётган ноҳақликларга адолат юзасидан баҳо берилишига бўлган ишончни тобора ортириб бормоқда. Қа-

[1] Халқ сўзи. 2001 йил 2 май.

тағон қилинганларнинг ҳозирги авлоди ўз ота-боболари, яқинлари ҳақидаги бор хақиқатнинг юзага чиқиши учун яратилаётган имкониятлардан беҳад хурсанд бўлиб, ўз аждодларининг тақдири билан астойдил қизиқаётганлиги қувоналарли. Айни шундай улуғвор мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ қилиш, халқимизни, айниқса, ёшларимизни ватанпарварлик, юрт ва миллатга садоқат билан хизмат қилиш руҳида тарбиялашда Юртбошимизнинг қатағон қурбонлари хотира китобларини яратишдек ташаббуси, саъй-ҳаракати билан Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти бўйича «Қатағон қурбонлари хотира китоблари»ни яратилмоқда. Улардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети тузилмасидаги «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ходимлари томонидан яратилган **«Қатағон қурбонлари хотира китоби Андижон вилояти (1865-1991 йиллар)»** номли китобдир.

## МУНДАРИЖА


«Учлик»лар ҳукми билан отувга ва гулаг лагерларига ҳукм қилинганлар ........ 3
Гулаг лагеридаги маҳбуслар ва уларнинг тақдири ........ 313
1940 – 1950 йиллар қатағонлари ........ 374
«Пахта иши» қурбонлари ........ 388
Хулоса ўрнида. Реабилитация ........ 435

*Изоҳ ва қайдлар учун*

*Илмий-оммабоп нашр*

# ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРА КИТОБИ

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

**(1865-1991 йиллар)**

**Муҳаррир:** Абдулла ШАРОПОВ
**Бадиий муҳаррир:** Баҳриддин БОЗОРОВ
**Техник муҳаррир:** Дилшод НАЗАРОВ
**Саҳифаловчи:** Иномжон ЎСАРОВ
**Мусаҳҳиҳ:** Маҳфуза ИМОМОВА

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009
Теришга берилди: 03.17.2021 й.
Босишга рухсат этилди: 16.04.2021 й.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. Офсет босма.
Ҳисоб-нашриёт т.: 44,8. Шартли б.т.: 47,04.
Адади: 1000 нусха.
Буюртма № 48

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20$^{А}$-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 216-87-81
e-mail: info@akademnashr.uz
web: www.akademnashr.uz